

Жаҳонгир Муҳаммад

ҚУВҒИН

Биринчи китоб

Бу китобни исми Мунаввару ўзи ёруғ кунларни кўрмаган, дардларга кул бўлган, ўн гулидан бир гули очилмай сўлган онаизоримнинг қалбимга оташ, шууримга нур, иродамга куч, бардошимга мадад ва устин бўлмиш муборак руҳларига бағишлайман. **Муаллиф.**

1. КИШАН

Ёнғоқнинг куртаклари қуёшни тўсиб турган барглари туртиб, "қорнини силаш" учун жой қидираётган пайт. Новча, мўйловдор бир йигит ёнғоқ баргини узиб олди-да, қўлида айлантириб ерга ташлади. Сўнг йўлакнинг ўзи келган ва қарши томонларига аланглади. "Нима гап?"

Қўлтиғидаги овоз узатгичдан келган сасдан у чўчиб кетди.

"Дарвозани тақиллат!"

У қўллари титраётганини сизди. Нега қўрқаяпти? Илгарилари бундай топшириқларга кўп борган. Нега бугун ўзини бошқача сезаяпти?

У Миртемирни телевизорда кўп кўрган. Дастлаб мозийга бағишлаб кўрсатув олиб боришганди. Кейин унинг фелъетонларини ўқиб турди. Бир кун ишхонасида висир-висир бошланди. Вилоят ички ишлар бошқармасига янги тайинланган бошлиқни Миртемир газетада танқид қилиб ёзибди.

Сўнг Олий Кенгаш мажлисида кўрди уни. Каримовга: "Бу юртни онангиз туккан эмас! Нега ҳаммани қувғин қиласиз?!" деганда уни тинч қўймасликлари кўнглидан кечганди. Лаънат шайтонга, дейиш керак экан. Мана энди...

Шарқ этиб дарвозанинг эшиги очилди.

-Ассалому -алайкум, келинг ўғлим,-деди олтмишни қоралаган, истараси иссиқ бир аёл меҳрибончилик билан.

-С...саломалайкум. Мен "Ленин йўли"данман, газетдан. Миртемир ака керак эдилар...

-У киши пойтахтдалар. Мен қайноналари бўламан. Бирор гапингиз бор эдими?

-Шундай...бирга ишлаганмиз. Бугун учрашувга келишган эдик.

-Агар ваъда берган бўлсалар, келадилар, болам, ичкарига киринг.

-Майли, кейинроқ келаман.

-Исмингиз нима эди? Нима деб қўяй?

-Абдулла, Абдулла келувди, деб қўйинг.

У шундай деди-ю зиппилаганича муюлиш томонга кетди.

-Нима гап?-деди уни машинада кутиб ўтирган ўрис йигит.

-Йўқ экан. Ҳали келмапти.

Ўрис йигит овоз узатгичнинг тугмасини босди:

"Мен тўртинчи. Объект уйида йўқ", деди.

"Тўртинчи. Панароқда кут! Объект ҳозир шаҳарга кирди. Сенга ёрдамчилар юбораётибман".

Орадан ярим соат ўтар-ўтмас оқ рангли "Жигули" ёнғоқ остига келиб тўхтади. Миртемир спорт кийимида эди. Салом-алиқдан сўнг қайнонаси:

-Абдулла деган йигит билан учрашувингиз бор экан. "Ленин йўли"да ишларкан, кечроқ келинг, деб қўйибман, -деди.

-Абдулла... "Ленин йўли" дедими ё ...

-"Ленин йўли" деди.

Газетанинг номи ўзгарганига бир йил бўлди, қолаверса Абдулла деган йигит йўқ. Абдулла ака, деган қоровул бўларди. У ҳам бўшаб, нонвойликка ўтиб кетганига кўп бўлди.

-Ая, мен болаларни олиб кетишим керак. Мени йўқотишга азм қилишибди.

-Ўғлим, ваҳима қилманг, бировни йўқотиш осон иш бўладими?

-Ая, уни билмайсиз. Жиннилиги тутса ўз боласини ҳам йўқотади, ҳали-ку мен...

-Яна бирорта гап ўтди-ми, болам?

-Аяжон, кейин тушунтирарман, кўнглим сезиб турибди, кеч бўлади. Тезроқ пойтахтга кетишимиз керак. Майли ўша ерда ушлаб қамашсин. Бу ерда менда хусумати бўлганлар бор.

-Ош дамлаганман. Меҳмонингизни чакиринг, бир чимдимдан еб олинглар, айланай болам, кўркманг, Худонинг ўзи асрайди.

-Майли болалар кийинаверишсин. Сиз ошни сузинг.

Миртемир шундай деб ташқарига чиқди ва "Жигули" ичида ўтирган йигитни ичкарига чорлади.

-Миртемир ака, мен овқатланганман, агар бироз вақтимиз бўлса, машинага бензин қуйиб келай. Йўлда борми, йўқми?-деди хайдовчи йигит.

-Бензинни йўлдан топамиз. Қани ичкари кирайлик, ош тайёр!-Миртемир шундай деб кўча бошига қаради. Иккита машина турарди.

-Кузатишаяпти, аблахлар. Ҳеч бўлмаса кўринмасдан кузатишса экан. Қанча-қанча ўғри, муттаҳамлар бор, уларни кузатишса-чи?!-деди бироз қизишиб.

-Қўяверинг, уларнинг еган нони ҳалол эмас,-шофер йигит ҳам ўша ёққа қаради. Машинада ўтирганлар милтиққа ўхшаган нарсани кўрсатиб қўйишгандай бўлишди.

-Суратга олишди. "Фоторужье" дегани шу,-тушунтирди Миртемир.

Улар ичкарига киришганда дарвозахонадаги стол устига бир товоқ ош қўйилганди. Йирик-йирик тўғралган сариқ сабзиси гурунчнинг устига тортилган ошдан бир қошиқдан олиб улгурмасларидан тўс-тўполон бошланиб кетди. Машиналар бирин-кетин катта тезликда келиб, "ғийиллаган"ча тўхтаб, ичидан бақувват-бақувват йигитлар отилиб тушиб, ичкарига босиб киришарди. Бир зумда дарвозахона одамга тўлди. Ҳовлининг атрофи машиналар билан "ўраб" олинди.

-Ҳеч ким қимирламасин,-деди ичкарига кирган бўйи узун киши.

-Нима гап, Рустам?-дея ўрнидан турди Миртемир.

-Рустам, пуштам йўқ. Сен қамокқа олиндинг! Қани қўлига кишан ур!

Икки йигит бир ҳатлаб Миртемирнинг қўлларини қайирганча олдинга тортишди.

-Дадажон, дада,-деб югуриб чиқишди эгиз қизлар Фотима ва Зухра.-Дадамни қўйиб юбор, дада...дада...

-Болаларни ичкарига олиб кир!-буйруқ берди Рустам ўрис йигитлардан бирига. У гўдакларни чинқиратганча ичкарига итарди.

-Болаларга тегма, номард,-деди кўз ёшларини артишга улгурмаган аёл. У Миртемирнинг умр йулдоши -Роҳила.

-Номард кимлигини кўрсатиб қўяман! Ўчир овозингни!-деди Рустам унга.

-Аёлга бақирманг,-Миртемир Рустамга юзланди.

-Аёлмиш...Аёлини ўйлаган эркак уйида жим ўтиради. Ким қўйибди сенга арбоблар билан ўйнашишни?!

-Сиз аввал менга санксияни кўрсатинг! Тинтув қарори қани?

-Бу жинни-пинни бўлганми? Балки, ҳали адвокат ҳам сўрар. Қани тинтувни бошланглар!

-Аввал булар қўлларини, чўнтақларини кўрсатишсин. Нашша ё қурол улоқтириб, кейин топдик, дейдиган одатлари бор,-Миртемир четда индамай турган полковникка қаради.

-Қўрқманг, нашша ёки қурол топиш керак бўлса, кейин ҳам қоғозга қўшиб қўяверамиз, - деди у масхараомуз оҳангда.

-Унда қўшнилари чакиринг.

-Бизнинг ўз "қўшниларимиз" бор,-деб кулди у яна.

Босқинчилар оёқ кийимлари билан хоналарга отилиб кириб ҳамма ёқни тита бошлашди.

-Сизлар нега қараб турибсизлар?-Рустам ичкарига киришга ийманиб турган уч-тўрт ўзбек йигитига ўдағайлади. Ёки, сизларга алоҳида таклиф керакми?

Йигитлардан бири оёқ кийимини ечди-да, "Ўзр, янга" деб ичкарига кирди. Қолганлари ҳам худди йўқотган нарсасини топган болалардай енгил тортиб шу ҳолни такрорлашди. Фотима гоҳ дадасига, гоҳ миршабларга қарай-қарай, кўрқа-кўрқа дадасининг ёнига келди. Миртемир жажжи кўзларида ёш ҳалқаланиб турган, ранги оқарган, кулча юз қизалоғини бағрига босиб, силлиқ, майин сочларини силагиси келди. Кишан...Шунда ҳам икки қўлини бирваракайига кўтариб қизига интилди.

-Қўлингни торт!-ўшқирди Рустам.

Фотима чўчиб тушди. "Ҳик-ҳик" этиб йиғлай бошлади.

-Сен пайғамбарнинг неварасимсан, нега бақирасан?-Миртемир анчадан буён жиловлаб турган жаҳлини "қўйиб" юборди.

-Сансирама!

-Сизлашга арзимаёсан! Сени одам деб юргандим. "Ака, ака" деб ликанглаб келардинг-ку! Бу қизалоқнинг туғилган кунида айтилмаган меҳмон бўлиб келмаганмидинг?! Сени туз уради!

-Мен сени танимайман! Ҳали тухматга ҳам устаман, дегин. Тагин миллат, Ватан ҳақида гапирармиш бу киши!

-Дастурхонимиздан еган нонларингиз кўр қилади сизни,-деди Роҳила. -Эҳ, дадаси, ана сизга дўсту биродар, ана сизга халқингиз.

-Булар халқ эмас, булар халқнинг чиқиндиси, қўй, йиғлама, Роҳил, ҳаммаси яхши бўлади.

-Яхши бўлади... Қани кел бу ёққа қизим. Энди дадангни олиб кетишади... У қизини бағрига босиб, юм-юм йиғлар эди. Миртемир эзилиб кетди. Эҳ, Роҳил, сени қийнаб юбордим. Мен билан қанча азобларга шерик бўлдинг? Азоб, таҳқир кўриш учун туғилган экансан-да. Уйимизни ёндириб юборишганда, икки қизинг билан қор устида қолдинг. Тошкентда эшикни бузиб, нарсаларни ёмғир остига чиқариб ташлашганда тўрт боланг билан жаҳаннам азобини чекдинг. Мен мажлисда сўзлаётганимда уйга бостириб кириб, сизларни кўркитишганда, дунё кўзингга олов бўлиб кўринди. Ҳаммасига чидадинг, бунга ҳам бардош топасан!

Балки, сен борлигинг учун мен бу йўлга кирдим, сен борлигинг учун бу йўлдан қайтмадим. Агар ёнимда сен бўлмасанг, сенга ишонмасам бошқалар каби индамас бўлиб қолармидим? Лекин сенинг айбинг нима? Сочларингга оқ оралади. Хасталик орттирдинг. Сен ҳам бошқа аёллар каби башанг кийиниб, меҳмондорчиликларда, тўйма-тўй, томоша-томоша юришни истарсан, балки?! Йўқ, сенинг бахтинг, шодлигинг тўрт боланг! Уларнинг табассуми тўй, қаҳқаҳаси томоша. Биламан, ҳозир ҳам ўзинг ҳақингда эмас, мен тўғримда

ўйлаяпсан. Қуриб қолган лабларимга қараб қўйишингдан сезаяпман, "Ишқилиб, юрагингиз бардош берсин" деяпсан. Тангридан илтижо қилиб, менга омонлик истаяпсан. Онанг, Саломат аяга ўхшайсан. Доно аёл. Бир четда кузатиб турибдилар. Фақат менинг кўзимга боқадилар. "Болам, кўркманг", дедилар, боя. Нахотки кўркқанга ўхшадим. Рангим ўзгардими? Фақат, фақат лабим қуриб қолаяпти. Бирор айбим, жиноятим бўлса-ки, кўрксам. Шундай бўлишини билардим. Мана булар аллақандай қоғозлар қидиришаяпти. Билишмайдики, уларни қизиқтирган хужжатлар уйда сақланмайди... Икки йигит Миртемирнинг хонасидан аллақандай қоғозларни олиб, бош силтаб ўқиб чиқишди. Кейин Миртемирга кўз қисиб, уларни "кераксиз" уюмга қўшишди. ...Имо-ишора билан хайрихоҳликларини билдиришмоқда, ўйлади Миртемир. Ҳа, бу йигитлар гап нимадалигини тушунишади. Лекин фикрларини айтолмайдилар. Нима ҳам қилишсин?! Бу ишга осонликча ўтишмаган. "Ғинг" дейишса, патталарини қўлларига тутқазишади. Улар шошмасдан, бепарволик билан тинтишарди. Рустам эса жонбозлик кўрсатиб, хонадан-хонага ўтар, йигитларни дўқларди.

Бир ўрис йигит муҳим ҳисобланган қоғозларни рўйхатга ола бошлади. Газетачининг нимаси кўп, қоғози. Баъзиларини эринмай охиригача қизиқиб ўқишарди. Олтита папкада одамлардан келган хатлар бор эди. Уч соатлар чамаси ўқишди.

Рустам Миртемирнинг ёнига келиб, унга эшиттириб:

-Булар бир пиёла чой ҳам беришмайди,-деди.

-Ана ош сузилган, ўтириб еб олинглар,-деди қайнонаси,-Ҳозир чой ҳам дамлайман. Миртемир мийиғида кулиб қўйди. Рустам тик турганча совуб қолган ошдан икки-уч қошиқ еди. Кейин қўлтиғида папка тутган полковникка ишора қилди. У индамади. Тинтув саккиз соат давом этди. Бу орада элликка яқин машина келиб кетди. Миртемирнинг қариндош-уруғлари келишди. Уларни ҳовлига киритишмади. Полковникнинг қўлидаги овоз узатгич ишлаб турарди. "Объектни генералнинг ҳузурига олиб келинглар. Тинтувни якунланглар. Нима, тилло топдингизларми, бунча чўзилиб кетди?", деган овоз келди ундан оқшом чоғи.

Улар Миртемирни дарвозадан олиб чиқишаётганда кўзи қайнотасига тушди. Бир кунда букчайиб қолибди. Чироқ ёруғида юзи тундлашгани сезилиб турарди. У Миртемирни қучоқлаб олди.

-Ўғлим, бардошли бўлинг. Эркак киши букилмайди. Болалардан хавотир олманг. Сизни ота-онангизнинг арвоҳлари қўлласин...

"Ота-онангиз..." "Бу сўзлар Миртемирнинг қалбини эритиб юборди. Қалби томчиларга айланиб, кўзига югурди. Ўзини аранг тутди. Ота...Отасини ўлдиришганига йигирма йилдан ошди. Қотиллар қолиб, бошқалар қамалиб кетди. Онаси қирқ икки ёшида камқонлик касаллигидан кўз юмди. Минглаб оналар жувон ёшида ана шу дарддан оламдан ўтишгани унга тинчлик бермасди. Уни сиёсатга бошлаган ҳам шу дард. Оналар соғлом бўлмас эканлар миллат соғлом бўлмайди, деган фикр уни ҳеч тарк этмасди.

-Миртемир ака, узр, бироз қўполлик қилдим. Ана у ифлос полковник бошлиққа "Бу иккаласи дўст", деб айтибди.

Рустамнинг гапи Миртемирнинг хаёлларини бўлди. Нима деяпти? Шу қадар кўрқок, ожиз эдими у? Ўзи қандай танишишганди? Ҳа, Пайариқда. Бир кишининг бўхтон билан қамалгани боис борганди, Миртемир. Ўшанда Рустам унга қўшилиб юрди. Ҳақиқатгўй йигитга ўхшагани учун Миртемирга маъқул бўлди. Кейин у вилоятга ишга ўтганда Миртемирникига келиб-кета бошлади. Киши шу қадар ҳам ўйинчи бўларкан-да?! Асли ўйинчи бўлмаганларга оғир. Юрган йўлда калтак ейдилар. Бундайлар эса...

2. ТЎХТАЕВ

Миртемир Рустамга жавоб қилмади. Машина бир зумда вилоят Ички ишлар бошқармасига етиб келди. Олдинда, орқада бир неча машиналар кузатиб келди. Миртемирни олиб тушишаркан, миршаблар томошага чиқишганини кўрди. Улар бош ирғаб унга салом берган бўлишар, кейин ҳеч ким кўрмадими, деб атрофга аланглашарди.

Рустам "5" рақами ёзилган тугмани босди. Лифтга яна икки қуролли йигит ҳам чиқди. Нега бу қадар ваҳима, ўйлади Миртемир. Буларнинг бошқа иши йўқ-ми? Бугун юздан зиёд киши у билан овора.

Генерал ўтирадиган хона эшиги очиқ экан. Бошлиқ ўрнидан туриб, эшик томонга юрди.

-Кишанни еч,-деди. Сўнг:

-Салом,-деб кўлини узатди Миртемирга.

Миртемир генералнинг юзида аллақандай ҳорғинлик сизди. Кун бўйи хонасидан чиқмай ўтиргани, "операция"га бошчилик қилгани сезилиб турарди.

Илгарилари бу хонага Миртемир кўп келган. Генерал ҳар қандай шошилиш иши бўлса ҳам уни дарров қабул қиларди. Тугмани босиб қаҳва буюрарди. Кейин иш оғирлигидан нолирди.

Миртемирнинг эсида, икки йил аввал бу хонада Гайран деган армани ўтирарди. Боқуда озарбайжонлар билан арманлар ўртасида тўқнашув чиққанида Гайран бир кечада 200 нафар қочқинни шаҳарга ғайри расмий ерлаштириб, ҳужжатларини қонунлаштириб берган.

Ўшанда вилоятга Пўлат Мажидович "биринчи" бўлиб келган кунлар эди. Миртемир катта йиғинда масалани очди. Жанжаллар бошланди. Охири Гайранни қўшни вилоят ички ишлар бошқармасига бошлиқ муовини қилиб кўчиришди. Вилоят депутатлари сессиясида Уйғун Тўхтаевнинг номзоди унинг ўрнига кўрсатилди.

Сессия баҳслар билан ўтаётган эди. Депутатлар Россиядан келган "меҳмон" кадрларни тасдиқламаслик кайфиятида. Вилоят ижроия қўмитаси раисининг муовини Леонов биринчи бўлиб "синди".

-Бу киши Россиядан эмас,-кулди Пўлат Мажидович,-Пойтахтдан. Биз бирга ишлаганмиз.

Кейин Тўхтаев ўзи ҳақида гапирди.

-Мен ҳам санъаткор оиласиданман,-деди у,-Радио, телевизорда классик ашулаларни айтадиган халқ артисти Нилуфархон Тўхтаева умр йўлдошим бўладилар.

Залда енгил кулги бўлди. Миртемирнинг унга раҳми келди. Нима бўлса ҳам тасдиқланишини истаяпти. Балки одамларда раҳм-шафқат уйғотмоқчидир? Балки меҳр қозонмоқчидир? Ахир биз машҳур одамларга бошқача қараб ўрганмаганмизми? У кўп истиҳолага бориб, сўзга чиқмади.

Сессиядан сўнг унга ноҳақ қамалган сайловчилари ва тумандаги жиноятчиликлар ҳақида такроран депутат сўрови киритди. Тўхтаев бир ҳафтадан кейин жавоб қилди. Жавоб илгари Гайран ёзган жавобнинг нусхаси эди. Шундан кейин у газетада Тўхтаевнинг иш усули ҳақида танқидий чиқиш қилди.

Бир кун Тўхтаев сим қоқиб:

-Миртемир ака, бу ерда ишлаш оғир экан. Илтимос, менга маслаҳатлар бериб тулинг,-деди. Тушунадиган одам экан деб, тез-тез учрашиб турди. Ораларида самимият бор эди. Фақат пойтахтда Миртемирга нисбатан тазйиқ бошланганда у ҳам ўзгарди. Миртемир сургунга учраб, шаҳрига келиши ҳамоноқ ортидан кузатувчилар, айғокчилар қўядиган одат чиқарди. Бир куни Миртемир кузатувчини ушлаб олди. У ҳақиқатдан ҳам Тўхтаевнинг одами экан. Миртемир Ислом Каримовга, Олий Мажлисга ва Бош Прокурорга депутатлик сўрови

ёзди. Халқ депутаты ҳақидаги ва бошқа қонунларда қайд этилган ҳуқуқлари топталгани учун Тўхтаевга чора кўрилишини сўради.

Орадан ҳафта кечиб, Тўхтаевга генерал унвони берилди. Миртемир тушундики, Тўхтаев ижрочи. Ўзи билмасдан унинг "яхши" ишлаётганини юқоридагиларга қайд этибди.

-Ўшанда генераллик унвонимга қўл қўймай қайтаришганди. Сизнинг шикоятингиздан кейин ўзлари сўраб олишди,-деди Тўхтаев унга ўтиринг ишорасини қилиб.-Агар сиз Гайранга қарши чиқмаганингизда бу жой менга насиб қилмасди. Қарангки, тақдир экан, ука, энди сиз билан машғулмиз.

-Ҳар ҳолда бу сафар қаҳва буюрмасангиз керак, тақсир.-деди Миртемир.

-Ҳозир буюрамиз-да, ука...

У эшик ёнида тик турган ёрдамчисига қаради:

-Окангга қаҳва олиб кел, аччикроқ бўлсин,-деди.

-Хўш...ўзи ёмон йигит эмассиз. Халқ деб кайғуриб юрибсиз. Куюнчасиз. Лекин ука, одамлар яхшилиқни билишмайди. Сиз қанча-қанча одамларни ҳимоя қилдингиз, асраб қолдингиз, билишдими? Билишмайди. Дўстингиз ҳатто ёмонлаб мақола ёзди. Бу дунё шунақа. Мансабда бўлсангиз қуллуқ қилишади. Йиқилган кунингиз устингизга чиқиб тепишади. Қани энди сизни биров ҳимоя қиладими?!

Сизга битта ҳикоя айтиб бераман. Бир бой одам бор экан. Дунё кезиб бир шаҳарга келса, одамлар очдан ўлаётганмиш. Бутун бойлигини сарфлаб уларни сақлаб қолибди. Ҳамма куч йиғиб, иш-иш билан кетибди. Ҳалиги бой бирдан хасталаниб қолибди. Табиблар дори-дармонга кўп пул сурашибди. Юртига қайтиб кетишга ҳам имкони йўқ. Хасталиги кучайиб кетаверибди. Табиблар ташвишга тушибдилар. Чунки хасталик юқумли экан. Кейин халқ ҳам ташвишга тушибди. Йиғилиб бир қарорга келибдилар. Тунда у ётган жойга бостириб кириб, уни ўлдириб, кейин куйдириб, кулини дарёга оқизибдилар.

Ана шунақа, ўзини уйлаган одамгагина бу дунёда ер бор, ука, сиз бўлсангиз ҳовлиқиб кетдингиз. Мансаб, ишончни халқ йўлида сарфлайман, деддингиз. Ҳам мансабсиз, ҳам ишончсиз қолдингиз...

Миртемир жавоб қилмади. Уйғун Тўхтаев узоқ гапирди. Насихат устига насихат. Ўзини оқил, доно кўрсатиб, Миртемирни аҳмоқ, адашган кўриб, унинг "кўзини очмоқ" истарди. Миртемир хайрон. Бу гаплар нимага керак? Нима истайди бу одам? Нега вақтни чўзаяпти? Ёки шу қадар бекорчимики, суҳбатдошга зориқиб ўтирган экан? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор. У ниманидир ё кимнидир кутаётди...

Шу орада телефон жиринглади.

-Нега бермайди? Боши нечта? Бу каттанинг топшириғи эканлигини биладими, ўзи? – у шундай деб жаҳл билан телефон дастагини қўйди. Сўнг Миртемирга юзланди.

-Қаранг-а, прокурор санкцияга имзо чекмабди. Бахтингиз бор экан, шекилли? Шунақа мардлар ҳам топилади.

У қаергадир сим коқа бошлади.

-Пўлат Мажидович келдиларми? – деб сўради.-Яхши. Келишлари билан менга хабар қилсангиз. Давлат аҳамиятидаги муҳим масала бор.

Кейин кўп нуқтали дастагнинг бир тугмасини босди.

-Катталар қаерда?-деб сўради.

-Ҳозир Каттақўрғондан Адлия вазири Алишер Мардиевнинг маърақасидан қайтишди. Шу дамда ҳокимнинг дала ҳовлисида. Вазиримиз ўртоқ Алматов, республика МХХ раиси Алиев ҳам ўша ердалар, ўртоқ генерал!

-Яхши мени хабардор қилиб тур!-Генерал ўзи айланадиган стулда "лиқ" этиб яна Миртемирга юзланди:

-Кўрдингизми ука, сизни деб одамгарчиликдан ҳам қолдик. Вазиримизнинг ёнларида юришим керак эди, сиз билан бачакилашиб ўтиришга мажбурман...

Миртемирнинг хаёли оиласида. Нима қилишаётган экан?

Хавотирланмаса ҳам бўлади. Қайнотасининг гаплари унга далда бўлди. Ақлли, кўпни кўрган одам. Гапиришни эмас, эшитишни яхши кўради. Одамни бир кўрганда танийди. Олма артишига қараб кишининг феъл атвори ҳақида хулоса чиқара олади.

Эсида миллат вакили бўлган кунлари эди:

"Болам пойтахтга бораяпсизу кўнглим беҳузур,-деди у.-Оддий одамларни севмайдилар. Умуман ҳукуматга кўп яқин юрманг".

Ўшанда Миртемир қайнотасидан бироз ранжигандек бўлганди. Вақт кечгани сайин қайнотаси ҳақ эканлиги исботланди.

Унинг хаёлини генералнинг гапи бўлди.

-Сизни баъзилар йўлдан оздиришди. Ишонувчан йигит бўлганингиз учун алдашди. Ўзлари четда қолиб, сизга ўхшаганларни илгари суришди.

-Бу масалада сиз ҳақ эмассиз, таксир...-Миртемир ниҳоят жавоб қилди.

Шу пайт телефон жиринглади.

-Эшитаман! Лаббай!-генерал ўрнидан туриб гаплаша бошлади. У "хўп", "хўп" дер экан ранги бироз ўзгарди. Жаҳли чиқа бошлади.

Телефон дастасини ерига қўйди-да Миртемирга ўдағайлай кетди:

-Сен жўжахўрозга китоб ёзишни ким қўйди? Қачондан бери ёзувчи бўлиб қолдинг? Мард бўлсанг отингни қўйиб ёзмайсанми? Қанақа террор ҳақида ёздинг? Алматов сенга нима ёмонлик қилди?

Саволлар тошдек ёғила бошлади. Генерал бошқа одамга айланди. Шу пайтгача кўрсатиб ўтирган илтифоти тугади. Энди у ишга киришганди.

Ким билан гаплашди экан? Вазир биланми? Қайси китоб ҳақида сўраяпти? Ҳа, "Эрк йўли" китоби. Уни Миртемир ёзган эмас. Лекин ичида унинг хотиралари ҳам бор.

-Сендан сўраяпман, китобни қачон ёздинг? Қаерда чиқди?

-Бу сўроқми?

-Сўроқми – пўроқми, жавоб бер!

-Олдин менга қамоққа олинишим ҳақидаги ҳужжатни, уйимни тинтув қилиш ҳақидаги қоғозни кўрсатинг!

-Сен бақирма, бола!

-Бақираман. Бу ер Чили эмас. Ҳар бир ҳаракатингизга жавоб берадиган кун яқин...

-Жавоб берадиган кун келди. Фақат мен эмас, сен жавоб берасан!

-Мен жавоб бермайман сизга. Олдин ҳужжатларни кўрсатинг...

-Ҳужжат!-генерал "мана ҳужжат" деб унга тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди-ю, бунга жасорати етмади, шекилли, қўллари Миртемирнинг бошида тўхтаб қолди.-Ҳали тилингни суғириб оламан сени!

Яна телефон жиринглади.

-Ассалому-алайкум, Пўлат Мажидович, генерал яна юмшоққина бўлиб қолди.-Ҳа, мен кўнғироқ қилгандим.... Гаплашдим, каттакон маслаҳатчиларига кўрсатма берибдилар. Лекин... кейин гап-сўз бўлиб кетмасмикан? Буларни қийнаб-қийнаб одам қилиш керак. Балки ўзингиз оқсоқол ёки маслаҳатчилари билан гаплашасизми? Ҳеч бўлмаса бир-икки ой вақт керак. Эртагаёк бу хабар чиқса, одамлар кўтарилиб кетиши мумкин. Кременоген

шароит оғир. Уйининг ёнида ҳам анча-мунчаси ўралашиб юрибди. Уларни "обработка" қилиш, тайёрлаш керак...

Пўлат Мажидович нимадир деди. Генерал:

-Яхши, мен кутаман. Ўзимда бўламан. Ҳа, ҳамма ёқда одамларимиз бор,-деб суҳбатни якунлади.

У гапини тамомлаб, яна Миртемир ўтирган томонга ўтди:

-Кўрдингизми, яна мен жонингизга аро кираяпман. Ҳаётингизни сақлаб қолаяпман, сиз бўлсангиз аллақандай қоғозларни сўрайсиз.

Бирдан эсига нимадир тушди-ю, у шошиб телефон ёнига борди. Уч рақамли номерни терди.

-Алло! Кечирасиз, Пўлат Мажидович! Бу прокурор санкция бермаётганмиш... Яхши...яхши... кутаман.

У тугмали дастагни босди. Қизил чироқ ёнди.

-Эшитаман, ўртоқ генерал!

-Ҳозир тезда тайёрагоҳга етиб бор! Вазир қоғоз берадилар. Тезда олиб кел!

-Кетдим, ўртоқ генерал!

-Кўрдингизми, сизни деб вазирни ҳам кузатишга чиқолмадим. Ўзи қанақа китоб эди? Тагин чет элга борибсизми? Нима бор эди? У ерда сизга нон пишириб беришармиди? Газетага ёзибсиз, яна. Ўзимизда газета камлик қиладими? Четга бориб, Ватанга тош отишга ор қилмадингларми? Энди мустақил бўлганимизда уни йўқотмоқчимисизлар? Йўқ, йўл қўймаймиз. Бунга осонликча эришганимиз йўқ. Москва деган балодан аранг қутилдик...

Қутилганмиш, ўйлади Миртемир. Ҳамма гап шунда-ку! Москванинг кули бўлиб ўтиришибди. Ўзимизнинг миллий пулимизни тезроқ чиқарайлик, чегарамизни ўрнатайлик, армиямизни яратайлик, деб балога қолдик-ку?! Булар кечагина "Мустақиллик – офат" деб ўтиришган эди. Дарров ўзгариб қолишди-я? Ўзгаришади-да! Шу бир соатнинг ичида неча марта турланди-ю...

Одамзот қизиқ! Уни тушуниш амри маҳол. Кунимиз ана шундайларга қолгани учун ҳам аҳвол оғирлашиб кетаяпти. Қанча-қанча ишлар бор. Кимнингдир уйига ўғри тушаяпти. Кимнидир ўлдиришди. Булар эса нима билан машғул? Давлат аҳамиятидаги масала эмиш... Яна телефон жиринглади.

-Эшитаман, Пўлат Мажидович! Хўп...хўп... Кечирасиз... Хўп... хўп...

Генерал телефон дастагини шарақлатиб қўйди-ю, бирдан тутоқиб кетди:

-Кўрдингми, сен бадбахт учун шундай улуғ одамини "онангни" деб сўкибдилар. Орага тушган одам тил тортмай ўлади-я...

"Онангни" деб ким сўкишини Миртемир яхши билади. Бу генерал учун янгилик. Аммо пойтахтдаги ҳамма раҳбарларнинг кунлик эшитадиган "раҳмати" бу. Эсида... Уни ойнаи жаҳонга раҳбар этиб тайинлашди.

-Оқ йўл!-деди ўша ҳаммани онангни деб сўкадиган катта.

-Раҳмат, лекин икки шартим бор,-деди Миртемир.

-Шарт билан туғилгансиз-да, қани нима экан?

-Аввало, бошқа раҳбарларга ўхшатиб мени ҳам "онангни", деб сўкмайсиз. Ўша куни телевизордан жавоб қиламан... кейин отиб ташласангиз ҳам. Сўнг... Эртадан бошлаб мени ёмонлаб келишади. Дарров хулоса чиқармасдан, юзма-юз қўйиб, кейин чора кўрсангиз...

-Мен (...) эмасман, билдингизми? Кимни сўкишни биламан, ука. Сизга битта мисол айтиб берай: Госснаб бошлиғини биласиз, Шарипов. Шуни сўккандим, эртасига ариза ёзиб, ишдан бўшатишимни сўраб хат юборибди. Касал бўлиб қолибди. Ўғил бола экан, қўнғироқ қилиб кечирим сўрадим...

Генерал ҳамон савол ёғдирарди. Миртемир жавоб қилмаётганидан аччиғи чиқиб, хонада у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа бориб келарди. Бўйи паст, қорни катта одам қайси бир ҳайвончага ўхшаб пилдираб юрганга ўхшаркан, тез юганда. Миртемирнинг кулгиси қистади. Лекин куладиган пайт эмас. Масала жиддий. Президент фикридан қайтмабди.

Бу фикр унда икки йил аввал пайдо бўлганди. Ўшанда Олий Кенгаш мажлисидан кейин устози Аҳмаджон акани чақириб, "Бу болангни қамокда чиритаман, ўлдириб юбортираман" деган экан. Кейин ҳам яна айтган. Ўзига ҳам бир марта айтди. Икки-уч топшириқ берди-ю, айтган одамлари уддаламади. Наҳотки, энди унинг нияти амалга ошса?! Наҳотки бу генерал шунга боради? Қўрқаяпти, қўрқади ҳам. Бир кишини ўлдириб юбориш осондир балки, унга. Лекин бугунги шов-шувлардан кейин қийин. Ҳамма тушунади. Билдирмасдан қилишганда бу ишни, балки бўларди? У ҳам қийин. Ўтган йили касалхонада уринишди. Яқинда пойтахтда номерсиз машина билан "туртиб" кетмоқчи бўлишди. Қирқ йил қирон келса ҳам ажали етган ўлади, дейдилар. Худо кўриб турибди ҳаммасини.

Ўлим...ўлим нима ўзи? У қачон келади? Қандай келади? Ўлимдан кўркиш керакми? Ўлимни севиш керакми? Бу дунё азоб деймиз? Лекин яшашни яхши кўрамыз. У дунё ҳақиқий ҳаёт деймиз. Аммо ўлимдан кўрқамиз. Нега?

Барча чалкашликлар, адолатсизликлар ўлим олдидаги кўрқув сабаб дунёга келмайдими? Агар бу генерал ўлимдан кўрқмаса, яшашни севмаса бу қадар турланармиди?!

Ўлим киши билан ёнма-ён юради. Фақат уни кўрмаймиз. Ёнимизда эканлигини ҳис қилмаймиз. Уни эслашдан кўрқамиз, ҳатто. Хаёлан, руҳан ўлимнинг ичига кира оламызми? Кира олсак, унинг "уйи"дан ўта олсаккина эркин яшай оламыз.

Балки ҳаёт ўлимдан сўнг бошланар? Балки кишининг руҳи бу дунёда "кезиб юрар"? Балки...Тўхта, нималар ҳақида уйлаяпсан? Дарров ўлимни буйнингга олдингми? Инсондек кўникувчан жонзот йўқ. Шунча тез ўлимга кўникдингми? Ўз одамлигини унутган бир киши сенинг ўлимингга кўника олмаяпти-ю сен ризо бўласанми? У ўз ўлиmidан кўрққани учун сенинг ўлимингга кўника олмаяпти?! Сен эса...

Тўхта! Ҳали курашмоқ учун вақт тугамади. Ўлимнинг ҳам вақти, жойи бор. Буларнинг қўлида ўлиш бадбахтлик эмасми? Ўлсанг ҳам марднинг қўлидан ўлмок керак. Ҳозир эса бу ҳақда ўйлашнинг фурсати эмас. Дарров ўлдириб юбормайди. Унинг ўз ўлиmidан кўрқуви бунга йўл бермайди. Унинг кўрқуви – сенинг фурсатинг....

Эшик тақиллаб, новча йигит кирди:

-Рухсат этинг, ўртоқ генерал!

-Олиб келдингми? Қани...

Генерал папкани очиб қоғозларни титкилай бошлади. "Эрк йўли" китоби. Уни кўпайтиришибди. Тавба, булар эринмай китобни ҳам кўпайтиришади. Сатрларнинг остига чизилган, четига саволлар қўйилган. Генерал эринмай ўқий бошлади.

Орада:

-Бутун дунё тарихини ёзибсан-ку!-деди-Бу занжирлар ниманинг белгиси? Ҳа, ҳақорат бу! Тузумга, Ватанга, миллатга ҳақорат. Ўхў, шеъри ҳам бор-ку! Хўш, шеърини кейин ўқиймиз. Қани-қани...

У аввал пичирлаб ўқий бошлади. Кейин варақларни тез-тез ўтказиб ниманидир қидира бошлади.

-Эҳ-хе. Ўзларинг шахсга сиғинишни ёмонлаб, бу президент бўламан деган хўққини роса мактабсанларку-а? Қизик... Қизик...

Ростдан ҳам у қизиқиб кетди. Тугмани босиб, қаҳва буюрди. Кейин ялтайиб ўтирганча ўқишни давом эттирди. Китобдан бошини кўтаролмай қолди. Кейин бирдан ўрнидан туриб кетди:

-Ҳа, мана топдик. 75-бет,-у овоз чиқариб ўқий бошлади: "Шу ўринда Олий Кенгаш 10-сессияси ҳақида батафсилроқ тўхташ керак, деб ўйлаймиз. Сессия арафасида муҳолифат лидерининг бошини ёриб, касалхонага ётқизишди". Тўғри қилишган ётқизиб,-ўзидан қўшди генерал.-Хўш... Хўш...

У ости чизилган сатрларни ўқий бошлади:

-Мамлакатда диктатура ўрнатилди... Муҳолифат вакиллари очикчасига террор қилишмоқда... Мана бу гувоҳнома, ихм, ихм, мана бу овоз узатгич... Бу буюмлар қўлга тушиб қолган фуқаро кийимидаги Иззатилло Сулаймонов деган миршабнинг ёнидан чиққан...Так Так... Биласанми? – генерал Миртемирга кўрсатгич бармоғини ниқтади.- Ҳозир ана шу Иззатилло ариза ёзади, тамом, прокурор ҳам (...) бўлади.

У тугмани босди. Ҳеч ким жавоб бермади. Бошқасини босди.

-Семерка қани?-деб сўради.

-Шу ерда эди...

-Соат неча бўлди?-унинг қўлида тилло соат ялтираб турган бўлса-да қарашга фурсати йўқ эди, шақилли.

-Соат 21.15.

-Яхши. Топ уни, менга кирсин! Хўш давом этамиз: "Муҳолифат раҳбарияти сессия очиладиган кун юз минг кишилик митинг қилайлик, деган таклиф билан келди. Ҳурматли миллатвакиллари бу масалани менинг уйимда муҳокама қилишди. Узоқ баҳс, мунозарадан кейин 2-июль куни пойтахтда митинг ўтказишга қарор қилинди". Яхши... яхши... Яна битта айб бор...

Миртемирнинг ёдига уйида тўпланишгани тушди. Муҳолифат раҳбарларидан бири "Митингга қўшиласизларми?", деб сўради. Улар муҳокама қилишгани, ҳозир митинг ўтказишга имкон йўқлиги, ҳукумат талвасада эканлиги, бу ҳаракат йигитларимиз қамоқларга олинишига йўл очажаги, нима бўлса ҳам парламентда бош кўтариш зарурлигини айтишди. Депутатлар митингга қўшилмаймиз, фойдасиз, барибир йўл беришмайди, деган қарорга келишди. Миртемир ҳам шундай ёзганди. Китоб таҳририда ўзгартиришибди.

Аслида китобни бир олим ёзган ва Миртемир ҳам ўқиб берганди. Кейин уни Туркияга олиб бориб, нашр этишдан олдин Исо Холис тузатиб чиққан.

-Нега бундай қилдингиз?-деганда,

-Шу керак бўлди,-деди Исо Холис.

Ўшанда қаттиқ ранжиган эди. Нега ўзгартирди? Дўстлари ўқиганда Миртемир ёлғон ёзибди, деб ўйлашади. Қолган гапларга ҳам ишонишмайди, деб хижолат бўлганди.

Илгари ҳам бир марта шундай бўлганди. "Кундага қўйилган бош" сарлавҳали мақола ёзиб, "Илтимос, таҳрир қилинмасин" деган қайд билан жумҳурият газетасига берганди. Бир кун мақола чиқди. Қараса, сарлавҳанинг остига Каримовнинг сўзлари қўйилган. Бошидан қайноқ сув тўкилгандек бўлди. Бош муҳаррир "Ука, шундай қилмасак, чиқмасди" деди. Миртемир анча вақт бош кўтаролмай юрди. Ҳар икки ҳолда ҳам ғишт қолипдан кўчган, у "қўлсиз" эди.

Генерал овозини қўйиб юбориб ўқиётган эди. Бирдан тўхтаб қолди. Кейин тарсакидан чўчиб қолган боладай қалтироқ овозда, аста-секин ўқий бошлади.

"Ҳокимият тинчимас эди, Олий Кенгашга чақиришди. Парламент раиси, Ички ишлар вазири, хавфсизлик қўмитаси раиси кўрқитишга уриндилар. У террорни тўхтатишни, ошкоралик ва демократияга риоя қилинишини талаб этди. Депутатлар билан жиддий "ишлаш" бошланди. Аввал вилоятларга махсус гуруҳлар юборилди. Сўнг Бош вазир ўринбосари Жўрабеков ва маслаҳатчи Умурзоков жойларга бориб депутатларни яккама-якка ва тўда-тўда ҳолида "бўйра" устига чиқардилар. Ҳукуматда кўркув ва жонсарақлик аралашиб кетди. Тили бурро депутатлар махсус назорат остига олиндилар."

-Ҳм, ҳм... Пишиб қолибсан, бола. Мен аҳмок, ўртага тушиб юрибман-а?

Генерал бошини силкита-силкита яна икки-уч саҳифани ўқиди. Шу пайт бир урус йигит кириб келди.

-Сулаймоновни топ, ўша аризасини қайта ёзсин. Яхшилаб ёзсин. Депутат ургани, калтаклагани ҳақида ҳам ёзсин... , -деди унга генерал.

Ёппирай, ўйлади Миртемир. Ургани... калтаклагани... Девдай йигитни-я... Ҳа, энди булар ҳеч нарсадан қайтишмайди.

-Кейин, шаҳарга бошлиққа айт, қарорни қайта ёзсин, демак, депутатликни суиистеъмол қилиб, хизматдаги милиция ходимини урган, сўроқсиз чет элга кетган, чет эл радиосига, газетасига интервью берган. Буни 62-моддага квалификация қилсин, Ватан хоини, хўш, кейин ҳукуматга қарши китоб ёзиб, тузумни ағдаришга уринган, кейин сессияда, йўқ, матбуотда дегин, сессия телевизордан кўрсатилганди, Каримовни ҳақорат қилган... Етарли, тез ёзиб келсин. Аввал, прокурорга олиб борсин, кейин менга келтирсин. Тасдиқлайдиган ҳужжатлар етарли, дегин... Ҳа, уйдан чиқдимми бирор нарса?

-Битта видеокасетада ўзининг ҳукуматга қарши гаплари, биттасида Каримовнинг гаплари тўпланган... Кейин икки-учта ҳажвиялар...

-Яхши, керак бўлади. Мана бу китобга тегишли ҳеч гап йўқми?

-Қандай китоб экан?

-Билмайсанми? "Эрк йўли". Ма, кўр!

У тугмани босди яна:

-Рустам, бу ёққа кел!

Рустам ичкарига кириб серрайиб туриб олди.

-Эрталаб, соат олтида уйини қайта тинтув қиласан. Мана бу китобга оид бирор нарса топасан. Соат етти яримда пойтахтга учасан. Мен айтиб қўяман, Вазирликда кутишади. Ҳукумат шифохонасидан унинг касаллик варақасини олиб қайтасан.

-Эртага якшанба...

-Улар ишлашади, якшанба куни ҳам. Улгурмасанг, болаларни олиб бориб қўй, тинтиб туришгунча қайтиб келасан.

-Хўп, ўртоқ генерал!

-Сергейга айт, махбусни олиб кетсин! Кўрдингми, сендан яширадиган гапимиз йўқ. Ҳақиқатни билишга жуда қизиқасан. Мана ҳамма гапни билиб олдинг. Қалай, розимисан, мендан хафа эмасмисан?

-Сиздан нега хафа бўлай. Ўрнингизда бошқа бирови бўлса ҳам фарқ бўлмасди. Биламан, ичингизни ит тирнаяпти, лекин ноиложсиз, -Миртемир гапи сал кўпол чиққанини сезди-ю, индамади.

-Тилинг бошингга етди, бола. Ҳали сен нонни "мамма" деб юрибсан. Бу дунёда мен билан гаплашишинг охиргиси эканлигини сезмаяпсанми?

-Қўйинг-е, ҳали кўп яшайсиз...

-Ўҳ-ху, масхарабоз ҳам экансан-ку... Сени одам деб ўтирибман-а? Жамият сенга ўшаганлардан қанча тез қутилса шунча тез тозаланади!

-Жамиятни тозалашни сиз ва биз эмас, Тангри ҳал қилади.

-Боре, тақдирингни ҳам Тангри ҳал қилсин!

-Раҳмат! Ҳали ҳам умидим Тангридан...

-Олиб кет бун, Тангрисини ёнига!

Генерал қизариб кетганди. Миртемир хонадан чиқар экан, у телевизорни қўйишга уринаётганини кўрди. Қўрқаяпти. Нимадан? Ўлдириш қарорига келганиданми? Бир кечада ҳали неча марта ўзгаради фикри. Қўрқоқнинг фикри қатъий бўлмайди.

Қабулхонада тўрт-беш киши сигарет тутатиб ўтиришарди. Ҳаммасини таниди. ўринбосарлар, ёрдамчилар...

-Саломалейкум... Сизларни ҳам куттириб қўйдик,-деди Миртемир. Улар индашмади. Юзларида ҳорғинлик, чўчиш аломатлари бор эди.

-Гапирма,-деди урус йигит Миртемирнинг елкасидан туртиб.

3.РУСТАМ

Рустам мушкул аҳволда қолди. Эрталаб ишга келганда бошлиқ ўринбосари чақирди.

-Генералнинг ҳузурига кирамиз,-деди.

Уларни генерал дарров қабул қилди.

-Мухим топшириқ бор. Миртемир бугун сафардан қайтди. Уни қўлга олиш керак. Шахсан вазир шуғулланаяпти бу иш билан! Шаҳардан, районлардан одам олинглар! Биласизлар, ичимизда унинг одамлари бор. Агар операция барбод бўлса, бошларингиз билан жавоб берасизлар. Бу ерда мен ўзим раҳбарлик қиламан операцияга. Дақиқа-дақиқа маълумот бериб турасизлар,-деди.

Ўринбосар ўйлаб турди-да:

-Рустам шу ерда қолақолсин,-деди.-Миртемир билан дўстлиги бор.

-Биламан,-деди генерал,-мана, "семёрка"нинг суратлари. Оғиз-бурун ўпишиб турган пайтида суратга олинган. Энди Рустам ўзини оқлаши керак. Агар операция яхши ўтса унвонини оширишга имзо чекаман. Озгина орқага кетишини сезсам, Миртемир билан бирга ётади. Лекин сенинг чаққонлигинг, жонқуярлигинг ёқади менга, билдингми, бола.

-Билдим, ўрток генерал!-деди Рустам.

-Сен, Вагиф, уни шахсан кузатасан.

-Хўп ўрток генерал.

-Мана уйининг харитаси. Орқада кичик эшик бор, сувнинг ёнида. Иккита машина орқада турсин, ҳозирданок. Тепада институт биноси бор. Юқори қаватдаги кузатувчиларни алмаштиринглар. Бир ойдан бери бекорчиликка ўрганишди. Ҳовлида, ҳаммомдан қўшниникига туйнук бор. Уни эътибордан четда қолдирманглар. Ўша районни бутунлай ўраб олинглар. Машина кирмасин. Ҳар қанақа одамлар ўтишмасин. Телефони мутлоқ ишлаб турсин. Бир группани қишлоғига жўнатинглар. Яқин қариндош-уруғларини кузатувга олинглар. Давлат автоназорат хизматига топшириқ беринг, қариндошларининг машиналари олиб қўйилсин. Ҳа, телефонни Самарқанддан четга чиқмайдиган қилиб қўйинглар...

Генерал бир зум ўйлаб қолди-да яна давом этти:

-Тинтув пайтида ваҳима Алинглар. Пачакилашиб ўтирсангизлар, хужжат талаб қилади. Хужжат сўрашга оғиз очирманглар. Қаршисидаги қўшниси Микртчан уйида ўтирсин, ўзимизнинг одам. Керак бўлса фойдаланасизлар. Рустам, бутун умид сендан! Сени одам

қилмоқчиман, ўзингни кўрсатадиган пайт келди. Ватан, миллат такдири турганда дўст-ку дўст, ота-онадан ҳам воз кечиш мумкин, билдингми?

-Билдим, ўртоқ бошлиқ!

-Унда оқ йул!

Рустам шу лаҳзада бу суҳбатни эслар экан, ўшанда тиззаси қалтираб кетганини ўйлади. Миртемирнинг кўзига қандай қарайди? Худди туғишган акасидай яхши кўрарди уни.

Самарқандга келиши билан учрашарди. Унинг уйида қанча меҳмон бўлди. Қизалоқларининг туғилган кунида ҳам фақат у бор эди. Тагин умр йўлдоши Раъно эшитиб колса, нима дейди? У ахир Миртемирнинг хотини ҳақида ҳалигача ҳавас билан гапириб юради.

Нима килиш керак? Бошқа иложи йўқ. Унга қандай ёрдам қилади? Ўзи гуноҳи нима экан? Ўша Каримовга қарши гапиргани учун энди пайти келди, шекилли, жавоб берилаяпти. Ўзи тўғри одамга жой йўқ экан бу дунёда.

Ёдига бирга рейдга чиқишгани тушди. Шаҳардаги ўн бешта йирик магазинни текширишганди ўшанда. Ўзи ҳам "кит"ларнинг дўконлари эди. Эртасига уни бошлиқ чақириб, "тинчит" деди. Дўконлардан юз эллик минг сўм йиғилди. Рустам унинг уйига борди. Миртемирнинг жаҳли чиқмади.

-Нима қиламан, буни?-деди кулиб.-Мен қимматроқ тураман.

-Яна гаплашайми?,-деди Рустам жиддий оҳангда.

-Уларнинг пули етмайди. Мен ўзимни сотмайман. Мақола тайёр, албатта чиқади,-деди Миртемир қатъиятини бузмай.

Рустам ўшанда "орамизга хафачилик тушди", деб ўйлаганди, йўқ, Миртемир:

-Биламан, Сизга топшириқ бўлган,-деб қўяқолди.

Кейин газета таҳририятини "қўлга олиш" топширилди. Қанча пул сувга оқди. Миртемир жанжал қилиб бўлса ҳам мақолани чиқарди. Шаҳар қалқиб кетгандай бўлди. Шов-шув шу қадар кучайди-ки янги келган вилоят "биринчиси" Назир Ражабов катта мажлис ўтказди.

Лекин барибир, тергов жараёнида тинчитилди, фақат бир йил чўзилди бу иш.

Ўшанда Миртемир "тузум ўзгармас экан, ҳамма ишимиз бефойда" деганди.

Балки ана шундай воқеалар уни курашчига айлантиргандир? Нима бўлганда ҳам номи оғизга тушди. Мансабдорлар унинг олдида хушомад қилиб, орқасидан сўкишар, оддий одамлар эса мақтаб юришарди...

Рустам шу хаёллар билан унинг уйининг ёнига келганда:

-Рустам,-деган овозни эшитди. Атрофга қаради, ҳеч ким йўқ.

Ким бўлдийкан? Қулоғимга эшитилди шекилли, деб уйлади.

-Рустам, мен дарахат орқасидаман!

Таниш овоз. Ким бўлдийкан? Ие, бу иккинчи ўринбосарнинг овози-ку! У нима қилиб юрибди? Балки топшириқ билан боғлиқ гап бордир?! У атрофга алланглаб дарахт панасага ўтди.

-Қўрқма,-деди ўринбосар.-Юр, нариги кўчага ўтайлик.

Улар индамасдан қоронғу йўлакдан кўчага ўтдилар.

(ДАВОМ ЭТАДИ).

4. ЛУТФИЛЛО

Лутфилло бошлиқлар ичида унчалик кўзга ташланмасдан юрадиган киши. Москвада академияни битириб келган кезлари мажлисларда шартта-шурта гапириб, бир-икки танбех

олгандан сўнг индамай юрадиган бўлди. Ўзи ақлли, кўп нарсага фаросати етади. Гайран кетганда кўпчилик унинг бошлиқ бўлишини кутганди. Қўполлиги йўқ. Қўл остидагиларни тинглашни билади. Ишнинг "кўзи"ни кўрадиган одати бор. Мураккаб масалаларда энг охир гапиради ва кўпинча ҳақ бўлиб чиқади. Юқоридагилар нимагадир уни ўстиришмайди. Ҳозир нега келдийкин?! Бошлиқ юбордимикан?!

Рустам билан баробар Лутфилло ҳам хаёл суриб борарди... Балки эрталаб унга айтишим керакмиди? Кечаси билан ўйлаб, эрталаб сотса-чи? Йўқ, бунақа йигит эмас. Неча марта синовдан ўтган. Ундан бошқаси эплолмайди. Бунинг устига Миртемир билан яқин...

Улар ҳийла пана жойга боришганда Лутфилло сўз очди:

-Рустам, сенинг олдинга келишдан аввал кўп ўйладим. Ишонганим учун келдим. Генерал сени чиқариб юборгач, уч ўринбосарини чақирди. Каримов: "Бу жўжахўроз жонга тегди, тинчитинглар" дебди. Вазифа сенга юклатиладиган бўлди. Эртага пойтахтдан қайтишинг билан... Биламан, ўзинг ҳам қийналаяпсан. Лекин бу нарсалар узоқ давом этмайди. Не-не империялар кулаб, ҳамма сирлар очилаяпти. Қанча-қанча топшириқ бажарган кишиларнинг умри хазон бўлди бугунгача. Кўрсатма берганлар эса яна минбарга чиқиб, адолатдан гапириб юришибди. Гапнинг пуст калласи шу: Миртемирни қутқазиб керак. Бундай йигитлар ҳали керак. Нима дейсан?

Рустам индамади. Балки бу тузокдир? Балки ёнида диктофони бордир? Балки... йўқ, ҳамма борса ҳам бу қабихликка Лутфилло бормайди.

-Иккаламиз ҳам олов билан ўйнашяпмиз. Ё ёниб кетамиз, ё ишни пиширамиз,-қўшимча қилди Лутфулло.

Орага пул ораладимикан, ўйлади Рустам. Йўқ. Лутфиллонинг пули етарли. Пул учун ўзини оловга ташламайди. Унда нима мажбур қилди уни? Виждонми? Иймонми? Эртанги кундан умидми?

-Лутфилло ака, нима қилишим керак?

-Аввал розилигинг керак. Ундан кейин нима қилишни гаплашамиз.

-Бу фикрни яна биров биладими?

-Йўқ! Сен, мен ва Аллоҳ... Мен куйсам, болаларим сенинг бўйнингда, сен куйсанг...

-Бу ишга катталар аралашган. Куйсак ҳам биргаликда тамом бўламиз. Уни ўлдиришолмайди, барибир.

-Сенга юклашади, эртага. Кейин кеч бўлиб қолиши мумкин.

...Менга! Мени нишонга олиш учун бу гапни айтаяптими? Нега менга юклашади? Боя генерал "Сенга ишонаман" деганда шунга шаъма қилдими?

-Бирор жойдан гап чиқмаслиги учун сенга тўхташди. Нима бўлганда ҳам Миртемир билан дўст эканлигингни кўпчилик яхши билади. Гап чиқса ҳам ишонишмайди, деган хулосага келинди.

-Қандай қутқазамиз?

-Сен аввал ўйлаб кўр, кўрқсанг розилик берма! Гап шу ерга кўмилади. Кўрқмасанг, бир фикрга келамиз. Сенга очиғини айтаман. Ўтган йили мени ишдан кетказишмоқчи бўлишди. Сабабини билмайман. Вазир буйруққа имзо чеккандан кейин бориб Миртемирга учрашдим. У меҳмонхонада яшар экан. Мени олиб борди хонасига. Узоқ дардлашдик. Эрталаб вазирнинг ёнига бордик. Вазир Каримовтопшириқ берган, деб айтибди. Билмадим, нима қилди, буйруқ уч кундан кейин бекор бўлди. Вазир "Бу депутатга неча миллион бердинг?" деб сўради ўшанда. Шундан билдимки, битмайдиган ишни битказган экан. Кейин боримни йиғиштириб, уйига олиб бордим. Олмади. "Сизга минг-минг одамнинг иши тушади. Шуларнинг ярми ноҳақ айбланганлар бўлади. Шу ярмининг ярмига мен учун ёрдам

қилсангиз, бас. Худо менга кўмаклашади", деди. Уялиб кетдим. Шунда пулни олди-да ичидан бир дона ўн сўмликни сўғирди. "Буни метрога кираверишдаги гадойга бераман, савоби иккимизники", деди...

Лутфилло бу ҳақда Миртемирдан бироз эшитганди, лекин бошқармада ҳеч қандай сўз айланмагани учун у қадар қизиқмаганди.

Лутфилло ҳикоясини давом этди:

-Мени вазирнинг гапи чўчитди. У орқамдан одам қўйиши мумкин, деб Миртемирнинг ёнига бошқа бормадим. Бунинг устига у уй олиб меҳмонхонадан чиққан ва оиласи билан пойтахтда яшарди. Кейин эшитишимча, бир кишига "Лутфилло номард йигит" дебди. Суруқлаб турмаганим учун шундай деган, шекилли. Мана энди қарзни узадиган пайт келди. Рустамнинг қўнгли ёришди. Шу дамда Лутфиллони кучоқлаб олгиси келди. Мард одам экан.

-Биласизми, ичим ёниб кетаяпти. Агар улар айтгандек бўлса, бош кўтариб юролмайман. Ҳатто хотиним ҳам "номард экансан" дейди. Мен розиман. Фақат жуда пухта ўйлашимиз керак.

-Ҳали прокурор ҳибс қарорига қўл қўймагани учун ҳам эҳтиётдан Миртемирни шаҳар КПЗсига олиб кетишди. У ерда менинг йигитларим бор. Уларни қамай олишмайди. Жуда нари борса ишдан четлатишади. Миртемир ўшанда олмаган пулни шуларга берарман. Оғизлари ёпилади. Вақт ўтиб, кейин уларни яна тиклаймиз ёки бошқа иш топиб берамиз.

-Мен нима қилишим керак?

-Сен сахар соат олти яримда Миртемирнинг уйига боришинг керак. Демак, олтида шаҳарга кириб, уни оласан.. Уйига келтирасан. Қўшнилариникига ўтиб, ўша ердан қочиб кетади.

-КПЗдаги йигитлар мени кўришадами?

-Йўқ. Қўл оёқлари, қўзлари боғланган бўлади. Калит ёнларида туради. Мен ётоқхона тарафдан кузатаман. Ўша пайтда чироқни, алоқани бир зумга ўчираамиз. Бу менинг ишим.

-У қўлга тушсачи?

Тушмайди. Қўшнилاردан бири бизнинг одам. У тайёр туради. Орқа йўлдан машинаси билан олиб чиқиб кетади. Сен фақат Миртемирга. "Вася"никига ўт, кейин қаердалигингни икки кундан сўнг Лутфиллога етказ, поччаси орқали", дегин.

Улар яна қайтадан ҳамма икир-чикирларни гаплашдилар.

-Олти яримда, албатта, Миртемирнинг уйида бўл! Сездирма. Дўқ-пўписа қил оила аъзоларига. Кейин қўналғага кетаверасан...,-деди Лутфилло.

Улар кучоқлашиб, "Аллоҳ қўлласин" дея хайрлашдилар.

5.БАЧЧАҒАР

...Миртемирни терговчи ўз хонасига олиб келди. Терговчи армани эди, шу сабаб ўрисча гапирди:

-Сен ким билан ўйнашаяпсан?

Миртемир саволга жавоб бериш ўрнига хаёлга толди. Нима қилиш керак? Ҳозир у билан ўчакишса, хўрлашади. Саволларга жавоб берса, паст кетган бўлади. Она тилида иш юритилсин, дея дод-фарёд қилганлардан бири ўзи эмасмиди? Энди терговчига рус тилида жавоб берадими?

Дарвоқе, уни нега бунга топширишди? Бу Гайраннинг одами эмасмикан? Ёдига Каримовнинг бир гапи тушди. Ўшанда собиқ Бош вазирни қувгинга олганди: "У ишдан бўшатган одамларни топинглар, ана ўшаларнинг қўлига топширинглар, онасини

кўрсатади", деганди. Кейин унинг бошқалар ҳақида ҳам шундай хулосага келганини кўп эшитди. Бу ҳам президентнинг буйруғи деган хулосага келди.

Терговчи унга қараб афтини бужмайтириб турарди. Хонада чироғ ёнаётганига қарамай, стол устидаги тунчирокни ҳам ёқиб қўйганди. Шу боис икки тарафда ҳам сояси бор эди. Бири хира, бири ёрқинроқ. Миртемир худди янгилик ихтиро қилган кишидек енгил тортди. Олдин сезмаган экан. Инсоннинг битта сояси бўлади, деб юрарди. Қарангки, соя ҳам иккита бўлиши мумкин экан. Ҳа, шароит инсонни, балки унинг соясини ҳам ўзгартириши мумкин. Соялар эгасининг овига ташланмоқчи бўлган калхатдек эди. Кўзлари "ловуллаб" ёнаётганди:

-Гапирасанми? Ёки...

Ёки нима? Урадим, хўп урсин! Сўкадим, хўп суксин! Урса уради, сўкса сўкади. Лекин бунинг олдида ўзини ерга урмайди.

-Тергов қилишга ҳақнинг йўқ! Ҳали иш қўзғатилган эмас!,-деди ниҳоят у.

-Тўғри,-негадир терговчи юмшоқ овозда жавоб қилди. – Ҳозир, азизим, биргалашиб сени қамоққа олиш ҳақида қарор ёзамиз. Қолганига кейин улгураимиз.

-Мени бошим оғрияпти,-деди Миртемир.

Бу ўйламай айтилган ва тўғри гап эди. Фақат боши оғриётгани энди ёдига келганди.

-Унда қаҳва ичамиз!-терговчи фармонни кутиб тургандек, столи ёнидаги электр чойнакнинг симини қўлига олди.-Икки дақиқада қайнайди.

У жуда маданиятли ва айни пайтда жуда маданиятсизга ўхшарди. Гаплари ҳам самимий, ҳам масхараомуз эди. Шу лаҳзада ажратиб олиш мушкул.

-Биласанми,-деди у узоқ жимликдан кейин,-нега бу ишни менга топширишганини ўйлаяпман? Сен нега бизни ёмон кўрасан?

-Нега ёмон кўрар эканман. Ҳатто юртингда ер қимирлаганда ота-онасиз қолган болалардан иккитасини олиб боқишга ариза берганман.

Энди терговчи бу гапнинг самимийлиги ёки масхараомузлиги ҳақида ўйлай бошлади.

Сўнг:

-Икки болани мусулмон қилиш билан иш битадимми?,-деди.

-Мажбуран мусулмон қилиш динимизда йўқ.

-Аммо куч, зўравонликка қарамай динингизни қабул қилмаганмиз.

-Динимизнинг ҳозирги масалага нима алоқаси бор?

-Қаҳва ҳозир бўлгунча мавзу топилди. Сенга кўра мен ноҳақми?

-Сизлар ҳеч қачон ўзингизни ноҳақ деб ҳисобламагансиз.

-Сиз озарбайжонларга ёрдам берганда ҳақсиз, биз ўзимизникиларни қўлласак нима қилибди?

-Афсуски, ёрдам беролмадик, йўл қўйишмади.

-Мана бу нима?

У Туркиядаги газетада бу хусусда босилган суҳбатни Миртемирнинг олдида қўйди.

Бунинг элчи юборган деб ўйлади. Анталияда, курултой зиёфатида кўришгандилар. Ўшанда Ўзбекистоннинг Туркиядаги элчиси Убайдулла Абураззоқов у билан қучоқлашиб, туркчасига бош уриштириб кўришди-да қўлига "Бутун дунё сизни гапираяпти. Аблахлар қиш кунини қувийдилар, уйдан?" деди.

Ҳа, аблахлик ҳар турли кўринишда бўлар экан! Акс ҳолда кичик бир газетада босилган суҳбатни дарҳол буларга етказадими? Етказмаса, бошқа биров етказди. У эса ёнади. Аммо у ҳолда ҳам ёнади, бу ҳолда ҳам. Чунки Каримов ҳеч кимнинг хизматини қадрламайди. Бунинг билиши, аммо балки қадрлаб қолар деб ўйлашса керак-да.

Кейинчалик маълум бўлдики, терговчи вақт ўтказаятган, топшириқни кутаётган экан. Шу боис гапни айлантириб, масаланинг ўзига тегишли томонларини қовлатаётганди. Бу билан "Шунақа! Элга навбат, шерга навбат!" демоқчи бўларди.

-Қўшнингни нега ёздинг? – деди яна осмондан тош тушгандек қилиб.

-Қўшнимни...

-Ҳа, Микиртчанни!

-Мен эмас, у ёзганди, мен ишлаган таҳририятга ва Москвага.

-Нега?

-Нега бўларди, биз бошқаларга йўл бермаётган эканмиз. Қаранг-а, йўл бермаслик шунчаки, бир йилда янги машина олди, данғиллама уй қурди, шаҳар касалхонасида бош ҳаким муовини бўлди...

-Унда нега сеннинг устингдан хат ёзди?

-Топшириқ билан. Ёзишга ёзди-ю, кейин бошқа топшириқ билан узр сўраб ёзди. Лекин у қачондир жазоланиши керак. Уйда қурол сотади. Тоғли Қарабоғдаги урушга ёрдам пулини ҳам у йиғади.

-Бас, бу сизга Олий Кенгаш мажлиси эмас!

-Бу ер Олий Кенгаш мажлисидан яхшироқ. У ерда бу гапларни гапириб кўр-чи, дарров ватан хоини бўласан.

-Шундай ҳам ватан хоинисан.

-Ҳа, энди Каримов ва биродарларингиз ватан бўлишса, мен ватан хоиниман-да.

-Айбини бўйнига олиш яхши фазилат. Эртага буларни биргалашиб ёзамиз.

-Мен русча ёзишни билмайманда,-кесатди Миртемир.

-Ҳечқиси йўқ, мен ҳам давлат тилини билмайман, – терговчи ҳам кесатди. – Мен ёзаман, сен қўл қўясан!...

Терговчи "топшириқ" кутиб тургани тез-тез телефонга қарашидан ҳам сезиларди. Ниҳоят у кутган қўнғироқ чалинди.

-Эшитаман, ўртоқ генерал! – деди у телефон трубкасига ёпишиб қолгудек бўлиб.-Хўп, хўп, хўп...

У телефон дастагини қўйди-ю, бироз ўйланиб, кейин бошқарма навбатчисига сим қокди:

-Шаҳар КПЗсига хабар бердингиз-ми? Яхши! Бораяпмиз,-деди.

Сўнг Миртемирга юзланди:

-Бахтинг бор экан. Прокурорни топишмабди. Бу кечани шаҳарда ўтказасан. Қани кетдик.

Улар йўлакка чиқишганда Миртемир хайратда қолди. Ярим кеча бўлишига қарамасдан ўн-ўн беш киши қаторлашиб туришганди.

Улар "хайрият" дегандек, енгил тортишди. Демак, бир неча соатдирки, кутишмоқда.

-Икки киши мен билан, қолганларга жавоб,-деди терговчи.

"Аскарлар" апал-тапал тарқалишди.

Миртемирни темир панжарали машинага чиқаришди. Беш дақиқада шаҳар мишабхонасига етишди. Терговчи аввал ўзи ичкарига кириб ҳужрани айланиб чиқди.

Кейин:

-Қалай? Олий кенгашнинг ишхонасига ўхшайдими? Ёки ҳукумат санаторийсигами?-деди.-

Ҳар ҳолда халқ орасига кириб-чиққан яхши-да!

Яхши гап! Миртемирнинг хаёлида нимадир йилт этди. Булар ўзлари билмасдан янги гап айтиб қўйишади. Дарҳақиқат, халқ қамоқхонада. Мамлакат шу кеча-кундуз улкан қамоқхонага айланган. Маҳбусларни истасалар урадилар, истасалар ишлатадилар. Ҳар ҳолда урмасдан, сўкмасдан, ишлатмасдан, ҳақини емасдан боқмайдилар.

-Ҳа, қамоқ халқ билан бирга яшаш демакдир,-кинояга киноямуз жавоб қилди Миртемир.

-Мана бу ҳам халқнинг насибасидан бир парча!

Терговчи кутилмаганда унинг биқинига муштлади. Баччағар, уришга уста экан. Миртемирнинг нафаси орқасига қайтиб, "ҳиқ" деганча букчайди. Гўё уни биров баланд тепаликдан улоктириб юборди-ю учиб кетаяпти, тушиб кетаяпти... ух, замин бунча узоқ бўлмаса? Қачон етади? Қачон? Бирдан "шарак" этиб кўзи очилди. Ҳаммаёқда оқ юлдузчалар кезиб юрибди. Яна нимадир "шарак" этди. Энди сездик, баччағар уришда давом этаяпти экан.

-Ў...либ қол...ади! Бу...лар ним...жон кел...ади!-Миртемирнинг қулоғига узоқдан келган товуш узуқ-юлуқ эшитилар эди.

-Ўл...са, мукофот ола...сан!

Терговчи ҳар қанча "баччағар" бўлса ҳам, дарров ҳансираб, аранг сўкинди. Миртемир жавоб қиламан, деганди, тили комига ёпишиб айланмай қолди.

Ўрнидан турмоқчи бўлди. "Шарқ" этиб кетди суяклари... Бу тепкидан кейин юзи билан бетонга урилди...

Миртемир бошини кўтарганда елкасига нимадир боғлаб қўйилгану бу оғир юк уни эзаётганини ҳис қилди. Нима бу? Терговчи оёғи билан босиб турибдими? Ёки тегирмон тоши каби бир нарсани бостириб қўйишдими? Яна биров қўзғалганди, "юк" кўкрагининг ичида эканлигини сизди.

Бу оғриқ эди. Оғриқ ҳам дейиш қийин. Бу ёнғин каби бир нарса эди. Кўкрагини ичида ёнғин бошланганди. Аланга аста-секин кенгайиб бутун кўкрак қафасини ўраб олди. У "ёрдам!" дея қичқирмоқчи бўлди, лекин аланга унинг товушини ҳам ютиб юборди. Дори беришдими? Укол қилишдими? Нима бўлди?

У ўз саволларига ўзи жавоб беролмасди. Тамом-ми? Яшаш, ҳаёт шу ерга қадарми? Қизик у жон бераяптими?

Илгари одам ўлаётганда нималарни ҳис этаркан, дея ўйларди. Демак, ўлим олдидан одам ёнар экан. Аланга кўкракда бошланиб, бутун вужудни ўраб оларкан...

6. ЗИНДОН

Дарвоқе, Миртемир ўлим арафасида кишининг кўз олдидан умр йўллари кечади, деган гапни эшитганди. Ёлғон эканда-а? Нега ўтган кунлар ёдига тушмаяпти? Нақадар қизик, роҳатбахш ва аламли хотиралари бор. Қани улар? Қани?

Бирдан иссиқ қўл бошини силагандек бўлди. Ким? Ҳеч ким йўқ. Сўнг "Болам!" деган сас қулоқларига урилди. Узоқдан келган бу сас онасининг товуши эди.

"Болам, нима бўлди сенга?"

"Онажон, ҳеч нарса бўлгани йўқ. Болалигимда бошимдаги соч гирдобларига қараб маҳзун бўлардингиз".

"Ҳа, болам, у белгилар кишининг қамалишидан дарак, дейишарди".

"Сени бировлар қамагунча ўзим қамайин, деб тандирга киритиб қўйгандингиз".

"Бироз бўлса-да ўтир дегандим, кўрққандинг! Ўшанда тандирда бироз ўтирганинг-да балки бошингга бу кунлар келмасмиди?"

"Пешонада бори, онажон. Доим пешонамни силаб, "Биттаю битта ўғлимсан, пешонанг тор, оғир кунлар билан юзма-юзсан" дердингиз. Тангрининг йўлидан қочиш мумкин эмас. Ҳар ким ёзилганини кўради".

"Ҳа, болам, Худонинг амри амрдир! Бўлмаса, мен сизларни етим қолдириб кетишни истармидим?"

"Сиздан кейин дадам ҳам кетдилар Мен аскарликда эдим. Кечикиб келдим. Мозорларини кучоқлаб йиғладим... Мана энди кўришсак керак!"

"Болам, даданг ҳам шу ерда! Аммо сен билан кўришишни истамаяптилар. У яшаши керак, деяптилар. Сен яшашинг керак, болам!"

"Онажон, яшашга қўйишмаяпти".

"Ундай дема, яшашга қўйиш, қўймаслик уларнинг қўлида эмас. Уларга қолса оловларнинг ичида ёниб кетардинг..."

"Ҳа, онажон уйимиз ёниб кетди. Чироқларингизни ёкай, дегандим, бўлмади. Меъросингиз насиб этмади".

"У жой бизга ҳам насиб этмади. Аммо у уй-жойни тиклагунча жигарларимиз эзилди. Кўчиб кириш билан ғамга ботдик. Бирин кетин ташлаб кетдик. Сизларга ҳам насиб бўлмади!"

"Балки ёниб кетган уй-жойни тиклаб, у ерда яшамаганим учундир бу жазолар..."

"Йўқ, болам! Қаерда бўлсанг ҳам бизни унутмадинг, дуо қилиб турдинг. Биз сен билан. Қаерда бўлсанг биз ёнингдамиз!"

"Онажон, унда қандай хато қилдим?"

"Қилишинг керак бўлган хатони қилдинг! Агар шу хатони қилмаганингда биз сени тарк этардик. Отангинг руҳи ҳам шод бўлди. Агар бадбахт шоҳ "Бу халқнинг онасини..." деб ҳақорат қилганида жим қолсанг, сендан рози бўлмасдик. Балки жим қолсанг, бу кунларга тушмасдинг. Лекин биз сени унутардик, болам! Тур, ўксинма! Тур! Тур! Болам, болагинам!..."

Товуш узоқлашиб кетгандек бўлди. Миртемир ўрнидан туриб тиззалаб ўтирди. Туш кўрдими? Хаёлга ботдими? Нима бўлди? Ҳа, кўкраги ёнаётганди. Қани олов? Қаёққа йўқолди? Нега бирдан енгил тортгандек бўлди? Демак, ота-онасининг руҳи олдида гуноҳкор эмас.

Дарвоқе, бу ерга тушишининг сабаби ўша ҳақоратга жавобми ёки мажлисда айтган гапими? Аслида бу гап ҳам ўша ҳақоратнинг жавоби эмасмиди?

Орадан уч йил ўтибди. Лекин ўша даҳшатли ҳақоратни ҳали унутгани йўқ. Ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Бир гап дунёни бор қилади, бир гап йўқотади, деганларида айтилиши учун айтилганда, деб қўйганди.

Инсон ҳаёти ўзгариб кетиши учун бир гап кифоя экан. Баъзан уни ўзи айтиши мумкин. Баъзан эса бошқа. Фарқ қилмайди. Агар ўшанда эътибор қилмаганда нима бўларди? Эътибор қилмаслиги мумкин эдими? Йўқ. Нега? Мана-ман деган шоир, халқнинг назарида илоҳий кучга эга бўлган одам эшитмасликка олди-ку! У сен учун ҳам бир пайтлар илоҳий эди. Кейин сариқ чақага арзимас экан, деган хулосага келмаганмидинг?! Лекин ҳозир у давраларнинг тўрида. Доим шундай эди, ҳеч қачон сурилган эмас. Бу дунёда доим ҳурматда бўлиш, мансабда туриш учун инсон булиш кифоя қилмайди. Гоҳида тулкилик қилиш керак, гоҳида илонга айланиш, баъзан эса тўтиқуш каби яшамок лозим. Сен эса буни билмас эдинг!

У буюк шоир! Буларни билади! Қайси гапдан кейин қандай воқеа келиши унга маълум. Қолаверса, кўрганини унутиб, ўйлаганини ёзган шоирлар тарихда қоладилар. Бошқалар унутиладилар. Чунки тарихни улар, яъни ўйлаганларини ёзадиганлар битишади.

Эсингдами, бир кун суҳбатлашиб ўтирган эдингизлар, у: "Икки йил хасталаниб қолдим. Қолаверса, сиёсатдан узоқ турдим. Бундай қарасам халқ мени унутаяпти. Халқ жуда тез

унутар экан, бу кўрқинчли нарса" деганди. Унинг битта-ю битта мақсади бор. Унутилмаслик!

Дарвоқе, ҳақоратни ҳам унутилмаслик учун унутдимми?

7. ҲАҚОРАТ

Миртемир ўша мудҳиш воқеани эслади.

Матбуот қўмитаси раиси, шоир Эркин Воҳидов билан Каримовнинг устидан келган шикоятлар хусусида суҳбатлашиб ўтиришганди. Ҳар ҳолда одамлар демократия, сўз эркинлиги шамолини сезиб қолишганди. Водийлик санъаткор Носир Зобир хатида: "Каримов ухлаётганга ўхшайди. Дунё ошкоралик ҳақида гапириб турган пайтда у бўғмоқда. Биз мустақиллик баёноти билан боғлиқ бўлган гапларни эшитдик. Лекин нега бу гапларни халқ билмайди?" дея ёзган.

Бундай хатлар устига қизил белгилар қўйилганди. Уларни Воҳидов Миртемирга ўрганиш, текшириш ёки жавоб ёзиш учун берарди. Шу кунги столи устида бундай хатлардан ўттизга яқини турганди.

Бўрини йўқласанг кулоғи кўринади, дейдилар. Бирдан эшик шиддат билан очилди. Каримов, Олий кенгаш раиси ва Бош вазир кириб келишди. Эшик ёнида Иқтисодий ислохот қўмитаси, Саноат, транспорт ва йўл қурилиш қўмитаси раислари ва бошқалар туришарди.

Каримов салом-алиқдан кейин столнинг четига енгилгина "илашиб" ўтирди. Миртемир ўтирадиган қўлтиққа эса Бош вазир "ёйилди". Кенгаш раиси Воҳидовга яқинроқ жойда қўлини орқасига қилиб турарди. Ҳаммаларининг кайфияти яхши эди. Бир икки қочирик гаплар айланди ўртада. Миртемир эса улар нимага киришганини уйлар эди.

Бир кун аввал ойнаижаҳонда "Депутат минбари" рукни билан бериладиган кўрсатувда суд системасини ағдар-тўнтар қилганди. Балки шу сабаб бўлдимми? Балки Каримов Олий Кенгашдаги иш шароитлари билан танишиш учун келгандир? Хуллас, саволлар хаёлидан "ғириллаб" ўтиб турганда, Каримов стол устидаги хатларни қўлига олди.

Аллоҳнинг қудратини қаранг: бу хатларни олиб бориб, "ўқинг", деб илтимос қилганда ҳам у ё қўлига оларди ё йўқ. Кутилмаганда ўзи кириб келиб, ўзи ҳақида ёзилган шикоятлар, норозилик хатларини ўқимоқда. Миртемир аввалига енгил тортди. Кейин негандир кўнгли ғашланди. Худди, Каримовнинг устидан ҳужжат тўплаётганга ўхшаб қолдимми, деб ўйлади. Чунки унинг қўлидаги барча мактубларда одамлар матбуот қўмитаси ёритади, дея ёзишаётганди, шекилли?! Қолаверса, бошқа жойларда юз бераётган ошкоралик уларни ҳам қитиқлаётгани сезилиб турарди.

Каримовнинг авзойи бузилди. Буни сезган "шерик"лари жим бўлиб қолишди.

-Сизлар шикоят текшириш билан бош оғритманглар! Пастда хатлар бўлими бор, ўша ердан керакли жойга қайтариб жўнатаверсин,-деди у ва ўқишда давом этди.

Икки -уч хатни ўқигандан кейин шартта ўрнидан турди:

-Ҳе, бу нонқўр халқнинг онасини (с...й)! -дея сўқиниб, қўлидаги хатларни ўртасидан йиртиб ахлат қутисига отиб, чиқиб кетди. Қолганлар ҳам унинг орқасидан ташқарига "учдилар".

Миртемир оғир аҳволда қолди. Каримов халқ баробарида уни ҳам ҳақорат қилди. Воҳидов тортмасидан асабни сокинлаштирадиган доридан олиб ичди. Сўнг Миртемирдан сигарет сўради-да, чикиб кетди.

Шу пайт қўмита котибаси Тойиба кириб келди.

-Нима гап? -деди у.

Миртемир индамади.

-Нега рангингиз оқариб кетган? -сўради Тойиба.

-Каримов бутун халқни, ҳаммамизни ҳақоратлаб кетди, -деди.

Кейин бор гапни айтиб берди.

-Даҳшатку! -деди Тойиба, -қандай чидаб ўтирибсизлар?! Бирор чорасини кўриш керак!

-Нима қиламиз? Орқасидан югуриб бориб, сўкиш керакми?

-Имкониятингиз кўп, халққа маълум қилиш керак, -деди у.

Халққа қандай маълум қилишни ўйлашди. Ниҳоят, матбуот конференцияси ўтказиш керак, деган фикрга келишди. Бир кун олдин шаҳар журналистлар уюшмасидан қўнғироқ қилиб "Қўмита раҳбарлари билан қалам аҳлининг учрашувини ташкил қилсак" дейишганди. Қўл келди, дарров уюшмага сим қоқиб, эртага пешин чоғи вақтлари борлигини маълум қилишди. Кейин ўзлари бош муҳаррирларга, мухолифат лидерларига, фаолларига, диний идорага ҳам телефон қилиб, вакиллари қатнашишини сўрашди.

Эртасига Воҳидов:

-Саломатлигим ёмон, дўхтирга кўринишим керак эди. Сизлар ўтказаверинглар, -деди.

-Сиз бормасангиз бўлмайди, -деб туриб олишди.

Хуллас, "Майли, етиб келаман" деди у.

Учрашувни Журналистлар уюшмаси раиси очди.

Миртемир қўмита фаолияти ҳақида гапирди. Сўнг:

-Яқинда раҳбаримиз ишхонамизга келиб, тасодифан шикоят хатларини кўриб қолди. Аксарият хатлар унинг фаолияти ҳақида эди. Шунда хатларни ўқиб, йиртиб, ахлат қутисига отди-да "Бу нонқўр халқнинг онасини...!", -деб ҳақоратлади..., -дея воқеани ҳикоя қила бошлади.

У бу гапни эшитган зиёлилар оёққа қалқиб кетади, балки матбуот уйидан президент девонига қараб юриш бошлашар, деб ўйлаганди. Умуман бу гапни ошкор қилишга кўп истиҳола қилганди. Катта тўс-тўполон бошланади, мухбирлар газетага ёзишади, одамлар оёққа туради, деган хаёлга борганди. Чунки муштга ёки калтакка чидаш мумкин, лекин "онангни..." деган ҳақоратга чидаш мумкин эмас. Шу сабаб, бутун вужудини масъулият, юз берадиган воқеалар учун масъулият юки босганди. Ҳали гапирадиган гапи охирига етмасдан, мухолифат партия котиби Абдулҳай Абдумавлонов ўтирган жойидан бақирди:

-Исмини айтинг, қани ошкоралик, нега ҳаспўшлаб гапирасиз!

Миртемирнинг хаёлидан "бошланди" деган гап ўтди.

-Исмини айтмасам ҳам кимлигини сезиб турибсизлар. Ким бўларди, президентда, -деди у.

Ўтирганларга қараса, умумий лоқайдлик руҳи ҳукмрон. Биров ажабланмади ҳам, бировнинг жаҳли чикмади ҳам. Миллатнинг гуллари -ойдинлар, шоирлар, курашчилар... Уларни бирдан қўрқув босдими? Ёки аввалдан қўрқокмидилар? Балки қулликларини тан олган қулларми булар? Хуллас, на диндорлар ва на майдонларда халқнинг олдида борадиган фаоллар бир сўз демадилар.

Бу орада Воҳидов етиб келди. Унга "Юртда диктатура бошландими?" деган савол тушди.

У диктатура нима эканлигини тушунтириб берди. Сўнг Тойиба сўзга чикди. У анча дадил гапирди. Ҳақиқатни очиб ташлади.

-Менга қийин, -деди Воҳидов.-Илгари Миртемир гапирганда сўзларини андавалаб туришга тўғри келарди, энди Тойиба хонимни ҳам текислашим керак.

Ўринсиз "аския" ва ўринсиз кулги бўлди. Учрашув кечга яқин якунланди. Уй-уйга тарқалишди.

Миртемир эрталаб ишга келса, доим соат 10-11дан кейин келадиган Воҳидов ҳали соат тўққиз бўлмасидан хонада сигарет тутатиб ўтирарди. Салом-алик совуқ бўлди.

-Кечкурун ака уйга телефон қилдилар,-деди у ҳар доимгидек Каримовни "ака" билан алмаштириб. -Мен унақа гап айтганим йўқ, бундай дегунча ўзимни отмайманми, дедилар. Хуллас, осмон узилиб ерга тушган...

-Ўзингиз эшитдингиз-ку?! -деди Миртемир ҳайратда қолиб.

-Кенгаш раиси бир нарсалар гапириб турувдилар менга. Ўшанда эшитмай қолган бўлсам керак. Ўзи, ростдан ҳам шундай дедиларми? -Воҳидов болаларга хос самимият билан тикилиб қолди.

Миртемир ўйга толди. Унинг хаёлга ботганини Воҳидов бошқача тушунди, шекилли:

-Ҳозир нима бўлса ҳам оловни ўчириш керак, -деди. -Бориб акага узр, деб қўйиш керак. Бўлмаса, ҳамма нарса тескари айланиб кетади...

Аллақачон, ҳамма нарса тескари айланиб кетганди. Марказий қўмита Каримовнинг шаънини ҳимоя қилиш учун Миртемирни судга бериш керак, деган қарорга келганди. Шу кун кечга яқин Марказқўм иккинчи котиби уни чақираётганини айтишди. Борса, ташкилий бўлим мудирини Ўткир Обидов кутиб олди.

-Олдин иккаламиз суҳбатлашсак, нима бўлганда ҳам ҳамкасбмиз. Кейин у кишига кирасиз, -деди у.

Мудир машинкада ёзилган олти-етти саҳифали хатни ўқиб, унга савол бера бошлади.

-Бу саволни Қисматга берасиз, -деди Миртемир.

Қисмат қаламкашлар орасида "Каттанинг Соттихони" номини олган эди.

-Нега?

-Чунки қўлингиздагини у ёзган.

-Қаердан билдингиз у ёзганини?

-Охирги саҳифасини тескари ушлаб қолибсиз.

-И, и, -у дарров саҳифаларни тўғрилаб олди.

-Аммо, раҳмат, нима бўлганда ҳам ҳамкасбсиз-да, сотқин кимлигини сездириб қўйдингиз, -деди Миртемир.

-Бу сотқинлик эмас, бу юртни, Ватанни севиш белгиси.
-Юрт, Ватан фақат битта одамдан иборат бўлса, асло севмадик!

Кейин мудир Миртемир сайланган туман раҳбари имзоси билан келган шошилиночномани кўрсатди.

-Халқ ҳам сиздан норози, -деди у шошилиночномани ўқиб.

-Бечора халқ телеграмма юборса, бир ойда ҳам етиб келмайди. Буни куш билан юборишган шекилли, бир кунда қўлингизга тегибди. Топшириғингизни вақтида бажаришибди, -киноя қилди Миртемир.

Мудирнинг икки оёғи битта этикка тикилди.

-Биласизми, мен сизни анчадан бери кузатаман. Илгари доим танқидий мақолалар ёзардингиз. Миллатвакили бўлиб ҳам доим камчилик қидирасиз. Умуман, шундай дунёқарашдаги киши учун бора-бора ҳамма нарса нуқсонли кўринади. Бу ҳам бир хасталик. Шунга иқрор бўлсангиз, даволанишга ёрдам берамиз, ҳам суд ташвишидан қутуласиз, -деди у.

Миртемир кулди:

-Балки, шундайдир, -деди.-Сизларнинг кўзларингизга ҳамма нарса яхши бўлиб кўринади. Ҳаммаёқ тўкин-сочин, муаммо йўқ. Бу ҳолда даволашни бу идорадагилардан, жумладан каттангиздан, сўнг партия раҳбарларингиз ва ўзингиздан бошламоқ керак. Судга келсак, осмон қўлингизда бўлса, ташлаб юборинг!

У мудирнинг эшигини ёпиб кетди-ю, лекин кўнгли тинчимади. Ўзини ёлғиз ҳис қилди. Асаблари чатнай бошлаганга ўхшаб туюлди. Уйгача пиёда келди.

"Воқеа" тафсилоти дарҳол Каримовга етиб борган шекилли, Ошкоралик қўмитаси фаолиятини тафтиш қилиш бошланди. Тўғрироғи, Миртемир ва Тойибанинг "дафтар, қаламлари"ни текширишга киришилди.

Кўп ўтмай Ошкоралик қўмитасининг фавқулодда мажлиси белгиланди. Мажлисдан бир кун олдин миллатвакиллари Каримовнинг хузурида "маслаҳат", "топшириқ" олдилар. Мажлис куни Олий Кенгаш қўмиталаридаги миллатвакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам иштирок этиш учун тўпланишди. Олий Кенгаш раисининг ўринбосари Бугров уларга "жавоб" бериб, мажлис ёпиқ ўтишини айтди. Баъзи миллатвакиллари қатнашамиз, деб залдан ўрин олишди. Лекин уларни ҳам чиқариб юборишди.

Мажлис "совуқ" бошланиб "совуқ" тугади. Миртемирни ишдан ҳайдаш овозга қўйилганда битта овоз камлик қилди. Тойибага келганда эса овозлар тенглашди. Шунда Воҳидов:

-Мен овоз бермадим. Тойиба партиямиз идораси шаънига тухмат гаплар айтдилар. Шу боис қарши овоз қўлланаман, -деди.

Тойиба йиғлаб чиқиб кетди.

Миллатвакиллари тарқала бошлашганди уларни Каримов чақираётганини айтишди. "Нега Миртемирни ҳам ҳайдамадингиз" деб уларни қийнади Каримов.

Арбоб арбобда, йўлини топади. Кўп ўтмай кўмитани "қисқартириб" туришга қарор беришди. Яъни Миртемирдан қутулиш лозим эди. У кетгач, яна тиклаймиз, деб Воҳидовни ишонтиришганди. Шу сабаб кўмита қисқаришига Воҳидов муносабат билдирмади.

Мана, энди Воҳидов ҳузур қилиб ухляпти.

Миртемир эса тор хонақоҳда бетоннинг девор сассик ҳидини ҳидлаб ўтирибди. Дарвоқе, деворнинг ҳам ҳиди бўлар экан. У ҳозир сизди буни...

8. ДЕВОНАХОНА

Миртемир хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқди. Каримов билан сўнг учрашув қайта-қайта кўз олдига келаверди. У уйида эди. Котиб кўнғироқ қилди. Одатда ёрдамчиси кўнғироқ қиларди. Нега бу сафар котиб "сафарбар" бўлди? Каримов атрофга ёйилмаслигини истаса ишни котибига топширарди. Котиб "тош" каби одам. Бориб урилган жойидан қон оқарди. Ўзига доғ ҳам юкмасди.

-Сизни сўраяптилар! -деди у Миртемирга салом-аликдан кейин.

-Мен борганда қабул қилмадилар. Энди нега сўрайдилар?

-Ока, худди бегонага ўхшаб гапирасиз-а? Биласиз-ку, бу саволларга биз жавоб бера олмаймиз.

-Биламан, лекин "йўқ" деган қароримни юмшатиб айтмоқчи эдим. Яъни сизга оғир ботмасин деб...

-Ҳа, боқайсиз-а?! Биласиз-ку "йўқ" деган сўзни кириб айта олмайман. Ҳатто "тополмадим" деган сўз ҳам бошимизнинг кетишига сабаб бўлади.

-Сизнинг бошингиз кетса, кейин ўзлари ҳам бошсиз қоладилар.

-Фақат ўзимни-ўзимга мақтайсизу ўт билан рўбару қилиб кўясиз. Агар дўстлигимиз ҳурмати бор бўлса, йўқ демайсиз.

Миртемир котибни билади. Гапни яна бироз чўзса, ўзи югуриб келишдан ҳам қайтмайди. Шундайлиги учун ишляпти. Акс ҳолда аллақачон "юмалок ёстиқ" бўлиб кетарди.

-Ока, эшик ёнида "07" турибди. Илтимос кутаяптилар...

"07" – бу "10-07" дегани эди. Сарой машиналарининг номерлари "10" рақамидан бошлангани учун иккинчи бўлаги айтиларди ва буни ҳамма тушунарди. Миртемир машинага чиқаркан, овоз узатгичдан котибнинг товуши эшитилди:

-Чиқдиларми?

-Бораяпмиз! -деб жавоб қилди ҳайдовчи. Бу "тезроқ кел" деган ишорат эканлигини билган ҳайдовчи йўл қоидаларига қарамай машинани "елдай" учуриб кетди.

Миртемир нега Каримов чақирганлигини таҳлил қила бошлади. Эрталабдан бу "ишга" киришгани учун кечаги кунги воқеаларга назар Алиши керак эди. Ҳа, топди. Кеча Матбуот вазирлигига боришганди. "ЭРК" газетасига бош муҳаррир бўлганидан кейин, эски муҳаррир Иброҳим Ҳаққул билан вазир ҳузурига боришди. Қоида шунақа. Танишмоқ

қоидаси.

Вазир билан эскидан танишликлари бор. Шундай бўлса-да бегона каби қабул қилди. Икки ойдир у газета чиқишини тўхтатиб турганди. "Танишув"ни тазйиқ деб қабул қилди, шекилли хайрлашув олдидан "Газетани мен тўхтатиб турганим йўқ, маслаҳат қилиб, кейин сизларга натижасини айтаман" деганди.

Мана, орадан ҳеч нарса ўтмай "Натижа" учун бораяпти. Чунки у вазирларни яхши танийди. Бундан аввалги Матбуот вазиридан ҳам шундай "натижа" олганди. Унда ўн бир нафар

миллатвакили ўз маблағлари ҳисобига "Юзма-юз" номли газета чиқаришга қарор қилишди. Бу қарорни Олий Кенгаш қўмиталари тасдиқлашди. Шундан кейин уни расмий почта орқали Матбуот вазирлигига юборишди. Рўйхатдан ўтказиш чўзилиб кетди. Шунда Миртемир янги газетанинг Бош муҳаррири сифатида вазир ҳузурига борди. У хайрлашар экан "Маслаҳатлашиб, натижасини сизга айтаман" деганди. "Натижа" эртасигаёқ сув юзига чиққанди.

Ўшанда Миртемир эрталаб ишга келса, "осмон кулаб тушган-у" шоир Воҳидов тутиб олгандилар.

-Нима қилиб қўйдингиз? -деди у Миртемирга салом-алик ўрнига.
-Нима қилибман?

-Ука, кимдан -кимдан, Сиздан кутмагандим, Вазирни ҳам урасизми?

-Вазирни... Қайси вазирни урибман?

-Нима, бир нечасини урганмидингиз-ки, қайси бирини деб сўрайсиз?

-Ҳазилни қўйинг, Эркин ака...

-Ҳазили борми, дунё тескари бўлиб кетди. Оқсоқол от устида, қамчини маҳкам тутганлар. Соат 10.00да раёсат мажлиси бор.

-Бирор англашилмовчилик бўлганга ўхшайди.

-Кеча ростдан ҳам "Матбуот вазирни билан кўришаман" деб чиқиб кетгандингиз. Шу боис мен ҳам оқсоқолга ҳеч нарса дея олмадим.

-Тўғри, кўришдим, лекин...

Хуллас, суҳбатга аниқлик "аралашмасдан" уларни Олий Кенгаш раиси Мирзоалим Иброҳимов чақиртирди.

-Ҳа, болама-а, ҳеч тинч юрмадинг-да! – деди у Миртемирни кучоқлаб. Лекин негадир у хурсанд эди. "Оқсоқол"дан топшириқ олгани учунми? Ёки Миртемирдан қутилиш соати келгани учунми?

-Мен мажлисдан олдин ўзимиз гаплашиб олайлик, деб, сизларни чақирдим. Нима бўлганда ҳам бу укамизни қутқариб қолишимиз керак. Ёш, жаҳли чиқиши мумкин. Қолаверса, ўзи ёмон бола эмас, -деди раис Воҳидовга қараб.

-Тўғри, тўғри...,-дея Воҳидов бошини чайқаб қўйди.

-Лекин мен ҳеч нарсани тушунмаяпман, -деди Миртемир масала жиддийлигидан андиша этиб.

-Биз ҳам ёш бўлганмиз. Биласанми, Дунё комсомол-ёшлари қўмитасига раис бўлганимда сен тенги эдим, – раис ўзига хос енгил кайфиятда гапирарди. -Адашмасам, Олмонияда эди. Полшадан келган ёшлар раҳбари билан кизишиб қолдик. Шундай уриб юборибманки, шўрлик, ўлиб қолай деди. Қўрқиб кетганимдан дарров кучоқлаб олдим. Нима бўлса ҳам, Оврупаликда, узуримни қабул қилди. Бизда узурни қабул қилиш бироз оғирроқ. Шундай бўлса-да, вазирдан илтимос қиламиз, укамизнинг узурини қабул қилсин. Аммо Эркинжон, оқсоқол билан ўзингиз бир учрашмасангиз бўлмайди. Юраклари кенг, балки кечирарлар.

-Ҳозир олов бўлиб турибдилар...

-Биласиз-ку, ёнадилару ўчадилар, энди масала ҳам жиддий-да. Миллатвакили вазирни урса... Тўғри ёш. Демократия, деб сайлаб қўйдик. Баъзан масъулият ҳам кишини йўлдан чиқаради...

Сўнг раис Воҳидовга латифа айтиб берди. Миртемирга эса бир пиёла чой узатиб, "Ма, ол, бизнинг қўлдан чой ичиш ҳам табарруқ, хали эслаб юрасан" деди. Бу орада раис ўринбосари ва қўмита раислари кириб кела бошладилар.

-Қарор тайёрами? -деб сўради раис ўринбосаридан..

-Тайёр! Фақат Миртемир "танишдим" деб имзо қўйишлари керак!

-Бу қарорга имзо шарт эмас. Мазмунини биз таништирдик ҳисоб. Қолаверса, оқсоқол кутиб ўтирибдилар. Қани бошлайлик бўлмаса. Ҳа, вазир келган бўлса, чакиринг, кирсин! -деди раис ва ўрнидан туриб, костюмининг тугмасини ўтказиб, енгил йўталиб олди-да мажлисни очди.

-Ҳурматли Раёсат аъзолари, кеча ҳаётимиздаги энг хунук воқеа юз берди. Миллатвакили Миртемир ўз масъулияти ва вазифасини суистеъмол қилиб, Матбуот вазирининг хонасига бостириб кириб, уни дўппослади...

Миртемир вазирга қаради. У жилмайиб ўтирарди. "Нима гап?" дегандек Миртемирга саволомуз бош қимирлатди. Миртемир "билмасам" дегандек, бошини елкасининг ичига тортди.

Раис узоқ гапирмади. Сўзни вазирга берди.

-Мен нима гаплигини тушуна олмадим, -деди вазир.

-Нега тушуна олмайсиз. Кеча Миртемир сизни урдими?

-Йўқ! Кеча ҳузуримга келди, газит ҳақида сўради, шу...

-Унда оқсоқол қаердан билдилар? Нега ҳақиқатни яширасиз? Биласизми, шу ҳолингизда оқсоқолни ва бизни ноқулай вазиятга тушурмоқдасиз. Нима бўлди, ўзи?

-Нима бўлганини айтдим, -деди вазир.

-Оқсоқол "Миртемир вазирни урибди" дедилар-ку!

Вазир бирдан кулиб юборди:

-Мен оқсоқолга "Миртемир ёқамдан олаяпти, газетани нима қилайлик?" дегандим. Балки шундан...

-Ёқангиздан олдим, ахир!

-Йўғ-е, бу бир ибора, биз газета хусусида жавоб беролмадик. Миртемир икки марта қўнғироқ қилдилар, кейин ўзлари бордилар...

Миртемирнинг кулгиси қистади. У ҳозир ҳамма кулиб юборса керак, деб ўйлади. Чунки Каримовнинг "ҳовлиқмалиги" аён бўлиб қолганди-да.

-Шуни оқсоқолга айтиш керакмиди?-Иқтисод қўмитаси раиси кулиш ўрнига жаҳл билан сўрай бошлади. -Биз имзо чеккандик, нега бизни қора отли қиласиз. Ярим кечаси оқсоқол уйга қўнғироқ қилиб, на отамиз, на онамиз қолмай ҳақоратладилар...

Барча қўмита раислари ажабланиб қарадилар. Чунки улар ҳам "пой"ларини олгандилар. Аммо масалани бу қадар очиш шартмиди? (Дарвоқе, икки кундан кейин раёсат Иқтисод қўмитаси раисини "кузатиб" қўйиш учун йиғилади. Шу дамда у вазифаси билан видолашув ҳукмини чиқарганди ўзига).

-Қаёқдан билай? Газетани оқсоқолнинг маслаҳатчиси Зиёмов тўхтатиб турганди. Мен масалани унга айтдим. У оқсоқолга англатибди. Кейин ўзлари телефон қилдилар. Бўлган гап шу!, -деди вазир.

Раёсат раиси нима қилишини билмай қолди. Пиёладаги чойни хўплади-да, ўринбосарига "Нима қиламиз?" дея бош чайқади. Ўринбосари Бугров ўзбек тилини тушунмас эди. У "Менга сўз берилди" дея ўрнидан туриб, русчалаб гапира бошлади:

-Миртемир Олий Кенгашга келган кунларданоқ кимлиги аён эди. Биз уни кузатдик, ўргандик, тартибга чақирдик. Лекин бўлмади, қолган гап қарорда ёзилган. Ижозатингиз билан ўқиб бераман...

-Тўхта-е, сен ҳам хол қўйдинг! – деб кулиб юборди раёсат раиси. Бошқаларнинг ҳам кулгиси қистаб турган экан, унга қўшилишди. Ўринбосарнинг юзи тундлашди.

-Мен эрталаб қарорни Каримовга кўрсатганман. У киши таҳрир қилиб берганлар. Куладиган жойи йўк!

Сўнг раис масалани русчалаб ўринбосарига тушунтирган бўлди. У рангини ўзгартирмади. Балки қулай фурсат қўлдан чиқиб кетаётганидан афсусланди. Билганда-ку, вазир билан "гаплашиб" кўярди. Ҳа, энди бориб Каримовга тушунтиришдан вазир билан келишиб, қарорни "югуртириш" осонроқ эди-да унга.

-Хўп, -деди раис -айбдорни ҳам эшитиб курайлик.

Миртемир ўрнидан турди.

-Девонахонада ҳам бунақа ҳодиса юз бермаса керак! -деди у.

-Бас, -деди раис. -Шунақа совуқ гапинг бошингга етади. Сенга ўхшаганлар билан девона бўлиш у ёқда турсин жинни ҳам бўлади киши.

"Ёппирай, девона билан жиннинг фарқи нима экан?", -деб ўйлади Миртемир.

-Ўтир, болам, -Раис "гуп" этиб чўкди -Тилим бор деб гапираверма. Боя мажлисдан олдин сени нега чақиргандим. Бундай тушунтириб бермайсанми, ўшанда. Ҳа, майли. Бирибир қарор қилишимиз керак. Қарор бундай: Вақтини топиб, масалани оқсоқолга етказиб қўйиш менга топширилсин. Бу хусусда Воҳидов менга ёрдамчи бўлсин. Тамом. У кафтини кафтига ишқаб, "қарс" этиб қўлларини бир-бирига урди-да "Келганларингиз учун раҳмат" ишорасини қилди.

Ҳа, бу телевизион миниатюралар театри эмас, бутун бошли бир мамлакатнинг Олий кенгашидаги аҳвол эди. Миллион-миллион одамларнинг, халқнинг тақдири ана шуларнинг қўлида эди. Шунча воқеадан кейин ҳам улар корридорга чиқиб хахолаб кулишмоқда. Миртемирнинг тирсагидан кимдир ушлади. Қараса вазир:

-Дўстим, ҳаётингизни сақлаб қолдим. Мендан қарздорсиз. Ҳозир, ёлғондан бўлса-да бир тарсаки тортиб юборганди, десам, кетдингиз эди...

-Раҳмат, тақсир, -деди Миртемир. – Ораларида битта виждонлиси сиз экансиз. Баъзан девонахонага соппа-соғлар ҳам тушади.

-Сиз ҳам соғсиз...

-Икки киши бир-бирига "соғсиз" дея хулосалаши девонахонадагина юз беради.

-Секин, секин, ука, ҳозир қайтадан чақириб қолишлари мумкин...

9. ПЎПИСА

Миртемир машинадан тушиб олтинчи қаватга кўтариларкан "Бу сафарги натижа қандай бўларкин?" деб ўйлади. Уни котиб ичкарига бошлади. Эшикни очди-да ўзи ташқарида қолди. Каримовниманидир ёзиб ўтирарди. Миртемирнинг кирганини сезмай қолди.

Миртемир унинг ёнига етиб боргач:

-Ассалому-алайкум! -деди. У чўчиб тушди.

-Осмондан тушдингизми, ердан чиқдингизми? -дея ўрнидан турди. Қўлини узатиб кўришаркан, чап қўли билан Миртемирнинг қорнига ниқтаб "Ҳе, герой, нима қилиб юрибсиз?" деди.

-Юрибмиз, -деди Миртемир.

-Табриклаймиз, бош редактор бўлибсиз. Иш керак бўлса, топардик. Ўшалар билан ишлашингиз шартмиди? Улар тугаб битди. Сизга ўхшаганларнинг номи билан тирилмоқчи!

-Мен илгаридан биргаман-ку...

-Тўғри, илгаридан бош редактор эмас эдингиз. Котиб ҳам бўлибсиз. Лекин газетасига сиз бошчилик қилишингиз керакмиди? Биламан, қаламингиз ўткир, аммо бошқа газеталарга ёзинг!

-Шундай ҳам газетани чиқаришга рухсат бермаяпсиз-ку!

-Рухсат бермоқчи эдик. Энди бутунлай ёпамиз. Қарор билан.

-Агар мен газетадан кетсам-чи?

-Қаерга кетасиз!

-Сиз бирор иш берсангиз. Яъни, бирор газетага муҳаррир этиб тайинласангиз...

-Газеталарга тайинлаш менинг кўлимда эмас-да. Бири Олий Кенгашники, бошқаси партияларники, яна бири комсомолга оид...

-Унда нега бизнинг газетага аралашаяпсиз?

-Нега аралашмайин. Мен қовунчи эмас, президентман. Сиз сессияда айтган каби ҳаммаси онамнинг маҳрига тушган!

-Бундай деганим йўқ!

-Ие, аллақачон унутдингизми, лентани қўйиб берайми? -у шундай деб ўрнидан турди-да столнинг нариги томонидаги видеомагнитофон тугмасини босди. Кейин "қўл тугмани" олиб жойига ўтирди. – Бу сизларнинг давлат тўнтаришга уринишларингиз...

Лента Миртемирнинг нутқи ёзилган жойга қадар айлантириб қўйилган экан:

"Бу воқеа бугун Рўзимуродовнинг бошига тушган бўлса, эртага ҳар биримиз шундай ҳол билан юзлашамиз. Эртага навбат менга, кейин сизга келади. Унда, афсуски, кеч бўлади. Президент ва Олий Кенгашдагиларнинг ишларига қарасангиз, болакайнинг ҳаракати уларникидан мантиқлироқ туюлади. Шу қадар майдалашиб кетишдики, Олий кенгашдан ишдан ҳайдай олишмагач, иш хонамдаги стол-стул, телефонларни олиб қўйишди. Қизик, бу нарсалар уларнинг мулкими? Ёки биз ўз шахсимиз учун ишляпмизми?"

Бугун Олий Кенгаш раисидан тортиб вазирга қадар ҳамма-ҳамма президентнинг қули. Қонун -у. У киши истаса вазирлик очилади, истаса йўқотилади. Истаса одамлар камалади, истаса озод этилади. Истаса биров маош олади, истаса бировнинг маоши кесилади. Муҳтарам президент, Ўзбекистонни сизнинг онангиз тукқан эмас, у сизнинг хусусий мулкингиз эмас! Ва, билинг-ки, Сиз унинг доимий устуни бўлиб қололмайсиз!" Каримов лентани шу жойида тўхтатди:

-Унутган бўлсангиз, эсингизга келдимиз?

-Мен "онангизнинг маҳрига тушганми?" деганим йўқ, балки...

-Балки, малкини қўйинг. Сизнинг адабиётдан хабарингиз йўқ бўлса, бизнинг хабарчиларимиз бор. -У шундай деб радиосўзлашув тугмасини босди:

-Улуғбек!

"Лаббай, хужайин!", дея овоз келди нарёқдан.

"Онангиз тукқанми, дегани адабиётда нима дейиларди?"

"Онангизнинг маҳрига тушганми, иборасининг оғзаки айтилиши бу".

"Бу ибора нима дегани?"

"Онангни фалон дегани!"

"Одамлар нима деяпти?"

"Бу жўжахўроз Оқсоқолни онангни дея ҳақорат қилди-ю, нега у жим? Агар натижа бўлмаса, ўзимиз жавоб берамиз, дейишмоқда."

"Хатлар, телеграммалар кимда?"

"Менда хўжайин. Сони мингдан ошиб кетган. Нима қилайлик?"

"Тўплаб қўябер!"

Каримов радиосўзлашувни ўчирди-да, Миртемирга юзланди:

-Менинг онамни (...)адиганни онаси тукқан эмас!-дея бақирди.

-Орадан ярим йил ўтиб...

-Орадан ўн йил ўтса ҳам унутмайман. Билиб қўй, мен сен ўйлаган одам эмас, ҳамма нарса хаёлимда туради. Эсингдами, ўзингни йиғиб ол, бўлмаса қамоқда чиритаман дегандим. Ҳали бу гап эсимда турибди. Сени қамоқда йўқотаман, билдингми?

-Қамашингиз мумкин, лекин...

-Лекин, йўқотаман ҳам!

-Йўқотиш сизнинг ишингиз эмас, Жаноби Ҳақнинг қўлида!

-Бугун Жаноби Ҳақ менман!

-Шак келтирманг, Аллоҳ кечирмайди бу гуноҳни!

-Кўрамиз, Аллоҳ кимни кечирмайди. Истайсанми, эртага муфти телевизорга чиқиб, сени динсиз деб эълон қилсин! Устозингни динсиз деб эълон қилдирганим сенга дарс бўлмадими?

-Муфти ҳам сизнинг мулкингиз...

-Ҳа, у ҳам онамнинг маҳрига тушган. Истасам, эртага мени "Худонинг ердаги сояси" деб эълон қилади. Дин – бу менинг айтганим. Истасам мачит очиб бераман, истасам муфти-пуфти билан портлатиб юбораман.

-Бу билан нима демоқчисиз? Эртага менинг ҳам уйимга бомба тушадими?

-Сени олдин уйингдан қувиб чиқараман. Кейин депутатликдан ҳайдатаман. Сўнг қамайман!

-Пешонага ёзилгани бўлади.

-Пешонангга шуларни мен ёздим. Сен эса ўқи!

-Хуллас!

-Хуллас, орамиз очиқ! Кетаверишинг мумкин!

-Раҳмат! Барибир билинг-ки, жоним Жабборнинг қўлида, сизнинг эмас!

-Кўрамиз! Кўрамиз! -Каримов бақира-бақира қолди. Миртемир эшикни жаҳл билан ёпганди, ёпилмади, чунки эшик секин ёпиладиган қилиб қўйилганди.

Ҳа, шуни ҳам эътибордан қочиришмаган...

10. ПОМУҚҚАЛЪА

Миртемир ҳали бошини силаган онаизорининг руҳи билан гаплашгиси, хаёлан бўлса-да дардларини унга ёйгиси келди. Лекин руҳни тополмади. Наҳотки, тарк этдилар? Йўқ, демак ҳолати яхши. Руҳлар оғир дамда мададга келади... Ўтирган жойида кўзлари юмилиб, мудрай бошлади у...

... Шаршара. Гўзал қизнинг сочларига ўхшайди. Тоғ оппоқ. Адирлар оппоқ. Бу ерни Помуққалъа, яъни Пахтақалъа дейишади. Тоғ остидан иссиқ сув оқиб чиқади. Қишда ҳам, ёзда ҳам бу ер сайёҳлар билан тўла. Лекин шу дамда ундан бошқа одам йўқ.

"Оёқ кийимингни чиқар!"

"Нега?"

"Бу ерда оёқяланг юриш керак, бўлмаса мусаффоликка ғубор тушади."

"Сен кимсан?"

"Мен Помуққалъа!"

"Нега танхосан?"

"Мен танҳо эмасман. Қучоғимда минг-минг одамлар бор".

"Қани улар?"

"Помукқалъага келсанг кўрасан. Анталияга келдинг. Лекин илгари борган эдим, дея Помукқалъага ўтмадинг."

"Ҳозир келдим-ку!"

"Йўқ, ҳозир мен келдим. Сени зиёрат этиб кетмоқчиман".

"Нега мени зиёрат этасан?"

"Атрофинг коронғулик, зулмат билан тўлди.. Ёруғлик бор эканини ҳам эслатмоқчиман".

"Сен нега бу қадар гўзалсан?"

"Чунки сен гўзалликни соғинганинг учун!"

"Нега бу қадар меҳрибонсан?"

"Чунки меҳрга ташнасан".

"Нега бу қадар яқинсан?"

"Чунки сен жуда узоқдасан".

"Бунча яқинлашма, ойдинликдан бўғилаяпман".

"Ойдинликдан бўғилиш ҳаммага ҳам насиб этмайди".

"Кўзларим ойдинликдан ёнмоқда".

"Кўзларингни оч, шунда ёнмайди".

Миртемирнинг бирдан оёғи тойиб кетди. Помукқалъа тепалигидан пастга эмас юқорига учиб кетди. Чўчиб тушди. Кўзлари илиниб, туш кўраётган экан.

Темир эшикнинг панжарасидан ёниб турган чироқнинг нури кўзларига тушиб турибди. Бир лаҳза тушини эсламоқчи бўлди-ю, бир учини эсласа, иккинчи "учи" ёдидан чиқиб кетаверди.

Нима бўлганда ҳам ёруғлик, оқлик... яхши бўлса керак, деб ўйлади. Ўзининг бу болаларча хулосаси яна вужудини роҳатлади. Кўзлари секин юмила бошлади...

11. ВАҲИМА

Каримов одатига кўра кеч уйғонди. Боши қовоқдек туюлди ўзига. Қовоқнинг ичига сон-саноқсиз ари кириб олган-у "винғир"лашда мусобақа ўйнаётгандек эди. Ётган жойидан қўл узатиб, тортма устига қўйилган дорини оламан деганди бардоқ ағдарилиб, апелсин суви тўкилиб кетди. У жон-жаҳди билан тугмани босди. Доктор югуриб кирди.

-Ким қўйди буни бу ерга? Неча марта айтдим сизларга, керак бўлса ўзим айтаман, деб.

-Кечқурун бироз ...

-Бироз-мирозни қўй, кечқурун нима қилганимни яхши биламан. Менга бош оғриғи дорисини бер.

-Оч қоринга мумкин эмас. Ҳозир сут олиб келаман, ҳеч бўлмаса сут билан...

Доктор орқасига қадам ташлаб эшикдан чикди. Каримов бошини ушлаганча хаёлга толди. Кеча кечқурун нега бу қадар кўп ичди? Ҳар оқшом ичарди-ю аммо бу қадар кўп эмасди. Шомга яқин МХХ раиси Ғулом Алиев келди. Шукрулло Мирсаидов миллатвакиллари атрофига йиғиб уни йиқитиш учун ҳозирлик кўрибди.

-Нега олдинроқ айтмадингизлар? -сўради у МХХ раисидан.

-Юбилейлар билан овора эдингиз.

-Юбилейларни гўрга олиб кетаманми, ёки сенлар ҳам унга шерикми?

Унинг бир гапи тугамасдан иккинчисига ўтиб кетиши ҳар қандай суҳбатдошни шошириб қўярди. МХХ раиси "юбилей" билан гўр орасидаги боғланишни топиб улгурмасдан ўзининг тақдири "стол устига" тушди.

-Агар... агар... Сизга...

-Тилинг тутилмасин. Сен ҳеч ким эдинг. Ҳали ҳам ҳеч ким эмассан! Нарӣ борса палов пиширишга ярайсан, холос. Сени мен одам қилдим. Тўн кийиб, белбоғ боғлаб юардинг. Мен сенга костюм-шим кийишни ўргатдим...

-Сизга хиёнат қилсам кўзим кўр, тилим соқов бўлади, Худо уради мени. Мен сиз учун яшайман. Москвадан келганлар мени ҳам турмада чиритишмоқчи эди. Лекин сиз қутқариб қолдингиз.

Бу гаплар кўп такрорланган бўлсада Каримовга ёқди. У иқрорни севарди. Бировга қилган яхшилиги учун ҳар куни жавоб олиб туришни истарди. Шу боис бироз юмшади.

-Хўп! Мен ҳам сизга ишонмасам битта имзо етарли, эшикни ёпишга ҳам улгурмай чиқиб кетасиз. Қани ўтиринг! Нима гап ўзи?!

-Шукур Раҳматович...

-Ўшанинг отини айтманг, менга!

-Хўп... Олий Кенгашдаги депутатлар бир уйга тўпланиб, "Сессияга мактуб" хозирлашганди.

-Биламан. Ҳа, ким бошлаганди бу ишни?

-Ёзган одамни аниқладик. Мутахассисларнинг расмий хулосаси ҳам бор.

-Мутахассисларингни билмайману уни Миртемир ёзган, жўжаҳўроз!

-Қойил сизга! Биз ҳафталаб ўйлаганни Сиз бир лаҳзада топасиз.

-Акси бўлганда бу ерда мен эмас, сен ўтирардинг...

-Бу Оллоҳнинг иши, Оллоҳ Сизга раво кўрган бу ишни.

-Ҳали МХХ ҳам Оллоҳга ишонади денг.

-Ишонишга ишонмаймизу...

-Лекин сиёсат қиламиз, шундайми?

-...

-Бўпти, масалага қайтайлик. Депутатлар йиғилган уйдаги суҳбат матнини ташлаб юборибман.

-Менда бор...

-Ўша ерда Шукрулло ҳақида гап бор эдими?

-У ерда йўқ. Депутатлар уч марта тўпланишди, лекин Шукрулло ҳақида гап йўқ.

-Демак ҳаммаси кейин бошланган. Охирги кунларда Шукруллонинг ҳузурига депутатлардан кимлар кирди?

-Биз шубҳа қилганлардан уч киши...

-Суҳбатни ёзиб олдингизларми?

-...

МХХ раиси папкасини қовлаб бир неча саҳифали матнни Каримовга берди. Каримов бироз ўқиди-да зериккан кишидек қоғозларни МХХ раисининг олдига олди.

-Муҳим жойларини ўқи.

МХХ раиси қизил қалам билан остига чизилган сатрларни ўқий бошлади:

"-Шукрулло ака, биз бир гуруҳ депутатлар Каримовга қарши чиқмоқчимиз.

-Нима учун? Каримов яхши одам. Қолаверса бугун унга ўхшаган одам керак.

-Яхшиликка яхши-ю, лекин... Чет давлатлар билан муносабатларни бузаяпти. Масалан, сиз бориб Россия билан шартнома имзолаб келдингиз, у эса бузди".

-Вой, ифлосей, ким бу, қайси бири?

-Тошпўлат Жўраев дегани бор. Ўтган сессияда русларга қарши чиққанди. Боплаб ерига ўтиртиргандингиз.

-Ҳм... Кеча руслар ёмон эди. Бугун эса...

Каримов стол ёнидаги телефон қутисининг устидаги тугмалардан бирига босди:

-Эшитаман, ўртоқ...

-Тошпўлат Жўраев деган жўжахўрозни топ! Олий Кенгашдан.

-Хўп, ўртоқ...

Каримов яна МХХ раисига юзланди. У ўқишда давом этди:

"-Бизга сизнинг розилигингиз керак.

-Бунақа гапларни қўйинглар. Танкид қилиш, қарши чиқиш – демократиянинг бир бўлагидир. Мен ҳам Ислом аканинг баъзи камчиликларини биламан. Ўзига айтдим. Тузатмади. Энди сессияда ўртага ташлайман. Аста-секин демократияга ҳам ўрганишимиз керак. Дарвоқе, сизлар Олий Кенгаш шароити ҳақида ҳам унутманглар.

-Унутишга унутмаймиз. Лекин..."

-Кўрдингми, у жуда устакор одам. Тошни узоққа отаяпти.

-Ҳатто гапираётганда радиони баландлатиб қўйган. Аммо биз овозни ҳар турли товушлардан тозалайдиган асбоблар олганимизни билмайди.

-Шукр қил. Жўмракдан сув оқизиб қўйса нима қилардинг?

-Хонасида жўмрак ўрнатишга ижозат йўқ. Ичкари хонада бор, аммо. Жуда яқинлари билан ўша ерда гаплашади.

-Бир-икки кундан кейин у ерга кирмайдиган қилиб қўямиз. Яна кимлар билан гаплашди?

-Ўқийинми?

-Йўқ. Гапириб бер, муҳим жойларини.

-Депутатлардан бири "Хизмат машинамиз йўқ, агар бизга енгил машина ажратсангиз сотиб олардик. Бошқа давлатларда ҳам шу тажриба қўлланилмоқда" деганди дарров рози бўлди. Олтига машина ажратишга қарор берди. Шундан фойдаланиш керакмикан?

-Кимлар олмоқчи?

-Орасида Тошпўлат Жўраев ҳам бор...

-Миртемир-чи?

-Йўқ. Аммо у илгари вилоятда машина олган. Шуни қовлаштириш мумкин.

-Яна ким бор?

-Ойгул Маматова ҳам бор!

-Ҳм... Булар топишиб олишибди...

Каримов яна тугмага босиб, Ойгулни ҳам топишни буюрди.

Кейин Жўрабековга телефон қилди:

-Миртемир деган бола билан ўзингиз гаплашинг, ҳамюртингиз. Керак бўлса сотиб олинг, керак бўлса қўрқитинг. Менга рўбару қилмангки, уни уриб, қўлини синдираман, тилини кесиб оламан!

Шундан сўнг Каримов МХХ раисидан сўради:

-Масала жиддийми?

-Жиддий. Депутатларнинг бу тайёргарлиги Шукруллога қўл келди. Ёки бу воқеадан фойдаланиб қолишни ўйлайди. Шогирди Нусратовни биласиз. Уни ишга солди. Пойтахт ва вилоят депутатлари билан бир-бир гаплашиб чиқишди. Баъзи ҳокимлар ҳам Шукруллонинг ёнига қатнай бошлашди. Мана рўйхати ва суҳбат матнлари.

Каримов депутатларнинг суҳбатлари матнига унчалик эътибор қилмаганди. Аммо ҳокимларникини эринмай ўқиб чикди. Кейин тутоқиб кетди.

-Бу онангни..... лар, бу нонкўрлар, бу хоинлар, бу сотқинлар....Ҳаммасини йўқотаман, қаматаман, чиритаман ертулаларда!...

-Аммо улар ҳозир бирлашганлар. Усталик билан иш қилишимиз керак. Биз ҳам ўз одамларимизни тўплаб қарши тадбирлар олмоғимиз зарур. Сиз жуда самимий, ишонувчан одамсиз. Сизнинг яхшилигингиздан булар фойдаланиб қолишмоқда. Ҳатто сизга энг яқин одамлар ҳам ўша томонга қатнаб юришибди...

Каримов икки қўлини чўнтакка тикқанча хонада у тарафдан бу тарафга юра бошлади.

-Бугунги программа қандай? -деди тугмани босиб. Ёрдамчи дарров жавоб қилди.

-Соат 20.00 да чет элдан келган ватандошларга зиёфат берилади. Ўша ерга боришингиз керак.

-Бекор қил! Бошқаси борсин!

-Хўп, ўртоқ..., -Ёрдамчи гапнинг довомини "ютиб" юборишга одатланганди.

-Алимов, Умурзоқов, Жўрабековни чақир, тез келишсин!

-Хўп, ўртоқ....

Алимов ташқарида эшик ёнида пойлаб ўтирган эканми, дарров ичкарига кирди.

-Хабарингиз борми? – сўради Каримов.

-Бор. Уч кундан буён эрталабки ҳисоботномаларни ўқишга вақтингиз бўлмапти.

-Нима қилиш керак? Қайси бирига улгурай. "Навоий юбилейи билан чет эллик ватандошлар қурултойини бирга ўтказайлик" деган сизлар эмасми? "Бир қанча давлат раҳбарларини чақирайлик, бу обрўйимизни оширади", деган сизлар эмасми? Мана энди... Агар ҳокимиятга у келса мендан аввал сизларни йўқотади. Оилангиз, қариндош – уруғингиз билан бирга.

-Тўғри.

-Тўғри бўлса, нега қарши тадбир олмадингизлар?

-Олдик. Лекин кўп масалада Сизнинг олдингиздан ўтиш керак эди.

-Сизга қачон ишонмадим? Биз бир командамиз, бир оиламиз. Биримиз йўқолсак, ҳаммамиз йўқоламиз.

-Аммо у Бош вазир. Имкониятлари....

-Имкониятларини қўлидан олинг, демаганмидим? Яқинда умуман имкониятсиз қолади. Қуритаман уни, йўқотаман, билдингизми, йўқотаман! -Каримов шундай деб столни муштлаган эди тахта – ойна парчаланиб кетди. У фақат муштирага бир қараб қўйганидан "қонамадими" деган шубҳа кўнглидан ўтганини сезиш мумкин эди.

Эшик очилиб Жўрабеков, Умурзоқов ҳам кириб келишди. Каримов уларнинг фикрини сўраб ҳам ўтирмасдан топшириқ бера бошлади.

-Сиз Исмоил ака, ҳар бир депутат билан яккама – якка гаплашасиз. Ҳа, Миртемирни топдингизми?

-Уйига машина юбордим.

-Булар соат беш бўлмасдан ишдан қочишади. Ана у "Хўкиз" нима қиляпти? Нега депутатларни назоратсиз қолдиради?...

Каримов янгилик кашф қилган кишидек телефон трубкасини кўтарди : -"Хўкизни" боғла! Телефон боғловчи ҳам Олий Кенгаш раиси Шавкат Йўлдошевнинг лақабини билар экан, дарров боғлади :

-Кўлинг қонлигини биласанми ёки унутдингми? Сендан сўраяпман, унутдингми, йўқми? Гап қайтарма дедим сенга...

Каримов Олий Кенгаш раисини бўралаб сўка бошлади. Унинг бошқаларни кўрқитиш учун бировни куракда турмайдиган сўзлар билан сўкадиган одати бор эди.

Атрофидаги "командаси" Йўлдошевни севишмайди, "Хўкиз" деб лақаб қўйган ҳам улар. Ҳозир у Олий Кенгаш раисини қанча кўп сўкса, булар шунча хурсанд бўладилар ва шундай ғазабга учрамасликдан ҳайикадилар.

-Сени ботқокдан тортиб чиқардим. Одам қилдим. Бошимга бало бўлдинг! Нега депутатларинг жойида ўтирмайди? Нега менга қарши фитна тайёрлашади-ю сен билмайсан? Нега давлат ишхонасида ўтириб давлатга қарши ишлашади? Ҳаммасини қув! Хоналардан стол – стулларни олиб чиқ! Телефонларини уз. Хизмат машинасини олиб қўй. Керак бўлса қарор чиқариб қўмиталарни ёп! Ҳаммасига икки соат вақт. Икки соатдан кейин рапорт берасан!

Каримов телефон дастасини жойига қўймоқчи эди, тушмади, отиб юборганди сим тортилиб қайтиб – келиб қўлига урилди. У тугмани босди-да Умумий Ишлар бошқармаси раҳбари Зелемхон Ҳайдаровга :

-Бу ердан телефонларни йўқот, дея неча марта айтишим керак. Стол устига микрофон ўрнат, демаганмидим?!

-Ўрнатамиз, лекин...

-Гап қайтарма, ҳозироқ ишдан қуваман... хоинлар!

У яна хонада юра бошлади. Ҳамма жим, орага сукунат чўмди.

Бироздан кейин Каримов яна топшириқ беришда давом этди:

-Сен Мавлон Умурзоқов, муҳолифат билан гаплашасан! Сессияда бизни қўлласин! Диндорлар билан ҳам гаплаш. Шоирларни матбуот котибига топширамыз.

-Сиз ўртоқ Алимов, Прокурор, Ички ишлар вазири, Суд билан гаплашинг. Оёғини эгри олган ҳокимларга қарши ҳар бирига алоҳида "дело" ҳозирланг.-Сиз ўртоқ Алиев, хавфсизлик хизматини оёққа турғазинг. Ҳар бир депутатнинг, ҳар бир ҳокимнинг ҳаракатларини соатма – соат қайд этинг, рапорт бериб турунг, менга. Жавоб ҳаммангизга!

Каримов тортмасидан битта янги ён дафтарча олиб, йирик – йирик ҳарфлар билан нимадир ёза бошлади. Ёзгани ёкмади шекилли, саҳифани йиртиб, мажақлаб оёқ остига отди ва яна қайтадан ёза бошлади. Бу ҳол уч-тўрт бор такрорланди. Кейин кимгадир телефон қилмоқчи бўлди. Аммо телефон полда икки бўлиниб ётарди. Стол остига ўрнатилган тугмани босди.

12. КРАЙНОВ

Ёрдамчи югуриб кирди. Каримов унга парво ҳам қилмасдан яна ёза бошлади. Ёрдамчи худди симёғочдек тик турарди. Орадан ҳийла вақт ўтгач, Каримов бошини кўтарди.

-"Нима гап?" дегандек ёрдамчига бош ирғади.

Ёрдамчи унга қадар ҳам тўртта "Катта"ни кўрган, бу хонада юз берадиган воқеаларни олдиндан биладиган киши эди.

У ўн беш йил ёрдамчилигини қилган Шароф Рашидов оламдан ўтгач, "Порахўр эди, тилло-ю олтинлар йиққан" деган гаплар тарқалди. Ҳамма "Катта"лардан кейин бошланганидек, бу сафар ҳам жиноий иш очилди. Ёрдамчи ўз "Катта"сига балчиқ отди. Янгиси келгач, у билан опоқ-чапоқ бўлиб ишлади. Нишонов, Усмонхўжаевни ҳам "кўрди".

Улар кетишди, аммо Крайнов биринчи "нўмирли" мерос сифатида девонда қолаверди. Мана энди буниси билан ҳам ораси яхши. Баъзи башоратчилар Каримов ҳар олти ойда кадрларни алмаштиради, бунинг ҳам супургисини қўйруғига боғлайди, деб юришди.

Лекин йилларга йиллар боғландию унинг супургиси қўлида. Аксинча у Каримовга ёрдамлашиб, бошқаларнинг супургисини қуйруғига боғлаб юрибди.

Ундан қўрқмаган одам оз. "Крайнов" деган отини эшитганларнинг лабига учуқ чиқади ё тиззаси қалтирайди. Унинг ёнида ҳатто Жўрабеков, Алимовлар ҳам қўрқиб туришади. Унинг олди-қочди гапларини эшитиб ўтирадилар, қарши гап айтолмайдилар.

Вазирлар, ҳокимлар ҳам Крайнов билан ўпишиб кўришадилар, унинг кўнглини топишга уринадилар, хурсанд қилиб туришга интиладилар. Ҳар куни икки-уч карра сим қоқиб, унинг ҳол-аҳволдан, оилавий ташвишларидан сўз очиб, дилига илиқлик киритиб турадилар.

Дарвоқе, Крайнов нега бу қадар "катта куч"га айланган? Буни ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Аммо шу нарса аниқки, Крайнов ишга ҳаммадан олдин келади ва ҳаммадан кейин кетади. Баъзан мамлакат ухлаётган ярим тунда ҳам у ишхонасида ўтиради. Каримовнинг ётоғидан "ухладилар"деб хабар келгач, у уйига йўл олади.

Президентнинг ҳузурига ким кириши, ким кирмаслигини ҳам у ҳал қилади. Махсус китоби бор. Унда Каримов кимларни, қайси лавозимдаги кишиларни қабул қилиши кераклиги асосида рўйхат тузган. Уни Каримовнинг кайфияти яхши пайтлари ўзгартириб, тасдиқлашиб туради. Бу рўйхатга кирмаган киши ким бўлишидан қатъий назар Каримов билан учраша олмайди. Крайновга ёққан киши эса ҳовли супурувчи бўлса ҳам рўйхатга кириши мумкин.

У Каримовнинг феъл-атворини мукаммал ўрганиб олган. Гапини икки қилиб юрганларни Каримовнинг жаҳли чиқиб турганда рўбару қилади. Ўша одамнинг бошига қора булут ёғилади. Агар ҳовли супурувчи Крайновга оид йўлакларни ҳам тозалаб, эътиборини қозонган бўлса, Каримовнинг кайфи чоғлиги пайтида учраштириб, уни вазир ўринбосарлигига ўтказиб юбориши ҳам ҳеч гап эмас.

Каримовнинг ўнга яқин ёрдамчиси бор. Лекин асосийси Крайнов. У айни пайтда эшик оғаси ҳам. Каримов кириб-чиқадиган эшикнинг қаршисида унинг хонаси бор. Шкафлар орасидан кирилади бу хонага. Мамлакатнинг кўзга кўринган ҳамма одамлари бу хонақоҳда меҳмон бўлишган.

Крайнов бировга сим қокса, орқасидан қандай шамол келишини билиб олиш қийин эмас. "Ока", шўрва ичяапсизми, ош еяпсизми?" деса демак ёмон хабар йўқ, агар "Ётаверасизми, дўппайиб" деса Каримовнинг кайфиятига ўт кетган бўлади.

"Пахан" баъзан "фалончини сўкиб қўй" деб унга буюради. У худди Каримовнинг ўзига ўхшатиб чунонам бақирадики, товуши қабулхонада эшитилиб туради. Каримов бирор одамга хуш бокса, Крайнов унга шунақа ширин сўзлар топиб муомала қиладики, ҳалиги одам учун дунёда ёлғиз Крайновгина содиқ дўст бўлиб кўринади.

У "Катта" бугун кимни кидириши кераклигини олдиндан билгандек одамларнинг ҳаракат нуқталарини белгилаб боради. Барча раҳбарлар қайси соат, қайси дақиқада қаерда бўлишлари ҳақида уни хабардор қилиб турадилар. Раҳбарлардан бири керак бўлиб қолса, уни ўйнашининг уйидан ҳам топади. Крайнов учун дунёда "йўқ" деган сўз йўқ.

Агар Каримовни ёмон кўрган одам келса, унга қўшилиб ёмонлайди. Кейин оқизмай-томизмай хўжасига етказади. Бундан Миртемирнинг ҳам оғзи куйган. Миртемир бир кун Каримовни кутиб ўтирганда, Крайнов билан дардлашиб қолди. Крайнов унга олдинги "Катта"ларнинг юмшоқлиги, халқпарварлиги, ҳозиргисининг эса баджаҳл, сўқағон, ҳатто невараси бор одамларни ҳам кабинетида уриб, қувлаб юриши ҳақида гапириб берди.

Миртемирнинг унга раҳми келди шекилли: "Яқин орада ундан ҳаммамиз кутиламиз" деб юборди. Бир ҳафтадан кейин Каримов билан мажлис залида юзма-юз келди. Каримов тиржайганча Миртемирнинг елкасига туртиб "Қандай қилиб кутиласиз, куч борми?" деб ўтиб кетди. Ўшанда Миртемир қайноқ сутни қатик деб хўплаганини англади.

Бунга қарамай Крайновнинг қойил қоладиган ҳислатлари ҳам бор. Масалан, одамларга лақаб қўйишда шу қадар устаки, қабр устига тош ўрнатган устадек нозик ҳаракат қилади. Яъни у отган ўқ нишонга айнан тегади. Жўрабековга "Боцман", маслаҳатчи Алимовга "Берия", бошқа маслаҳатчиларга "Артист", "Девор", "Тряпка" деб лақаб қўйган. Олий Кенгаш раиси Йўлдошев "Хўкиз"га айланишида ҳам унинг ҳиссаси бор.

-Менга ҳам лақаб қўйгандирсан? -деб сўрайди Каримов ундан баъзан.

-Сиз биттасиз "Катта", -дейди у кулиб. Бу ҳам ўзи қўйган лақабга ишора.

Хуллас, ҳозир ҳам Каримовнинг ёнида жилмайиб турибди. Унинг жилмайиб туришидан Каримов юмшагандек бўлди.

-Нима гап? -деб сўради ўзи қақиргани эсидан чиқиб.

-Бугун "Тошкент оқшоми"да яхши мақола чиқибди, -деди у таваккал қилиб.

-Яна Миртемирнинг мақоласими?

-Миртемир ким бўпти? Шоирми, ёзувчими, журналистми, кимлигини биров билмайди. Сиз туфайли машҳур бўлди. Яна сиз билан ўчакишиб юрибди, ажали етганга ўхшайди.

-Нима мени Азроил демокчимисан?

-Ўйга, "Катта", сиз бизнинг фариштамизсиз... Ҳа-я, ҳурматли академигимиз Аҳмадали Асқаровнинг мақоласини айтаётгандим...

Каримов қизиқиш ҳис этгандек креслога ястанди.

13. ЗИЁФАТ

-Нима деб ёзибди?

-Мамлакат вужуд, Каримов эса унинг юрак ва ақлидир. Девонни ақл, ҳукуматни юракка ўхшатмоқчи... Кейин... Муфти ҳазратнинг "Подшоҳ Аллоҳнинг ердаги сояси" деган гапларини мисол келтирибди.

-Муфти шу гапни ростдан ҳам айтганми?

-Менинг ўзимга айтган, Асқарали акага ҳам айтган.

-Сенинг фойдали ёлғонларинг бор, лекин муфти билан ўйнашма. Айтадиган бўлса, ўзи телевизорга чиқиб айтсин.

-Айттирамиз! Айтмаса ҳам айттирамиз, -деди ва Крайнов енгил тортгандек кулиб юборди.

-Нимага кулдинг? Бирор латифа эсингга тушди-ми? -сўради Каримов латифа эшитгиси келганини яширмай. Ёрдамчи ҳам дарров "ишга тушди".

-Бир кун уламолар подшоҳга қарши бош кўтаришибди. Подшоҳни майхўрликда, динсизликда айблашибди. Подшоҳ ҳеч нарсани билмагандек уламоларни зиёфатга қақирибди. Шарбат сувига шароб аралаштириб ҳаммасига ичирибди. Уламоларнинг кайфи чоғ бўлгач, улардан фатвога имзо сўрабди. Ҳаммаси бармоқ босибди. Фатвода "Биз уламолар майхўрлик қилиб, диндан юз ўгирдик. Гуноҳимизни ювиш учун подшоҳ ҳазратларига келдик. Ҳукми подшоҳ биз учун вожиб" деб ёзилган экан. Фатво дейилган бу нарса фитна эканлигидан хабардор бўлган уламолар подшоҳга ёлворибдилар, лекин у авф этмабди. Илоннинг бошини эзмасанг, захардан ўласан, деганларидек уларни тошбўрон қилдирибди...

-Хўш, нима демокчисан?

-Зиёфатга оз вақт қолди. Борсангиз яхши бўларди. Шоирлар ҳам, ёзувчилар ҳам, мухолифат ҳам ўша ерда.

-Мухолифатни ким чақиртирди?

-Мен. Сиздан сўрамасдан гуноҳ қилдим.

-Сенинг гуноҳинг доим фойда келтиради.

-Мухолифат бошлиғи хорижда эди. Ҳеч гапдан хабари йўқ. Бугун депутатлар қилаётган ҳаракатларини унга ҳам сездиришди. "Қўллаيمان" деганмиш уларга.

-Бу ёғи МХХникими?

-Йўқ, ўзимизнинг службамиз бор. Кеча кечқурунгача МХХ ҳам Шукрулло тарафда эди. Агар бугун уни сизга юзма-юз қилмасам... Ҳа, майли, кейин гаплашамиз буни. Ҳозир эса зиёфатга бориб мухолифат раисини, шоирлару ёзувчиларни қўлга олиш керак. Юз депутатнинг минг бақиргани, уларнинг бир гапиргани...

-Ақлли тулкисан. Биламан мени эмас, ўзингни ҳам ўйлайсан.

-Иккаламизни ҳам ўртоқ...

-Машинани чақир. Айтмасдан борамиз. Сен эса жиддийроқ шуғуллан, шарбат ва майнинг таъми қочмасин. Айниқса ана уларга қуюкроқ қориштиринглар...

-Бу ёғидан кўнглингиз тўқ бўлсин....

Каримов кириб келганда зиёфатга таклиф қилинганлар уни оёқда туриб қаршиладилар. У қисқагина қилиб "Хуш келибсиз" нутқини гапирди-да қадаҳ кўтарди. "Куч" олиш учун кетма-кет икки қадаҳ коньякни ичди-да, учинчисини кўлида саклаб "керакли одамлар" ўтирган томонга юрди.

Эркин Воҳидов ўрнидан туриб, Каримовга тавозе билан "Раҳмат, улуг иш қилдингиз. Ватандошларимиз ўз она юртларига қадам босдилар. Тарих бу кунни алоҳида ёзгай" деди.

Каримов ёнидагиларга ишорат этиб улгурмасдан стул олиб келишди. У Воҳидов билан академик Асқаровнинг ўртасига ўтирди ва мухолифат раиси Исо Холисга қўл узатди. Мезбонлар режага кўра уларни ёнма-ён ўтқизишганди.

-Хуш келдингиз Исожон. Қалай Франция гўзал эканми?

-Ҳар нарсадан хабарингиз бор,-деди дўриллаган овозда Исо Холис. -Нима бўлганда ҳам МХХнгиз яхши ишлайди. -Кейин у бир қўли билан оғзини юмиб хириллаб кулди.

Каримов эса атрофга аланглаб, мухолифатнинг бошқа бир раисини қидирди. Кўринмади.

-Раисдошингиз йўқми? -сўради Каримов Исо Холисдан.

-Биримиз борган жойга иккинчимиз бормаимиз.

-Ҳай, хай, раисдошлар ёнма-ён юриши керак эмасми?

-Сиз билан ёнма-ён юришимиз мумкин, у билан асло, -дея масалага нуқта қўйган бўлди Исо Холис.

Лекин Каримов ташаббусни ўз қўлига олмоқчи бўлди ва нуқтани ўзи қўйди.

-Биз барибир бундан кейин Шавкат Темурни ҳам бирга даъват этамиз. Сизларни яраштира олмасак нима қилиб юрибмиз, шундай эмасми, Эркин ака?

-Шундай, ҳазрат, шундай. Лекин наригиси бироз жанжалчиноқ. Уни жанжалчиларга, Исожонни эса жанжалсевмасларга раис қилганмиз.

-Демак, Шукрулло ака жанжалчи эканларда-а? -"Катта" аския қилган кишидек кулди. -Чунки бу киши ҳам у томонда.

-Биз Сиз томондамиз, -деди Шукрулло ҳам аския оҳангида.

Каримов бироз мухолифат ҳақида ўйлади. Наригиси жанжалчи бўлса ҳам пишиқ. МХХ яхши ишлади. Ораларини бузмаганида катта куч эдилар. Бунисини ҳам қўлга олиш осон

эмас. Лекин алдаш мумкин. Содда. Дарров ишонади кўяди. Давлат раҳбари ёлғон гапирмайди, деб ўйлайди. Бундайларнинг бурнига ип Алиб бошқариш мумкин. Фақат ипни уздирмаслик керак. Ип узилдими, кейин боғлатмайди.

Каримов кўлига қадахни олди-да ўрнидан турди. Ғалағовур залга бир зумда сокинлик инди. Ёрдамчи микрофонни яқин келтирди.

-Шу қадахни, айтайлик, халқимизнинг севимли ўғли, айтайлик, Эркин ака учун кўтаришни сўрайман. Барча ватандошлар унинг "Ўзбегим" деган шеърини ёддан билишади. Камина ҳам бир пайтлар, айтайлик, бу шеърни ўқиб, сизларни эслаб, кўзга ёш олганман. Умуман Эркин акамиз, айтайлик, каби инсонлар юз йилда бир туғилади. Исмои Эркин, айтайлик, фикри эркин. Бу эркинлик Сизга, айтайлик, бизга муборак бўлсин!

Каримов ўрнидан туриб қуллик қилиб турган Воҳидовни кучоклаб, чўпиллатиб икки юзидан ўпди. Воҳидов қизариб кетди.

Каримовнинг хаёлида эса ҳамон Исо Холис эди. У ҳам шундай мактовга интиқ, деб ўйлади у. Ўрнимдан турганимда ўзи ҳақида гап бўлади, деб ўйлаганди, янглишди. Ҳозир, уни ҳам боппайман...

Каримов хаёлидаги фикри лабига югургани учун яна ўрнидан турди.

-Ёнимда яна бир ёш, жасоратли, мард, кўркмас йигит бор. Келажак уники. Унинг учун ҳам қадах кўтаришингизни илтимос қиламан.

Исо Холис ўрнидан турмади. Каримов ҳам уни ўпмади. Аммо Исо Холис Каримовни ўпгиси келгандай унга эгилди. Каримов эса кўрмаганга олиб яна ўрнидан турди ва академик Асқаровни мактай бошлади:

Уч-тўрт қадахдан кейин ҳамма "ўзи"га келиб қолди. Хорижлик ватандошларнинг кўпчилиги намозхон эди, зиёфатни тарк этишди. Одам хийла озайиб қолди. Бу орада Каримов ўрнидан туриб бошқаларнинг ҳам кўнглини олиш учун даврани бир айланиб келди.

Сўнгра:

-Уччалангиздан битта илтимосим бор, -деди ва Исо Холисга энгашиб давом этти: -Эртага коммунистлар мени ағдармоқчи. Ука ёрдамнингиз керак. Бир-икки соғлом йигитлар ҳам уларга қўшилган. Гапнинг пўст калласи бу тошкентликларнинг ўйини. Қўйнимда илон олиб юрган эканман, Шукр Раҳматович жойимни олмоқчи. Мен унга сайлов қилайлик, номзодингни қўй, ютиб чиқсанг, марҳамат, дедим, аммо кўнмади. Эртага сайлов ҳақида қонун қабул қиламиз. Кейин эркин сайлов ўтказамиз. Аслида бу жой сизнинг ҳаққингиз. Кўп курашдингиз. Халқ сизга овоз берса, мен маслаҳатчи бўлиб қоламан, ука, иқтисодни кўтариб бераман...

-Коммунистлар дедингизми? -сўради Исо Холис.

-Ҳа, Москва билан ҳам алоқалари бор. Кучни ўша ёқдан олишяпти. Бизни сотишмоқчи.

-Кўнглингиз тўқ бўлсин. Бир ҳамлада шаштларини синдираман. Осонликча бизни бука олишмайди, -деди Исо Холис.

У хориждан куни кеча қайтгани ва воқеалардан унча хабардор бўлмагани учун дарров "гирдоб"га тушди.

Аслида бугун депутат дўстларидан бири -Самандар унга телефон қилиб:

-Эртага Каримовга ҳужум қиляпмиз. Сиз ҳам тайёргарлигингизни кўринг,-деганда, "Мен ҳамма вақт тайёрман" деб жавоб қилганди.

Демак, Самандар ҳам тошкентликларнинг мусикасига ўйнабди-да, аслида Шукрулло шум одам, кўп ўтириб-турганмиз у билан, мулойим бўлиб кўринади. Демак-ки, мақсади

хокимиятни олиш экан. Йўқ, унга ишониб бўлмайди. У ер ости дунёси билан боғлиқ. Ҳаммамизни курилади, деб ўйлади Исо Холис.

Бу орада Каримов Воҳидовни "овлаётган" эди. Воҳидовга қийин. Чунки унинг ўзи бу ишнинг бошида турганлардан бири. Миртемир билан ҳамма нарсани биргаликда келишиб олишганди. Бунинг устига бугун Шукруллонинг қўлини ҳам қисиб чиқди. Эртага мажлисда иккинчи бўлиб у, учинчи бўлиб Асқаров, кейин Миртемир сўзга чиқиши керак. Нима қилиш керак? Наҳотки ҳаммаси барбод бўлса?

-Битта таклифим бор, -деди Воҳидов Каримовга. -Кечаси бўлса ҳам Шукр Раҳматовични чақириб, гаплашиб олинг. Уни кўндирсангиз олам гулистон. Биз эса сиз билан.

Каримов яна уни кучоқлаб ўпди-да:

-Илтимосингиз ёдимда. Биринчи қиладиган ишим сизни Лондонга элчи қилиб жўнатиш. Аммо сизни доимо ёнимда кўришни истардим. Нима қилайки, ёзадиган нарсаларим бор деяпсиз. Ёзишингиз керак. Бу олтин конларидан ҳам қиммат!

Академикни қармоққа илдириш янада осон кечди. Унга институт очиб беришга ваъда қилди ва сўзини олди.

Каримов улар билан ўпишиб хайрлашар экан, ҳамманинг кўзи шу томонда эди. Воҳидов, Исо Холис, Асқаров ўзларини мағрур тутиб турардилар...

Каримов машинадан Шукрулло Мирсаидовнинг уйига сим қоқди.

-Нега зиёфатга келмадингиз? -деди.

-Сизга айтишмадим, бироз мазам қочиб турганди...

-Мазани ушлаб турган нарсадан қочасиз-а?-дедию лекин "Ҳа, тулкилик қиляпти", деб ўйлади Каримов.

Айни фикр Мирсаидовнинг ҳам хаёлидан кечди.Лекин сир бой бермади:

-Бунинг устига эртага мажлис, ётиб қолмайин, дедим, -Мирсаидов гап нимадалигини билиш учун атайлаб "мажлис" калимасига урғу берди.

-Мажлис деганини оз кўрдикми, жўра? -"Катта" жўшиб кетган кишидек гапира бошлади. У ҳар қанча ўзимни идора қиляпман, деб ўйласа-да ичкиликнинг таъсири бор эди. - Иккаламиз ўтириб отамлашмаганимизга ҳам ойлар бўлди. Орамизга мушук оралади. Буларнинг думини боғлаб қўйдим. Сизни менга, мени сизга ёмонлашдан бошқа ишлари йўқ...

Демак, ҳар нарсадан хабар топибди, деб ўйлади Мирсаидов. У Каримовни яхши билади. Оз эмас, кўп эмас ўттиз йилдан бери танийди. Қанча-қанча яхши ёмон кунларни бирга яшашди. У хабар топган бўлса, тамом, олдини олади. Бунга етарли маҳорати бор. Лекин мендан нима истаяпти?

-Эртага эртароқ бораман, -деди Мирсаидов ниҳоят.

-Эртаси қолдими? Соат ярим тундан ўтгани қачон эди? -дедию Каримов, демак у ҳам ухламабди, олдида одамлари бор, вақт ўтганини ҳам билишмабди, деб ўйлади. - Шукрулло, оғайни, гап бор, кўришимиз керак, -деди лўнда қилиб.

-Нима гап экан?

-Телефонда бўлмайди, олтинчи қаватдаги ошхонада кутаман, тезроқ келинг! -деб Каримов телефон тугмасини босди. Машинаси аллақачон девонга етиб келганди. У "сакраб" тушди-да серрайиб турган миршабларга кўз қисиб лифтга минди. Бу кайфияти яхшилигининг аломати эди. Аммо негадир шошаётганди. Шу боис лифтни "одими"га қаноат этмаётганди. Қўллари лифт эшигидаги тирқишда эди. Гуё лифт тўхтаганда у ҳам эшик очилишига қўмаклашса вақт ютадигандек... Нофила. Лифт бирдан тўхтаб қолди. Лип этиб чироқ ўчди. У нима қилишини билмай қолди. Зим-зиё қоронғулик бир зумда

бошидан оёғига қадар сингди. Боши гувиллай бошлади, кўзи борми – йўқлигини ўзи ҳам сезмай қолди, оёқлари латтадек бўшашиб кетди. Кўкрагида нимадир пилдирай бошлади, кейин бу "дук-дук" белига кўчди ва у нимага шошаётганини англади. Ҳожатхонага етиб олиш туйғуси уни бошқараётганди.

Хайрият лифт кўзғалди. Олтинчи қаватда лифт эшиги очилганда у қаршисида ёрдамчиси, икки миршаб ва котибни кўрди. Улар ўзларини шошиб қолган, гуноҳкор киши қиёфасида кўрсатиш учун юзларини бужмайтириб, бошларини эгиб олишди.

-Ҳамманг латтасан, бир тийинга арзимаёсан?-бақирди у. -Йўқолинг кўзимдан. -У сочлари тўкилиб, боши ялтираб қолган котибни туртиб илгари юрди.

Қабулхонада Олий Кенгаш раиси турганди.

-Сен нима қилиб ўтирибсан? Лифт бузилганига мазза қилаяпсанми?

Раис бошини эгди.

-Бўпти, кел!

Каримов хонасига кирдию ичкаридаги ҳожатхонага ўтди.

Раис эса оёқда туриб қолди. Ярим соатлардан кейин Каримов ҳўл қўлини ияқларига сурганча ичкаридан чиқди:

-Нега ўтирмаёсан?

-Сизни кутаяпман.

-Нима, сен учун ҳали ҳам президентмиман?

-Нега ундай деяпсиз?

-Билмаганга оласан-а, мени хаёлингда бўшатиб қўйдингу мени сезмади деб ўйлайсанми? Нонкўр!

-Ундай деманг оқсоқол...

-Нима? Нима дединг? Ҳе, сени одам қилганни...

Каримов бирдан раисга ҳамла қилиб, уни тепди. Раис ўзини эшик томонга отди.

-Аба, Аба, -дея бақирганча эшикдан "учиб" чиқди. Каримов эса орқасидан қувиб борарди. Бинонинг нариги четига етганда раис зинапоядан пастга югурди. Каримов тўхтаб, сўқинишда давом этди. Оз масофага югурган бўлсада юраги билан ўпкаси гўё бўғзига келиб тикилганди. Йўқ юраги бошининг орқа қисмига "кўчган" экан. Ўша ерда ура бошлади. У "уф-уф" дея ўзини сокинлатган бўлди-ю орқага қайтди. Қабулхонада ҳеч ким йўқ. Ҳамма қочиб қолганди.

-Хоинлар, сотқинлар, мен кетсам ҳамманг ҳам кетасан, кўрқоқлар! -дея бақирди. Кейин хонасига кирмай ўртадаги кичик ошхонага ўтди. Унинг бу томонга ўтганини сезган Зелемхон Ҳайдаров оёқ учида эшик ёнига қадар юриб келди ва ичкарига бош суқди.

-Конякни ол! -деди Каримов русчалаб.

Ҳайдаров "лип" этиб ичкари кирди ва муз дўлобидан коняк ва шоколад кутисини олди. Аммо стол устида ҳам коняк ва шоколад турганди. У буни Каримовга айта олмасди. "Ол" дедими, олиши керак.

-Қуй, -деди унга. -Ўзингга ҳам. Нега қўлинг қалтираяпти, ўтган сафар сенга кўркма, дегандим. Яна кўрқаяпсан. Биламан, бу бинодан қувилишдан кўрқасан ва тўғри қиласан. Бўпти, сен учун ичамиз!

Каримов ичиб бўлгач, қўлига шоколаддан олди-да ҳидлаб, яна жойига ташлади.

-Миртемирни танийсанми?-сўради бирдан Каримов.

-Танийман.

-Қандай бола!

-Ана унинг йўлига юраяпти, шекилли...

-Шукрулло дейишга ҳам қўрқасан-а?

-...

-Жўрабековдан сўра у Миртемир билан гаплашдимиз? Нима бўлганда ҳам у эртага сўзга чиқмасин. Сўзга чиқадиган бўлса, уйдан бирор ходиса чиқаринглар, овора бўлсин. Уриб-пуриб юрманглар ўзини...

-Хўп, бўлади.

-Бор, менга рапорт бериб тур. Ҳозир "ана у" келади, бу ёққа бошлагин....

14. ЙЎЛБАРС

Каримов эрталабдан бери чўнтагида турган ёзувни олди. Уни шахсий фолбини берганди. Ундан юлдузларга кўра ўзининг ва Мирсаидовнинг фолини сўраганди. Мана энди унинг кўзлари сатрлар устида "югуриб" борардию хаёли бошқа ёқда эди. Шу сабаб диққатини кўлидаги қоғозга қаратиш учун ўзининг фолини овоз чиқариб ўқий бошлади:

"Шарқ мучали буйича туғилган йили -Йўлбарс.

Ғарб гороскопи бўйича туғилган оғи -Кўза (Водолей).

Фасли -Ҳаво. Сатурн, Венера сайёралари таъсири остида яшайди.

Бахтли кун -шанба.

Омадсиз кун -якшанба.

Йўлбарс ғайратли одам демакдир, қизиққон, ишчан. У инқилобчи ва даҳолар яратиладиган матохдандир. Бахтга қарши, ҳамма вақт ҳам ўзига кўрсатилган ишончини оқламайди. Ишда, урушда ва муҳаббатда "Олға" деб чиққанида, унга қўшилишдан аввал ўйлаб кўрмоқ ва уни иложи борида орқада тутмоқ керак. Йўлбарс бошқаларни фалокатга, ўйламасдан иш қилишга бошлайди. Унинг таъсирига қарши курашиш оғир. Ҳокимият қўлига тегса, чиқариб юбормасликка тиришади. Айбларини тан олишни истамайди. Ўзини эшитишларига мажбур қилади. Унга ҳеч ким ҳақиқатни айтишга журъат этолмайди.

Йўлбарснинг қанча яшаши унинг қай соатда туғилишига боғлиқ. Ярим тунда туғилган йўлбарс доим тузоқлардан йироқда бўлади. Қуёш чиққанидан сўнг туғилган йўлбарс эса доим хавф – хатар кутади. Йўлбарс ўз уйини ўғрилар, олов ва айёрлардан сақлайди. Маймун билан дўст, илондан қочиши, буқага қарши бирор-бир ҳаракат қилмаслиги, мушук билан келишуви унинг қондаси бўлиши керак.

Ожиз жойлари: тўпиғи, болдирлари, синиши ёки лат ейиши мумкин. Унга иссиқ ёқмайди, овқат ҳазм қилиш йўлларида, хотирасида заифлик, ошқозонида кучли зарда ва юқумли касалликларга мойил бўлиши мумкин.

Томошаларни ёқтирмайди. Доим ўзига ёқадиган ишни қилади. Бировга ўхшашни истамайди. Ҳамма уни севишини, моддий дунё оғирликларидан озод юришни, ҳокимиятни олишни, юқори лавозимда ва яхши яшашни истайди.

Ҳар қандай янгиликлар уни жуда қизиқтиради. У мулоҳазакор. Бу ойда туғилганларда ўзига хос нозик туйғулар бор. Улар ўз ҳаяжонларига бегонадирлар. Ишонувчан, баъзан жуда ишонувчан. Йўлбарс нафақат тенгликка, балки яна ҳам юқорироққа интилади. Агар унга бирор нарса қилишни кўрсатсангиз, рашк, ҳасаддан ёнади. Айтганимни қил, қилганимни эмас -бу унинг шиоридир.

Мансаб иштиёқи ва кек сақлаш хасталиги ёшлигида кўзга ташланмайди. Жамоат ишларини севади. Мустақил бўлишга интилади. Кутилмаганда мансабга кўтарилаверади. Қандай буйруқ беришни, ишни қандай ташкил қилишни тушунтиришни яхши билади. У ўз мақсадига эришиш учун йўл топа олади.

Бу ойда туғилганлар: Галилей, Эдисон, Бернс, Линколн, Рузвелт, Елцин."

Каримовқайнаб тошган сут қозонидек "кўпириб" кетди.

-Фолбинни қув саройдан, аввал инфаркт бўлгунча қийна, кейин қув! -дея буйруқ берди ёрдамчисига.

Бироздан сўнг Шукруллонинг юлдуз фолига кўз ташлади.

"Шарқ мучали бўйича туғилган йили -Қуён.

Ғарб гороскопи бўйича туғилган оғи -Кўза (Водолей).

Ғасли -Ҳаво, Сатурн, Ой сайёралари таъсири остида яшайди.

Бахтли кун -чоршанба

Омадсиз кун -якшанба.

Омадли, шарафини сақлайдиган, улфат, вазмин, ўзини тутган, хотамтой одам. Яхши гапиради ва ўзлигини билади. Битта камчилиги бор, ҳамма нарсага юзаки қарайди. У жамоани, жамоа уни яхши кўради. Шоҳона йиғинларни ёқтиради. Баъзан эҳтиётликда ҳам усталик қилади. Меҳмон қабул қилишдан қочмайди. Ўзини йўқотмайди, дарров қизишиб кетмайди. Ўзининг омадсизлигидан қайғуради.

Дунёдаги уруш, тўполонлар, очарчилик сингари масалалар унга ҳам дахлдор бўлсагина, жиддий қайғуради. Лекин бу қайғу жуда оғир, азобли бўлади. Ўз ҳаётига салбий таъсир қилувчи ҳамма нарсалардан нафратланади. Яхши яшашга интилади. Олдиндан ўйламай ҳеч бир ишга қўл урмайди. Бу эҳтиёткорлиги учун одамлар у билан фахрланадилар ва унга ишонадилар.

Қўйнинг йўлбарс билан муносабатлари таранг бўлади. Қуён анча кучсиз бўлса-да, йўлбарсдан қўрқмайди, йўлини қилиб, ўйиндан чиқади. Қуён рақиб бўлишни истамайди. Лекин у қаршилиқ кўрсатишдан чекинса, ожизланиб, ақлдан озиш, ўз-ўзини ўлдириш ёки ўйини тарк этишгача етиб боради.

Мусбат жиҳатлари: Соғлом ақл, жамоатчилик руҳи, мослашув қобилияти, яхши суҳбатдош, узоқ ва чуқур фикрловчи.

Манфий жиҳатлари: Ўзидан бошқанинг фикрини назарга олмаслик, юзакичилик".

-Ҳаммани сотиб олиш, ҳатто фолбинни ҳам, -ғудурлади Каримов.

У ёрдамчисига яна бир нималар демоқчи эди, лекин Мирсаидов кириб қолди. Каримов юлдузлар фоли ёзилган қоғозни қатлаб чўнтагига тикди-да Мирсаидовни қучоқлаб қаршилади. Илгари бир кунда икки-уч марта кўришсалар шунча қучоқлашардилар. Аммо кейинги пайтда бир-бирларидан қочадиган бўлдилар.

-Дўстим, кишининг боши тошга урилмагунча ҳақиқатни кўрмас экан. Сенга ноҳақлик қилганимни бугун тушундим, -у Мирсаидовни илгаридаги каби сенсираб, яқинлигини кўрсатмоқчи бўлди. Мирсаидов эса уни ҳам "ака", ҳам "сиз" деб ўзидан бир қарич узоқда эканлигига урғу берди.

-Сиз менга ҳақсизлик қилганингиз йўқ...

-Қилдим оғайни, қилдим. Мана бу бинодаги уч-тўрт ифвогорнинг гапига қулоқ солдим.

Улар орамизга Чин девори қуришди.

Каримов Чин девори нималигини билмасди. Бир кун Миртемир билан тортишиб қолганда у "Сиз билан орамизда Чин девори бор" деди. Шундан билдики, бу ора яқин эмаслигини ифодалайди. Аммо нега Чин девори? Кимдан сўрасин? Шуни ҳам билмас экан, деб қулишмайдими устидан. Шу орада бир иш билан Миртемирнинг ўзи келиб қолди. Чиқиб кетишдан олдин Каримовга икки саҳифали қоғоз узатди.

-Бу нима? -сўради Каримов.

-Бу мухтасар луғат. Баъзи калималарни айтишда баъзан хато бўлаяти. Сиз тўғри гапирсангиз бизнинг ҳам ютуғимиз.

-Укажон, бу сўзларнинг бир неча маъноси бор. Мен жойига қараб ишлатаман. Минбарни "манбар" дейишимнинг ёки "пеш"ни "пештахта" дейишимнинг маънолари бор. Ёшлигимизда биз ҳам катталардан хато қидирардик. Нима қиламиз, қайтар дунё укахон. Хўш, мана сиз, Чин девори нимани англатади биласизми?

-Чин девори жуда ҳам кенг ва узун бўлган, устидан арава юрган...

-Ҳа, ҳа, кўрдингизми, мен буни орада фарқ борлиги, орада масофа борлиги маъносида ишлатаман.

-Биз ҳам...

-Йўқ, ука, хатони тан олиш ҳам мардлик. Бўпти, яхши боринг, ҳали ўрганасиз,-дея Миртемирни чиқариб юборганди ва "Чин девори" англамини билиб олганди.

Мана энди бу тушунчадан усталик билан фойдаланмоқда.

-Улар қураверишсин. Лекин биз керак бўлса бу деворнинг устидан юришимиз керак. Меҳнатлари зое кетгани – уларга энг оғир жазо, -у шундай деб коньякдан бардоқларга қуйди. -Қани ол, дўстим, Чин девори учун ичамиз.

Каримов бўшаган бардоқни "тақ" этиб стол устига қўйди-да муштини ҳидлаган бўлди. Коньяк нафас олиш йўллари куйдирди, шекилли, узоқ "ух" тортиб, кейин сўзида давом этди.

-Мен балки эртага истеъфо берарман! -"Катта" шундай деб Мирсаидовга тикилиб қолди. Унинг қалбидагини кўзларидан ўқимоқчи бўлди. Лекин Мирсаидов унга қарамади. Ростданми? – деб ўйлади у. Йўқ мени тузоққа илинтирмоқчи. Бу мансабдан воз кечадиган одам эмас. Шу пайтга қадар фақат битта орзу билан яшади. У ҳам «биринчи» бўлиш. Йўқ, осонликча жон бермайди. Мансаб унинг учун ҳаёт.

Худди кечагидек эсида. Ҳовлиснинг ёнидаги сўрида ўтирганди. Бирдан у келиб қолди. Ўшанда Қашқадарёда ишларди. Пойтахтга келган бўлса, кўриб ўтай, дегандирда деб ўйлади Мирсаидов.

-Дўстим, шошиб турибман. Биласан, «Биринчи»нинг ўрнига кураш бошланган. Қўшнинг Мамарасулов юки оғир одам. Ҳамма унинг ўтишини айтаяпти. Нима қилсанг, қил, бу ишни олайлик. Керак бўлса, уй-жойни сотайлик. Дўстлардан ёрдам олайлик. Аканг.... акам вафот этганларида мана шу ерда ўтириб "Бир умрга дўстмиз" деб қасам ичгандик. Биз ёш болалар эмас. Олайлик шуни, иккаламиз бирга бошқарамиз.

-Бу бир мамлакат. Олови бор, суви бор...

-Вилоятга бораётганимда ҳам шундай дегандинг. Аммо кўрдинг, дарров отим чиқди. Тур, бориб оқсоқолнинг оғзини ҳидла. Уни бу йўлдан қайтарайлик. Кейин истаганини берамиз. Унга жаннат яратамиз. Маслаҳатларини бериб, роҳат қилиб яшайди...

Ўшанда Мирсаидов қўшнисиникига кириб, унинг "оғзини ҳидлади". Маълум бўлишича Мамарасулов номзодликни рад этиб қайтган экан.

-Шундай индамай ўтираверасизми? Бу мамлакат тақдири ахир, -деди Мирсаидов оқсоқолга.

-Мамлакатнинг эгаси кўп. Иккинчи сенинг оғайнинг томонида.

-Бўлиши мумкин эмас. Иккинчи – жосус. Миллатнинг бошига тушганлар унинг нафратидан сочилди, оғайним эса...

-Биламан, мен ҳам оғайнингни айтдим. Ундан бошқа номзод йўқ, дедим...

Мирсаидов хурсанд бўлиб чиқди.

-Ҳа, унинг рад этганини эшитиб, бу ерга келгандим, -деди Каримов ўшанда.

-Боя бошқача гапираётган эдинг-ку...

-Сирни очмай, ҳамма нарсани биринчи манбадан эшит, дегандим-да.

Аслида унинг келишидан бошқа мақсад бор эди. Москва номзодини қабул қилмаётганди. Ҳам моддий, ҳам маънавий мададга эҳтиёжи бор эди.

-Дўстим, Москвага училиш керак. Орқадан мен ҳам етиб бораман. Назарян билан кўриш. Айтганини берамиз.

-Назарян ўйинчи. Ҳам нарсангни олади, ҳам сени сотади.

-У ёғидан кўркма. Бу ерда одамлари бор. Мен улар билан кўришаман. У олсин, иш битади. Зеро, энг сўнгги имзо учун ҳамма нарсани у тайёрлайди. Мен қариндошлари билан бирга етиб бораман. Сен Сергей деган дўстингникига бор. Вилоятга ўтишимда ҳам яхши хизмат қилганди. Мен совға қилган машинани қизи миниб юрган экан. Балки қизи билан ҳам кўришарсан. Ўзимизни депутатларни ҳам ишлатамиз.

Ўшанда Мирсаидов Москвага борди ва уни кутавериш чарчади. Ундан дарак йўқ эди. Вилоятга сим қокса иш жойида йўқ. Пойтахтда ҳам топишолмади. Кейин Мирсаидов ўғлини вилоятга юборди.

Московдан "Ўтмадинг, ишингни давом эттир" дея телефон қилишгач, у дунёга қўл силтаб" дала ҳовлига чиқиб, уч кундирки ўзини ичкига бериб, ташқарига чиқмай ётган экан. Шукруллонинг ўғли уни излаб топганда:

-Ҳаётим тугади, мени ўлдирдилар, энди яшамайман, -деб маст, соқоли ўсиб кетган ҳолида уни кучоқлаб йиғлабди. Умид шаъми ёнганини эшитгач эса, ўйинга тушиб кетибди. Қўлидаги олтин соатини Шукруллонинг ўғлига совға қилибди.

Шу воқеаларни эсларкан, Шукрулло Каримовнинг осонликча мансабдан воз кечмаслиги хаёлидан кечди. Аммо Каримов ҳам бўш келмасди.

-Мажлисида жўжахўрозларга ем бўлишни истамайман. Лекин бу жойни топширмаслигимиз керак. Агар мен кетадиган бўлсам бу жойга сен келишинг шарт. Мени бу ерга келтириш учун озмунча югурдингми? Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, душманларимиз келишса, тамом, сенга ҳам, менга ҳам ҳаёт тамом.

-Менимча бу қадар таҳлика йўқ.

-Ҳаммаси пишган. Бир қисм депутатлар сенга умид қилишмоқда. Қолганларини ҳам ўзимиз томонга ағдаришимиз керак. Шундай таклифим бор, кел, очикча гаплашайлик, мана сендан узр сўраяпман, ҳаётим қўлингда, истасанг қутқарасан, истасанг...

Каримов бир зум бошини эгди-да кейин ёш тўла кўзларини Шукруллога тикиб:

-Мени сен уйлантириб қўйдинг, кўчада қолганимда сен уйли-жойли қилдинг, ҳаётдан умидни узганимда яна сен қутқардинг... Бугун ҳам...

-Қўйинг, бу йиғлашга арзимамайди.

-Ўтган кунларни эсладим. Қандай олтин аканг, акамиз бор эдилар-а? Тирик бўлганларида бу кўйга тушармидик? Бу дунёда менга оталик қилган бошқа одам йўқ, фақат сен ва аканг, яъни акам... Ол, аканг учун ичайлик...

Шукруллонинг ҳам кўнгли бузилди. Акаси ҳақиқатдан ҳам бағри дарё бир инсон эди. Ҳар қандай одамни ҳам кечирарди. Иккаласининг ораси бир неча марта бузилганда акаси ўртага тушди: "Остонангга келдими, бу узр сўрагани. Узрни қайтармайдилар. Аллоҳ кечирувчи. Сен эса... " Лекин бу сафар... Кечирса ҳам, кечирмаса ҳам "иш битган". Мажлисида уни ағдаришади. Буни ўзи ҳам билиб турибди. Балки, "ағдариш" ишламаса-чи? МХХ раиси бирор бир суҳбат ёзиб олинмади, Каримовнинг ҳеч нарсадан хабари йўқ демаганмиди? Лекин бу ҳаммасини билибди. Демак, бекор ўтирмаган, ишлаган. Мажлис арининг уясига айланади, ҳойнаҳой. Аммо ўзини демократ деб юрган болаларга ҳам

ишониш қийин. Хўш, нима қилиш керак? Бунинг юзига тупуриб чиқиб кетадиган пайт эмас. Буни синдирмоқ пайти...

-Ўзингизни ушланг, вақт алламаҳал, мажлисга соатлар қолди, -деди Шукрулло ниҳоят.

-Менга қара, Шукр, барча ваколатларни сенга бераман. Мен бошқа давлатлардаги каби ташқи масалалар билан шуғулланаман, мамлакатни ўзинг бошқарасан. Икки ойдан кейин сайлов бор, мен сўзимда турмасам ана ўшанда ўчингни олиш имкони туғилади. Унгача ўз партиянгни туз. Кўппартиявийликка ўтамиз. Ана у бакирокларга ҳам йўл берайлик. Сайловда сени қўллайман. Сен эса мени.

Улар узоқ тортишмадилар. Тун ва коньякнинг босқиси ғолиб келдими, мажлисда бошга тушганини кўрамиз, дедиларми, хуллас, тез айрилдилар. Саройдан чиққан машиналар карвони икки томонга "учди". Пойтахт кўчаларидаги сукунатни карвонларни бошқараётган миршаб машиналаридан эшитилаётган саслар бузди. Шаҳар, мамлакат уйқуда. Эрталаб уйғонишганида бу кун тарихнинг айри бир куни бўлишини хаёлларига келтиришмайди. Аммо ҳозир машиналар ичида бораётган икки собиқ дўст сўнгги гапларни таҳлил қилиб, тўғрироғи эслаб бораяптилар. Чунки таҳлил қиладиган ҳоллари қолмаганди.

«Шукрулло, агар хиёнат этсанг, мажлисда ўзимни отаман». Бу сўнг сўз! Кўздаги ёш билан айтилган бу гаплар самимийми, ёки образга кириб айтилганмиди, шу онда иккаласи ҳам бу саволга жавоб беролмасди. Чунки самимият билан ўйин қоришиб кетганди.

Каримов дала ҳовлига келиб яна икки қадах коньякдан кейин остидан арра тортиб, кейин арқон билан йиқитилган дарахтдек гурсиллаб тўшакка йиқилди. Массажчи жувон елкасини уқаларкан хуррак ота бошлади. Навбатчи врач бир бардоқ мева шарбати олиб кириб, Каримовнинг юрак уришини санади. Бошини чайқаб "Мен шу ерда ўтираман" деди массажчи жувонга. Жувон "Бўпти" дегандек бош силтаб чиқиб кетди.

Каримов мажлисга ярим соат қолганда уйғониб, оғриётган бошини кафтлари билан сиқаркан, навбатчи гоҳ тўкилиб кетган шарбатга, гоҳ Каримовга боқиб нима қилишини билмай турарди...

15. РЕКС

Миртемир жангалзор каби патихиб кетган хаёлларнинг кўчасида "адашган" туйнукдан ёруғликка кўзи тушди. Кенгиш жой қидираётгандек ёруғлик туйнукдан ичкарига оқиб кириб ёйилаётганга ўхшарди.

Негадир Миртемир ёруғликни кўзи кўр, холдан тойган одамга ўхшатди. У тўғри келиб деворга урилар ва сўнгга бетон деворни пайпаслаганча "қўллари тилиниб" атрофга ёйиларди. Унинг боши ҳам ёрилган бўлса керак... "Эҳ, алаҳсираяпманми? Ёки ақлим қоча бошладими?" Бу савол такрорланарди. Кейин ёруғлик унинг қалбига ҳам оқиб кириб, қоронғу ҳисларни "пичоқлай" бошлади. Қалбининг аллақасерида умид пайдо бўлди.

Наҳотки дарров эсанкираб қолдим? Йўқ, сўнг дақиқагача курашмоқ, курашмоқ лозим. Ҳозирги ҳолатда тушкунликка тушмаслик ҳам курашнинг бир тури, енгилмасликдир. Икки орада, бир дарада қолсанг ҳам чиқиш йўли бор. Сен йиртқич деб юрган она бўри йўл кўрсатиши мумкин.

Она Бўри... Бир замонлар у боболарингни Тангри тоғи орасидаги дара – ғордан олиб чиққанди. Эргунакон афсона эмас, ҳақиқат. Бўри йиртқич эмас, дўст. Сен ваҳший деб юрган одамлар балки ёрдам қўлини узатар..

Йўқ! Бундай пайтда ҳатто Бўри ҳам кўрқади. Чунки ғорнинг оғзида Аждаҳо турибди. Ямламай ютади... Аммо нега ёрдам ҳақида ўйлай бошлади? Дарвоқе, кейинги пайтда кўнглидан кечгани кўп ўтмай рўй бера бошлади. Ҳатто уйига босқин бўлишини ҳам олдиндан сезгандек эди. Лекин...

Ҳа, инсон боласи бошига тушганига ишонади, кўнглидан кечганига эмас. Ёруғлик равшанлик келтиради, умид ҳам шундай, дея ўйларида давом этди Миртемир. Лекин бу субҳи косиб бўлса-чи? Яъни алдовчи, косибларни алдовчи субҳ бўлса-чи? Унда бироздан кейин этагини тортиб олади ва бирор соат ўтгач ҳақиқий равшанлик кириб келади. Кўп ўтмай ёруғлик чекинади. Демак, субҳи косиб экан...

Миртемир хаёлида ўзи ўстирган буғдойнинг ҳосилини йиғиб олишга улгурмаган эди-ки, темир эшик очилди. У остонадаги кишини танимади. Кўзлари хира тортдим, узоқ вақт оёғида ўтиргани ва ҳозир ўрнидан тургани учун боши айланиб, кўзлари тиндим, ҳар ҳолда аланглаб қолди.

Остонадаги киши кўли билан нималардир ишора қиларди.

-Миртемир ака, кетдик!

Ким бу? Нима деяпти? Туш кўраяпманми?

-...

-Сизга нима бўлди? Уришдимиз?...

Нега унинг саси бу қадар паст эшитилапти? У пичирлаб гапираяптими ёки ўзининг кулоқлари эшитмаяптими?

Остонадаги одам ичкарига бир одим ташлаганда Миртемир унинг Рустам эканлигини таниди ва бирдан хўрлиги келди. Кўнглининг остидаги бир булоқнинг кўзи очилиб кетди-ю ундан пишқириб сув отилди. Аммо нимадир бу чашмадан оққан ирмоқнинг йўлини тўсди. Ирмоқ кўз косасида йиғила бошлади. Миртемир қўллари билан кўзини ишқалагандек бўлди. Аслида кўз косасидаги дарёни сидириб олмоқчи эди. Чунки вужудининг бошқа бир еридан тошаётган нафрат уни оёққа қалқитди.

-Кетдик, -деди Рустам. – Миртемир ака, мени кечиринг, ҳаммасига мажбур эдим...

-Қаёққа? -деди Миртемир нафрат билан.

-Кетишингиз керак!

-Кетиб нима қиламан, оғайни, сенинг кўлингда ўлмоқчиман.

-Вақтимиз жуда оз. Ҳозир тревога бошланади. Ҳаммамиз ёнамиз. Ҳатто Лутфилло ака ҳам...

Лутфилло! Лутфилло... Миртемир бирдан уйғониб кетгандек бўлди. Бу ёруғлик! Бу Бўри!

Демак... Қадамлар ортидан эргашиб қолган хаёллар кўча чангитиб чопган болалардек уларнинг орқасидан югурди... Миртемирнинг кўлидан темир каби панжалари билан қисиб олган Рустам қоронғу йўлакда гўё учиб бораётгандек эди. Миртемирнинг оёқлари гоҳ ерга тегар, гоҳ тегмас... Бир зумда эшик ёнидаги машинага етишди. Миртемир олдинги томонда энгашиб ўтириб олди.

Инсон қизиқ. Шу аҳволда унинг ёдига бир воқеа келди. Шаҳардан қишлоққа боришда кўпинча акасини чақирарди. Оила аъзолари кўпчилик бўлгани учун болалардан бирини машинанинг олдиниға, яъни ўзининг қучоғига оларди.

-Мелиса чиқса бекинасан, – дерди қизалоғига ва қишлоққа қадар ўйин бошланарди. Акаси ёки ўзи "Ана мелиса" деса бас, қизи энгашиб оларди ва ишорат бўлмагунга қадар Миртемирнинг оёқлари орасида ўтирарди. Қисилиб қолди, дея Миртемир "Мелиса

кўрмади, чик" дерди. Мана энди ўзи шу аҳволга тушди ва "Бу жой у қадар тор эмас экан" деб ўйлади.

Миршабхонадан Миртемирнинг уйига қадар икки дақиқалик йўл. Шу боис хаёллари яна узилди. Машина тўхташи билан Рустам шофёрига:

-Сен йўлак бошида тур, биров келиб қолмасин, -деди. Сўнгра соатига қараб қўшимча қилди: -Ҳозир йигитлар келиб қолишади.

Кейин олдингга энгашиди:

-Миртемир ака, мен эшикни очаман сиз эгилган ҳолда тушиб, патта дарахтлар орқасига ўтинг. Эҳтиёт бўлишимиз керак, қаршидаги қўшнингиз жосус. Биз машинани йўл бошига олганимиздан кейин сиз девордан ҳовлига кириб. Сўнг орқа эшикдан Сашаникига ўтинг, у кутиб турибди. Уйдагиларга бирор гап айтманг, илтимос.

Миртемир Рустам ҳақида ҳали узил-кесил бир хулосага келмаганди. Лекин унинг айтганларини бажараётганди. Чунки бу сўнгги умид йўли эди. Аммо юрагининг бир четида "Рустам ёмон йигит эмас экан. Кеча уни хафа қилдим. Рол уйнаганини ҳеч сезмабман, ҳатто хаёлга ҳам келтирмабман", деган фикр ўтди.

Миртемир девордан ҳовлига тушаётганида, оёғи тойиб кетди ва девор ёнида ўсган гилос оғочига осилиб қолди. Дарахт шохи уни бир зум тутиб турди-да "қарс" этиб танасидан айрилиб тушди.

Рекс кушдек учиб келиб унга ташланди ва инграй бошлади. Миртемир итни севмасди. Бу уйга кўчиб келишганда ҳовли соҳиби "Мен бу итни худди ўғлимдай севдим. Уни сизга қолдириб кетаман. Жуда ҳам ақлли, ҳамма гапни тушунади. Ўз исмини яхши кўради. Илтимос, унинг исмини ўзгартирманг" деди. Ўшанда соҳиби Рекс билан хайрлашаркан кўзларига ёш олганди. Сўнг Рекснинг ҳам ёноғи ҳўл бўлганди.

Рекс Миртемирнинг болаларига жуда тез ўрганди. Миртемир унинг ёнига яқин бормасада Рекс унинг келди-кеттисига "муносабат" билдириб турарди.

Миртемир пойтахтга кўчиб кетаётганда Рекс зажирларни узиб юборадигандек фарёд чекканди. Қачон Миртемир бу ҳовлига келса Рексга "жон" кирарди.

-Ака, сиз Рекснинг ёнига бормайсиз. Биз ўзимизни сен деб уни сизлаймиз. Лекин барибир сизни кўрганда яйраб кетади, -дерди синглиси. -Келсангиз қувонади, кетсангиз йиғлайди. Ҳатто бир-икки кун овқат емайди.

-Пойтахтда жойимиз йўқ, бўлмаса олиб кетардим, -дея қўя қоларди Миртемир.

Аслида эса болалигида қўшнисининг ити талагани ҳеч ёдидан чиқмайди. Ўшанда қаттиқ кўрққан эканми, итни кўрса сесканади. Шу сабаб Рекснинг ёнига борса ҳам орада икки кадам масофа саклаб унга «гап отарди». Ҳақиқатдан ҳам ақлли ит. Ҳамма гапга имо-ишора ёки ҳаракат билан жавоб қиларди.

Кеча уйни мелисалар босганда Рекс шунақанги уввос Алиб йиғладики, ҳатто баъзи миршаблар "Ҳамма гапни сезаяпти. Бизбоп экан, олиб кетсакми?" дейишгани қулоғига чалинганди. Миртемирни олиб кетишаётганда Рекснинг кўзлари маҳзунлашиб, овози бўғилиб қолгандек эди. Унинг фарёди билан занжир саслари қўшилиб юракларни тилкаловчи аллақандай садога айланганди.

Мана энди у икки қўлини кўкка кўтарганча қаршисида турибди. Миртемир унинг бошини силаганди, у гиншиганча ерга юмаладида ҳовлида югура бошлади.

-Ким? -дея овоз келди ва уй эшиги очилди. Бу умр йўлдоши Роҳила эди.

-Мен, кўркма, -деди Миртемир ва уйга кирди. -Тез бошқа кийимларимни бер. Ҳозирок кетишим керак!

-Қандай чиқдингиз? Қайси томондан келдингиз?...

Саволга жавоб бериш ўрнига Миртемир умр йўлдошига разм солганди бир кечада чўкиб қолганини кўрди. Ранглари сарғайган, лаблари эса оқарган.

-Сен кўркма, ҳаммаси яхши бўлади. -деди у.

Бу пайт ичкаридан қайнотаси, қайнонаси, синглиси чикиб келишди. Улар худди ҳамма гапни биладигандек индамай туришарди. Ё туш кўраётгандек ҳис этишарди ўзларини ёки воқеа уларни шошириб қўйганди.

Роҳила янги костюм-шимни олиб чикди.

-Бошқаси йўқми?

-Кияверинг. Спорт кийимингизнинг устидан кийинг. У ҳам керак бўлади, -деди Роҳила.

-Болам, бирор егулик ҳозирлайми? -сўради қайнонаси титроқ овозда.

-Сув бер, сув, -деди қайнотаси унга.

Аммо Миртемир сувни ҳам кутмасдан:

-Ҳеч хафа бўлманглар, ҳаммаси яхши бўлади, -деди-да ташқарига отилди. Роҳила орқасидан югуриб чикди. Худди воқеалар ривожини олдиндан билгандек Рекс ҳам орқадаги дарча ёнида турганди.

-Додлаш йўқ, йиғлаш йўқ, уйдагиларга кулоқ сол, хўпми? -деди у илк бор Рекснинг бошини силаб.

Роҳилага эса бирор гап айтолмади ҳам. Унинг кўзига бир зум тикилганди кўнгилларидаги дostonлар нигоҳлар орқали кўчиб ўтгандек бўлди.

16. СОВЧИЛИК

Миртемирнинг Роҳилага уйланиши тасодифлар билан боғлиқ. У моддий сиқинтилар сабаб дорулфунуннинг кундузги бўлимида ўқий олмади. Ота-онасининг вафот этгани, бунинг устига пойтахтда ҳеч кими йўқлиги сабаб ҳам ишлаб, ҳам ўқиди. Орада армия хизматига ҳам бориб келди. Дорулфунунни битириш арафасида "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ишларди. Бир куни масъул котиб Кабир Шукуров чакириб қолди.

-Сени аскарликка ўзимиз кузатдик. Яна бағримизга қайтдинг, – деди у. – Худди ўғлимиздай бўлиб қолдинг. Бош муҳаррир билан гаплашдик, сени уйлантирмоқчимиз.

-...-, Нима ҳам дейди, индамай эшитди.

-Қўшни газетада "Биринчи"нинг жияни ишлайди. Бир-бирингизни танир экансиз...

Миртемирнинг боши ғувиллаб кетди. Ҳа, танийди. Лекин... У киму мен кимман, деб ўйлади. Кейин катталарга куёв бўлганлар ҳақида кўп ўқиган ва эшитган. Ундай оилалар қулсифат куёвларни севадилар, аммо ўз фикри, ўз феъли бўлганларни дарров оёқлари остига олиб эзгилайдилар.

Йўқ, йўқ деб ўйлади, қолаверса қизни танийди. Совуқлиги ва ёқимсиз кибори сабаб кишини ўзидан узоқлаштиради. На самимияти бор, на меҳри. Баъзан лифтда рўбару келардилар, саломлашсанг "Нима ишинг бор?" дегандек ўқрайиб боқарди.

-Сен ариза ёз, таътил берамиз. Иккинчи аризани уй учун ёз. Нашриёт тўй куни уй ҳадя қилади, – деб сўзида давом этди масъул котиб.

Миртемир ўша куннинг ўзиёқ қишлоғига жўнади. Воқеани акасига айтганди :

-Бошингга бахт қуши қўнибди, ука, – деди акаси.

-Бахт қуши эмас, бадбахтлик қуши, – деди у.

Гапни буришга уста бўлган акаси :

-У маънода эмас, ҳар икки ҳолда ҳам барибир уйланадиган бўлибсан. Ўжарлигингни биламан. Подшоҳнинг қизидан ҳам юз ўгириб кетаверасан. Балки сенинг билганинг тўғридир.

Акаси, бу билан ўзи яқинда иккинчи марта уйланганини эслатди, шекилли. Олдинги хотини билан ажралди. Лекин учрашиб туради. Иккинчиси билан ҳам иш юрмаяпти.

-Бўпти, – деди у. – Қачон қайтасан ? Мен эртага беш – олти қизни кўрсатаман. Бирортасини танлайсан. Дарров тўй қиламиз. Мен уйланганман, деб борсанг, кутуласан. Бошқа баҳона билан уларнинг панжасидан чиқа олмайсан. Оташ билан ўйнашгандек гап бу...

Хуллас, эртасига шаҳарнинг ўн жойида учрашув белгилабди акаси. Бири қариндошларининг қизи бўлса, бошқаси танишларининг... Бу масалада акаси анқонинг уруғини ҳам топадиганлардан. Лекин бу "уруғ"ларнинг ҳеч бири Миртемирнинг кўнглини жиз эттирмади.

-Ўзинг ҳам осмондан тушгансанми?-деди акаси эски "Волга"сини вокзалнинг ёнида тўхтатаркан. – Ҳаммаси ақлли қизлар эди. Билмадим сенга қанақаси керак?

-Майли, узр, ака, Сизни овора қилдим. Мен поездга билет олай, бир йўлини топарман.

-Бўпти, мен ҳам бир жойга боришим керак. Кейин кўришамиз, – акаси шундай деб жаҳл билан кетиб қолди.

Миртемир чиптани олди-да вокзал атрофида узоқ вақт айланиб юрди. Поезд кечкурун соат ўн бирда экан. Бирдан ёдига шу яқинда яшайдиган танишлари келди. Опаси институтда бирга ўқиган қизнинг оиласи билан яқинлашиб қолишганди.

Гулсанам хола уни худди ўз ўғлидек бағрига босиб, кутиб олди.

-Болам, нима биздан аразлаганмисан, нега келмай кўйдинг ? – Гулсанам хола шикоят қила бошлади. – Ўтираман, тураман сени ўйлайман. Узоқларда, ота-онасиз. Иссиғинг бор, совуғинг бор... Раҳматли онанг бўлсайди-ю сени кўрсайди, ўғлим пойтахтда ўқияпти, деб қанча севинарди-я?!

Гулсанам хола дарров дастурхон ёйди :

-Учокда бориб келаяпсан, шекилли, акс холда бизникига бош суқардинг – деди у. – Илгари автобус, поездда қатнардинг, келишда, кетишда бизни кўрардинг.

Хола анча гапиргач, "Хўш, энди сен гапир, нима гаплар?" – деди.

Миртемир аввалига жим ўтирди. Кейин воқеани айтиб берди.

-Э, болам, бугун сени Тангри бу ерга бошлаб келибди. Ана шу кўчанинг муюлишидаги уйда бир қиз бор. Онаси сен учун тукқан. Кўзимнинг остига олиб кўйганман. Ҳеч ўйлаб ўтирмасдан "Хўп" дегин.

-Хўп, – деди ҳазиллашиб Миртемир.

-Унда мен кетдим, поезд вақтига қадар балки қизни сенга кўрсатаман.

Гулсанам хола узоқ қолиб кетмади, тез қайтди.

-Юр, – деди, – муюлишдаги симёғочнинг остида турасан. Қиз келади.

Миртемир қоқиб кўйилган қозикқа ўхшаб анча турди. Одамлар тинимсиз ўтиб туришарди. Бир неча қизлар ҳам ўтишди. "Шу эмасмикан?" деган туйғуни бир неча марта яшади. Аммо Гулсанам холанинг ўзи келиб қолди.

-Юр, кетдик, – деди у. – Хафа бўлма ўғлим, уларга сени кўрсатдим. Эртага опанг келсин, бирга совчиликка борамиз, кейин сен қизни кўрасан. Ҳозир эса бориб чиптани қайтар, кейин қишлоққа жўна!

-Аввал қизни кўрсам...

-Қизни мен кўриб юрибман. У сеники – тамом. Бор, бор, кеч қолма. Аммо тўйда бир кийимлик меники...

-Тўйда бўлмаса ҳам кейинроқ бўлар,-ҳазиллашди Миртемир.

-Кўнглингни тўқ қил, у қизни кўрсанг, тўйдан олдин бир эмас, икки кийимлик олиб келасан менга. Бор болам, бор.

Миртемир муюлишдаги уйга қарай-қарай вокзалга кетди.

Миртемир поезд чиптасини топшириш учун вокзалнинг кассаси ёнига келди. Ёз кунлари бўлгани учунми одам жуда кўп эди. На сира бор, на тартиб, кассирларга яқинлашиб бўлмайди. Шунга қарамасдан у кўлида чиптани ушлаб анча турди. Бу орада икки-уч киши "Ортиқча билет бор, ким олади?" дея бир зумда чипталарини сотиб кетишди. Миртемир ҳам шундай деб бақирмоқчи эди, товуши чиқмай қолди. Бурнининг усти терлади, негадир оёғи қалтирай бошлади.

Ёдига пойтахт вокзалида чипта сотувчиларни овлаган миршаблар келди. Балки уни ҳам олиб-сотарчи деб ушласа-чи? Ахир ўшанда икки дўстини ушлаганди-да. Улар қишлоққа бориш ниятидан қайтиб, чипталарини сотишмоқчи бўлишганди. Миршаблар қўлларини қайириб олиб кетишди. Кейин тортишиб қолишибди. "Миршабни ҳақорат қилгани учун" ўн беш кун қамалиб ҳам чиқишди. Воқеани Миртемир газетага ёзганди, муҳаррир "Ука, биз шаҳарнинг эмас, қишлоқнинг масалаларини ёритамиз" дея мақоласини саҳифадан олиб қўйди. "Миршабларнинг каттасини чақириб ўкитамиз, унинг ўзи тарбиялаб қўяди қолганларини" деди. Миртемир нима ҳам дея оларди. Фақат кейин сездики вокзалдаги миршаблар бошлиғи муҳаррирнинг ёнига тез-тез қатнайдиган бўлди. Сўнг дўстларининг кўлини қайириб олиб кетганлар ҳам икки-уч марта келишди. Муҳаррир тўй қилганда ҳам улар хизматда эдилар. Шуларни ўйларкан, Миртемир чиптани чўнтагига қайтариб солди-да қишлоққа кетди.

Эртасига акаси ва опаси Гулсанам холаникига келишди.

-Қизнинг онаси етим ўсган аёл. Дорилфунунда ишлайди. Оғир табиатли аёл. Тарбияга эътибор қилганлардан. У ерда кўп гапирма, қизим, – деди Гулсанам хола Миртемирнинг опаси Меҳринисога, – худди ўзи гапдан тўхтайдиган, кам гапирадигандек.

Аммо Гулсанам холага кўп гапириш ярашарди. Товушининг ширадорлиги учунми ёки юзидаги, кўзидаги меҳр овозига ҳам қўшилгани учунми ё самимияти кучлилиги учунми кўп гаплиги ҳам бир гўзаллик эди.

Миртемир акаси билан қолди, бошқалар совчиликка кетишди...

Саломат опа уларни илиқ қаршилаб, ҳовли тўридаги тахта сўри томонга бошлади. Меҳринисо ҳар томонга назар солди. Ҳовли супурилган, сувланган. Қатор-қатор қилиб экиб қўйилган гуллар ёз бўлишига қарамай ранго-ранг очилган. Супанинг устига кўтарилган ток оғочи худди шамшот дарахти каби тик ўстирилган ва кейин қизнинг қирқ кокили каби толорга тортилган.

Меҳринисо аввалига токни қувур деб ўйлади. Нега қувурларни «экиб» қўйишибди, деб юқорига қарагач, ғужум-ғужум ҳусайни, кишмишни кўриб гап нимадалигини англади. Кейинчалик ўзлари ҳам янги ҳовлига кўчиб чиққач, супаларнинг устини ток билан худди ана шу шаклда қоплаттирдилар. Ҳозир эса "қизнинг ота-онаси тартибни севар экан" деб ўйлаётганди. Ҳовли кичик бўлса-да ҳар турдаги мевали дарахт бор эди. Анжирдан тартиб аноргача.

Хуллас, Меҳринисо бир қусур қидиарди. Совчининг вазифаларидан бири қусур қидириш деб ўйларди. Нима бўлганда ҳам яккаю ягона укасини уйлантиришади. Ҳамма нарса жойида эканлигини аввалига "Бизни кутишга ҳозирланишган"га йўйди, кейин эса хурсанд бўлди. Шу пайт ичкаридан қиличдан нозик ва тик бир қиз чиқди.

-Ассалом, – деганди, Меҳринисо :

-Ҳа, бўйингдан айланай, – деди ва Гулсанам холанинг қулоғига пичирлади. – Хола, бу қизнинг бўйи узун. Аммо чиройли экан.

-Бу синглиси, – деди Гулсанам хола.

-Худога шукур, бўйи укамдан узун экан, деб кўрқиб кетдим.

-Бўйи узунлик айбми, ўзинг ўсмай қолганинг учун фақат бўйи калталарни ақлли деб ўйлайсан-а, – ҳазил қилди Гулсанам хола. Аслида буни ярим ҳазил, ярим чин дейиш керак. Чунки Гулсанам холанинг ҳам бўйи узун эди.

-Аммо онасининг бўйи узун эмас экан. Лекин бироз семизроқми? – дея пичирлади Меҳринисо.

-Ҳаҳ қизим, ҳаҳ қизим-а? Аввало яхшилаб қарагин, онасининг бўйи узун ҳам эмас, калта ҳам. Семиз деган сўзни қаердан олдинг? Онасини кўр, қизини ол, деганлар. Чакқонлигига қара, елиб югуриб юрибди...

-Кечирасизлар, сизларга ҳам қарай олмадим, – дея Саломат опа уларга яқинлашди. – Ишдан бугун бироз кеч келдим. Қизлар ҳам ишда эдилар. Ёзда уйда ўтирмайлик, дейишди. Каттаси қаршимиздаги Телефон идорасида, кичиги эса Кишмиш фабрикасида ишлади. Ишлади, деяпман, чунки бугунга қадар эди. Энди ўқишга боришади.

-Ҳа, ўқишлар бошланишига ҳам санокли кунлар қолди, – деди Меҳринисо гапга кўшилиб. – Укам ҳам биринчи сентябрда туғилган. – У нима бўлса ҳам тезроқ мақсадга кўчиш учун имкониятдан фойдаланиб, гапни укасига бурди.

-Шунақами? – Саломат опа самимий бир оҳангда, ажабланиш билан Меҳринисога қаради.

Меҳринисо бирданига алланечук бўлди. Бу аёлда нима бор? Кўзларининг маънодор кулишлари кимни эслатди? Ёноқлари худди бўяб қўйилгандек қирмизи эканлиги ҳам қалбининг муз бўлиб турган жойларини эритиб юборди. Истараси иссиқ бу аёлнинг гапирганда кулгичлари юзига ёйилиб, чехрасини ёритиб юборгани Меҳринисони тўлқинлантирди. Ҳа, топди. Раҳматли онасига ўхшаркан, бу аёл. У эса...

-Умрингиз ўхшамасин, онамга ўхшатдим сизни..., -Меҳринисонинг товуши титраб кетди. Буни ҳис қилган Саломат опа дарров гапни давом эттирди.

-У кишини бир марта кўргандим. Худо раҳмат қилсин, меҳрли аёл эдилар. Катта опангизнинг уйдан келаётган эканлар. Раҳматли қайнонамни танирканлар, эшикдан ичкари кирмай бир пиёла сув ичгандилар. "Юрагим куйди" деган гаплари эсимда...

-Ҳа, онам бўлганларида бугун ўзлари келардилар. Биттагина ўғилларини уйлантириб қанча севинган бўлардилар. Нима қилайлик-ки етим қолдик!

-Сингилжон, етимлик етти кишидан бирининг қисмати, дейдилар, – Саломат опанинг ҳам қалби юмшади. – Мен ҳам раҳматли онамни эслай олмайман...

-Аяжон! – ошхона тарафдан келган бу сас Саломат опанинг гапини бўлди. У узр айтиб, ўрнидан турди.

-Сен совчиликка келганми ёки маъракагами? – дея Меҳринисони туртди Гулсанам ая. – Йиғи-сиғининг жойи эмас. Дардимизни айттайлигу турайлик!

-Дардимизни биладилар-ку, яна нимани айтамыз.

-Ҳали бу «дард»ни такрор айтиш учун уч марта келамяз.

-Ўн марта келсак ҳам бу аёл менга ёқди. Баъмани аёл экан. Қизлари ҳам одобли дейишди. Буларнинг бир қариндоши мен билан ишларкан. Ундан ҳамма гапни суриштириб олдим.

-Нега бўлмаса гуручдан тош қидираётгандинг?

-Совчилик қоидаси эмасми бу?

-Ишқилиб бирор совуқ гап айтиб қўймагин-да қизим.

-Айтсам – айтмасам, иш битди, ая, қиз бизники, бир ҳафтадан кейин тўй, ана кўрасиз... Бир ҳафта эмас, ўн беш кундан кейин туй бўлди. Орадан ўн беш йил ўтиб эса, Роҳила дарчадан турмуш ўртоғини ўзи ҳам билмаган бир муддатга ва ўзи ҳам билмаган бир томонга кузатмоқда....

17. ГЕНЕРАЛ...

-Сизни табриклайман, – деди Каримов генералнинг қўлини қисиб. – Топширикни яхши бажардингиз. Аслида ана у Зокир тирранчани вазир тайинлаб хато қилган эканман. Биламан, у сизнинг қўлингизда ишларди. Бор-йўғи подполковник эди. Паркент воқеаларида сизнинг топширигингиз билан менинг ёнимда юрди. Содиқ болага ўхшади. Шу сабаб кўп ўтмай сизни бошқа ишга кўчириб, уни жойингизга тайёрладим. Генералгача кўтардим. Сизни узоқ вилоятга ички ишлар бошқармаси бошлиғи қилиб юбориш ҳам унинг ўйини. Ҳечдан кўра кеч дейдилар, мана энди кўзимиз очилди. Дўст ким, душман ким, ажратиб олинг. Ойнинг ўн беши қоронғу ўн беши ёруғ. Қоронғу кунлар ўтиб кетди. Энди биргалашиб ишлаймиз. Қаерга борсам ёнимда бўласиз...

Шу пайт Каримовнинг телефони кулоқларни қоматга келтирадиган даражада жиринглай бошлади. Аммо Каримов парво қилмади. Ҳатто қайрилиб телефон томонга қарамади ҳам. Унинг сўзларини, ҳеч бўлмаса оҳанглариини илғаб олишга ҳаракат қилган генералнинг уринишлари бефойда кетаётганди. Чунки телефон саси бутун хонани камраб олганди. Каримовнинг дўриллаган овози йўқ бўлиб боргани сайин, унинг салобатли гавдаси ҳам узоқлаша, узоқлаша нуқтага айланиб қолди...

Генерал сапчиб ўрнидан турди. Бош томонидаги стол устига қўйилган телефон тинимсиз жиринглаётган эди. Аввалига воқеаларни аралаштириб юборди. Сўнг вазирлик тушида қолгани ва олис вилоятдаги уйида ухлаб ётганини англади. Қўли беихтиёр телефон ёнидаги тугмачани босди. Хонасида чироқ ёниши билан кўзларини қайтадан юмди. Қоронғуликка ўрганган кўзлар нур олдида ожиз эди. Аммо телефон учун фарқи йўқ, у на қоронғуликни, на ойдинликни англайди. Лекин бу соатда телефон қилишга ким журъат этди? Генерал бу саволга жавоб қидирмасдан соатга қарамоқчи бўлди. Чироқ шуъласида ёшланган кўзлари соат юзини кўра олмади. Худди тушида Каримов нуқтага айланиб қолгандек деворга осиглик соат ҳам нуқталарга бўлиниб кетганди.

-Соат неча? – дея бақирди у. Аммо жавоб берадиган одам йўқ. Ҳайбатли ҳовлида бир ўзи яшайди. Ҳовлисининг тўридаги кичкинагина ҳужрада яшайдиган, ўргатилган итни ҳисобламаганда.

Генерал бу ерга ишга юборилганда бир-икки йилда қайтаман, деб ўйлади. Оиласини келишга ундамади ҳам. Аммо умр йўлдоши унинг бу ерга келишини сургун деб баҳолади. Аслида қаерга тайин этилмасин умр йўлдоши унинг пойтахтдан узоқда бўлишини истамасди.

Генерал Нилуфархонга уйланганда ёш эмас эди. Биринчи хотинидан айрилгандан кейин узоқ вақт танҳо яшади. Ички ишлар вазирлигининг тунги қоровуллар бўлимида ишлагани учун бўш вақти кўп бўларди. Шу боис доим концертга борарди. Айниқса, Нилуфархоннинг концертларини ўтказиб юбормасди. Нилуфархон санъат оламида у қадар машҳур бўлмаса ҳам гўзаллик бобида оғизга тушган эди. Қора қошларидан тортиб тўпиғигача тушадиган сочларига қадар бўйдоқларнинг орзусига айланганди. Тўхтаев ҳам ана шу қошлару икки ўрим қилиб ташлаб қўйиладиган сочларнинг мафтунни эди. Мактабда адабиёт дарсида қочиб юрган, шеър ёдлашдан ҳазар қиладиган Тўхтаев ёши ўттиздан ошиб қолганида қўлига қалам олди. Нилуфархонга бағишлаб шеърлар ёзди.

Йўлнинг узоғи ҳатто душманларни дўстга айлантиради. Вақт Тўхтаев билан Нилуфархоннинг ҳаётини бир нуқтага келтирди. Улар оила курдилар. Аммо Нилуфархон оиланинг ҳоқими, Тўхтаев эса "маликаси"га айланди. Мана Самарқандга ишга келганига икки йилдан ошдики, бир марта ҳам сўроқламади. Шунга қарамасдан умр йўлдошини (баъзан ҳаёлидан ҳақиқатдан ҳам умр йўлдошиммикан, деган фикр ўтишига қарамасдан) севади.

Вилоят Ички ишлар бошқармаси бошлиғи этиб тайинлангандан кейин сессияда унинг номзодига қарши чиқишди. Ўшанда Миртемир минбардан "Бизнинг вилоятимизда жиноятчилик авжига чиққан. Олдинги бошлиқ – Гайран деган зот ҳамма ёқни порахўрлик разолатига тўлдирди. Мана энди янгиси келди. Бутун умидимиз ундан", дея уни ҳимоя қилганди. Ўшанда Тўхтаев тўлқинланиб кетган ва минбарга чиқиб:

-Мен халқимиз севиб тинглайдиган санъаткор Нилуфархоннинг турмуш ўртоғи бўламан, – деб юборганда, залда ўтирганларнинг бир қисми қарсак чалса, бошқа бир қисми эса кулганди...

Аммо шу дақиқада ҳаёлга ботган генералнинг ёнида "соат неча бўлди?" деган саволига жавоб берадиган киши йўқ эди. У бўшлиққа бақирганди. Бўшлиқдан кишининг ўз товуши қайтади, баъзан эса бўшлиқ бу сасни ютиб юборади. Ҳозир генералнинг саси қайтдими ёки уни бўшлиқ ютиб юбордими, буни билиш қийин эди. Чунки телефон жиринглаётганди.

Генералнинг ётоқхонасида иккита телефон бор: бири қора, иккинчиси кулранг. Қора ранглиси ҳукумат телефони ҳисобланади. Бу уйга кўчиб кирганига икки йил бўлган бўлса, бу телефон бир марта ҳам жиринглаган эмас. Аммо иккинчиси вилоятда бирор воқеа юз берса, ёки раҳбарлар уни қидиришса жиринглаб қолади.

Хуллас, кўрган туши ва ундан кейинги ҳолати боис телефон дастасини кўтариш керак, деган фикрни анча вақт "қидириб қолган" генерал бирдан уни "топиб олди".

-Ким у?! – деди генерал телефон дастасини олиши билан.

-Ўртоқ генерал, рапорт беришга рухсат этинг!

-Нима гап?

-У қочди.

-Ким? – генерал ким дея сўраган бўлса-да жавобни эшитмасданоқ телефон дастасини отиб юборди. Худди юраги оёқ бармоқларининг учига тушиб қолгандек ва парчаланиб кетгандек ҳис қилди ўзини. Кейин бу парчалар бутун вужудига ёйилди. Вужудининг ҳар бир нуқтасидан "тук-тук" дея сас кела бошлади.

-Қўрққаним бошимга келди. Уни қочирдим, қочирдим...,-дея муштини муштира урди. Аммо айни пайтда қалбининг қаеридадир учқун пайдо бўлди. "Балки қочгани яхши бўлгандир? Уни ўлдириб, кейин балога қолиб кетармидим?" Кўнглидан ўтган бу фикрдан ўзи қўрқиб кетди. Чап елкасига қараб тупургандек бўлди ва "Лаънат шайтонга" деди. Кейин музлатгични очиб, чет элдан келтирилган пивони олди. Ичмоқчи бўлди-ю аммо оғзини очмади. Чунки қўллари титраётганди. Титроқ қўлларини осилиб ётган телефон дастасига узатди. Ички ишлар бошқармасининг навбатчиси худди бу ҳолга ўрганиб қолгандек телефон симининг нарёғида кутиб турганди.

-Машинамни чақир!

-Юбордим, ўртоқ генерал!

-Унинг қочганини яна кимга айтдинг?

-Ҳали ҳеч кимга ! Аммо пойтахтга юбориладиган тонгги ҳисоботга киритдик. Ўн дақиқадан сўнгра ҳисоботни узатамиз.

-Ҳисоботдан чиқар!

-Энди кеч бўлди. Ҳисобот компьютерларга ўтди. Ўзгартирсак, кейин бошимизга бало бўлади.

-Бўпти, мени кутинглар! Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғини ҳам чақир... тўхтаб тур, уни безовта қилма! "Семёркани" оёққа тургаз, яқин туманлардан ёрдам чақиринглар. Автомобил инспекцияси йўлга чиқарилсин, пойтахтга ва бошқа шаҳарларга олиб борадиган йўллар назорат остига олинсин! Ҳар бир автомашина алоҳида, алоҳида текширилсин! Қариндошларининг рўйхати чиқарилсин, оператив гуруҳлар ҳозирок уларнинг уйларини боссинлар! Қолганини борганимда гаплашамиз. Барча бўлим бошлиқларини йиғилишга чақир!

Генерал апил-тапил кийина бошлади. Тўғри ишхонага борсамми ёки шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғининг уйигами?, деб ўйлади у.

Аввалига катта бошини кичик қилиб қўл остида ишлайдиган одамнинг уйига боришга ўзида журъат тополмади. Кейин эса бутун умидини унга боғлади. Шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Баҳодир Матлубов Каримовнинг яқинларидан бири эди. Кўпчилик уни Каримовнинг жияни дерди. Аслида қариндошлиги борми йўқми номаълум.. Лекин Каримовнинг олдига бориб келади. Баъзан вилоят ҳокими ҳам урдасидан чиқолмайдиган масалаларни пойтахтга бориб ҳал қилиб келади. Ҳатто бир кунда фармон чиқартириб, фармон ҳали газеталарда эълон қилинмасдан нусхасини олиб қайтган пайтлар ҳам бўлган.

Генерал "жиян"нинг уйига боришга қарор қилиб ташқарига чиқди. Машинанинг ёнида эса "жиян"нинг ўзи турарди.

-Ёппирим, бўрини йўқласанг кулоғи кўринади, деганлари рост экан. Э-э, кечирасиз, дўстим, ёмонни ўйласанг олдингдан яхши чиқади, деганлар. Қаранг-а сизни безовта этиш ниятим йўқ эди.

-Уйғун ака, менга шаҳар бўлимидан хабар беришди. Нима қиламиз энди?

-Мен барча хизматларни оёққа турғаздим, Худо хоҳласа, куёш чикқунга қадар топамиз!

-Мен ҳам шаҳар хизматини сафарбар қилдим. Иншоллоҳ, топармиз.

-Генералнинг хаёлидан "Бунчалик Каримовга тақлид қилади. Ҳатто "иншоллоҳ" дейишда ҳам Каримовга ўхшатади. Каримов баъзи сўзларни хато айтса-да, кўп такрорлагани учун бу сўзлар унинг мулкига айланиб қолган. "Жиян" ҳам ана шулардан баъзиларини илдириб олади ва ўзининг кимлигини шу сўзлар билан эслатиб туради." деган фикр ўтди хаёлидан.

Улар Ички ишлар бошқармасига келганларида атроф худди колхоз бозорини эслатарди. Ҳали шаҳар одамлари ухлаб ётганларига қарамай Ички ишлар бошқармаси ёнида шовкин-сурон бошланганди. Генерални қаршилаган навбатчи :

-Ўртоқ бошлиқ, пойтахтга юбориладиган ҳисоботнинг вақти ўтиб кетди. Нима қилайлик? – деди.

Кўзининг қири билан "жиянга" қараб олган генерал :

-Нега кутиб ўтирибсиз, дарҳол юборинг! Ҳамма нарсани тўхтатиш мумкин, аммо ҳисоботни тўхтатиш мумкин эмас! Чунки бу ҳисобот соат 9.00да ҳурматли Президентимизнинг столлари устида туриши керак, – деди.

Генерал ёнига келган "жиян"дан мадад топгандек бўлса-да ҳозир ўзининг бу гапларидан кўнгли чўкиб кетди: Дарҳақиқат, соат тўққиздан кейин нима бўлар экан?!

-Соат неча бўлди? – деб сўради у навбатчидан. Жавобини кутмасдан "Шик-шиқ" эткизиб чўнтак соатини очди : 7. 35. Демак, салкам бир ярим соат вақт бор.

-Бизларга аччиқ қахва буюр! – Генерал навбатчига буйруқни бергач, "жиян"га юзланди:
-Қочирганлар каерда? Улар билан гаплашдингизми?

-Уларни бу ерга олиб келишди. Юқорида. Қабулхонада, – лўнда-лўнда жавоб қилди "жиян".

Улар биргалашиб лифтга миндилар. Генерал лифтнинг ҳаракатидан фалсафа излади. Инсон ҳаётининг образи-бу, деб ўйлади. Чикади-тушади. Баъзан тўлиб чиқади, бўш тушади. Баъзан эса бўш чиқиб, тўлиб тушади. Наҳотки менинг ҳам тушиш соатларим яқинлашмоқда?

Қабулхонада ўтирганлар ўринларидан туришди. Аммо генерал уларга қайрилиб қарамасдан ичкарига кирди. Жойига ўтираркан тугмали микрофонни очиб "Келаётган рапортларни менга ҳам боғла, мен ҳам эшитиб турай!" деди. Кейин бошқа тугмани босиб қабулхонадаги секретарга бақирди:

-Ман нима дегандим? Нега кутиб туришибди? Оператив группалар қайтдимми?

-Ўртоқ генерал, оператив группалардан ҳали хабар келгани йўқ. Бу ерда фақат бўлим бошлиқлари кутиб туришибди, уларнинг кўпчилиги воқеадан хабардор эмас...

-Нега хабардор бўлмайди?

-Хабарлари бор, аммо расман эмас!

-Ҳаммасига айт, бўлимларига боришсин, қўлларида Миртемирга оид нима бўлса, тўплашсин ва рапорт беришга ҳозир ҳолда келишсин! Алоқа бўлими бошлиғи ичкарига кирсин!

Ичкарига кирган капитанни остонада тўхтатган генерал:

-Унга боғлиқ нечта телефонни ёзаяпсизлар? – деб сўради.

-Ўн икки кишининг телефонини ёзаяпмиз. Ярим соат ичида қизлар расшифрофкани тугаташади.

-Ярим соат кўп, ўн беш дақиқада ҳозир бўлсин. Қариндош уруғлари, яқин дўстларининг ҳам телефонларини ёзиб олинглар!

-Рухсатни нима қиламиз. Йўлига бўлса ҳам терговчининг рухсати керак.

-Рухсатни онангдан оласан! Ҳаммаёқ ёниб турган бир пайтда сенга рухсат берадиган эшак кутиб турибдими?! Бу давлат хавфсизлиги масаласи! Бор, бажар!

Капитан орқаси билан эшикдан чиқар экан, генерал йўқотган нарсасини топгандек, енгил тортди. Дарҳол телефон дастагини олиб вилоят хавфсизлик бошқармасига сим қоқди.

-Укаҳон, мен Уйғун Тўхтаевич бўламан, Муртазо Раҳматовичга хабар берсангиз, кеча қамоққа олинган давлат аҳамиятига молик жиноятчи қочган, ортида катта кучлар борга ўхшайди, – деди.

-Муртазо Раҳматович хоналарида ўтирибдилар, истасангиз боғлашим мумкин.

-Албатта, албатта, дарҳол боғланг!

Генерал масалани Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси бошлиғига аңлатмоқчи эди, аммо у хабардор экан. "Буларнинг ҳар нарсадан хабари бор. Ер остида илон қимирласа ҳам булар хабардор" деб ўйлади генерал. МХХ бошлиғининг гапириш оҳангидан "Сиз қочирдингиз" дашномини сезгандек орани юмшатмоқчи бўлиб "Бу ерда Баҳодиржон билан биргамиз. Масалани ҳурматли Президентимизга етказиш ҳақида ўйлаяпмиз", – деди.

-Мен сизнинг ҳисоботингиздан ўргандим, – Баҳодиржон исмини эшитгач МХХ вилоят бошлиғи юмшагандек бўлди. – Кейин Пўлат Мажидовични хабардор эттим. Бутун кучларимизни сафарбар қилдик, ҳар ҳолда биргаликда ишласак натижа чиқади. Штабни

сизнинг идорангизда тузайлик. Ярим соатдан кейин Пўлат Мажидович ҳам ўша ерга келадилар, мен ҳам бораман, – деди.

Генерал телефон дастагини қўяркан, сувга ботириб олинган мушукдек шумшайиб қолди. –Қаранг-а, Баходиржон, булар аллақачон штаб ҳам тузишибди, ҳозир бу ерга келишади, – деди. Баходир кўрсатгич бармоғи билан шифтни кўрсатиб, бир айлана чизган бўлди-да "Сизнинг хонангиздаги гаплар ёзилади" деган ишоратни берди. Генерал бунга жавобан бош силтаб "Тўғри" дегандек "ух" тортиб қўйди.

Шу пайт қора телефон жиринглади. Генерал "лип" этиб ўрнидан турди. Телефон дастасини қулоғига яқин келтираркан "Ассалому алайкум" деди. Телефоннинг нарёғида Ички ишлар вазири Зокир Алматов гапираётганди:

-Сизга ҳеч қачон бирор ишни ишониш мумкин эмас! Ислоҳ ака бу масалани вилоятда ҳал қиламиз, овозаси чиқмайди, деганларида кўнглимдан сиз ҳақингиздаги фикрлар ўтиб, қарши чиқмоқчи эдим. Барибир сизни яна бир синаб кўрайлик, дедим. Мана энди сахар чоғи захар ичирдингиз! Мен ҳисоботни қандай қилиб у кишига кўрсатаман? Воқеани қандай қилиб изоҳлайман?! Бундай ишлаб, нон топиб егунча, очдан ўлганимиз яхши эмасми?! Хуллас, пойтахтда қуриб қўйган қошоналарингиз, тўплаган бойликларингиз, унвонлару мукофотларингизни сақлаб қолмоқчи бўлсангиз уни бир соат ичида топасиз! Осмонда бўлса оёғидан, ерда бўлса қулоғидан тортиб бўлса ҳам топасиз! Бир соат ичида ё уни топганингиз ҳақида рапорт берасиз ёки аризангизни топширасиз!

Генерал бирор сўз айтишга ҳам улгурмади. Вазирнинг киноя аралаш айтилган гапларини ҳазм қилиб улгурмасдан навбатчининг овози эшитилди: "Ўртоқ генерал, вилоят ҳокими Пўлат Мажидович ва МХХ бошлиғи Муртазо Раҳматович келдилар!"

Генерал отаси қувалаганда қочган болақайдек югурганча хонадан чиқиб кетди. Матлубов эса оғир карвон оқсоқоллар каби ўз ёшига ярашмаган бир ҳолда креслога ястанганча қаҳвасини ичиб ўтирарди.

18. ТАВАККАЛ

Миртемир Қорасув ариғи уймалаб, чуқур қилган жарликдан қўшниникига томон юраркан, юқоридаги теппаликда уч кишининг турганини пайқади. Сахар чоғи бўлишига карамай улар уйқудан тўйган одамлардек бамайлихотир суҳбатлашиб турардилар. Миртемир олдинга юришини ҳам, орқага қайтишини ҳам билмай қолди. Яна бир қадам қўйса, оёқ сасидан улар сезиб қоладигандек туюлди. Амма нега шу пайтгача кўришмади? Ё булар ҳам Лутфилло билан Рустамнинг одамларими?

Бу жумбоқни ечишнинг бирдан бир йўли ё олдинга ёки орқага юриш эди. Бир жойда тўхтаган билан жумбоқ ҳал бўлмасди. Миртемир ҳеч нарсани кўрмагандек олдинга юриб кетди. Юқоридагилар ҳам ҳеч нарсани кўрмагандек гаплашиб туришарди.

Миртемир қўшниникига ўтгач, орқага қаради. Турганлардан бири Миртемирнинг ҳовлисини кўрсатиб бир нималар деди. Улар югуриб кетдилар. Миртемир улар оёқ товушларини эшитмай қолишганининг сабабини бирдан англади. Чунки қўлларида овоз узатгичлар бўлиб, улардан шовқун-сурон орасида аллақандай товушлар эшитилаётганди. Ҳатто Миртемир қўшнининг ҳовли этагидаги патахиб кетган, сариқ чечаклар ўраб олган гулларнинг орасидан ўтиб уйга киргунга қадар ҳам овоз узатгичнинг сасини эшитиб турди. Бундай пайтларда одамнинг ақли кўр, фикри соқов бўлади, деб ўйлади у.

Кўшниси Саша эса унга хаёл суриш учун вақт бермади. Дарҳол уни "Жигули"нинг багажнигига "жойлади"-да, дарвозани очиб машинани ташқарига олиб чиқди. Дарвоза очик қолди. Саша ташқарида тўхтаб ҳам турмасдан орқа йўлдан машинани елдириб кетди. Кичкинагина кулбага қамалиб қолган кишидек кулча бўлиб ётиб олган Миртемир шу дақиқада фақат йўлни ўйлаётганди.

Ҳа, чап томондаги теппаликдан ўтдик, теннис кортининг орқасидаги йўлакчадан бораяпмиз, ҳозир пастга тушамиз, кейин чапга, ҳовузнинг ёнидан ўтиб, стадион олдидаги йўлга чиқамиз. Катта йўлга чиққандан кейин машина тўхтади. Саша машинадан тушиб қаергадир бориб келди. Йўлнинг давомини Миртемир тахмин қила олмади. Чунки машина жуда тез борарди. Бир неча бурилишлардан кейин бир жойда тўхтади.

Саша «капот»ни очаркан:

-Кўшни чик, ҳеч менга ишонмасдинг! Ҳатто салом-алигимиз ҳам яхши эмас эди. Мана энди бир-биримизни синадик. Худо хоҳласа яна кўришамиз, – деди.

-Раҳмат, – деди Миртемир. – Бу хизматларингни унутмайман. Бир кун қайтарман.

-Қайтиб келганингдан кейин яримта қуйиб берсанг ана ўша жавоби бўлади, – деб ҳазиллашди Саша ва югуриб бориб дарвозанинг ёнидаги даричани очди, боши билан "ичкарига кир" дея ишора қилди. Сўнг дарҳол машинасига ўтириб, кўздан ғойиб бўлди. Миртемир дарвозахонада нима қилишини билмай турганди, ичкаридан бир аёл чиқди:

-Ассалому алайкум, Миртемир ака келинг. Акангиз сут, қатик олишга кетдилар. Ҳозир кайтадилар, – деди.

Миртемир "акаси" кимлигини ўйлаб турганди, дарича очилиб "мен келдим" деган овоз эшитилди. Келган одамнинг кўлидаги тўрхалтада сут ва қатик шишалари борлигидан "акам" шу киши бўлсалар керак, деб ўйлади.

Келган одамнинг юзида ҳам самимият, ҳам мамнунлик ва айни пайтда кайғу аломатлари бор эди. У кўлидаги тўрхалтани ерга қўйди-да югуриб келиб Миртемирни кучоқлаб олди. Ёши Миртемирдан катта бўлса ҳам:

-Миртемир ака, ҳаммасидан хабардорман. Мен Лутфиллонинг поччаси бўламан, – деди.

-Бу ерга келганимни кўшнилариңгиздан бирортаси кўрган бўлса, сизга зарарим тегиб қолмасин, – деди Миртемир.

-Ҳозир ўша кўшнилардан бирининг уйига ўтамиз, бироздан кейин бошқасиникига. Ўртада дарчамиз бор. Шу зайилда хавотирингизни йўқотамиз, – дея ҳазил қилган бўлди уй соҳиби. – Ҳа, дарвоқе, исмим Ваҳоб, ўқитувчиман. Болаларни саҳарлаб бувисиникига олиб бориб қўйдим. Бола бола-да сизни кўриб қолса, бирор гап чикмасин, деб ўйладим. Ҳеч хавотир олманг, кўшнилар ҳақидаги гапим ҳазил. Дарвозамиз ёнига машина келиб тўхтаса, кўшни уйлардан кўринмайди. Чунки ҳар икки томонга мажнунтол экиб қўйганмиз. Ҳатто дурбин билан қараса ҳам бирор нарсани пайқаши кийин.

Уй бекаси беш дақиқада сутчой ҳозирлади. Косанинг ичига уй нонини тўғраб, бир ҳовуч ёнғоқ, сариғ ёғ, мурч ташлабди. Бека дастурхонга ҳар турли неъматлар келтириб қўяркан "Ҳа, ер ютсин бу қаттолларни. Булар фақат халқнинг ҳақини ейдилар, халқни ўйлаган одамларни эса йўқотадилар" дер эди. Бироздан кейин турмуш ўртоғининг ёнига ўтириб, Миртемирга савол берди:

-Болалариңгиз тўртта деб эшитгандим, тўғрими?

-Тўғри. Лекин қаердан эшитдиңгиз?

-Сизга ўхшаганларни халқ яхши танийди. Қизиқамиз, суриштирамиз. Мана энди бошингизга тушганини ҳам кўриб турибмиз. Укамнинг оғир кунларида ёрдам берганингизни ҳам биламиз. Сиз ҳаққингизда гапириб берган эди.

Қўп ўтмай улар "Уй-жойимиз сизга омонат" деб дарвоза ва дарчани ташқаридан қулфлаб ишга кетишди.

Миртемир уч кун бу хонадонда меҳмон бўлди. Тўртинчи кун айвонда китоб ўқиб ўтирганда "гурс" этиб томдан бир киши ўзини ерга отди. Бу Лутфилло эди.

-Уч кундан буён ҳаммаёқ алғов-далғов, қамалмаган одам оз қолди. Менга ҳам "Агар топиб берсанг, генералликка тавсия қиламиз" дейишди. Хуллас, катта бир романга сиғадиган воқеалар юз берди. Ҳозир эса кетишимиз керак. Аҳмад вилоят чиқишида кутиб туради. Мен сизни шаҳардан олиб чиқмасам, бошқа ҳеч ким олиб чиқолмайди. Ҳамма йўллар боғлиқ, ҳар бир машина текширилмоқда. Поччам калитни бериб қўяман деганди, унутибди. Томдан ўтишимизга тўғри келади.

-Қўшнилари-чи?

-Бу ердагилар ҳаммаси ўзимизники. Ҳатто ҳозир мени ташқарида кўрган қўшниларида бири "Акани чойга чақирайлик дедигу яна мулоҳаза қилдик. Кўнгилларига бирор нарса келиб қолмасин, деб. Нима бўлса ҳам эсон-омон чиқариб қўйинг" деди.

-Демак, одамларга ишониб, тўғри қилибмиз! – деди Миртемир. Сўнг: – Аммо бу гапим қизил гап бўлди, – деди.

-Қизил гаплар ҳам баъзан ҳақиқатни ифода этади, – деди Лутфилло.

Улар томдан ўтиб ташқарида турган машинага миндилар. Миртемир машинанинг орқа ўриндиғида ётди. Лутфилло унинг устига кўрпача ташлаб қўйди. Шаҳардан чиқишда текширув пункти ёнида тўхтаб, қидириляётган "жиноятчи" топилиб топилмагани ҳақида сўраб суриштирган бўлди. Сўнг вилоят чегарасидан ўтиб, машинани тўхтатди ва Миртемирга:

-Сиз бизнинг Ҳамзамиз бўласиз,-деди.

Миртемир ўйлаб ҳам ўтирмасдан,

-Аммо мана шу гапингиз ёқмади,-дея жавоб қайтарди.

Улар шу зайилда на совуқ, на илиқ хайрлашдилар...

19. ОМАД

Ғўбдин тоғи этакларидаги лалми ер шудгорланган ва қушларнинг гала-гала бўлиб "ов" қилаётганларидан дон ҳам сепилгани англашилди. Қушлар ўз "ишлари"га шу қадар фарқ бўлгандиларки, ёнига бориб қолганингизни ҳам сезишмасди.

"Таҳлика" дея бири огоҳлантди, шекилли, "гур" этиб бағирларини ердан уздилар. Миртемир бошини қияламаганда қарғанинг қанотлари юзига урилди.

-Қушларни чўчитдик, – деди Аҳмад кўнжидаги машрафани чиқариб, совиб қолган чойдан ҳўпларкан. Сўнг у белбоққа тугилган ширмой нондан бир бурда синдириб Миртемирга узатди. – Антика ҳиди бор. Қандайдир гиёҳ Алишса керак ичига. Бодиён хидига ўхшайди, – деди.

-Раҳмат. Чойдан бир ҳўплам ичарман, лабим қуриб қолаяпти, лекин нон егим йўқ, – деди Миртемир.

-Йўлимиз ҳали узок. Бунинг устига шудгорга тушдик, юриш оғир. Бир бурда бўлса ҳам еб олсангиз куч берармиди?

Шудгор... Миртемир атрофга назар солди. Ҳар ер – ҳар ердан буг кўтарилмоқда. Демак, кун очилади. Ҳар ҳолда икки-уч кун олдин шивалаб ёмғир ёққанки, шудгорнинг баъзи жойи қуруқ, баъзи жойи лой. Қуруқ ва ҳўл бирданига оёққа ёпишса ажралиши ҳам қийин экан. Туфлидан ажралсин, дея оёқни бирор кесакка урасиз, яна бир парча лой осилади. Судраб кетаверасиз... оғир. Оёгингизни орқага тортаётганга ўхшайди. Тиззалар санча бошлайди. Бирданига лой узилади. Енгил тортасиз. Лекин бу енгиллик узоққа чўзилмайди. Оёгингиз яна оғирлаша боради.

Бунинг устига Миртемирнинг оёғидаги туфлиси нобоп. Ости нозиклиги бир тараф, пошнасини тилаётгани, "ураётгани" иккинчи тараф. Шошганда оёғига тўғри келганини "илинтирган"да. Ўша пайт оёқ қийими хаёлга келармиди? Энди ўйласа оёқ қийими ҳам жуда муҳим экан. Ҳозир бошқа дарди йўқ. Хаёли ҳарчанд бошқа томонларга кетиб қолмасин, оёгининг оғриғи ортга тортади. Тўхтаб, оёғига қарагиси келарди-ю, Аҳмаддан уяларди. У кетиб борарди. Анча олдинда.

Тангри ёрдам бераман деса, энг эътиборсиз дақиқада ҳам дастаклашнинг йўлини топади. Миртемирнинг кўзи шудгор ўртасидаги тошбақага тушиб қолди. "Ёппирим, бу ерда нима қилади? Қандай келиб қолди экан? Балки ер ағдарилмасдан олдин келиб қолгандир? Хайриятки, тракторнинг оёғи, занжирлари остига тушмабди. Неча кундир бу ерда экан? Балки оиласи бордир бунинг ҳам? Қаерда қолди экан? Қандай қисмат айирди уларни? Дунё қизик. Тошбақалар орасида кин, адоват, таъкиб, қувғин йўқ. Бу ишларни қойилмақом қилиб бажарадиган миршаблари йўқ. Лекин шунга қарамай бу поёнсиз шудгор ўртасида қолган. На ўт бор, на сув. Аммо яшаяпти...

Узоқдан чалинган ҳуштак саси Миртемирнинг хаёлини бўлди. Ўҳ, ҳў, Аҳмад узоқлашиб кетибди. У қўли билан тезроқ келинг, ишоратини қилди. Сўнг шудгор этаги томонни кўрсатди. Узоқда нуқта кўринди. Нуқта юриб бораётганига кўра машина бўлиши керак. Демак йўл. Балки... Яна ҳуштак... Аҳмад бир нарсани топгандек, қўли билан "Тез кел" ишорасини қиларди.

Миртемир лойли оёғини судраганча илгари кетди. Аҳмаднинг ёнига етиб келганда ўпкаси оғзига тикилгандек аранг нафас оларди.

-Нима гап? -деди у Аҳмадга.

-Кўрмаяпсизми?

-Нимани?

-Мана бу тошни, мана бу булоқни...

Миртемирнинг юзи ёришди. Дарвоқе, қандай кўрмадийкин? Ҳа, баъзан инсон кўзи очик бўла туриб ҳам олдидаги нарсани кўрмайди.

-Худога шукур, ўтириб ҳордиқ чиқарадиган жой ҳам топдик, ҳатто булоғи билан. Бунинг устига йўл ҳам яқин экан. Ярим соатлик йўл... Қани ўтиринг... Миртемир дастурхонни ҳам кўрмабди. Тош устига Алинган белбоғда ширмой нон тўғраб қўйилган, ёнида пўсти артилмасдан эзилган пиёз.

-Пиёзни қаердан олдингиз?

-Йўлга пиёзсиз чиқадиларми? Чўнтакка биттасини ташлаб қўйгандим.

Миртемир тегирмон тоши каби катта ва ёйиқ тошнинг бир четига ўтираркан, яна оёғи эсига тушди. Пайпоғи ҳўл эди. Чиқариб, қараса пошнаси ғижжа қон. "Шуниси кам эди", деб ўйлади.

-Эҳ, ҳе, илгаридан яраси бормиди ёки йўлда бўлдимиз? – сўради Аҳмад.

-Ҳар ҳолда божамнинг туфлисини қийиб чиққаним аён. Иккимизники ҳам бир хил. Фақат биттаси катта, биттаси кичик.

Аҳмад хаёлига латифа келган кишидек жилмайди. Лекин ҳазилнинг жойи эмас эди.

-Чораси бор, – деди у. – Энди туфлининг орқасини босиб юрасиз. Майли кўлингизни ювинг. Бирор нарса еб олинг, кетамиз.

Миртемир тошбақани ўйлай бошлади. Балки унинг сўнг омадидир бу? Балки бу дамни кунлар давомида кутиб ётгандир? Шундай поёнсиз шудгорда нега унинг олдидан чиқди? Ҳа, Миртемер қанча одамларга яхшилик қилди. Шудгор ўртасида қолиб кетганларни олиб чиқди. Балки шуларнинг жавобидирки, ўлимдан қолди.

У ўрнидан туриб келган томонга юриб кетди.

-Қаёққа?

-Тошбақани олиб келайин...

-Қанақа тошбақа?

Ҳа-я, Аҳмадга айтмабди. Икки оғиз қилиб тушунтириб берди.

-Мен бўлсам, чарчаб тўхтаб қолдингиз, деб ўйлабман. Сиз тошбақани кўрибсиз-да!

Аҳмад ҳам унинг ёнида борарди. Аммо тошбақа қаерда эди? Сомон қопнинг ичига тушган игнани топинг-чи? Тополмайсиз. Аммо қопни кўтарсангиз, игна елкага ботиши ҳеч гап эмас. Худди шунга ўхшаб, тошбақани учратиб қолди... Лекин нега нинага ўхшатди бирдан. Йўқ. Тошбақа хосиятли дейишади.

-Қаерда эди? – деб сўради у.

-Мендан сўраяпсизми? Ўзи ростдан ҳам тошбақани кўрдингизми? Тагин сароб бўлмасин, – деди Аҳмад.

-Сароб... Шудгорда ҳам бўладими?-Тошбақа шудгорда бўлса, демак сароб ҳам кўриниши ҳеч гап эмас.

Улар охири оёқ изини аниқлашди. Кейин шу из бўйича бири чап томонни, иккинчиси ўнг тарафни қидириб юра бошлашди. Осмон узок, ер шудгор. Тошбақа эса йўқ.

-Нима қиламиз? – деди Аҳмад.

-Топамиз, – жавоб қилди Миртемир.

-Бизни изламаётганларидек гапирасиз-а? Бунинг устига оёғингиз...

-Бизни астойдил изласалар топадилар. Аммо катталар буюради, бу ёқдагилар йўлигагина излайдилар.

-Ундай экан, нега шудгордамиз? Йўлга чиқайлик.

-Ҳазиллашдим, тақсир. Тошбақани астойдил излайлик, дедим-да.

-У шу қадар муҳим-ми?

-Муҳим. Иккимизнинг ҳам ҳолимиз айни. Уни қутқариш учун Тангри шундай бепоён шудгорда бизга рўбарў қилди. Биз эса... Мени қутқаришди. Уни эса...

-Шоир бўлиб кетдингиз!

-Майли, сиз қайтиб, чой ичиб туринг, мен уни топаман.

-Мен бўлсам топдим, – деди Аҳмад, – ана...

Улар бирдан калласини тоши остига бекитиб олган тошбақага эгилишди. Бошлари бир-бирига урилди.

-Демак, Сиз..., – деди.

-Сиз қутқаришингиз керак экан.

Аммо Миртемирнинг жавоб берадиган ҳоли йўқ эди. Кўз олдида юлдузлар учиб юргандек бўлди. Боши деворга урилган кишидек, бир лаҳза муаллақ бўшлиқ кўйида қолди. Шудгорнинг бир томони кўтарилиб осмонга улашиб кетди. У тиз чўкиб қолди. Ва... хаёли бирдан оёғига қараб югурди. Демак, оёғи оғрияпти, боши эмас. У ўрнидан тураман деганда Аҳмад қўлтиғидан тутди...

Улар тошбакани булок бўйидаги ўтларнинг ичига қўйиб юборишди. Миртемир илк бор тошбаканинг худди қўй каби ўтни «читир-читир» ейишини кўрди. Балки илгари ҳам кўргандир. Лекин бу қадар эътибор бермагандир. Нима бўлганда ҳам у енгил тортиди.

-Тамом, кутилдик, қўлга тушмаймиз энди, – деди у.

–Нима, қўлга тушиш ниятингиз ҳам бормиди?

Бу саволга Миртемирнинг жавоб бергиси келмади.

-Тошбакани олиб кетамиз. Адрга чиқсак қўйиб юборамиз, – деди.

-Зотан менинг қўлим банд, машрафа, белбоғ...

-Ўзим олиб бораман. Бу менинг омадим. У йўлимдан чиқди. Қисматимиз айни экан...

Улар узокдан кўринган ва ғойиб бўлган нуқта томонга қараб юришди. Бу пайтда кун бироз очилган, қуюқ булутлар бағрини ёриб лип-лип этиб бўлса-да кўриниб турарди.

Қора булутлар эса лойқа ариқнинг суви каби боса-боса оқиб боришарди...

20. АНБАР ХОЛА

Катта йўл деганлари илон изи йўл экан. Ора-бурада машина юрганига кўра, бу яқинда бирор қишлоқ бор. Улар шу умидда адрни ошгандилар, қишлоқ эмас, катта касаба кўрдилар. Аммо бу уларни севинтирмади.

-Бормаймиз, – деди Аҳмад.

-Четлаб ўтиб кетаверамиз, – жавоб қилди Миртемир.

-Умуман кундуз куни дам олиб, кечаси юриш керак. Менимча ана у дарахтзорга қадар борсакда, ўша ерда оқшомни кутсак.

-Майли-ю... лекин касаба четидаги уйни кўраяпсизми? – деди Миртемир. – Томи бирор нарсa билан қопланмаган. Ҳовлисининг ҳам девори йўқ. Бир ғариб одамнинг уйи. Ғариблар эса мард бўлади. Ўша ерга борамиз.

-Заррача таҳлика бўлса ҳам четлаб ўтмоқ керак, – эътироз билдирди Аҳмад.

-Таҳликани четлатиб яшаш қийин. У кутилмаганда келади. Тўғрироғи у ёнма-ён яшайди.

-Демак фикрингиз қатъий, кеттик бўлмаса...

Ҳовлига яқин келганларида бир кампир сигир соғаетганини кўришди. Миртемирнинг ёдига болалиги тушди. "Сарик" лақабли сигирлари бор эди. Оёғини боғлаб, кейин соғардилар. Раҳматли онаси сахар сигир оёғига ўралган ипни ушлаб туриш учун кимнидир уйғотиши керак эди. Болалар ўзаро навбат қилиб олишганди. Онаси эса кўпинча Миртемирни уйғотарди.

-Тур болам, суянганим сан, сендан бошқасининг менга ёрдам бергиси келмайди. Ҳаммасини сотиб сенга едираман, – дерди онаси.

Бир куни сигир оёғидаги ипни тутиб тураркан, "Ростдан ҳам опаларимни сотасизми?" деб сўради.

-Болам, қиз бировнинг моли. Сотсам-сотмасам чиқиб кетишади. Сотиш деган гап узок қишлоқларда бор. Биз эса ўзимиздан қўшиб берамиз. Қиз чиққан уй ҳувиллаб қолади, келин келган уй гувиллаб...

Онасининг гапларни териб-териб, ширин овозда сўзлашига маҳлиё бўлиб, ип учини қўлдан чиқариб юборибди, "Сарик" қарс этиб челақни тепиб юборди. Сесканиб кетган онаси орқага йиқилди.

-Ҳа, ер ютгур, оёғинг синсин..., – деди аранг ўрнидан туриб.

Миртемир эса кўрқиб қолганди. Бирдан иссиқ қўл бошини силади. Онаси уни бағрига босди.

-Кўркма болам, – деди. – Фақат оқшомги сут оз эди. Буни ҳам кўшиб бозорга олиб борардик. Энди ўзимиз ичамиз. Қаймоғи эса сеники...

Шу пайт "Сариқ" Миртемирнинг онасини ҳам тепиб юборди. У эгилиб қолганди сигир яна тепди. Бу сафар она қабирғасини тутамлаганча "их"- "их"лаб ўтириб қолди. Миртемир охурга тираб қўйилган белкуракни олиб сигирнинг оёғига ура бошлади.

-Урма болам, урма, жонивор қарғайди, қарғиши ёмон, урма, дея унинг кўлидан белкуракни олиб ўзи урди "Сариқ"ни. Кейин эса ёнига бориб бошини силади.

-Жувонмарг бўлгур, нега бундай қиласан? Ё болангнинг ҳақини ҳеч кимга бергинг йўқми? Миртемир бузоқни ечиб юбор, болам, мен эгила олмаяпман. Ҳа, "Сариқ" бўлмай кет-а, қабирғамни синдирдингми, дейман?..

...Миртемир сигир соғаетган кампирни орқадан онасига ўхшатди.

-Оналар бир-бирларига ўхшайдилар, – деди сўнгра. – Аммо топдим. Бу янги гап, ёзиб қўйинг.

-Оналар бир-бирларига ўхшайдилар, болалар эса йўқ, – қўшимча қилди Аҳмад. – Ёзиб қўйинг!

-Ўзимга қолди ёзиш. Демак, шу ҳовлига кирамиз.

-Аммо кирадиган дарвоза йўқ.

-Фараз қиламиз. Камбағаллар фараз билан яшайдилар. Бу кампир ҳам ўз ҳовлиси, дарвозаси борлигини фараз қилади. Сўрамасдан киришга қўймайди...

Улар кампир сут соғиб бўлгунча кутиб турдилар. "Ҳам серсут экан, ҳам ёввош" деб ўйлади Миртемир. Кампир бузоқни қўйиб юбориб, челақни қўлига олгач, уларни кўриб қолди.

-Зимнамерми, дебман, – Келинглари. Бугун ерни ўлчаш учун зимнамер келиши керак эди-да. Вой, сен, болам, Миртемир эмасми, ҳа, ўша, телевизорда чиқадиган? Ҳа, айланиб кетай, қоқиндиқ, сени ҳам кўрадиган кун бор экан-а?

У Миртемирни худди ўз ўғлидек бағрига босиб, юзларидан чўлпиллатиб ўпди.

-Кино олишга келдингми, болам? – деб сўради кампир.

-Йўқ, онажон, ўзимиз кино бўлиб юрибмиз.

-Вой, вой, уни қара товушлари айнан ўзи, ҳа, ҳа, ўзингсан, Миртемирсан... Нима бўлганда ҳам келганинг яхши бўлди. Худойимдан айланай, сени кўрсатди, менга. Шунақа дардим кўпки, кинога олсанг, ҳаммани йиғлатасан. Дарров ишга ўтдим. Кампир қалампирни эслатади, ҳам аччиқ, ҳам иштаҳа очар. Мен аччиқдан бошладим. Қани энагинам, уйга киринглари, ҳозир чой қўяман...

Кампир ичкарига кирар экан,

-Бу ёғи қандай бўлди? – деди Аҳмад Миртемирга.

-Ҳаммаси сценарий бўйича. Пешонага ёзилгани бўлади. Мен қаёқдан билардим, етмиш ёшли кампир бир кўришда танишини?!

-Хуллас, чиқиб кетишимизга тобора эҳтимол озаймоқда.

-Эҳтимол озайса, эҳтимоллар назарияси бор. Қозик бошига мушт келишини билганда балки қозик бўлмасди, агар қозик бўлиш эҳтимоли ўз қўлига берилганда.

-Демак уйга кирамиз.

-Сиз кираверинг, мен холага тушунтираман.

-Ҳали ҳамма гапни айтасизми?

-Айтиш керак. Бўлмаса...

Аҳмад ичкарига кираркан, Миртемир ошхона томонга юрди.

-Энажон, ке, – деди кампир. – Бугун посёлкада маърака бор. Келганингни ҳаммага айтаман. Мен ҳам бир мақтанай. Бир пайтлар катта шаҳарга борганимда танишгандим, мени сўроқлаб келибди, деб айтаман...

Миртемир бор гапни кампирга англатди. Сўнг:

-Маъракада гапириб юрманг, кейин Сизни ҳам сўроққа тортишади, – деди.

-Мени нима ҳам қилишарди? Бир оёғим гўрда бўлса?! Боя айтмасам ҳам энди айтаман! Каримов нима қилаётганини билиб олишсин. Кейинги вақтда кўринмай қолганингдан ҳам сезгандим. Ҳатто баъзи гаплар етиб келувди, аммо ишонмовдим. Қара-я ҳаммаси тўғри экан.

-Энажон бизга ёрдамнингиз керак.

-Ёрдам сендан айлансин, болам. Аммо Каримов телевизорга чиқса, шунақа гапиради-ки, ҳаммани ишонтиради. Бутун айб атрофдигиларда экан, деб ўйлаб қоласан. Баъзан йиғлагудек бўлиб кетади. Аммо мен ишонмасдим. Ўзи йиғлагудек бўлса ҳам кўзи кулиб турарди. Кўзи одамни масҳара қилаётганга ўхшарди. Ҳамма ҳам бир эмас. Ишонишади. Сен мажлисда бир нима деб юборган экансан, қанча гап-сўз бўлди. Бири тўғри айтди деса, бири маҳмадана экан, катталарнинг юзига "чопди" дейди. Булар ё катталарнинг, яъни ўзимизнинг посилкадаги катталарнинг хотинлари ё яқинлари. Аслида улар ҳам гапнинг гугурт кутисини биладилар, қачон ёниб, қачон ўчишини мендан яхши биладилар, аммо юзлари бошқа, ичлари бошқа. Қачон бошларига бир иш келса кўзлари очилади... Ҳа, майли, сизларга ана у иссиқ уйдан жой тўшаб берай, ухланглар. Ҳализамон зимнамир келади. Ўғлимга ҳам хабар юборай, келсин, бўлмаса бу зимнамир ҳаммаёкни ўлчаб, гаранг қилади.

Уйимни бузишмоқчи. Посилкага ярашмас эмиш. Буздирмайман девдим, томоркамни ўлчашга қўйдилар. Қани ичкарига кир, келиб қолса кўрмасин. Уларни гўрба-гўр этсам, маъракага бориб қайтаман. Бормасам "Лакки хола" нега келмади, ўлиб қолдим, деб шубҳа қилишади. Келиб ош дамлайман...

Миртемир уйга кираётганда, кампирнинг "вах" деб юборишидан чўчиб кетди.

-Ваҳ, ваҳ, ваҳ, болам! Оёғинг қоншўрва бўлиб кетибди-ку! Ҳа, йигит йиқилгурлар-а! Бу бола сенларга нима қилди? Ҳақни айтсанг Ҳақдан ейсан, деганларидек бўлиб чиқди. Ҳозир тоғорада сув олиб келаман. Маргансофка ҳам бор. Ўзим ювиб қўяман...

Хола бир зумда тоғора кўтариб келди.

-Қани оёғингни тик. Мен ўзим юваман.

-Йўқ, энажон, ўзим...

-Энажон деган тилингдан айланай, одам ўз энасига ҳам инонмайдими?

Миртемирнинг кўзига ёш сели келди. Оёғига иссиқ сув тегишиданми ёки бу қақажон кампирнинг меҳриданми эриб кетди. Аммо ёш селининг йўлини тўсди. Худди кўзига хас киргани каби "Бир нарса кўзимга кирдиёв" деганди товуши титради. Лекин билдирмади. Кампир ўтириб олиб унинг оёғини юварди. Бир томондан ўзи ҳам юва бошлаганди, кампир:

-Сен қўлингни кир қилма болам, азиз болам, – деб Миртемирнинг қўлини тоғорадан чиқарди.

Миртемирнинг ёдига бувиси тушди. Боядан бери бу кампирнинг юзидаги меҳр кимнидир эслатаётганди. Ҳа, Анбар бувиси. Фақат бувиси оз гапирарди. Аммо жуда ўхшаб кетадиган томонлари кўп.

Ҳар оқшом тоғорада иссиқ сув келтириб, Миртемирнинг оёқларини юварди. Олти ёшга қадар бувисиникида яшади. Шу қадар кўп ширин хотиралари борки, айтса биров

ишонмайди. Олти ёшдаги гаплар эсда турадимиз, дейдиганлар қанча. Аммо Миртемир ҳатто бувисининг оёқ ювгандан кейин бармоқларини тортиб-тортиб қўйишига қадар эслайди.

Анбар буви... оёқларини ювмоқда...

Кайфияти чоғлигиданми, оёқларини иссиқ сувда ювганданми, чарчаганиданми Миртемир тошдек қотиб ухлади. Бир пайт уйғонса, Аҳмад дераза пардасидан ташқарини пойлапти. Оқшом тушиб қолибди. Қадам товушлари, шовқин... Миртемир ҳам парда орасидан қараганди кўзи миршабга тушди. У супанинг устида у ёқдан бу ёққа, бу ёқдан у ёққа бориб келаётганди.

-Сомонхона шу ер экан, – деди Аҳмад.

-...

Миртемир "Нега кутишаяпти? Марказга хабар қилишган бўлишса одам келишини кутишаяптими?" дея ўйлади. Аммо қандай хабар топишди? Наҳотки кампир оғзининг бир четидан қўйиб юборди? Йўқ, йўқ, ҳеч бўлиши мумкин эмас.

-Нима қиламиз? – деди Аҳмад.

-Кутамизми? Йўқ. Чикамиз. Миршаб бир ўзи. У ҳам одам. Тушунтирамиз. Тушунмаса бошга келганини кўрамиз. Кутиш эса ваҳима.

-Яхшилаб ўйлаб кўрайлик.

-Ўн марта ўйласак ҳам, деворни тешиб чиқиб кетиш имконияти йўқ. Эшик эса битта. Барибир шу эшикдан чиқамиз. Қанча тез чиқсак, шунча яхши.

Миртемир апал-тапал кийинди-да йўталганча "Биз уйғоқ" ишорасини берди. Милиционер эшитмади шекилли бориб келаверди.

-Тўхтанг, – деди Аҳмад эшик томон юрган Миртемирга. – Хом иш қилиб қўймайлик. Балки милиционернинг хабари йўқдир? Балки унинг кампирда бирор иши бордир?

Миртемир турган жойида қотиб қолди. Нега бу томонини ўйламадийкин? Дарвоқе, кампир ер ўлчовчилар келади деганди. Бирор гап чиққан бўлса-чи? Масалан, кампир уларни яқинлаштирмай қувган бўлиши мумкин!

-Демак, демак, иккинчи эшик ҳам бор экан.

-Изласалар учинчиси ҳам топилади, – деди жилмайиб Аҳмад. Шу пайт ташқаридан овоз келди.

-Хов, Искандар, киравер, гулдур-гулдур овоз келаяпти. Уйғонга ўхшашади. Туришсин, ош тайёр.

-Эна нокулай бўлармикан, ўзингиз кирақолинг..., – деди миршаб

-Биз ўзимиз чиқаямиз, – деди енгил овозда Миртемир.

-Чикманг, чикманг, мен ўзим ичкарига кираман, – дея майор остонани ҳатлаб уйга кирди. – Ассалому алайкум, хавотир олманглар, ҳаммасидан хабарим бор. Ҳатто расмингиз ҳам келди. Катта мукофот қўйилган.

Миртемир майор билан кўришаркан:

-Қанча мукофот қўйишибди? – деди кулимсираб.

-Йигирма милён сўм ва битта енгил машина, бунга қўшимча унвон...

-Демак, сизни табрикласа бўлади, олинг шу пулни, машинани ва унвонни. Эвазига мана шу уйнинг томини шифер қилиб берасиз.

-Миртемир ака, биз бундай ёлғонларга ишонсак ёки сотилсак, энг камида Ички ишлар вазирининг ўринбосари бўлардик. Томга келсак, энам истамайдилар. Янги уй куриб қўйибман, бормайдилар.

-Ростдан ҳам ўғилларимисиз?

-Акс ҳолда бу ерда нима қиламан? Икки ўғилмиз. Укам совхозда, тракторчи. Мен сув олиб келай, кўлни ювинглар, ош тайёр.

-Йўқ, узимиз ташқарига чиқамиз.

-Ярим соатда бутунлай қоронғу бўлади, кейин чиқасиз. Шундай ҳам сизни болалар кўришибди.

-Йўғе, қаерда кўришибди? – суҳбатга аралашди Аҳмад.

-Қабристоннинг ёнида.

-Қабристон?

-Ҳа, юқорида эски қабристон бор. Сизлар эътибор бермаган бўлишларингиз мумкин. Харобага айланган. Аммо тепаликдан ҳамма жой кўринади. Болалар мол боқиб юришган экан, узоқдан сизни кўришибди.

-Танишибдими?

-Худога шукурки йўқ. Аммо момойнинг уйига ўғри келди, деб айтишибди.

-Сиз шунинг учун келдингизми?

-Шу кунларда посёлкага ўғри оралаган. Икки-уч кишининг қорамолини олиб кетишди. Шу сабаб ҳамма ҳушёр. Хайриятки, бўлимга хабар келгач, ўзим йўлга чиқдим. Йигитларни юбормаганим яхши бўлибди. Энам ер ўлчовчилар келади, дегандилар, болалар балки адаштиргандир, деб ўйладим. Аммо кўнглим тинчимади. Бир хабар олайин, дедим.

-Искандар, ўғлим, мендан ҳам кўп гапирасан-а? – ошхонадан кампирнинг овози келди.- Мен ошни суздим. Меҳмонларни катта уйга бошла, ўша ерда гаплашасизлар.

-Кечирасиз, энамнинг исмлари нима? – деб сўради Миртемир миршабдан.

-Анбар...

-Йўғе...

-Нега ажабландингиз?

-Бувимнинг исмлари ҳам Анбар эди. Боя "Бувимга ўхшарканлар" дея ўйлагандим, шунинг учун.

-Бувингиз эмас, энангиз бу киши. Сизни шу қадар яхши кўрдиларки, телевизорда чиққан кунингиз байрам. Мен баъзи кўрсатувларингизни видеокасетага ёзиб олганман. Бизникига фақат шунинг учун борадилар.

-Раҳмат. Кўнглим учун гапираяпсизу, аммо...

-Аммо-паммоси йўқ, телевизор билан видеомагнитофонни олиб келаман, истасангиз уйга борамиз. Қоронғуда ҳеч ким танимайди.

-Ишондим, ишондим...

-Бўлмаса, марҳамат, қаршидаги уйга. Бу хонанинг икки эшиги бор. Бири ошхонага очилади бири бу томонга! – деди майор.

Ошдан кейин:

-Эртага ҳам шу ерда қолинг, – деди майор. – Мен вазиятни ўрганаман. Шунга қараб план қиламиз. Худо хоҳласа эсон-омон чиқиб кетасиз.

-Сиз ҳам "ватан хоини"га шерик бўлаяпсиз, – ҳазил қилди Миртемир.

-Ўша битта одам ватан бўлса, мен хоинман. Аммо биз тушунган Ватан бошқа. Биз тушунган Ватан Сизни севади.

-Раҳмат. Аммо биз йўлни давом эттиришимиз керак, – деди Аҳмад. – Мен ҳам кўп қолиб кетсам қидиришади. Қолаверса кундан-кунга боски кучаймоқда. Қариндошларидан яқини, кейин дўсти бўламан. Қидиришлари аниқ.

-Бизга ҳам буйруқ уч марта такрор келди. Ҳозир посёлкада расмингиз осиклик. Демакки, ҳамма жойда шу ҳол. Бирор қишлоқ ё шаҳарга кирмасдан, тоғу тошдан юрмоқ керак. Машина, автобуслар ҳам хавфли. Чунки ҳайдовчиларга ҳам топшириқ берилган. Хуллас, Каримов сизни чиқариб юбормоқчи эмас.

-Унда биз эртароқ йўлга чиқайлик. Кечаси юриб, кундуз дам оламиз.

Майор узоқ ўйлаб турди-да:

-Укамни чақирай. Трактори янги. Бахмалга қадар олиб борсин. Тракторни биров тўхтатмайди. Қолаверса унинг укамлигини ҳам билишади. Бахмалдан кейин қўшни жумҳуриятга яқин қолади. Ўтиб кетасизлар.

Майор чиқиб кетди-да тез қайтди. Орадан ярим соат ўтмасдан трактор овози эшитилди. Миртемирлар кўзғалишаркан, Анбар хола тўн ва дўппи олиб чиқди.

-Ўғлим, сенга атаганман буни. Тўнни ўзим тикканман. Дўппи эса водийдан келган.

-Энажон, бизни уялтираяпсиз...

-Ана улар уялсин, сени шу кўйга тушириб. Ҳа, уларга ҳам Худонинг атагани бор ҳали... Тўнни кийиб олсанг биров танимайди, ҳам иссиқ, ҳам совқотмайсан...

Улар хайрлашарканлар Анбар хола кўзига ёш олди:

-Энангни қайта кўра олмайсан... Қайда бўлсанг ҳам бошинг омон бўлсин, – деди ва Миртемирни қучоқлаб йиғлади.

-Энажон секин, биров эшитиб қолмасин...

-Ҳе, ўша бирор-миронни ҳам...

Анбар хола жаҳли чиққан бўлса-да, сўнгги сўзларини пичирлаб гапирди:

-Сен кетгандан кейин ҳамма гапни ҳалойиққа айтаман, билиб қўйишсин.

-Энажон, Искандар акага зиёни тегеди. Илтимос, орамизда қолсин, – деди Миртемир.

Аммо кампир индамади...

Трактор "сакрай-сакрай" илгарилаб борарди. Уч киши кичик кабинага аранг сиғишиб ўтиришгани учун бир зайилда "сакрардилар". Тракторчи йигит камгап экан, икки соатда бир оғиз гапирмади. Миртемир буни оқшом чоғи безовта қилишгани, кун бўйи чарчаганидан бўлса керак, деб ўйлади ва хижолат чекди. Бир жойга бориб трактор тўхтади.

-Акам шу ерга қадар дегандилар...

-Бу ер қаер?-сўради Миртемир.

-Йўл бўйлаб кетаверасизлар, бу ёғи тинч. Икки-уч соатда қўшни жумҳуриятга ўтасизлар. Чегарага яқин қолганда адрдан юринглар. У ерда кўзга кўринмаган яхши. Мана бу икки таёқни олинглар, ит деган нарса кўп бу ерларда, – деди у, – кейин хайрлашиш учун икки қўлини узатди. Қўлида бир нима бор эди.

-Бу нима? – сўради Миртемир.

-Ака, энам бердилар, олмасангиз бўлмайди, момой ният қилганлар, илтимос, мен келгунга қадар шуни ўйладим. Олмасангиз нима қиламан, деб ўйладим. Сиз энамни билмайсиз, гаплари икки бўлдим, тамом, олам омонат бўлади.

-Аммо бизга пул керак эмас. Қолаверса шундай ҳам бошга қадар қарзга ботдик, энангиз, акангиз олдида... Энди...

-Ака, кўп эмас, беш юз сўм. Ўнта нон бермайди бу пулга, кадри йўқолди пулнинг. Аммо энам нафақа пулидан йиққанлар. Майда сўмликлар бўлгани учун кўп кўринаяпти.. Мен ҳам энамга буни тушунтирдим. Лекин "Майли, ўнта бўлса ҳам нон олади, ўзим берардим у хафа бўлишади деб аканг қўймади", дедилар.

Тракторчи ўжар чиқиб қолди. Охири Миртемир:

-Илгариги шароитда олсак пора бўларди, ҳозирги ҳолимизда гуноҳи бўлмаса керак, – деди-да пулни олди. – Майли, ишқилиб бу яхшиликларни, бу қарзни қайтариш имконини берсин.

-Илоҳи омин, – деди тракторчи ва югуриб кабинага чиқди. У жўнаб кетгандан кейин Аҳмад:

-Пул ўзиники. Аммо...

-Қаердан билдингиз?

-Уйда кампирдан "Эна пулингиз борми?" деб сўраганини эшитиб қолдим. Йўлга чиқаётгани учун чўнтагим қуруқ бўлмасин, деб ўйлапти шекилли дея тушундим.

-Балки кампир унга ҳам бергандир?..

-Йўқ, беш юз деганини ҳам эшитдим. – Локатор бўлинг-е... Лекин нега берди пулни?

-Яна қайтиб келишингизга умид боғлади.

-Ҳа, бу хонадонга албатта келаман, аммо исмини ҳам сўрамабмиз.

-Ҳечқиси йўқ. Искандарнинг укаси, Турсунбой..., – деди Аҳмад.

-Қаердан билдингиз?

-Локатордан!..

Улар таёкларини елкага қўйиб коронгулик қўйнига шўнғидилар. Осмоннинг олис нуқталарида кўринаётган юлдузлар ҳам улар билан йўлчиликка чиққан каби "юриб борарди". Аммо ой кўринмасди. Ҳар ҳолда қайси бир булут тўдасининг ортида қолган бўлса керак. Дарвоқе, тун узок. Ойнинг эса чиқиши, кўриниши муқаррар.

21. КАРИМОВНИНГ КЕЧИНМАЛАРИ

Каримов мажлислар биносига кириб келганида бошининг оғриғи тинмаганди. Гўё боши шишиб, арининг уясига айланган, сон-саноксиз арилар ғувиллаганча ташқарига чиқишга урингандек бош деворларини тирмалаётганга ўхшарди. У ёрдамчисидан иккита панталгин дориси олиб ичди. Кейин мажлислар залига қараб юрди.

Минбарда Олий кенгаш раиси ва унинг учун махсус жой ажратилганди. Ҳар доим мажлисга кириб келганда оёқда туриб қаршилаган миллатвакиллари бу сафар унга парво ҳам қилмадилар. Аввалига "мажлис бошлангани учун шундай бўлди", деб ўзини овутмоқчи бўлди, кейин юраги орқага тортди. Мажлис залидаги совуқ руҳ унинг вужудини қисиб олгандек бўлди. Совуқда қолган одам каби этлари жунжикди. Вужудида алланарсалар "жимир-жимир" юра бошлади. Сўнгра кўксида бир қурт ўрмалаётганини ҳис қилди. Бу қурт кўксида эмас, юрагининг ичида экан... Оёқлари ҳам ўзига бўйсинмаётганди. Ўнг оёғи ўнг тарафга, чап оёғи чап тарафга тортаётганди.

Минбарда ўзи учун ажратилган жойга қадар бўлган ўн қадам масофани босиб ўтиш унга бир неча чақиримдек туюлди. Жойига етиб борганда, стулни орқага тортиш учун қўли қовушмади. Ҳатто қўлларим ҳам менга бўйсунмаяпти. Наҳотки, бу миллатвакилларига қўшилиб қўлларим, вужудим менга исён қилса?! Йўқ, ҳали бундай исёнлар кўп бўлади. Бу исёнларни енгитим, енгитишга ўрганишим керак, деб ўйлади.

Каримов ўз хаёллари билан олишаркан, залда ўтирганларга қараш учун бош кўтаришга мажболи йўқ эди.

-Мажлисни олиб бориш тартиби ҳақида қандай таклиф бор?

Бу Олий кенгаш раисининг товуши. Каримов кириб келаркан ҳатто у ҳам ўрнидан турмади. Наҳотки, кечаги воқеалардан бошқача хулоса чиқарган бўлса?! Йўқ, бу кўрқок, исён қиладиган жасорати йўқ. Бу каби инсонлар қул каби туғилиб, қул каби ўлиб

кетадилар. Исён қилиш улар учун ўлим демакдир. Ўрнидан турмагани эса бефаросатлигидан. Унга ким ҳам "Хўкиз" деб лақаб қўйган бўлса, узукка кўз қўйгувчи, заргар экан. Аслида бу узук ҳам бўлолмайди. Қўлни ё қисади, ё катталиги учун бармоқдан тушиб қолади.

Каримов фалсафий мушоҳадалар қиляяпман, дея бироз енгил тортгандек бўлди ва кўз қири билан аста залга қаради.

Алижон Қўчқоров деган миллатвакили деҳқончасига катта-катта қадам ташлаб минбар томон келаётганди. Алижонни Каримов узоқ йиллардан бери танийди. Бир вақтлар Комфирқанинг мафкура бўлимида ишларди. Нимадир бўлди-ю уни ҳайдашди. У пайтларда бундайлар кўчада қолмасдилар. Ё улар учун бир лавозим очиларди ёки маошлар ҳақидаги ҳужжатдан бошқа қоғозга қўл қўйилмайдиган бир идорага раҳбар этиб тайинлашарди. Алижонни ҳам динга қарши иш олиб борадиган идорага раҳбар қилиб қўйишди. Замоннинг чархи айланиб, бугун у ҳам миллатвакили.

Сайлов арафасида рўйхатларни назардан ўтказганда бу эски коммунист, оғзидан чиққанини билади, ҳар қадамини ўйлаб босади, қаёққа бошласак, ўша ёққа юради, деб исми-шарифини чизиб ташламаганди. Мана энди исёнчилар сафида.

Аслида бунинг дарди бошқа. У парламент қўмиталаридан бирига бошлиқ бўлиши керак эди. Ҳатто суҳбатлардан ҳам ўтганди. Лекин таниқли олимлардан бири шу қўмита раислигини истаб қолди. Алижон эса ўринбосарликка тушди. Алами ана шунда. Мендан қасд олмакчи...

-Олий кенгаш мажлисини олиб бориш юзасидан бир қатор жиддий таклифларни илгари сурмоқчиман, – дея олдиндан ёзилган нутқини ўқиётганди Алижон.

Кеча кечқурун Алижоннинг нима ҳақда гапиришини унга айтишганди, нутқининг нусхасини ҳам кўрганди. Шу сабабданми ёки қулоқлари шанғиллаётгани учунми Алижоннинг овозини эшитмаётганди. Аммо унинг бугунга қадар мавжуд тартибларни бузиш ҳақида таклифлар киритаётганини биларди. Каримовни қизиқтираётган нарса бунга миллатвакиллариининг қандай муносабатда бўлишлари.

Бир қисми, яъни исёнчилар уни қўллашлари аниқ. Аммо қолганлари-чи? Унинг ўзи бир-бир суҳбатдан ўтказган, сўнгра рўйхатга киритиб сайлаган ва "Менинг командамдан ер оласан" деган одамлари-чи? Улар нима дейдилар?

Каримов залнинг олдинги қаторларида ўтирганларга назар ташлади. Уларнинг бирортаси ҳам унга қарамасди. Баъзиларининг юзида хавотир, айримлари эса мамнун, яна бир қисми бўлса оғзи очилиб қолганча ханг-манг бўлиб ўтирарди. Ҳар доим Каримовнинг кўзларига тикилиб ўтирадиган, "мен шу ердаман, нима хизматингиз бор?" дегандек киприк қокмай қараб турадиганлар ҳам ундан юз ўгиришганди.

Бу синов дея ўйларди Каримов. Агар Алижоннинг таклифлари ўтса, демак, исён жиддий. Ўтмаса буларнинг қанотини синдириб ташлайман. Кўп нарсага Ички ишлар вазири Камолов ҳам айбдор. У илгари хавфсизлик қўмитасида ишларди. Баъзи миллатвакиллари унга қарши бўлдилар. Шундан кейин Ички ишлар вазири этиб тайинладим. Лекин топшириқларимни доим етим қилди. Бир куни "Миртемирнинг тилини кесиб келасан" дедим, аммо эртасига Миртемир бир мажлисда "Шунақа гап тарқалган, сизнинг бундай деганингизга ишонмайман", деб сувнинг олдини олди. Кеча эса Алижонни мажлисга келмайдиган қилиб қўй, дегандим. Нима эмиш, отилган тош бошининг ёнидан ўтиб кетганмиш. Шу ҳам баҳона бўлдимиз? Агар шу мажлисдан омон чиқсам, онасини Учқўрғондан кўрсатаман!

Каримов лаблари қовжираб қолганини ҳис қилди. Эснаган киши каби қўли билан оғзини ёпди-да тилини айлантриб, лабини ҳўллади. Аммо лаби куриб кетаверди. Стол устидаги бардоқ эса бўш. Графиндан сув куйиш учун қўлини кўтармоқчи бўлди-ю кўркди: сув тўкилиб кетса-чи ёки графин бардоққа урилса-чи? Залда ўтирганлар Каримовнинг қўли калтираяпти, деб ўйламайдиларми?

Каримовнинг кўзи Алижонга тушди. У жойида ўтирарди. Раис эса унинг таклифини овозга қўймоқчи бўлди. Залда ғалағовур бошланди. Ҳозир исёнчиларнинг планига кўра Эркин Воҳидов сўзга чиқиши керак, деб ўйлади ва залдан Воҳидовни қидирди. У Каримовга қараб "Кўнглингиз хотиржам бўлсин, мен сўзга чиқмайман" деяётгандек бамайлихотир ўтирарди. Ундан кейин Аҳмадали Асқаров сўз олиши керак. Унинг қаерда ўтиришини ҳам Каримов яхши билади. Олдинги қаторлардан ўртада ўтиргани учун доим жойидан гапирарди. Минбарга чиқиш учун ўн-ўн беш киши ўрнидан туриб унга йўл бериши керак. Шу боис жойидан гапиришни афзал кўрарди. Каримов ўша томонга қаради, лекин Асқаровни кўрмади. Демак, келмабди, деб ўйлади. Бу ҳам кўрқоқлик. Содиклигини кўрсатмоқчи бўлсанг, келиб ўтирмайсанми?

Аммо шу пайт Каримов ноҳосдан Асқаровни кўриб қолди. У биринчи қаторда ўтирарди. Демак, сўзга чиқмоқчи! Демак, кечаги ваъдаси ёлғон! Ҳа, бу одамга ишониб бўлмайди. Ўзининг қатъий бир фикри йўқ.

Каримов энди ишга келган пайтлари эди, рус тилига қарши ҳаракатлар бошланди. Ўшанда Асқаровни телевидениега юборди, кечкурун у бир соат рус тилининг аҳамияти ҳақида гапирди. "Мен Намангандаги бир қишлоқдан чиққан бола эдим. Камбағалнинг боласи кийимга пул топса, бир бурда нонига етмасди, овқатига пул топса оёқяланг қоларди. Аммо рус тили туфайли мен одам бўлдим. Рус тили бўлмаганда олим бўлармидим?" дея гапираркан, кўзлари намланганди. Ўшанда Каримов унинг самимиятидан қувонганди. Аммо миллий ҳаракат кучайиб кетди. Каримов чиқиш йўли яна ҳаракатни бўғиш, байроқни қўлга олиш эканини англади, ташаббусни қўлига олди. Бошқа олимлар қатори Асқаровни ҳам яна телевидениега юборди.

Ўшанда у "Мен она тилимни унутиш даражасига келдим. Рус тили менинг на қорнимни, на тафаккуримни тўйдирди. Она тилимни унутсам, бобо меросдан маҳрум қоламан. Бу эса тафаккур очлиги! Бу эса манқуртлик!" дея яна нам киприкларини силаганида Каримов унинг маҳоратига қойил қолган эди. Агар бу одам санъаткорликни танлаганда, энг машҳур артист бўларди, деб ўйлади.

Залда ғалағовур авжга чиқди. Шу пайт Миртемир ўрнидан туриб, минбар томон кела бошлади. Демак, Асқаров сўзга чиқмади.

Ҳа, у ўзининг сўзга чиқмаганини кўрсатиш учун биринчи қаторга ўтирган. Аммо бу келаётган жўжахўрознинг нима дейиши номаълум, деб ўйлади Каримов. Эркин Воҳидов билан Асқаровнинг сўзга чиқмагани катта ғалаба. Қолганлар гапирса гапираверсин. Бир ҳамла билан янчиб ташлайман!

Миртемир залдагиларга қараб эмас, унга қараб гапирарди. Бу болани илк бор қаерда кўрган эдим? Ҳа, ҳа, сайловлардан олдин Каттакўрғонга борганимда кўрганман. У ноҳосдан сўзга чиқиб залдагиларнинг олқишини олди. Ўшанда шоирона гаплар гапириб, ҳамманинг диққатини ўзига тортганди. Кейин Олий Кенгаш биносида кўришдик. Йигитларимиз бошқа ўлкаларда хизмат қилиши масаласини раёсатда муҳокама этаётгандик. Шарт-шурт гапириб, бутун режаларимизни бузиб юборди. Мажлисдан кейин олиб қолиб гаплашдим

"-Ука, бу миллатвакиллик узоққа чўзилмайди. Сен биз билан бирга қолмоқчи бўлсанг, Олий кенгашда бўлаётган воқеалардан мени хабардор қилиб турасан, яъни менинг команدامга кирасан.

-Майлику-я, лекин мен ҳали ёшман, яна қанча Каримовлар билан ишлашим мумкин. Сотқинлик қилиб узоқ яшаш мумкин эмас-да.

-Сиз сотқинлик билан давлатга хизмат қилишнинг фарқини ҳали билиб олмабсиз. Бошингизни деворларга урасиз ҳали... Каримов эса бу жойда узоқ, жуда узоқ туради, билдингизми?"

Шу суҳбатдан кейин кўп ўтмай Миртемирнинг номзодини журналистлар уюшмаси раислигига кўрсатишганини айтишди. Ўшанда Олий кенгашдан кетса яхши бўларди, дея ўйладим, аммо энг тўполончи халқ – қаламкашлар. Арининг уяси бузилса тузатиш мумкин, лекин қаламкашлар ғавғо бошласа, қийин бўлади, дея бошқа номзодни сайлатиб юбордим.

Ундан кейин янги очиладиган газета муҳаррирлигига номзоди кўрсатилди. Бўпти, ё тарбиялайман ё қуваман, деб рози бўлдим. Лекин охирги кун раёсат мажлисида ўз номзодини олиб, мен истамаган одамнинг номзоди ўтиб кетишига сабабчи бўлди. Унинг қаламкашлар йиғилишидаги гапларини кечиргандим. Ҳатто раёсатдаги бу хунарига ҳам кўл силтадим. Кейин ҳам бошимга кўп ишлар очди. Ҳаммасини кечириш мумкину Олий кенгашда мактубларни ўқирканман ноҳосдан оғзимдан чиқиб кетган гапни халққа етказганини кечириш мумкин эмас. Буларнинг кўпчилигини сотиб олдим, баъзиларини кўрқитдим. Қармоққа илинмаганлари бошқаларини ҳам бузаяпти.

Назаримда энг катта хато сайловдан кейин булар олти ой меҳмонхонада бирга қолишгани бўлди. Дарҳол пойтахтнинг ҳар еридан уй топиб, бўлиб юбориш керак эди. Аммо меҳмонхонада бирлашдилар. Миртемирнинг Тўлқин деган ҳамшаҳари бор. Жуда ҳам маҳмадона, биринчи мажлисда юзинг демай, кўзинг демай гапирганди. Меҳмонхонага қаратэчи болаларни юбориб, урдиргандим иш берди, акли жойига тушди. Ҳатто бугунги мажлисда тарқатилган ўн саҳифали баёнотни Миртемир тайёрлаганини у хабар қилди. Кеча уни чақириб гаплашиш керак экан. Бугун Миртемирга қарши уни байроқ қилардим. Ўзидан билиб ҳимояга чиқмайди.

Каримов бир зум хаёлларидаан айрилиб, яна залга қаради. Кўзлари олма тераётган кишининг кўзларидек, қаторлар орасида "югуриб" кетди. Тўлқинни топди. У ҳамшаҳарининг гапларига бошини силтаганча норозилигини кўрсатаётганди. Каримов унга узоқ термулди, лекин у қарамади. Агар қараганда "Чик, жавобини бер!" ишорасини ташламоқчи эди.

Миртемир эса ҳамон уни сўроққа тутаетганди гўё.

Шу пайт Каримовнинг хаёлидан бундан бир неча лаҳза олдин қабул қилинган қарор ўтди. Нега қаршилиқ қилмадим, деб ўйлади. Ҳозир бутун мамлакат бу тамошани кўрмоқда. Шарманда бўлдим! Жонли кўрсатув ҳақидаги қарорга нима бўлганда ҳам рухсат бермаслигим керак эди. Матбуотни қўлдан чиқарган раҳбар-ўлган раҳбардир, нега бунга изн бердим?

Наҳотки, жиловни қўйиб юбордим. Йўқ, қўйиб юбориш мумкин эмас. Халқнинг подадан фарқи йўқ. Таёқ билан бошига уриб, йўлини кўрсатиб турмасанг, ҳатто озуқасини топиб ея олмайди. Дарвоқе, озуқаи, овқатми? Озуқа деб гапиришимни ҳам мазах қилишибди-я, мана булар. Нима эмиш, миллат овқат ермиш, ҳайвонлар эса озуқа.

Ҳа, энди битта-иккита сўзда хато қилсак ҳам, ота гўри қозихонами? Ичимда гапирсам ҳамма сўзларни тўғри айтаман, аммо минбарга чиққанда қийналиб қоламан. Одам қайси

тилда фикрлашга ўрганса, бир умр шу йўлда қоларкан. Нима қилай, бошқа тилда фикрлаб, бошқа тилда гапираман. Бир сўз билан айтганда, ўз сўзимни таржима қиламан. Бу осон иш эмас. Мана бу тирранчалар эса битта тилдан бошқасини билишмайди.

Миртемир бошқа миллатвакиллари ҳам жовдираб қараб ўтирмасдан минбарга чиқишга даъват этди. Залда турган микрофонларнинг ёнида навбат бошланди. Шу пайт ҳокимлардан бири югуриб минбарга чиқди.

Ҳа, бу Нусратов эди. У Мирсаидовнинг сояси. Қаерга борса ёнида. "Жияним" деб таништиради. Уни сиёсатга тортган ҳам Мирсаидов. Миллатвакили рўйхатига ҳам у киритди. Ҳозир минбарга чиқартирган ҳам у. Нусратов Каримовнинг икки фармони Асосий қонунга зид эканлигини айтиб, бундай ҳолда Президент истеъфо беради, деди. Унинг рус тилида гапиргани бироз фойда бўлди, кўпчилик нима деганини тушунмай қолди. Лекин унда айб йўқ. У Шукруллонинг буйруғини бажараётгани учун бу гаплар тилидан чиқмоқда, дилидан эмас, дея ўйлади Каримов. Эртага уни яхшилаб алдасам ёки кўрқитсам менинг тўтиқушимга айланади.

Нусратов унинг диктаторга айлангани ҳақида гапира бошлади. Буни олдин ҳам эшитган эди. Биринчи сессияда Шовруқ шу ҳақда гапирганди. Кейин Тойиба ҳам гапирди. Бу энди уларнинг гапларини русчага ўгириб айтмоқда. Йўқ, буни Шукрулло айтмоқда. Чунки Шукрулло "Шундай қилсак, ана улар яна бизни диктатор дейишади" деб Каримовнинг ўзига ҳам айтганди.

Ана улар... Негадир Каримов бирдан "ўлим учбурчаги" ҳақида ўйлади. Ўладиган одамнинг юзида учбурчак пайдо бўлади. Худди пирамида каби. Теппа нуқтаси қошларнинг ўртасида, бу жойни "учинчи кўз" ҳам дейишади ва пастки чизик бурун тугайдиган жойдан ўтади. Олимлар буни энг муҳим томирлар тўпланган жой дейдилар. Боксчиларга шу жойга уриш мумкин эмас. Уста жиноятчилар эса "ўлим учбурчаги"га бир мушт уриб, кимнингдир ҳаётини битирадилар. Каримов шу дамда Шовруқни бир мушт ургиси келди. Кейин Тойибани. Кейин Миртемирни... Нусратовдан эса хафа бўлмади. Уни Шукрулло деб қаради.

Нусратов минбардан тушиб, жойига "чўкаркан", унга яқинроқ жойда бўлган Исо Холис ўрнидан турди. Наҳотки бу кеча оқшомги илтимосимни қабул қилмади, деб ўйлади Каримов. Яна ўжарлигининг қули бўлдими? Умуман, бу олифта билан одамга ўхшаб гапиришнинг ҳожати бормиди? Қара-я, ҳатто мажлисга тиррайган оқ шим, ёқаси вайрон оқ кўйлак кийиб келибди. Шундай қилсам ҳаммадан ажралиб тураман, деганда. Кўпчилик уни "Ғарб хастаси" дейди. Гапиришида ҳам ғарбга тақлид бор, кийиниши, юриш-туришида ҳам ғарбоналик сезилиб туради. Бундайлар жуда тез ўзгарувчан бўлади. Бугун Ғарбнинг ортидан кетса, эртага унга қарши чиқиши аниқ. Бир кун келиб сўфи ё мулла бўлса ҳам ажабланиш керак эмас.

-Ҳайрат. Бир пайтлар ўз бошлиқларини қарсақлар билан олқишлайдиган коммунистлар бугун жим ўтиришибди. Аксинча улар ўз бошлиқларига қарши исён қилганларни олқишламоқдалар. Бу ерда катта ўйин бормоқда. Унинг номи "Пойтахт ўйинидир". Шу пайтга қадар бўлган ўйинлар ўтмаганидек, бу ўйин ҳам ўтмайди...,-деб уни ҳимоя қила бошлади Исо Холис.

Отанга балли, дея қичқириб юбормоқчи бўлди Каримов. Йигит экансан-ку, йигит. Боя кўнглимдан ўтганларини ўқиб ўтирган экансан! Кеча кечқурун мадад истаганларим, ана у хезалаклардан бир нарса чиқмади. Сен эса ўғил бола экансан.

Каримов бу хаёллар билан бўлиб, Исо Холис нутқининг давомини эшитмади. Лекин давомда ҳам шу оҳанг бузилмади. Ҳар ҳолда уни ҳимоя қилмоқда. Шуниси етарли.

Қолгани нима деса ҳам уни қизиқтирмасди. Чунки у бомбани портлатганди. Яраланган одамларга ҳатто "кечирасиз" деса ҳам фойдаси йўқ.

Шу боис Каримов ўз фикрлари оғушида сузмоқни афзал кўрди.

Бу йигитни бир умр ўйнатсам бўлади. Қаёққа тортсам ўша томонга кетар экан. Ёки у билан иттифоқ тузсамми? Нима бўлганда ҳам уни қўлдан чиқариб юбормаслигим керак. Тўғри, минбарга чикса, саккиз кишини йиғлатадиган қилиб, қоғозсиз гапиролмайди, аммо фикрларини лўнда-лўнда ҳолда ёзиб олади ва тош отгандек отади. Унинг ҳам орқасидан юрганлар бор, унга эргашганлар бор. Шу боис уни қармоқда тутишим керак. Бундай одамни ҳар мақомга йўрғалатиш мумкин.

Исо Холис жойига ўтирганда Каримов унга миннатдорчилик билдирмоқ учун кўзларини тикди, лекин унинг ёнидаги бўш ўриндиққа Миртемир келиб ўтирди. Улар тортиша бошладилар. Миртемирнинг авзойи бузуқ эди. Исо Холис эса унга нималарнидир тушунтирмоқчи бўларди.

Ўнг қанотдаги микрофон ёнида Мурод Тўраев пайдо бўлди. Каримов Исо Холис билан Миртемирнинг тортишмаси нима билан тугашини билишга қизиқса-да, хаёллари Мурод томонга қочди.

Бу нима дер экан? Рост гапирадими, ёлғонми, барибир бунинг гапига кўпчилик ишонади, деб ўйлай бошлади. Чунки у билан бир вилоятда ишлаганмиз. Аслида у мен пойтахтга келганимдан кейин ўртага чиқди. Лекин мана бу оломон буни тушунармиди? Мурод сайловдан кейин Муборак шаҳар ижроия қўмитаси раиси бўлди. Дарров коммунистик партия фаолиятини таъқиқлади. Прокуратура, миршабхонага ўз одамларини суқди. Ҳатто хусусий телевидение ҳам очиб олди. Бунга қараб турадиган аҳмоқ йўқ эди. Мана энди ҳаммасидан ажралиб қолгани учун аламзада. Мурод Тўраевнинг "Туманимиздан руслар кетиб қолаяпти" дегани Каримовнинг кулгусини кистади. Шу боис мийиғида кулиб, бошини кимирлатиб қўйди-да, унинг сўзларини тинглай бошлади.

-Олиб борилаётган нотўғри сиёсат байналминал дўстлигимизга путур етказмоқда. Мен бу масалани ҳурматли президентимизга етказдим, аммо натижа чиқмади. Аксинча таъқиб давом этди. Бундан бир неча кун олдин менга нисбатан суиқасд уюштирилди. Тасодиф туфайли тирик қолдим. Деразамдан ичкарига ўқ отганларни ушлаб бердим, лекин уларни қўйиб юборишди...

Каримов мажлис залининг биринчи қаторида ўтирган Ички Ишлар вазирига "Латта, бирор ишни уддалай олмадинг. Албатта орқасидан ғавғоси чиқади" деган сўзларни нафратли нигоҳларига жойлаб, тикилиб қаради. Вазир гарчи Каримовнинг қараётганини сезса-да, Мурод Тўраев янги бир гап айтаётгани каби унинг сўзларини дафтарига ёзиб олаётган эди.

Унга қайта-қайта тайинлагандим, деб ўйлади Каримов. Бу ишни устаси фарангларга топшир, улар тоза иш қиладилар, истаганларини бер, дегандим. Аммо юборган одамлари деразадан бўш уйга ўқ отишибди, бу ҳам етмагандек қўлга тушишибди. Наҳотки, катта бир давлатда буюрган ишингни ҳиди чиқмайдиган қилиб бажарадиганлар топилмаса? Ёки бу халқ халқ бўлолмайдию, мен эса давлат қуроламанми? Ҳозир истеъфо бериб чиқиб кетсам нима бўлар экан? Дарров ўрнимга Шукруллони сайлашади. Сайлашсин. Четда туриб, шарманда бўлганини томоша қиламан. Йўқ, четда туришга қўймайди бу. Ҳамма нарсани менинг бўйнимга ағдариб, қамоқда чиритади.

Нима деяпман ўзи? Бу лавозимни эгаллагунча оз курашдим-ми? Бу менинг она сути каби ўз ҳақким, уни ҳеч кимга бермаيمان! Қолаверса буларнинг орасида мен каби тушунадиган, мен каби иш юритадигани йўқ! Бир тўда калтафаҳмлар тўпланган. Булар

минбарга чиқиб лақиллашни биладилар. Исмим ҳам, жисмим ҳам, ақлим ҳам, тафаккурим ҳам бу лавозимга лойиқ! Шу сайловни ўтказиб олсам, тамом! Булар учун сичқоннинг ини минг танга бўлади. Қочадиган жой тополмай қоладилар. Ҳаммасининг ақлини жойига киритиб қўяман. Аслида сайлов ўтказмасдан ҳам бу ишни қилишим мумкин эди. Лекин халқнинг жиловини қўйиб юборишган. Жиловни бирданига қайтариб олиб бўлмайди. Бу ишни аста-секин қилиш керак. Аста секинлик билан ҳар қандай отнинг ҳам оташини сўндирадилар. Мана бу маҳмаданаларни эса ўлдирсанг осон кутилишади. Уларни бир умр ғурбатга шерик қилиш керак. Булар нонни "мамма" деб юришибди. Қовунни эса тарвуз дейишади. Ҳали менинг совунимда кир ювишмади. Шу боис пайтавалари сасиб кетгандек, гапирган гапларидан ҳам кишининг кўнгли айнийди. Нима бўлганда ҳам ҳозирча чидамоқ керак!

Дунёдаги йирик мамлакатлар билан келишмасдан иш қилиб бўлмайди. Акс ҳолда улар мана буларга ўхшаб, тош отиб ўтирмайдилар. Дарров йўқотиб қўяқоладилар. Шу боис уларнинг ҳам раъйига қарашим керак. Сиёсат катта ўйин. Яхшилаб ўйнасанг ҳар қандай рақибни мот қиласан. Уларга демократик сайлов қандай ўтказилишини кўрсатиб қўйишим лозим. Мана шу мажлисдан ўтиб олсам, бирорта рақиб ҳам топаман. Халқ менсимайдиган кишилардан бирини номзод қилиб кўрсатиб, сайловга киритаман. Муқобил сайлов қандай ўтказилишини кўрсатиб қўяман. Исо Холисни танласам ёмон бўлмайди. Лекин бутун муҳолифат унинг атрофида бирлашса, тарозининг мувозанати бузилиши мумкин. Йўқ, унга қадар муҳолифатни парчалаб ташлашим керак. Даркор бўлса бир қисмини қанотларим остига оламан, бошқа бир қисмини калтаклатаман, яна бир қисмини эса болга ботираман.

22.ЖАНГ

Каримовнинг хаёлларини ўртадаги микрофон ёнида туриб гапираётган йигитнинг кўнғироқдек овози бўлди. Ким у, дея ўша томонга термулди Каримов. Ҳа, Инъомжон экан. Бу ҳам ёзувчи. Исо Холиснинг ёнида юрадиган йигитлардан бири. Ҳар ҳолда акаси мени ҳимоя қилгандан кейин укаси бошимни ёрмаса керак, деб ўйлади Каримов. Аммо Инъомжоннинг сўзлари унинг кўзини мошдек очиб юборди.

-Сиз Қашқадарё вилоятида ишлаганингизда икки ярим миллиард сўм ҳисобида қўшиб ёзишга йўл қўйгансиз. Сиз туфайли юзлаб одамлар қамалиб кетди, сиз эса сувдан курук чиқиб, тахтни эгаллаб ўтирибсиз.

Мажлис зали ғала-ғовур бўлиб кетди. Илҳомжоннинг сўзлари Каримовнинг қалбига наштардек ботди. Бу боланинг ўзи бошқа вилоятдан, деб ўйлади у. Лекин қўлидиги бир даста қоғозни қаердан олди экан?! Ҳар ҳолда бу ҳам Шукруллонинг иши. Бу болакай оғзининг ўлчовини билмас экан. Бундайларнинг тўтиқушдан фарқи йўқ. Энг хавфли одамлар булар, ким нима тутқазса, ўқиб бераверишади. Шу боис буни дарҳол жиловлаб қўйишим керак. Мажлисдан кейиноқ оёғига тош боғлайман.

Каримов илгари ўзи ишлаган Қашқадарё вилоятидан бир кишини қўли билан ишора қилиб ёнига чақирди.

-Сен қамалиб кетаётгандинг, лекин қутқариб қолдим. Мана депутат ҳам қилиб қўйдим. Нега энди товукқа ўхшаб ўтирибсан? Бор, ана у тирранчага жавоб бер, – деди.

У одамнинг бўйи калта эди. Пилдираганча, ўрта йўлакдаги микрофон ёнига югуриб борди. Инъомжонни туртиб, унинг ерини олиб ўзи гапирмоқчи бўлди. Лекин Инъомжон

бўш келмади. Сўнг у Инъомжоннинг ёқасига ёпишди. Атрофдагилар ўринларидан туриб, улар томонга юришди. Мажлис раиси эса танаффус эълон қилди.

Каримовнинг топшириғини олган киши Инъомжоннинг ёқасидан тутганича минбарга томон юра бошлади.

-Кечирим сўра, кечирим сўра деяпман Ислом акадан! – дея бақирарди у.

Шу пайт югуриб келган Самандар Каримовнинг одамига узанди. Унинг елкасидан тортиб, қўйиб юборганди у йиқилиб кетди. Самандарнинг бўйи узунлиги, чиникқанлиги, гавдаси унча-мунча одамдан йириклиги ҳайбатини оширарди. Унинг ёнига келган ёзувчи Примқул Қодиров "Ука, сиз нима қиляпсиз? Бу одам оқсоқолимизнинг топшириқларини бажараяпти, сиз аралашманг", деди.

-Сени туппа тузук ёзувчи, деб юрган эдим, – деб жавоб қилди Самандар. – Улуғ шоҳ ва шоирларимиз ҳақида ёзган китобларинг бошқа-ю ўзинг бошқа экансан! Оқсоқолингни севсанг, ана у минбарга чиқиб ҳимоя қил!

Самандарнинг ҳайбатидан қўрққан Примқул Қодиров орқасига бурилиб оломоннинг ичига кириб кетди. Самандар эса Каримовнинг ёнига яқинлашди:

-Мажлисни бузиш учун шунақа ўйин қилишингиз керак эдими? – деди у Каримовга.

Каримов ҳам унга заҳархандалик билан:

-Сиз ҳали ҳам шу ердасиз? Мен сизни қамалиб кетган, деб ўйлаб юрибман, – деди.

-Нега мен қамалар эканман? Мен халқнинг ҳаққига хиёнат қилганим йўқ! Ўғирлик, порахўрлик билан эмас, пешона терим билан топаяпман мен!

-Пешона тери билан топилса, кўпчилик сизга ўхшаб қошоналар куриб оларди.

-Биламан, олдинги уйимни сиз ёндириб юбордингиз, сиз юборган одамлар ёндирди. Сизга қасд қилиб икки ойда қайтадан тикладим. Сизга алам қилгани менинг бой бўлганим эмас, одамларга ёрдам қилганим, йўл курганим, мачит курганим, мактаб курганимдир. Сизга алам қилгани партиянгиз бўлимини ёпиб қўйганимдир!

-У партия меники эмас, у халқнинг партиясидир! Шунинг учун унинг бўлимини албатта такрор очамиз! – деди Каримов.

-Ҳа, олти ойки корхонамизни миршаблар ўраб олишган. Кечаси ҳам тергов, кундузи ҳам. Акамдан тортиб аммамга қадар сўроқ қилдингиз. Лекин бирор нарса тополмадингиз!

-Истасак, топамиз!

-Истасангиз кўп иш қиласиз! – дея қўлларини пахса қилиб баланд овозда гапирганича Каримовга янада яқинлашди Самандар.

-Қўлингни тушир! Ўзингни бос! Ҳозир шу ернинг ўзидаёқ қамокқа олдираман. Кимлигингни халққа кўрсатиб қўяман.

-Биламан нимага шаъма қилаётганингизни, – деди Самандар. – Уй жойимизни филмга олдиргансиз. Мен ишдан ҳайдаган ўғри-муттаҳамларни тўплаб шикоятларини ёздиргансиз. Сиз олти ой уриниб битта филм тайёрладингиз, мен эса бир ойнинг ичида сизнинг кимлигингизга оид учта филм тайёрладим. Мард бўлсангиз майдонга чиқинг! Бу филмларни депутатларга қўйиб берайлик!

-Сенинг пушкага оладиган одатинг ҳам бор экан-ку, – дея мийиғида кулди Каримов. Аммо бир зумда нафақат овози балки ўзи ҳам ўзгариб қолди, кўзи эса ёш болаларникидек жовдираб оломоннинг ичидан нажодкор қидирарди. Самандар бўлса эътибор ҳам бермасдан қўлларини пахса қилиб сўзда давом этарди:

-"Пушкага олиш" деган гапни ҳаётимда илк бор эшитаяпман. Ҳар ҳолда тушунишимча "шантаж" дегани бўлса керак. Мен уйдирмачи эмасман. Кўзим билан кўрганимга, қўлим билан ушлаганимга ишонаман. Укангиз нима сабабдан қамалганию қандай қилиб озод

бўлганини халқ билмайди, деб ўйлайсизми? Укангиз билан айна жиноятдан қамалган одам ертўлада ўтирибди. Укангиз эса катта бир мафия гуруҳига бошчилик қиляпти. Буни инкор эта оласизми?

-Ҳаддингдан ошиб кетаяпсан! Ўзингни бос! Ҳозир мана шу ернинг ўзида чавақлаб ташлайман сени! Товушингни ўчир! – дея бақирди Каримов.

-Товушимни ўчирмасликка сен имкон яратдинг, – Самандар ҳам Каримовга сенсираб гапира бошлади. – Бир пайтлар ҳайдаб юборган хотининг ва ўғлинг бугун қандай кўйга тушганини биласанми? Ўғлинг тиланчилик қилаётганидан хабаринг борми? Хабаринг бўлмаса айт, зални ҳозирлашсин, сен ҳам қўлингдагини кўрсат, мен ҳам! Керак бўлса телевизор орқали кўрсатайлик, хулосани миллат чиқарсин!

Шу пайт уларнинг ёнига Миртемир келди:

-Менимча Самандар ака ҳақ гапни айтаяптилар. Агар у киши жиноятчи, порахўр бўлсалар, қўлингизда буни исботловчи далиллар бўлса, ўртага қўйиш керак. Филм олдирган экансиз, уни ҳам намоёйиш қилайлик. Айна пайтда Самандар аканинг иддаоларига қулоқ солайлик, – деди.

Каримов нажоткорни топгандек шафқат истаб, Миртемирга термулди:

-Укажон, мана сиз танқид қилдингиз, мен аралашмадим. Чунки биладан ўзингизни ўйлаётганингиз йўқ. Текширишларимиздан ҳам тоза чиқдингиз. Лекин мана бу акангизнинг бир жойи ҳам тоза эмас. Унга айтинг, сассиқ гапларини калта қилсин! Миртемир нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганди, Самандарнинг қўнғироқдек жаранглаган товуши унинг фикрларини бўлиб юборди:

-Мен сассиқ гап айтишга ўрганганим йўқ! Катта бир давлатнинг бошида ўтирган инсоннинг оғзидан шундай гаплар чиқиши мени уялтирмоқда. Инсонга ўхшаб тортишмоқ ва масалаларнинг ечимини топмоқ мумкин эмасми? Сиз мени ишдан ҳайдаб, устимдан жиноят иши очганингизда мана шу йигитлар ўртага кирмаганда, йўқ қилардингиз. Хайриятки, депутатлик ваколатимни тўхтатиш ҳақида қарор чиқарадиган кунингиз шу йигитлар орага киришди. Аммо буларнинг ҳар бири Самандардан фалон сўмдан олган, деб гап тарқатдингиз. Виждонига бўйсунган ҳалол йигитларга тўхмат қилдингиз.

Каримов Самандарнинг гапларини эшитмагандек, Миртемирга юзланиб:

-Миртемиржон, йигитларингизга айтинг, мажлисдан кейин қолиб бу масалаларни тортишайлик. Мени ҳам чалғитганга ўхшайдилар. Ҳозир бу ерда масалалар қоришиб кетди. Айтилаётган ҳар бир гапни тарозига қўяйлик, айбдорларни жазолайлик. Мен сизларга сўз бераман, ҳамма масалани ҳал қиламан. Бирор киши жазодан четда қолмайди. Самандар аканинг қизиганича бор, мени ҳам алдашади. Атрофимни порахўр-муттаҳамлар эгаллаб олишган. Улардан қутилишим учун сизларга ўхшаган жасур йигитларга эҳтиёжим бор. Ҳар бир гапни қўрқмасдан, иккиланмасдан мардларча юзга айтган инсонлар Ватанимиз учун жуда керак. Сизларга раҳмат, кўзимни очдингизлар.

Бу гапларни эшитган миллатвакиллари бирдан жимиб қолдилар. Ўртага сув сепгандек сокинлик тушди. Каримов, буларни мана шундай боплашим керак, деб ўйлади. Аслида ростдан ҳам ҳаммаси соф, тўғри йигитлар. Қинғир-қийшиқликни билишмайди. Лекин ана шундайлардан қўрқиш керак. Булар оловга ҳам сувга ҳам тик боришади. Буларни алдаб-сулдаб йўқотиш керак. Акс тақдирда бу оловда мен ўзим ёниб кетишим мумкин. Оловни исинмоқ, фойдаланмоқ учун ёкиб туриш керак. Назоратда тутсангина унинг ҳароратидан баҳра оласан. Назоратдан чиқардингми, у сени жижғанақ қилади. Оловнинг кушандаси сув. Мана, бир "челак"сув билан уни ўчирдим. Жўжахўрозларнинг ҳаммаси

бир товоқ паловни кўрган оч болакайлардек мўлтираб қолишди. Темирни иссиғида босмоқ керак. Танаффусга чек қўйиб мажлисни бошласам жиловни қўлга оламан. Буларни илинган қармоқларида маҳкам тутишим зарур.

23.СУЛҲ

Каримов орқасига қайрилиб, қўл қовуштириб турган Йўлдошевга:

-Соатингиз борми? – деди заҳарханда оҳангда.

-Бор, бор, – дея унга эгилди мажлис раиси.

-Ундай бўлса нега мажлисни бошlamаяпсиз? Танаффус ўн олти соатми?! – дея бақирди. Раис ердан ерга сакрайдиган ниначи каби бир-икки ҳамлада ўз жойига ўтириб олди ва қўлларини бир-бирига ишқалаб:

-Ҳамма жой-жойига ўтирсин, мажлисимиз давом этади, – деди.

Аммо кимга сўз беришни билмасди. Нима қиламиз, дегандек Каримовга қаради. Каримов эса атайлабдан юзини бошқа томонга бурди. Бу ҳам норозилик аломати эди. Раис нима қилишини билмай қолганди. Шу пайт мажлис залининг биринчи қаторида ўтирган Мирсаидов ўрнидан туриб, минбарга қараб юра бошлади. Мажлис раиси томирларида тўхтаб қолган қон қайта ҳаракатга келганини ҳис қилди, лекин юраги потирлай бошлади. Ўйлашга эса вақти қолмаганди, бошини микрофонга яқинроқ олиб борди-да, хириллаган овозда:

-Ҳурматли Бош вазиримиз Шукрулло Мирсаидов сўз сўраяптилар, – деди.

Мирсаидов эса аллақачон минбарга чиқиб олган эди. У талвасага тушган раиснинг кечиккан эълонига мийиғида кулиб жавоб қилди. Сўнг икки қўлини минбарга тираганча гапини йўқотган одамдек анча вақт залдагиларга термулиб қолди. Кейин мажлис раисига ва Каримовга бурилиб қаради. Минбарнинг бир четида турган бардоқдаги сувдан ҳўплади ва:

-Халқимиз "тиз чўккунча тик туриб ўлган яхши" дейди. Мен мансаб учун туғилганим йўқ ва мансаб учун курашаётганим ҳам йўқ!... – деди.

"Ў, Шукрулло", – дея қичкириб юборди Каримовнинг хаёлларидаги қандайдир бир куч! Агар ҳозир залдагиларга "Сиз мана шу одамга ишониб ўтирибсиз-ми, уни бу ердан қувайлик" десанг мен ўзим бу ерни ташлаб чиқиб кетардим. Йўқ, нега чиқиб кетарканман? Шундай деганингда ҳам бир чорасини топардим. Мана бу олтмишта тирранчани икки оғиз гап билан тинчитганимда сенга қарши гап топа олмасмидим? Аслида мен нега сени бу қадар катта куч деб ҳисоблаб келдим. Сен куч эмассан! Пойтахт халқи куч. Ана шу халқни тинчитиш учун сендан, сен бўлмасанг бошқа биридан фойдаланишим керак. Рашидов шундай мувозанатни сақлагани учун ўттиз йил тахтда ўтирди. Раҳматли не-не ўйинларни бошидан кечирмади? Гоҳо тош отдилар, гоҳо ўқ отдилар, аммо селнинг ҳам, дўлнинг ҳам остидан қуруқ чиқаверди. Чунки "селсовети" яхши ишларди. Мен ҳам ана шу йўлдан боришим керак. Сен эса тўғри айтдинг, мансаб учун туғилган эмассан, Шукрулло!

Залдаги ғала-ғовур Каримовнинг хаёлларини бўлди. Мирсаидов ўрнига бориб ўтиргандан кейин қаторлар орасида даҳанаки жанг бошланганди. Негадир ҳар ким ё ёнидаги ё орқасидаги одам билан тортишарди. Булар энди ўз қиёфаларини очмоқдалар, деб ўйлади Каримов. Бир зумдан кейин ҳатто минбарга чиқиб мени мақтай бошлашади. Чунки оғирлик қайси томонга оғганини кўришди. Ўртада мусобақа ҳам бошланади. Буларнинг ҳаммаси хоин, ҳаммаси сотқин! Тузимни еб, тузлиғимга тупуришди. Ҳаммасини мен депутат қилганман. Лекин нонкўрлик қилишди. Фақат Эркин Воҳидов,

Исо Холис, Аҳмадали Асқаров бундан мустасно. Аслида улар ҳам хоин. Менинг илтимосимни кутишлари керак эдими? Нега бу воқеалар бошланмасдан олдин ёнимга келишмади?! Нега мен билан бирга қадам ташлашмади?! Ахир, Исо Холисни депутат қилгунча она сутим оғзимдан келди-ку? Унинг бир ўзини номзод қилиб кўрсатдим, қаршисига ҳеч кимни қўйдирмадим. Воҳидовни ҳам ана шу йўл билан сайлатдим. Ҳозир у ҳам сўзга чиқиб қолса керак. Ҳм... Шавкат Темурни ҳам сайлатишим керак эди. Ҳозир ташқарида тош отиб юрибди. Сайлатганимда мана шу ерда, қўл остимда ўтирган бўларди. Истасам гапиртириб, истасам пуштириб ўтирардим.

Худди Каримов ўйлаганидек, бир зумда минбарнинг ёнида сўзга чикувчилар бепул гўшт бераётган дўкон эшиги оғзида тўплангандек йиғилдилар. Уларнинг орасидан бири отилиб минбарга чиқди. У матбуот вазири Убайдулла Абдураззоқов эди. Каримов уни илгари у қадар яхши танимасди, лекин олдингилар замонида "урилиб" кетгани учун мансаб берди. Чунки "олдингиларнинг ишонган тоғларини уларнинг душманлари йикитади" деган қоидага ишонарди. Бу ҳам садоқат билан хизмат қилаяпти, деб ўйлади Каримов. Табиий ҳол. Бир марта калтак еган одам йўл четидаги чўпдан ҳам ҳадиксирайди. Лекин феълида бир оз ҳақиқатга қайишадиган томони ҳам бор, бу ҳам табиий ҳол. Бир марта ноҳақлик туфайли синдирилган киши кейин ҳақсизликни кўрганда қийнала бошлайди. Аммо у кейинги вақтда Шукруллога яқинлашиб қолди. Ораларини бузиш керак. Ҳатто ит ҳам икки кишига бирдан содиқ бўлолмайди. Убайдулла Абдураззоқов фавқулодда ҳолат рўй бергандек, ташвишли оҳангда гапира бошлади:

-Дўстлар, халқимизнинг азиз вакиллари, бундан икки дақиқа олдин мустақиллигимизни хавф остига қўядиган воқеанинг олдини олдик. Мажлисимизга Шавкат Темур бошлиқ бўлган ҳаракатнинг аъзолари "Биз Марказий телевидение мухбирлари" дея сохта ҳужжат билан киришгани ва бу ердаги тортишувимизни ипидан игнасиғача ёзиб олаётган пайтда қўлга туширдик. Камераларини тортиб олдик ва ўзларини ҳурматли мишрабларимизга топширдик. Улар ёзиб олганларини Москвага етказиб бермоқчи эканлар. Бу хоинликнинг биринчи пардаси. Иккинчи пардаси эса бундан бир соат олдин юз берди. Москванинг "Время" кўрсатуви ушбу мажлисимизда "Каримов ишдан олиб ташланди", деган машъум хабарни эълон қилди. Бу хабарни мана шу ерда ўтирган айрим депутатлар юборишганини ҳам ўргандик. Улардан бири ўзини сотиб қўйди. Биз Москвага телефон қилмоқчи бўлиб турганимизда "Менда телевидение раҳбарининг телефони бор" деб қолди. Ҳатто улар дўст ҳам эканлар. Мана сизга хоинлик, мана сизга ҳақиқат!

Залда шовқин-сурон бошланди. Ҳа, қозонни қайнатиб юбордим, деб ўйлади Каримов. Кеча матбуот котиби бу ўйин ҳақида гапирганида у қадар аҳамият бермагандим. Лекин иш бериб қолди. Тирранчаларнинг ҳаммаси тузоққа тушадиган бўлди. Хоинлик тамғасини ёпиштираман уларга. Уларнинг сомонхонаси шу ер экан. Аммо Убайдулла Абдураззоқов ҳам ўпкасини ютган одамлардан, ҳатто артистлар ҳам бундай гапира олмайди. Баъзан шунақанги сўзларни топадики, одамни эритиб, сувга айлантириб юборади. Аслида унга ҳам қийин. Бир марта ишдан "урилиб" атрофдаги одамларнинг муносабатини, камситишларини кўрди. Энди яна юқорига чиқиб қолди. Тушиб кетмаслик учун артистлик у ёқда турсин, тулкилик ҳам қилади. Каримовнинг хаёли яна бўлинди. Чунки ўртадаги микрофон олдиға Миртемир келганди. У мажлис раисининг микрофонни очишини кутмасдан ҳаммага эшитиладиган овозда гапира бошлади. Аммо Каримов баъзи калималарни тушуна олмагани учун мажлис раисига "микрофонни оч" дея ишорат қилди.

-Биринчидан, ҳурматли вазир билиб қўйсинларки, бу мажлис тўғридан тўғри телевидение орқали кўрсатилмоқда. Бизнинг халқдан яширадиган гапимиз йўқ, биз халқнинг вакилимиз. Ҳамма ҳаракатимиз ошқора қилинмоқда. Иккинчидан, сиз камерасини олиб қўйган одамлар ҳақиқатдан ҳам телевидение мухбирларидир. Биз уларни яхши таниймиз. Қачондан бери ҳақиқатни сурагга олиш ҳоинлик бўлиб қолди? Учинчидан, сиз исмини айтишга қўрққан ва ҳоинликда айблаганингиз мен бўламан. Тўртинчидан, Москвадан берилган хабар орқасида катта ўйин бор, бу хабар ҳукумат идораларидан етказилгани ҳақида маълумотимиз бор. Бешинчидан эса, Москвадаги Марказий телевидение раҳбари Сағалаев илгари шу ерда ишлаган ва уни кўпчилик яхши танийди. Юқоридаги ўйинни фош этмоқ учун унинг телефонини вазир жанобларига мен бердим. Биргаликда телефон қилдик, лекин бошлиқ таътилда ва чет элга кетган экан. Бу воқеа бундан бир соат олдин эмас, балки эрталаб юз берди. Лекин вазир картанинг иккинчи томонини кўрсатаптилар...

Каримов, ўзим сўзга чиқмасам ҳамма нарса қайтадан бошланадиганга ўхшайди, Убайдулла Абдураззоқов ҳол қўйди, деб ўйлади. Лекин бу ҳол гўзаллик ҳоли эмас, балки фоҳишанинг лабидаги зангор ҳолга ўхшайди. Ишни шу қадар ҳам хом қилиш мумкинми? Залдагиларнинг кайфиятлари юз фоиз ўзгариб турган бир пайтда ҳамма ишни бузиб юборди.

Каримов ўйларини тизгинладида бармоқлари билан олдида турган микрофонни черта бошлади. Бу "микрофонни оч" белгиси эди. Раис "очилди" дея боши билан имо қилди.

-Миртемиржон, – дея Миртемирнинг сўзини кесди Каримов. – Кўриниб турибдики, ўртада англашилмовчилик бор. Лекин ғишт қолипдан кўчган, тухмат эса бошимизга ёғилган. Шу сабабдан мажлиснинг алоҳида бир комиссиясини тузишни таклиф қиламан ва унинг раислигига ҳаммамиз учун адолатнинг тарозисига айланган ҳурматли шоиримиз Эркин ака Воҳидовнинг номзодини кўрсатаман.

Каримов бир ўқ билан етти куённи ургандек ҳис қилди ўзини. Воҳидовнинг сўзга чиқмагани учун ширин гаплар билан тақдирлаган бўлса, айти пайтда бу номзод Миртемир ва унинг дўстларини ҳам қониқтиради. Чунки улар ҳали ўйиннинг фарқида эмас. Воҳидовни эркин инсон деб ўйлашарди. Бу комиссия бошида Воҳидов турса, ҳулосани истаган сўқмоғимга бураман.

-Ҳурматли раисимиздан илтимос қиламан, масалани овозга қўйсинлар, – деди Каримов. Сўнг бир нарса эсидан чиқиб қолган кишидек яна микрофонни очтирди.

-Ҳа, дарвоқе, бу комиссияда муҳолифатдан ҳам бир киши ўрин олишини истайман. Менинг назаримда Сураат Болтаев энг тўғри номзод. У киши ҳозирки ҳозир, социализм даврида ҳам раҳбарларнинг юзига камчилигини очиқ айтган инсонлардан, – Каримов мажлис раисига бурилдида сўзини давом эттирди:

-Энди овозга қўйишингиз мумкин.

-Бошқа таклифлар борми? – дея залда ўтирганларга мурожат қилди раис.

"Хўкиз" деб ўйлади Каримов, сўраб ўтиргунча овозга қўявермайсанми? Ҳозир яна тортишув бошланиб кетса нима бўлади? Хайриятки, ўтирганлар бошқа бир таклиф кўрсатишмади. Раис овозга қўйганди Каримовнинг таклифи тасдиқланди. Демак, машина ишлай бошлади, деб ўйлади Каримов. Одамларнинг асаби ўз ўрнига қайтди. Асаб машинага ўхшайди, йўлдан чиқдимиз тамом, яна қайтиб изга тушгунча кутиб турмоқ керак. Бир изга тушиб олгандан кейин темир йўлда ҳаракат қилгандек бир чизик бўйлаб бораверади. Энди нимани овозга қўйсак, ўтиб кетаверади. Лекин бугун "риск" қиладиган пайт эмас, асабларни яхшилаб ўлдиришим керак. У яна мажлисга қараб "Мен

сўз истайман" деди ва ўрнидан туриб минбарга қараб юрди. У минбарга етиб келган ва гапира бошлаган бўлса ҳам мажлис раиси унга сўз берилажагини эълон қилди.

-Бугун менинг шаънимга айтилган ҳамма гаплар, ҳамма танқидлар тўғри. Инсон хатосиз бўлмайди. Мен ҳам онамдан президент бўлиб туғилганим йўқ. Сизнинг ёрдамингизга мухтож одамман. Мана қўлимда ўттиз саккиз миллатвакили имзо қўйган баёнот бор. Оз эмас, кўп эмас ўн саҳифадан иборат. Бу ерда иқтисоддан сиёсатга қадар ҳамма соҳада йўл қўйилган камчиликларим кўрсатиб берилган. Бундан кейин бу ҳужжат мен учун йўлчи юлдуз бўлади. Буни Миртемир укамиз ёзганини ҳам яхши биламан. Адолатни ва бор гапни ёзганки, айтийлик, шунча миллатвакили унинг остига имзо чеккан. Мен бу ерда, яъни мана бу манбарда қўлимни пештахта қилиб ўзимни оқламоқчи эмасман... – Каримов баъзи сўзларни адашиб айтаётганини ўзи ҳам ҳис қилди. "Айтийлик" калимасини "эйтайлик" деб юборгандан кейин хаёлида адашдим деган фикр айлана бошлади ва минбарни "манбар", пешни "пештахта" деб гапирди. Нутқимни қисқа қилишим керак, акс ҳолда ўзим ҳам издан чиқиб кетишим мумкин, деб ўйлаган Каримов масаланинг иккинчи қисмига ўтди.

-Аслида бугун сайлов ҳақидаги қонун муҳокама этилиши керак эди. Танқидлар шуни кўрсатадики, бу қонун лойиҳасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Шу боис уни орқага олмоқчиман.

Каримовнинг кўзи залдан пилдираб чиқиб кетаётган кишига тушди. У олтин конларининг бошлиғи эди. "Вой, аблах!" деб ўйлади Каримов. "Вой, нонкўр! Сени ўрис деб бўшатишни талаб қилганлар оз бўлдимиз, қинғир-қийшиқ ишларининг рўқач қилганлар-чи? Хўп, содда одам эканман. Инсонларни танимоқ қийин дейишарди, ишонмасдим. Қара-я, тагин мен гапираётган пайтда исёнкорона чиқиб кетмоқда.

-Ана у Иванов сингари одамлар учун фарқи йўқ, – Каримов кўрсаткич бармоғи билан залдан чиқиб кетаётган кишини кўрсатиб, жаҳл билан сўзда давом этди. – Булар учун ҳеч нарсанинг фарқи йўқ. Айтийлик, масъулиятни ҳам билишмайди, айтийлик, раҳбарликни ҳам билишмайди, айтийлик, иш қилишни ҳам билишмайди, айтийлик, мана шу ерда ўтиришни ҳам билишмайди! Каримов қўлини мушт қилиб қандай ўтириш кераклигини кўрсатган бўлди ва сўзда давом этди:

-Мана шундай латта раҳбарлар туфайли мен жўжахўрозларнинг ёнида қизариб қоламан. Ана шундай ишёқмаслар туфайли менга дашном беришади...

Шу пайт Миртемир ўрнидан туриб Каримовга юзланди:

-Кечирисизу лекин шу ернинг ўзида ҳам ўзингизга зид гапираяпсиз. Ҳозиргина хатоларингизни тан олиб тургандингиз, орқасидан камчиликларингизни кўрсатган одамларни менсимасдан ҳақорат қилаяпсиз, – деди.

Каримов издан чиқиб кетганини сезиб қолди, шекилли, томоғига бир нарса тиқилган одамдек кафти билан оғзини бекитиб йўталган бўлди. Бу ёлғон йўталиши ўзини ҳам қониқтирмади, бардоқда алмаштирилмай қолган сувни олиб хўплади. Мажлис хизматкорлари ҳаётларида илк бор бунақанги тортишувни кўришганидан ҳинд кинофилмини тамоша қилаётган болалардек оғизлари очилиб қолган ва сувни алмаштиришни ҳам унутишганди. Каримов бардоқ остидаги бир хўплам сувни ичиб бўлгач, буни англади ва қўлидаги бўш бардоқни раиснинг юзига улоқтирмоқчи бўлди. Лекин ўзини тутиб қолди.

-Сиз ҳақсиз, – деди у Миртемирга қараб. – Раисдан илтимос, мажлиснинг бугунги қисмига шу ерда нуқта қўйсин. Ивановга ўхшаб чарчаб қолганлар меҳмонхонага бориб...

Каримов "меҳмонхонага бориб арақларини ичсин" демоқчи эди, лекин гапининг давомини ютиб юборди.

-Илтимос қиламан ёшу мард ва жасур миллатвакиллари шу ерда қолсинлар. Керак бўлса эрталабгача ўтириб масалаларни муҳокама қиламиз, керак бўлса келажак учун дастур хозирлаймиз, – деди.

Мажлис раиси нима қилишини билмай, шошиб қолганди. Каримовнинг олдида гуноҳ қилиб қўйган боладек сесканиб турарди. Мажлисни ёпишга талайгина вақт бўлсада, у итоаткорлик билан Каримовга бўйсунди ва бу орада ўзини ҳам оқлаб олмоқчи бўлгандек миллатвакилларига мурожаат қилди:

-Бизда демократия йўқ, деганлар келиб демократияни биздан ўрганишсин. Бугун бу ерда парламентимиз бизни севмаганларга демократия дарси берди. Сўз эркинлиги йўқ, деганларнинг бўғзига пахта тиқилди. Микрофонларимиз ҳар бир сўз истаган миллатвакили учун очиқ эди бугун. Матбуот эркинлиги йўқ, деганларнинг ҳам пайтавасига қурт тушди. Чунки бугунги мажлисимиз жонли ўлароқ намоёйиш этилди. Танқид ва ўз-ўзини танқид йўқ, деганлар юзлари шувут бўлиб қолдилар. Чунки истаган одам президентимизни танқид қилди. Ислоҳ ака бу танқидларни қабул қилдилар. Мана шундай ишчан руҳ ва кайфиятда мажлисимизга эртага қадар танаффус бераман. Аммо ҳурматли Ислоҳ акам билан савол-жавоби бўлган ёшлар қолсинлар!

Каримов мажлис раисининг ялтоқланишига заҳархандали жилмайиши билан жавоб қилди. Залда юзга яқин миллатвакили қолди уларнинг орасида Воҳидов, Исо Холис, Асқаров йўқ эди. Улар ё ўзларига оид вазифани битди деб, ё ўзларини ёшларга дахлдор бўлмаганларини "кўрсатиб қўйиш" учун кетиб қолгандилар. Каримов ёнига Равил Абдукодировни чақирди:

-Сен дафтар ол, – деди. – Уни сурғучла. Қандай талаб тушганини, талаб ким томондан берилганини, ким бажаражагини ва муддатини ёзиб бор. Охирида ҳар икки томон қўл қўямиз.

Коммунистик партия даврида ҳар бир идорада ана шундай дафтарлар юритиларди. Бу интизомни сақлашнинг асосий омили ҳисобланади. Аммо ташқарида кўзбўямачилик, дафтарда эса сўзбўямачилик ҳукмрон бўларди. Ҳамманинг диққати ана шу дафтарларга қаратилар ва уларни сурғучлашдан тўлдиришга қадар бўлган дақиқа ҳаёт мамот масаласига айланарди. Каримов шу тажрибадан келиб чиқиб интизом ўрнатмоқчи эди.

-Сиз гапиринг мен эшитаман, – деди Каримов миллатвакилларига. – Ҳар қандай масалани, ҳар қандай оҳангда гапиришингиз мумкин. Зотан телевизорчилар кетиб қолишган. Халққа кўриниб қўйиш учун гапирадиганлар ҳам кетиб бўлишди. Хўш, кимдан бошлаймиз?

Миртемир ўрнидан туриб:

-Биз ҳамма талабларимизни мажлисга тақдим этилган баёнотимизда ифода этган эдик, – деди.

-У мажлисга берилган ҳужжат, кўпчилик имзо қўйган ва баъзилари аллақачон имзоларини қайтиб олишди. Шу сабабдан ҳар кимнинг мендан қандай талаби бўлса, марҳамат, айтсин, мен бажараман. Сизларга яна бир такрорламоқчиман, атрофимдагилар билан ишлаш қийин, ялқовлар, ёлғончилар, манфаатпарастрлар қуршовида қолганман, сизнинг ёрдамингизга муҳтожман!

Шу пайт "Ўзбекистон овози" газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаётган депутат Номоз Саъдуллаев пилдираганча минбарга чиқди.

-Мен узоқ райондан сайланганман. Мажлисида фақат гап бўлаяпти-ю натижа йўқ. Ҳозир деҳқонларнинг энг муҳим палласи. Табиат, об-ҳаво бизнинг тортишувларимизни кутиб ўтирмайди. Мен сайловчиларим номидан ҳурматли президентимизга илтимос қилмоқчиман. Бизга бир дона трактор ажратсангиз, эртага шудгор ишлари бошланиб кетади, трактор ҳаётий масалага айланади.

-Яхши, – деди жиддий оҳангда Каримов ва ишчанлик кайфиятида Равилга қайрилиб:

-Ёз, Қишлоқ хўжалик вазири назоратга олсин, ўн беш кундан кейин натижасини менга айтасан, – деди. Номоз Саъдуллаевнинг бу талаби бежиз эмас эди. Қолаверса у бу қадар содда ҳам эмас. Газетадагилар у ҳақда гапирганда "Чанқаган одамни дарёнинг соҳилидан сувсиз қайтаради" дейишади. Ҳозир ҳам унинг талаби соддаларга қарши йўналтирилган бўлиб, қопнинг оғзини очиб юборди. Миллатвакиллари бирин-кетин автобус сўрашга, газ ўтказиб беришга, сув қувурлари ётқишишга, колхоздан клуб очишга, болалар боғчаси қуришга оид талабларини айта бошладилар. Бу ҳодисадан Миртемирнинг жаҳли чиқди ва олдинги қаторда ўтирган Ойгулга:

-Сизга ҳам бир дона трактор керак эмасми? – деди. – Вақтни қочирманг, темирни кизиғида босинг.

Ойгул Миртемирнинг нимага шаъма қилганини англади, шекилли, ўрнидан туриб минбарда талабини айтаётган миллатвакилининг сўзини бўлди:

-Биз район селхозтехника идорасининг мажлисига келганимиз йўқ. Бу ерда мамлакатимизнинг келажаги, танлаган йўлимиз ҳақида бир қарорга келишимиз керак, – деди.

Гапираётган йигитнинг бунга жаҳли чиқди:

-Трактор мтрактор сўраганларга бир нима демайсиз, лекин мен мактаб ҳақида гапираётганимда, сўзимни бўласиз. Хўш, мактаб мамлакатнинг келажаги эмасми? Ерлар шудгор қилинмаса, миллат оч қолмайдими, қишлоққа газ ўтмаса, одамлар совуқ қотмайдими? Мана бу ерда ўтириб олиб Туркистонни тузганингиз билан халқнинг ҳаёти ўзгармаса нима фойдаси бор?!...

Миртемир ўрнидан туриб минбарнинг ёнига келди ва маърузачи сўзини битиришини кутиб турди. Буни маърузачи "гапингни калта қил" маносида тушунди, шекилли, жаҳл билан минбарни тарк этди. Миртемир унинг ўрнига чиқди-да:

-Миллатвакили прораб, зоотехник, курувчи эмас. У давлат арбобидир. Бугун сизнинг бирингизга трактор берилар экан, бу осмондан ёки Урусиянинг ҳисобидан олиб берилмайди. Балки бировнинг ҳақи юлиб олиниб сизга берилади. Бу этакнинг бир томонидан кесиб олиб, бошқа бир томонини ямагандек гап. Масала эса ҳатто этак ҳақида ҳам эмас, масала этакнинг газламаси ҳақида. Биз бугун қайси йўлдан боришимизни аниқ белгилаб олмас эканмиз, миллатвакилларимизнинг тушига фақат тракторлар ва автобуслар кираверади. Туркистон ҳақида гапирдингиз. Бугун учун энг яхши малҳам Туркистон бирлигидир. Туркистоннинг миллат, тил, маданият бирлиги ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, чунки бу мавжуд ва бор ҳақиқатдир. Уни инкор ҳам, йўқ ҳам этолмайсиз. Аммо иқтисодий бирлик, ҳарбий бирлик бизнинг келажакдаги энг буюк қуролимиз бўлади...

Каримов микрофонни черта бошлади. Миртемир сўзини кесиб Каримовга бурилди:

-Менинг трактор ёки автобус талабим йўқ, – деди ва минбардан тушди.

Каримов сувнинг оқиши бошқа ёққа бурилиб кетишини ўнгламоқчи эди.

-Ука, – дея у Миртемирга юзланди. – Сиз менинг юрагимдаги гапларни айтдингиз. Лекин кўриниб турибди-ки бугун бир қарорга келолмаймиз. Шу сабабдан келишиб олсак. Мен

эртадан бошлаб парламент талабларини ўрганиш, улар асосида сиёсат йўлини белгилаш учун ўзимга бир ёрдамчи вазифасини жорий этсам. Унга керакли барча ҳуқуқларни берсак. У сиз билан менинг ҳар ойда бир марта мана шундай юзма-юз учрашувимни ташкил этса, талабларингиз ижросини назорат қилиб борса. Сизлар билан бирга мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг дастурини ҳозирлаб, менга тақдим этса ва ижросини назорат қилиб борса. Нима дейсизлар?

Ўртага бир зум сукунат чўмди. Бу айти пайтда ташаббускор миллатвакилларининг мағлубият кўчасига кирганларини тан олганлари ифодаси бўлса, бошқа томондан ризолик, сулҳ аломати ҳам эди. Сукунатни яна Каримов бузди:

-Ораларингизда мана шу вазифани бажара оладиган мард топиладими? Танқид қилиш осон, лекин бир ишни бажариш осон эмас. Мана Миртемир укамиз танқид қилишни севадилар. Агар халқ ва мамлакат ҳақида ўйлаганларини амалга оширмоқчи бўлсалар, келсинлар биргалашиб ишлайлик. Мени ишонтира олса, ҳар қандай йўлдан боришга розиман, – деди.

Миртемир ўрнидан туриб рад жавоб бермоқчи эди, Тошпўлат Жўраев "Ўтирсангизчи" – деди унга. Мурод эса "У рози, биз ҳам унинг номзодини кўрсатамиз" – деди. Ойгул бўлса, орқага қайрилиб, Миртемирга "Табриклайман" дея жилмайиб қўйди.

-Демак, Миртемир укамизни табриклайман, – деди Каримов– Равил, сен ҳамма талабларни Миртемирга топширасан ва бу масалаларда унга ёрдам берасан. Қолган гапларни эса эртага гаплашамиз, – деди Каримов. Лекин Миртемир ўрнидан туриб бу вазифаг ўтмаслигини айтди.

-Ҳа, кўрқдингизми?-деди Каримов,-гапириш осон, аммо ишлаш қийин...

Бу гап билан у Миртемирни мот қилди ва мажлисга нукта қўйди. У ўрнидан туриб, эшик томон юрар экан, Равил унинг ёнига келиб:

-Нозир акани ушлаб турибмиз, Крайнов гапга тутиб турибди, ёки жавобини бериб юборайликми? – деб сўради.

-Чақир, боғда гаплашамиз, – деди Каримов. Нозир Жабборов Каримовнинг институтда бирга ўқиган курсдошларидан бири эди. Нозир Каримовга кўра олдинроқ мансаб курсларини босиб ўтди. Вазир бўлди, кейин Марказий Қўмита бўлим мудир, ундан кейин йирик вилоятнинг раҳбари. Жуда кўп хайрли ишлари билан халқ орасида номи чиқди. Қайси вилоятда қурилиш, ободонгарчилик, халққа хизмат оқсаб қолса, уни ўша ёққа юборишарди. Каримовга ҳам унинг кўп ёрдами теккан. Нозир Жабборов Миртемир яшаган вилоятга раҳбар бўлиб келганда, бу ерда бирор иш қила олмайди, деб ўйлашганди. Чунки бутун жиловлар ўғри "бобо"ларининг қўлида эди. Бир йилнинг ичида Нозир Жабборов ўғриси борми, мафияси борми ахлатни супургандек супуриб ташлади. Сичқоннинг инини ижарага олган бу тоифа одамлар Москва "тешиги"дан ёруғликка чиқдилар ва тўхмат билан Нозир Жабборовни қамадилар. Миртемир Нозир Жабборовни озод қилувчилар ҳаракатига қўшилди. Ўша кезларда Каримов эндигина жумҳуриятга раҳбар бўлганди. Вилоятга келиб "Тўполончилар" билан учрашди.

-Нозир Жабборов сиздан кўра менга яқинроқ. У менинг жон дўстим. Унинг озод бўлиши учун ҳар куни илтижо қиламан. Агар суд бўлса ва у оқланса, мана шу ерда эркак сўзини бераяпман, уни ўз жойига тиклаймиз, деди. Орадан кўп ўтмай Нозир Жабборов оқланди, лекин ишсиз қолди. Яна вилоятда уни ўз жойига тиклаш ҳаракати бошланди. Бу сафар Каримов тиш-тирноғи билан унга қарши курашди. Уни бадном қилиш, ёмонотлик сифатида халққа кўрсатиш учун бутун ҳунарини ишга солди. Вилоятга Нозир Жабборовни эмас Абдурахмоновни раҳбар этиб тайинлади. Сайловлар бошланганда

Нозир Жабборовни ўзи туғилган тумандан миллатвакили этиб сайлашди. Сайлов натижаларини ҳисобга олишмади. Иккинчи бор сайлов ўтказилди. "Истасанг укангни бўшатамиз, унинг ўрнида ишлайсан, сўнгра ўша ташкилотга раҳбар бўласан" дейишди. Мана энди курсдошлар юзма-юз учрашиб турибдилар. Каримов Нозир Жабборовнинг елкасига қўлини қўйиб:

-Дўстим, сенга кўп ситам ўтди. Ҳаммасидан хабардорман. Худо хоҳласа, ёруғ кунлар олдинда. Сени ўз вазифангга тиклайман. Самарканд сенсиз хароб ҳолга келди. Кеча сени кидиргандим, тополмадим, ёрдамингга муҳтожман. Бугун гувоҳи бўлдинг, атрофимдагилардан бирортаси мени ҳимоя қилмади. Бундан кейин сенга ўхшаган дўстларимга таянишим керак. Узоқнинг донидан яқиннинг сомони яхши, дейдилар.

-Сиз билан учрашиш учун бир йилдан буён уринаман, лекин Крайнов доим Жўрабековга жўнатади. Жўрабеков эса ёлгончи, сўзида турмайдиган одам.

-Нима қилай куним шундайларга қолган. Худо хоҳласа биргалашиб ундайларнинг бит босган кўрпасига ўт қўямиз. Мана шу мажлис ўтсин, ҳузуримга кел, сени вилоятга раҳбар этиб тайинлайман. Бу самимий гап. Эркакнинг гапи битта бўлади. Ана у Пўлат Абдурахмоновга ишонгандим, лекин ғирт порахўр, хотинбоз, муттаҳам чикди. Уни камоқда чиритаман.

Каримов бироз айлангандан кейин Нозир Жабборовга жавоб бериб юбораркан:

-Бу тирранчаларга ишониб бўлмайди. Эртага қайтадан бош кўтаришлари мумкин. Шундай бўлиб қолса, ўзингни кўрсатасан, – деди.

-Менимча уларнинг ишини битирдингиз, – деди Нозир Жабборов хайрлашаркан.

Дарвоқе, мажлисдан бир кун олдин Миртемир Нозир Жабборовнинг ёнига келганди.

-Мен бу ўйинларни кўп кўрдим, – деди Нозир Жабборов. – Тўққиз ой камоқхонанинг зах бир ҳужрасида ётарканман бундай ўйинларга кирмайман, деб қасам ичганман.

-Наҳотки, буни ўйин деб ўйлаяпсиз?

-Сизлар учун ўйин бўлмаслиги мумкин, аммо улар учун ўйин бу, – деди Нозир Жабборов бошмалдоғи билан юқорини кўрсатиб. – Сизни укам, ҳурмат қиламан. Шу боис очиғини айтай, мен Каримовни яхши танийман. Унинг маҳорати ёнида шайтон ип эшолмайди. Сизлар эса сиёсий ўйин нималигини билмайдиган беғубор йигитларсиз. Бу йўлда қурбон бўлиб кетасизлар.

-Сувнинг оқишига қарасак ҳам қурбон бўламиз. Ундан кўра бу сувни бошқа томонга буриш учун уриниб кўрсак, натижа чикса чикди, чикмаса қурбон бўлсак, яхшироқ эмасми?

-Дунёдаги энг осон иш қурбон бўлишдир. Энг қийини эса қурбон бўлмаслик.

-Демак, энг яхшиси ўрта йўл экан-да.

-Сизга тушунтиришга қийналаяпман. Менимча вақти келиб ўзингиз англайсиз. Лекин қалбан, руҳан, виждонан сизлар билан биргаман.

Бу суҳбатни Каримовнинг жосуслари магнит лентасига ёзиб олишганди. Каримов суҳбатни эшитиб кўргач:

-Ўйинга кирмайдиган одам! Сени шундай ўйинга киритаманки, ном нишонсиз йўқолиб кетасан, – дея бақирганди. Мана энди Нозир Жабборовни у ўйинга тортиш учун илк қадамини ташлади. Каримов бироз енгил тортдими, боши сим-сим оғриётгани ёдига тушди. Ёрдамчиси Крайновга:

-Югур, Нозирни йўлдан қайтар, мен юқорида бўламан. Бугунги ғалабани ювишимиз керак, – деди.

Каримов доим гавжум бўладиган сарой боғида ҳеч ким йўқлигини ҳам эътибордан четда қолдирмади. Қўрқоқлар, деб ўйлади, ҳар тарафга қочишган. Пана панадан пойлаб туришибди. Бу дунё нақадар хиёнаткор. Буларнинг ҳаммасига иш бердим, маош берайпман, оилаларини мени ҳисобимдан боқишаяпти. Яна бошимга булут келганда қочишди. Эртага ўрнимга бошқа бири келса улар ҳеч нарса кўрмагандек унинг товоғини ялайдилар.

Крайнов билан Нозир Жабборов ҳарсиллаганча етиб келдилар.

-Оғайни, чарчабсан, теннис ўйнашни ташлаб юбордингми? – деди Каримов Нозир Жабборовга.

-Чарчаганим йўқ, ҳали Крайновга ўхшаганларнинг бештасини чарчатаман.

Иккинчи китоб

24."ТАНГРИЧАЛАР"

Каримов шўролар императорлигининг йиқилишига асло ишонмасди. У императорликни баланд деворлар билан ўраб олинган қалъага ўхшатарди. Бу қалъанинг девори шу қадар баланд эдики, уни инсон зоти у ёқда турсин, ҳатто бирор бир махлуқнинг ошиб ўтиши амри маҳол деб ўйларди. На ичкарига кириш ва на ташқарига чиқиш мумкин. Қалъа ичида юз бераётган воқеаларни кузатиб туриш учун девор устига минг-минг кўриқчи чиқарилган. Каримов ўзича бу кўриқчиларни "тангричалар", қалъа ичидагиларни эса "чумолилар"деб атарди. "Тангричалар" кунни кун, тунни тун демасдан "чумолилар"ни кузатиб туришар, ўз чизигидан чиққанларни эзгилаб ташлашарди.

Аввалига Каримовнинг орзуси "тангричалар"сафидан ўрин олиш эди. Бу орзусига етгач, кўрдик "тангричалар" тепасида "тангрилари"бор экан.

Қалъа деворининг устига чиққач, императорликнинг мустаҳкамлигига яна бир бор ишонди. Каримов "Бу қалъа йиқилиши мумкин", деган фикрни хаёлидан ўтказишга кўрқарди. Фақат бир марта "Бу чумолилар қалъа деворларининг остини ўйиб ташлаган бўлсалар-чи?"деган савол кўнглидан кечганда, тиззалари титраб, кўнгли беҳузур бўлганди. Бу қалъа йиқилса "тангрича"ликдан айрилиш кўркуси эмас, балки кўнглидан ўтганини ўзидан юксакдаги "тангри"лари пайқаб қолишидан титраш эди.У жумҳуриятга "биринчи" этиб тайинлангач, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюросига аъзо бўлди. Ўшанда илк бор севинч деган туйғунинг лаззат сарҳадлари бепоёнлигини, ғурур деган кучнинг салоҳияти ҳудудсиз эканлигини юракдан ҳис қилганди.

Ҳатто Тошкентга қайтаркан, учоқдан тушиши билан мухбирларни ёнига чақириб "Халқимга етказинг, мен Политбюрога аъзо бўлдим. Бу халқимизнинг узоқ йиллик орзуси эди. Уни амалга ошириш менинг гарданимга тушди. Бу нафақат мен учун, балки бутун халқимиз учун юксак ишонч. Бугун ҳаммамиз учун катта байрамдир!"деганди.

Лекин Каримов истаса-истамаса қалъа йиқиётганди. У жон-жаҳди билан елкасини қалъа деворларига тираб, уни тутиб қолишга уринаётган кишилардан бирига айланди. Қалъани сақлаб қолиш учун ҳар турли йўл қидираётган кунларида жумҳуриятда ҳам қалъа деворининг остини "ўяётганлар" кўпайиб қолди. Каримов бу ишнинг бошида турганлар билан "одамга ўхшаб" гаплашиб қўймоқчи бўлди. Аввал Исо Холисни чақирди.

-Ука, сиз машҳур одамсиз, -деди унга. -Сизнинг ҳар бир қадамингизни кузатиб, кўриб турибман. Айниқса пахта монополияси, оилани режалаштириш, Оролни кутқариш

борасидаги нутқларингиз мени ҳаяжонлантирди. Ҳар ким ҳам ўз халқи дардини бу қадар жасорат билан ўртага олиб чиқолмайди. Бугун бу ишни сиз бошладингиз.

-Бугун эмас, буни бир неча йил олдин бошлаганмиз. Бундан олти йил бурун Политюрога шикоят мактуби йўллаб, халқимизнинг дардини ифода этганмиз.

-Лекин бу дард шикоят билан малҳам топмайди. Унинг малҳами ақл, идрок, куч ва интизом, -деди Каримов Исо Холисга узоқ гапириш учун изн бермай. Сиз намоёишларни тўхтатинг, мен эса эртага иш бошлайдиган сессияда тил масаласини кўтариб чиқай. Биласиз, ман янгиман, парламентда эса куч эскича фикрловчи кишиларнинг қўлида. Бунинг устига рус тилида гапирувчиларни ҳам ҳурмат қилишимиз керак. Сўз бераман, ўз тилимизни давлат тили деб эълон қилиш учун бутун кучимни ишга соламан. Сиз эса бунга жавобан намоёишларни тўхтатасиз...

Исо Холис мамнун қиёфада чиқиб кетаркан, Каримов Шавкат Темурни чақирди.

-Сизни анча чўрткесар одам дейишарди. Лекин кўринишдан юмшоқ кишига ўхшаяпсиз, -деди Каримов Шавкат Темурга. -Бугун намоёишларда ўртага отилаётган шиорлар билан мен бажармоқчи бўлган орзуларнинг ҳеч қандай фарқи йўқ.

-Ундай бўлса нима сабабдан намоёишга чиққанларни калтаклаяпсиз, қамоққа ташлаяпсиз, таъқиб этаяпсиз?

-Сиз мени сўроқ қилишга келдингизми? -Каримовнинг жаҳли чиқди. Ўрнидан туриб хонада у ёқдан бу ёққа икки уч марта бориб келди-да ойна ёнида тўхтаб ташқарига термулди. Шаҳар марказидан оқиб ўтадиган ариқнинг соҳилларидаги мажнунтол дарахтлари остида одамлар ўтиришганини кўриб қолди. "Буларнинг иши йўқми?" деб ўйлади. Куппа кундуз кунни бу ерда нима қилишади? Балки талабалардир? Талаба бўлса, дарсига борсин! Балки ошиқ-маъшуклардир? Нима, бу ер уларга севги хиёбоними? Аслида бу бинонинг атрофини ўраб олишим, соҳил бўйлари тартибга келтиришим керак. Бинони темир панжара билан ўраб олишни тезлаштирсам, мана булар бостириб келишдан ҳам қайтишмайди. Қайси кун аскарликда ўлган боланинг тобутини шу ердан олиб ўтишди. Мана бу ҳам уларнинг орасида эди. Янги дўппи кийиб тобутнинг олдида бораётганди. Ўзларича намоёиш, исён қилишга уринишди. Лекин бир имо қилгандим миршаблар кавушларини тўғрилаб қўйди. Айб бизда эмас, айб юқорида. Юқоридагилар жиловни бўшатиб юборишди. Бутун мамлакатни ана шундайларнинг қўлига бериб қўйиб мажлисхонага айлантиришди. Мана энди мендай одам ҳам унинг бемаъни саволлари қаршисида қолишга мажбурман. Ҳозирнинг ўзидаёқ уни бу ердан қувиб чиқаришим мумкин. Ҳатто қамаб қўйишим ҳам ҳеч гап эмас. Ёки қўл оёғини боғлатиб, сойга отиб юборсам ҳам гулдур гуп! Гум бўлиб кетади. Лекин юқори уларни қўллаяпти. Баъзилар буларни юқорининг ўзи ташкиллаштирган демокдалар. Шунинг учунмикан юқоридан уларга тегманглар, дейишяпти. Хўш, нима қилиш керак? Уларнинг мажлисини томоша қилиш билан кун ўтказаманми?

Дарвоқе, нега буларни айри-айри чақирдим, нега ҳар иккаласи билан бирданига суҳбат қилмадим? Йўқ, у ҳолда бир-бирининг олдида ўзларини кўрсатиб қўйиш учун менинг ёқамга ёпишишарди. Ҳа-я, душманингни парчала, кейин йўқ қил, деган гапни ким айтган экан? Булар билан тенг келиб ўтираманми? Ўзларини ўзларига едираман! Мен четда қолиб томоша қиламан, булар эса бир-бирларининг юзларини юлишади. Ҳа, бугун бир товоқдан ош еган биродарларни эртага қон қасос душманга айлантираман. Менинг совунимда кир ювиш қандайлигини кўриб қўйишсин. Бир умр душман бўлишади, ҳатто авлодаждодларига қадар сингади бу душманлик. Аммо хато қилмаслигим керак. Наригисини алдаш осон, истаган жойидан қармоққа илинтириш мумкин. Лекин буни-чи? Буни ҳам ўйинга келтиришнинг йўлини топаман.

Каримов ўрнига келиб ўтирди-да, юмшаган оҳангда Шавкат Темурга гапира бошлади: -Олдимизда сайлов бор. Сизларга битта ўрин ажратдик. Сизнинг номзодингиз учун. Шавкат Темур худди эгасининг қўлида суяк кўрган итдек тамшаниб қолди. Каримов бундан фойдаланиб, асосий гапни айтди.

-Аммо Исо Холис қарши бўлди. Фақат сиздан илтимос бу суҳбатимизни ундан узоқ тутсангиз.

Шавкат Темур севинчли кўзларини ўйнатиб, бошини ликиллатди. Каримов ундан нафрат қилди. Жуда осон сотиладиган туридан экан. Бундайларга бир нарса бериб ҳам мазза қилмайсан. Уни куруқ гап билан бозорга соламан. Ана унга қарши шундай ўйнатаманки, тарих бунақа томошани жуда узоқ эслайди. Бунинг икки қулоғини кесиб қўяман. Қутуриб қолади. “Фас” дедимми босади. Бутун умрини шунга сарфлатман. Бунинг учун уни аввал ватанпарвар, миллатчи қилиб кўрсатишим керак. Буни Мелкумовга топширсам ўзи боплайди.

25. ПАРЧАЛАШ

Каримов КГБ раиси Мелкумов ва иккинчи котиб Анишчевни чақирди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам юқорининг одами. Бу иш билан уларни синаб кўрмоқчи бўлди. Агар бажара олмасалар, бир баҳонасини топиб, куйруқларига супурги боғлашга, бажарсалар бундан кейин бирга ишлашга қарор қилади. Нима бўлганда ҳам Сиёсий кенгашнинг аъзоси бўлди. Энди буларнинг гапи эмас, ўзининг гапи ўтади.

-Сизларга мамлакат бошлиғи Михаил Сергеевичнинг талабини етказиб қўймоқчиман. У киши биздан демократия, ошкораликни истаяптилар, эркин ва озод сайловлар ўтказишимизни, муҳолифатни қўллаб-қувватлашимизни сўраяптилар. Демак, биз кўча-кўйда тўполон қилган одамларни муҳолифат, дея ҳурмат қилишимиз керак эмас. Бизнинг вазифамиз муҳолифатни ҳам ўзимиз етиштириш, конструктив муҳолифат тайёрлашдир. Кўча-кўйда жанжал қилаётганлар эса атрофларига дор остидан қочганларни тўплаб, тобора катта кучга айланмоқдалар. Бу эса мамлакат хавфсизлигига путур етказади. Паркентда, Бўқада, водийда юз берган воқеаларнинг тутуни ҳали сўнган эмас. Хўш, гапни қисқа қилайлик, қандай таклифлар бор?!

Мелкумов, "Сиз мендан юқоридасиз, олдин сиз гапиринг, дегандек кўз қири билан иккинчи котибга қаради. Иккинчи котиб "Ҳали ҳам мен турганда сен гапирармидинг" дегандек сўзларини дона-дона қилиб ўзидан сўнг хавфсизлик қўмитаси раисига бирор гап айтиш учун бўшлиқ қолдирмасликка уринди:

-Ҳурматли Ислон Абдуғаниевич, бизга муҳлат беринг, бу хусусдаги таклифларимизни тайёрлаб келайлик.

Каримов ўйлаб турди-да:

-Мен Пленумга ҳозиргарлик ҳақида гапираётганим йўқ. Қаршимиздаги тўдани нима қиламиз, деяпман?

Иккинчи котибни бу мушкул аҳволдан қутқариш учун КГБ раиси суҳбатга аралашди:

-Парчалаб ташлаймиз...

Парчалаб ташлаймиз! Буни қайси маънода айтди, экан, деб ўйлади Каримов. Куч билан бостириб, тор-мор қилишни назарда тутдими ёки менинг фикрларимни уқиб олдим? Агар мен ўйлаганларимни ўйлаётган бўлса, у ҳолда масалани бошқа кунга қолдиришим керак. Чунки ташаббус ундан эмас, мендан чиқиши лозим. Акс тақдирда Каримов менинг йўлимга юряпти, деб ҳовлиқиб кетади.

-Фикрингизни очикрок айтинг, -деди Каримов КГБ раисига.

-Ҳаммасининг рўйхати кўлимизда бор. Бундан кейин бир ерга тўпланишларига изн бермаймиз. Таъқибни кучайтирамиз. Ҳар бир қадамлари назорат остида бўлади. Бу ишни бажариш учун яна беш минг кишини ишга олишимиз керак. Таклифларимизни ҳурматли иккинчи котиб билан Сиздан олдинги раҳбарга бергандик. Лекин эътиборсиз қолди.

-Яхши, таклифларни кўриб чиқамиз,-деди Каримов.-Ҳозир ҳақиқатдан ҳам парчалаб ташлаш керак. Лекин сиз айтган услубнинг замони ўтди. Бу йўл билан уларни кучлантираамиз. Бугун ақл билан иш кўрадиган пайт. Ҳозир мухолифатнинг ичида бир неча киши лидерликка даъвогар. Бизнинг вазифамиз уларни бир-бирларига қарши қўйишдир. Хўш, айтингчи, мухолифатнинг ичида неча фоиизи сизнинг одамингиз?

-Аниқ айтишим қийин.

-Аниқ айтсам Олмонияда ҳар учинчи одам хавфсизлик хизматига ишлагани фош бўлганидек фаолиятимиз очилиб қолади, деб кўрқаяпсизми ёки мендан сир сақлаяпсизми?

-Асло, асло,-дея суҳбатга аралашди иккинчи котиб.

-Мен иложи борича мухолифат ичига кўп одам сукманг, бир жойда сиримиз очилса, оламга шарманда бўламиз, дея топшириқ бергандим. Шу сабабдан бу хусусда бироз истиҳола қиляптилар.

Бундан кейин Мелкумовни кўлга олишим керак, деб ўйлади Каримов. Умуман куч вазирликларини иккинчи котибнинг кўлидан чиқармоғим ва ўзимга тобе қилмоғим лозим. Бу ишларда учинчи киши ортиқча. Буни қандай қилиб амалга оширсам? Назаримда баъзи жумҳуриятларда Президент вазифаси ташкил этилиб тўғри қилинаяпти. Мен ҳам шу йўлдан борсам, бутун кучни бир кўлда жамлайман. Ҳозирча эски парламентнинг охириги сессиясини эсон-омон ўтказишим, кейин эса янги сайловни тайинлашим керак. Худо хоҳласа, янги парламентда биринчи бўлиб Президент вазифасини жорий эттираман. Ана ундан кейин мана буларнинг хуржунини елкасига осиб, орқасига тепаман. Бир ўк билан икки куённи ураман. Ҳам халққа "Сизнинг талабингиз билан буларни кувдим", дейман, ҳам уларнинг ўрнига ўз одамларимни олиб келаман. Аммо булар фитнага уста. Ҳаётини бошлабди-ки, фитна гирдобида сузишади. Менга қарши ҳам қанча-қанча фитналарнинг режасини тузган бўлишлари мумкин.

-Ўзларини миллий ҳаракат деб атаётганларнинг ичидаги лидерларни ҳўроздек уруштиришимиз керак. Буни фитна дейсизми, хийла дейсизми, мен учун фарқи йўқ, -деди Каримов.-Мен учун муҳими мамлакатни қутқариб қолишдир. Истасангиз алданг, истасангиз мансаб ваъда қилинг, истасангиз қармоққа илинтиринг, бажара олмасангиз менинг олдимга олиб келинг. Ҳозирча эса Исо Холисни биз кўрсатадиган номзодлар рўйхатига киритинг. Унинг номзоди қаршисида бошқа исм кўрмайин. Шавкат Темурни эса узоқ тутинг. Керак бўлса, Паркент жанжалидаги бақирик-чақириқлари учун терговга тортамиз. Барча вилоятлар туманларида мажлислар ўтказиб, Фарғона воқеаларида мухолифатни қон тўкилишига сабабчи қилиб халққа тушунтиринг.

Каримов ҳар кун эрталаб ва оқшом ҳисоб бериб туришларини айтиб уларни чиқариб юборар экан, Олий Кенгаш раиси Иброҳимовга сим қокди:

-Бугуноқ раёсатни тўпланг, кўча намоийишлари ва митинглари ҳақидаги олдинги қарорларни кўриб чиқинг, иложи борича ҳар қандай намоийишни тақиқлаш чорасини кўринг. Аммо бу ишлар демократия, ошкоралик рамкасида бўлсин. Яъни демократия ва ошкораликни ҳимоя қилиш учун бузғунчилик қилаётганларнинг йўлини тўсинг. Қарор тайёр бўлса, устидан кўриб бераман, -деди.

Каримов шундан кейин эртага иш бошлайдиган сессияга тайёргарлик кўра бошлади. Фикрларини ён дафтарчасига қайд этаркан баъзи масалаларни Москва билан келишиб олишга қарор қилди. Кремлга телефон қилиб, Михаил Сергеевич билан маслаҳатлашиб оладиган масалалар чиққанини айтди. Бир неча дақиқадан кейин уни Горбачёв билан боғлашди. У ўрнидан туриб гаплаша бошлади:

-Ҳозир Марказий Комитет бюросининг фавкулодда мажлисини ўтказаяпмиз. Эртага муҳолифат бир миллион кишини кўчаларга, майдонларга олиб чиқмоқчи.

-Нима талаби бор экан? Лидерлари билан гаплашмадингизми?-деб сўради Михаил Сергеевич.

-Гаплашдик. Талаблари битта. У ҳам бўлса "Она тилимизга давлат тили мақоми берилсин", дейишмоқда.

-Бунинг қўрқадиган жойи йўқ.

-Лекин давлат тили-расмий тилимиз бор, қандай қилиб бошқа тилга ҳам шундай мақом беришимиз мумкин?

-У бошқа тил эмас, сизнинг она тилингиз. Менимча муҳолифатнинг талабини қондирмоқ керак.

-Раҳмат сизга! Олдимизда катта йўл очдингиз. Аммо бу ҳаракатимиздан рус тилида гаплашадиган дўстларимиз норозидирлар. Мана мажлисда иккинчи котиб ва КГБ раиси норози эканликларини айтаяптилар. Уларга қулоқ солмасдан иложим йўқ.

-Уларга қулоқ соладиган бўлсангиз, мени нега безовта қилаяпсиз?

-Ўринбосарингиз жаноб Лигачёв суҳбатдан ўтаётганимда "Иккинчи котиб ва КГБ раисининг маслаҳатларига қулоқ тутасиз", деганди.

-Ҳозир ҳар кун, ҳар соатда шартлар ўзгармоқда. Муҳолифат сиз билан қўшиб уларни ҳам супуриб ташлашини менинг номимдан ўзларига етказиб қўйинг. Маҳаллий шароитни ва миллий масалаларни яхшироқ ўрганишсин. Муҳолифатнинг талабини эса эрта эрталабки пленумда муҳокама қилинг, ундан кейин парламентга олиб чиқиб, музокарага қўйинг. Демократия, қайта куриш, ошкоралик ва фикр ўзгариши бу бизнинг бош йўлимиздир...

Телефоннинг нарёғидаги раҳбар худди китоб ўқиётгандек тинимсиз гапираркан, Каримов телефон дастасини қулоғидан узоклаштириб, юзини бужмайтирганча кутиб турди. Юзи бужмайган бўлса-да, қалбида фараҳ ва севинч бор эди. Чунки бирданига икки масалани ҳал қилганди:

Биринчидан, муҳолифат байроқ қилиб кўтарган масалани ўз қўли билан ҳал қиладиган ва халқнинг олдига чиқиб, кўкрагига уриб мактанадиган имконият пайдо бўлди.

Иккинчидан эса, жумҳуриятнинг жиловларини тутиб турган икки кишининг шаштини синдирди. Энди улар билан қандай гаплашиб қўйишни билади.

У суҳбатдан кейин бир-икки дақиқа ўриндикқа ястанди-да, сўнг КГБ раисига телефон қилди:

-Ҳозир менга Москвадан мамлакатимиз раҳбарининг ўзлари телефон қилдилар. Идорангиз яхши ишламаётганини алоҳида таъкидладилар. Мен эса сизни ҳимоя қилдим. Шунга муносиб бўлинг. Муҳолифатни қандай қилиб икки, учга бўлиб юбориш ҳақидаги аниқ режаларингизни олиб келинг!

26. АНИШЧЕВ

Каримов иккинчи котибни чақирди. Лекин унинг ҳозиргина чиқиб кетганини айтишди. Иккинчи котибни Хавфсизлик қўмитаси раиси чойга чақирганди. Улар чой баҳонасида ёзиб олинган телефон суҳбатларни тинглардилар.

-Ёндик, -деди қўмита раиси, магнитофон тугмасига босаркан.

Каримов билан мамлакат раҳбарининг суҳбатини тинглаган иккинчи котиб ўрнидан сапчиб турди-да: "Ҳозироқ рапорт тайёрланг, бу ўйинни фош қиламиз,"-деди.

-Қандай қилиб фош қиламиз? -деди қўмита раиси. -Ахир қўлимизда далил йўқ-ку.

-Бу-чи? -сўради иккинчи котиб.

-Бу фақат сиз ва мен учун. Сиз эшитаркан айни пайтда мен бу суҳбатни лентадан ўчирдим. Агар билиб қолишса, бошимиз кетади.

-Унда нима қиламиз? -деди иккинчи котиб.

-Каримовга астойдил хизмат қилиб, ишончини оқлашимиз қийин. Унинг жиддий хатоларини топиб, юқорини хабардор қилишимиз керак.

Мелкумов Каримовга астойдил хизмат қилишимиз керак, демоқчи эди, лекин бу "вазифа"ни ўзига қолдириб, иккинчи котибни Каримовга қарши қўймоқчи бўлди. Ҳа, у фақат мухолифатнинг орасини эмас, балки бошқаларнинг орасини бузишни ҳам одат қилганди. Каримов бугун унга мухолифатни бўлиб юбориш топшириғини берди. У эса бу ишнинг асосини битириб қўйган эди. Фақат мухолифат лидерлари ўртасидаги деворларга яширилган портлатгичларнинг ипини ёқиб юбориши қолганди. Буни Каримовга айтмади. Мана энди Каримов ундан шошилиш тадбир сўраяпти. Икки-уч кунда тадбир натижасини билан маълум қилса, Каримов унинг қадрига етмаганига пушаймон бўлади. Жойи келса юқорини яна ўзи юмшатади. Булар шунақа, бугун олов, эртага сув...

-Каримов иккинчини кидираяпти, -деган овоз эшитилди радио узатгичдан. Анишчев сапчиб тушди. Дарров ўрнидан турди.

Мелкумов Анишчевни ҳар доим Миллий хавфсизлик қўмитасининг ертўласида кузатиб қоларди. Анишчев "чойга"келаркан, Мелкумов унга махсус машиналардан бирини юборарди. Улар келишиб олганларидек, Анишчев Бош универмагнинг ёнида ўзига ажратилган хизмат машинасидан тушиб, Мелкумов юборган қора "Волга"га минарди. Мелкумовнинг машинаси КГБ биносига киришда текширишга тобе бўлмагани ва иккинчининг қатнови очилиб қолмаслиги учун шундай қилишарди. Машина ертўлага қадар кириб келарди ва бу ерда қўмита раиси "меҳмон"ни кутиб оларди. Бу "ўйинни" йиллар давомида бажаришгани учун одат тусига кирганди.

Ман энди Анишчев навбатчи машинага минаркан, Мелкумовнинг қулоғига пичирлади: "Ҳойнаҳой менинг суҳбатларимни ҳам эшитсанг керак".

Мелкумов ранжиган қиёфада "Сизга ўзимдан зиёд ишонаман. Соянгизда ишлаб юрибман. Ана унинг қонини қонимизга қўшиб қайнатса ҳам аралашмайди. Назоратда тутмасак, саройни Бухоро амирининг ҳарамига айлантириб юборади,"-деди.

Анишчев яна бир нима демоқчи бўлгандек, бўйнини чўзди. Буни пайқаган Мелкумов эгилганча қулоқларини иккинчи котибнинг оғзига яқинлаштирди.

-Эрта окшомга саунани тайёрлаб қўй. Сессиядан кейин меҳмоним бор-, дея жилмайди у. Мелкумов: "Амрингиз биз учун қонун" дегандек қўлини кўксига қўйди-да, Анишчевга иккита "Иш папкаси"ни узатди.

-Бўш вақтингизда буларга назар солиб қўярсиз, -деди.

Ҳар икки "Иш папкаси" ҳам қизил бўлиб, устига "Асосий нусхаси биринчи сейфда. Мутлақо махфий", деб ёзилган эди.

Иккинчи котиб машиналар алмашгунига қадар ҳам сабр қилмасдан "Иш папка"ларидан бирини очди:

"Исо Холис(Сапарали Ҳамдамов)га оид муҳим маълумотлар: 1948 йил туғилган. Икки марта уйланган. Биринчи умр йўлдоши уч фарзанди билан айри яшайди. Иккинчиси маҳаллий миллатдан бўлмагани учун бу хусусда ҳар турли миш-мишлар тарқатиш мумкин. Шу кеча кундузда энг нозик жойи уй масаласидир. Иккита ёхуд учта уйга эҳтиёжи бор. Қазилма буюмларини яхши кўради ва тўплайди. Пиёда юришни севмайди. Автобусга минибдан ҳазар қилади. Шу боис машина ҳам бериш мумкин. Бирга ўқиган яқин дўстларидан икки нафари бизнинг одам. Аммо яқинда улардан бирини дўппослаган. Шу боис уни қарши қўйиш мумкин. Зиёфатни, кайф-сафони севади. Биз юборган қизларнинг бирортасидан ҳам шубҳа қилгани йўқ.

Лидерлик қобилиятига эга эмас. Бирор жойда муқим ишлагани йўқ. Ишлаган жойларидан масъулиятсизлиги учун ҳайдалган. Фамилиясини ёзсангиз ёки фамилияси билан чақирсангиз "Ғурурим топталди " деб ҳисоблайди. Бу ҳақда мақолалар уюштириш мумкин. Яхши кийиниши, мажлисларда ўзини кўрсатиб қўйишни билгани учун бир гуруҳ ёшлар унинг орқасидан эргашган. Уни яхши таниганлар эса дарҳол узоқлашган.

Жаҳли бурнининг учида. Уни қиздириш жуда осон. Энг ёмон кўрган одамига ўхшатсангиз ёки лидерлик қобилияти йўқлигини юзига солсангиз дуэлга ҳам чиқишга тайёр бўлади. Бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашмайди. Ўзининг билганидан қолмайди. Уни алдаш осон, миш-мишларни, "деди-деди"ларни яхши кўради.

Умр йўлдошига жуда ҳам боғлиқ. У чизган чизиқдан чиқмайди. Буни бошқаларга билдирмасликка уринади. Шу сабабдан ўзгалар олдида оила аъзоларига кўполлик қилади. Келажакда оилавий ҳаётини ҳам фош қилиш мумкин.

Пулни севади. Кераксиз жойга хирмон совургандек пул сочади. Керакли жойга қолганда эса ҳар қандай ҳасисга ҳам дарс беради. Кейинги пайтда чет элликлар билан яқин алоқа қила бошлади. Баъзиларидан ёрдам ҳам олди. Филмга туширганмиз. Ҳасадгўй. Бошқаларни менсимайди. Докторларнинг бизга тақдим этган ҳужжатларга кўра, параноя хасталигига дучор. Агар раҳбарлик жиловни қўлига тегса, ашаддий диктаторга айланади. Жуда тез ўзгарувчан. Бугун айтган фикридан эртага осонлик билан қайтади. Аммо бировни душман деб билса, бу фикридан ҳеч қачон қайтмайди.

Хаёлпараст. Ҳар бир кичик ишини катта қилиб кўрсатишга уринади. Ҳозир атрофини ўраб олганмиз. Қаёққа бошласак, ўша ёққа юради...

Иккинчи котиб машинани "алмаштираркан" иш папкаларини қўлтиғига яширди. Ўзига ажратилган хизмат машинасига мингач уларни қайта варақлай бошлади. Лекин хаёллари "кўча кезарди". Балки мана шу шофер ҳам уларнинг одамидир, деб ўйлади. Балки, бу ҳам мен ҳақимда ана шундай нарсалар ёзиб берар. Балки, илгаридан бир неча папкалар тўлгандир? Йўқ, хавфсизлик қўмитаси қарорларимизга риоя қилади. Партиямиз раҳбарлари ҳақида бирор бир ҳужжат тўпланиши мумкин эмас. Агар шундай ҳол юз берса ва у ўртага чиқиб қолса, ҳаммасининг боши кетади.

Аммо буларга ишониш қийин. Ўз манфаатлари учун ҳеч нарсадан чекинишмайди. Каримовнинг суҳбатини ёзиб олибди-ю меникини ёзмайдими? Ўчириб ташладим, деганига ишонадиган аҳмоқ борми? Бирок мендан кўрқади. Икки йилдан буён биргамиз. Ҳафтада бир саунага борамиз. Бугунга қадар бирор жойда ҳиди чиқмади. Ўзининг ҳам гуноҳлари меникидан кам эмас. Менга ўн саккиз ёшли қиз топса, ўзига ўн етти ёшлисини топади. Унинг душманлари йўқми? Балки унинг орқасидан кузатадиганлар бордир? Икки йилдан буён бир қанча иш папкаларини тўлғазиб қўйишгандир, балки? Эртанги саунани бекор

қилсамми? Йўқ, лаънат шайтонга, унга ишонмасам кимга ишонаман? У билан нима ишлар қилмадик? Водийдаги воқеалар режасини иккаламиз ўтириб тузмадик-ми?

Хуллас, ҳаммасига шерикмиз! Аслида нега ундан чўчий бошладим? Назаримда Каримов бизнинг орамизга ҳам соя ташлади. Унинг номзодини ўзимиз кўрсатдик. Лекин ўзимизга бало бўладиганга ўхшайди. Илгари вилоятда ишлаганида совға-салом бериб турарди. Энди ўша совғаларни бурнимиздан суғуриб олади-ёв?! Москвадаги раҳбаримиз латта бўлмаганда-ку, буни боплардик. Ҳа, бўпти нималар ҳақида ўйлаяпман ўзи?

У хаёл суриб бораркан беихтиёр иккинчи "Иш папкаси"ни очиб, унинг илк саҳифасини ўқиётган эди:

"Шавкат Темур. (Ш. Темуров) 1945 йил туғилган. Икки марта уйланган. Биринчи хотини билан ажрлаган.

Иш ерида раҳбари билан ораси очиқ. Раҳбари миллатчи эди, шунинг қўли билан ер тишлатдик.

Унинг Москвадаги идорамиз билан алоқаси бор. Аммо жilовини бизга беришмаяти. У қўрқмай чет элликлар билан тез-тез учраша бошлади. Топшириқ биздан эмас, Марказдан бўлиши мумкин. Улардан очиқчасига ёрдам ҳам олмоқда. Сиёсий фаолият билан бирга инглиз тилини ҳам ўрганмоқда. Бу эса унинг чет элликлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилиш нияти борлигини ёки келгусида ундан бошқа ниятларда фойдаланиш режаси борлигини кўрсатади. Лекин икки укаси ва акаси бизнинг ҳисобда.

Жаҳлини чиқариш осон. Ўжар. Ўз фикрини бошқаларникидан устун қўяди. Атрофига ўз одамларини тўплашга ҳаракат қилади. Мажлисларга қариндош-уруғларини бошлаб келишга уста.

Бошқа жумҳуриятлардаги ҳаракат лидерлари билан алоқа ўрнатган. Тоғаси ҳукуматга яқин одам. Ундан фойдаланиш мумкин. Ака-укаларини раҳбарлик ишларига тортиб, жilовлаб қўйиш мумкин.

Жанжалчи. Бошқа лидерлар билан орасини бузиб қўйиш учун бу феълдан фойдаланиш мумкин.

Раҳбар бўлишни, раҳбарлик қилишни яхши кўради ва жуда истади. Аммо куруқ назарияга боғланиб қолган.

Бошлаган ишини ярим йўлда ташламайди. Рақибининг кичик бир хатосини кўрса, ундан усталик билан фойдаланади.

Пойтахт мафиясига алоқаси бор.

Диний идоранинг собиқ раҳбарлари билан алоқа ўрнатган. Муфтини қўзғолон йўли билан йиқитиш учун иш олиб бормоқда. Ўзи диндан узоқ. Ароқ ичади. Диндорлар ичидаги одамларимиз орқали "Намоз ўқимайди, ичкиликни севади, Исломга қарши" дея ҳар қандай минбардан қувиш имкониятимиз бор. Лекин Марказ бунга йўл бермаслиги мумкин.

Америкада яшаётган "ватан хоинлари" билан алоқа ўрнатган. Улар Исо Холис орқали унга компьютер юбордилар. Бу компьютер Марказий разведка бошқармасига оид бўлиши ҳам мумкин. Ўрганаёпмиз.

Шантажчи. Одамларимиз у билан рўбарў келганда, бу нарсага алоҳида эътибор беришларини талаб қилаёпмиз...

Унинг масаласини Марказ билан гаплашиб олиш керак. Бизнинг сўровларни Марказ инкор этмоқда. Марказком раҳбарияти номидан Москвага мурожаат қилиш таклифимиз ҳали ҳам ўз кучида..."

Иккинчи котибнинг машинаси саройга етиб келгани учун у "Иш папкаси"ни яна ёпиб қўйишга мажбур бўлди. Ичкарига кираркан бекчи-миршаб:

-Сизни "Биринчи" қидираяптилар, -деди.

-Биламан, -деди-да очик турган лифтга миниб, тугмани босди. Унинг хонаси ҳам олтинчи қаватда эди. Бинонинг бир тарафида Каримов ўтирса, иккинчи тарафида у жойлашганди. Бу ҳолни тарозининг палласига ўхшатишарди. Аммо "тарозининг" иккинчи котиб ўтирган томони оғир босарди.

Ҳатто "биринчилар"лар иккинчи котибни ёнларига чақиришга истиҳола қилиб, ўзлари унинг ҳузурига келишарди. Мана энди шартлар ўзгарди. Лекин дарҳол чекинмаслик керак, деб ўйлади иккинчи котиб. Ҳозир тўғри унинг хонасига бормаيمان. Қўлимдагиларни кўриб қолиши мумкин. Умуман у менинг КГБга борганимни қаердан билди? Ёки орқамга "дум" боғладими?

Балки Мелкумов икки томонга ишлай бошлагандир? Бундан олдинги иккита раҳбар-Усмонхўжаев ва Нишоновларнинг шохини синдирдим. Бирини камокқа тикдирдим, иккинчисини эса сургун қилдирдим. Нахотки бундан кўрқаман? Ҳали кечагина ҳузуримга келиб кўз ёши қилганди. Агар мен қўлламасам бу жойни тушида ҳам кўрмасди. Лекин нонкўрлик қиляпти. Ҳозирданоқ жикқа мушт бўлсак, мен ютқазаман. Чунки юқори кеча юборган одамани бугун алмаштирмайди. Шу боис чидашим керак. Бугунги фирромлигини эса жавобсиз қолдирмайман.

У лифтдан тушиб, хонаси томон юрмоқчи бўлганди Каримовнинг ёрдамчиси Крайнов унинг йўлини тўсди:

-Ёнғин! Дунёга ўт кетди, -деди у. -Каримов сизни қидириш учун ҳаммани оёққа турғаздилар.

-Мен хонамга кириб чиқай, сўнг кўришаман.

-У кишига лифтга минганингизни айтдик, эшик очик, кутаяптилар, илтимос, ёнғинни сўндириб беринг!

Анишчев ноилож қолди. Чапга қайрилиб, Каримовнинг хонасига кирди. Унинг авзойи бузук. Бош эгиб столни чертиб ўтирарди:

-Иккинчи котибнинг КГБга бориши қаердан чиқди?! Ёки давлат тўнтариши ҳозирляяпсизми? Нима гап ўзи?

Анишчев шошиб қолди:

-Топшириғингиз бўйича боргандим. Мана буларни шахсан ўзим олиб келдим. Юқорининг топшириғи билан миллий ҳаракат лидерларининг "Иш папка"лари биринчи сейфга тушганди. Уни очиш учун Мелкумов билан иккалаимиз имзо қўйишимиз керак экан. Чунки сизнинг топшириғингиз ҳам жуда муҳим эди. Нусха кўчирдик, мана...

Иккинчи котиб бундай шароитларга оз тушган бўлса-да усталик билан қутулиб кетиш учун албатта йўл топарди. Баъзан бу фикр менга қаёқдан келиб қолди, деб ўзи ўзига қойил қоларди. Шу лаҳзада ҳам Каримовни қийин аҳволга туширди. Унга бу вазиятдан чиқиш учун имкон бермасликка уриниб сўзида давом этди:

-Йўлда машинани тўхтатишимга тўғри келди. Москвадан телефон қилиб, ҳозир ўтказилаётган мажлисининг кун тартибини сўрадилар.

-Ким сўради, қанақа мажлис?

-Ташкилий бўлимдан сўрашди. Сиз мамлакат раҳбари билан гаплашаётганда бўлим мудирининг ёнида экан, баъзи нарсаларга қизиқди. Тушунтириб бердим.

Иккинчи котиб Каримовга бирин-кетин зарба ураётганди. Каримов рингда тентираб қолган боксчидек мувозанатини йўқотди.

-Ўтиринг, ўтиринг. Ҳозир чой буюраман ...

-Раҳмат, мен қаҳва ичаман, -деди иккинчи котиб.

-Дарвоқе, нимани сўрашди? -Юмшоқ оҳангда сўради Каримов.

-Давлат тили ҳақидаги қонун лойиҳасига киритилган ўзгартиришларни.

-Қайси ўзгартиришларни?

-Марказий қўмита қонун қабул қилинган, унинг баъзи бандларини бир неча йилдан кейин кучга киритиш таклифини илгари сурди. Масалан, маҳаллий тилни билмайдиганлар учун бу қонун беш йилдан кейин кучга киради.

Каримов ўйланиб қолди. Беш йилда бу тилни ўргана оламанми? Гапириш-ку гапириш, ҳатто ўқишим ҳам қийин. Кеча бир саҳифани икки соатда аранг ўқиб чиқдим. Яхшиямки Жўрабеков тилни билар экан. Ҳатто у ҳам баъзи калималарни тушунмади. Биз бўлсак бутун давлат ишларини ана шу тилда юритмоқчимиз. Тўхтаб тур, қонун дегани ҳаёт эмас-ку. Ҳаёт бошқа, қонун бошқа. Қоғоздаги нарс-қоғознинг мулки. Агар шу бузғунчилар истаётган бўлсалар, қоғозга ёзиб қўяверамиз. Уни бажариш, бажармаслик ўз қўлимизда. Бир кун келиб тилни яхши ўрганиб олсам, балки бу қонунни амалга ҳам оширамиз. Ҳозирча эса рус тилида гапирадиган биродарларимизни чўчитмаслик чорасини кўришимиз керак.

-Беш йил оз, -деди у иккинчи котибга. -Сўзга чиқувчиларни тайёрланг. Саккиз йил деган таклифни киритишсин. Масалан, сиз саккиз йилда ўрганишингиз мумкинми?

-Биргалашиб ўрганамиз. -Иккинчи котиб "Катта"ни яна "чақиб"олди.

-Ўрганолмасак, кейинчалик ана шу бандларини олиб ташлаймиз. Бунга юқоридагилар нима дейишди?

-Улар ўзимизнинг одам. Ўтироз қилишмади.

-Яхши. Дарвоқе, бу "Иш папка"ларида нима бор?

-Исо Холис билан Шавкат Темурнинг кимлиги, энг нозик жойлари, қилмишлари ҳақидаги маълумотлар.

Каримов ҳам Анишчевга ўхшаб ҳар икки "Иш папкаси"нинг илк саҳифаларини ўқиб чиқди.

-Демак, биринчи қиладиган ишингиз Исо Холисининг бирга ўқиган дўсти Мақсад Муҳаммад Қулни... нега бунинг учта исми бор?

-Ҳозир шунақаси мода бўлган.

-Бўпти, ана шу "Қул"ни тузоққа илинтиринглар. Йўлини қилиб менга таништиринг. Калласида бирор нарс бўлса ёнимизда ишлатамиз, жилов қўлимизда бўлади. Иккинчи, дўсти Омон Матчонни эса душманга айлантирамиз. Йўлимизга юрса, келажакда Исо Холисининг қаршисига рақиб қилиб чиқарамиз. Ҳозирча Исо Холисни Шавкат Темурга қайранг. Шавкатни эса Исога. Уларни халқнинг олдида қўчқорлардек уриштирмоқ керак... Дарвоқе, унинг жиловини бу ёққа олиш ҳақида ҳам у ёқдагилар билан гаплашинг. Рози бўлишмаса йўлини топиб, уни чиқариб юбориш ҳақида ўйланг...".

Иккинчи котиб "Хўп...хўп..." дегани билан, аслида рақибини "нокаут" қилгандек шахдам одимлар билан Каримовнинг хонасини тарк этди. Ўзи учун ажратилган кабинетдаги совутгичдан тунока қутичалардаги пиволардан бирини олиб, халқчасидан тортиб "туйнути"ни очди ва бир ҳамлада охирига қадар ичди.

Хайрият, муздеккина экан, деб ўйлади. Мелкумов ҳаётининг сафосини билади. Айтиб қўйишим керак, уйда ҳам пиво оз қолди. Умуман чет элликлар пивони сифатли қилиб тайёрлашади. У иккинчи қутичани олиб жойига бориб ўтирди ва Москва билан гаплашиладиган "ВЧ" телефонидан КПСС МК ташкилий бўлим мудирига сим қокди. Пленумга ва сессияга ҳозирлик қандай бораётганини айтиб қўйди. Сўнг:

-Олгага икки дона узук юбордим. Бири ўзимизнинг Мелкумовдан, бири мендан. Туғилган кунига боролмадик, ўпиб қўй қизингни, -деди бўлим мудирига.

Каримов ҳам эртанги пленум ва сессиянинг ўтишидан кўнгли тўқ ҳолда ундан кейинги воқеаларни ўйлаётганди. Шу лаҳзада уни мухолифат эртага уюштириши мумкин бўлган намоёниш ҳам у қадар қизиқтирмасди. Агар қулоқ солишмайдиган бўлишса, бостириш учун Ички ишлар вазирига буйруқ берди. Уни қизиқтираётган нарсаянги сайлов ва ундан кейинги Президент лавозими эди...

27. "СУЛАЙМОН"

Сессия Каримов ўйлаганидан ҳам "самаралироқ" ўтди. Сессиядан чиққан Каримов анҳор соҳили бўйлаб иш хонасига бораркан, Қизил майдонга машина киришининг ким таъқиқлаган экан деб ўйлади. Наҳотки Москвада ҳам "Катта"лар пиёда юришса? Йўқ, аксинча улар қора Волгаларда Қизил майдондан саф тортиб ўтишни яхши кўришади. Улардан менинг қаерим кам? Мен ҳам бир жумҳуриятнинг отасиман. Нега энди пиёда юришим керак? Йўқ, бу тартиб мен учун эмас. Бунга бошқалар рўйя қилишсин. Лекин ҳар доим сессия мана бу концерт залида ёки Олий кенгашда ўтиши шартми? Буни ҳам ҳал қиламиз. Сессия мажлисларини ўзим ишлаган бинода ўтказаман.

-Ассалому-алайкум,-қарши томондан келаётган бир кишининг товуши Каримовнинг хаёлларини бўлди. У алик олишга оғиз жуфтлаганди қаршисидаги киши тўхтамай гапини давом эттирди.

-Хабарларни эшитдик, Сизга минг раҳмат! Ота-онангизнинг жойлари жаннатда бўлсин, гўрлари нурга тўлсин! Халқимизнинг эгилган бошини тикладингиз. Минг йиллик орзуимиз амалга ошди. Она тилимиз давлат тили бўладиган кунларни кўрдик. Буни сиз бағишладингиз бизга. Тахтингиз ва умрингиз боқий бўлсин!

Каримов кўлини кўксига қўйиб раҳмат ишоратини қилиб, йўлда давом этди. Орқадан келаётган шаҳар партия кўмитасининг биринчи котиби ҳалиги кишини қучоқлаб, қулоғига пичирлади: "Раҳмат, мен кутгандан ҳам яхши чиқди!"

Каримов ҳали хаёлларидан айрилмаган эди. Шу боис ёнида келаётган хўжалик ишлари бўлими мудирига:

-Орқага қайтамиз, машинани шу ерга чақиринг, -деди.

-Машинангиз шу ерда. Сизни кутиб турибди.

-Бу ерга кириш таъқиқланган эмасми?

-Бошқалар учун таъқиқланган, Сиз ва Бюро аъзолари бундан мустасно.

Каримов мудирнинг сўнг сўзларига қулоқ ҳам солмай соҳил бўйлаб лапанглаб юрганча, мажлис бўлиб ўтган бинонинг олд томонига ўтди. Мажлисдан чиққан депутатлар аллақачон тарқалиб бўлишганди.

Булар учун депутатлик ҳам ортиқча ташвиш, деб ўйлади Каримов. Яқинда ҳаммасини бир варакайига бу ташвишдан қутқараман. Аслида шундай подадан яхшиси йўқ. Оғзингдан чиққанига "лаббай" дейишади. Қўл кўтариб туширишда буларнинг ёнида роботлар ҳам ип эшолмайди. Аммо илож қанча? Теппадан оёқ тираб туришибди. Нима эмиш, эркин сайловлар бўлсин эмиш. Ўзлари-ку эркин сайлов қиламиз, деб бошларига бало олишди. Мажлисбозликдан бошқа ишлари йўқ. Юзларининг пардасини йиртиб ташлаган маҳмаданаларга майдон топилди. Мендан олдинги раҳбар-Рафиқ Нишонов ҳам латта экан, эркин сайлов деганларига ишониб тўрт-беш жўжахўрозни Москвага жўнатган, мана энди томошасини биз кўраяпмиз. Бу ёғини ҳал қилиб олай, кейин уларнинг ҳам танобини тортиб қўяман.

Каримовнинг машинаси икки дақиқада манзилга етиб келди. У машинадан тушаркан хўжалик ишлари мудирини ёнига чақирди:

-Бундан кейин машина орқа эшикдан ичкарига кирадиган бўлсин. Ана у одамлар нимани кутиб туришибди? Ё булар митингчиларми?

-Йўқ, митинглар жуда сокин ўтди. Булар шикоятчилар. Ер учун икки қишлоқ бир-бирига қарши бўлган. Самарқанд вилоятидан... Оқсоқоллари тўпланиб, сизнинг ёнингизга келишибди.

-Бундан кейин мен шикоятчи қабул қилмайман. Сайловларни ўтказиб олайлик, шикоят ёзишни ҳам маън этамиз. Индамасанг булар Оллоҳнинг устидан ҳам шикоят ёзишади. Ички ишлар вазирига топшириқ бер, автобусларига миндириб, чиққан жойларига жўнатсин.

Аммо шу пайт оқсоқоллар миршабларни четга суриб, унинг ёнига келишди. У бир ҳамла билан ичкарига кириб кетмоқчи бўлди. Аммо оқсоқоллар уни ўраб олишганди. Каримов уларни бир-бир кучоқлади. Баъзиларининг юзларидан ўпди. Кейин:

-Қани отахонлар овминга қўл очинглар, -деди. -Мен сизларнинг дардларингизни яхши биламан, миршаблар билан ораларингизда бўлиб ўтганларни "Правда" газетасида ўқигандим. Ўша пайтда чора кўриш ўрнига сизларни газетага ёздириб, шарманда қилганларни чикиб олган дарахтларидан туширамиз. Мана яқинда сайлов ўтказамиз. Мен номзодимни сизнинг тумандан қўйсам, қўллайсизми? Қўлласангиз, қани овмин айтайлик. "Овмин", "Овмин" деган оқсоқоллар Каримовни қайта бошдан кучоқлаб, юз кўзларидан ўпишди.

-Сайловолди учрашувига борганда ҳамма масалангизни ҳал қилиб бераман, ҳозир эса ҳаммангиз уй-уйингизга марш, иншоллоҳ, яқинда кўришамиз.

Шошиб қолган оқсоқоллар орқага чекиниб, Каримовга йўл беришди. Каримов ичкарига кираркан, олтинчи қаватга чиқишни кутиб ҳам ўтирмай, биринчи қаватдаги хожатхонага югурди. Юз-қўлини юваркан, бобой зоти жуда сассиқ бўлади, деб ўйлади. Баъзиларининг соқоли кўкариб кетибди, нос чекавергандан бўлса керак...

Каримов жирканганча қайта-қайта тупурди-да, юз-қўлини такрор ювиб, ташқарига чикди. Аммо лифтнинг ёнида бир зум тўхтаб қолди. Илгариги раҳбарлар мажлисдан кейин вилоятдан келган биринчиларга албатта зиёфат қилиб беришарди. Бу билан ҳам уларнинг кўнглини олишарди, ҳам ўзларига боғлашарди. Бу анъанани бузсамми, деб ўйлади Каримов. Йўқ, бирданига бўлмайди, буларнинг аксарияти олдингиларнинг думи. Жойларда чуқур илдиз отишган, кўпориб ташлаш қийин. Илдизларини бир-бир чопмоқ керак. Ҳозир сайлов олдидан уларни нишонга қўйиб, муҳолифатнинг йўлини тўсишим шарт. Мабодо бирлашиб кетсалар ота гўри-қозихона бўлади. Ҳозирча уларга "Сен яхши..." дейишим даркор.

Каримов хўжалик ишлари бўлими мудиридан "Биринчилар қаерда?" деб сўради.

-Улар боғдалар. Зиёфатни эса сарой орқасидаги меҳмонхонада ҳозирладик.

Каримовнинг жаҳли чиқди. Нега мендан сўрамай ҳозирлашади? Ким буларни бу қадар мустақил қилиб қўйган? Эҳ-ҳе, олдимда қанча ишлар бор, деб ўйлади.

-Нега мен билан маслаҳат қилмадингиз? Бугун жумҳурият тарихида алоҳида кун. Она тилимизга давлат тили мақоми берилди. Бу шодиёна учун сичқоннинг инидек жойда зиёфат берамизми? Қачонгача кўрқиб, писиб яшаймиз. Ҳозирданок лойиҳаларни тайёрлашга киришинг. Сайлов ўтгунга қадар зиёфат берадиган саройимиз бўлсин. Янги парламентнинг биринчи сессиясида улкан қарорлар оламиз. Уларни "ювиш" учун қошонага эҳтиёжимиз бор, -деди мудирга. Мудир топшириқни ён дафтарига ёзиб оларкан, Каримов ташқарига қараб одим ташлади.

-Соат нечада тўпланишади?

-Сиз қачон келсангиз ўшанда... Дарвоқе, зиёфат жойини "иккинчи" билан маслаҳат қилгандик.

-Бу ишларда иккинчи-пиккинчи йўқ. Ҳаммасини мен билан маслаҳат қиласан. Табиийки, бу ерда ишлашни истасанг. Ё, менинг одамим бўласан ёки ҳеч ким.

Каримов ташқарига чиққанда қуёш ётоғига бош қўя бошлаган, вужудидан қон сизиб чиқаётган аскардек бир мушт бўлиб қолганди. У қуёшнинг бу ҳолидан норози бўлгандек шафаққа разм солиб турганди, яқиндаги стадиондан мухлисларнинг саси юксалди.

-Нима гап? -деб сўради Каримов мудирдан.

-Бугун футбол командаларининг учрашуви бор эди.

-Ўша "иккинчи"нга айт, Спорт қўмитаси раисини ишдан олишни буюрсин. Бундан кейин менинг изнимни олмасдан бирор бир ҳаракат қилинмайди. Бурнимнинг тагида саксон минг одам кичкириб ўтирса-ю, мен беҳабар. Шаҳар бедарвоза эмас!

Орадан кўп ўтмасдан унинг "Шаҳар бедарвоза эмас" деган гапи оғиздан оғизга ўтиб, машҳур бўлиб кетишини ҳали ўзи билмасди. Бора-бора бу гап ҳар бир раҳбарнинг ҳам буйруғи, ҳам илтижоси, ҳам қалқони, ҳам қилмишига айланажагини Каримов билмаса-да, воқеалар шу атрофда ривожланажагини ҳис этарди. У Сулаймон айри, девлар айри бўлишини истамасди. Девлар Сулаймон учун, Сулаймон яшаса, девлар яшайди, деб ўйларди. Буни ҳақиқатга айлантириш учун ҳар бир дақиқа, ҳар бир сониядан фойдаланиб қолишга уринарди. Унинг ҳаёт -мамоти, жон-жаҳди, орзу умиди ана шу эди.

28. НОМЗОД

Каримов зиёфатдан кеч қайтди. Вактини беҳуда ишга сарфлаган одамдек ётган жойида узоқ тўлғанди. Ичкилик-у егуликнинг сероблигидан ўз насибини олган Каримов бу юкнинг оғирлигидан бўлса керак кўзи юмилиши билан туш кўра бошлади.

...Баланд тоғ. Теппада икки қоя, иккиси ҳам қиличга ўхшайди. Қояларнинг устида икки махлуқ.

Бирининг тўрт оёғи, олти қўли, бир қанча қаноти бор.

Иккинчисининг эса бир қўли, бир оёғи, бир кўзи бор.

Каримов ўртада муаллақ. Махлуқлар унга ашула айттиришяпти. Маҳаллий тилда ашула билмайман, деса ҳам "Айтасан, акс ҳолда пастдаги балчиққа отиб юборамиз" деб пўписа қилишарди. У эса билмагани учун мажбуран русча айтарди. Махлуқлардан бири ашуласидан безди, шекилли, уни отиб юборганди, иккинчиси ушлаб олди. Махлуқ пешонасининг терини артаман деганди, кафтидаги кичкина қиличлар Каримовнинг юзини қириб юборди. Оғрикдан бўлса керак ўзини ён тарафга отганди пастга тушиб кетди. Балчиқнинг ҳиди кўнглини беҳузур қилди. Лекин атрофнинг юмшоқлиги ҳузур бахш этди. Мириқиб ухлаш учун балчиққа бош қўйди...

Каримов уйғонганда бош учида кундалик газеталар турарди. Ёнбошлаганча "Қишлоқ Ҳақиқати"ни олиб сарлавҳасига назар ташлади: Каримов сўз берди-номзодини Каттақўрғондан кўрсатади". Сарлавҳанинг остида унинг оқсоқоллар билан ўпишиб турган пайти акс этирилган сурат. У жаҳл билан бош учидаги тугмани босди.

Эшик очилиб, ичкарига умр йўлдоши Татьяна кирди.

-Сени чақирдимми, хайвон, -дея бақирди умр йўлдошига Каримов. -Қани бу хўкизлар?

-Эрталаб келишганди, сиз ҳали ухласангиз керак, деб газеталарни олиб қолдим.

-Сен қачондан хўжайин бўлиб қолдинг? Менинг ишимга бош суқма, демаганмиман?

-Кечаси билан алахсираб чиқдингиз. Бироз дам олинг, девдум.

-Ҳа, қилғиликни қилиб қўйиб, сутдан чиққан қошиққа ўхшаб турасан. Ўзингга гард юктирмайсан.

-Вой, қошиқ деганингиз нимаси?

-Қошиқ деганим мана бу!-Каримов бир сакраб ўрнидан турди-да хотинининг юзига тарсаки тортиб юборди.

Татьяна бир тарсакидан кейин иккинчи, учинчиси ҳам келишини яхши биларди. Шу сабабдан гап қайтариш ёки йиғлаш ўрнига дарров қочарди. Бу сафар қочаркан эшик нохосдан қарсиллаб ёпилди. Каримов буни тарсакига жавоб деб ўйлади ва жаҳлини пишқиртириб, Татьянани қувиб кетди. Татьяна ҳовлига қочиб чиққанда, хўжалик ишлари мудирлари сут, қаймоқ кўтариб келаётганди. Татьяна ундан уялиб, орқага қайтмоқчи бўлди. Лекин аждаҳодек пишқириб келаётган эрининг жаҳлидан жумбушга келган кўркүв туйғуси бу уятни енгди. Каримов эса мудирни кўрмади ҳам. Ҳовли кенгиш бўлиб, бир томони катта боққа уланарди. Бу боғ "биринчи"лар учун махсус иншо этилган ва атрофи баланд деворлар билан ўраб олинган. Татьяна югуриб борар экан, оёғидаги тапочкаси икки томонга учиб кетди. Каримов бу тапочкаларни олиб унга улоқтирди. Баланд овозда бир-икки сўқди-да, орқасига қайтди. Мудир кўркүвнинг сут-қаймоқни остонада қолдириб, ғойиб бўлган эди. Каримов қоғоз қутидаги сутни тепиб юбораркан, қаймоқларни эса боғ томонга улоқтирди. Кейин шариллаган сас унинг диққатини тортди. Бу эшаклар ҳалигача ҳовузни ҳам тўлдиришмабди, деб ўйлади у ва ҳовуз томонга юрди. Ҳовуз тўлиб кетган, ундан тошган сув атрофга оқаётганди. У аввал совуқ сувнинг жўмрагини беркитди, кейин эса иссиқ сувнинг. Ич кийимларини атрофга улоқтириб, ҳовузга кирди. Худога шукур, бу дунёда ҳам роҳат қиладиган пайт бўлар экан, деб ўйлади.

Ярим соат ҳовуздан чиқмади. Бу орада Татьяна унга янги ич кийимлар ва сочиқ келтирди. Эрининг одатига кўникиб қолган хотини, хизматчиларга ҳам жавоб бериб юборгани учун, бошини эгганча, ҳовуздан чиқадиган жойдаги мармар тошларни арта бошлади.

-Ҳа, падхалимлик қилаяпсанми, эрим ҳовуздан чиқса, йиқилмасин деяпсанми ?

-...

-Бор, мудирни чақир!

Мудир пойлаб турган экан, югуриб келди.

-Янгангдан латтани ол, -деди у мудирга. -Сен эса йўқол! -деди Татьянага.

Мудир аввал ўзининг янги кийимларига назар солди, кейин югуриб бориб, Татьянанинг қўлидан латтани олди. Илгариги раҳбарлар хўп одам экан, деб ўйлади мудир. Ҳеч бири бунақа бақириб-чақирмасди. Ҳаммасининг осмони осмон эди, буникида эса момақалдирокдан бошқа нарса йўқ. Илгаригилар хотинларидан ҳайикиб турардилар. Жаҳллари чиққан бўлса ҳам умр йўлдошларини кўрганда, Московдан келган меҳмонни қаршилагандек сохта тиржайиш билан эзилиб-сузилардилар. Улар Москвадаги бошлиқларига ҳам тақлид қилардилар, ҳам кўрқардилар. Москов уларнинг авзойи, қадам олишлари, юриш-туришлари ҳақида биздан хабар олиб турарди. Бундан ташқари бир қанча жосуслар ҳам шу хусусда маълумот йиғиб, юқорига бериб турардилар. Бирданига замон ўзгарди. Нима бўлаётганига ҳеч кимнинг ақли етмайди. Ҳали Москвада раҳбарларнинг имтиёзларини чеклаш ҳақида қарор чиққанига бир ой бўлгани йўқ. Мана бу тентак эса олдингисидан ҳам ошироқда. Одамлар отдан тушмоқда-ю бу эса туяга минапти. Тож кийган шоҳ ақл олади, деганлар, балки...

-Нимани ўйлаб қолдинг бунча? Дафтарингни ол, ёз! -деди Каримов унга. У бир сапчиб ўрнидан турди-да, хўл қўли билан чўнтагидан ён дафтарини чиқарди. Кейин:

-Эшитаман, -дея Каримовга яқинлашди.

Чалқанча ётиб, сув устида юзаётган Каримов, ховуздан чиқадиган нарвончани ушлаб оёққа турди.

-Бир. Эртадан эътиборан барча хизматчилар, докторлар, массажчи ҳамширалар шу ерда ётиб қолади. Сен ва Крайнов ҳам навбатчилик қиласизлар.

Икки. Идеология котибига айт, "Қишлоқ ҳақиқати"газетаси муҳарририни ишдан ҳайдасин. Газеталарга бериладиган ҳар бир хабарни шахсан ўзи ўқисин ва менга билдириб турсин. Уч. Савол бўлмаса бор, сартарошни чақир!

-Илгари барча шу ерда ётиб қоларди. Лекин Московдан қарор келгач, бунга чек қўйдик. Муҳаррир масаласига келсак, у Московнинг депутати. Гапирсак, оғзимиз ёнади.

-Сенга оғиз ёниш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман. Московнинг қарори билан менга пўписа қиляпсанми? Шу соатдан эътиборан ишдан ҳайдалдинг. Бирор жойда гинг десанг, онангни Учқўрғондан кўрсатаман! Агар сасинг чиқадиган бўлса, қамокда чирийсан. Камерага саломга келиб тураман. Ҳозир эса бор, ишдан ҳайдалганинг ҳақида қарор ёзиб кел.

Мудир шалпайганча чиқиб кетаётганди, Каримов уни тўхтатди.

-Ҳа, ранг-рўйинг ўликниқига ўхшаб қолди? Ё, уй-жойингни, машинангни тортиб олайнми? Ёки тафтиш бошлатайми? Буларни истамасанг, қаддингни тик тут. Айтганимни бажар! Қарорни ёзиб, ўринбосаринг Мавлонга бер. У имзога олиб келсин.

Мудир чиқиб кетар экан, Каримов унинг орқасидан бир-икки бўралаб сўкди-да яна сувга шўнғиди...

Каримов ишхонасига келиши билан идеология котибини чақирди.

-Бу нима? -дея "Қишлоқ Ҳақиқати" газетасини унинг олдида отди.

-Муҳаррири гапимизга қулоқ солмайди. Илгари икки марта бюрога чақирдик, келмади. Ҳозир эса депутат бўлиб олган.

-Сиз ўзи илгари қаерда ишлагандингиз? Қандай қилиб бу ишга келиб қолдингиз? Сизга қулоқ соладиган одам борми бу дунёда? -Каримов саволларига жавоб ҳам кутмасдан, сўзда давом этди. -Келинг, сизни шу муҳаррирнинг зулмидан қутқарай. Кўнглингиз қаерни орзу қилади? Истаган жойингизни айтинг, ўша ерга юбораман. Ади-бади айтишга эса вақтим йўқ. Сасингиз чиқадиган бўлса, сиздан олдин бу вазифада ишлаган хонимчанинг ҳолига тушасиз. Камгап, юмшоқкўнгил одамсиз. Минг гапга бир гап билан ҳам жавоб бермаслигингиз менга маъкул. Хўш, ўрнингизга кимни келтирамиз? Бу хусусда ҳам демак фикрингиз йўқ. Ундай бўлса "иккинчи" билан учрашинг, эртанги пленумга ариза ёзинг, ўрнингизга эса Академияда ишлаётган Жаҳонгир Ҳамидовни тавсия қилинг.

Котиб бундай суҳбатга тайёр эди. Чунки Каримов вилоятда ишлаётган кезде иккаласининг ораси бузилганди. Шу боис масала бу қадар силлиқ ҳал бўлишидан енгил тортди. Аммо ўз ўрнига тавсия этиладиган киши бу соҳадан узоқлиги уни ўйлатиб қўйди. Каримовнинг бироз юмшаганидан ва иш ваъда қилаётганидан таскин топган котиб:

-У киши биолог, бу ерга эса мафкура соҳасидан бирини келтирсакмикан?

-Мана сен мафкурадан келгансан. Нима қилиб бердинг? Агар гапни кўпайтирадиган бўлсанг, Московдан иш қидирасан. Уч кунда думингга супурги боғлайман.

Яна котиб индамай турди. Каримов эса ичини тўкди. Сўкканида ва ҳатто урганида индамай турадиган одамни яхши кўрарди. Гап қайтарган, савол берган киши эса қанчалик ҳақ бўлмасин барибир унинг қаҳрига учрарди. Котиб эса асли индамаслардан эди. Унинг жим туриши Каримовни юмшатди.

-Бўпти чиқ, пленумдан кейин қабулимга келасан. Ҳа, Крайновга айт, менга муҳаррир Аҳмаджон Мухторовни боғласин.

Каримов бардоқдаги чойдан бир ҳўплам ичмасидан телефон жиринглади.

-Аҳмаджон Мухторов телефондалар, -деди Крайнов.

-Боғла!

Каримов қуюқ салом-аликдан кейин:

-Аҳмаджон ака, бугунги мақолангизни ўқидим. Минг раҳмат сизга. Номзодимни Каттақўрғондан қўйишни сизга ўзим айтаман, деб турувдим. Кўнглим бўлинг-е, ичимдагини топибсиз. Сурат ҳам аъло. Телефон қилаётганимнинг биринчи сабаби, раҳмат айтиш бўлса, иккинчиси, бир маслаҳатим бор эди. Биласиз, Москвадаги депутатларимиз тарқоқ бўлиб кетишган. Баъзилари ану Нишонов деган латтанинг соясига айланишган, баъзилари эса умуман сўзга чиқишмайди. Мажлислар залида ҳам ухлашади. Эртанги пленумимиздан кейин иккаламиз Москвага борсак, депутатларимизни йиғиб гаплашсак. Уларга сизни бошлиқ қилиб қўйсам, ўзингиз тарбияласангиз. Менинг Москвадаги кўз-қулоғим бўлсангиз. Бу ердаги ўрнингиз ҳам бўш туради. Қолаверса, сайловлардан кейин янги парламентнинг газетасини чиқарамиз. Уни ҳам ўзингиз йўлга қўйиб берасиз. Аслида эртанги пленумда сизни мафкура котиблигига келтирмоқчи эдим. Лекин у ер сиз учун анча паст. Раҳмат ва қуллуқларни келажакка олиб қўйинг. Ҳозир эса катта ишларга шайланинг. Бу жумҳуриятни иккаламиз оёққа қўямиз. Сиз Москвада, мен эса бу ерда!

Каримов телефон дастасини ўрнига қўяркан, бирор йил Москвада совуқ қотиб юрсин, кейин йўлини қилиб газетадан четлаштираман, ҳозирча ўзимнинг одамларимдан бирини ўринбосар қилиб қўяман, ишни у юритади деб ўйлади...

Партия Марказий қўмитасининг пленуми Каримов ўйлаганидек ўтди. Эски дўсти Жаҳонгир Ҳамидовни мафкура котиблигига тавсия қилди. Илгари котиблик у ёқда турсин оддий ходимни ишга олишни ҳам Москва ҳал қиларди. Лекин кейинги вақтда бутун ваколатни маҳаллий ҳокимиятга беришди. Энди котибни сайлаб бўлгачгина бу ҳақда Москва хабардор қилинади. Бўлим мудирлари, ходимлар эса Москownи кизиктирмайди. Чунки буларсиз ҳам уларнинг боши чўп суқилган арининг уясидек ғувиллаб ётибди. Ҳар кун бир янгилик, ҳар кун бир ташвиш. Янги сайланган СССР Олий Совети тонгдан оқшомгача, оқшомдан саҳаргача мерос талашган болалардек жанжал билан овора. Каримов учокда шулар ҳақида ўйлаб ўтираркан ёнига муҳаррир Аҳмаджон Мухторов келди.

-Эртага меҳмонхонада бир қўлбола ош буюрсангиз, -деди у муҳаррирга. -Мавлон сизга ёрдамчи бўлади.

Каримов ёнида ўтирган Мавлонга қараб:

-Кеча тасдиқдан ўтдинг, энди буни ювамиз. Сен болага айтиб қўйай, агар гапимдан чиқмасанг баланд-баланд жойларга кўтараман сени.

Мавлон ўрнидан туриб, қуллуқ қилди. Каримов унинг ўрнини муҳаррирга кўрсатиб:

-Ўтиринг гап бор, -деди. Мавлон эгилиб ўриндиқ остидаги дипломат-сумкани олмоқчи бўлганди, Каримов: -Тураверсин, Аҳмаджон аканинг олтину пул билан иши йўқ, -деди. Кейин Мавлоннинг узоклашишини бир лаҳза кутиб турди-да, муҳаррир томонга эгилди: -Нишонов билан орангиз қандай? -деб сўради.

-У миллатимизнинг бошига кулфатлар келтирди. Энг яхши инсонларни тухмат билан қамалишига кўз юмди. Миллатимиз масҳара қилинар экан, у ҳам қўшилиб кулди. Водий воқеалари Москва томонидан уюштирилди, аммо унинг хабарсиз бўлишига ишонмайман. Акс тақдирда уни Москвага шундай катта ишга олишармиди ?

-Балли оғайни, -деди ҳаяжонланган Каримов. -У менинг йўлимга тўсиқ бўлди, лекин кўлидан бир иш келмади. Бу борада сизнинг ҳам хизматларингиздан хабарим бор, унутмайман. Ана унинг эса яқинда оиласини ҳам қуваман. Бир умр юртга қайтмайдиган қиламиз. Сиз Московдаги газеталардан уч-тўрт кишини сотиб олинг, масрафини Мавлон ҳал қилади, -дея у кўрсатгич бармоғи билан қора дипломатга ишора қилди. -Нишоновга қарши жиддий кампания бошлатишимиз керак. Эртага сизни раҳбар қилиб қўйганимиздан кейин депутатларнинг жоловини ҳам қўлга оласиз.

Мухаррир мушоҳадага борса-да, эътироз билдирмади. Каримовнинг бу қадар ишониб, ўзига яқин олаётгани уни қувонтирди.

-Биласизми битта таклифим бор, -деди у. -Ҳозир Москва кўп масалада ваколатни маҳаллий ҳокимиятга бермоқда. Биз ҳуқуқ борасида ҳам одим отмоқчимиз. Гдлян ва Иванов йигирма мингдан кўп инсонни қамокқа тикди, зор қакшатди. Буларнинг орасида қанча-қанча олтин кадрларимиз бор. Ҳозир бу терговчилар депутат бўлиб олишган, лекин биз ҳам бўш келмаймиз. Тергов ва суд материалларини ўзимизга оламиз. Сиз эса уларни озод қилиш ташаббусини бошлайсиз. Бу билан бирданига икки куённи урамиз. Биринчидан, озод қилинганлар "нишоновчи"ларга қарши курашчимизга айланади. Иккинчидан, улар сизни ҳар қандай шароитда ҳам сотмайдиган содиқ одамларингиз бўлади.

Мухаррир аслида қамокларда эзилиб ётган инсонларни тезроқ озод қилиш пайида эди. Каримовни қизиқтириш учун буни таклифларга айлантириб юборди. Каримов кўнглида шам ёқилган кишидек севинчини яширмади. Унинг жаҳли нақадар тез чиқса, севиниши ҳам самимий эди. Аммо бу самимийлик узоқ яшамасди. Кўпинча чала туғилган боладек ё ногирон бўларди ёхуд узоқ умр кўрмасди.

-Мен сиз ҳақингизда нотўғри ўйлаб юрган эканман, сиз ўғил бола экансиз, -дея мухаррирнинг тиззасига шапатилади ва сўзда давом этди. -Бундан кейин ҳамма масалани маслаҳатлашиб ҳал қиламиз. Московдан қайтгач, газетангизда ёзиб, халққа ошкор қилганингиздек Каттақўрғонга бораман. Сайловолди учрашуви баҳона. На фақат халқимизга, балки Москвага ҳам кимлигимни кўрсатиб қўйишим керак. Шу сабабдан яхшилаб бир нутқ ёзсангиз. Учрашувда ўқиб ўтирмайман. Ёзилган нарсани ўқишга ҳафсалам йўқ. Учрашувни кишлоқ жойида ўтказамиз, мухбир-пухбир таклиф қилмаймиз. Матбуотга эса сиз ёзган нутқни берамиз. Аммо нутқ бутун дунёнинг диққатини тортадиган бўлсин. Демократиядан бошланиб, ошкоралик билан тугасин. Бизнинг дастуримиз нимадан иборат эканини ўртага қўйинг.

Улар Москвага етиб келганларида мухаррир Каримовнинг кулоғига шивирлади:

-Баъзи жумҳуриятлар раҳбарлари айна пайтда ҳукуматга ҳам раҳбарлик қилишни илгари сурмоқдалар. Москвадан янги имзоланажак шартнома доирасида ўзларга кенг қамровли мустақиллик беришини талаб қилмоқдалар. Москва иттифокда қолиш қолмаслигимиз ҳақида референдум истаяпти. Демак, кўлимизда иккита урувчи қартамиз бўлади - бири "туз", бири "қирол". Бунинг эвазига сайловдан кейинги биринчи сессиядаёқ тишимизни кўрсатамиз. Нима бўлса ҳам қўй эмас, бўри эканлигимизни исботлаймиз...

Каримовнинг Москвадаги иши тез битди. Депутатлар билан учрашувдан кейин Марказкомга бош суқди. Иттифок шартномасини сайловдан кейин муҳокамага қўясиз, дейишгани учун дарров орқага қайтди. Келиши биланок бюро аъзоларини бир-бир чақирди. Сайловни қандай ўтказиш ҳақида уларнинг фикрларини сўради. Кейин эса бюро мажлисини чақирди.

-Ҳар бирингиз сайлов учун сафарбар, -дея сўз бошлади у. -Вилоят партия қўмиталари номзодлар рўйхатини ҳозирлагач, уни Марказқўмда синчиклаб ўрганиб чиқасиз, қолипга

соласиз. Ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, партия аъзоси бўлмаганлар фоизига кўра белгилансин. Кейин рўйхатни КГБ ҳам текширувдан ўтказсин. Номзодларнинг ёши, жинси, келиб чиқиши, миллати, дини каби масалалар ҳам қолипга тушсин. Ҳар қандай ўзбошимчаликнинг олди олинсин. Демократия, ошкоралик, эркинлик биз истагандек бўлади. Шу сабабдан номзодлар кўрсатишни очик ўтказиш керак. Исташса юз номзод кўрсатишсин, лекин охир оқибатда бизнинг номзод ўтсин. Агар янглиш ҳол юз берадиган бўлса, масъул раҳбарлар қош-кўзинг бор демасдан ишдан ҳайдалсин. Янглиш номзодлар эса ўзлари ариза ёзиб, ўртадан чиқсинлар. Бюро мажлисига тақдим қилинадиган номзодлар рўйхати уч ранг билан ўралади. "Қизил ранг" номзод ҳар қандай шароитда ҳам депутат бўлиши шарт, "кўк ранг" номзод муқобил асосда сайланади, аммо муҳаққақ депутат бўлади, "қора ранг" эса ушбу номзод ўрнига шу ёшдаги, айна миллат, айна касбдаги, бизга хайрихоҳ киши ўтишига рухсат бўлиши мумкинлигини англатади. Марказқўм аъзолари, таниқли шоир, ёзувчилар, жумладан, Исо Холис, Эркин Воҳидов, Примқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева сингарилар биринчи рўйхатга олинсин. Парламентнинг эллик фоизи ана шу рўйхат асосида ўтганлардан, йигирма беш фоизи "кўк" ва қолгани "қора"лардан бўлсин. Керак бўлса, баъзи жойларда бюллетен масаласи ҳам ишга солинсин. Сайлов комиссияси раиси Қудрат Аҳмедов ҳар кун, ҳар соатда ҳисоб бериб турсин. Бошқа таклифлар борми?

Ҳамма жим эди. Чунки Каримов ҳаммадан сўраб олганларини ўзининг номидан қилиб, ўртага отган эди.

-Саволлар бўлмаса ҳамма ўзига ажратилган вилоятларга йўл олсин. Ҳар оқшом соат ўн иккидан кейин сизларни қидириб, ҳисоб сўрайман, -дея мажлисни якунлади...

29.УЧРАШУВ

Каттақўрғондаги сайловолди учрашуви бир колхознинг клубида бўлди. Каримовдан олдин сўзга чиққанлар унинг ўзи ҳам билмаган хислатлари ҳақида гапиришди. Кейин ўрта ёшлардаги бир киши минбарга югуриб чиқди.

-Мен ўқитувчиман, -деди у. -Айни пайтда "Бирлик" Халқ ҳаракатининг аъзосиман. Лекин бизнинг номзодни рўйхатга олишмади. Биз мустақиллик, демократия ва ошкоралик тарафдоримиз. Мажлисларимиз қонун чарчавасида ўтгани ҳолда бизни рўйхатга олишмагани қаршимизда мустақиллик, демократия ва озодлик душманлари турганини кўрсатади...

-Нима гап? -дея Каримов вилоят биринчиси Пўлат Абдурахмоновга юзланди.

-Бу ҳаракат ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилаяпти. Кўп жойларда халқ оёққа турди. Жанжал-тўполонни қийинчилик билан бостираяпмиз. Баъзи номзодларга кўз юммасак бўлмайди.

-Сизни вилоятга юборишда умидларим катта эди. Келганингизга икки ой бўлгани йўқ. Ёки оғир иш эканми? Сизнинг гапингизга қулоқ соладиган бўлсак, мана буларга ҳам кўз юмиш керак, муҳтарам Пўлат Мажидович. Истасангиз, мен чиқиб кетай, буларни сайланг, -деди Каримов киноя билан.

Минбардаги ўқитувчи исмини тилга оларкан, Каримовнинг хаёли бўлинди.

-Биз меҳмонимизга қарши эмасмиз. Ҳатто у киши ўз номзодларини туманимиздан кўрсатганлари учун раҳмат айтамыз. Лекин муқобил сайлов бўлсин. Барибир халқ бу кишини сайлайди. Аммо айна пайтда жумҳуриятга муқобил сайлов ибрати берилади.

Ўқитувчи минбардан тушаркан, Каримов ўрнидан туриб, унинг ерини ишғол этди. Залдаги олқишлар унинг сўзга чиққани учунми ёки ўқитувчининг жасоратигами англаш мушкул эди.

Каримов олқишларни ўқитувчи учун деб ҳисоблади ва яна ҳам жаҳли чиқди. Шу сабабдан қисқа, аммо жўшиб гапирди.

-Биринчидан. Халқ ҳаракати номзодини рўйхатга олмаслик жиноят. Халққа қарши келадиган куч борми? Сиздан сўраяпман, шундай куч борми? -Залда гулдурос қарсак янгради. Баъзилар ўринларидан туриб, қарсак чалаётган эдилар. Каримов бироз залга киноя билан термулди-да, сўзда давом этди:-Иккинчидан, мустақиллик дея кўкрагига ураётганларга ишонманг. Сизнинг ҳақингизни кесиб, армия тузишга, чегара қўриқлашга ундашмоқда бизни. Бутун дунёдан узиб қўйишмоқчи бизни. Сув йўлимиз, темир йўлимиз борми? Бугун биз учун яккаю ягона йўл иттифоқ ичида қолиш, аммо ҳақларимизни ундириб олишдир. Московнинг бўйнидан бўғиб, сизнинг ҳақларингизни талаб қилсам, орқамда турасизми?

Яна қарсак сели ёғилди. Каримов энди бу олқишдан лаззатлана бошлади.

-Қилғиликни қилиб қўйиб, Московга қочиб кетганлар мажлисларда бурун ковлаб ўтирибдилар. Мен янги парламентнинг биринчи мажлисида Фарғона, Паркент воқеалари айбдорларини ўртага чиқараман. Бурунларига ип ўтказиб, тортиб олиб келаман ва сизнинг номингиздан ҳисоб сўрайман. Менга бу ваколатни берасизми? -Энди унинг ҳар бир жумласидан кейин қарсаклар тўлкин каби бориб келаверди. Халқ унинг бузиб айтилаётган калималарига эмас, ҳайқириб айтилаётган ифодаларига маҳлиё бўлган, умрида эшитмаган гапларини илк бор эшитаётгани учун тинимсиз олқишлаётганди.

-Биз мард халқ, лекин бизни ўғри, муттаҳам, порахўр дея айблашди. Ҳали ўша Гдлянларни мана шу ерга олиб келиб, суд қиламиз. Қамокдагиларнинг ҳаммаси озод қилинади ва ўз вазифаларига қайта тикланади.

Каримов бармоғи билан биринчидан, иккинчидан дея санай бошлаганди, аммо кўлини мушт ҳолда минбарга ураётгани учун санокдан ҳам адашди. Қарсаклардан сўнг минбардаги сувдан бир қултум хўпларкан:

-Хўш, нечанчи бўлди, ҳар ҳолда олтинчи бўлса керак, -дея чап кўлининг бошмалдоғини кўрсатиб, сўзда давом этди. -Бундан кейин пахтани ўзингиз экасиз, пулини ўзингиз ҳисоблайсиз, истасангиз пахта, истасангиз мева экасиз, истасангиз боғ ташкил қиласиз. Бундан кейинги шиоримиз: қишлоқ бой бўлмаса давлат бадавлат бўлмайди. Бугунгача вагонлар Московга тўлиб борган бўлса, бундан кейин вагонлар юртимизга тўлиб келади. Бундан кейин фарзандларимизни уруш бўлаётган жойларга хизматга юбориш йўқ. Ҳар бир аскар учун аввал кафолат истаймиз.

Еттинчидан, тартиб ўрнатиш баҳонасида келганларни келган жойига жўнатамиз. Битта чамадон билан келган бўлсалар битта чамадон билан қайтадилар.

Ва охиригиси: сайловлар ҳалол, пок, тўғри ўтиши учун мана мен кафолат. Бу сайловлар халқ сайловларидир!

Каримов гулдурос қарсаклар оғушида ўз ўрнига келиб ўтираркан, минбарга бир йигит югуриб чиқди.

-Халқимиз ҳақиқатдан ҳам мана шундай жасоратли, айтиб ташлаб қочмайдиган раҳбарга илҳақ эди. Айтиш бошқа, бажариш бошқа. Ё, зулфиёр, ё, зулфиқор! Иккисидан бирисини танламоқ керак. Зулфиёрлик ёлғон ва хушомад йўлидир, зулфиқорлик эса ўткирлик, айтганини шартта кесишдир!

-Ким бу? -дея сўради Каримов.

-Бошимизнинг балоси, -деди Пўлат Мажидович. -Фелъетончи. Фақат танқид ёзади. Яқинда телевизорда ҳам бизни шарманда қилди. Исмо Миртемир.

-Бу ерда нима иши бор?

-Мухбир сифатида келган.

-Унда мухбирлигини қилсин. Нега сўзга чиқади?

-Битта туманимиздан унинг ҳам номзодини кўрсатишган. Гапга чечанлиги учун халқни орқасидан эргаштириб олди. Чақириб гаплашдик ҳам бўлмади. КГБни ишга солдик, натижа бермади. Икки марта рўйхатдан ўтказмадик, учинчисидан мажбур бўлдик...

Миртемир қисқа гапирди. Минбардан тушар экан, Каримов уни ёнига чақирди

-Ука, билиб қўй...

Каримовнинг гапи оғзида қолди. Залдагилар мажлис тугади деб ҳисоблашди, шекилли, юзга яқин оқсоқол юқорига чиқиб, Каримовни ўраб олишди.

-Бизнинг масалани ҳал қилиб бермасдан кетмайсиз! -Оқсоқоллар бирин кетин Каримовга ўз дардларини тушунтира бошладилар. Каримов вилоят биринчисига юзланди:

-Оқсоқоллар туманнинг биринчи котибини ишдан олишни истаяптилар. Уддасидан чиқа оласанми?

-Қийин. Унинг орқасида ҳам ана шунча оқсоқол бор.

-Чақир ўзини.

Бир тарафга чекиниб турган туман котиби Каримовнинг ёнига келди.

-Неча ёшдасан? -деб сўради Каримов ундан.

-Ўттиз бешда, -деди у.

-Ҳали тирранча экансан. Нега қорин кўйдинг? Думба ёғли палов ейишдан бошқа ишинг йўқми? Ё бу масалани тинчит ё аризангни ёз! Умуман орқага одам йиғиш одати қаердан чиқди? Уч кунда масала ҳал бўлмаса махсус тафтишчиларни юбораман ва сени асфаласофунга жўнатаман.

Туман ҳокими миқ этмай турди. Оқсоқоллар мамнун эдилар. Каримов уларнинг орасидан сийрилиб чиқаркан Пўлат Мажидовичга:

-Бироз каттиққўл бўл. Буларни парчалаб ташла. Бундан кейин тўпланиб юришларига чек қўй. КГБнинг бу ердаги бўлимини кучайтир. Гуруҳларни эмас, шахсларни бир-бирига қайрасин. Туман биринчисини эса ишдан ол, -деди ва клуб яқинидаги майдончада турган вертолётга миниб, кўкка кўтарилди.

Заминдагилар вертолёт ортидан тикилиб қоларканлар кўнгиллари умидларга тўлганди. Аммо умидлари ҳам ана шу вертолёт билан бирга осмонга учганидан беҳабар эдилар. Буни сезиш ёки ҳис қилиш учун эса бир неча йиллар керак бўлишини билмасдилар.

Уларнинг қалблари, фикрларини янги бир оғу тортанак уяси сингари ўраб ола бошлаганди. Бу тортанак уясининг иплари уларга нур бўлиб кўринаётган эди. Нур гўё вертолёт парраклари орасидан синмасдан ўтаётгандек туюлсада, аслида парраклар кўкдан ёғилаётган ёруғ нурнинг йўлини тўсган, заминга эса Каримовнинг "нур"лари оқиб келаётганди.

30. МАШВАРАТ

Ҳаво онийдан исиб кетди. Ойлардир ер устини қоплаб ётган қатлама муз икки куннинг ичида эриб, сувга айланди. Қиш кунлари сархуш одам каби шакарлама уйқуси остида қолган дарахтлар бирдан уйғонди. Куёш жилмайиб қолганидан алданган дарахтларнинг шохларида ўсмирнинг сабза соқоли каби эрта уйғонга битта яримта куртаклар кўзга ташланиб қолди. Ҳаводаги ўзгариш одамларга ҳам кўчди. Палто-ю рўмолларини

улоқтирган қизлар қор остидан бош кўтарган чучмомолардек кўзларга тигдек санчилдилар. Кўкракларини очиб олган йигитчалар эса овга чиққан алпомишлардек кўчаларни тўлдирдилар.

Аммо бу ҳол узоқ давом этмади. Қор қандай эриган бўлса, худди ана шундай яна атрофни қоплаб олди. Шошқалоқ дарахтлару баҳорсевар йигит-қизлар хирчин совуқнинг игналарига дош беролмай яна яширинмоқ учун жой кидирдилар. Табиату одамларни замин деган майдонда ўйнатиб, тепадан томоша қилиб турган куч уларга нафақат ташқи томондан балки ичкаридан ҳам таъсир қилаётганди.

Эрта уйғонган дарахтлар боласини туширган онадек бўзларкан, одамларнинг фикру хаёлларида ҳам тўлқинсимон жумбуш бор эди. Ким асабий, ким эса янги фикрлар билан қайнашган, яна кимдир пихиллаб қолган бурнининг ташвишида...

Ҳамма ёққа ёйилган грипп Каримовни ҳам четламади. Оташи юксалгани, суяклари синқираб оғриётгани, товуши бироз хириллаб, бурни битиб қолганига қарамай сессияга тайёргарлик кўраётганди. Қаттиқ тазйиқларга қарамай бир неча вилоятда рўйхатда бўлмаган кишиларнинг сайланиб қолишлари уни роҳатсиз этаётганди. Шу дамда суякларининг оғриғи эмас, юрагининг аллақасидаги санчик унинг хаёлларини туптугундек ўзига боғлаб олганди. Аммо бу оғриқ юрагининг бирор бир еридаги хасталик аломати эмас, балки бу қадар ҳаракатларидан кейин ҳам парламентга кириб қолган "бегоналар" дардининг белгиси эди.

Икки кун олдин бюрода бир қанча раҳбарларнинг фаолиятига нуқта қўйди. Кейин бу масалани Компартия пленумига олиб чиқди. Баъзиларининг бошидан қайноқ, айримларнинг бошидан эса совуқ сув тўкди. Лекин юраги жойига тушмади. "Нега? Нега?" - деган савол кўкрагида гуп-гуп уриб турарди. Ҳар қанча уринмасин уни тинчита олмаётганди. Парламентдаги арифметикани, яъни овозлар ҳисоб-китобини қайта-қайта кўздан кечирди. Бегоналар бор-йўғи беш фоиз. Аммо бутун тарих бўйинча урушларни, инқилобларни, давлат тўнтаришию исёнларни аксариятнинг беш фоизи ҳал қилган.

Қаерда хато қилдим, дея ўйларди Каримов. Энди хатони тузатишга кеч. Бу беш фоизнинг йўлини тўсишим керак. Вилоятларда тикан симли тўсиқни ёриб ўтишди. Бу ерда шундай тўсиқ қўйишим керакки ҳам қўллари, ҳам оёқлари ва энг асосийси оғизлари боғлансин.

Каримов янги иш бошлайдиган Олий Кенгашнинг биринчи сессиясидаги нутқу маърузалар, иш тартибю тушликда бериладиган овқатлар рўйхатига қадар синчковлик билан чиғирдан ўтказди. Гарчи Москов сессия олдидан одатга кирган вакиллар йиғилишини ўтказмаслик ҳақида исрорли бўлса-да у бунга риоя қилмади. Вакиллар йиғилишига "бегоналар"ни ҳам чақиртирди.

-Яна бир соатдан кейин мамлакатимиз тарихида биринчи марта бўлиб ўтган эркин сайловлар натижасида сайланган депутатлар иштирокида илк сессияни бошлаймиз, - деди у кичик залда тўпланганларга. -Бу ерга нафақат раҳбарларни балки ўз кучи билан сайланганларни ҳам чақирдик. Халқимизнинг яхши одати бор, тўйдан олдин оқсоқоллар йиғилиб маслаҳат қилишади. Бу ҳам парламентнинг оқсоқоллар маслаҳат кенгашидир. Халқнинг олдига чиқиб бақир-чақир қилмасдан, нима гапимиз бўлса ана шу ерда келишиб олайлик. Айниқса ўз кучи билан сайланган дўстларимиз кун тартиби, тузилажак комиссиялар ҳақида фикрларини айтсинлар.

Мажлислар зали кичик бўлса-да ҳар ер ҳар ерга бир микрофон ўрнатилганди. Биринчи бўлиб Тўлқинжон деган йигит сўз олди.

-Менинг ва ёнимда ўтирган укамиз Миртемирнинг сайловолди дастурида адолатсизликка қарши кураш асосий масала қилиб қўйилган. Кейинги вақтда Москва халқимизга нисбатан

аянчли равишда бўхтон ёғдирди. Москвага биринчи зарба сифатида узоқ йиллар жумҳуриятимизни бошқарган марҳум Рашидов номини оқлаш масаласини сессия кун тартибига киритишни сўрайман.

-Бу парламентга оид масала эмас. Уни партия қоралаган. Керак бўлса партиянинг ўзи кўриб чиқсин. Парламент бундай масалалардан баландда туриши керак, -деди Каримов. Лекин зарда билан гапирганини ҳис қилди ва олдиндан кўнглига туйганидек ўзини юмшоқ қилиб кўрсатишга уринди. -Мен шу партиянинг раисиман. Бу масалани сиз ҳам Миртемиржон ҳам менга топширинглар. Иншоллоҳ, партия кенгашларининг кун тартибига киритаман.

Тўлқинжон ўтираркан микрофон ёнига Миртемир келди:

-Кейинги вақтда жумҳуриятимиз тарихида юз қораси бўлиб қоладиган воқеалар содир бўлди. Булардан биринчиси, Фарғона фожеаси. Ака-укани бир-бирига қарши қўйдилар. Фитна, ифвогарлик уруғини сочдилар. Иккинчиси эса, Паркент воқеалари. У ерда ёш йигитлар тимсолида миллатимизнинг келажаги ўққа тутилди. Бу масалалар очилмай қолди. Учинчидан, цензура деган жаллод ҳамон матбуот устида қиличини қайраб турибди. Хатто сайлов олдида номзодлар ўз қарашларини очиқ ифода этолмадилар. Тўртинчидан, баъзи жумҳуриятлар мустақил бўлиш учун курашаётган бир пайтда биз Иттифок шартномасининг ташаббусқори сифатида ўртага чиқдик. Яъни бўйнимизга тош боғлаб, ўзимизни қудуққа отаяпмиз. Халқ эса бу ҳаракатнинг моҳиятидан беҳабар. Ва ниҳоят, биринчи мажлисданоқ парламентни партия пленуми ёки колхоз қурултойи ҳолига солиб қўймаслик учун унинг елкасидан қурувчи деган юкни олиб ташламоқ керак. Депутатлар йўл қурилиши ёки боғча қурилишини эмас, сиёсий масалаларни тортишмоқлари зарур. Мажлисларимиз жонли равишда телевидениеда кўрсатилиб турилсин. Халқ ўз вакилларига ўзи баҳо берсин...

Бу бола ростдан ҳам бош балоси экан, деб ўйлади Каримов. Ҳозирнинг ўзидаёқ оғзига латта тиқиб қўйишим мумкин. Лекин ўша латтани қайтариб ўзимнинг оғзимга тиқиб қўйса-чи? Ади-бади айтиб ўтирсам шарманда бўламан. Гапга чечан экан. Саволларига жавоб топиб беролмасам, обрўйим тўкилади. Шунинг учун индамай тинглашим керак.

Миртемир Каримовнинг хаёл сураётганини сезгандек унинг исми шарифини тилга олиб, таклифини унга йўналтирди:

-Қўлимизда парламент комиссияларининг рўйхати бор. Мен унга Ошқоралик комиссияси қўшилишини ва юқоридаги масалаларни ойдинлатиш унга юклатилишини таклиф қиламан. Каримов Ҳамидовга қаради. Ҳамидов "Бўлади, кейин ўйлаб кўрамиз" дегандек бош ирғади. -Раҳмат, бу таклифингиз учун, -деди Каримов Миртемирга. -Сессияда ҳам бу таклифни ўзингиз ўртага отинг, биз эса қўллаймиз. Раиси ва аъзолари ҳақида эса мана ўртоқ Ҳамидов ўйлаб кўрсинлар.

Шу пайт сочлари тўкилган ўрта ёшлардаги бир киши микрофонга яқинлашди. Бу шоир Эркин Воҳидов эди.

-Мен мазкур комиссияда хизмат олишга тайёрман, -деди у.

-Сизга ўхшаган инсонлар юз йилда бир марта туғилади. Мен бу фикримни сессияда ҳам такрорлайман. Биз ҳам сизга бу комиссияни ишониб топширишга тайёرمىз, -деди Каримов.

-Биз олдимизда катта мажлис борлигини унутмаслигимиз керак. Шу боисдан таклифларни қисқа-қисқа айтайлик.

"Бегоналар" бирин-кетин ўз таклифларини айтдилар. Шундан кейин Каримов вилоят биринчиларига қарата:

-Ҳар бирингиз сувчи қулоқ бошида ўтирганидек вилоятингиз депутатлари билан бирга бўлинг. Сиздан пода боши бўлишингизни истамайман. Депутатларингизни бошқа томонга

бошқарманг. Сиздан тўда боши бўлишингизни истайман. Депутатларингизни бир жойга тўдалаб ўтиринг. Бу ҳам талаб, ҳам буйруқ ва истасангиз, илтимос ҳам. Бу синовдан муваффақиятли ўтишингизга ишонаман. Чунки биз бир командамиз, бир эшелонмиз. Ажралиб қолган вагон эса ёлғиз қолиб кетади, -деди. Шундан кейин Каримов барчани катта залга даъват этди.

31. ТЎРТ КАЛИМА

Мажлис зали ҳайитона тус олганди. Янги сайланган миллатвакиллари очилишга ҳозир бўлган гул ғунчасини эслатарди.

Эркакларнинг сочлари пирил-пирил яраклаб тургани, соқоллари алоҳида эътибор билан олингани учун юзларидан кўркамлик уфур ураётгани, деярли ҳаммаси бошдан оёқ янги кийим кийгани дарҳол диққатни тортарди.

Хотин-қизлар ҳам қимматбаҳо ва хушбичим кийимларини илк бор шу мажлисга кийиб келганлари улар кўзларининг таги билан бир-бирларини кузатаётганларидан ҳам маълум эди.

Умрида галстук-бўйинбоғ боғламаган отахондан тортиб, ҳаётида илк бор тўпиғи баланд туфли кийган қизга қадар ўз ҳолларидан мамнун эдилар. Уларнинг нафақат ташқи кўринишлари балки ички дунёларида ҳам қишнинг ўртасида куёшга алданган борлиқ каби уйғониш ҳисси, умид япроқлари қимирлаётганди. Шу дамда ҳамманинг юзига урган умумий ички туйғуси бор эди: мағрурлик. Бу ҳис қалбларида гулхан бўлиб ёнаркан айни пайтда юзларини ҳам ёритаётган, кўзларидан нур бўлиб атрофга оқаётганди.

Хоҳ буюртма билан сайланган, хоҳ таниш-билиш билан рўйхатларга кирган, хоҳ курашга отилган миллатвакилларида қайси бирига назар солсангиз ўзини катта ишлар олдида масъулиятли ҳис этишга чоғланганини кўрасиз. Бу ҳолнинг табиий ёки сохта эканлигини бир қарашда англаш мушкул. Аммо уларни илгаридан таниган одам бу ўзгаришни одим отишларида, атрофга разм солишларида, ҳатто салом-алик жараёнида бўртиб чиққанини сезиб олади. Қайси бир маънода миллатвакиллари шошиб қолганга ўхшардилар.

Каримов залга кириб келар экан, кимдир ўрнидан турди, кимдир эса ўз хаёллари оғушида севинч сўқмоқларида югуриб юрарди, яна кимдир тарки одат амри маҳол дегандек, мажлисларда ўрганиб олгани каби жон-жаҳди билан қарсак чаларди.

Мажлислар залининг кўринмас, аммо ҳис қилажак салобати бор эди. Каримов буни бир неча йил олдин бу ерга илк бор келганида сезганди. Вақт ўтиши билан бу салобатга ўрганиб қолган бўлса-да залдаги нотаниш нигоҳлар билан қўшилиб, бу куч уни яна мағлуб этди. Бирдан тиззаси титраб, қўлларининг пайи бўшалди. Эсанкираб қолган одамдек зинага қандай оёқ босишни билмай қолди. Баъзан бир, баъзан эса икки зинапоёни ҳатлаб, минбарга чиқди. Бирданига фикрида чакмоқ чақнади. Янглишганди. Чунки мажлисни у эмас Марказий сайлов комиссиясининг раиси очиши керак эди. Шу боис оний бир ҳамла билан орқага қайтди ва пастга тушиб биринчи қатордан ўзига ажратилган ўриндиққа "чўкди".

Марказий сайлов комиссиясининг раиси миллатвакиллари табриклагач, сўзни фахрий раисга берди. Каримовнинг тавсияси билан пойтахт ижроқўмининг раиси Ҳошимов парламент раиси ва комиссиялар аъзолари сайлангунга қадар мажлисни бошқариш учун ваколатли қилинган эди. Ҳошим Ҳошимов ёши етмишга етиб қолгани учун ёзиб берилган сценарийни аранг ўқиркан, залда аввалига енгил кулги, кейин эса норозилик аломати ўлароқ ғала-ғовур бошланди. Аммо ҳеч ким бу норозилигини очиқ айтишга журъат қилмади. Биринчи бўлиш ҳамма вақт қийин, чунки биринчи бўлишнинг ортида ё мақтов

ёхуд танқид, ё қахрамонлик, ёхуд хоинлик каби тамғалар ётади. Шу боис кўпчилик норозилигини ёнидаги шеригига айтиш билан кифояланади.

Залдаги ғала-ғовур тинмас экан, Миртемир ўрнидан турди:

-Менда таклиф бор.

Етмиш йиллик умрида сценарийдан четга чиқмаган Ҳошим Ҳошимов учун бу бир зарба бўлди. У бошини кўтарганча Миртемирга тикилиб қолди. Миртемир эса у эшитмади, шекилли, деб ўйлади-да, гапини такрорлади. Ҳошим Ҳошимов нима қилай, дегандек Каримовга қаради. Унинг ҳолидан Каримовнинг ҳам жаҳли чиққанди, шекилли, бошини ҳам қилганча, ўз ёғинга ўзинг қоврил дегандек индамай ўтираверди. Залдаги шовқин-сурон масҳараомуз тус олди. Баъзилар кўпчиликка эшиттириб кула бошладилар. Баъзилар эса ёнларидаги шерикларига баланд овозда шикоят қила бошладилар. Каримовнинг асаби дош бермади. У ўрнидан туриб, минбарга чиқди ва фахрий раиснинг ёнига ўтирди.

Яна у деб ўйлади Миртемирга қараб. Ўзини кўрсатиб қўймоқчими ёки мансаб учун ўйин бошляптими? Балки телевизордан халққа кўриниб машҳур бўлмоқчидир? Ёки буни атайлаб тайёрлашганми? Икки оғиз илик гап билан ўтказиб қўйсаммикан? Йўқ, бундайлар бетга чопар бўлади. Мана бу латтанинг қилғилиги учун ҳам мени айблайди. Қани, эшитиб кўрайчи, нима таклифи бор экан?

-Нима таклифингиз бор эди?

-Биринчидан, кичик залдаги микрофонлар катта залга ўрнатилса, нур устига аъло нур бўлади. Иккинчидан эса, фахрий раисни алмаштириб, мана бу ғала-ғовурга чек қўйиш керак.

-Мен ичкаридаги етти-саккиз таклифингизни яна такрорляпсиз деб ўйлагандим. Биринчи таклифингизга қўшиламан. Дарҳол қатор ораларига микрофон қўйишсин. Иккинчи таклифингизга ҳам қўшиламан. Мажлис рухсат берса, бу ишни мен давом эттирсам.

Каримов мажлисдан рухсат ҳам олиб ўтирмасдан раислик қила бошлади. Ҳошим Ҳошимов эса елкасидан тоғ тушган одамдек енгил тортиб, Каримовнинг ёнида савлат тўкиб ўтираверди. Парламентга кимнинг раис бўлишини ҳамма биларди. Чунки икки кун олдин Компартия кенгашида Иброҳимовнинг номзоди раисликка кўрсатилган ва бу матбуотда эълон қилинганди.

Мирзоалим Иброҳимов эсини таниган кундан буён партиянинг эшикларидан кириб-чиқиб юрибди. Ёши нафақа олишга етганда парламент раислигига номзоди кўрсатилди. У ҳақда аввал Каримовнинг ўзи гапирди, кейин олдиндан тайёрлаб қўйилган маърузачилар сўзга чиқдилар. Иброҳимовни шу қадар мактадиларки, ҳатто Каримовнинг кўнглида ҳасад уйғонди. Коммунист партиясида иш эмас, фаолият эмас, таржимаи ҳол муҳим ўрин тутарди. "Бегона" миллатвакиллари эса Иброҳимовни танимас ҳам эдилар. Балки шу сабабданми унга ҳатто савол ҳам берилмади. Йўлига бўлса ҳам сайлов ўтказилди. Ундан кейин навбат ўринбосарларига келди. Каримов биринчи ўринбосарликка Бугровнинг номзодини кўрсатди.

-Бугров давлат тилида гапиришни биладими? -дея лукма ташлади кимдир.

Ҳамма овоз келган томонга қаради, лекин ким лукма отганини билишмади. Лукма отган Шовруқ Рўзимуродов эди. Каримов ҳам у ўтирган томонга олазarak нигоҳларини қадади, гапни узатиб ўтирмаслик учун Бугровга мурожаат қилди. Бугров минбарга чиқди:

-Салям-аляйкум, аз-аз билиямиз... урганямиз, -деди Бугров.

Каримов мамнун бўлиб қарсак чалди. Залдагилар ҳам унга қўшилишди. Ҳатто баъзилар "Офарин, ўғил бола экан, тилимизни ўрганиб олибди", дея бақириб ҳам юбордилар. Бугров

эса шу тўрт калимадан бошқасини билмасди. Аммо унинг раис ўринбосари бўлиши учун шу тўрт калима кифоя эди.

32. МУҲАРРИР

Парламент комиссиялари аъзоларини сайлаш ҳам Каримовнинг ибораси билан айтганда силлиқ ўтди. Бироқ унинг кўнглини оғритган нарсаси иккинчи кун юз берди.

Каримов эрталаб муҳаррир Аҳмаджон Мухторов билан бирга чой ичаркан:

-Масала кун тартибида йўқ. Асли у сизнинг ташаббусингиз. Мен ҳам ўйлаб юргандиму лекин қарор қилмагандим. Сиз ҳаёлимдаги ҳам нарсани пишитдингиз. Энди мажлисга ҳам ўзингиз олиб чиқасиз. Қолаверса, сиз юқоридан меҳмон бўлиб келдим десангиз, СССР Халқ депутати сифатида тарафсиз киши эканлигингиз кўринади, -деди унга.

-Уч-тўртта маҳмадана бола ўтиб қолганга ўхшайди. Шу боис ўзимизнинг одамлардан сўзга чиқувчиларни тайёрлаш керакмиди?

-Бу ёғини бизга қўйиб беринг.

-Барибир ҳам уларнинг нутқларига бир кўз ташласам ёмон бўлмасди. Бирор курмак ўтиб кетмасин дейман-да.

Каримов костюмининг ён чўнтагидан бир даста қоғозни олиб муҳаррирнинг олдига ташлади. "Юрагига яқин олиб юрган экан" деган фикр муҳаррирнинг ҳаёлидан яшин тезлигида лип этиб ўтиб кетди.

-Бу нусхалари. Агар жиддий гап чиқиб қолса, менинг номимдан ўзларига айтасиз. Ёки Бахтиёр Назаровга айтасиз. -деди Каримов.

Ким бўлди экан бу, деб ўйлади муҳаррир. Ҳа, топди. Адабиётшунослик институтининг директори эди. Маслаҳатчиликка олинибди. Демак, маърузаларни у ёзаяти. Қизиқ, қандай қилиб Каримовнинг назарига тушди экан? Ким тавсия қилиши мумкин? Нега Каримов бу ишни менга топширмади? Балки кичкина иш деб ўйлагандир ва овора қилгиси келмагандир? Ёки мажлисга янги рух, янги гап олиб келмоқчи бўлдимиз? Ёки менинг ёзиш услубим унга маъқул келмадимиз? Ундай бўлса сайловолди нутқини қайта-қайта эълон қилдиармиди? Бугунги мажлисга атайлаб даъват этармиди? Муҳаррир нутқларни ўқиётганга ўхшаб кўринсада, аслида Бахтиёр Назаров жумбоғини чўзиш билан овора эди. Унинг фикрини Каримов бўлди:

-Буларга кўп ҳам эътибор берманг. Асосий гап сизники.

-Ҳа, игначининг минг ургани темирчининг бир ургани билан баробар демоқчисизда.

-Мажлисда ҳам ана шундай мақоллардан уч-тўрттасини кетма-кет ишлатиб юборсангиз ҳаммани мот қиласиз. Умуман, мақолни кўпроқ қўллаш керак. Менга ҳам беш-олтита тўплаб бериб қўйинг. Халққа пул эмас, нон эмас, сув эмас ёқадиган гап керак. Гап билан ҳам қорнини, ҳам кўзини, ҳам қулоғини тўйдириш мумкин. Мақол эса тўйимли озуқа.

Муҳаррир қорин билан қулоқни тўйдиришга тушунди-ю, кўзни қандай қилиб тўйдиришга тушунмади. "Озуқа" деган сўз ҳам унга оғир ботди, чунки мақолни озуқа, халқни эса ҳайвон ўрнига қўймоқда деб ўйлади. Аслида эса Каримов "озуқа" билан "озик-овқат"ни айнамағанини ташиган сўзлар деб тушунарди. Муҳаррир ҳозир англадики ўтирадиган пайт эмас, деб ўйлади-да, кўнглидаги бошқа саволни ўртага ташлади.

-Назаримда расмий учун бўлса ҳам ҳукумат раиси лавозимини сақлаб қолиш керак. Бутун дунёда шундай лавозим бор. Аммо асосий ваколатни ўзингиз қўлга оласиз. Шу сабабдан бу номзодни ҳам ўйлаб қўйиш керакмиди?

-Тўғри, -деди Каримов. Гарчи буни ўйлаб қўйган бўлса-да муҳаррирга. -Хўш сиз кимни тавсия қиласиз, -деди.

-Мираброр ака яхши ишлаб турибдилар. Аммо парламент янги, ҳукуматга ҳам янги қон бериш керак. Қолаверса, дўстингиз Шукрулло Мирсаидов энг яхши номзод. Олий кенгаш раиси Водийдан, ҳукумат раиси пойтахтдан бўлса, мувозанат сақлаб қолинади. Ҳар доим шунга риоя қилинади.

Бу мен ўйлаб юрган гапларни ё баъзи жойлардан эшитиб олган ёки ҳақиқат шу бўлгани учун фикримиз бир жойдан чиқаяпти, деб ўйлади Каримов. Ҳозир индамасам, кейин менинг айтганимни қилди, деб кўкрагига уриб юради. Шунинг учун ҳозирнинг ўзиёқ тўғонни бостиришим керак. Бу одам таҳликали, унга ишониш қийин. Ўқотиш учун яқинлаштираяпман уни. Менимча раҳбарликнинг энг яхши усулларида биридир бу. Кадрларни бирор бир лавозимда узок ушламаслик керак. Ўқотиш учун аввал яқинлаштириш, сир асрорини ўрганиш ва нозик жойига ўнганмайдиган қилиб тепиб юбориш даркор. Мана буни эса ҳозир севинтирмоғим керак. Ўшанда мажлисда яна ҳам илҳомланиб гапиради...

-Сизга тобора қойил қолаяпман, -деди Каримов муҳаррирга. -Аҳмаджон ака ё фариштасиз ёки илоҳий одамсиз...

Муҳаррир "фариштасиз" калимасининг икки маъноси борлигини ўйлаган бўлса-да лекин Каримов уни фаришта деяётганига шубҳа қилмади. Каримов эса сўзда давом этди:

-Мен ўйлаб турган нарсани фолбиндек айтиб бердингиз. Сизни менга Худонинг ўзи юборди. Бир умр ака-укадек ёнма-ён яшаймиз. Юлдузни истасангиз узиб бераман. Узолмаган тақдиримда нарвон қўйиб бераман, ўзингиз чиқиб узиб оласиз.

-Сиз ҳам шоир бўлиб кетдингиз.

-Тилни яхши ўрганиб олай, шеър қандай ёзилишини кўрсатиб қўяман буларга...

Муҳаррир "булар" кимлигини тушунмади. Кимларни назарда тутаяпти экан? Балки шоирлар билан гапи қочиб қолдимиз? Аммо шоирлар орасида бунга қарши чиқадигани йўқ-ку? Ҳа, топдим. Уч-тўртта ёш шоир муҳолифат байроғини кўтариб юрибди. Бунинг юрагига улар ғулғула солишган. Бу қадар нутқларга эътибор қилаётгани, мажлисдан бу қадар чўчиётгани ҳам ана шундан. Лекин ёмон одамга ўхшамайди. Кўп гапи самимий. Агар гаплари ёлгон дейдиган бўлсам, бошдан оёқ ҳамма гапига ишонмаслигим керак. Айтганини қилаяпти. Менинг айтганимни ҳам қайтаргани йўқ. Минг марта шукур қилиш керак. Илгаригилар бизга ўхшаганлар билан мана шундай чой ичиб ўтиришармиди? Балки ичишгандир ҳам. Биз қачқдан биламиз? Мана бизнинг бирга нонушта қилганимизни ким билади? Нима бўлганда ҳам бу менинг ёрдамимга муҳтож. Муҳтожни эса остонадан ҳайдамайдилар.

Каримов муҳаррирдан "изн олиб" мажлис залининг орқасидаги бошқа хонага ўтди. Муҳаррир эса газета таҳририятига сим қоқиб, ўринбосарини чақирди.

Нутқларни ўқиб бўлгунча ўринбосар етиб келди.

-Кечирасиз, рухсатномам бўлишига қарамай ичкаридаги хоналарга киритишмади. Бироз тортишдик.

-Ҳечқиси йўқ, Анваржон, мана бу нутқларни бировга кўрсатмасдан теришга беринг. Мана бу эса менинг нутқим,-у чўнтагидан ўзи қоралаб қўйган саҳифаларнинг нусхасини олиб муовинга берди. -Биринчи саҳифанинг сарлавҳаси "Президентлик мустақилдир!" бўлсин. Ўттиз олтилик шрифтда ёздиринг. Ҳарфлар қуюқ-мойли бўлсин. Сарлавҳа остидан Каримовнинг байроқ ёнида турган расмини жойлаштиринг. Мана бу нутқларни эса оч

бўёкли ҳарфларда тердиринг. Мен остини чизган жумлалар катта ҳарфлар билан ёзилсин. Тайёр бўлгач, саҳифани шу ерга олиб келинг, мен яна бир марта ўқиб бераман.

-У ёқда бошқа газетадагилар ҳам кўриб қолишлари мумкин.

-Кўрсалар кўрарлар. Ойни этак билан яшириб бўлмайди. Зотан, раҳбаримизнинг мустақил бўлиши таклифини тушдан кейин мен ўзим киритаман. Нафақат бошқа газеталар, Московдагилар ҳам эшитади. Шу боис русча хабар тайёрлаб қўйсангиз, уларга ҳам ўзимиз жўнатамиз.

Анвар "хўп-хўп" деганча муҳаррирдан айрилиб, кириш эшиги ёнида турган Мавлоннинг ёнига борди:

-Аҳмаджон ака мана бу нутқларни бердилар. Газетанинг сарлавҳаси ҳам тайёр. Масала мажлисда кўрилмасдан миш-миш тарқалиб кетмасмикан?-деди у Мавлонга секингина.

-Ҳозир Ислом ака бизларни қабул қилмайди. Фақат КГБнинг раиси у кишининг олдида кириб чиқиши мумкин. Кечикмасдан бу гапни унга айтинг.

-Қандай бўларкин?

-Нима, ўз раҳбарингиздан чўчийсизми?

Анварнинг ранги оқариб кетди. Нима дейишни билмай қолди.

-Кўркманг, кўркманг, мендан бошқа ҳеч ким билмайди. Сизни мен ўзим таклиф қилганман-ку. Кўнгилни тўқ қилинг, жўражон. Бундан кейин бирга ишлаймиз. Менинг билишимдан фақат Каримов хабардор. Ҳозир эса тезроқ боринг, кечиктирманг!

Мавлон ўринбосарнинг елкасига уриб қўяркан, жилмайиб қўйди. Ўринбосар ҳам унга жилмайиш билан жавоб қилди-да, кўздан ғойиб бўлди. Мажлис биносида КГБ учун ажратилган махсус хона бор эди. У ерга ҳар ким ҳам кириб чиқа олмасди. Анвар шу хонанинг ёнига келди -да, эшикни тақиллатди. Ичкаридан "ким" деган овоз эшитилди.

-"Қишлоқ Ҳақиқати"... ўринбосар...

Эшик очилиб, новча йигит кўринди. Ўринбосар қандайдир ҳужжатни йигитга кўрсатди-да, ичкарига кирди.

-Тез бориб залдан раисни чақириб келинг! -деди Анвар.

Бир лаҳзада йигит ташқарига чиқиб кетди ва орадан ҳеч нарса ўтмай Мелкумов остонада кўринди. КГБ раиси ичкарига кирди, йигит эса эшикни ёпиб, ташқарида қолди.

Мелкумов ўринбосарнинг қўлидаги қоғозларни дарров нусхалади. Нусхалаш аппаратида чиққан варақларни йиғиштириб, хонадан отилиб чиқиб кетди. Орқасидан кузатиб қўйган йигит қайтиб келди-да Анварга "Чиқаверинг, ҳеч ким йўқ" ишорасини берди. Анвар эшикдан чиқаркан, аввал чап, кейин ўнг томонга назар солди-да, мажлис залига олиб борадиган йўлак бўйлаб юриб кетди.

КГБ раиси воқеани Каримовга тушунтириб бераркан:

-Булардан бир нусхасини ўринбосар олиб кетди. Қўлидан олиб қўйишим тўғри бўлмасди. Гап-сўз кўпаярди,-деди.

-Нима қилсанг қил, ҳозирча ҳиди чиқмасин. Москва эшитиб қолса, кўрқадиган жойим йўқ. Лекин радио-телевидение жар солиши мумкин. Иш битгандан кейин ўзларини осийса ҳам фарқи йўқ. Ҳозирча эса ўринбосар ёнида сақласин.

Каримовнинг планига кўра бу иш парламентда тасодифан ўртага чиқиб қолиши ва унинг йўқ дейишига қарамай мустақил раҳбар сифатида сайлаб юборишлари керак эди. Москвага ана шу жавобни тайёрлаганди. Шу боис ҳам Аҳмаджон Мухторовнинг ишидан ранжиди.

-Унга кўз-қулоқ бўлинглар. Айниқса туш пайтида ёлғиз қолдирманглар. Мавлонга айт, ёнидан қимирламасин. У билан ҳисоб-китобни эса вақти келганда қиламиз. Ҳозирча эшагимизнинг жилови унинг қўлида...

Бу воқеа Каримовни саросима ҳолига туширди. Ўзини қўярга жой тополмай қолди. Аммо узоқ ўйлаб ўтирмади. Раисни чақирди-да:

-Тушдан кейинги масалани ҳозир ҳал қиламиз. Ўзингиз ана у муҳаррир билан гаплашинг, мажлисни очишингиз билан сўзга чиқсин. Қолганларни ҳам огоҳлантириб қўйинг,- деди.

Раис чиқиб кетар экан, Каримов ўн марта ўлгандан бир марта ўлган яхши деб ўйлади. Бўладиган иш қанча олдин бўлса, шунча яхши. Чўзиб ўтираманми? Ишқилиб ана у тирранчалар қопишиб ўтирсин-да. Тушдан кейин бўлганда анча чарчаб қолишарди. Бунинг устига тушликни ёғлик қилиб буюргандим, Анҳорнинг бўйида мазза қилиб бугунгача тушларига ҳам кирмаган овқатларни еб олишгач, мажлисда қоринларини силаб, мудраб ўтиришарди. Бу аблахнинг режамизни бузиб қўйгани ёмон бўлди.

Эшик очилиб Крайнов кўринди.

-Бошлади, -деди у.

Каримов апил-тапил ўрнидан туриб, минбарга олиб чиқадиган йўлакдан ўтиб, ўз ўрнига келиб ўтирди. Бу пайтда Аҳмаджон Мухторов югурганча минбар томон ошиқаётганди. Бўйи калта бўлгани учун минбар унинг вужудини бўйнига қадар "яширди". Залда ўтирганлар фақат бошини кўра олардилар, холос. Бунинг устига микрофонлар ҳам баландда эди. Аҳмаджон ака сўзга чиқавериб, бу ишнинг ҳавосини олгани учун, шошмасдан микрофонларни пастга туширди ва томоғини қириб, йўталган каби манзара яратди-да ўзига хос оҳангда дона-дона қилиб гапира бошлади:

-Мен сизларнинг ҳукмингизга ҳавола этмоқчи бўлган масалани узоқ ўйладим. Ҳатто фикрларимни қоғозга ҳам туширдим. Лекин бу қоғоздан ўқиб бериладиган гап эмас. - Аҳмаджон ака бу билан ўзидан кейин сўзга чиқадиганларни қийин аҳволга туширди. Улар бунга парво қилмасдан нутқларини ўқиб берсалар, унинг сўз бобида моҳирлиги яққол кўзга ташланади. Ўқиб бермасдан эркин гапиришга уринсалар, барибир унинг каби сўзларнинг "қош-кўзини" бўйи олмайдилар. Ҳар икки ҳолда ҳам зафар уники. Бу фикрни у олдиндан ўйлаб ҳам кўрмаганди. Аммо шу лаҳзада ҳаёлининг қайси бир сўқмоғидан ана шу фикр ўтгани учун бир зум гапиришдан тўхтаб, залдагиларга термулди ва жилмайди. Уларни интиқ қилмоқчи бўлгандек минбарнинг ўнг тарафида турган бардоқдаги сувдан бир култум ичди ва сўзда давом этди:

-Жумҳуриятимиз тарихида бугун илк бор жасоратли қадам ўртага отилиши керак. Миллатимизни ҳақоратлашди, маданиятимиз, анъаналаримизни оёқ остига олишди, устимиздан кулишди, кийган тўнимиздан дўппимизга қадар масҳара қилишди, ишонган тоғларимизни ўғри дея муттаҳамни олиб қамагандек таҳқирлашди, хотин-қизларни терговга тортишди, шараф ва номусларини ерга уришди - биз эса жим. Етар! Бу юк тегирмон тошидан ҳам оғир. Агар бу юкни кўтарган тақдиримизда тегирмондан ун келадиган бўлса, келмасин. Очимиздан ўлсак ўлайлик. Аммо тегирмонга сув қуяётганларнинг ўйинчоғига айланмайлик...

Каримовнинг кўзига залда ўтирганлар кулоқларга айланиб қолганга ўхшаб кўринди. Бу кулоқлар динг бўлиб, микрофондан келган сўзларга асир тушганди. Каримов ҳам вужудида қандайдир титраш ҳис этди: Қани эди мен ҳам ана шундай гапира олсам, одамларни титратсам. Ҳа, у шу пайтда ўзи севмаган одамга ҳам ҳасад, ҳам ҳавас қилаётганди. Ҳасад ва ҳаваснинг қоришиқ туйғуга айланиши уни ҳаёл йўлақларига етакласа-да, ортга қайтишга мажбур эди. Чунки микрофондан такрор-такрор унинг исми эшитилмоқда.

Аҳмаджон ака эса унга чин юракдан ишонган ва самимийлигига тан берганидан илҳом билан гапирарди:

-Агар президентлик тизимини жорий қилсак ва ўз раҳбаримизни мустақил дея эълон этсак, Москвада халқимиз номидан гапира оладиган ва халқимизнинг нафақат шараф-номусини балки манфаатини ҳам ҳимоя қила оладиган кучга эга бўламиз. Бугунги сиёсий шароитда кучсизнинг чумоли қадар аҳамияти йўқ. Олтинларимиз ташиб кетилмокда, пахтадан тоғлар бунёд этиб, кафан қидириб юрибмиз, Оролни қуришиб қўйиб, келажагимизни даҳшатли таҳликага рўбарў қилдик, қишлоқларимиз хароб, болаларимиз ва оналаримиз оч, далаларда ишлашдан бошқа нарсани билмайдилар, яна биз ёмон. Ҳа, бошини эгган инсон ҳам калтак ейди, ҳам ҳақини бой беради. Шу сабабдан бугун халқимизнинг виждони бўлган бу парламент ўз овозини чиқарсин. Жумҳуриятимиз раҳбарига мустақиллик бериш ва унинг ваколатларини кенгайтириш тарихимиздаги буюк инқилоб бўлади. Бугун бу қарорга имзо отсак, келажагимиз учун имзо отган бўламиз. Бу билан Москвадаги гўраларнинг қаршисига ўзимизнинг жасоратли раҳбаримизни чиқарган бўламиз! Бу билан орзуларимиз амалга ошадиган курашга майдон очган бўламиз! Сизни бу масалани кун тартибига киритишга ва қўлингизни кўкрагингизга қўйиб, виждон ҳаққи қарор беришга чақираман!

Аҳмаджон Мухторов гулдурас қарсақларга ҳамоҳанг одим ташлаб, ўз ўрнига бориб ўтирди. У шу лаҳзада айтган гапларидан ифтихор туяр ва бундан ҳали минг марта пушаймон бўлиши эса ҳаёлига ҳам келмасди. У мана шу гаплари билан ўзининг келажагига парда тортгани ва ўз ажалини тахтга миндираётганидан беҳабар эди.

Каримов эса шу дамда ҳаёлга ботган одамнинг кўринишини бермоқчи бўлгандек, бошини ҳам қилганча бармоқлари билан столни чертарди.

Раис Мирзаолим Иброҳимов севинчдан учаётган қуш каби енгил эканлигини кўрсатмоқчи бўлди, шекилли, қўлларини ҳавода бир-бирига ишқаб, ўрnidан бир туриб ўтирди-да масалани кун тартибига киритиш учун овозга қўйди. Кейин қўл остидаги қоғозларни титкиларкан залга қараб ҳам ўтирмасдан "Қарши, бетараф, йўқ, ҳамма "за"деди.

Аммо қаршилар ҳам, бетарафлар ҳам бор эди. Шу сабабдан сўз сўровчилар кўпайиб қолди. Раис эса уларга парво ҳам қилмай қўлидаги рўйхатига қараб маърузачиларни чақира бошлади. Уларнинг аксарияти раҳбарлар эди. Бири Каримовнинг таржимаи ҳолини ўқиб берди. Қолганлари эса унинг сиёсий ташкилотчилиги, раҳбарлик қобилияти, уста йўлбошчилиги, инсоний хислат-фазилатлари, оиладаги ибрати, илм бобидаги муваффақиятлари, тажрибали иқтисодчилиги каби бошқаларда оз учрайдиган "тараф"ларини ҳар турли далиллар, воқеалар билан "исботлаб"бердилар. Аммо ўз ихтиёри билан сўзга чиқувчилар ҳам жим турмадилар. Соатлаб ўрта қаторлардаги микрофонлар ёнидан узоқлашмадилар. Каримов эса бундан норози эди. Буларнинг миллий ғурури ҳам йўқ, деб ўйлади. Агар бундай ғурур бўлганда, Мухторовнинг гапларидан кейин уйғонарди. Балки уйғонгандир, балки менинг фойдамга гапиришар? Мансаб, лавозим олиш, кўзга ташланиш учун бундан қулай фурсат борми? Уларга сўз бераман. Агар қарши гапирадигани чиқса, қанотини синдириб ташлайман. Бу ерда фақат менинг масалам эмас, балки миллатнинг тақдири ҳал бўлаётганини айтиб, шармисор этаман. Болани болаликда тарбияламасанг, кейин бошингга чиқиб олади...

33. АЁЛ

-Нега кутиб турганларга сўз бермаяпсиз, адолат қилинг, адолат қилинг,хурматли раис. Улар ҳам шу миллатнинг фарзандлари. Айтадиган гаплари бордир? -деди Каримов раисга. Каримовнинг бу гапидан кейин навбат кутиб турганлар ҳаракатга келдилар.

-Укажон, кечадан буён фақат сиз сўзга чиқаяпсиз, -деди раис микрофон ёнида турган йигитга караб. Ана у дўппили укамиз эса умуман сўзга чиққани йўқ. Биз адолатли бўлишимиз керак. Элга навбат шерга навбат. Ҳозир сўзни учинчи қаторда ўтирган дўппили укамизга берамиз.

Дўппили йигит ўрнидан туриб:

-Мен сўз сўраганим йўқ, -деди.

-Бу масалада сўз сўраш керак эмас. Биз демократия қураяпмиз, ошкоралик замониди яшаяпмиз. Ҳар ким ўз фикрини айтиши керак, -деди раис маслаҳатомуз оҳангда.

-Мендан гапни эмас, кетмон уришни сўранг. Сиз гапиринг мен эшитаман, -деди ҳалиги йигит. Залдагилар кулиб юборишди. Кимдир содда қишлоқ йигитининг аскиясидан мириқиб кулса, яна кимдир раиснинг ўйинидан куларди. Каримовнинг эса жаҳли чикди. Раисга ҳам караб ўтирмасдан:

-Сўз микрофон ёнида турган синглимизга, -деди.

Каримовнинг "синглиси"шошмасдан минбарга караб юрди. Буларга қўл узатсанг елкангни узиб олишади. Ҳа ўша микрофондан гапиравермайдими, деб ўйлади Каримов. Албатта минбарга чиқишлари керак. Бу жиккаккина қиз минбарга чиқиб, ҳам бизнинг ҳам халқнинг кўзига кўринмаса бўладими? Кичкинагина бўлса ҳам ёқимли экан. Буни рўйхатга ким киритди экан? Ҳар ҳолда вилоятнинг биринчиси ўзи билан бирга олиб келган бўлса керак... Каримовнинг ўзи ҳам вилоятда ишлаганида пойтахтга келаркан "зерикиб"қолмаслик учун ана шундай йўлдош олиб келарди. Шу боис бу қизни ҳам вилоят раҳбарларидан бирининг мулки деб ҳисоблади.

Аммо соҳибининг диди баланд экан, дея хаёлини давом эттирди Каримов. Бу қизалоқни унга ем бўлишга қўймайман. Қанотимнинг остига оламан, меники бўлади.

Каримов хаёлларини тизгинлади-да "қизалоқ"нинг сўзларига қулоқ тутди.

-Исмим Тойиба, ўқитувчиман. Номзодимни халқ кўрсатди. Коммунистлар эса йўлимни тўсдилар. Қаршиликларни енгиб бу минбарга қадар етиб келган эканмиз, бу бизнинг кучсиз эмаслигимизни кўрсатадиган омилдир. Бу у қадар муҳим эмас, муҳими бундан кейингилари.

Бу ерда Каримовга мустақиллик беришни миллатимиз, маданиятимиз билан боғлашди. Агар сиз миллат ва маданиятни тушунадиган бўлсангиз уни мустақил деб эълон қилинг. Аввал миллат мустақил бўлсин ундан кейин Каримовлари!

Биз раҳбарнинг оғзига қарашга ўрганиб қолганмиз. Раҳбар айтган гапни қонун деб биламиз. Олдин бу зеҳниятдан қутулайлик, ундан кейин бир кишига катта-катта ваколатларни берайлик.

Бугун Каримовни мустақил деб эълон қилсак, эртага у диктатор бўлади. Бу инсонни озми кўпми танидик. Гаплари бошқа, ишлари бошқа. Бугун қарор чиқарсак бу қарор жумҳуриятимизни диктатурага, зулмга бошлайдиган йўлнинг дебочаси бўлади.

-Тўхтанг, -дея ўрнидан турди Каримов. -Сизнинг қушнинг миясидек келадиган бошингиздан бу фикрлар чиқишига ҳеч ким ишонмайди. Ҳурматли депутатлар, мен сизларга ҳақиқатни айтиб қўяй, кеча туш пайти қора кучларнинг бақироқ раҳбарлари Анҳор бўйида депутатларни овлаш билан овора эдилар. Бу хоним эса уларнинг тузоғига олдинроқ илинган. Улар ёзиб берган нарсани ёдлаб олиб, мана бу ерда тўтиқушдек такрорламокда.

-Кечирасиз, мен ўз фикримни айтаяпман. -Тойибанинг бу сўзларини Каримовнинг саси босиб кетди.

-Гапни бўлманг! Ёки маданиятдан ҳам йироқмисиз?

-Ахир менинг гапимни сиз бўлдингиз-ку? -Тойибанинг бу гапини ҳам ҳеч ким эшитмади, чунки раис тугмани босиб, асосий микрофонни ёпиб қўйганди. Каримов эса жаҳл билан сўзда давом этди:

-Московнинг иккита муттаҳам терговчиси халқимизнинг бошига қанча кулфат солди. Биз бунга ва шу каби кулфатларга чек қўямиз деб турган бир пайтда мана бундайларнинг ўртага чиқиши табиий. Бундайлар душманларимизнинг бизнинг орамизга қадар узанган қўллариدير. Ўтиринг ерингизга, мухтарам хоним! Бу микрофонлар халқнинг сўзи айтиладиган микрофонлардир, бу микрофонлар сиз ва сиз кабилар учун ёпиқдир!

Тойиба бу қадар безбетликни кутмаган бўлса керак, индамай минбардан тушди. Микрофонлар ёнида турган депутатларнинг гапларини ҳам ҳеч ким эшитмади. Чунки Каримовга яхши кўринишни истаганлар Тойибага қарши эканликларини кўрсатиш учун, қарсак чалиб, ер тепаётгандилар. Фақат Шовруқ Рўзимуродовнинг баланд овози қарсақларнинг бағрини тилиб юборди:

-Бу одамни сайлаб бўлмайди, -дея фарёд тортди у. Бу фарёд худди қафасга солиб қўйилган шернинг онийдан кўкка отилиши каби эди. Аммо у билмасдики, боши темир панжараларига урилгач, яна ўз ерига қайтиб тушади. У кучли шер бўлишига қарамай темир панжаралар қаршисида ожиз эди. Шовруқ Рўзимуродовнинг икки қўлидан икки ҳамюрти ушлаб, ўрнига ўтказишга ҳаракат қилишаркан, у қалбидан отилиб келаётган исённи тўхтата олмасди: -Бу одамни яхши танийман, вилоятимизни ботқоққа ботирди, халқимизни хору зор этди. Бугун унга мустақиллик берсак, эртага вой жонимизга!

Залда ғала-ғовур тинмас экан раис масалани овозга қўйди ва яна ҳеч нарса кўрмагандек "Қаршилар йўқ"деб эълон қилди.

-Ёзиб қўйинг, -деди Каримов. -Биттаси зални ташлаб чиқиб кетди. -У шундай деб залдан чиқиб кетаётган Тойибани кўрсатди. -Яна биттаси эса қарши. -Каримов бу сафар кўрсатгич бармоғи билан Рўзимуродов ўтирган томонга ишора қилди.

Миртемир ўрнидан туриб раис Мирзаолим Иброҳимовнинг ёнига келди, аммо раис уни тингламади ва мажлисни "ёпиқ"деб эълон қилди. Шундан кейингина Миртемирга юзланди:

-Болам, бирор гапингиз бор эдими?

-Қаранг, ҳамма Каримовни табрикляпти, сиз ҳам кеч қолманг демоқчи эдим, -деди Миртемир киноя билан.

Раис кинояни англаса-да ўзини содда-гўлликка урди:

-Тўғри айтасиз, аслида биринчи мен табриклашим керак, -деди.

Миртемир эса унинг сўзларига қулоқ ҳам солмай мажлис залидан чиқиб кетди...

34. МУСТАҚИЛЛИК

Каримов мустақил раҳбар деб эълон қилингани шарафига вилоят раҳбарлари томонидан уюштирилган зиёфатга шошаётганди. Аммо бошқа жумхурият раҳбарларидан келаётган табрикларнинг кети узилмасди. У кутловларни мамнун қиёфада қабул этар экан, кўзини сариқ телефондан айирмасди. Бу телефон мамлакат раҳбари билан алоқа ўрнатиш учун қўйилганди. Аслида Каримов шошаётган бўлиб кўринса-да кўнглининг бир четида қоронғулик бор эди. "Нимага телефон қилмади?"деган савол оқиб келаётганди ана шу қоронғуликдан. Ниҳоят унинг кутгани бўлди. Сариқ телефон жиринглади.

-Ўзингча мендан табрик кутаётган бўлсанг керак, -деди мамлакат раҳбари. -Аммо сендан бундай ҳаракатни кутмагандим. Сени бу вазифага лойиқ эмас дейишганда, йўлингни очгандим...

-Мен доим сиз билан биргаман. Сизни қўллаб-қувватлайман, -деди Каримов ўрнидан туриб. Аммо телефоннинг у тарафидаги киши унинг гапларига кулоқ солмасдан сўзида давом этди.

-Иттифоқ шартномасини тузиб олгандан кейин мен ўзим сени бу лавозимга тавсия қилардим. Лекин ҳозир орқадан пичоқ урдинг.

-Менинг хабарим йўқ эди. Масалани Московдан келган депутатларимиз кун тартибига киритдилар...

-Эски партиявий ўйинларни йиғиштир, -дея унинг сўзини кесди мамлакат раҳбари Михаил Горбачёв. -Ҳаммасидан хабардорман. Сени мустақил қилиб қўядиган замон эмас.

-Референдумни тўксон тўққиз фоиз қилиб бераман. Ҳамма Иттифоқ шартномасини қўллаб-қувватлайди.

-Мен нима десам тўнғизим нима дейди... Референдумда сенинг фикрингга эҳтиёжим йўқ. Бизга халқнинг фикри керак. Сенинг вазифанг шароитни халққа тушунтиришдир. Натижа эллик бир фоиз чиқсин, лекин бу рақам ортида ҳақиқий инсонлар турсин...

Гап бошқа ёққа бурилиб кетганидан Каримов енгил тортди. Индамасдан референдум ҳақидаги маърузани тинглади. Сарик телефон дастасини ўрнига қўяр экан, Крайновни чақирди:

-Зиёфатга кечроқ бораман. Ҳозир эса Исо Холисни чақир.

Каримов нега бирдан Исо Холисга эҳтиёж туйганини ўйлай бошлади. Энди Москов мени йўқотиш пайига тушади. Табиийки, буни муҳолифатнинг қўли билан амалга оширади. Менинг ўрнимга улардан бирини келтиради, майдонни бўш қолдирмаслигим керак. Йўлини қилиб Москвадагиларнинг кўнглини олишим зарур. Уларга бу ишни нима учун қилганимни тушунтиришим керак. Биринчи навбатда у ердаги ижрочиларнинг ҳақини етказиш, кейин эса муҳолифатни бўғиш шарт. Ҳар қандай норозилик ҳаракати Москвага қўл келади. Уни менга қарши қўллашади.

Каримов Мавлонни чақирди:

-Эртадан бошлаб партия билан бизнинг бинони ажратасан. Ўзингни кадрлар бўйича маслаҳатчим қилиб тайинлаш ҳақида фармон ҳозирла. Хўжалик ишларини юритадиган оғзи бутун, оёғи чаққон одам топгин. Ёрдамчилардан бири партия ишларини юритса, бошқаси президентнинг ишларини юритади. Келгусида яна беш-олти ёрдамчи оламин. Бахтиёр Назаровни эса сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчи қилиб тайинлаймин.

Каримов шундай деб тортмасидан бир варақ қоғозни чиқарди. Саҳифанинг теппасига "Президент аппарати" деб ёзилганди. Қолган жойларга кичкина-кичкина тўртбурчаклар чизилган ва уларнинг ичида ҳам ёзувлар бор эди.

-Мана сенга қўлланма. Шу асосда янги идоранинг тузилиши ҳақида қарор тайёрла.

Шу пайт эшик очилиб Крайнов ичкарига кирди ва "Келди" деди. Каримов эса Мавлонга қараб:

-Исо Холиснинг партиясига ҳукуматга оид бинолардан эртагаёқ жой беришсин. Иккита-учта машина ҳам беринглар. Қолганини кейин гаплашамиз, -деди.

Мавлон чиқиб кетаркан, Каримов ҳам унинг орқасидан эшик ёнигача келди. Ичкарига кирган Исо Холис Каримов мени қаршилашга чиқди деб севинди, шекилли:

-Овора бўлманг, -деди.

Каримов эса шошиб турган кишидек, у билан эшик ёнида гаплашди:

-Ука, талабларингизни эртага бажаришади. Бино ҳам беришади, машина ҳам. Бахтиёрни ҳам ишга олаётимиз, дўстингиз Мақсад Қулни ҳам бу ерга келтирамиз. Лекин сизга қурултой

учун катта бир бинони ажратар эканмиз, бутун ҳаракатни эргаштирсангиз керак, деб ўйлагандик. Майли, озига барака дейдилар. Лекин қолганларни нима қиламиз?

-У ерда уч-тўртта дордан қочганлар қолди. Ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Чунки халқнинг руҳини ташиганлар биз билан бирга.

-Ҳа, сизни чақиришимнинг сабаби, мамлакат раҳбари Горбачевга сабоқ бериб қўйганимни айтиш эди. Бизнинг мустақил бўлишдан бошқа йўлимиз йўқ эканлигини ҳам билдириб қўйдим. Пахта монополиясини тугатиш, ёшларимизни аскарликка юборишда қафолат исташимиз каби масалаларни ҳам шартта-шартта гапирдим. Бу ёғига сиздан дастак келиб турса, бас. Биргалашиб ҳаммасини амалга оширамиз.

-Биз мустақиллик декларациясини тайёрляпмиз, -деди Исо Холис. -Худо хоҳласа, бу энг катта дастак бўлади.

Каримовнинг бирдан авзойи бузилди.

-Бу ишга ҳам шошмаслигимиз керак, -деди заҳархандалик билан. Бирданига тирнокни этдан ажратиб бўлмайди.

-Тўғри, -деди Исо Холис, -биз эълон қиладиган декларация умумий тарздаги баёнот. Яъни орзуимизнинг ифодаси бўлади. Зотан, декларация дегани қонун эмас, балки принциплар баёнотидир. Яъни ўз оти билан декларациядир. Унинг принциплари қонунларда ёйиб кўрсатилади.

-Бўпти, -деди Каримов Исо Холиснинг елкасига уриб қўяр экан. -Аммо ҳаммасидан мени хабардор қилиб турунг.-Дарвоқе, иккита уй сўраган экансиз, уни ҳам ҳал қилдик.

-Қуллук...

Каримов шундай деб шоша-пиша чиқиб кетаркан, кўнгли анча тинчиганди. Нега Исо Холисни чақирганини ҳам энди тушунди. Муҳолифат номидан норозилик баёноти тарқатилса, Москвадагиларга қўл келишидан қўрққанди. Демак, баёнот йўқ. Ҳаммаёқ сокин...

35. ХУЖЖАТ

Мустақиллик ғояси ҳамма жойда тўлқинланган ва бу тўлқин бирин-кетин соҳиллардаги қояларни йиқитаётганди. Баъзи жумҳурияларда бу тўлқин қаршисига танклар, сипоҳлар олиб чиқилса-да, тўхтатишнинг имкони бўлмаётганди. Чунки бу тўлқиннинг орқасида енгиб бўлмас куч - халқ бор эди. Бу тўлқин эстираётган шамол ҳар бир эшикдан ичкарига кираётган ва инсонларнинг қалблари, шуурларини китиклаётган эди. Олий кенгашнинг раёсатида ҳам бу масала ўз-ўзидан кун тартибига келди.

-Бугун бўлажак мажлиснинг кун тартибини муҳокама қиляпмиз, -деди Миртемир раёсатда сўз оларкан. -Биламан, раёсатимиз юқори билан маслаҳатлашмасдан қарор чиқаролмайди. Ҳеч бўлмаса мустақиллик баёнотини тайёрлайдиган гуруҳни тузиши мумкиндир. Ҳозир ҳамма жумҳурияларда бундай ҳужжат қабул қилинмоқда. Бизда ҳам халқ, ижодкорлар, муҳолифат шу талабни илгари суришмоқда.

-Тўғри, -дея Миртемирни қўллади Алижон Қўчқоров деган миллатвакили. -Мана мен узок йиллар партия марказқўмида ишладим, лекин бугун мустақиллик дея тўлғанаётган йигитларга қўшиламан. Бу бир ё икки кишининг ташаббуси эмас. Бу бутун халқнинг дарди. Шу сабабдан унга қўшилмасдан ва уни қўллаб-қувватламасдан иложимиз йўқ.

Раис Мирзаолим Иброҳимов ҳеч нарсага "йўқ" демас эди. "Хўп" дерди, қўлларди, лекин амалга ошмай қолаверарди. Алижон Қўчқоровдан кейин Эркин Воҳидов ҳам бу масалани қўллаб гапираркан, раис "бўпти" деди.

-Мен ҳурматли Ислом акага ўзим тушунтираман. Масалани мажлис кун тартибига киритамиз, -деди Иброҳимов.

-Лекин тавсия қилинадиган кун тартиби қўлингизда, ҳозироқ унга киритиб қабул қилиш керак, -деди Миртемир.

-Тушунаман, ёшларнинг қони қайнаб туради. Аммо бу масала жуда ҳам жиддий, уни икки оғиз гап билан ҳал қилиб бўлмайди, -юмшоқ оҳангда эътироз билдирди раис.

-Биз ҳам масаланинг жиддийлиги учун аввал баёнот тайёрлайдиган гуруҳ тузишни таклиф қилдик, -деди Миртемир.

-Болам, бизга имкон беринг, агар йўлини топсак гуруҳсиз ҳам бу масалани ҳал қиламиз...

Каримов раёсатдаги бу тортишмани видеолентадан томоша қилди. Раисга телефон қиламан, деб турганди, лентанинг давомидаги ёзув диққатини тортди. Раёсат биносининг ҳордик чиқарадиган жойида Миртемир билан Исо Холиснинг суҳбати эди бу:

"-Яқинда сизларни ҳам ҳокимиятга қўшиб, ағдарамиз, -деди Исо Холис Миртемирга.

-Сизлар деганингиз ким? -сўради Миртемир.

-Нега раёсатда мустақилликни қўлламадингизлар?

-Тақсир, ахборотни доим ногўғри оласиз. Эсингизда-ми, сайлов арафасида менинг округимга борган эдингиз. Ижрокўм биноси ёнида учрашдик. "Номзодингни қайтариб ол, бу ердан менинг дўстим Аҳмад Аъзам сайланиши керак" дегандингиз. Ўшанда сиздан "Бу услубнинг коммунистларникидан нима фарқи бор?" деб сўраганимда "Коммунистларни йиқитиш учун бу услубни қўллаяпмиз" дея жавоб қилгандингиз. Мен эса "Коммунистлар ҳеч бўлмаса олдин ўрганиб, кейин зарба уришади. Сизнинг дўстингиз номзодини қўшни округдан қўйган, уни Компартия рўйхатидан кўрсатишган" дегандим. Мана бугун ҳам бизга пўписа қилаяпсиз. Ваҳоланки, бизнинг мустақиллик ва демократиядан бошқа дардимиз йўқ.

-Аввал мустақиллик кейин демократия...

-Иккаласини ҳам баробар амалга оширишимиз керак.

-Йўқ, унда Московга ўхшаб қоламиз. Уларнинг шиори демократия. Биз эса мустақиллик учун курашамиз, кейин демократия учун.

-Бу гапингизни Тойиба эшитиб қолмасин, сизни Каримовнинг одами деб эълон қилади..."

Тасвирнинг давомини томоша қилишга Каримовнинг сабри етмади. "Ким кимнинг одамлигини кўрсатиб қўяман, ҳали", деб ўйларкан Иброҳимовга телефон қилди:

-Раёсатни отхонага айлантириб юборибсан-ку, -деди русчалаб. -Нега тирранчаларнинг олдида куллуқ қиласан? Нега уларни раёсатга киритасан? Нима учун ҳамма нарсага мен жавоб беришим керак? Нега уларга Москвадан ажралишимиз мумкин эмаслигини тушунтирмадинг?

-Агар уларни эшитмасам шу гапларни катта мажлисда айтишарди-да.

-Қулоқ сол, мажлисда бу гап ўртага чиқмаслиги учун Воҳидовни тайёрла. У мажлисда баёнот ёзадиган гуруҳни тузиш таклифи билан чиқсин. Гуруҳ аъзоларининг рўйхатини бирга тайёрлаймиз. Гуруҳ баёнотни неча йилда ёзиб битиришини эса ўйлаб кўрамиз. Дарвоқе, Воҳидовга айтиб қўй, қўлида ишлаётган жўжахўрозларнинг попугини пасайтириб қўйсин. Бўлмаса, ўзини ҳам, уларни ҳам қуваман!

...Мажлис куни Исо Холис ярим саҳифалик баёнот лойиҳасини тарқатди. Шу куни Халқ ҳаракатининг ҳам мустақиллик ҳақидаги таклифлари ёзилган варақа депутатларнинг қўлига етиб келганди. Миртемир мажлис олдидан дўстларини йиғиб:

-Буларни таклиф қилган билан бирор нарсага эришмаймиз. Натижага эришиш учун мажлисининг иш тартибини ўзгартириш керак. Биринчи бўлиб котибиятни қўлга олайлик, - деди.

-Бу тўнтариш дегани. Бунга олдиндан яхшилаб тайёрланиш лозим эди, -деди Алижон Қўчқоров.

-Биздан нима кетди. Синаб кўрайлик. Миртемирнинг қандай таклифи бор? -деди Тошпўлат Жўраев.

-Олдиндан тайёргарлик кўрсак, барибир сезиб қолишарди. Мажлис очилиши билан котибият эълон қилинар экан, ҳар биримиз биттадан номзод кўрсатайлик. Улар ўн беш номзод кўрсатишса, биз ўн олти кишини кўрсатайлик. Мажбуран овозга қўяди. Ўтгандан кейин бизнинг одамлар котибият мажлисида раис номзодини ўзимиздан кўрсатсин. Чунки мажлисининг тақдири котибият раисининг қўлида. Бутун рўйхатлар, қарорлар унинг қўлида бўлади. У эса бирортасини ҳам раисга бермайди, сенарийсиз мажлис ўтказамиз деб эълон қилади. Миллатвакилларининг талаблари сифатида мустақиллик баёлотларини ҳам кун тартибига киритишни сўрайди...

-Қийин, аммо бошқа йўлимиз йўқ, -дея тарқалишди улар.

...Мажлис бошланиб, раис котибиятни овозга қўяркан, Миртемир ўрнидан турди:

-Менда таклиф бор. Котибият аъзолигига янги номзодлар ҳам кўрсатилсин.

-Укам, ҳеч жим ўтирмадингиз. Котибиятга у аъзо бўлди нима, бу аъзо бўлди нима? Мана менда таклиф бор, сиз раис бўлинг ва рўйхатингизни ўқинг.

Миртемир шошиб қолди, чунки қўлида рўйхат йўқ эди. Аммо бундай имкониятни бой бермаслик учун чўнтагидан ён дафтарчасини чиқарди-да, гўё унга исмлар ёзилгандек, аслида эса ҳаёлдан, янги номзодлар рўйхатини ўқий бошлади. Олий кенгашда биргаликда фаолият кўрсатаётган дўстларининг ҳаммаси бу "рўйхатда" бор эди.

Миртемир ва дўстлари котибиятдаги жойларини эгаллашар экан, Каримов мажлисга кириб келди. У минбарда котибият учун ажратилган жойда ўтирганларни кўриб уларга ҳайратомуз термулди-да, "салом" дегандек Миртемирнинг елкасига уриб қўйди ва раиснинг ёнига бориб "чўқди".

Миртемир раисдан сўз сўради.

-Сўз котибият раисига, -деди Иброҳимов.

Миртемир ўртадаги минбарга чикди-да:

-Раёсат таклиф қилган кун тартиби аниқ. Лекин истаган одам кун тартиби бўйича таклиф киритиши мумкин. Котибиятга келган таклифларингизни албатта ошкор этамиз. Мана бу рўйхат эса олдиндан тайёрлаб қўйилган, уни йиртамыз. -Миртемир шундай деб, қўлидаги қоғозларни иккига бўлиб, йиртди.

-Сўзга чиқувчилар ҳам котибиятга таклиф берсинлар, биз рўйхатни таклифларнинг келган соат, дақиқасига қараб тузамиз, -деди.

-Мен қайси қоғозга қараб иш юритаман, -дея киноя қилди Иброҳимов.

У Каримовнинг келиб қолганидан ваҳимага тушганди, чунки Каримов бугун эрталаб қўналғага бориши ва хориждан келадиган бир ширкат раиси билан водийга кетиши керак эди. Шу боис Мирзаолим Иброҳимов Каримовнинг йўқлигидан фойдаланиб, "демократия машқи" ўтказиб, обрўсини бироз тиклаб олмоқчи бўлганди.

-Кун тартибига қараб раислик қилаверасиз, -деган Миртемир минбардан тушиб, ўрнига келиб ўтирди. Каримов эса ўрнидан турди-да, қўл силтаб чиқиб кетди. Унинг нимага келиб, нимага кетганини ҳеч ким тушунмади.

Аслида эса Каримов мажлис залига Шукрулло Мирсаидовга баъзи гапларни айтиб қўйиш учун келганди. Орқадаги хонада Шукруллони кутиб ўтираркан, ичкарига улаб қўйилган радиодан мажлисдаги тортишувларни эшитиб қолди. Раисга танбеҳ бериб қўйиш учун ичкарига кирди, аммо раис қўрққанидан унга қайрилиб ҳам қарамади. Вақти оз қолаётгани учун яна орқа томондаги хонага келди. Бу ерда уни Мирсаидов кутиб турганди.

-Дўстим, -деди унга Каримов, -ўтган мажлисда иккаламиз бир инсон эканлигимизни халққа очиқ айтдим. Сенинг мард, ҳалол, қўрқмас эканлигингни ҳам яширганим йўқ. Қолаверса, олдинги раис билан сени таққослаб, устунлигингни кўрсатиб бердим. Энди ўзингни кўрсат.

-Мен тайёрман, нима қилишим керак?

-Боя мамлакат раҳбари Горбач телефон қилди. Мустақиллик баёноти ҳақидаги гап-сўзлардан хабар топибди. Жуда ҳам ғазабда. Мени ҳатто хоинликда айблади. Келаётган меҳмоннинг эса аҳамиятини биласан. Дунёдаги энг йирик автомобилсозлик корхонасининг бошлиғи. Ҳадя учун ккита махсус тайёрланган "Мерседес" олиб келган. Биттаси сеники. Ўқ ўтмайдиган. Гап ҳадяда эмас. У одам дунёни қўлида ушлаб турган бир неча шахсдан биттаси. Унга юртимизда корхона очиши учун имкон яратсак ва бунга уни кўндирсак, булбул кўлимизга кўнган бўлади. Шу сабабдан катта бошимни кичик қилиб, уни ўзим олиб юрибман. Қайтиб келишга ҳаракат қиламан. Мен келмасдан туриб, мустақиллик масаласи ўртага чиқадиган бўлса, жон ҳисобига бўлса ҳам тўхтатиб турасан. Ана у "латта"ни эса эртага бюрода, кейин кенгашда муҳокама қилиб, ишдан ҳайдаймиз.

Шу пайт эшик очилиб, ичкарига Миртемир кирди. Қўлида бир даста мактуб ва мустақиллик баёноти лойиҳалари.

-Миллатвакиллариининг деярли барчаси мустақиллик баёнотини қабул қилишимизни сўрашапти, -дея гап бошлади у. Аммо Каримов унинг гапини охиригача эшитмади.

-Ўша миллатвакиллариингиз қисиб ўтирсин, -дея қўлини мушт қилиб кўрсатди.

-Сизни маданиятли одам деб эшитгандим, -дея гап бошлади Миртемир.

Каримов яна унинг сўзини кесди:

-Бу депутатлигингиз узокқа бормайди. Қолганларники ҳам. Мустақиллик эса хоинлик. Бунча халқни очдан ўлдирмоқчимисизлар? Гапиришни биласиз ҳамманг, мен эса гадойгача ўтирадиган ерини белгилаб беришим керак.

Мирсаидов вазиятни юмшатмоқчи бўлди, шекилли, гапга аралашди:

-Нима экан ўзи бу лойиҳалар? -деди.

-Мен лойиҳаларни бу ерга олиб келмаслигим мумкин эди, аммо бир юз олтмиш етти миллатвакил имзо отган ва Президент номига мурожаат ёзишган. Истасангиз, чўнтагингизга солиб қўйинг, бизда муҳокама қилиш учун бошқа нусхалари бор, -Миртемир шундай деб қўлидаги қоғозларни Каримовга узатди. Аммо қоғозларни Мирсаидов олди. Каримов эса 167 рақамини эшитиб, бир лаҳза эсанкираб қолди. Кейин Бош вазирнинг қўлидан рўйхатни олиб, исм-шарифларга назар ташлади. "Вой аблаҳлар, вой нонкўрлар" дер экан, лойиҳаларни ўқиди-да, саккиз сатрлисини Миртемирга узатди:

-Мана шунисини мажлис охирида кўриб чиқишсин, -деди.

Миртемир индамай чиқиб кетар экан, Каримов Бош вазирга юзланди:

-Бу болалар билан ади-бади айтиб ўтиришга ҳолим йўқ. Агар боягини муҳокамага қўйишадиган бўлишса, мустақиллик деган сўзларни "суверенитет" калимаси билан алмаштириб, Москвнинг қонунлари ҳудудимизда ўз кучини сақлаб қолади, деган қўшимча билан қабул қилиш мумкин. Кейин истасак қайтадан ёзамиз, истасак эълон қилмаймиз. Ўзингиз сўзга чиқиб, бунинг бир парча қоғозлигини тушунтириб беринг, булар ҳали иқтисоднинг "и" ҳарфини билишмайди...

Баёнот муҳокамага қўйилмасдан олдин Воҳидов сўзга чиқди:

-Мустақиллик ҳаётимизнинг энг муҳим ва энг керак масаласи. Шу сабабдан бу ҳақда баёнот қабул қилиш учун махсус ҳайъат тузишимиз керак. Бунга ёзувчилар, шоирлар, ҳуқуқчилар, олимлар, муҳолифат, сиёсат арбоблари, хуллас ҳамма соҳадан вакиллар кирсин. Шундай бир ҳужжат қабул қилайликки, дунё бизга қойил қолсин. Сихни ҳам кабобни ҳам куйдирмасдан иш қилайлик...

Воҳидовдан кейин сўзга чиққан Исо Холис унинг таклифига қўшиларкан, бу ҳайъатни шу заҳоти тузиб, мажлис охирида баёнотни қабул қилиш кераклигини айтди. Кейин Бош вазир сўз олди:

-Бу бир варақ қоғоз. Ҳамма нарса шу билан ҳал бўлиб қолмайди, -деди у. -Масаланинг иқтисодий томонларини ҳам кўриб чиқишимиз керак. Мен билан ёнма ён ўтирадиган депутат "Боғча куриш аҳамиятлими, мустақиллик баёнотими?" деб сўради. Ана шу саволнинг ўзи кўрсатаётгани, бу масалани бир ҳайъатга юклашимиз ва бутун таклифларни инобатга олган ҳолда ўртага чиқаришимиз керак. Мана менинг қўлимда иккита лойиҳа бор. Хўш, бунинг қайси бирини қабул қиламиз? Кўриб чиқайлик. Мен мажлисда танаффус эълон қилинишини ва бутун вилоятларнинг вакиллари йиғилиб, бу масалани муҳокама қилишларини таклиф қиламан.

Танаффус эълон қилинди. Кичик залда баёнот лойиҳаси тортишилар экан, икки лойиҳани бирлаштириб, бу ерда айтилган таклифларни ҳам инобатга олган ҳолда янги бир матн тайёрлаш учун Мирсаидов, Миртемир, Исо Холис, Ибод Тўраев ва Ойгул Маматовадан иборат ҳайъат тузилди. Ҳайъат ярим тунга қадар лойиҳа устида ишлади.

Каримов меҳмони билан Водийни кезиб қайтгач, эртасига эрталаб мажлис залига етиб келди.

-Кеча ярим тунга қадар лойиҳани кўриб чиқдик. Бугун муҳокамага қўйишдан бошқа иложимиз йўқ, -дея матнни Каримовга узатди Мирсаидов.

Каримов матнни кўлига олди-да:

-Мен кўрган лойиҳа бу эмас эди. Қани Миртемир чакиринглар, -деди.

Миртемир кириб келиши билан:

-Бу нима? -дея унга бақирди.

-Бу мустақиллик баёноти, -деди жиддий оҳангда Миртемир.

-Мен билан ўйин қилма! Қани кеча менга кўрсатганинг!

-Мени сенсираманг, -деди Миртемир ва қайрилиб чиқиб кетди.

Бу пайтда мажлис бошланган ва Мирсаидов аллақачон минбарда эди. Каримов эса залга кирмай, ўтирган хонасида тортишувларни тинглади. Компартиянинг янги иккинчи котиби Ефимов лойиҳага қарши гапирди. Кейин мафкура котиби Ҳамидов ҳам уни қўллади. Аммо кўпчилик мустақиллик ташнаси эканлиги сезилиб турарди. Мирзоалим Иброҳимов тортишувлар битар-битмас масалани овозга қўйди ва яна залга ҳам қараб ўтирмасдан "Бир овоздан қабул бўлди" деб эълон қилди. Ҳамма ўрнидан туриб қарсақ чаларкан, Ефимов, Ҳамидовлар ҳам бу шиддатли сел каби оқимнинг кучига дош беролмай оёққа қалққандилар. Раис "дўппилик йигит" деган миллатвакили тўнининг ичида сақлаган миллий байроқни ўртага олиб чиқди. "Яшасин мустақиллик!" дея ҳайқирди. Унинг бу ҳайқириши тоғларда акс садо берганидек қатор ораларида такрорлана бошлади. "Мустақиллик!" дея ҳайқираётганлар қандайдир ўй-фикрларга эмас, қалбларига қулоқ солаётгандилар. Каримов гул столи устида турган радиони тепиб юборди. Радио ерга бориб тушганда ҳам ундан залдаги ҳайқириқлар эшитилиб турарди.

Булар жинни бўлган деб ўйлади Каримов. Нима иш қилишаётганини билишмайди. Мана бу ерда бақириб-бақириб кетишлари осон, аммо Московга ким жавоб беради? Ҳозир мана бу бинонинг қаршисига тўртта танкни келтириб қўйишса, нима қиламиз? Балки бошқа жумҳуриятларда қон оққанидан қўрқиб, бунга журъат қилишмас. Ҳатто мустақил ҳам бўлдик, дейлик, армияни нима қиламиз? Бюджетимизда бир тийин пулимиз йўқ. Афғонистондан саккиз киши қурол кўтариб келса, ҳаммаёқни босиб олади. Буни ҳам қўйиб турайлик. Халққа қаердан маош берамиз. Мен ўзи нималарни ўйлаяпман? Жилов кимнинг қўлида?

Каримов иккинчи котибни чақирди:

-Бор, Москов билан гаплаш. Эшитиб қолиб, ўпкалари оғизларига келмасин. Бу қарорни бекор қиламиз, -деди.

Кейин Ҳамидовни чақирди. Мажлиснинг бу қисми телевизорда кўрсатилмасин, матбуотга берилмасин, бор, чорасини кўр, -деди ва сўнгра Мирсаидовни чақирди ва:

-Қўлингиздаги матнни ҳеч кимга кўрсатманг, қайтадан ёзамиз,-деди унга.

-Бу матндан бир нусха Миртемирда ҳам бор.

-Унинг қўлидан ҳам олинг.

Шу пайт Воҳидов Нурали Қобул деган миллатвакили билан кириб келди ва Каримовни самимий оҳангда қутлай бошлашди. Каримов ҳеч нарса бўлмагандек қутловларни қабул қиларкан, Шукрулло Миртемирнинг ёнига келди:

-Сиздаги нусхани Ислом ака сўраяпти, -деди.

-Нега? -деди Миртемир ҳам Мирсаидовни қутларкан.

-Ошналарингизга айтинг, кетиб қолишмасин. Буни қайтадан ёзишмоқчи.

Миртемир эшикдан чиқиб кетаётган Исо Холисни тўхтатиб, воқеани унга билдирди. Кейин бошқаларни ҳам ичкарига чақирди.

-Бизга бу ҳужжатни ўзгартирмоқчи эканингиз хабари етиб келди, -деди Исо Холис Каримовга.

-Сиздан беҳабар иш қиламизми? -деди Каримов.

-Бу парламентда қабул қилинди. Энди уни ўзгартириш қандоқ бўларкин?-сўзга аралашди Нурали Қобул.

-Ефимов айтган баъзи таклифларни киритинглар. Кейин парламент яна бир марта қабул қилади.

-Парламент қабул қилиши мумкин, лекин...,-Нурали Қобулнинг сўзи оғзида қолди.

-Бўпти, бўпти, мен розиман, -деди Каримов унинг сўзни бўлиб.- Боринглар Ефимовни кўндирунлар!

Сал нарида турган Ефимов Исо Холисининг қўлидан ушлаб, четга тортди:

-Ҳозиргина Москов билан гаплашдим. Иккита ўзгартириш албатта киритилиши керак!

Мен бу масалада бор йўғи бир элчиман. Ислом Абдуғаниевич Москва билан гаплашишимни илтимос қилди. Элчига ўлим йўқ, дейишади.

-Хўш, нимани ўзгартириш керак?

-"Мустақиллик" ўрнига "суверенитет"деб ёзамиз. "Москва қонунлари ҳудудимизда юрмайди" деган бандни олиб ташлаймиз. Қолган йигирмата тузатиш эса жузъий.

Улар стол ёнида ўтириб матнни тортиша бошладилар. Каримов эса улар томонга қараб масҳараомуз жилмайди-да, "Бўпти, мен Қозоғистондаги мажлисга кечикаяпман", дея чиқиб кетди...

Миллатвакиллари оқшомни байрам кайфиятида ўтказдилар. Бир-бирларини зиёфатга чақирдилар, қутладилар. Аммо на телевизорда, на радиога мустақиллик ҳақида бир жумла ҳам сўз йўқ эди. Эрталабки газеталарда ҳам бу муҳим воқеа "унутилганди".

Миртемир ва меҳмонхонадаги дўстлар йиғилишиб, нима қилиш кераклигини маслаҳатлашишди. Норозилик баёноти ёзиб эълон қиламиз, деган қарорга келишди. Сўнгра Миртемир Ҳамидовга сим қоқди.

-Биз ҳам шунинг дардида ухламай чиқдик, -деди Ҳамидов. -Бошқа норозилар ҳам бор, Ислом акага телефон қиляпмиз, боғланишнинг иложи бўлмаяпти...

Каримов Московдан бирор бир эътироз олмагач, ичкарида ғалаён чиқмасин, деб пойтахтга қайтиши билан ҳуқуқ тартибот органларини оёққа турғазди.

Кейин Ефимовни чақирди:

-Тайёрлаган матнингни олиб кел, -деди.

Матни синчиклаб ўқиркан, бир неча жойини таҳрир қилди.

-Мажлис икки ойдан кейин бўлади. Тўртта тирранчадан бошқа эътироз билдирадиган йўқ. Мана бу матн эса Московнинг қарашларига зид эмас. Москов билан гаплашдим, муҳолифатни тинчлантириш учун яна ҳам кучайтиришингиз мумкин, дейишди. Лекин баёнотдаги талабларни кучайтирсак, кейин жавобини Москов эмас, биз беришимиз керак. Шу сабабдан мана шуни эълон қил, -деди Каримов. -Бюро мажлисида Иброҳимов масаласини муҳокама қиламиз ва кенгашда ишдан олишни қарорлаштирамиз. Буларнинг ҳужжатларини ҳам тайёрлаб қўй.

36. ПЎРТНА

Бюро мажлисида Каримов Иброҳимовни ҳақорат қила бошлади:

-Бурнингдан ип билан боғлаб судрашларига йўл қўйдинг! Кунимиз сен каби латталарга қолди. Ё ишла, ё кет! Сен ифлосни туккан ўша қанжиқ онангни юзига қараб ўтирадиган йўқ бу ерда!

Шундай деб Каримов мушт билан стол устидаги ойнага урди. Ойна парчаланиб кетди.

Мирзоалим Иброҳимов мункайиб қолган чолдек, бош эгиб ўтирарди. Кекса одамнинг бу қадар таҳқирлаши, бунинг устига онасини ҳақорат қилиши Мирсаидовни жумбушга келтирди. У ўрнидан турди-да:

-Бюро мажлиси ёпиқ, чиқиб кетишларингиз мумкин, -деди.

-Сен кимсан, кимга буйруқ бераяпсан, нима ҳақкинг бор бюрода ўзингни кўрсатишга, бу ерда менинг гапим ўтади. -Каримов ҳам ўрнидан туриб Мирсаидовга бақирди.

-Ҳақоратлар бюродан ташқарида қолсин, дедим. Нега нафақахўр одамни ишга келтирдингизу нега унинг онасини ҳақорат қиласиз? Ишлай олмаётган бўлса, "Кет!" денг кетади, -деди Мирсаидов.

Каримов қўчқордек отилиб унга қарши юрди. Мирсаидов ҳам бир ҳамла билан Каримовга етиб олди. Ўртага Жўрабеков кирмаганда бюро мажлиси жанг майдонига айланарди.

Улар бироз жаҳлларидан тушиб, бир-бирининг айбини дўстона оҳангда айтишаркан, бюро аъзолари қочиб қолишганди.

Каримов ҳар қанча юмшоқ оҳангда гапирмасин ичида "Ҳамма нарсанинг вақти бор, сени ҳам тикан устида югуртирадиган кунлар келади. Дўст дегани доим душман чиқаркан-да" деб ўйлади.

Мирсаидов ҳам бу воқеа дўстликларини дарз кеткизган зарба бўлганини англади.

Шу пайт Крайнов кириб:

-Мирзаолим Иброҳимов хонасига етиши билан йиқилиб қолди, юраги тўхтаб қолди, хастахонага жўнатишди, -деди.

Мирсаидов "Кўрдингми оқибатини" дегандек, Каримовга қараб қўйди-да чиқиб кетди. Каримов эса Крайновга:

-Агар ўлиб қолса, эртага мотам эълон қиламиз. Ўлмаса, нафақага жўнатамиз. Чунки унинг ҳукмини биз эмас, унинг ўзи ўқиди, -деди.

Каримов кўшни хонага кирди-да, музлатгични очиб, нимадир қидирди. Нима қидираётганини ўзи ҳам билмаган одамдек музлатгичнинг равонларига узоқ тикилиб қолди. Шу дамда боши бўм-бўш ҳувиллаб қолганди. У хаёл кўчасига киришга қўрқар, аммо фикрлар ҳар тарафдан булутлардек бостириб келаётганди. Бу булутлар орасида узоқ-узоқларда Иброҳимовнинг оппоқ докадек оқарган юзи ва Мирсаидовнинг Каримовни масхара қилаётгандек кулиб турган чехраси гоҳ яқинлашиб, гоҳ узоқлашиб "бориб келаверди".

Йўқ, деди Каримов ўзи-ўзига, мен кучлиман! Мени кимларнингдир тазйиғи енга олмайди. Балки бу тазйиқ эмасдир?! Балки ростдан ҳам чегарани йўқотиб қўйдимми? Йўқ, Иброҳимовни ишга келтирар эканман, унга шартларни очиқ айтгандим. Ё менинг одамим бўласан ёки ҳеч ким! Ё менинг йўлимга юрасан ёки кўзимдан йўқоласан! Мен мардга мард, номардга номардман! Иброҳимов менга хиёнат қилди. Мени тузоққа туширмоқчи бўлди. Агар ана у тирранчаларни ўз йўлига солганда, мен унинг мушугини "пишт" демасдим. Индамасам толни каллаклаган бешикчиларга ўхшаб мени ҳам ҳар тарафдан каллакларди. Кейин эса қуришиб ё васса қилишарди ё бешик ё тобут. Нималар деб ўйлаяпман ўзи? Бешик... Буларнинг қўлига тушган бешик бўлишга улгурмай қуртларга ем бўлади, чириб йўқолади. Бугуннинг қонуни битта: ё қуртларга ем бўласан ёки қуртларга ем қиласан!

Иброҳимов майли-ю ана у нонкўрга нима дейиш керак? Наҳотки мансаб одамни шу қадар тез ўзгартиради? Наҳотки, йигирма йил дўстлик қилиб, унинг кимлигини билмадим? Сигирнинг оласи ташида, одамнинг оласи ичида деб бекор айтмас эканлар. Хатто мен ноҳақ бўлганимда ҳам Шукрулло бетга чопарлик қилмаслиги керак эди. У ўзини набзга кўра шарбат асосида иш қилдим деб оқлар, лекин менинг олдимда бир умрга гуноҳкор. Чунки уни Бош вазирликка мен келтирдим. Мен орага кирмасам ана у тирранчалар уни чокчокидан сўкиб, парам-парча этишарди. Олдинги Бош вазир мард экан, чопонини елкасига ташлаб, индамай кетди. Никқини чиқармади. Ўғил бола шундай бўлиши керак. Балки Шукрулло менинг ўрнимга кўз тиккандир? Шундай бўлмаса, нега бюро мажлисида хўжайинлик қилди? Нега бошқалар ҳам менинг муносабатимни кутиб турмасдан унга қулоқ солишди? Нега Шукрулло важоҳат билан менга ташланди? Нега Жўрабековдан бошқа ҳеч ким орага кирмади? Нега мен ҳаммани орқага қайтариб, мажлисни давом эттирмадим? Нега Шукруллони ишдан бўшатиш масаласини ўртага қўймадим?

Нега?! Нега?! Нега?!...

Булутлар парчаланиб дўлларга, дўллар эса саволларга айланиб унинг бошига келиб урилаётгандек, у ўзига пана жой, асабларини тинчитмоқ учун баҳона изларди. Лекин музлатгичда шу дамда бу "баҳона"йўқ эди...

37. СОҲИБ

Ердан кўтарилаётган ҳовур билан қуюқ туман қоришиб атрофни қоплаб олганди. Бу кишини биқтирувчи манзара бўлишига қарамай, неча кундан буён ўзини кўярга жой

тополмай юрган Каримовнинг бугун ҳар қачонгидан кайфи чоғ эди. Чунки пахта плани тўлганди. Илгариги пайтда бўлганда-ку Московдан ҳам мақтов, ҳам орден ундирарди. Ҳозир эса ҳатто телефон қилиб, бир оғиз раҳмат айтишмади. Каримов бунинг учун қайғурмади. Аксинча хурсанд бўлди. Демак, Московнинг у билан иши йўқ. Бутун жумҳурият ўзининг ҳукмида. Вилоят биринчилари сим қоқиб, табриклаб туришибди. Бошқа томондан эса пахта плани тўлиши Горбачев билан гаплашиб олиш учун имкон бўлди. Аслида бугун кайфияти кўтарилгани, кўнгли равшанлашгани ҳам ана шундан. Қарийб бир ойдирки ўз ёғига ўзи қоврилмоқда. Бир неча депутатнинг тўполони билан сессияда истеъфо бериб кетишига оз қолганди, лекин кўнгил сўрашмади.

Хайрият-ки ўшанда шайтоннинг гапига кирмадим, деб ўйлади у. Агар сессияни ташлаб кетиб қолганимда, Шукрулло отга минарди. Мени эса отнинг оёғига боғлаб жазойи қиларди. Гарчи атрофимдагилар тўнтаришни Шукрулло тайёрлаган, деб мени ишонтиришга уринсаларда, ҳақиқатни сезиб турибман. Шукрулло бу ишга журъат қилолмасди. Чунки Иброҳимовни муҳокама қилган бюро мажлисидан кейин тавбасига таянтиргандим. Қўлимда уни шармисор қиладиган ҳужжатлар тўплаб қўйганимни ҳам яхши биларди. Бунинг устига Олий кенгаш раислигига Шавкат Йўлдошевни келтириб, Шукруллони кўлини анча боғлаб қўйдим. Йўлдошев жар ёқасида эди. Фарғона воқеаларида жоловни қўлдан чиқариб, ёмон отлиқ бўлди. Шукрулло катта мажлисда унинг ҳам қўли қон деб жиноятга тортишни талаб қилганди. Оёғи тойиб кетаётган бир пайтда уни қутқариб қолдим. Бутун вужудида Шукруллога нисбатан нафрат кўпирмоқда. Ҳатто бир-бирининг кўзига тик қаролмайдиган ҳолга келишди. Шунинг учун ҳам бу сессияда Йўлдошев билан Шукруллони оғиз бириктиришганига ишонмайман. Хавфсизлик қўмитаси, мана бу маслаҳатчилар эса Шукрулло уюштирганини исботлаш учун далил тўплаш билан овора. Билишади, ундан сўз очишса, қайнаб кетаман. Шу сабабдан доим ўртага унинг номини сукишади. Аслида улар ҳам Шукруллодан кўрқишади. Аммо нега мендан эмас, ундан кўрқишади? Йўқ, мендан кўпроқ кўрқадилар. Кўрққанлари яхши. Қўлни қўл қилувчи кўрқувдир. У қўлликни енгдими, бошга бало бўлади.

Аслида бугун Шукрулло ҳақида нега ўйлай бошладим? У билан орамизда кўп гап ўтди, лекин охириги сессияда агар у минбарга чиқиб "Менга вазифа керак эмас" демаганида, ишим битган эди. Йўқ, агар уни қўлга олмаганимда ана у тўполончиларнинг йўлига юрарди. Ҳозир у ҳукуматнинг бошида, қўлида бир қанча хазинанинг калити бор. Аста секин бу калитларни олиб қўйишим керак, кейин ёнимда айланиб юраверсин. Ўшанда яна ҳам вафодор бўлиб қолади.

Бир ёмонликнинг бир яхшилиги бор дейдилар. Сессияда кимнинг ким эканлигини яна бир марта кўриб олдим. Бунинг устига сайлов ҳақидаги қонунни кейинги мажлисга қолдирганим ҳам яхши бўлди. Унга вице-президент деган лавозим киритаман. Бошқа жойларда президент ва вице-президент бирданига сайланади, мен эса қонунга уни тайинлаш тартибини киритаман. Сайловгача Шукруллони ҳам, бошқаларни ҳам хурсанд қилиб туришим керак. Сайлов ўтгандан кейин ғалвирни сувдан кўтараман. Ўшанда ғалвирда ким қолади-ю, ким қолмайди, кўрамыз. Ҳозир эса буни Горбачев билан келишиб олишим керак. Пахта плани тўлганини айтиб, кейин бу масалада ипнинг учини кўрсатсам яшил чироқ ёқиб юборади...

Каримов бир қарорга келган кишидек елкаларини орқага тортиб, кўкрак кериб ўтирганча Крайновни чақирди:

-Мақсад Қўлга айт, табрик мактубини олиб келсин, -деди унга.

Крайнов чиқиб кетар экан Каримов яна ўйга толди. Бу Мақсад Қул деганлари анча дуруст бола экан. Исо Холисни қўлга олиш учун буни тузоққа илинтиргандик. Биз кутганимиздан ҳам зиёда экан. Ҳам Исо Холисни йўлга солмоқда, ҳам бошдоғини йўқотиб қўйган газетачиларни кишанлаб турибди. Бунинг устига русчаси ҳам пишиқ. Москва газеталарига менинг номимдан ёзган мақолалари юқоридагиларнинг аразини анча юмшатди. Барибир бу болани назоратда тутишим керак. Яна уч-тўрт марта синаб кўраман, айникса сўкиш синовига бардош берса, бахти кулди, уни ёнимдан айирмайман.

Шу пайт эшик очилиб, остонада новча бўйли, мўйловдор Мақсад Қул кўринди.

-Ҳамма костюм-шим кияди, галстук такади, сен эса пахта теришга келган талабага ўхшаб кийиниб олибсан, -дея ҳазиломуз гап отди Каримов Мақсад Қулнинг қизларнинг қўйлаги сингари узун свитерига қараб.

-Зотан бугун пахта иши билан бандмиз, -дея тиржайди Мақсад Қул. -Жиддиятга келсак, новча ва озғин одамга костюм-шим ярашмайди. Костюм-шим кийиш учун сизга ўхшаб тўлачадан келган бўлиш керак.

-Аммо журъатли боласан, қолганлар эса кўрқоқ. Сендан бошқаси бундай кийинишга ва мен билан сен каби юзма-юз гаплашишга кўрқади. Ҳа, дарвоқе, китобларингни имзолаб бермоқчи эдинг, унутдингми?

-Астафидулло, буни унутаганими? Крайновга бергандим, тортмангизга қўйган бўлиши керак.

Каримов эгилиб тортмасидан икки китобни олди:

-Ҳа, булар сенинг китобинг эдими, кўриб эътибор қилмабман. Қани, ўқийликчи, нима деб ёзибсан.

Каримов Мақсад Қулнинг қўл ёзмасини ўқий олмади. Калималарни нотўғри талаффуз қилишдан қочгани учун қайта ўқишга уринмади.

-Бундай ёзувларни муаллифга ўқитмоқ керак. Қани, ўзинг ўқиб берчи нима деб ёзибсан?

Мақсад Қул бироз ҳаяжонланди. Китобининг илк саҳифасида Каримовга хушомадгўйлик қилганди. Одатда китоб имзолар экан ҳеч ким аччиқ-алимсоҳ гап ёзмайди. Кўнгилни тоғ, кайфни чоғ қилувчи гаплар ёзилади. Мақсад Қул бу гапларни ёзиш бошқа, ўқиш бошқа эканлигини шу лаҳзада англади. Юрагининг остида жимирлаган бир нарсa бутун вужуди бўйлаб "югуриб кетди" ва кичик бир томчига айланиб, бурнининг устида пайдо бўлди. Онийдан "йўқолиб қолган" товушини қидириб топиш учун бир-икки йўталиб олди-да, Каримовга қўл узатиб китобни истади. "Буғдойзор"... китобнинг номи ана шундай эди. У бир сония китобига термулиб турди-да, кейин илк саҳифасини очиб ёзганини ўқиб берди: "Мен тарих саҳифаларида таниган буюк саркарда ва давлат раҳбари Амир Темурдан кейин буюк жасоратни Сизда кўрдим. Зотан, теурийлар салтанати сурган заминнинг фарзандисиз. Сизнинг ёнингизда ишлаш Аллоҳ ва тарихнинг менга этган инъомидир..."

Каримов ўрнидан туриб Мақсад Қулнинг икки елкасидан ушлаб, бир силтаб бағрига босди.

-Ука, мард бола экансан! Ҳамма ҳам бу гапни айтишга журъат қилолмайди. Бу гапни менга эмас, халққа айта оласанми?

-Айтаман, мен икки юзли одам эмасман. Зотан, Сиз ҳақингизда китоб ёзишни бошладим.

-Китобни қўй, ука. Ҳозир бир мақоланг ҳам етади.

-Мақола эмас очерк ёзаман. Биз Сизга давлатни бошқаришни ўргата олмаймиз, Сиз ҳам бизга қандай ёзишимизни қўйиб беринг.

-Э, йўқ. Жуда катта нарсa сўрадинг. Сен менинг жоним билан ўйнаяпсан! Сенларга нима ёзишни кўрсатиш давлатни бошқариш эмасми?

-Мухтарам Президентим, Сиз мени янглиш англадингиз, ўзингиз ҳақингизда ёзишда бизга эркинлик беринг.

-Яна бир қадам олдин кетдинг. Мен ҳақимда мендан сўрамасдан қандай қилиб ёзишинг мумкин. Менинг соҳибим менман! Сен мен ҳақимда ёзишинг мумкин, аммо мен кўриб берганимдан кейин сенинг мулкингга айланади.

-Умуман ҳақсиз, хато менда, -деди Мақсад Қул Каримовнинг жаҳли чиқишидан кўрқиб.

-Барибир ёзувчисан-да, ука, шу ерда ҳам "умуман" деган сўзни қўшиб юбординг. Ҳа, майли пахта плани тўлгани билан табрик мактубида ҳам ана шундай ортиқча сўзлар қўшиб юбормадингми?

-...

Мақсад Қул индамай табрик матнини узатди.

-Фақат русчами?

-Крайнов Миртемирга таржима қилдирамиз, деганди.

-Қани, уни ҳам чақир, -деди Каримов Мақсад Қулга.

Мақсад Қул чиқиб кетаркан, Каримов Москвага телефон қилди. У СССР раҳбарига:

-Сизни безовта қилмоқчи эмас эдим, лекин рапорт бериб қўймоқчиман, пахта планини бажардик,-деди.

-Раҳмат, ҳозирги қийин шароитда ҳар қандай муваффақият келажакка қараб ташлайдиган одимларимизнинг пойдевори бўлади. Ҳар қандай муваффақият ошкоралик ва қайта қуришнинг мевасидир...

Каримов телефоннинг нарёгидан келадиган нутқни эринмай тинглади, кейин ўзининг режалари, "дардларини" ҳам айтди.

-Фақат ўзингдан кетиб қолма, нима истасанг, хўп деяпман. Сенга ҳаддан зиёд эркинлик бердим. Буни қадрла. Агар орқангда биз турмасак, бу эркинликни икки сонияда қўлингдан тортиб олишади. Бизга таянсанг, демак катта тоғга таянган бўласан...

Каримов телефонда гаплашаётган пайтда қабулхонадаги кизил чироқ ёнади ва бу пайтда ҳеч ким ичкарига кирмас эди. Мақсад Қул билан Миртемир кизил чироқнинг ўчишини кутиб, оёқда гаплашиб туришарди:

-Сизнинг Девонга келганингиз яхши бўлди-да, оға. Аслида Ислом ака ёмон одам эмас, уни биргалашиб йўлга соламиз, -деди Мақсад Қул.

-Йўлга соламиз деганлар кўп, лекин у йўлга кирса-да.

-Қаранг, сессияда сиз уни нима кунга солдингиз, аммо депутатларнинг талабини бажариб, сизни Девонга ишга олдилар.

-Буни икки хил шарҳлаш мумкин, -дея жавоб қилди Миртемир. -Биринчидан, у киши мени бу ерга ишга олиб, бошқаларнинг кўзига сотқин қилиб кўрсатмоқчи. Бу ҳолда эртага йўқотиб юборса ҳам бировнинг иши бўлмайди. Иккинчидан, сайловни ўтказиб олгунча бизларни кучсизлантириш учун шу йўлга бош урган бўлиши мумкин.

-Сиз бу қадар хафақон бўлманг, оқсоқол самимий одам. Мана кўрасиз, халқимизга яхшилиқни раво кўрган барча дўстларимиз шу девонга йиғилади. Сиздан олдин дўстингиз Дадахонни ишга олдилар, бошқаларни ҳам муҳим нуқталарга келтираяптилар. Демак, ҳаммамиз оқсоқол билан қўш қанот бўлиб ишлашимиз керак. Мен кўнглимга яқин олган инсонларни "оға" дейман. Оға, билиб қўйинг Каримов бизнинг бахтимиз. Аллоҳ кўрсатмасин ана у тошкентлик келиб қолса, ҳаммамиз учун сичконнинг уйи минг танга бўлади.

-Негадир бу ерда ҳамма Шукрулло акадан кўркади. Менимча бизнинг энг катта қусурларимиздан бири маҳаллийчилик. Тошкентлик бўлгани Шукрулло аканинг айбими?

Умуман, пойтахтда барча вилоятлардан келганлар яшамайдими? Айниқса, биз зиёлилар бу хасталикни йўқотиш ўрнига илдизига сув қуйиб ўтирсак оқибатимиз нима бўлади?

-Оға, сиз буларни танимас экансиз. Мен шуларнинг юзидан дорилфунунни ташлаб, Московга кетиб қолгандим. Онамдан эмган сутимни бурнимдан суғуриб олишганди. Мени "келгинди" дея ҳақорат қилишганини унута олмайман.

-Агар сиз Марсдан тушган бўлсангиз, бу сўз учун хафа бўлишингиз мумкин. Бироқ, бу ер сизнинг ҳам ватанингиз. Ҳаммамиз шу тупроқнинг болалари. Шундай экан, бир тарбиясиз ўртага чиқиб "Сен Марснинг боласи" деса бир умр кин сақлаб юришимиз керакми? Мен Девонга ишга келган куним Каримов билан гаплашганимда икки шартим борлигини айтгандим. Биринчиси, маҳаллийчиликни тан олмайман. Ўтган сессияни ҳам пойтахтликлар уюштиришди, деб гап тарқатишди. Лекин сўзга чиққанларнинг рўйхатига назар солсангиз, бу гап иғво. Чунки сессияда Каримовга қарши пойтахтдан бир-икки киши сўзга чиқди, қолганлар эса вилоятлардан. Иккинчи шартим, ҳар қандай масалани инсонга ўхшаб тортишув йўли билан ҳал қилиш. Агар мени ишонтира олса, мен кин сақламасдан фикрини қўллаб-қувватлайман. Агар мен уни ишонтирсам, у ҳам мард бўлсин.

-Менимча оқсоқол бу шартга риоя қилаяптилар. Ҳозир Девондаги асосий масалаларни сизга ишонмокдалар-ку! Бошқа маслаҳатчилар, ёрдамчиларнинг қони қайнаб юрибди. Ишончини қозониш учун сессияда "Онангни" деб сўкиш керак экан-да, деб юрганлар ҳам бор.

-Мен "онангни" деб сўкибманми?

-Энди, ўша машҳур гапингизни шундай шарҳлашяпти-да, аслида бошқача шарҳи ҳам йўқ.

-Сиз ёзувчи бўлиб шундай хулоса қилсангиз, бошқалардан ўпкаламасам ҳам бўлар экан...

38. ЖАҲЛ

Қабулхонага қараб очиладиган кичкина дарчадан югуриб чиққан Крайнов Миртемир ва Мақсад Қулга "Сизларни чақираяптилар" деди, кейин "Чироқ ҳам ўчибди-ку" дея қўшимча қилди.

Миртемир Каримов билан саломлашар экан:

-Бугундан бошлаб солиқларни ўттиз фоизга оширибсиз-ку?! -деди киноя билан.

-Нима деяпсиз ўзи? -Каримов бирдан жиддийлашди.

-Мана бугун газеталарни ўттиз фоиз оширилган баҳосига сотиб олдик. Сотувчи фақат газеталарга эмас, умуман ҳамма нарсага ўттиз фоиз қўшимча солиқ солинганини айтди.

-Ёлғон! -деди Каримов ва Мақсад Қулга юзланди. -Сен ҳам газета олдингми?

-Олдим, кечагидан кимматроқ экан, баҳолар ошгандир, деб ўйладим мен ҳам.

-Мен хабардор бўлмасдан қандай қилиб баҳолар ошади? Бу ўйин, сайлов олдидан мени шарманда қилишмоқчи. Халққа нарх-навони оширмайман, деб ваъда бергандим. Сайлов олдидан бу ўйинни ким ўйлаб топди?

Каримовнинг шиддат билан термулишига бардош беролмаган Мақсад Қул:

-Ҳа, бу орқадан пичоқ уришдир. Махсус уюштирилган иш бу! -деди.

Каримов Миртемирга юзланди:

-Доим мени танқид қиласиз. Мана ўзингиз кўрдингиз, мени қандай боши берк кўчага киритиб қўйишади.

-Ростдан ҳам сизнинг хабарингиз бўлмаса, у ҳолда текшириш учун имконингиз бор.

-Нафақат текшириш, балки бу хоинларни ўртага чиқариб, халқдан кечирим сўратиш керак. Ўз хатоларини ўзлари тузатишсин.

-Халқнинг олдига чиқиб, узр сўрашсин, -деди Мақсад Қул.

Унинг бу таклифи Каримовга ёқиб кетди ва у Крайновга Давлат планлаштириш қўмитаси раисини чақиришни буюрди. Мақсад Қул "Кўрдингми, бошқариш қандай бўлади" дегандек мағрурона Миртемирга қараб қўйди.

Каримов хонада у ёқдан бу ёққа бориб келар экан, оғзидан боди кириб, шоди чиқарди:

-Табрик мактубини нима қиламиз? -дея лукма ташлади Мақсад Қул.

-Табрик мактубини орқанга тиқиб қўй, -дея бақирди Каримов.

Мақсад Қул индамай бошини эгди.

Шу пайт хонага ҳовлиққанича планлаштириш қўмитаси раиси Бахтиёр Ҳамидов кириб келди.

-Эшак! -дея унинг қаршисига пешвоз чикди Каримов. -Нега солиқлар оширилади, менинг хабарим йўқ?

-Оширилгани йўқ, -дея қўлидаги дафтарларни варақлай бошлади Ҳамидов.

Каримов бир ҳамла билан унинг қўлидаги дафтарларни олиб улоқтирди. Саҳифалар икки хўрознинг жикқамушт бўлганида патлар ёғилгани каби хонага сочилди. Миртемир бу манзара қаршисида хангу-манг бўлиб қолди. Мақсад Қул эса отаси бақирганда қалтираб қолган боладек "тахта"га айланганди.

-Ўзингиз билан гаплашгандик, -деди Ҳамидов сочилиб кетган қоғозларни териб олмоқ учун эгиларкан.

-Онани эри билан гаплашгандинг! -Каримов югуриб бориб Ҳамидовни тепаман деганди у ердаги варақни олиш баҳонасида чап берди ва қаддини ростлади. Каримов бир лаҳза мувозанатини йўқотиб қўйди. Лекин ўзини ҳамон қўлга ололмасди. Важоҳат билан С Ҳамидовнинг ёқасидан ушлаб судрай бошлади.

-Ким билан гаплашгандинг? Қачон гаплашгандинг? Балки Шукруллонинг найрангидир бу?!

-Биласиз, мен Шукруллони одам ҳисобламайман. Сиздан бошқасининг гапини бир тийинга олмайман. Ўзингиз ўттиз фоизлик солиқ ҳақида ҳужжат тайёрлашни буюргандингиз. Мен шундан бошқа гапни билмайман. Вазирларга шу топширикни етказгандим.

-Кимларга айтгандинг?

-Савдо вазири ва Нарх-наво қўмитаси бошлиғига. Кейин Қишлоқ-кооператив савдо идораси раисига. Уларга солиқ солинглари деганим йўқ. Бу борадаги лойиҳани тайёрланглар, Ислом ака имзо қўйгандан кейин бошлаймиз, дегандим.

-Мен сенга ўшанда нима дегандим, мана буларга такрорла. -Каримов жавобни ҳам кутмасдан телефон ёнидаги тугмалардан бирини босиб: -Равил, зудлик билан савдони, нархни, бирлашувни топ! Ер остида бўлсалар қулоқларидан ушла, осмонга чиксалар оёқларидан торт. Икки дақиқадан кейин шу ерда бўлсинлар. -Сўнг Каримов яна Ҳамидовга юзланди: -Нега жим турибсан? Гапир! Булар ўз қулоқлари билан эшитишсин.

-Сиз лойиҳани тайёрла, сайловдан кейин амалга оширамиз, дегандингиз.

-Бекор айтибсан! Лойиҳани Олий кенгашга тақдим этамиз, агар қабул қилишса ундан кейин шароитга қараб амалга оширамиз, дегандим.

-Билмасам, -дея елка қисди Ҳамидов. -Бу ёғини эшитмай қолган эканман.

-Эшитиш учун қулоқдаги патакни олиб қўйиш керак. Бу иш сенга оғирлик қиляпти. Эртадан бошлаб Московдаги ваколатхонага ишга борасан, бу сен учун сургун. Ўзингни оқласанг, бир йилдан кейин олиб келаман.

Миртемир Каримовнинг бу ҳолига тушунмай қолди. Ростдан ҳам унинг хабари йўқ дейдиган бўлсак, Ҳамидов унинг юзига қараб топшириғи шу ҳақда эканлигини айтмоқда, дея ўйлади. Агар хабардор бўлса, нима сабабдан бу қадар гувиллаб ёнаяпти? Ҳар ҳолда

булар сайловдан кейин амалга ошириш учун анча-мунча нарсa режалаб қўйганга ўхшашади. Ёки бизнинг сессиядаги жанжалимиздан кейин ҳамма ишни орқага ташлаган бўлишса керак? Ана шу сирли ишнинг учи кўриниб қолгани учун Каримов бу қадар қизимокда. Акс тақдирда қўмита раисини шартта ишдан олмасди.

Эшик очилиб котибият бошлиғи кўринди:

-Савдони топдим. Нарх қўмитаси раиси Қудрат Ахмедов хаста ётган экан, ўринбосари Нина Петровна келди. Бирлашувнинг раиси сиздан изн олиб вилоятга кетганди, ўринбосари Макарянни чақирдим.

-Олиб кир! -деди Каримов.

Чақирилганлар қўлларида бир дастадан папка ва дафтарлар билан ичкари киришди.

-Нима гап? -деди Каримов савдо вазири Усмоновга юзланди.

-Окажон, Павел окамиз чақирдилар, келдик.

-Окангни ҳам, Павел окангни ҳам, сени ҳам онангни (...) билдингми?

-Билдим, билдим...

-Билган бўлсанг, билганингни ҳам, билмаганингни ҳам (...)дим, билдингми?

-...

-Нимага жавоб бермайсан? Жавоб бер деяпман санга иплос!

-...

-Сен порахўрга айтаяпман, нега жим турибсан? Бу ерга ҳайкал бўлиш учун келдингми? Гапир, нега ўттиз фоизли солиқни қўлладинг?

-Окажон, ўзингиздан изн олгандим-ку?!

-Сен, итваччага нима дегандим?

-"Орқасидан гапи чиқмасин", дегандингиз.

-Хўп, сен нима қилдинг?

-Бугун баъзи жойларда қўлладик, халқдан ҳеч қандай шикоят бўлган эмас.

-Сенга шикоят бўлмагандир, аммо мана менга шикоят бўлди. -Каримов шундай деб қўли билан кўкрагига гурс-гурс этиб ура бошлади. -Мана менга шикоят бўлди, мана менга... - Каримов "мана менга" сўзларига ҳамоҳанг қўли билан кўкрагига ураркан яна ҳам жаҳли чиқиб боя от устида бўлса, энди туяга минганди. Туяга минганда ҳам, туянинг устида тикка тургандек эди. Бирор томондан сал шамол эсгудек бўлса, осмон ерга, ер осмонга "қўшиларди".

Миртемирнинг боши оғрий бошлади. Чиқиб кетсаммикан, деб ўйлади. Бу оғир томоша нима учун ўйналаяпти? Менинг асабларимни эговлаш учунми? Балки у бу гаплар мен орқали депутатларга етишини ўйлаяtimi? Ёки бу девондаги одатий ҳолми? Ундай бўлса бу одам бунча кучни қаердан олади? Ахир бундай вазиятга оддий одамнинг на асаби, на қалби дош беролмайди-ку? Соатлар давомида қил кўприкнинг устида юргандек бақириб-чақираркан нахотки асаб торлари узилишидан қўрқмайди, бу одам?

Инсон ҳамма нарсaга ўрганади, деган гап бор. Нахотки, бу одам бировларни мунтазам сўкишга, таҳқирлашга, камситишга ўрганиб қолган? Агар шундай бўлса, вой бу халқнинг жонига! Ўрганиб қолган тақдирда ҳам бундай ҳаётдан безмасмикан одам? Аслида жуда қизиқ, аввалига жаҳли чиқиши табиий эди. Лекин кейин ўз айбини ўзи нега очди?

Ҳатто Ҳамидов билан Усмонов унинг айбини яширишга уринишар экан, у такрор-такрор сўраб, терговчи жинойтни фош қилганидек, ўз айбини ўртага чиқараётганди. Буни билмасдан қилдими? Бу одамнинг билмасдан бир иш қилиши қийин масала. Хўш, билган тақдирда бу сирнинг орқасида нима бор? Йўқ, ҳар ҳолда бу оддий инсоний масала. Жаҳл чиққанда ақл кетади, жаҳл жоҳилликни бошлаб келади. Бу ўйинни охирига қадар томоша

килолмасам керак. Чикиб кетсаммикан? Агар бу масала менинг саволимдан кейин бошланмаганда, чикиб кетишим тўғри бўларди. Лекин ҳозир кутиб ўтиришим керак. Аммо булар нега бу қадар тубанлашиб қолишган?

Онасини ҳақорат қилаяпти, ёқасига ёпишяпти, лекин бир сочи сесканмайди. Булар мансаб гадоларими? Ёки мансаб ортидан тўраларча яшашга ўрганиб қолганлари учун кўрқишадими? Ундай десам, Ҳамидовни ҳам камситди, ҳам ишдан олди. У эса жим. Наҳотки, унинг виждон деган, исён деган туйғулари йўқ? Наҳотки, унинг одамийлик ҳисси ўлдирилган? Ахир бу кулдан ҳам баттарлик аломати-ку? Қулнинг қўлидаги, оёғидаги кишан унинг туйғуларини ҳам занжирлайди. Лекин буларнинг қўл-оёғи очиқ. Балки порахўрлик, кўзбўямачилик каби хасталиклар инсонни шу қўйга солар? Ёки бу қадар тобелик қонда борми? Агар қонда бор бўлса, охир-оқибатда ҳаммамиз хору-зор бўламиз... Каримов Нина Петровнага қараб:

-Сен нега топшириқ бердинг, кимдан изн олдинг? -дея бақирди.

Нина Петровна йиғлаб юборди. Бу унинг исёни, деб ўйлади Миртемир. Булар ўзларини бировнинг оёғининг остига ташлашмайди. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни билишади. Ҳатто таҳқирлашга лойиқ иш қилганларида ҳам ўзларини камситишга йўл қўймадилар. Бу ҳам кичик мансабдор эмас, қўмита раисининг биринчи ўринбосари. Ҳеч бўлмаса кўз ёши билан исён қилмоқда.

-Кўз ёшини дарё қил деб гапирганим йўқ! Нега нарх-наво ошишига йўл қўйдинг, деб сўраяпман?

-Бу саволни менга эмас Ахмедовга беришингиз керак. Мен ижрочиман, ҳатто бунга қарши ҳам чиққандим. Бу масала сессиядан анча олдин амалга ошиши керак эди, лекин топшириқ билан тўхтаб қолди. Кечикиб, энди амалга ошди.

-Демак, сиз бегуноҳ мусича, биз эса айбдор айиқ эканмиз-да?

-Ким айиқ, ким мусича эканлигини билмайман, лекин бу иш хато бўлганини биламан.

Каримов Нина Петровна билан ўчакишиб ўтирмади, Макарянга юзланди:

-Хўш, оғайни, сени кўзинг қаерда эди? Саунада ётганча бу қарорга имзо чекдингми?

-Ока, саунага борганим йўқ...

-Сен ҳам эшакликни ўрганибсан. Сени ўзимнинг одамим деб у ерга қўйгандим. Сен эса саунадан чиқмай қолдинг.

-Ока, у ерга хизматга бордим, Равелжон Московдан келган меҳмонларни олиб бордилар...

-Ўчир товушини, сен ҳали меҳмонларимга хизмат қилганингни юзимга солмоқчимисан? Улар менинг эмас, жумҳуриятнинг меҳмонлари, керак бўлса орқасини ҳам тозалаб қўясан, билдингми?

-Билдим.

-Нимани билдинг?

-... -Макарян жавоб ўрнига жилмайди. Бу эса Каримовни бироз юмшатди. У:

-Нима қиламиз? - деб Миртемир ва Мақсад Қул ўтирган томонга юзланди. Миртемир индамади. Мақсад Қул эса:

-Телевизорга чикиб халқдан кечирим сўрашсин, -деди.

Каримов эсига нимадир тушган одамдек бир силкиндида:

-Смирно! -деди худди генералларга ўхшаб. -Направо, шагом марш, тўппа-тўғри телевизорга.

"Мусофирлар" президентимиз охирида юмшадилар, дея енгил тортиб, шахдам одимлар билан чикиб кетишаётгани, Каримов тугмани босиб Крайновга:

-Назоратга ол, мана бу ҳаромхўрлар тўппа-тўғри телевидениега боришсин. Ҳам русча, ҳам маҳаллий тилдаги ахборотга чиқиб, кечирим сўрашсин, -деди. Кейин Миртемир ва Мақсад Қулга қараб:

-Энди чой буюрамиз ва ахборотни кутамиз, -деди.

Мақсад Қул Каримовни тамоман юмшади деб ўйлади ва қоғозларнинг ичидан бир шошилиничномани чиқарди:

-Мана буни Туркистон ҳарбий округдаги генераллар юборишган. Илгари ҳам айтгандим, шуни бир ёқлама қилайлик, -деди.

-Ҳожатхонага борганингда бир ёқлама қилиб кўя қол! -деди Каримов бамайлихотир оҳангда.-Яқинда Туркистонни битирамиз. Генералларнинг уйларида биттаси сеники бўлади. Шавкатга ёки Исмоил аканга айт, сени ҳам рўйхатга тиркасин.

Миртемир ўрнидан туриб:

-Узр, менинг бошим оғрияпти, бундай об-ҳавога ўрганмаганимдан бўлса керак,-деди.

-Укажон, об-ҳавони биз кимирлатмадик, -Каримов шундай деб телефон тугмаларидан бирини босди-да: -Лимонли чой билан бош оғриғини қолдирадиган дори келтиринг, -деди. Кейин Мақсад Қул ёзган табрик мактубини ўқий бошлади.

-Табрик-мабрик йўқ! Ишлаган бўлса, ҳаммаси пулини олади. Биз ҳам ўз ишимизни қилайлик. Миртемиржон, ёзинг, сиз сайловолди учрашувларим учун нутқлар ҳозирлайсиз. Иқтисодчилар билан бўладиган учрашувда иқтисодга, колхозчилар билан бўладиган учрашувда қочириқ ва мақолларга кўпроқ ўрин беринг. Сен эса Мақсаджон, сайловолди дастурини тайёрла, ярим қоғоздан ошмасин, ўн-ўн бешта шиордан иборат бўлсин.

Ёрдамчи чойларни олиб келаркан дорини Каримовнинг олдида қўйди.

-Каминанинг боши оғримайди. Оғриси ҳам дориси бошқа, -дея ҳазиллашган бўлди Каримов.

Миртемир депутатлардан келган бир шикоятни кўлида олиб келганди. Кўрсатсамми, кўрсатмасамми, деб ўйлади. Кўрсатаман, агар Мақсад Қулга қилган жавобини менга ҳам такрорласа, бу ишга нуқта қўяман, деб ўйлади.

-Жиззах вилояти раҳбари Турсиновнинг қилмишлари ҳақида сўров тушган. Халқ назорати кўмитаси, прокуратура ва Олий кенгаш ҳайъатидан мутахассислар олиб, текширишга юборсак. Чунки жиддий айблов қўйилган,-деди.

-Ука, мен ҳеч кимга ишонмайман. Бу ишнинг бошида ўзингиз туринг. Турсиновнинг қилмишлари ҳақида жуда кўп хабар олаяпман. Бу ишни кимга ишонсам, барибир Турсиновнинг тузоғига илинади. У ҳар қандай одамни сотиб олади. Вилоят аҳлининг қонини зулукдек симирмоқда. Ўзингиз бориб, текшириб келинг, шармандасини чиқариб, олиб ташлаймиз. Халққа адолатни кўрсатишимиз керак. Халқ биздан бошқа нарса эмас, адолат кутмоқда. Текшириб келинг, аввалига яхшилаб фельетон қиламиз, кейин эса муҳокама қилиб, ишдан олиб ташлаймиз, сизнинг фаолиятингиз ҳам ўшанда кўзга кўринади. Иложи бўлса бугуноқ йўлга чиқинг...

39.ТОПШИРИҚ

Миртемир жиззахлик миллатвакили Мели Қобуловга сим қоқди:

-Вилоятингиздан юздан зиёд оқсоқол имзо чеккан шикоят бор. Шуни текширишда сиздан ёрдам олмоқчи эдим.

-Нима ҳақда ёзишган экан? -деб сўради Мели.

-Вилоят раҳбари ҳақида,-дея жавоб бераркан, Миртемир кўнглидан ўтган саволни ҳам сўрай қолди. -Нега вилоят раҳбари ҳақида нафақахўр оқсоқоллар ёзиб юришибди?

-Миртемиржон, овора бўлманг, ипнинг учи Каримовга бориб тақалади. Менинг ҳузуримга ҳам ўнлаб жабрдийдалар келдилар. Текширдим, текширттирдим шикоятлари тўғри. Кейин жумҳурият прокуратураси, Халқ назорати қўмитаси, Олий кенгаш ҳайъатига чиқдим. Оқибат, ҳозир менинг ўзимни кузатиб юришибди. Мени сессияда сайратган, номимни шикоятчига чиқарган ҳам шу масала. Аввалига сотиб олишга уринишди, кейин қўрқитишди, бу ҳам ишларига ярамади, сўнгра олдинги иш еримдан "Бунинг ақли жойида эмас, шу боис ҳайдалган" деган ҳужжат қилдириб газетага ёзишди. "Шпион" деган лақаб ҳам қўйишди.

-Ҳа, Олий кенгаш сессиясида гапирганингиз шу масала эдими? У ерда сизни вилоят кенгаши мажлисидан ҳайдаб чиқаришганини айтгандингиз...

-Биласиз, мен вилоят кенгашининг ҳам депутатиман, шу боис масалани олдин кенгашда кўтариб чиқдим. Лекин гаптиришмади. Агар орқаларида Каримовнинг ўзи турмаганида арқони узилган ҳўкиздеқ ҳаракат қилмаган бўлишарди.

-Мен Каримов билан гаплашдим, бу масалани охирига етказишимни сўраяпти-ку?

-Ундай бўлса жумҳуриятдаги барча ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралардан мутахассислар олиш керак. Агар бу ишни бир ўзингиз текширадиган бўлсангиз, сотиб олишга ҳаракат қилишади, сотиб ололмасалар "саккизта машина" сўраганга чиқиб қоласиз.

-Саккизта машина деганингиз нима?

-Хабарингиз йўқми, вилоят раҳбарлари менга пора учун саккизта машина сўради, дея туҳмат қилишди. Ҳозир изимга хавфсизлик қўмитасидан пойлоқчи қўйишган, қариндош уруғларимни ҳам бир-бир элакдан ўтказишмоқда.

-Мен сиздан ёрдам оламан десам, ўзингиз ёрдамга муҳтож экансиз-ку? -деди Миртемир Мелига.-Жиззахга борсак, сиз билан ҳам гаплашамиз, маслаҳатингиз керак...

Ҳақиқатдан ҳам Жиззах масаласи тобора чигаллашиб борарди. Миртемир кимга мурожаат этмасин ё текширишда иштирок этишдан воз кечарди ёки хасталаниб қоларди ёхуд бошқа бир муаммо ўртага чиқарди. Шу боис девондан, Олий кенгаш раёсатидан ва ҳуқуқ идораларидан вакиллар олиб ўзи Жиззахга борди. Вилоят раҳбарларини Олий кенгаш мажлисларида кўргани учун узоқдан танирди. Жиззахга келгандан сўнг уларни дарров "кашф" этиб қўя қолди. Вилоятнинг биринчи раҳбари Турсинов унга :

-Ука, мен бу ерга бошқа жойдан келганман, ижрокўм раиси бошчилигида бир гуруҳнинг туҳмати остида қолдим. Улар вилоятни симиришмоқда. Мен эса йўлларига тўғоноқман, маҳаллийчилик қилишаяпти, -деди.

Миртемир биринчи котибнинг бошқа гапларига ишонмаса-да маҳаллийчилик тўғрисидаги сўзларига ишонди. Бу бизга қўндоқда теккан иллат, деб ўйлади у. Боболаримиз буюк императорликлар қурганлар, илм сирларини очганлар, юлдузларга йўл топганлар, лекин маҳаллийчиликка келганда дар қолганлар. Наҳотки бу миллатимизнинг қонида бор?!

Талабалик йиллари "Сурқаш", "Самбўх", "Фан" каби номлар бўларди. Бу талабаларнинг қайси вилоятдан келганини билдирувчи парол эди.

Кейинчалик пойтахтда ишлар экан радиода ишлайдиган Зайниддин ака унга "Келгинди" деганида юрагининг бир парчаси узилиб тушгандек бўлганди. Биз қачон ана шу хасталикни енга олсак ўшанда катта миллатга ва катта давлатга айланамиз. Акс тақдирда чумолидек инимизнинг бошида уймалаб қолаверамиз. Ҳатто бир туманга борсанг ҳам, бир кишлоққа борсанг ҳам маҳаллийчилик илон каби оёғинг остидан чиқади. Мана булар эса маҳаллийчиликнинг илдизини яшнатишади-да, кейин ўзлари шикоятчи бўлишади.

Миртемир хаёлидан йилт этиб ўтган бу фикрни таҳлил тарозисига қўйишни бошқа пайтга "отди"-да:

-Бўлиши мумкин, -деди босиқ сасда,-Лекин мана бу иддаоларни охирига қадар текширишимиз керак. Баъзилари аллақачон тасдиқланди. Масалан, гўшт комбинатида жиноятчилик қилган, ўн йил ҳукм олган ва қамоқдан қочган узоқ қариндошингизни бошқа вилоятдан олиб келиб, мудир қилиб қўйибсиз ёки давлат ҳисобига қурилган болалар боғчаси биносини ёш бир қизга ҳовли қилиб берибсиз...

Турсинов ўрнидан туриб, қизариб-бўзарганча бир нималар демоқчи бўлди, лекин тили айланмади. Хонада у ёқдан бу ёққа бир-икки бориб келди-да, Миртемирнинг қаршисида ўтирди:

-Нарҳини ошириб юбораяпсиз. Кўнглингиздагини айтинг!-деди.

Миртемирнинг бошига яшин тушгандек бўлди.

-Мен сизни тушунмадим, нима деяпсиз ўзи?-деди у.

-Мен ўғил болача гапиришни яхши кўраман. Бу ишга нуқта қўяйлик. Ўша нуқтанинг баҳосини айтиб қўя қолинг.

Миртемир узоқ йил газетада ишлагани ва ҳар турли одамлар билан рўбарў бўлгани учун ўзини тутиб қолди. Турсиновга қараб жилмайганча ўрнидан турди ва:

-Нуқтани халқ қўяди,-деди киноя билан.

-Ундай бўлса сиз вергул билан битирасиз ишингизни ва ўзингиз ҳам вергулга айланиб қоласиз,-деди заҳарханда жилмайиш билан Турсинов.-Бизнинг тўқмоғимиз остидан ўтганлар албатта вергулга айланишган. Сизга ўхшаб юрагим деб, ўпкасини ҳовучлаб юрганларни кўп кўрганмиз. Сессияда Ислом акага қарши гапирганингиз унутилди, деб ўйлайсизми? Истасам, Жиззахда ё пора билан ё гиёҳванд модда билан қўлга тушираман. Аммо биринчи сафар кечирдим. Бориб ўйлаб кўринг, фикрингиз ўзгарса, нуқтанинг баҳосини айтасиз. Мен сизнинг ундов бўлиб қолишингизни истайман...

Миртемир расмийчилик учун вилоят раҳбари билан учрашганди. Унинг "образли" гапларига эътибор қилмайман деса-да, бу оғир гаплар хаёлининг бир бурчини тарк этмасди. Аввалига вилоят раҳбари билан нега учрашдим, дея ўзини қийнади. Сўнгра ҳеч бўлмаса унинг кимлигини ўргандим, деб ўзини овутди. Турсинов каби раҳбарлар билан кўп учрашди, лекин бундай безбетига илк бор рўбарў келди. У бундай таври билан ўзини кўрсатмоқчи бўлди? Ёки орқасида катта тоғ борлигига ишорат қилди? Агар Каримов билан ораларида булбул сайраса, нега Каримов уни бу қадар ҳақорат этди? Ахир Каримовнинг ўз қардошига ҳам ишонмаслигини, ҳатто билмасдан оёғини босиб қўйса севган дўстидан ҳам кечиб юборишини наҳотки билмаса? Йўқ, билади, бунинг аҳволи жони узилаётган одамни эслатади. Жони чиқишидан олдин оёққа қалқиб, ҳаётга ташналигини кўрсатишга интилади инсон. Бу ҳам "ўзини" кўрсатапти. Балки орқасида бошқа куч бордир? Бу куч балки Каримовдан ҳам оғир босар? Аслида унинг таъзирини бериб қўймоқ керак эди-ю лекин булар ади-бади айтиб ўтиришга арзимайдиган одамлар. Уларга сиз яхши, сиздан тўнғизим яхши қабилида иш тутиш керак. Бунинг устига булар ўзларини кутқариш учун ҳар қандай қабихликдан қайтмайдилар...

Миртемир шикоятчиларни қабул этаркан, шом иниб қолган бир пайтда уни қўшни хонада телефонга чақиришаётганини айтишди. Каримовнинг ёрдамчиси Крайнов экан, саломаликдан кейин:

-Ислом ака илтимос қилдилар, Муборакка бориб икки дўстингизни яраштириб келар экансиз, -деди.

-Муборакда менинг дўстларим йўқ-ку? -дея ажабланди Миртемир.

-Нега ундай дейсиз.? Ибод Тўра яқин дўстингиз, Жума Бек эса университетда бирга ўқиган курсдошингиз.

-Ибод Тўрани танийман, ижроқўм раиси, миллатвакили, лекин Жума Бек ким?

-Жума Бек райкомнинг биринчи котиби, Сиз билан бирга ўқиган. Ибод Тўранинг ўттизга яқин йигити очлик эълон қилган. Ислом ака Сизга ваколат бердилар, ким айбдор бўлса уни ишдан четлаштиришни таклиф қиласиз ва вилоят раҳбарлари дарров ижро этишади.

"Очлик қилишаяпти" деган гапни эшитган Миртемир ҳақиқатдан ҳам масалани фавқулодда жиддий, деб ўйлади.

Дарҳақиқат, Муборак масаласи икки йилдан буён Каримовнинг ҳам, жумҳурият ташқарисидаги матбуотнинг ҳам кун тартибиди. Лекин шу дақиқада Миртемир Жиззахдаги ишни чала ташлаб кетгиси йўқ. Бу ишни охирига етказишга қарор қилганди. Агар кетиб қолса, у билан бирга келган текширувчиларнинг ҳоли нима бўлишини яхши тасаввур қиларди. Шу боис Муборак масаласини икки кун кейинга қолдирмоқчи бўлди. Кечки овқат пайтида текширувчиларга:

-Икки кундан кейин пойтахтга қайтамиз. Шу боис текширишни бироз тезлаштиришларингизни сўрайман,-деди.

-Икки кун у ёқда турсин, икки ойда ҳам натижа олишимиз қийин. Менинг қўлимда домдараксиз йўқолган ўн икки кишининг исми-шарифи бор. Уларни миршабхонага қадар келтиришгани ҳақида маълумот берувчи гувоҳлар бор. Лекин миршабхонадаги барча ҳужжатларни вилоят раҳбарлари талаб қилиб олишган. Сўрасак, ҳар турли баҳона кўрсатишаяпти,-деди улардан бири.

-Биз ревизия қилиш учун келмадик,-деб жавоб қилди Миртемир.-Бизнинг мақсадимиз шикоятларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини, сиёсий ҳулосани айтишдир. Йўқолган инсонларнинг вилоят раҳбарлари ҳақида шикоят ёзганлари ва бир кун миршабхонага келтирилганлари биз учун етарли ҳужжат. Уларнинг қисматлари ҳақидаги далилларни ўртага чиқариш эса иккинчи этапда амалга ошади. Ҳозирги раҳбарлар турган экан, икки ой эмас, икки йилда ҳам кўртуғунни ечолмаймиз.

Миртемирнинг бу гапига вилоят ҳокимлигидан ҳайъатга қўшилган киши эътироз билдирди:

-Нима, Сиз раҳбарларимизни айбдор, деб ўйлаяпсизми?

-Биз суд ёки қарор берувчи мавқе эмасмиз, лекин ҳайъатнинг йўлига тўғоноқ қўйилаётгани кўриниб турибди,-деди Миртемир.

-Сиз бу соатдан эътиборан текшириш ҳайъатининг бошида эмассиз. Ислом ака Сизга бошқа иш буюрди,-деди вакил жаҳли чиққанини очиқ намоиш этиб.

-Ислом ака бу ҳақда Сизга ҳисоб бердимми?

-Ҳисоб бериб-бермаганини ўзингизга айтади. Бизга эса сизни Муборакка кузатиб қўйиш айтилган.

-Ғамхўрлигингиз учун раҳмат, -деди-да Миртемир ҳайъат аъзоларидан йиғилган ҳужжатларни олиб, уларга қарата ҳар ҳолда сизларни ҳам пойтахтга кузатиб қўйишса керак, шундай эмасми? - деди. Кейин вакилга юзланганди у:

-Бу қоғозларни йиғишингизга ҳам ҳожат йўқ,-деди.

-Бунга эса мен қарор бераман! Қолаверса, Муборакка эмас, ҳайъат билан пойтахтга бораман, -деди Миртемир ўчакишиб.

Миртемир ади-бади айтиб ўтиришни истамади. Хонадаги биқик ҳаво уни бўғаетганди. Бўйинбоғини бироз юмшатиб, қўйлагининг юкори тугмасини очди-да ташқарига чикди. Зим-зиё қоронғулик вилоят меҳмонхонасининг ҳар тарафини қоплаб олганди. Онийдан эсан саррин шабада Миртемирнинг хорғинлигини юлиб кетгандек бўлди. У бироз енгил

тортиб қоронғулик томон одим отди. Саррин шабаданинг бўғзига қадар оқиб кираётгани ва ортга қайтаётганини ҳис этди. Чукур-чукур нафас олди, лекин ҳаво бўғзидан нарёққа ўтмаётганди. Ҳаво ҳам "тўни"ни тескари кийиб олганга ўхшарди. Миртемир ана улар билан ўчакишиб ўтирмадим, энди ҳаводан ўпкалайманми, дея ўйлади-да ортга қайтди. Шу пайт қоронғуликда, қаршисида биров турганини сизди. Ким бўлдийкин? Миртемир ўша томонга қараб турганди:

-Илтимос, оқшомги овқатни еманг, иложи бўлса бу ерда қолманг, -деди кимдир пичирлаб ва кўздан ғойиб бўлди. Бу четдан келган одам эмас, деб ўйлади Миртемир, чунки вилоят меҳмонхонасининг ҳовлиси кўриқланади, бунинг устига четдаги одам бу ердаги воқеалардан қандай хабар топсин? Бу ердан кетишимга ишонишмаганга ўхшашади, шу боис кўрқитишмоқчи.

Миртемирнинг хаёлини вакил бўлди.

-Ака, чойимиз тайёр... -Вакил ҳийла юмшаб қолганди.

-Чой ичиш йўқ!-деди Миртемир.

-Аввал бир пиёла чойимизни ичасиз, кейин Муборакка борадиган машинамиз билан йўлга чиқасиз. Агар Сизни кузатиб қўймасак, бошимиз кетади. Чунки Муборакда одамлар очлик эълон қилишаётган экан. Уларнинг тақдирини Сизга ишонишди... Боя бироз қўполлик қилдим, одоб чегарасидан чиқдим, асаб тамом бўлган, ака, айбга буюрмайсиз...

Туллақ, деб ўйлади Миртемир, буқаламун ҳам сенга ўхшаганларнинг ёнида ип эшолмайди. Ҳар сонияда турланасан. Аммо нега пойтахтга боришимни истамаяпти булар? Балки бирор режалари бордир? Аввал Муборакка телефон қилиб, Ибод Тўрадан вазиятни ўрганишим керак. Сўнгра Каримов билан гаплашиб, бу текширишни охирига қадар етказиш муҳимлигини тушунтиришим лозим.

Миртемир Ибод Тўранинг уйига сим қоқди. Унинг пойтахтда эканлигини айтишди. Кейин Крайновга телефон қилди. Крайнов Каримов уйига кетганлигини айтиб, маслаҳатчи Зиёмовни боғлади.

-Ислом ака менга бу ишни назорат қилиб туришимни айтдилар. Сизни аллақачон Муборакка етиб борган деб ўйлагандик. Вазият жиддий, райкомнинг биринчи котиби бу кеча ухламасдан Сизни кутади.

-Жиззах нима бўлади? Бу ердаги ҳайъатни орқага чақириб олишни ким буюрди? -Гарчи бу хусусда Миртемир узил-кесил хулосага эга бўлмаса-да, воқеаларнинг ривожидан ҳайъатни чақириб олиш буйруғи берилганини тахмин қилди.

-Ислом аканинг ўзлари буюрдилар. Қўлингизда тўплаган далиллар бўйича ҳисобот ёзиб берар экансиз. Иш пишиб қолган, яқинда бориб сессия ўтказиб, вилоят раҳбарини бўшатиб келар эканлар. Муборакда эса вазият жиддий, Сиздан шахсан илтимос қилдилар, -деди Зиёмов.

Миртемир йўлга чиқаркан Мелини четга тортиб:

-Қўлингиздаги барча ҳужжатларни олиб, ҳафта охирида пойтахтга келинг, ҳисоботни биргалашиб ёзамиз, -деди.-Аммо пойлоқчилардан эҳтиёт бўлинг, буларнинг қўлидан ҳар қандай иш келади.

-Сизнинг ҳам Муборакка боришингиз тўғри бўлмаяпти. Менга йўл кўрсатиб, ўзингизга қолганда хавф-хатарни ўйламаяпсиз.

Миртемир Мелига маънодор боқди-да, машина ёнида турган вакил билан хайрлашиб, йўлга чиқди. Йўлда шофер йигит билан хангома қилиб борар экан, унинг миршаблигини билиб олди.

-Йўлимиз мен туғилган шаҳардан ўтади. Бизнинг уйда тунаб қолсак, сахарлаб йўлга чиқиб, эрталаб етиб борамиз,-деди у миршабга.

Миршаб кўнмади:

-Сизни чегарада кутиб олишади, мен эса қайтиб келиб, рапорт беришим керак.

Миртемир миршабни кўндириш осон бўлмаслигини тушунди-да:

-Ундай бўлса, ярим соатга тўхтаб бир пиёла чой ичамизда, йўлимизда давом этамиз,-деди.

-Имкони йўқ. Орқамизда одамлар бор. Кейин бошим балога қолади. Сизни соғ-саломат манзилга етказишим керак.

Миртемир ўзи туғилган шаҳарга қадар индамай борди. Воқеаларни қайта-қайта таҳлил этди. Булар бирор бир аварияни кўзга олдиларми, деб ўйлади у. Ёки авария баҳонасида ҳужжатларни олишмоқчимиз? Агар мени текширишдан узоқлаштирадиган бўлишса, пойтахтга чақириб кўя қолишарди. Йўқ, Каримов бу ишни силлиққина ҳал этмоқчи бўлган. Булар эса хол қўйишяпти. Каримов мени Муборакка юбориб, бошқа иш билан чалғитмоқчи ва Жиззахни унуттирмоқчи бўлган. Каримовнинг бу "силлиқ" режасини бажариш учун булар "қўлидан келгани"ни қилишмоқда. Менимча авария ҳам йўқ, ҳужжатларни ҳам олиш йўқ. Буларга вақт керак. Лекин ана шу вақт нима учун керак? Нега бирданига бундай вақт керак бўлиб қолди? Агар вилоят ҳокимини ишдан олишга қарор қилинган бўлса, бу вақтга ҳожат йўқ. Лекин нега, нега керак бўлди бу вақт?

Миртемир вақт жумбоғини ечолмай ҳалак эди. Шу боис машина аллақачон шаҳарни четлаб ўтганини ҳам сезмай қолди. Миршаб айтганидек, чегарада кутиб туришган экан. Миртемир вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосарини таниди. Илгари ҳам бир маротаба келганди, ўшанда танишгандилар. Тортишувни яхши кўрадиган одам. Агар раҳбарларни ҳимоя қилиш керак бўлса, бутун ақл-идроки, мантиқ-махфиратини ўртага қўйиб тортишади, уларни ҳимоя қилади. Демократияга тиш-тирноғи билан қарши. Миртемир уни илгари узоқ йиллар прокурор бўлиб ишлагани учун "тош"га айланиб қолган деб ўйлаганди. Чунки тартиб-интизом ҳақида гапирар экан, "тартиб" сўзининг олдида "қатъий", "интизом" сўзининг олдида эса "темир" калималарини қўшишни ҳеч унутмасди. Каримов шу вилоятда раҳбар бўлган, балки ўша пайтда унинг номини ён дафтарчасига ёки хотира китобига ёзган бўлиши мумкин. Балки бу йигитнинг ўзи Каримовнинг феъл-афвали фитратини яхши ўрганиб, унга мослашган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, нима бўлганда ҳам Миртемирнинг қаршисига яна бир "девор" чиққанди.

Улар чегарадан вилоят марказига эмас, тўғри Муборакка қараб йўлга чиқдилар.

-Ибод Тўра пойтахтда экан, борганимиз билан у бўлмаса, нима қиламиз?

-Ибод Тўрани ишдан бўшатдик. У шикоятга кетган. Бугун Каримов билан учрашди. Ислоҳ акам унинг таъзирини бериб қўйдилар, энди бу ерларга қайтиб келмаса керак.

-Ҳеч нарсада адашмасангиз ҳам бу хусусда адашдингиз. Чунки Ибод Тўра ўжар, ўжар бўлганда ҳам ҳеч йўлдан қайтмайдиган ўжар...

Миртемир шундай деди-да, ҳамсухбатининг жавобини кутмасдан хаёлга берилди. Ибод Тўранинг номини илк бор "Озодлик" радиосидан эшитганди. Сайловлар арафасида ҳам шаҳар кенгашига, ҳам Олий кенгашга номзодини қўйганди. Ўшанда шаҳардаги газни қайта ишлаш заводи русларнинг қўлида бўлгани ва шаҳардаги хонадонларга атайлабдан газ берилмаганини айтганди. Сайловдан кейин уни ижрокўм раиси этиб сайлашди. Биринчи қилган иши миршабхона ва прокуратурадаги коммунистик партия шўъбаларини тарқатиб юборди. Бу коммунистик партиянинг бошида турган Каримовга қарши исён эди. Исон бўлганда ҳам икки қарра исён эди. Чунки Москва газеталари "Каримов жумҳуриятда илк зарбани ўз вилоятидан олди" дея ёзишди.

Вилоят раҳбарлари ҳам типирчилаб қолишди, чунки улар миршабхона ва прокуратурани партия йўли билан қўлда тутардилар. Ибод Тўра эса бу идораларни уларнинг қўл остидан чиқариб, ўз назоратига олди. Бу орада шаҳарда хусусий телевидение очиб, ҳамма нарсани ошкоралик йўли билан ҳал қила бошлагани маълум бўлди. Ўшанда Каримов бу телевидениени ёпиб ташлагани боис Ибод Тўра Олий кенгашнинг Миртемир ишлаган қўмитасига шикоят қилиб борганди. Миртемир вилоятга келиб буйруқ ҳам, ижрочилар ҳам теппадан келганини ўрганди ва масалани қўмита мажлисига олиб чиқди. Лекин қўмита раиси Эркин Воҳидов бу ишни хўржинга ташлади.

-Кимлар очлик қилган экан? -дея хаёл суриб бораётган суҳбатдошидан сўради Миртемир.

-Уҳ-ху, бундан ҳам хабарингиз бор-ку?

-Хабаримиз бўлмаса, нимага бораёпмиз?

-Сизни райкомнинг биринчи котиби таклиф қилган, курсдошингиз экан. Бир пиёла чойини ичамиз. Қолган масалани эса ўша ерда гаплашамиз. Очлик қилганларга келсак, Ибод Тўранинг ижроқўм аъзолари очлик қилишмоқчи эди, лекин йўл қўймадик. Чунки қонунларимизда "очлик қилиш мумкин" деган жойи йўқ. Бунинг устига улар очлик қилишдан аввал бир қоп нонни қуришиб олишибди. Нима эмиш? Қуритилган нон ейиш овқат ейишга кирмасмиш. Ҳа, баччағар, очлик қилсанг, ҳеч нарса ема! Қотган нон еб, сув ичиб, яна очлик қилаяпман, дейишинг, исён эмасми?

Миртемирнинг авзойи бузилди. Қандайдир ўйин ўйналаётганини сезарди-ю лекин бу ўйиннинг ип учини тополмаётган эди.

Ҳа, Миртемир қанча ўйламасин, бу ўйиннинг ип учи унинг хаёлига келмасди. Чунки бу ўйин Каримовнинг хаёлига ҳам тасодифан келганди. Яъни сарой аъёнлари томонидан Каримовнинг фикрига суқилганди бу ўйин.

40. ЎЙИН

Турсинов аввалига ўзи билан ўзи олишди: Нега унга қўпол муомала қилдим? Булар ҳали ёш бола, ниҳолдек гап, қаёққа эгилтирсанг ўша томонга қараб ўсади. Ширин гап билан илон инидан чиқади, деганлар. Йўқ, ёлғон гап. Ширин гап билан сеҳргар ҳам илонни инидан чиқара олмайди. Балки мақолни нотўғри ўйлагандирман? Аслида ҳамма нарсани очик гапириб тўғри қилдим. Игначининг минг ургани, темирчининг бир ургани. Ё йўлимга соламан, ёки пачақлаб ташлайман. Бундайларни ўйин билан синдириш керак. Шохидан қўрқсанг кейинчалик думидан ҳам қўрқадиган бўласан. Лекин ҳозир гап Каримовга боғлиқ. Миртемирнинг калити ҳам Каримовда.

Ҳа, аслида Каримовни яхши билар ва унинг Миртемирни жазолашига ишонарди. Шунинг учун ҳам бир йўлини қилиб унга ёқиб қолиш учун Миртемирни "пушкага" олди. Шунинг учун Мавлонга телефон қилди:

-Мавлонжон, бу ишни тўхтатинг, бошингиздан олтин сочаман.

-Акажон, олтиндан шашлик пиширамизми? -юмшоқ ҳазил қилди Мавлон.

-Олтинлар Ҳалима опага қолсин, Сизга ўзим қўй сўйиб, қуйруқли шашлик қилиб бераман.

-Шашликни мен ейман-у лекин ана у илон жирканади.

Мавлон Темур Алимов билан чиқишмас эди. Мавлон Алимовни "Илон"деса, Алимов уни орқаваротдан "Чаён" дерди. Бошқалар эса ҳар иккаласини мажлисларда ёнма-ён қўриб, Каримовнинг "Илон-Чаён"лари дея писир-хисир қилишарди.

Каримов Мавлонга кадрлар масаласини, Алимовга эса ҳуқуқ-тартиботни топширганди. Иккаласини бир-бирига қайраб қўйган ҳам Каримовнинг ўзи.

Мавлонга: "Ана у "Илон"дан кўз-қулоқ бўл! Миршаблардан пора олаётган экан. Бунинг устига ҳамма ёқни тошкентликлар билан тўлдириб юборди. Ўзига сездирмай қилмишлари ҳақида ҳужжат тўпла" дерди.

Алимовга эса: "Ана у "Чаён"га ишонгандим, лекин топиб келган кадрлари бир пулга қиммат. Хотинининг бўйнидаги товоқдай-товоқдай келадиган зебу-зийнатлар ҳам эри оёғини тўғри олмаётганини кўрсатади. Унинг ҳар бир қадамидан мени хабардор қилиб тур" дерди.

Бу орада "Ҳеч кимга айтмаслик шарти билан" Алимов тўплаган ҳужжатларни Мавлонга, Мавлон тўплаганларни эса Алимовга кўрсатиб қўярди. Ҳар иккиси ҳам Каримовнинг "содиқ"лигидан ўзларини қушдек енгил ҳис этишсада душманлари қаршисида ҳамлага отилган йиртқичга айланишарди. Шу боис ҳар иккаласининг ҳам юрак остидаги адоват уруғи аллақачон ниҳолдан улкан дарахтга узанганди.

Гарчи хоналари бир қаватда, ҳатто эшиклари қарама-қарши бўлса-да, баъзан эрталабдан оқшомга қадар юз кўришмасдилар. Лекин Мавлоннинг хонасидан пашша учса ўтса, Алимов пайқар, Алимовнинг деразаси очилиб-ёпилса Мавлоннинг дафтарида қайд этиларди.

Бир куни Алимов сафарда аварияга учради. У хастахонада ётар экан, Каримов Мавлонни чақирди:

- "Илон" яримжон бўлиб қолди. Бунинг устига ётган жойида ҳам мансаб сотаётган экан... Дарвоқе, бу хусусда сенда ҳам бирор гап борми? Қулоғингдан қочадиган гап йўқлигини биламан, шунинг учун ҳам бошқалардан эшитганимга ишонмай сен билан муҳокама қиляпман.

Мавлон жуда хурқоқ, оғзига занжиртўр солинган итдан ҳам кўрқарди. Болалигида доим чўпонларнинг итлари билан ўйнади. Бир куни таёқ билан итнинг тумшугига урганда, у шанғиллаганча ўзини Мавлоннинг устига отди. "Чўпон амаки" келиб қутқариб олмаганда, бир жони еттита бўларди. Ўшандан буён итнинг акиллашини эшитса, оёғи қалтирайди. Аввал бошининг энг тепа нуқтаси жимирлайди, сўнгра минг-минг чумолилар бошидан оёғига, оёғидан бошига югуради.

Худди ана шу ҳисни Каримовнинг ҳузурига кирганда ҳам такрор-такрор яшайди. "Нега?" дея ўзи-ўзидан сўради бир неча марта, лекин жавоб беролмади. Мансабдан отилишдан кўрқадими? Ёки сирлари очилиб қолиши безовта этадими? Балки Каримов дўппослаб қолишидан хуркийдими? Хуллас, ҳозир ҳам вужуди жунжикиб, икки қўлини олдинга олганча тахтадек қотиб қолди. Жилмайишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, лаблари музлаб қолгандек, ҳатто сохта тиржайиш учун ҳам майл бермас эди.

-Ўтир, -деди Каримов унга.

У Каримовнинг унча-бунчага ўтир демаслигини яхши билади. Фақат бирор нарса ёздирмоқчи бўлсагина "ўтир" дерди. Аксига олиб Мавлон қўлидаги кундалик дафтарини Крайновнинг ёнида унутди. Бирдан кўркув босди уни. "Нима қиламан энди?", деб ўйлади. Қандай қилиб "Мен қабулхонада кутиб тургандим, бирданига Сиз чиқиб қолдингиз. Дафтарни олишга ҳам улгурмадим", дея олади. Музлаб турган бадани бирданига оловнинг ўртасига тушиб қолган одамнинг вужуди каби жизирлай бошлади. Сочларининг остидан сизиб чиққан тер ёноқларига қадар ирмоқчалардек оқиб келди. У ҳозир бир томчи тер столнинг устига оқиб тушса, ҳаётим тамом, деб ўйлади-да, чўнтагидан рўмолчасини олмоқчи бўлди. Лекин қўли унга бўйсунмади. Шу пайт вужудида бошқа бир ўзгаришни сезди. Аввал кўкрагида пайдо бўлган муз бир зумда сочларининг остидаги терга қадар етиб борди. Баъзан Мавлон ана шундай ҳолатларни яшагандан кейин "юрак дегани хўп бақувват

бўлар экан" деб ўйларди, аммо духтирга бориб назоратдан ўтишга вақт тополмасди ёки "Илон"нинг "Мавлон хасталанибди", дея гап тарқатишидан ҳайкади.

-Нима мендан яширадиган гапинг борми? Ёки "Илон"нинг боши эзилди, деб елкангдаги тоғни улоқтириб юбордингми?

-Й...ў...қ! -деди Мавлон тили айланмай.

Қўл остида ишлаган кишиларнинг бундай ҳолати Каримовга ёқарди. У ҳамманинг ана шундай қалтираб туришини истарди. Шу сабабдан баъзан-баъзан уларни рағбатлантириб турарди.

-Қани укажон, бир бошдан шошмасдан гапиринг-чи.

Каримовнинг бундай юмшаши гарчи сунъий бўлса-да, Мавлоннинг жонига ора кирди. Икки оғиз ширин гап унинг музлаб ётган вужудини эритди ва томирларига дармон югургандек бўлди. Айланмаётган тили ҳам ўз-ўзидан ҳаракатга келди.

-Ҳалиги, Ибод Тўранинг ишини ётган жойида тўхтатиб қўйибди...

-Қайси ишини?

-Сиз Зокир Алматовга бир топшириқ берган экансиз, ўшани тўхтатибди.

-У топшириқни сен қандай билдинг?

-"Илон"бутун маҳаллага ёйганга ўхшайди. Ибод Тўрага суиқасд...

-Ўчир товушингни! Суиқасд-муиқасд деган гапни эшитмайин. У "Илон"нинг ўзига суиқасд қилиш керак! Вой, аблах! Вой, эшак! Вой, энағар! Сени одам деб юрсам, ростдан ҳам илон чиқиб қолдинг-ку! Ё ўлишингни билиб кафанингни олтиндан қилмоқчи бўлдингми?

Каримов столнинг устига зарб билан урди-да, Мавлонга юзланди:

-Ҳозироқ қарор ёзиб кел, "Илон" ишдан қувилди. Ўрнига одам топ, духтирларга айт, ҳукумат касалхонасидан қувишсин. Бориб битхонада ётадим, отхонада ётадим, ўзи билади. Аммо назоратда тут. Менга унинг ўлиги эмас, тириги керак. Уни ўлгандан баттар қиламан.

Мавлон Каримовнинг хонасидан чиқар экан, юраги ҳам қинидан чиқаётгандек эди. У катта тоғни ковлаб, ташна одамларга сув етказган одамлардек шод эди. Бу онийдан келган ғалаба шу қадар эсанкиратди-ки олтинчи қаватдан бешинчи қаватга тушадиган зинада оёғи қайрилиб кетди. Бир умбалоқ ошиб тушса-да, ҳеч нарса бўлмагандек шарт ўрнидан туриб, хонасига қараб оқсаб-оқсаб югурди. Ўшанда қабулхонада Миртемир ўтирганди. Мавлон югуриб келиб уни қучоқлади:

-Жўражон, табриклайман! Ўзимни ҳам, Сизни ҳам, халқимизни ҳам! Балодан қутулдик. "Илон"кетди, бутунлай кетди, онасиникига кетди...

-Нима, авариядан кейин ўлдими? -дея ажабланиб сўради Миртемир.

-Ўлмасдан беш баттар бўлди. Ишдан қувилди. Ҳозироқ қарор ёзиб, қўл қўйдириб келаман. Шу сабабдан узр, менга биров вақт беринг.

-Астаффируллоҳ ! -деди Миртемир.-Узрга ҳожат йўқ. Мен шошмаяпман.

Мавлон оқсаганча қабулхонадан ўз хонасига юрар экан, Миртемирнинг кўзи оғзини юмганча кулаётган секретар қизга тушди. Секретар қизнинг нигоҳлари сирни бой бериб қўйди. Мавлоннинг шими орқа чокидан сўкилиб, ич кийими кўриниб қолганди.

Ўшанда Мавлон дарҳол қарор тайёрлаб Каримовга қўл қўйдириб олди. Фақат Каримов унга "Ҳозирча эълон қилма, эшитганлар ўлмасдан тобут тайёрлашибди" дейишмасин. Касалхонадан чиқар-чиқмас ўрнига бошқа одам тайёрлаймиз", деди.

Мавлон ишонмаганларга Каримов қўл қўйган қарорни кўрсатиб, мактаниб юрди. Лекин бир куни Мавлоннинг бошига тош ёғди. У хонасидан чиқаётганди қаршисида "Илон"ни кўриб қолди. Қўлтиғига бир қанча папкани қистириб олган Алимов юқоридан, Каримовнинг

хузуридан тушиб келаётганди. Мавлон бошининг ўртасига тош билан урилган одамдек эсанкираб қолди. Алимов эса жиддий қиёфада унга қайрилиб ҳам қарамасдан ўз хонасига кириб кетди. Мавлон қанча вақт туриб қолди ўзи билмайди. Эс-хушини тўплаганда ёнида ўринбосари турарди.

-Нима гап? -деди у ўринбосарига.

Ўринбосар Алимовнинг хонасига қараб елкасини қисди.

-Бу касалхонадан қачон чиқди?

-Билмадим, -деди ўринбосар.

Мавлон орқага қайтди-да Крайновга телефон қилди.

Мавлон Крайновдан бирор нарса сўрамасиданоқ жавоб олди:

-Ислом ака имзоланган қарорни олиб, йиртиб ташлашимни сўрадилар.

-Нима бўлди ўзи?

-Ҳар ҳолда шўрва эмас, паловга ўхшайди.

-Касалхонадан қачон чиқди?

-Беш дақиқа олдин. Машина юбориб олиб келтирдик.

Мавлон телефон дастасини қўйди-да, кўкрагини ғижимлади. Ранги докадек оқарди. Қабулхонадаги стулда ўтириб қолди. Секретар қиз тортмадан дори олар экан, ўринбосари бир бардоқ сув қуйди. Мавлон дорини ичиб бўлганди ҳам хонасидаги телефоннинг жиринглаши найзадек вужудини тешиб юборди. Бу қора телефон эди. Фақат Каримовгина сим қоқадиган бу телефоннинг саси шу қадар баланд эдики, Мавлон уни пасайтириб қўйишга ҳам ҳайиқарди. У югуриб ичкарига кирди. Каримов узоқ гапирмади:

-Қарорни Крайновга чиқариб бер. Алимов ишини давом эттирсин. Лекин кўз-қулоқ бўл. Вақти келса, тагига сув қуямиз...

Шундан кейин, Алимов билан оралари яна ҳам бузилди. Энди Алимов Мавлоннинг телефондаги гапларини ҳам эшитаётганди. Шу сабабдан Мавлон Турсинов билан очик гапириб қўйганидан сесканди. Хатосини тузатмоқчи бўлди.

-Аслида у киши ёмон одам эмас. Ўзингиз гаплашсангиз ёрдам беришлари мумкин. Бизни бир-биримизга қайраб қўйишди. Мен сиз томондаман...

Турсинов Мавлон билан гаплашиб бўлгач, Алимовга телефон қилди:

-Бу гапларни телефонда гаплашмайдилар. Икки соатлик йўл, машинага чиқингда, етиб келинг,-деди Алимов.

Турсинов келганда Алимов уни илиқ қаршилади.

-Мавлон билан орангиз яхшилигини биламан. Аммо иш бу билан битмайди. Менга ҳам кўп ёрдамингиз теккан. Сизни Ислом акага ана у тирранча депутатлар ёмон қилиб кўрсатган. Ҳозирданоқ уларнинг айтгани бўладиган бўлса, кейин ҳолимизга маймунлар йиғлайди.

-Мени қутқазинг. Айтганингизни қиламан. Оғзингиздан чиққаннинг икки қатини муҳайё қилмасам эркак эмасман!

-Майли, у гапларни кейин гаплашамиз. Аввал сизни қутқарайлик. Ҳозир бориб Мавлонга учрашинг, юқорига чиқиб сизни химоя қилсин. Ҳар хил сассиқ гаплардан узоқ турсин. Кейин Зиёмовга учрашинг. Мавлондан сўнг у кирсин, Жўрабеков билан кўришинг. Зиёмовдан кейин Крайнов уни чақирсин, ҳаммасини кўндиринг. Кечқурун нуқтани мен қўяман. Ҳаммаси Жиззахда одамлар сизни исташаётгани, агар ишдан олинсангиз сайловда ҳар турли воқеалар юз беришини, туман биринчилари тинимсиз телефон қилишаётганини айтишсин. Охирида Ислом ака мендан Ички ишлар ва Миллий хавфсизлик хизматининг фикрини сўрайдилар. Худо хоҳласа, ошни ўзим сузиб чиқаман.

Турсинов ҳамма билан бир соат ичида учрашиб чикди. Ваъдаларни куюқ қилиб, Жиззахга қайтиб кетди. Бу орада Крайновни ҳам хурсанд қилди. Янги олган уйига "Мираж" деб номланган чет эл мебелини эртагаёқ юборишини имо қилди.

Алимовнинг плани бўйича биринчи Мавлон кириши керак эди, лекин у ботинмади, Жўрабеков билан бирга кирди. Каримов Жўрабековнинг гапларини охирига қадар тингламади.

-Ўша, сизга телефон қилган биринчиларга айтиб қўйинг, Турсинов билан битта камерада қўяман уларни. Ҳаммаси ўз манфаатини ўйлайди.

-Лекин фондга Турсинов ҳам, биринчилар ҳам катта маблағ ўтказишди,-деди Жўрабеков.

-Икки оёқлари бир этикка тикилганидан кейин ўтказишади-да.

-Булар сўзимизни ҳеч икки қилишгани йўқ.

Каримов Жўрабековнинг кўзларига тикилиб қаради-да, Крайновни чақирди:

-Фондда Жиззахдан бирор бир муаммо борми?

-Йўқ, оталарига раҳмат, айтганимизнинг икки ҳиссаси тушиб турибди.

Каримов Жўрабеков билан Мавлонни чиқариб юборар экан, аниқ бир жавоб айтмади. Кўп ўтмай маслаҳатчиси Зиёмов кириб келди. У бошқа масалаларни гапирар экан, орада Жиззахга ҳам тўхталди:

-Жиззахда муҳолифатнинг икки юз-уч юз одами ҳамма ёқни бузмокда. Шикоятчиларнинг кимлигини ўргандик. Ҳаммаси дор остидан қочган одамлар. Вазият ўзгариб қолиши мумкин. Сайлов арафасида бирор гап чиқиб қолмасин деган ниятда маълумотларни тўпладим. Ижроқўм раиси бу одамларни Турсиновга қарши қайрамокда. Бу ердаги баъзи депутатларни ҳам қўлга олишганга ўхшашади. Лекин вилоятда Турсиновнинг юки оғир...

Каримов Зиёмовга :

-Майли кўз-қулоқ бўлиб тур, бирор гап чиқиб қолмасин,-деди.

-Биласиз, Жиззахда миллатлараро масала нозик. Кичик бир учқундан алангаланиб кетиши мумкин. Шу боис вилоятнинг икки каттасини ўзингиз келиштириб қўйсангиз, деган илтимосим бор эди.

-Бўпти. Қўлингиздан келмаган ёки бажара олмаган ишингизни менга отасиз,-дея Зиёмовни чиқариб юборди.

Одат бўйича оқшом Алимов бўлиб ўтган воқеалар ҳақида Каримовга ҳисоб берди. Жиззах масаласида алоҳида тўхталди.

-Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг оператив маълумотлари бўйича ижроқўм раиси Олимов фитна уюштирмокда. Турсинов туманма туман юриб, сайлов ҳозирликларини кўрмокда. Менимча энг юқори овозни шу вилоятдан тўплаймиз. Шу сабабдан сайлов ўтгунча Турсиновни қўллаш керак. У вилоятда чуқур илдиз отган. Сайловдан кейин аввал илдизларини қуритамиз, кейин ўзи ҳақида Сиз нима десангиз ўшани қиламиз.

-Муборакда вазият қандай?

-Очликни давом эттиришяпти. Изн берсангиз номингиздан Ибод Тўраевни чақирсам...

-Чақиринг, у билан мен ҳам гаплашиб қўяман. У боланинг кўзини очиб қўйишим керак.

-Муборакка Миртемирни юборсак яхши бўларди. У бундай ишларни тинчитишга уста. Зиёмовнинг айтишига кўра, Муборакнинг биринчи котиби Миртемир билан бирга ўқиган. Каримов бироз енгил тортгандек бўлди, чунки ичини тирнаётган саволга жавоб топганди. У сайлов олдидан кўрққани депутатлар эди. Олдинги сессияда сайлов қонуни орқага олинди. Энди яна бирор бир баҳона бермаслик керак уларга, деб ўйларди. Шу боисдан ҳам бугун маслаҳатчилари ва ҳукуматдаги ўринбосари Жиззах масаласида гапиришаркан,

кўнглининг бир четида Миртемирга айтган гаплари турарди. Мана энди Алимов бунинг ҳам ечимини айтиб турибди.

-Мен ҳам Миртемирни Муборакка юборишни ўйлаб тургандим. Бу ташаббусни Зиёмовга сотайлик. Крайнов билан иккаласи ишни хамирдан қил суғургандек, усталик билан бажаришсин. Ўртага бирор бир гап чиқишини истамайман. Хўш, Жиззах масаласини тинчитиш ҳақида қандай таклифингиз бор?

-Сиз нима десангиз ўша бўлади. Биз вилоятларда сессиялар ўтказиб, "обком"ларни ҳокимга айлантириш рўйхатини айтганингиз бўйича ҳозирладик.

-Сайловдан олдин уларнинг бирортасига тегиш керак эмас. Ҳозир Жиззахда Турсиновни ишдан оламиз десак, мансаб кураши бошланади. Бу бутун вилоятларга ҳам тарқалади. Йўқ жойдан бошимизга оғриқ оламиз. Модомики, Жиззахда Турсинов билан Олимов ўртасида муноқаша бошланган экан, темирни қизигида босишимиз керак. Эртагаёқ вилоятда сессия ўтказиб, Турсиновни ҳоким этиб тайинлаймиз. Агар масалани бир-икки кун орқага ташлайдиган бўлсак, ҳиди чиқиб кетади ва яна шикоятчилар оқими бошланади. Дарвоқе, "Чаён" билан Жўрабековнинг бу масалага алоқаси қандай?

Гарчи Алимов уларнинг бу хусусда Каримовнинг ҳузурига кириб чиққанларини билса-да сар бериб сир бермади.

-Менимча улар аввалига Олимовни қўллашди. Унинг Турсиновни йўқотиб, ўрнини олиш ҳаваси ҳам шундан кейин кучайди. Аммо Жўрабеков вилоятга бориб, биринчилар билан гаплашиб келганларидан кейин Мавлоннинг фикрини ҳам ўзгартирдилар. У киши бу масалаларда объектив ёндашадилар. Шунга қарамасдан қўлимизда Турсиновга қарши етарли далиллар бор. Сайловдан кейин ҳаммасини бир системага тушириб, Сизга бераман. Каримов қора телефондан Турсиновга сим қоқди. Салом-аликсиз гапира бошлади:

-Оғайни, ишингиз битган. Қўлимизда жуда кўп ҳужжатлар бор. Истасак, эртагаёқ ишдан олиб ташлаймиз. Ўрнингизга ана у Олимовни номзод кўрсатишяпти, лекин мен рад этдим. Чунки сизнинг содиқлигингизни биламан. Сиз битта кемада эканлигимизни яхши тушунасиз. Ана у депутатнинг текширишларига эса эътибор қилманг. Уларни ҳам алдаб туришимиз керак. Кўз-кулоқ бўлинг, тарафдорларингиз хол қўйиб қўйишмасин. Эртага эрталаб сессияни тўпланг, мен бораман. Қолган гапни ўша ерда гаплашамиз. Алимов етиб боради ва эрталабгача ҳамма ишни пишитинглар. Ижроқўм раисини бўш қолдирманг, кўнглини олишга ҳаракат қилинг...

41.ГАГАРИН

Эрталаб Жиззахга олиб борадиган трассани туман қоплаган эди. Каримов бораётган машина "туман чироқ"ларини ёқиб олганига қарамай секин юрарди. Олдинда, орқада ўнлаб машиналарда муҳофизлар, миршаблар.

Каримов Жиззахга етиб келганда, уни вилоят партия қўмитаси биринчи котиби Турсинов ва ижроқўм раиси Олимов кутиб олдилар. Лекин Қизил майдонда мингга яқин одам тўпланганди.

-Булар қаердан хабар топишди? -деди Каримов Турсиновга юзланиб.

-Сиз Жиззахга келганимда ҳаммангизни қабул қиламан, деган экансиз, -дея ижроқўм раисига саволомуз назар ташлади Турсинов. -Тонг сахардан майдонга тўпланишди. Каримов ҳеч бўлмаса вакилларимизни эшитсинлар, деган шарт қўйишди.

-Шарт-партни йиғиштиринг! Орқа эшикдан кирамиз.

Каримов Жўрабеков ва Мавлонни ёнига олиб, юқорига кўтарилди. Тўғри Турсиновнинг хонасига кирди:

-Сиз ўзи қанақа одамсиз? Бир хотинни қувиб, уйини ўзингизники қилиб олибсиз, болалар боғчасини кўчириб у ерни дам олиш жойига айлантирибсиз, отувга ҳукм бўлган одамни келтириб директор қилиб қўйибсиз, уч марта қамалиб чиққан кишини гўшт комбинатига раҳбар этиб тайинлабсиз...

Турсинов бошини эгганча индамай турарди. Унинг ёнида эса ижроқўм раиси вужудининг оғирлигини гоҳ ўнг, гоҳ чап оёғига ташлаб "кўрдингми?" дегандек Турсиновга масхараомуз тикилаётган эди. Каримов буни сезиб қолди ва:

-Бу жинойтлар фақат Турсиновга тааллуқли эмас, сиз ҳам баббаравар айбдорсиз. Маҳаллийчилик ўйини қилаяпсиз. Четдан келган одамнинг кўзи кўр бўлса, сизники очиқ бўлиши керак. Иккалангизни ҳам бўшатамиз. Чикинг хонадан,-деди.

-Буларнинг ўрнига кимни тайинлаймиз,-деди Каримов ўрнидан туриб эшикни маҳкамрок ёпиб қўяркан.

Бу саволга ҳеч ким жавоб беролмади. Шу пайт Алимов папкасидан бир қоғоз чиқарди ва Каримовга узатди.

"Махфий. Фақат Президентга.

Жиззахда сессия мажлиси ўтказиладиган залда Сизга суиқасд уюштирилиши мумкин. Шундай хабаримиз бор, лекин депутатларни бир-бир текшириб киритишга ваколатимиз йўқ. Ҳатто текшириб киритган тақдиримизда ҳам ташқаридан туриб ҳужум қилишлари мумкин. Саҳарга қадар мингга яқин инсонни уйма-уй юриб тўплашди. Бу ишни ижроқўм раиси узоқдан туриб бошқараётган кўринади. Депутат Мели Қобулов эса фаоллардан бири. Шу сабабдан сессия мажлисини бошқа жойда ўтказишни таклиф қиламиз.

Миллий Хавфсизлик қўмитаси."

Каримовнинг авзойи яна ҳам бузилди:

-Алматов қани?-деди.

-Ташқарида вазият бирдан оғирлашди. Алматов ва одамлари шу иш билан овора.

-Энди овора бўлганини нима қиламан? Шу пайтгача онасиникида ўтирганмиди? Нега тинчитмади? Нега йўлларни боғламади? Қўрқдимми? Ёки бу бола халққа ўзини яхши кўрсатмоқчими? Ташқаридаги бу чоллар нима истайдилар? Қулоқни едилар-ку! Ана у Мелибой нима қилиб уларнинг ёнида юрибди? Ўшани ҳам тинчита олмадингизлар. Маҳалла, маҳалла, дейди энағар доим.

-Агар бу чолларнинг йўли тўсилса, жанжал чиқарди. Биздаги хабарларга кўра, улар ҳар нарсага тайёр,-деди Жўрабеков.

-Биздаги хабарларга кўра эса мана бу бинони осмонга учиритмоқчи,-дея Каримов қўлидаги қоғозни Жўрабековга қараб улоқтирди. -Шуни билар экансиз, нега олдини олмадингиз? Қани газета? Уларни шармисор қилиб ёзмоқчи эдинглар-ку?

Каримов Мавлонга "Газетани бер" дегандек қўлини чўзди.

-Тайёр! Ўринбосарим ёзган. Фақат сессиядан кейин босайлик, деб турувдик, -қалтирай-қалтирай жавоб қилди Мавлон.

-После пожара, что ли?! -ўшқирди Каримов.

-Акажон...

-Ҳе, акажонингни... Қани мақола? Ким ёзди, дединг?

-Шароф,-деди Мавлон.

-Шароф Убайдуллаев,-дея тузатди Жўрабеков.

-У ҳам Турсиновни ёмонлаб юрганди-ку?

-Йўғе...-хавотир аралаш сўз қўшди Мавлон

-Бўпти, нима қиламиз? Буларни тинчитишни Алматовга топшириб бўлмайди, ўзингиз назорат қилинг. Одамларни тарқатиш керак,-деди Каримов Жўрабековга.

-Сессияни қолдирсакмикан?-деди Жўрабеков.

-Каллани ишлатиб гапираяпсизми? Эртага ана у оломон пойтахтга боради. Кейин нима қиласиз? Сайлов олдида ҳаммасини қамоққа тикасизми? Нима бўлганда ҳам сессияни ўтказамиз. Бошқа жой йўқми? Қани ана улар? Иккаласини ҳам чақиринг.

Турсинов билан ижроқўм раиси шоша-пиша кириб келишди.

-Кечаси сизни одам деб телефон қилибман. Ҳаммаёқ тинч бўлса ҳоким бўласиз дегандим. Йўқ, ҳаммаёқ тинч яхши ўтказамиз дегандингиз-ку? -Каримов ижроқўм раисининг рўпарасига келиб, бармоғини бигиз қилиб унинг кўкрагига тақди:

-Ҳоким бўладиган одам ён верига қарамайдими?

-Оқсоқол, мен ҳоким бўламан демадим-ку?

Каримов қўлларини чўнтагига солиб, хонада у ёқдан буёққа юра бошлади. Кейин ижроқўм раисига қараб заҳарханда кулди. Раис ўзини оқламоқчи бўлганини сезиб ҳужумга ўтди:

-Иккалангиз ҳам бир-бирингиздан яширин ҳузуримга бормадингизми? Турсинов "Мени ишлашга қўйишмаяпти" деса, сиз "Одамлар орасида норозилик кучайди" дейсиз. Мана энди иккалангизни ҳам бўшатамиз. Ўртоқ Олимов, танланг қаерга борасиз? Сиз ҳам ўртоқ Турсинов... Аслида бу чолларнинг талаби ҳақ, Жиззах қаровсиз қолди. Шароит оғирлашиб кетди, мансабларни сотаяпсизлар, одамлар ойлигини вақтида ололмайди. Транспортдан қийналишади, лекин буни айтиш учун кўчага чиқиш керакми? Билиб қўйинглар, мен халқнинг ортидан эмас, халқ менинг ортимдан юриши керак!

Ижроқўм раиси бирор бир туманга ишга кетишга ва ўзини оқлашга тайёрлигини айтди. Турсинов эса Каримовдан пойтахтга қайтаришни илтимос қилди. Каримов бироз ҳовури пасайиб:

-Кимни ҳоким қиламиз? -деб сўради улардан.

Ижроқўм раиси:

-Партиямизнинг Жиззах шаҳар қўмитасини бошқараётган йигит бу ишни эплай олади,-деди.

Ҳа, сен нима бўлса ҳам Турсиновдан қутулмоқчисан, деб ўйлади Каримов. Турсиновнинг ўрнига эса ўзингга яқин номзодни айтаяпсан. Аслида сенга ўхшаганларни жазолашнинг битта йўли бор, у ҳам бўлса ҳаёлингдаги планни парчалаб ташлашдир. Қани, Турсиновнинг ҳам планини ўрганайчи, дея Каримов биринчи котибнинг ёнига келди:

-Хўш, сизнинг номзодингиз ким?

-Ўзингиз кимни тайинласангиз мен ҳам ўшанинг тарафдориман.

Офарин, деб ўйлади Каримов. Ё жуда ҳам пихини ёрган сиёсатчисан ёки менга содиқ ва самимийсан.

-Хўп, сессияни бошқа жойда ўтказса бўладими? -сўради у Турсиновдан.

-Шаҳарни назарда тутаяпсизми?

-Шаҳардами, гўрдами, балодами, қаерда жой бор ўзи?

-Менимча четроқда ўтказиш керак,-деди Турсинов.

-Масалан, Гагарин тумани. Менга имкон беринг, бир зумда автобусларни чақираман, депутатларни олиб боришади.

-Бўпти, -деди Каримов, -лекин ана у Мелибойга ўхшаган депутатлар қолишсин.

-У қонунчилик комиссияси раиси.

-Нима, у ҳам вилоят, ҳам республика депутати?

-...

-Майли, унинг оғзини ижрокўм раиси ёпади. Бошқалар эса қолишсин, пойтахтда лақиллашгани ҳам етади. Йўлларга миршаб кўясизлар, бирор бир машина ўтказишмасин. Ана у чолларингиз пиёда юриб етиб боргунча сессияни битирамиз. Алматовга айтинг, қўшимча куч чақирсин. Тартиб интизом масаласини ижрокўм раисига топширамыз. Қаерга боришини шунга қараб ҳулоса қиламиз. Гап-сўз чиқмаса, вилоятда, акс тақдирда ...

Каримов қўлини учоққа ўхшатиб ҳавода учирди-да, "Узоқ-узоқларга кетасан" ишоратини қилди.

Ижрокўм раиси изн сўраб, чиқиб кетди. Орқасидан Каримов кўзга ташланмай хонанинг бурчагида ўтирган Миллий хавфсизлик кўмитаси раисига "Назоратга олинг", деди. Кейин Турсиновга юзланди:

-Дўстим, ҳаммаёқни расво қилибсиз-ку?

-Оқсоқол, бир йил имкон беринг, ҳаммасини тузатаман. Кейинги вақтда иккиҳокимиятчилик бўлиб кетганди. Яккаҳокимлик хусусида бизга дарс бердингиз, кўзимиз мошдек очилди. Сизнинг буюк ғояларингиз бор. Уларни амалга оширишда ёнингизда бўлиш шараф биз учун. Сизни халқимизнинг бошига Худонинг ўзи юборди. Сиз билан ишлаган одамнинг бахти бор. Ҳам қаттиққўлсиз, ҳам меҳрибон. Ота боласини ҳам уришади, ҳам севади. Ўлдирсангиз ҳам, кулдирсангиз ҳам жоним сизники. Кет, деган кунингиз "ғинг" демасдан кетаман. Ҳозир ўзимни оқлашга имкон беринг.

Каримовнинг "эригани" юзига ёйилган табассумдан билиниб турарди. Бундай гапларни ҳар куни эшитиб турса-да, такрор тинглаганида роҳат қиларди. Жўрабеков билан Мавлон эса тарвузи қўлтиғидан тушган болалардек ҳайрон бир тарзда қараб турардилар. Турсинов ётиб қолгунча отиб қол дегандек бўш келмасди:

-Мен сизнинг командангиздаман. Йўлда поезддан тушиб қолган номарддир, деб айтган гапингиз қулоғимда. Ҳатто ишсиз қолсам ҳам, сизга содиқ бўламан. Агар имкон берсангиз ишларимиз юришиб кетади. Сайловда халқимиз сизга нақадар садоқатда эканини кўрсатади. Сайловни бузувчилар ҳам доғда қолади.

Турсинов усталик билан Каримовнинг кўнглига кириб бораётганди. Каримов музқаймоқ ялаётган боладек унинг сўзларига маҳлиё бўлиб қолганди.

-Айниқса, ҳурматли Шароф Рашидовнинг номини тиклаш йўлида кўрсатаётган жасоратингиз, у киши вафот этган кун муносабати ила келиб, фотиҳа ўқиганингиз, оддий одамлар билан бирга ўтириб, бир чимдим бўлса-да ош еганингиз, халқимизнинг руҳини кўтариб юборди. Мана бу беш-олти чоллар билан гаплашсам ҳам бу хусусда тан беришади. Лекин уларнинг чўнтагига пул тикиб, автобус топиб бериб юрганлар бор. Сиздан ижозат олмасдан индамадим. Улар "бугун чолларни калтаклашади, шундан жанжал чиқарамиз", деб ўйлашганди.

-Улар ким?

-Биттаси собиқ финотдел, иккинчиси ..., -Турсинов аланглаб атрофга қаради.-Оқсоқол, имкон беринг, ўзим ҳаммасини тартибга соламан. Бир марта шарманда бўлишдан сақлаб қолинг...

-Мелибойвни нима қиламиз?

-Биласиз, у бироз ақлдан озган. Шунинг учун КГБдан ҳайдалган. Ёлғон-яшиқ гаплар билан халқни алдаб, депутат бўлиб олди. Пулга ҳамма нарсани сотади. Тул хотиндек жанжалчи. Ҳамма ундан кўркади. Шу боис мен ўзим уни огоҳлантириб туришга мажбур бўламан. Мана булар эса Мелибойни менга қайрашади. Энди тухмат қилиб юрибди.

-У тухмат қилган бўлиши мумкин. Эртага ана у Миртемир бошимизни оғритмайдими?

-Бу ёғи ҳал бўлса, Миртемирни ўзим қўлга оламан.

-Биз қўлга ололмай турибмиз-у сизнинг тузоғингизга илинадими?

-Янги, чет элга тайёрланган енгил машинадан сўз очгандим, мумдек эриб кетди.

-Яхши. Ундай бўлса яхшилаб хужжатлаштириш керак. Иложини қилиб гапини магнит лентасига ёзиб олинг. Сейфга ташлаб қўямиз. Вақти келганда оёғига кишан бўлади. Хўш, ўртоқ Жўрабеков, масаланинг бу ёғини нима қиламиз?

Каримовнинг феълини обдон ўрганиб олган Жўрабеков темир ўчоқда яхши қизигани, энди уни истаган тарзда эгиш пайти етганлигини англади.

-Имкон берсангиз, яхши бўларди. Тўполончиларни биргалашиб тинчитамиз. Бир йил ишлаб берсин ўртоқ Турсинов. Гап-сўз кўпайса, кейин олиб ташлайсиз.

Сўнг Жўрабеков Турсиновга юзланди:

-Оқсоқол ҳар кимга ҳам бундай оталик қилмайдилар. Буни унутсангиз...

Жўрабеков "кўзингиз кўр бўлади" деган сўзларни ютиб юборди. Аммо Каримовнинг ўрнига қарор бериб бўлганди.

Каримов Мавлонга қаради.

-Ана уларни биргалашиб тинчитамиз. Агар керак бўлса ўртоқ Турсинов билан тафтиш ўтказиб, бир-икки айбдорни жазолаб қўямиз,-деди Мавлон.

-Депутатларнинг ҳам танобини тортиб қўйиш керак,-қўшимча қилди Каримов.

-Улар Сиздан сўз олганмиз, деб юришибди...

-Ҳар бир айтилган гап бажарилса, ҳожатхоналар олтиндан бўларди. Бизга эса олтин ҳожатхонанинг кераги йўқ...

Шу пайт ичкарига чой келтиришди. Энди улар қирқ йиллик ошнолардек қуюқ суҳбатга берилдилар. Суҳбат давомида Турсинов эски партияни тарқатиб юбориб, ўрнига янгисини тузиш таклифини ўртага ташлади.

-Коммунистик партия тузилиши, структураси жиҳатдан тенги йўқ партиядир. Унинг кадрлар билан ишлаш тизими дунёдаги бирор-бир бошқа партияде йўқ,-деди Турсинов.

-Гапни диссертациянгизга олиб келаяпсиз-а? -жилмайди Каримов.

Бундан илҳомланган Турсинов ўзини Каримовга яна ҳам яқинроқ ҳис эттириш учун:

-Ҳозир ҳамма жойда демократик ҳаракат бошланди. Партиямиз тўла демократик партиядир. Сиз ҳар бир инсоннинг қобиляти, ташкилотчилигига кенг йўл бераяпсиз. Барча масалаларни маслаҳат қилиб кейин қарорга боғлаяпсиз. Демократия дегани бошқа яна нима беради? Шу сабабдан партиямизнинг номини демократик партия, деб ўзгартирсак, тарихга сизнинг ижодингиз бўлиб қирарди, ўзимизнинг Гагарин бўлардингиз!

-Гагарин...,-Каримов мийиғида кулиб қўйди.- Партия масаласида мен ҳам шу фикрдаман. Лекин муҳолифатдагилар ҳам партиясининг номига демократия сўзини қўшиб олишган. Шу боис фикримни очикқа урмай юрган эдим, -деди Каримов пиёладаги чойни хўпларкан.

-Бу муҳолифат бизнинг ҳам бошимизни қотирди. Фикримизнинг бир четида арига ўхшаб ин қурди. Ана у чолларни кўчага олиб чиққан ҳам ўшалар...

Каримов бирдан тумшуғини осиб, бошини эгди. У муҳолифат сўзини эшитгани учунми ёки Турсиновнинг гапни узатиб юборганидан шу ҳолга тушдими, атрофдагилар пайқашмади. Турсинов ҳайиққанча гапиришдан тўхтади. Каримов биров жимжитликдан сўнг "Нега тинчиб қолдинг?" дегандек унга қаради.

-Оқсоқол, шу ижроқўм раисини бўшатиб беринг, -деди Турсинов юрагининг остида ётган тошни ташқарига улоқтириб.

-Йўқ, -деди кескин оҳангда Каримов. -У сизга биринчи ўринбосар бўлади. Бурнини ерга ишқаб ишлатасиз.

-У Мирсаидов билан бирга...

-Ҳе, Мирсаидовни ҳам, уни ҳам ...

Каримов Мирсаидовнинг номини эшитиши билан қизишиб кетди.

-Бўлди, у ҳам ишлайди. Бир-бирингизни қовлаштирмай ишлайсиз. Умуман, сизларни бир-бирингизга қайраб қўйса, иш яхши кетади. Порахўрликни камайтинг. Ҳаммаёққа юртдошларингизни жойлаштирибсиз. Иш қилсангиз, шундай қилинг-ки ҳиди чиқмасин, оғайни! Пул кўпайиб кетган бўлса, йигитларга беринг, фондга ўтказинг. Московлик мухбирларни тинчитишсин, танқидлари жонга тегиб кетди. Эшаклар бир нарса олсалар, ўн беш кун охурдан бош кўтармайдилар, кейин яна олиш учун ҳанграйдилар. Сизлар эса пулни қаерга сарфлашни ҳам билмайсизлар. Омин, кетдик!

Каримов ўрнидан турди-да, эшикка қараб юрди.

-Машинангиз орқа эшикда..., -деди Мавлон.

-Нима олдинги эшикдан олиб чиқмоқчимидинг?

-...

Улар пастга тушганларида, беш-олти нафар оқсоқол орқадаги ҳовлининг бир четида туришарди.

-Булар ким? -деб сўради Каримов.

-Булар вакиллар, -деди орқадан югуриб келган ижроқўм раиси. -Оқсоқолларга, сизлар кутиб туринглар, номингиздан вакиллар Каримов билан гаплашади деб олти-етти кишини ичкарига олдим. Шу билан ғала-ғовур тинчиди.

-Офарин, биз сессияни ўтказиб қайтгунча, булар кутиб ўтираверишсин, -деди-да Каримов машинасига минди. Шу пайт оқсоқоллар машина томонга қараб югуришди. Бирдан олдинга чиққан миршаблар уларни тўхтатиб, ичкарига қараб судрашди.

Гагарин туманига қадар йўллар уч халқада ўраб олинганди. Мажлисида Мели Қобулов биринчи қаторда жим ўтирганди. Умуман, "ғинг"д еган одам бўлмади. Каримов минбарга чиқиб, Турсиновни вилоят ҳокими, ижроқўм раисини эса биринчи ўринбосар этиб тайинлагани ҳақида гапирди.

-Мен бу ҳақда фармон эълон қилдим. Ана шу фармонни тасдиқлашларингизни сўрайман, -деди.

Ҳамма қўл кўтарди. Мажлисдан чиқаркан, Каримов Мавлонга :

-Фармонни бугуноқ эълон қил. Кейин бугунги число билан ёзиб келсанг, имзо чекиб кўярман.

Каримов машинага минаркан, Жўрабековга:

-Кейинроқ олиб ташлаймиз. Ҳозир бўшатсак, анави искирт чоллар "Мана бизнинг талабимиз бажарилди" деб, дунёни бузишарди. Қовун қовундан ранг олар деганларидек, кейин бу эпидемияни тўхтата олмасдик. Биз кимларнингдир талаби билан эмас, ўз хоҳишимиз, ўз кучимиз билан ишлаётганимизни кўрсатишимиз керак. Бу ўпкаси йўқларни биз эмас, Турсиновнинг ўзи тинчитсин.

-Қойил оқсоқол, Сизга тан бераман, -деди лўнда қилиб Жўрабеков.

-Майли, мақолани назоратга олинг. Сарлавҳасини яхши топибсизлар: "Автобус ҳокимияти". Энди автобусларда пойтахтга қатнайдиғанларга ҳам чек қўйинглар. Сессияда мана мен очикча айтдим, додини Худога айтсин. Шикоят билан иш битириш даври ўтди. Керак бўлса, ўзимиз айтамыз, ана ўшанда ёзишади.

Улар бир-бирларига қараб жилмайиб қўйдилар. Каримов Турсиновни ёнига чақирди-да:

-Ижроқўм раиси ... э, ўринбосарингиз қолсин, сизни эса олиб кетамиз. Пойтахтда янги лавозимни ювамиз,-деди.

-Шу ерда чой айтганман.

-Бу ерда чойни ҳам захар қилишади. Юринг, оғайни, бориб эллик-эллик қиламиз. Бугун менинг ҳисобимдан ичасиз...

Машиналар турнақатор бўлиб, йўлга чикди. Кўп ўтмай улар Жиззах чегарасида тўхташди. Негадир Турсиновни қолдириб кетишди. Ҳоким машиналар ортидан қўл силтаб қоларкан, у билан бирга меҳмонларни орқадан кузатиб келган вилоят раҳбарлари ҳам саф тортганча, қўл силташарди...

42. ЗАНЖИРЛИ ДАРА

Миртемир Жума Бекни дарров таниди. Талабаликнинг илк пайтлари бир ётоқхонада туришарди. У йиллардан қолган битта хотираси бор.

...Ҳар якшанба кун мардикорликка чиқишарди. Бир сафар уларни эски уйни бузишга олиб боришди. Энди иш бошлашганди ҳам миршаблар келиб, уй бузишни тўхтатишди ва соҳибини тутиб кетишди. Улар қайтиб мардикор бозорига келишганда "тарихий" майдонда ҳеч ким йўқ эди. Кутиб-кутиб ётоқхонага қайтишди. Чўнтакларида бир мири ҳам қолмаган эди. Ётоққа чўзалганча хиргойи килиб "шифтдан олма теришарди". Эшик тақиллаб, ичкарига қотган нон териб юрувчи бола кирди.

-Қолган-кутган нонлардан борми? -деди у ҳар доимги оҳангда.

Жума Бек ўрнидан туриб, боланинг елкасидаги халтани олди-да, ичидагиларни столнинг устига тўкди. Қотган нон бурдаларидан бир қанчасини териб олиб, қолганини сийириб, халтага солди.

-Доим сен биздан оласанми, биз ҳам бир марта сендан олсак осмон узилиб ерга тушмас, - деди.

Бола Жума Бекка ҳайрат билан мўлтираб қараганча, елкасини қисиб, индамай чиқиб кетди.

Жума Бек косани сувга тўлдирди-да, қотган нонларни ивитди.

-Қани, туринг, ўрдак шўрва ҳозир, -деди.

Орадан кўп ўтмай Жума Бек бошқа факултетга "кўчиб" кетди. Улар аҳён-аҳёнда учрашиб қолсаларда, энди бошқа-бошқа соҳилнинг одамлари эдилар. Бир неча йиллардан кейин Миртемир Жума Бекнинг қайси бир райкомда бўлим мудир бўлиб ишлаётганини эшитди, лекин унинг бу ерда эканлиги хаёлига ҳам келмаганди. Ўтган сафар Муборакка келганида, Ибод Тўра:

-Яқинда қўшни тумандан райком биринчи котиблигига ашаддий коммунистни келтиришди. Бизга қарши исён бошлатди у, -деди.

Миртемир у билан учрашмоқчи бўлди, лекин сафарда экан. Мана энди у қаршисида турибди. Талабалик йилларида қиличдек ихчам эди. Энди семириб, қорин "боғлабди". Фақат кўзларигина унинг ўша эски Жума Бек эканлигидан дарак берарди.

Жума Бек Миртемирни кучоқлаб, "кучимни кўриб қўй" дегандек, бир айлантириб, белидан маҳкам қисди. Кейин:

-Сизни кутавериб, кўзимиз саккиз бўлди, кун оқшомга, тонг саҳарга айланди, -деди.

Улар кўп гаплашмадилар. Миртемир ҳориб келгани учун райкомнинг меҳмонхонасидаги ўзига ажратилган жойга ўтиб, ухламоқчи бўлди. Лекин ухлай олмади.

Жума Бекнинг сўзлари қулоқларининг остидан кетмасди:

-Мен бобокалонимиз Амир Темурнинг тарихи бўйича докторлик иши қилдим. Ислом аканинг маслаҳатчиси Зиёмов менга устозлик қилдилар. Туманимизда "Занжирли Дара"

деган жой бор. Бу ерни Амир Темур обод қилганлар, шу хусусда туркум мақолалар ёздим. Эрталаб Сизни ўша ерга олиб бораман,-деганди у Миртемирни меҳмонхонада қолдираркан. Бу Миртемирнинг ғамнок кўнглида милтираган ишиқ ёққанди. Ҳар ҳолда бу ерга келишим бекорга кетмайди, бир тарихий масканни бориб кўраман, деб ўйлади у. Кейин Амир Темур ҳақидаги ривоятлар ҳаёлидан ўта бошлади.

РИВОЯТ

... Бир куни Амир Темур узок сафарга чиқибди. Йўлда "Тоғ этагидаги Чамбил элда тунаб қоламиз" деб буюрибди. Чамбил элга етиб келганларида, бу ердаги аҳволни кўриб, Темур ҳайратланиб қолибди.

-Бу шаҳар дунёнинг энг гўзал ери, жаннатмонанд боғлар, дилларни ром этгувчи булбуллар, мусиқа-оҳанг, сас чиқариб оқувчи ирмоқлар, Алпомишдек дев қоматли чинорлар, ичсанг суви умрни дароз айлагувчи чашмалар маскани эди. Буларнинг ҳаммасига нима бўлди? Нега бу шаҳар вайронага айланди? -дея навкарларини шаҳарга юборибди Темур.

Навкарлар шаҳарни айланиб, бир тирик жонга рўбарў келмабдилар. Ҳамма ёқда одамларнинг ва ҳайвонларнинг суяклари сочилиб ётган эмиш. Шаҳарнинг кўчаларига дорлар қурилган бўлиб, ҳар бир дордаги ипларда суяклар осилиб турарди.

Навкарлар шаҳарнинг у бурчидан кириб нариги бурчидан чиқиб кетар эканлар, онийдан бир жониворга дуч келдилар. Одам деса одамга, ҳайвон деса ҳайвонга ўхшамайдиган махлук. Бир қарашда маймунни эслатарди. Унга эътибор қилмай ўтиб кетишаётганди, у қўл силтади. Шунда навкарлардан бири:

-Кимсан? -деди унга.

-Менга кимсан дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Мен бу шаҳарнинг ҳокимиман, -дея дўриллаган сас чиқарди у.

Навкарлар кулишди:

-Шаҳармиш, вайрона-ку, демак сен-бойўғлисан!

-Мен Амир Темурнинг йўлини пойлаб ётибман, фақат у билан гаплашаман. Дардимни унга айтаман. Сиз эса йўқолинг, даф бўлинг!

Навкарлар Темурнинг ҳузурига қайтгач, кўрган-билганларини унга айтиб беришди. Темур ҳайратланиб "ҳоким"нинг ёнига борди.

-Кимсан, нима учун бу жаннат эл бу аҳволга тушди? Нега инсонлар қирилиб кетдилар? Нега шаҳар вайронага айланди? -деди.

-Менга Амир Темурдан бошқа ҳеч ким савол беролмайди. Йўлингдан қолма, эй, мусофир.

-Қаршингда Амир Темурнинг ўзи турибди.

-Ундай бўлса сени Аллоҳнинг ўзи юборди. Мен Аллоҳга ёлвориб, жонимни олишини истадим. Ваҳийдан келган бир овоз "Дунёи-заминнинг ҳукмдори Амир Темур сен томонга келмоқда, бошингдан ўтганларни унга айтиб берсанг, у сени ўлдирса, ўшанда Аллоҳ жонингни олиши мумкин"лигини англатди.

-Хўш, бошингдан нима ўтди?

-Эй, бу дунёнинг ҳукмдори! Мени эринмай тингла. ...Ёш йигит эдим. Ота-онамни севмадим. Майхўрликка ружу қўйдим. Ҳар куни ота-онамни калтаклардим, охири улар мени "оқ қилиб", уйдан ҳайдашди. Дарбадарлик кунларимда бир бойнинг қизи билан танишдим. У мени одам қилди. Унга уйландим. Отасининг ёрдами билан Чамбил элда ҳокимликка қадар юксалдим, лекин шаҳарда ишлар юришмади. Бунинг сабабини тили бурролардан, камчилигимни айтганлардан кўрдим. Уларнинг тилларини кесдирдим. Бироқ ишларим олдинга кетмади. Кейин олиму фузалолар, диндору уламолар халқни йўлдан

урмокда, деб ўйладим. Уларни зиндонларда чиритдим, лекин ишим юришмади. Сўнгра қўл остимда ишлаганларни айбладим. Шаҳарда дорлар куриб, уларни остирдим. Дорларда инсонлар осиглик турдилар, лекин ишим юришмади. Халқим қирилиб кетди, ҳайвонлар йўқ бўлдилар, булоқларнинг кўзи кўмилди, оғочлар куриб қолди. Фақат мен яшаяпман. На инсон, на ҳайвонман!

Эй, бу дунёнинг ҳукмдори, зулфиқорингни чиқар ва бошимни кес! Мени бу даҳшатли азобдан қутқар!

-Мен сени ўлдирсам, қиличим ҳаром бўлади, -деди Амир Темур.

-Агар ўлдирмасанг, менга бу азобдан қутулишнинг йўлини айт.

-Сен бориб ота-онангнинг қабрини топ, улар сени кечирсалар, ўшанда Асрор жонингни олади.

Темур шундай дебди-да, судралганча узоқлашган "ҳоким"нинг орқасидан икки навкарини юборибди. Навкарлар қайтиб келгач, Темурга:

-У судрала-судрала қабристонга етиб борди. Ота-онасининг қабрлари чўкиб ётган экан. Уларнинг руҳига ёлвораётганди, боши билан чуқурга-қабрнинг ичига тушиб кетди ва ўша ерда ўлиб қолди, -дедилар.

Темур билан суҳбатлашиб ўтирган Мир Саид Барака:

-Бу оқпадар экан, охирида ота-онасининг руҳи уни авф этди ва қийноқлардан қутулди. Лекин бу халқнинг гуноҳи нима эди-ки, бу қадар Аллоҳнинг қаҳрига учрабди?

Амир Темур бироз ўйланиб турди-да, жавоб берди:

-Аллоҳ ер юзидаги ваколатларни инсонларга берар экан, уларга ақл, ирода бахш этди. Аммо улар буни бир четга суриб, бир оқпадарни елкаларига кўтардилар. Бу эса Аллоҳни ғазаблантирди. Оқибатда гўзал бир шаҳар билан бирга бу дунёдан силинди, -деди.

... Миртемир бу ривоятни нима учун эслаганини ўйлаб ҳам ўтирмади, чунки хаёл эшикларидан иккинчи ривоят кириб келганди.

РИВОЯТ

Амир Темур ҳар пайшанба куни сиёсий маҳбуслар билан ўзи суҳбатлашарди. Бу сафар унинг ҳузурига уч кишини олиб келишди.

-Бу Сузангарон маҳалласидан. Тўй-маъракада, жума хутбаларида "Ватаним, Ватаним, Ватаним" дейди. Ватан ва миллатни такрор-такрор сўзларкан, кўзларидан ёш сизиб чиқади, овози хириллаб қолади. Аммо ҳаётда кўп одамларнинг дилини оғритган.

-Унинг бошини танасидан жудо қилинг, -деди Амир Темур.

Девонбеги иккинчи маҳбус ҳақида маълумот берди:

-Бу Мотрид маҳалласидандир. Йиғинларда, тўй-маъракаларда "Халқимиз очдан ўлар ҳолга келди. На буғдой бор ва на нон. Ҳамма нарсга урушга кетмокда" дегани-деган.

-Буни энг чуқур зиндонга ташланглар! Аммо саройдаги энг тотли таомлардан ва жамики ноз-неъматлардан истагани қадар бериб туришни қанда қилманглар, -деди Амир Темур.

Сўнгра Девонбеги учинчи маҳбус ҳақида ҳам қисқа маълумот берди:

-Бу Боғишамол маҳалласидан. Ўтган жума куни халқ олдига чиқиб "Амир Темурнинг фалон-фалон фармонлари нотўғридир", деди.

-Буни саройга мушовир қилиб ишга олинглар, -деди Амир Темур.

Сарой аъёнлари Амир Темурнинг бу қарорларидан хайратга тушдилар ва Мир Саид Бараканинг ҳузурига келиб, ундан бу қарорларни изохлаб беришни сўрадилар.

Мир Саид Барака:

-Биринчиси, Ватан, миллатни ўзига қалқон қилиб олган бадбахтдир. Бундай одамлар жуда ҳам таҳликалидирлар. Улардан не қадар тез қутулсак, Ватан ва миллатга шу қадар хайрли бўлади. Иккинчиси эса, ҳаётни қориндан иборат, деб тушунади. Ундайларга ҳаёт нима эканлигини аңлатмоқ керак. Қоронғу зиндонда ётса, бу ҳаётда егуликдан бошқа жуда кўп азиз нарсалар борлигини тушунади. учинчиси эса, Ватан ва миллатга ўзини қалқон қилди. У Амирнинг фармонларидаги янглишларни айтар экан, ўзини эмас, мамлакатни ўйлади. Темур ҳазратлари ана шунга кўра, қарор бердилар, -деди...

43.САМИМИЯТ

Миртемир тонг бўзариб қолганда, уйкуга кетди. Бир "чимдим" уйқуни олмасдан уйғонди ва "Занжирли Дара"га эртароқ бормоқ учун меҳмонхона ҳовлисига чикди. Аммо Жума Бек ва вилоятдан унга ҳамроҳ бўлган кишини узоқ кутди. Нонушта тайёр бўлгач, улар кириб келдилар. Чой ичиб у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашган бўлдилар-да, йўлга чикдилар. "Занжирли Дара" узоқда экан. Икки-уч соат деганда, аранг етиб келдилар. Атрофда бир сардоба қолдиғи ва бир дарахтдан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

-Бу ердаги шаҳар қум остида қолган,-деди Жума Бек. -Гарчи чўл ҳавоси биқик бўлса-да, ана шу табаррук жойда тушлик қиламиз, -у шундай деб, шофёрига имо қилди. Шофер йигит машинадан дастурхон, кўрпачаларни олиб, дарахт остига тўшай бошлади.

-Аслида чўлнинг саррин шабадасига тенг келадиган нарса йўқ, лекин газни қайта ишлаш заводидан чиқадиган захар шу ерларга қадар етиб келади, -деди вилоятлик ҳамроҳ.

Миртемир уларнинг мақсадини тушунмади. Наҳотки, тушлик учун бу ерга келишди? Балки бу қумлар остида бирор бир шаҳар йўқдир? Агар шаҳар қум остида қолган бўлса, бу дарахт ва сардоба нима учун йўқолмади? Миртемирнинг қалбида зилзила бошланди. Зилзила кучайиб, умид ва илинж тоғларини яксон қилиш баробарида, кўнгил тахмонларини ҳам бузиб юборди.

Шу лаҳзада у дунёга сиғмаётган эди. Найзадаги қуёшнинг тиғини, ҳудудсиз чўлнинг шабадасини ва у шабада келтираётган ёқимсиз газ ҳидини, хуллас, ҳеч бирини ҳис қилмаётган эди. Ёнидаги одамлар ҳам чўл сароби каби гоҳ кўриниб, гоҳ кўздан ғойиб бўлардилар. Чунки унинг бутун диққати зилзила марказида эди. Зилзила маркази тўфонга айланган ва бу тўфон кўкрак қафасларини сиқиштираётган эди.

Сиёсат, дунёдаги энг жирканч ўйин экан, деб ўйлай бошлади у. Нега унга маҳлиё бўлдим? Унинг қайси рақсию, қайси мусиқаси мени ром этди? Наҳотки, сиёсатга кирмасдан курашиш мумкин эмас? Йўқ, сиёсат бутун жамиятни ўз панжаларига боғлаган. Унинг четида қолиб, ҳар қанча мужодала этма, натижасиз қолаверасан. Хўш, мана сиёсатга кирдинг, қандай натижага эришдинг? Балки ана улар ичларида сени масхара қилиб, устингдан кулаётгандирлар? Чунки орқаваротдан қандайдир ўйинлар ўйналаётганини ҳис қиляпсану аммо билмайсан. Мана булар эса, балки барчасидан хабардор?! Чизиқларни, балки ана шулар чизгандир?!

Йўқ, харитани чизганлар бошқа, булар ҳам унинг йўлчилари.

Буларга, сени шаҳардан, одамлардан узоқлаштириб, чўлу-биёбонда тутиш амри берилган бўлса-чи? Э, йўқ, биродар, ўз баҳоингни жуда ҳам ошириб юбораяпсан. Сен бу дунёда ва бу жамиятда жуда кичик одамсан, балки заррадан ҳам кичикдирсан?! Бу қадар одамни сени изингдан нега қўйиб қўйишсин?

Нега қўйишмасин? Бу дунёда ҳар бир зарранинг улкан тоғлар қадар аҳамияти бор, қолаверса, сен нега ўзингни бу қадар тубанларда кўрмоқчи бўлаяпсан? Инсон тоғ устига,

юксакликка кўтарилгани сайин, кўзларда, назарларда кичрайиб боради, аммо ўз қалбида, руҳида эса юксалиш ҳис этади. Сен нега аксини истаяпсан?

Миртемир ўзи билан ўзи олишарди. Гўё ичидан бошқа бир Миртемир ажралиб чиқиб, қаршисида ўтирганча у билан аёвсиз тортишарди.

Биз айрилдикми, демак, руҳ бошқа вужуд бошқа бўлади, деб ўйлади Миртемир. Бу эса инсоннинг инқирозидир. Битиши, тамом бўлишидир. Вужуд ва руҳ мужассам, бир бутун бўлганда, инсон кучга айланади. Бу кучни енгадиган, синдирадиган фақат ўлимдир. Инсон ўлимдан бошқасига енгилмайди. Лекин сен ҳали ўзинг ҳам билмайдиган воқеалар таъсирида енгилиб ўтирибсан. Аслида енгилмоқ ҳам музаффарликдир. Агар ростдан ҳам бирор бир ўйин ўйналаётган бўлса, истеъфо бераман. Уларнинг қўлида кўғирчоқ бўлишни ёки чизган хариталари бўйлаб югуришни истамайман.

Бу пайтда Жума Бек дарахт остига тўшалган кўрпачага ёнбошлаганча тандирда пиширилган кабобни пишиллаганча еяётганди.

Нахотки, у қотган нон еган кунларини унутган бўлса? Ўшанда болакайнинг тўрвасидан олинадиган қотган нон худди мана шу тандир кабоб каби унга лаззат бермаганмиди? Аммо ўшанда Жума Бекнинг юзларида севинч ва мамнунлик бор бўлса, ҳозир кибор ва манманлик уфуриб турибди.

Жума Бекнинг парвойи палак, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди. Нега мен уни ёмон кўраяпман, нега уни айблаяпман? Балки у ҳаётнинг мантиғи шундан иборат деб ўйлар ва барча ҳаракатларини тўғри деб билар?! Қолаверса, докторликни ёқлабди. Катта бир районнинг раҳбари. Балки ўз йўлида эътиқодлидир. Бунинг устига сенга нисбатан совуқ муносабатда бўлган эмас. Эски дўстлар каби бағрини очди.

Миртемир мушоҳадаларни бир четга суриб, тандирда пиширилган уй нонидан емоқчи бўлди, аммо бир тишлам нон лаби билан томоғининг ўртасида узоқ айланди. Болалик йилларини эслади. Уйларида нон бўлмаган кун, томга чиқиб "Менга иссиқ нон пишириб беринглар" деб додлаган экан. Ўшанда, раҳматли онаси хасталаниб қолгани учун, иссиқ нон пиширадиган одам топилмабди. Бироз улғайгач, бу воқеани айтиб беришса, қулоғига қадар қизариб кетарди. "Айб боламда эмас, мен унга ҳар куни кулча пишириб бериб, ёмон ўргатиб қўйгандим", дея унинг бошини силарди онаси.

Шу дамда Миртемир ўша кулчаларни кумсади. Балки, мен томга чиқмагандирман?! Агар томга чиқадиган ёшда бўлганимда, у воқеа эсимда қоларди. Балки, кулги бўлсин, дея бу воқеани ўйлаб топишгандир?! Чунки кулча нонни, айниқса, хамирнинг устига шарбат суриб пиширилган кулчани жуда ҳам севишимни билишарди-да! Ҳовлимизнинг ичидан ариқ оқиб ўтарди. "Оқ ариқ" эди номи. Ариқ бўйларига экилган гуллар ҳам оппоқ бўлиб очиларди. Дарвозадан кираверишда эса, бир тут дарахти бор эди. У ҳам оппоқ бўлиб пишарди. Мен кулчани ариқнинг бошланиш қисмига ташлаб, ўзим кўча орқали сувнинг ҳовлидан оқиб чиқадиган жойига югуриб борардим. Ҳар доим кулчадан олдин етиб боришга ҳаракат қилардим. Обдон чарчаганимда кулча ҳам ҳил-ҳил бўларди. Кейин уни оппоқ пишган тут билан, мазза қилиб ердим. Эҳ, у кунлар, қайда-ю бу кунлар қайда?!

Болалик таассуротлари Миртемирнинг кўнглидаги зилзила оташини бироз туширди. Шунга қарамай, у Жума Бек билан очилиб суҳбатлашмади. Ҳатто унинг гапларини охирига қадар эшитишга уринса-да, хаёллари бошқа ўрмонларга кириб кетарди.

Қуёшнинг "боши узилган" пайтда Жума Бек дастурхонни йиғиштиришга буюрди. Миртемир бу ердан ортга қайтмаслигини ва пойтахтга кетажagini айтди. Жума Бекнинг ялиниб, ёлворишига қарамай, улар шу ерда хайрлашдилар. Жума Бек қўл силташ ўрнига соатига қарай-қарай қолди.

Улар вилоят марказига етиб келганларида, пойтахтга учадиган сўнгги учоқ ҳам аллақачон парвоз қилиш учун ердан айрилганди. Миртемир яна бир кечани меҳмонхонада ўтказишга мажбур бўлди. Эрталаб, нонушта пайти радиодан эшитилган хабар унинг кўнглидаги зилзилани ўн даража ошириб юборди. У портфелидан бир қоғоз олди-да, ишдан айрилажаги ҳақида ариза ёзиб, яна портфелига солиб қўйди. Кейин меҳмонхона ҳовлисида ўралашиб юрган боғбоннинг ёнига келди:

-Ҳорманг, ота!

-Бор бўлинг, Миртемиржон! Келишингизни уч кундан буён кутиб ётгандик. Бир суҳбатингизга иштиёқмандмиз,-деди.

-Йўғе, мен ўзим бу ерга келишимни билмасдим у сиз қаёқдан билардингиз?

-Укажон, ер тагида илон юрса, биз сезамиз. Бу ерда уч кун олдин қимир-қимир бошланганди. Отингизни эшитганлар жим туришармиди? Менга қадар хабар келиб етди.

-Бўпти,-деди Миртемир, жаҳлини тишлаб. -Отахон, айтингчи, сизга мана бу дарахт қуриб қолган, қуртлаган, бокқа зарар бераяпти, уни қўпориб ташла, дейишса, Сиз бу ишни бажарсангиз, лекин эртасига келганингизда меҳмонхона мудир қайтадан экиб қўйган бўлса, нима қиласиз?

-Нима ҳам қила олардим, ука? Каттанинг айтгани айтган. Ўйнашмагин арбоб билан, деганлар. Қуриган дарахтга ҳам салом бериб юраверамиз.

-Иzzат-нафсингизга тегмайдими?

-Иzzат-нафсни ўйласак, оч қоламиз. Бу ерга кимлар келиб, кимлар кетмади. Қанча-қанча иzzат-нафсини ўйлаган одамларни йўқотиб юборишди. Бу билан мени иzzат-нафси йўқ одамга чиқариб қўйманг. Ғурурим ичимда. Ичимда уларни буралаб-буралаб сўкаман. Ёки алашимни чечангиздан, болалардан оламан. Бу дунёда яшашнинг бошқа йўли йўқ. Сизга ўхшаган йигитларни ҳам синдириб юборишади. Буларга мевали дарахт эмас, қуриган ва чириган дарахт керак. Чунки истаган пайтларида, бир тепиб йиқитадилар ёки ахлатга олиб чиқиб ташлайдилар ва кўнгиллари роҳатлайди.

Миртемир боғбондан бундай жавобни кутмаганди. Наҳотки, халқимиз шу аҳволга тушиб қолди? Наҳотки, ҳамма шундай ўйлайди? Йўқ, баъзиларнинг қоматини эгишди, баъзиларнинг тафаккурини йўқотишди, баъзиларнинг эса жасоратини ўлдиришди. Аммо шундайлар борки, эгилиб, қайтадан қоматини ростлайди, тафаккурини йўқотиб тафаккурини топади, жасоратидан айрилиб жасоратли бўлади, яъни сохталарини йўқотиб аслини топади. Ана шундайлар бошқаларни ҳам ўз орқасидан эргаштиради, деб ўйлади у қўналғага йўл оларкан.

Миртемир минган учоқ пойтахтга қўниши билан ҳукумат раҳбарларига хизмат кўрсатадиган микроавтобус трамплин ёнига келиб тўхтади. Учокда бирор бир раҳбар бормикан, дея Миртемир йўловчиларга бир-бир назар солди. Йўловчиларнинг ҳаммаси оддий инсонлар эди. Учокдан тушаркан, микроавтобусдаги қиз:

-Сизни кутиб олишга чиқдик. Ўртоқ Крайнов бир неча марта кўнғироқ қилдилар. Президент Сизни кутаётган эканлар. Машина ҳам юборишибди, -деди.

Миртемир индамай микроавтобусга чиқди ва бу ҳам ўйиннинг давоми деб ўйлади. Бормасдан аризамни бериб юборсаммикан?! Ёки бориб ҳамма гапни Каримовнинг юзига айтиб, чиқиб кетсамми?! Балки Каримов бирор бир баҳона ўйлаб қўйгандир? Бир ҳафтадан кейин сессия бор, сайлов олдидан ўтадиган бу сессияда муҳим қонунлар қабул қилинади. Балки сессияда сўзга чиқиб бу ўйинларни фош этарман? Шу сабабдан Каримовнинг ўзи билан учрашиб, аризани унга топшираман.

Крайнов Миртемир билан кўришаркан, уни Каримовнинг ҳузурига бошлади.

-Хуш келдингиз, -деди Каримов. -Йўқлигингиз билиниб қолди. Эртага Иқтисод дорилфунунида олимлар билан учрашувим бор, мана буларга маъруза ёзинглар десам, қоғозни бўш гап билан тўлдиришибди, -деди у эшик томонни кўрсатиб.

-Ёзиб берган билан мажлисда барибир уни ўқимайсиз, -деди Миртемир.

-Ўқимасам ҳам маърузадаги фикрларни гапириб бераман.

-Жиззахда маъруза қилишингиз учун нутқ ёзиб берганлар бундан кейин ҳам хизматингизни аъло даражада бажаришса керак. Мен эса истеъфо аризамни келтирдим.

Каримовнинг бирдан жаҳли чиқди. Юзи шолғомдек қизарди, кўзларининг атрофига тундлик югурди, бақириб юбормоқчи бўлган кишидек бутун вужудидаги куч бўғзига тўпланди.

-Ўтиринг, -деди.

Миртемир Каримовнинг бу оҳангига парво қилмай аризани унинг ёнига қўйди.

-Сиз билан бугун келиб эртага кетиш учун англашганимиз йўқ! Сизни жасоратли йигит деб ўйлагандим. Сал нарсага кўрқиб қочишингизни хаёлимга ҳам келтирмагандим.

-Мен қочаётганим йўқ. Сарой ўйинларини тарк этаяпман.

-Офарин! Мана мен сарой ўйинларига чидаб ўтирибман. Менга осон деб ўйлайсизми? Мен ҳам оддий инсонлар каби чойхонага чиқиб чой ичишни, отамлашишни, тоғларга чиқиб суҳбат қилишни истайман. Лекин бутун вақтим мана шу тандирнинг ичида ўтади. Эрталабдан оқшомгача, оқшомдан эрталабгача ёнаман. Ўйлайсизки Жиззах масаласида Сизни алдаб, ўйин кўрсатдик. Давлат ишлари осон эмас. Баъзиларини шарт-шурт ҳал этиш керак. Тўғри, Жиззах бўйича Сизнинг фикрингизни олишим керак эди. Лекин мана бу ифлослар, -Каримов мана бу дер экан қўлини бигиз қилиб, хонасининг паст қисмини кўрсатди. Хонасининг остида эса Мавлон билан Алимовнинг кабинетлари бор. -Сизни Муборакка юборишибди. Мен уларга Ибод Тўрани ва Миртемирни чакиринглар, биргалашиб гаплашамиз, дегандим. Мени янглиш англашибди. Бу Зиёмов деган эшакнинг думига супурги боғлайман.

-Сиз Турсиновнинг қилмишларини яхши биласиз...

-Ҳа, била туриб, ҳеч нарса қилолмадим. Шунинг учун ҳам сизга ўхшаган йигитларнинг ёрдамига эҳтиёжим бор. Мана сизнинг хабарингиз йўқ, менга икки марта суиқасд ҳозирладилар. Ишга келаётганимда, мени отишмоқчи бўлишди. Хайриятки, кўрималар сезиб қолишди.

Миртемир "Манतिकрис хангомаси" дея тарқалган миш-мишни эслади. Бир куни ўн уч -ўн тўрт ёшлардаги бола спорт милтиқчаси билан қуш овлаётган экан. Уни Каримов ўтадиган йўлнинг ёқасида ушлашибди. Кейин отасини, акасини ҳам қамаб қўйишибди. Балки ўша воқеани айтаётгандир, деб ўйлаган Миртемир:

-Яқинда бўлдимиз? -дея сўради.

-Биттаси икки ой олдин эди, иккинчиси икки кун олдин, Жиззахда рўй берди. Мени портлатиб юбормоқчи бўлишди. Худога айтганим бор экан, қутулиб қолдим. Сиз бўлсангиз менга ситам қиласиз. Сайловни эсон-омон ўтказиб олайлик, бу Турсиновларни, уларнинг мафияларини сичқоннинг инига киритиб юборамиз. Лекин билиб қўйишсин, мен улардан кўрқмайман, охирига қадар курашаман. Мелибой билан ҳам гаплашдим. Бечоранинг халқдан бошқа ташвиши йўқ. Уни қилмишлари учун КГБдан ҳайдалган, деб мени ишонтиришганди. Ваҳоланки, хасталаниб, пенсияга чиққан экан. Ундай йигитларни қўллашимиз керак.

Миртемир ўйланиб қолди. Каримов шу қадар самимий ва ҳаяжон билан гапираётган эдики, унинг гапларига шубҳа қилиш мумкин эмасди.

-Мана кўрасиз, икки-уч йилда бу давлатни дунёдаги энг катта мамлакатлардан бирига айлантираман. Халқимиз жаннатнинг ичида яшайди. Ҳаммага уй бераман, ер бераман. Қишлоқларни обод қиламан, колхозчининг уйи билан ҳокимнинг уйи бир хил бўлади. Бой-камбағал деган гап бўлмайди. Одамлар суд, прокурорнинг эшигида кутиб ўтирмайдилар, оналар, болалар касалхоналарда вафот этмайдилар. Мактаб болалари пахтага чиқмайди. Фақатгина олтинларни сотсак, бу масалаларни ҳал қилиш мумкин. Яна сотадиган қанча-қанча нарсаларимиз бор. Лекин ишлашга қўйишмаса нима қилай? Буларнинг ҳаммасини қувсам, янги инсонларни, янги кадрларни қаердан топаман? Сизга ўхшаганларга ишонсам, юзимга аризани отасиз. Истеъфодан осон иш йўқ. Лекин масъулиятни кўтариш оғир. Сиз фаолиятингизни тўхтатманг, Турсинов масаласини давом эттиринг, уни шармисор қиламиз. Аввал кўлини, кейин оёғини кесайлик, ундан кейин бошини узамиз.

Миртемир индамай Каримовнинг "нутқ"ини тингларди. Каримов минбарда юзларча инсонга хитоб қилаётгандек, жўшиб гапирарди.

-Биламан, сиз менга ишонмайсиз. Олинг, мана буни ўқинг. Бу ерда Шукрулло Мирсаидовнинг ва умр йўлдошининг кирдикорлари ёзилган. Хорижга борганда, неча тонна марварид келтирганини биласизми? Ҳозир мен унинг грибонидан бўғсам, ўтирган биномизни осмонга учиради, кулимизни кўкка совуради. Ана у бобойни парламент раиси қилиб қўйгандим. Ҳаммаёқни масхарага айлантирди. Бир жасоратли йигит-Полвонзодани Олий суд раислигига тавсия қилмоқчи эдим, "Миллати бошқа, ўтказишмайди" дейди. Бу масалаларда сизлар ёрдам бермасангиз, ким ёрдам беради? Мана, отасига раҳмат, Исо Холис дардимни англади, менга катта ёрдами тегаяпти. Мен ҳам бўш тураётганим йўқ, айтганини яратиб берайман. Наригиси ҳам хизматимизда.

Каримов бирдан отдан тушиб, ажрикда ўтирган кишидек, чуқур нафас олди-да, столга энгашганча, оғринган бир сасда, ёлворган бир оҳангда сўзини давом эттирди:

-Мен ҳам отаман! Болаларим билан ўтириб дардлашишни истайман, улар билан боғу-роғларни кезгим келади, лекин мана шу столга маҳкумман. Роботга ўхшаб қолдим. Баъзан ҳаммасига қўл силтаб, ҳайё-хуй деб чиқиб кетгим келади. Аммо бечора халқимизнинг аҳволи нима бўлади? Жиззахда чол-кампирлар бўйнимга осилиб йиғлашди, раҳматли онамни эсладим...

Каримовнинг кўзлари бирдан ёшга тўлди. Миртемир унга бир нигоҳ ташлади-ю бошини эгди. Ҳақиқатдан ҳам, мен уни тушунмаган бўлсамчи, деб ўйлади. Кап-катта одам, бир давлатнинг раҳбари бекордан кўзига ёш оладими? Ростдан ҳам атрофидагиларнинг ҳаммаси шахсий манфаатдан бошқа нарсани билишмайди. Бу одамнинг юрагида, балки, эзгу-ниятлар яшириндир?! Бир томонда Москов, иккинчи томонда эски зехниятдаги инсонлар уни қуршовга олишган. Эркак кишининг йиғлаши осон эмас. Ситамлар, азоблар жонидан ўтиб кетганки, кўзига ёш келаяпти. Шундай дейману лекин ҳамма нарса унинг ўзига боғлиқ эмасми? Қанча-қанча етук, қобилиятли инсонлар четда қолиб, дўппи келтир деса, бош узиб келадиганларни атрофига йиққан. Балки ноиложликдан шундай қилаётгандир?! Нима бўлганда ҳам менга кўнглини очди. Агар самимий бўлмаса, аризамга қўл қўйиб, тўрт томонингиз қибла, бораверинг демасмиди?! Ёки мен шошқалоқлик қилдимми? Аввал ҳамма гапни ўрганиб, кейин қарор бериш керакмиди?

Каримов ўрнидан туриб, ичкаридаги хонага кирди ва юзини ювиб, қайтиб келди:

-Ука, аризангизни олиб кўяман. Сиз ишингизни давом эттираверинг. Яхши-яхши йигитларни танланг, менга тавсия қилинг. Биргаллашиб, бу касалликларни енгамиз. Кўриб турибман, чарчаб келгансиз, бориб дам олинг, -деди.

44. БУЗУҚИ

Миртемир индамай чиқиб кетди. Уйига келгач, бирдан хасталаниб қолди. Доктор чақиришганида, "Юрагингизни даволашингиз керак", дея касалхонага олиб кетишди. У навбатдаги сессияга келолмади. Касалхонадан чиқиб, иш бошлаган куни онийдан Каримов унинг хонасига кириб келди:

-Сизга ўхшаган йигитлар касал бўлиб қолса, баракалло бизнинг ҳолимизга,-деди. -Юринг, бир жойга бориб келамиз.

Каримовнинг машинаси қўналға томонга юрди. У учоққа мингунга қадар ҳеч нарса демади. Учоқ кўкка кўтарилгандан кейин Миртемирни ёнига чақирди:

-Шаҳрингизга... шаҳримизга борамиз. Ана у Пўлатни ишдан бўшатиб келамиз. Мен уни яхши одам деб ўйлагандим, лекин аблаҳ экан. Ҳамма ёкни сотиб еди, планларни барбод қилди. Бу шаҳар ва бу вилоят бизнинг ифтихоримиз. Уни келинчакдек ясаиб қўйишимиз керак. Пўлат бензин станциялари калитини отасига, машина сотадиган жойларни укасига бериб қўйибди. Мен уни одам қилмоқчи бўлдим, аммо йўлга юрмади. Мана бу ҳужжатларни қаранг, агар вилоят сессиясида гап-сўз кўпаядиган бўлса, менга ёрдам берасиз. Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам, у порахўр, ўғридан қутулишимиз керак.

Миртемир ҳужжатларга назар солар экан Пўлат Мажидович ҳам қулоғига қадар балчиққа ботган экан, деб ўйлади. Илгари пойтахтда ишлаганида атрофига ҳамтовоқлар тўплабди. Кейин бу вилоятга юборилганида, ана шу ҳамтовоқларини ҳам бирга олиб келибди.

Миртемир Пўлат Мажидовични биринчи котибликка олиб келишган кунни эслади. Ўшанда Каримов уни "ҳалол, пок, виждонли, ўзини эмас халқини ўйлайдиган одам" деб мактаганди. Орадан бир ярим йил вақт ўтди. Энди у ҳақда тесқари фикрларни айтмоқда.

Миртемирнинг хаёл суриб қолганини кўрган Каримов унга сўз қотди:

-Пўлатни бу ишга қўйгунча она сутим оғзимдан келганди. Аммо ишончни оқламади. Ҳар куни саунага бориб, маишат қилгандан кейин ишлашга вақт қоладими? -у шундай деб чўнтагидаги суратларни олиб Миртемирга узатди.

Миртемир ҳайратланиб қолди. Пўлат Мажидовичнинг сауна ичидаги ҳар бир ҳаракати суратга олинганди. Чалқанча ётибди, уни қизлар массаж қилишяпти, ўзини ҳовузга ташляпти, чой ичаяпти, саунанинг иссиқ хонасида бир мушт бўлиб ўтирибди... бунисини қандай суратга олишди экан? Ҳа, буларга қолса игнанинг тешигидек жойдан ҳам суратга олишади. Суратларнинг бошқаларида Пўлат қип-яланғоч, атрофида эса фоҳишасимон қизлар...

-Ҳа, -деди Каримов. -Султон киму қул кимлигини ана шундан билса бўлади. Болдирлари қуёш кўрмаган қизларни қўйнига олиб, эмиб ўтирибди, бу баччағар. Ҳаётнинг гаштини билади энағар.

Миртемир Пўлат Мажидовичдан нафратланди. Қанча-қанча инсонларнинг тақдирини шу ахлоқсизга ишонишган. Наҳотки, кирдикорлари очилиб қолишидан кўрқмади? Ёки ўзини ҳокиму мутлоқ деб ҳисобладими? Илгари кўп миш-мишлар тарқалганди, лекин бир раҳбарнинг бу қадар тубан кетишини тасаввур қилолмаганди. Мана энди кўриб турибди. Бундан оиласи, фарзандлари хабар топса, нима қилади? Наҳотки, бунини ўйламади? Бугун Каримов мана бу суратларни вилоят депутатларига кўрсатса, Пўлат қандай қилиб бош кўтаради? Умуман, мансаб дегани шу қадар жодугармики, унга соҳиб бўлган инсон ўзини, виждонини, иймонини, ахлоқини бағишлайди? Мансаб нима сабабдан инсонни бунчалик тез бузади? Айб мансабдами? Йўқ, айб инсоннинг ўзида! У мансабга келмасидан олдин ҳам йўлдан чиққан бўлса, кейин ўзини тўхтата олмайди.

Демак, айбнинг тенг ярми шундай одамларни мансабга ташиганлардadir. Уларнинг кимлигини билмасдан, ўрганмасдан мансаб ҳадя этса, ургани шу бўлади. Балки, Пўлат ўзини хон каби ҳис этишида бошқа сабаблар ҳам бордир? Нима бўлганда ҳам бундай хулқи бузук, иши бад, порахўр одамни Каримов кеч бўлса-да танибди. Ундайларни алмаштириб ташлаш керак деган фикрга келгани яхши, халқ ҳам хурсанд бўлади.

Қирқ беш дақиқа "пир" этиб учиб кетди. Уларни вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби Пўлат Мажидович ва ижроқўм раиси Тошбўри Қиличев, Жўрабеков ва Мавлонлар кутиб олишди.

Миртемир Пўлат Мажидовичга разм солди. Туппа-тузук одамга ўхшайди. Невараси тенги қизлар билан кайфу сафо қилишини хаёлга ҳам келтириш қийин. Ўзини жиддий, ғурурли тутмоқда.

-Қиличевнинг хонасига чиқамиз, -деди Каримов марказга етиб келишганда.

Каримовнинг вилоят партия кўмитаси биносига эмас, ижроқўм биносига қараб юриши Пўлат Мажидовични ҳайратлантирмади. Миртемир эса Каримовнинг совуққонлигига ҳайрон эди. У ҳеч нарса бўлмагандек, юриб борарди. Ўн иккинчи қаватга кўтарилгач:

-Нега тортишиб юрибсизлар? -деди Қиличевга.

-Йў... Биргаликда ишляпмиз, -деб жавоб қилди Қиличев.

Каримов унинг хонасига қадар индамай юриб борди. Ичкарига киргандан кейин:

-Шу билан бирга ишлаб бўладими? -деди, кўрсатгич бармоғи билан ташқарига имо қилиб.

-Нима қилайлик... Ўзингиз маслаҳат бериб, йўл кўрсатсангиз... -деди Қиличев.

-Йўл ҳам, маслаҳат ҳам шуки, энди бизнинг командага кирасиз, ҳокимликни ўзингиз оласиз. Ҳа, унинг миллати нима ўзи?

Қиличев жавоб беришдан қочди.

-Сиз ҳам асли тоза эмассиз, менга уч-тўрт киши шикоят қилиб борганди. Сизни Мирсаидовни қўллаяпти, дейишганди. Лекин ишонмадим. Бу дегани иш битди дегани эмас. Яна текшириб кўрамиз, дегани.

-Билмадим... Йў... -шивирлади Қиличев.

-Туман биринчилари Пўлатни талаб қилиб, менга мактуб ёзишган. Сизни талаб қилганлар ҳам бор. Уни ишдан олишимни кимдан эшитди? Сиз кимдан эшитдингиз?

Қиличев кўрқиб, ранги оқариб кетди ва:

-Ўлай агар, хабарим йўқ, -деди.

-Ўлишнинг ҳам вақти келади. Керак бўлса, жонингизни ўзимиз оламиз. Ҳозир эса вилоятни ва шаҳарни тозалаш керак. Лекин бирданига эмас, аста-секин. Орқасида кучи борларнинг елкасини силаб, кейин боқлайсиз. Раҳбар ҳам артист, ҳам томошабин бўлиши керак. Ўзингиз ўйнаб, ўзингиз томоша қиласиз. Душман билан ҳам ўпишиб, кучоклашиб юриш лозим. Шундай қилмасангиз, унга ҳукмрон бўлолмайсиз. Ҳар бир туманда тўрт-бештадан ўз одамингиз бўлсин. Ҳамма жойда ўзимизнинг "тўпчалар"имиз бўлиши шарт. Ўшанда гап-сўз камаяди.

-Қуллук, оқсоқол, -деди Қиличев.

-Ҳа, нега ўтган сессияда сўзга чикмадингиз? Кўрқдингизми? Жасорат йўқ сизларда. Ана у эшак Пўлат ҳам тиржайиб ўтирганди. Кўрқдингизми, бир ўзим ҳаммасини тинчитдим. - Каримов шундай деб, кўз остида Миртемирга қаради.

Миртемирнинг авзойи бузилди, лекин индамай ўтирди. Каримов Қиличевни сўроқ қилишда давом этди:

-Бу ердаги депутатлар сизга кулоқ солишадими ўзи?

Қиличев шоша-пиша:

-Кулоқ солишади, -деди.

-Бўпти, сени табриклайман, бола, -дея Каримов ўрнидан турди ва Қиличевнинг елкасига бир урди-да, уни кучоқлади. Кейин улар ўпишдилар.

Миртемир бу манзарага ҳайратланиб қараб турар экан, Қиличев унинг ёнига келди:

-Раҳмат, -дея Миртемирга қўл узатди.

-Табриклайман, -деди Миртемир совуқ оҳангда.

Миртемир Каримовнинг Қиличевни сенсиргани ҳақида ўйлай бошлади. Демак, уни ўз командасига олди. Ўз мулки, деб ҳисоблай бошлади. Балки ўзини ота, уни эса бола, деб ўйлаётган бўлса керак?! Наҳотки, катта бир вилоятга раҳбар бўлаётган одам куликни, тобеликни шу қадар осон қабул этса? Эртага унинг ўзи бошқаларга худди ана шу саҳнани такрорлайди. Одамлар ҳам қизик. Мансабга минган кишининг ҳам олдидан ҳам орқасидан чироқ ёкишади. Ҳам юрган, ҳам юрмаган йўлини супуришади. Ишдан кетган куни эса, юзига ҳам қарашмайди. Саломни насия қилиб, ўтиб кетишади. Балки ана шу ҳолатнинг ҳам раҳбарларнинг кул бўлиб қолишларида таъсири бордир?!

Каримов Миртемирга юзланди:

-Сиз нима дейсиз? Бунга ишонса бўладими?

-Мен кўкқисдан бир нарса дейишим қийин. Аммо бу одам ҳақида ёмон гап эшитганим йўқ.

-Бизга ана шу фикрингиз етарли, -деди Каримов ва Жўрабековни чақирди. У билан Мавлон ҳам кирди.

-Сизлар кутиб туринглар, -деди у Қиличев ва Мавлонга.

Қиличев хонадан енгил одимлар билан чиқар экан, Мавлон эса чўкиб қолган одамдек, фил одим ташлаб, чиқиб кетди.

-Бўлди, Қиличевни кўямиз, -деди Каримов Жўрабековга.

-Яхши-ю... -Жўрабеков питирлаб қолди.

-Нима гап? Нега иштонига ўтириб қўйган боладек, тортинасиз? Районларга чиқдингизларми? -Каримов жаҳл билан сўради.

-Мана, ҳамма "биринчи"лар Пўлат Мажидовични иштаяпти, -деб Жўрабеков қўлидаги, айрим жойлари қизил ранг билан бўялган қоғозни Каримовга кўрсатди.

-Ўзи уюштирган, -деди Каримов унинг гапини кесиб.

-Аҳвол оғир, Қиличев бироз миллатчи. Исо Холис билан алоқаси бор. Вилоят партия конференциясида ҳам миллатлараро тортишувни чиқарган шу. Эсингизда бўлса, биз айтган номзодлар ўтолмай қолганди. Сизнинг топширигингиз билан бу ишни аранг тўғрилаганимиз, -дея Жўрабеков ҳужумга ўтди.

-Аниқми?

-Аниқ. Мана, бир неча киши ёзиб ҳам берди. Қиличев ўз мафиясини тузиб олган. У ҳоким бўлса, бошимиз ғавгодан чиқмайди. Талабаларни ишга солиб, шаҳарни бошқа миллатлардан тозалайман, деган гапини "комитет" ҳам ёзиб олган, -дея Жўрабеков қоғозларни Каримовнинг олдига қўйди. Аммо Каримов бу қоғозларга эътибор қилмади.

-Депутатлар билан гаплашдингларми, улар нима дейишди? -сўради Каримов.

-Улар ҳам умидимиз Каримовдан. Бошимизга Қиличев деган балони олиб келмасинлар, эскиси билан эплаб турибмиз, дейишди. Агар уни бўшатсалар, Каримовдан хафа бўламиз, деган гапни ҳам айтишди.

Каримовга бу гап ёкмади:

-Хафа бўлишса... -У мириқиб сўкиб олди.

-Шундайку-я, лекин бутун халқнинг кўзи бугун бизга қараган. Агар ишимиз шу ерда "провал" бўлса, "булар ўз юртида сўзларини ўтказишолмади" деган гап бўлади.

-Шундай экан, нега депутатларни тайёрламадинглар? -деди Каримов.

-Тайёрладик, ҳаммаси сизни қўллайди. Пойтахтда олдинги сессияда сизга қарши бўлган ҳаракатлардан ҳам ғазабда улар. Уч-тўрттаси гапиради ҳам. Маҳаллий телевизорда ҳам кўрсатамиз, -Жўрабеков ўзини биров "қўйиб" юборди.

-Бу ерда телевизор борми? -ажабланиб сўради Каримов.

-Ҳа, уч тилда кўрсатув беради.

-Кўрдингизми, мана сиз мендан хафа бўлиб юрибсиз, -дея Миртемирга юзланди Каримов. - Мен ҳатто қаерда телевизор борлигини билмайман. Сиз бўлсангиз Муборақдаги телевизорни ёпиб қўйишларини мендан кўргандингиз.

-У ердаги телевидение билан бу ердагисининг фарқи ер билан осмонча.

-Осмон-посмони йўқ, ука. У ерда ҳам, бу ерда ҳам одамни кўрсатади. Президент келиб бошида қоровуллик қилмайди. Халқингиз шу бўлгандан кейин, Президент нима қилсин? Мана кўраяпсиз, бу ерда ҳам тишимиз ўтмаяпти.

Миртемир кулимсираб қўйди.

Каримов Жўрабековга қараб:

-Булмаса бошқани қўййлик, -деди, яна масалага қайтиб.

-Оқсоқол, Пўлат сизга содиқ. Сизни ўз отаси ўрнида кўради. Ўл десалар ўламан, тирил десалар тирилан, дейди. Вилоятни яшнатиш ҳақида халққа ваъда бераверсинлар, агар бажармасам, йигит эмасман, деяпти. Сайловда ҳам, бу ерда ҳам сизнинг асосий "поддержкангиз" Пўлатдир. Унинг садоқати самимий. Ҳар тарафлама текшириб кўрдик. Мен ўртада кафилман.

-Мана бу ҳужжатлар, суратларчи? Улар нима бўлади?

-Оқсоқол, бундай аҳмоқчиликни биз ҳам, бошқалар ҳам қилган. Лекин сиз бағри кенг одамсиз. Кимни кечирган бўлсангиз, Сизга содиқ бўлиб қолмоқда. Буни ҳам бир марта кечиринг. Бу ҳужжатлар сейфда турганини билиб, у яна ҳам яхшироқ ишлайди, жиловни қўлингизда бўлади.

-Мавлон қани? -сўради Каримов.

Умрзоков югуриб кирди. У билан ҳам савол-жавоб юқоридагидек бўлди.

-Пўлат Мажидович тинчликни сақлаяпти. Ҳозирча ишлаб турсин. Бузғунчиларни бир тараф қилиб олганимиздан кейин... -Мавлон гапининг қолганини ютиб юборди.

-Яхши, унда Қиличевни нима қиламиз?

-Уни ҳам ҳозир четлаштириб бўлмайди. Тарафдорлари кўп. Бирор йил ишласин, кейин силжитамиз, -деди Жўрабеков.

Миртемир Каримовнинг кўзига ёш олган ҳолати билан ҳозирги аҳволини таққослай бошлади. Каримов булардан кўрқади, дейиш мумкин эмас. Ҳаммаси унинг ёнида қалтираб турибди. Буларга ишонади, дейиш ҳам қийин. Ҳаммасини бир-бирига қайраб қўйган. Ёки булар уюштирган фитна қаршисида Каримов ип эшолмай қолаяптими? Йўқ, буларнинг ҳар бир одимидан хабардор. Нега унда ҳар соатда турланади? Балки феъл-атвори шундайдир?! Ҳақиқатдан ҳам, бирор гапга "лов" этиб, ёниб кетади. Кўп ўтмай "гуп" этиб сўниб қолади. Ёнган пайтида қаршисидаги одам ҳам, унинг тақдири ҳам қўшилиб ёниб кетади. Сўнган пайтида эса ёниши керак бўлган оловни ҳам ўчиради. Балки, бу феъл қайсидир маънода яхшидир? Яъни ёлғиз ўзигагина яхши, бошқалар учун эса таҳликали. Айниқса, минглаб-миллионлаб инсонларнинг қисматига ҳукм қиладиган инсоннинг феъл-хўйи ана шундай бўлса, ҳамманинг жонига "вой".

Бундай раҳбар билан ишлаш ҳам осон, ҳам оғир. Тобе бўлишни, кулликни севганлар роҳат қилиб ишлайдилар. Бирозгина ўз фикрига эга бўлганлар, дарров ўжарга чиқади ёки

йўқотилади. Менимча бу одам ўта таҳликали. Мени ҳам алдаб юрибди. Бир кун келиб, кунини кўрсатиб қўяман, деб ўйлаётгани, заҳарханда кўзларидан сезилиб турибди. Бундай одамлар ҳар қандай ўйинни, ҳар қандай ролни мукамал қилиб ижро этадилар. Улар учун қабихлик ва адолат, инсоф ва диёнат, ҳаром ва ҳалол, нур ва соя, яхши ва ёмоннинг чегаралари йўқ. Бир зумда бу сарҳаддан у сарҳадга ўтиб кетаверадилар. Тўхта, тўхта, оғайни файласуф бўлиб кетдинг. Воқеалар нима билан тугашини кутмасдан, хулосани чиқариб бўлдинг. Яна бироз томоша қил, ана ундан кейин мушоҳада юрит!

Бу пайтда Каримов Жўрабеков билан суҳбатлашаётган эди.

-Демак, бу бола ҳам аблаҳ эканда-а?

Ўша сессиядан олдин парламентнинг собиқ раиси Иброҳимовни зиёрат қилибди. Чол қулоғига бир нарсалар шипшитган бўлса керакки, у ердан чиқиб, Мирсаидовнинг ёнига борган.

Биров ишдан бўшагандан кейин ҳам булардан кутулолмайди, деб ўйлади Миртемир. Каримов ҳам ҳалига қадар Иброҳимовга кин сақлаб юрибди. Балки, кин сақлашининг сабаби, атрофидагилар унинг номини тез-тез эслатиб туришларидадир? Балки, Каримовнинг кин сақлаганини билганлари учун, унинг номини тез-тез такрорлашаётгандир. Хуллас, буларни тушуниш қийин.

45. АНАНАС

Миртемир касалхонада ётганида, Мирзаолим Иброҳимов ҳам хаста эканлигини айтишди. Кекса одам, турган битгани хангома, аския эди. Ҳаётни жиддийга олмасди. Масхара билан кун ўтказарди. Нима бўлганда ҳам, бир зиёрат қилиб қўяй, деб Миртемир унинг палатасига келди.

-Э, хуш келдинг, болам, -деди Мирзаолим Иброҳимов ўрнидан туриб.

-Палатагами ёки касалхонагами? -аския қилмоқчи бўлди Миртемир.

-Касалхонага ҳам хуш келдинг, деяверишим мумкин, чунки бу ер ана у ёқдан тинчроқ, - Мирзаолим Иброҳимов "Ана у ёқ" дер экан, нимани назарда тутганини Миртемир англади.

-Айбга буюрма, болам, келганингни эшитганимга бир ҳафта бўлади, лекин юқорига чиқолмайман. Зерикиб ҳам қолгандирсан?

-Ҳа, жавоб беришмаяпти. Аламни қаламдан олаяпман. Олий кенгашдаги хангомаларни ёзаяпман, -деди Миртемир.

Мирзаолим Иброҳимов аввал тиржайди, кейин юзи жиддийлашди, киприклари пир-пир ўйнай бошлади.

-Ҳа-ҳа, роса хангома кунларни яшадик... Лекин мен ҳам зерикиб қолдим, кошки ёзганларингни берсанг-да, бир мириқиб ўқисам.

Миртемир истамасада, Мирзаолим Иброҳимов асаларига ўхшаб ёпишиб олди. Иложсиз қолгандан кейин, ёзганларини оқшом чоғи келтириб берди. Эрталаб хабар олишга тушганида, Иброҳимов хонасида йўқ эди. Миртемир атрофга аланглаб, қўлёзмасини қидирди. Ғаладоннинг устида турган қўлёзманинг ўн олтинчи саҳифасига қадар ўқилгани, варақларнинг тескари қилиб қўйилганидан маълум эди.

Миртемир докторлардан сўрагани, улар Иброҳимовнинг қон босими ошиб, реанимацияга олинганини айтишди. Миртемирнинг хаёли қочди. Реанимация бўлимига келди. Докторлар ичкарига киритмадилар. Қайтиб чиқаётганди, ҳамшира уни чақирди.

-Сизни Мирзабек ака сўраптилар.

Хаёли паришон бўлган Миртемир, оёқ учида юриб, ичкарига кирди. Мирзаолим Иброҳимов ётган ётоқнинг тепасида юрак уришларини кўрсатиб турган жиҳозлар ишлаб турарди.

-Бу ерга кел, болам, -дея, пичирлади Иброҳимов ва қўли билан "Ёнимга ўтир" ишорасини қилди. Миртемир нима дейишини ҳам билмас эди. Иброҳимов ёстиғи остидан газетага ўралган бир китобни олди.

-Қўлингни шу китобнинг устига қўй, -деди.

Миртемир хайрон бўлиб қўлини китобнинг устига қўйди.

-Энди қасам ич, мен тирик эканман бу ёзганларингни бирор ерда чоп этмайсан.

Миртемир юрак уришларини қайд этиб турган жиҳозларга қаради. "Тик", "тик" этган товушлар тиг каби фикрларига санчилди.

-Чоп этмайман, -деди.

-Худога шукур, -деркан, Иброҳимов ҳамширага юзланди. -Хоним, ананасни кес, бир тилим менга, бир тилим Миртемирга бер.

Миртемир ҳамшира деб ўйлагани, Иброҳимовнинг умр йўлдоши эканлигини англади. Унинг ҳам юзи ёришганди. Мирзаолим Иброҳимов ўрнидан туриб ўтириб, ананасни мириқиб еди...

Уч кундан кейин Мирзаолим Иброҳимов касалхонадан чикди. У шахдам одимлар билан юриб, чиқиб кетаркан, орқага қайрилиб, Миртемирга қўл силтади ва кулиб қўйди. Иброҳимовнинг бу қараши унга "Қалай, болам, яна бир хангомага гувоҳ бўлдингми? Сени яна бир марта боладимми?" дегандек туюлди.

Балки, Иброҳимовнинг масхарабозлиги Каримовнинг жон-жонидан ўтгандирки, унинг номини эшитганда, ўзини тутолмай қолар? Лекин Мирзаолим Иброҳимов у қадар ёмон одамга ўхшамайди. Ёш, ўйинқароқ болани эслатади. Унинг хангомалари кишининг қалбига оғир ботмайди. Балки, ҳар бир ўйинни самимий ўйнаганидан бўлса керак. Сахнада масхарабоз ёки аскиячи сизга қанча оғир ҳазил қилса ҳам, енгил тортганингиздек, Иброҳимовга ҳам кин сақлолмайсиз, деб ўйлади Миртемир. Аммо Каримов нега бу қадар уни севмайди? Умуман, у бировни севармикан? Менимча, у одамларни ўзи учун яратилган унсурлар деб билади. Шу боис ҳам унга бировнинг бировдан фарқи йўқ. Истаса ишдан кувади, истаса ҳар қанча бадкиркорга ҳам, катта лавозимларни бағишлайверади.

46. ТЕПКИ

Мана энди Каримов Пўлат Мажидович қолиб, Қиличев нинг иғвосини қилмоқда.

-Қиличевни сессияда шарманда қилиб, кувсакмикан? Йўқ, уни олдин бир тепкилашим керак, -деди Каримов.

Каримовнинг "тепкилашим" деган сўзи Миртемирга касалхонадаги яна бир воқеани эслатди. У туш пайти ухлаб ётганди.

-Миртемир, Миртемир, -деган товушдан уйғонди. Бош учида телевидениеда ишлайдиган дўсти Отажон ўтирарди. Уни ҳам Каримов яқинда девонга ишга олганди. У шу қадар ҳовлиққан қиёфада эди-ки, ҳол-аҳвол сўрашни ҳам унутиб:

-Каримов мени тепкилади, -деди.

Миртемир кулди.

-Ишонмаяпсиз-а, ростдан ҳам орқамга тепди. Жигартепада тупроқ кўчиб, битта қишлоқ йўқ бўлганини эшитган бўлсангиз керак. Қанча-қанча инсонлар нобуд бўлишди. Мен ҳам мухбирларни олиб, ўша ерга бордим. Мутахассислар "Энди келишингизнинг фойдаси нима? Бу ерда штаб тузиб олиб, инсонларга уй қуриб берамиз деганингиз билан ўлганларни

тирилтира олмайсиз. Биз тупроқ кўчишини олти ой олдин девонга маълум қилганмиз", дея ситам этишди. Мен шу мактубнинг изига тушдим, Алимовга қадар етиб келганини аниқладим. Кейин Каримовнинг хузурига кирдим. Асл жиноятчи шу ерда экан, дегандим, "Сен ҳали мени жиноятчи, дейсанми?" дея хонасидан тепиб-тепиб чиқарди. Сиздан маслаҳат сўрашга келдим. Нима қилай?

-Нима қилардингиз, -дея жилмайди Миртемир. -Каримов ҳар кимни ҳам тепмайди. Ифтихор қилсангиз, арзийди.

-Ростданми?

-Ёлғони борми? -деди Миртемир кинояомуз.

Отажон яна ҳовлиққанича чиқиб кетди. Миртемир кейин эшитса, у ҳамма жойда бу воқеани мактаниб, айтиб юрган экан. Демак, ўша Отажон, ҳеч ўзгармабди. Каримовнинг тепкиси ҳам ўзгартирмадими, демак, ҳеч бир нарса ўзгартиролмайди, деб ўйлади Миртемир. Мана энди Каримов Кўчқоровни тепкилашни орзу қилаяпти. Балки, беш дақиқадан кейин орзу сарҳади кенгайиб, яна бирор кишини тепкилашни истар. Эҳ, бу дунёда ғурусиз одамлар озми?!

-Пўлат ҳам Шукруллонинг ёнига борган экан-ку?

-У менинг ёнимга борганди. Шукруллодан гап олиш учун, Пўлатни унинг хузурига юборгандим. Бу воқеани олдин ҳам сизга...

Каримов Жўрабековнинг гапини кесиб:

-Хўп, нима қиламиз? -деб соатига қаради.

-Қиличев ҳозирча қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб турсин. Оддий ўринбосар бўлсин. Биринчи ўринбосарликка сизга содиқ бир одамни қўяйлик, чунки миршаблик, прокуратура, "Комитет" унинг қўлида бўлади.

-Кимни қўямиз? -қатъий оҳангда сўради Каримов.

Жўрабеков Каримовга холис кўриниш учун, бундай ҳолларда унинг назарига тушган кишиларнинг исмини айтарди. Икки кун олдин Каримов Жўрабеков билан Мавлонни бу ерга юборар экан, уларга айтмасдан девонда ишлаётган Алишер Мардиевни ҳам "яширин топшириқ" билан юборганди. Буни Жўрабеков билгани учун:

-Алишер яхши йигит..., -деди

-Алишерми? У девонда керак, -деди Каримов хомуш оҳангда.

-Ҳозирча ишлаб турсин, кейин қайтариб оламиз, -деди Жўрабеков.

-Қани ўзи?

-Ташқарида.

-Сизлар чиқиб туринглар, у кирсин.

Алишер кириб, эшик ёнида турди.

-Якироқ кел. Хўп, Пўлатни қўямизми, Қиличевними?-деб сўради Каримов.

- Қиличев сизга содиқ.

-Униси-чи?

-У "Мен Каримовдан ҳам, ҳеч кимдан ҳам кўркмайман" деган экан. Комитетнинг ёзуви бор.

-Нега шу пайтгача айтмадинг?

Алишер қўрқиб жавоб берди:

-Қўлингиздаги ҳужжатларнинг орасида матни бор эди.

-Бу ерда миллатлараро масала қандай?

-Тинч, фақат Пўлат Мажидович кавлаштириб юрибди, -деди Алишер паст овоз билан.

-Гап бундай, шу ерда қоласан. Пўлатни ўзинг йўқотасан. Кейин шу жой сеники, билдингми?

-Билдим, оқсоқол! -дер экан, Алишер ўзини йўқотиб қўйгандек бўлди.

-Бор, Пўлат кирсин.

Пўлат Мажидович кўпқарида терга ботган отдек, ҳолсиз ҳолда ичкарига кирди.

-Хўш, нима қиламиз? -деди Каримов.

-Увла десангиз увлайман, акилла десангиз акиллайман, ўл десангиз ўламан!

Воҳ, безбет, деб ўйлади Миртемир. Мансаб учун ит бўлишга ҳам, ўлишга ҳам тайёр. Наҳотки, инсон зоти шу қадар тубан бўлса?! Ёки йиллар, воқеалар уни тубанлаштириб юборадими? Бир бурда нон, бир қошиқ сув ҳамма жойда топилади. Ҳалол нонини еб, тиниқ сувини ичиб юрса бу кунидан минг марта яхши эмасми? Балки, бу инсонлар учун мансабдан айрилиш ғурурдан айрилишдир? Ҳа, мансаб булар учун ғурур, ҳаёт. Агар ҳозир Каримов бутун хонумонингни ўртага қўясан, деса индамай рози бўлади. Булар учун шараф, номус деган тушунчаларнинг ҳаммаси мансаб билан мужассамлашган. Орқаваротдан қўрқмайман, деб айтади-ю, қаршисига келганда, итдек тили осилиб, оёғига суйканади. Бир бўлак суяк учун ғингшигани-ғингшиган.

Каримов Пўлат Мажидович билан рус тилида гаплаша бошлади.

-Ўл десам ўлолмайсан, нега мен гапирганда жаҳлинг чиқади?

-Оқсоқол, "Онангни..." деган сўкишни олдин эшитмаган эканман, шунга бироз... Ўшанда аҳмоқлик қилиб, телефонни қўйиб қўйдим. Энди ундай бўлмайди.

Миртемир Каримовнинг бу ерга келишининг сирини энди тушунди. Демак, Каримов Пўлат Мажидовични буралаб сўккан, у эса телефон дастасини қўйиб қўйган. Шундан кейин, Каримовнинг фиғони сайёр бўлиб, бу ерга текширувчиларни юборган.

-Мен онангни дедимми, демак онангни (...)аман.

Пўлат Мажидович қизариб бўзарганча, бошини эгди. Миртемир ўрнидан туриб, хонадан чиқиб кетаётганди:

-Қаёққа, -деди Каримов.

-...

Каримов кулиб юборди:

-Бўпти, кайтинг, сўкишмаймиз. Мен сўкмайин десам ҳам, мана булар мажбур қилишади. Бу эшаклар одамга ўхшаб юрсалар, мен ҳам уларга одамга ўхшаб муносабатда бўламан.

-Бундан кейин... -Пўлат нимадир демоқчи бўлди, лекин Каримов уни гапиртирмади.

-Мана бу доселарни қара, -деди Каримов. -Истаган вақтда сени қамокқа тикаман. Чириб кетгунингча, томоша қилиб ўтираман. Кимдан, қанча пора олгансан, кимга, нима сотгансан, ҳаммаси бор. Тоза эмассан. Аввал тозаланиб, кейин гапир, хўпми? Агар яна бир марта телефон дастасини қўйиб қўядиган бўлсанг, ўша кун онангни (...)аман билдингми?

-Яхши...

-Агар гапимни икки қилсанг, ўша кун (...)аман билдингми?

-Билдим!

Русча гапираркан, Каримов шу қадар бийрон эди-ки, унинг сўзларига ҳатто Пўлат монанд жавоб тополмасди.

-Мен билан ўйнашиб бўлмайди, билиб қўй, -дея сўзда давом этди Каримов. -Агар содик бўлсанг, ҳурмат топасан. Ҳаммаси яхши бўлади, нима десанг, қилиб бераман. Хиёнат қилсанг ... кучимни кўрдинг. Келишдикми?

-Келишдик, -дер экан, Пўлат хурсанд бўлиб кетди.

-Сен учун Жўрабеков орага тушди. У ҳам қил устида, унутма. Сен ёнадиган бўлсанг, у ҳам сенга қўшилиб, жизғанақ бўлади.

-Раҳмат, оқсоқол, раҳмат!

-Кетдик. Ҳозир сессияда содиклигингни кўрамиз, -деди Каримов Пўлатга.

-Қиличев нима бўлади? -деб сўради Пўлат Мажидович.

-У ҳам, Алишер ҳам биринчи ўринбосар бўлсин.

-Низомда фақат бир ўринбосар кўрсатилган.

-Низомни ўзгартириб бераман. Бу вилоятнинг аҳамияти катта. Бу ерда иккита биринчи ўринбосар бўлса, осмон узилмайди.

Улар қўл беришиб, қучоқлашиб, ўпишиб олдилар. Миртемирнинг Пўлат билан кўришгиси келмагани учун, ҳеч нарсани эшитмаган ва кўрмагандек, деразадан ташқарига қараб турарди.

Сессияга кириш арафасида Жўрабеков Пўлатнинг қўлини қисди.

-Эртага бораман, -дея шивирлади Пўлат.

-Шошма, вақтини ўзим айтаман. Аввал Каримов билан гаплашиб олай, кейин сени хабардор қиламан.

Сессияда Каримов узоқ гапирди. Тошкентликлар унга ҳужум қилишганини алоҳида урғу билан таъкидлади:

-Мана Миртемир каби укаларимиз, ҳамма нарса яхши бўлсин, деб ўйлашади. Аммо уларнинг танкидидан бошқалар фойдаланиб қолмоқчи бўлди. Шу сабабдан мен Миртемирни кечирдим. Лекин ўз юртимдан чиққан йигитлар менга қарши чиқишгани, қалбимни оғритди,-деди. Сўнг Пўлат Мажидовични ҳокимликка, Қиличев ва Алишерни биринчи ўринбосарликка тайинлагани ҳақида фармон чиқарганини айтди.

-Қани қарсак?! -деди Каримов

Залда гулдурос қарсак янгради. Пўлат сўзга чиқиб, Каримовнинг буюк истеъдоди ва тенгсиз хизматларини таъкидлади. Сессия тугаб, хайр-маъзур қилинди. Пойтахтга келгунга қадар, Каримов Миртемирга ҳеч нарса демади.

Миртемир, бу одам билан ишлаб бўлмайди, дея ўйлади. Девондан кетишим керак. Лекин қаерга?!

Учоқ булутларнинг бағрини тилиб, ерга яқинлашаркан, ҳар қандай юксалишнинг бир тушиши бор, деб ўйлади Миртемир. Каримов ҳам бугун юксалишда, аммо бир кун қанотлари қайрилиб, ерга тушиши аниқ. Лекин унинг ерга тушиши ҳам осон бўлмайди. Ортидан қанча-қанча фалокат ва вайроналар қолади...

47. АРАФАДА

Сайлов Каримовнинг фикри-зикрини чулғаб олганди. Бир ўқ билан икки қушни уришим керак, деб ўйларди у. Сайлов сандиғидан истаганим чиқади, лекин бундан фойдаланишим зарур. Камида ўн беш-йигирма йилни кафолатлашим керак. Агар сайловни муқобил тарзда ўтказсам, биринчидан, демократияни баҳона қилаётган Ғарбнинг оғзига латта тиқиб қўяман, иккинчидан эса атрофимдаги жумҳуриятларнинг раҳбарларини мот қиламан, чунки улар муқобил номзодларсиз сайлов ўтказмоқдалар. Икки-уч номзодни ўртага чиқараман, баъзилари сайлов арафасида чекинадилар, бу мухолифатнинг дод-войини босиб юборади. Умуман мухолифатнинг шакар томирини топиб, эзиб ташлашим шарт. Буларнинг қон томирини кесиб қўйиш ўзимизнинг қонимиз камайиб кетмаслиги учун ҳам зарур.

Каримов “ўнг қўли”га айланиб қолган Алимовни чақирди:

-Мухолифатнинг кучи қаерда? – деди.

-Асосан талабалар орасида ташкилотланганлар.

-Ҳа, кучли мухолифимиз талабалар. Улар эса пойтахтда, бурнимизнинг тагида. Институт, университетларни вилоятларга қўчирмасак бугун қўзғалишмаса ҳам эртага ёқамизга

ёпишишади. “Қора кучлар”, душманларимиз, хоинлар, мухолифат учун улар ҳар доим потенциал куч. Уларни бартараф этамиз. Аммо бу ишни сайловдан кейин амалга оширамиз. -Сайловда талабалар ҳар қандай ҳунар кўрсатишлари мумкин. Уларнинг ва ўқитувчиларнинг ораларида одамларимиз бор. Талабалар сайловда мухолифатни қўллаш учун ҳаракат қилишмоқда. Улар муқобил номзодлар учун имзо йиғишмоқда. -Улар имзо тўплаётган бўлса, сиз бармоғингизни сўриб ўтиравердингизми? Бирор-бир тадбир ўйламадингизми? -Москвада ишлаб келган Саиджоннинг бу хусусда жиддий планлари бор. Уни сайловга тайёргарлик бўйича талабалар шаҳарчасига юборгандим. Кечқурун қабул қилиб, фикрларини эшитсангиз, деган истагим бор эди, – деди Алимов. -Саиджон деганингиз ишга янги олинган ёрдамчи болами? -Бола бўлса ҳам анча қув чиқиб қолди. Бу муаммо хусусида ишимизни енгиллатадиганга ўхшайди. -Бўпти, кечқурунни кутиб ўтирмайлик. Уни қаерга юборган бўлсангиз, чақиртиринг,-деди Каримов.-Сайлов олдидан ўзимизнинг одамлардан икки-уч кишини номзод қилиб кўрсатамиз. -Менимча Исо Холисдан фойдаланиш керак. Овми одам, лақиллатамиз. -Президентлик ҳавасига берилиб, чегарадан чиқиб кетмасин. Гапирган гапини билиб гапирсин, ўшанда ўн-ўн беш фоиз овоз берамиз. Иложи борица ўзи туғилиб ўсган вилоятдан олди, деймиз. Ўшанда сайловнинг натижасидан унинг ўзи ҳам шубҳа қилмайди. -Лекин халқ тўла сизга овоз беради, – деди Алимов томоғини қириб. -Биламан, аммо дунё биздан ёлғонни истаяпти. Улар ростга ишонишмайди-ку?! Шу сабабдан менинг ҳаққимдан бироз унга берамиз, ўшанда демократия бўлади. Майли, бу муҳим эмас, сиз шу Саиджонни топинг.

48. ТАНГА

Исо Холис ўзи туғилиб ўсган вилоятга боришдан олдин Каримов билан учрашди. Каримов уни кучоқлаб, бағрига босар экан:

-Мен билан орани бузмай турсангиз, келажак сизники. Мен сўзида турадиган ўғил боламан,-деди.

Исо Холис мийиғида жилмаяр экан:

-Биз партиямизни энди курдик, яхшилаб оёқда туриб олайлик. Ана ундан кейин сайловга кирсак бўлади,-деди. – Ҳозир сизнинг гапингизни икки қилмаслик учун рози бўлдим. Юртимда ўтказадиган учрашувлардан кейин номзодимни қайтиб оламан.

Аслида Исо Холисни чўчитаётган мухолифатнинг бошқа қанотидан келаётган босим эди. “Агар сен номзодингни олмасанг, диктаторнинг демократик йўл билан сайландим, дейишига сабабчи бўласан. У бутун дунёни алдамоқчи,” дейилган гаплар уни безовта қилаётган эди. Кўнгли ҳақиқатдан ҳам сарой ўйинига кираётганини сезса-да, балки бу ўйиндан корли чиқарман, дея хавотирларини менсимаётганди.

-Сайлов ўтиши билан сизни Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари қилиб қўяман. Бунинг учун сайловга киришингиз шарт. Акс тақдирда сизни қоралаб юрган тирранчалар ҳам мансаб сўраб келишади. Ишончим комил-ки, сайловда сизга ҳам овоз беришади. Шунинг учун “Номзодимни қайтиб оламан”, деган гапларни бир четга қўйинг, балки ютиб қолишингиз ҳам мумкин. У ҳолда мен сизнинг маслаҳатчингиз бўлиб ишлайман. Фақат

сайловолди учрашувларда бир-биримизнинг кўнглимизни хира қиладиган гап-сўзлар айтмайлик, – деди Каримов бамайлихотир оҳангда.

-Бир партиянинг раиси, қолаверса, президентлик учун номзодини қўйган киши Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари бўлса, унинг устидан кулишади,-Исо Холис “савдо” қилишнинг пайти эканлигини ҳис қилди ва Каримовнинг “оёғини босди”.

Каримов мансаб ваъда қилишда саҳий эди. Шу боис Исо Холиснинг “орқасини силай” бошлади.

-Чет элларда президентлик номзодларга йирик микдорда пул беришади. Бу пора эмас. Қўллаб-қувватлаш учун холисанилло, юракдан, самимият билан бериладиган нарса. Шу баҳона билан сизга ҳам кўп нарса келади. Чет элда ватандош биродарларимиз оз эмас. Уларнинг ёрдами билан оёққа туриб оласиз. Қолаверса, сизни парламент раислигига келтираман. Иккаламиз биргалашиб иш юритамиз. Ҳозир эса буни ювайлик, – дея Каримов Исо Холисни ичкаридаги хонага бошлади. – Шохидлик учун дўстингиз, ҳамюртингиз шоир Омон Матчонни ҳам чакирамыз. Аммо у ичкилик ичишга ярамайди. Бир марта ичгандик, қизариб шолғомга айланди. Аллергияси бор экан.

Улар бир шишани бўшатиб бўлишганда, Каримов Исо Холисни қучоқлаб:

-Уйларни олдингизми? – дея сўради. – Иккаласини ҳам марказдан беришсин, дея буюргандим. Олган бўлсангиз, кейинги қадахни шунинг учун ичамиз, – деди.

Исо Холис “Олдим, олдим!” дея қадахини кўтарди.

-Чет элдан келадиган пулларга эса икки-учта ҳовли олиб қўйинг. Энди капитализм тузумига ўтаяпмиз. Бой бўлмасангиз одамларни орқангиздан эргаштира олмайсиз.

Исо Холис Каримовнинг ҳузуридан чиққанда, аранг оёқда турган бўлса-да, Омон Матчонга:

-Сафар Бекжонни топ, – деди.

Сафар шамол “қилт” этса, саккиз кун уйидан чиқмай ётиб қоларди. Шунинг учун ҳам унинг исмини айтишганда, албатта “Нимжон” лақаби қўшиб айтиларди. Бора-бора бу унинг таҳаллусига айланди. Ўзи ҳам бу сўзни эшитганда, севинадиган бўлди. Сафарнинг отаси ўғирлик қилиб, қамалиб кетганди. Қамокдан чиқиб, узоқ юртларда бир аёлга уйланди. Сафар ўша аёлнинг “этагига” осилган эди. У улғайиб катта бўлгач, ўғай отасининг юртига қайтди. Ўғай отаси Исо Холиснинг амакиси эди. Исо Холис Сафарнинг бошини силади. Сафар унинг ёнида оғиз-бурнини ялаганча, акилламай турадиган нимжон кучукчадек, пилдираб юрарди.

Исо Холис ўзи туғилиб ўсган юртига Сафар билан бирга келди. Уларни катта тантана билан кутиб олишди. Учрашувдан олдин шаҳар айланиб, музейга киришди. Музей мудири тарихий ашёларни кўрсатар экан:

-Мана бу тангага диққат қилинг, – деди.-Бу танга кимнинг қўлида бўлса, ҳокимият ҳам унинг қўлига ўтар экан. Танганинг икки минг беш юз йиллик тарихи бор. У соф олтиндан босилган бўлиб, жуда ҳам инжа нақшлар билан тўлдирилган. Инсоннинг бошидаги сочни санаб бўлмаганидек, бу танга юзидаги нақшларни ҳам санаш қийин. Бу қадар маҳорат ва бу қадар қобилият билан тайёрланган бу танганинг дунёда тенги йўқ. Авваллари юртимиз бир бутун экан, Султон вафот этгач фарзандлари орасида бу танга учун ғавғо бошланибди. Ғавғо урушга айланибди ва Султонликни Хонликларга бўлиб юборибди. Хонликлар орасида бир неча йиллар давомида ана шу танга учун омонсиз урушларда дарё-дарё қон тўкилибди...

Сафарнинг кўзи чакнаб кетди. У пилдираганча Исо Холиснинг ёнига келди. Исо Холис тангадан кўзини узоқмай тургани учун уни пайқамади ҳам. Сафар Исо Холиснинг қадимий нарсаларга ўчлигини яхши биларди. Уйи худди музейга ўхшарди. Қадимий мис

лаганлардан тортиб, олмос пичоқларга қадар қатор қилиб, териб қўярди. Хотини Наталя ҳам ана шундай осори-атиқа ашёларга ҳавасманд эди. Шу сабаб Сафар бирданига уч куённи ураман, деб ўйлади. Тангани олсак, ҳам ҳокимиятни қўлга киритамиз ва акахоним билан “янгашка”ни ўзимга бир умрга боғлаб оламан, деган фикр хаёлига маҳкам ўрнашди. У айланиб, мудирнинг ёнига келди:

-Сиз, қаердансиз? – деб сўради.

-Шу ерда туғилиб ўсганман, – деди мудир.

-Ҳокимият доим бошқа вилоятдан чиққан ажур-бужур одамларнинг қўлида бўлди. Доим бизни эзиб келишди. Отамни ҳам ўшалар сургун қилган. Бизни доим четлаб келишди. Мана энди орамиздан битта лидер чиқди. Ҳаммамиз тиш-тирноқ бўлиб, уни қўллаб-қувватлашимиз керак. Бу тангани унинг кафтига қўйинг, ҳокимият унга ўтсин, – деди Сафар. Исо Холис ростдан ҳам ҳокимият соҳиби бўлгандек, қувониб кетди. Мудир эса шошиб қолди. Нима қилишини билмаган мудир, Сафарнинг қулоғига пичирлади:

-Бу танга бу ердан чиқса, менинг бошим учади. Шу танга учун музейга бир нечта қоровул қўйганмиз.

-Сиз кўчадаги одамга эмас, бўлажак президентга бераяпсиз. Бу музей нима эмиш? Эртага сизни ана шу музейлар бўйича вазир этиб тайинлаймиз. Аллоҳ ваколатни бизга берди, бу мамлакатни энди биз бошқарамиз, – деди Сафар бўш келмай.

Орага Исо Холис қўшилди:

-Ҳокимиятни олганимиздан кейин Девонда бу танга учун махсус кўшк қурамиз. Ҳокимиятнинг бизга ана шу танга билан келганини унутмаслигимиз учун бу кўшкни кўзимизга яқин жойда қурдирамиз. Қолаверса, бу танга ўз моҳиятига хизмат қилиши керак.

-Ундай бўлса, чиқаверишда тангани укамизга бераман, – деди мудир овозини баландлатмай. – Орқада одамлар кўп. Тангани Сафарбекка берсам, у киши дуо ўқиб, сизнинг кафтингизга қўядилар.

-Оқшом, бу кишини ҳам учрашувдан кейинги зиёфатга олиб келасан, – деди Исо Холис Сафарга. – Дуони ўзлари ўқийдилар. – У шундай деб хириллаб кулганча, музейнинг бошқа жойларини айланмасдан орқага чиқди. Ҳали сайловга бир неча кун борлигига қарамай, Исо Холис ўзини президентлардек ҳис қила бошлади.

-Пойтахтга телефон қил. Бизни кутиб олишга вилоят раҳбарининг ўзи чиқмаганини протест этишсин. Ўринбосарларни огоҳлантир, ҳаракатни кучайтиришсин, энди бўш келиш йўқ, – деди Сафарга.

Исо Холисан топшириқ олган Сафар пилдираганча, телефон қидириб кетди.

49.ГУГУРТ

Алимов шоша-пиша Саиджоннинг хонасига келди:

-Телефон жирингласа олма. Сени талабалар шаҳарчасида деб айтдим. Омадинг келди жиян. Каримов сендан талабалар шаҳарчаси бўйича фикр сўрайди. “Бу ишни бизга ишонинг, ҳал қиламиз, – дейсан. – Сайловдан бир ҳафта олдин талабаларни таътилга чиқарамиз. Шу баҳонада олдиндан овоз бериб кетишларини таъминлаймиз. Сандиқ уларнинг кимлигини кўрсатади. Агар кўпчилиги мухолифатга овоз берган бўлса, ўқитувчиларнинг орасида одамларимиз бор, кичкина жанжал чиқарамиз ва унга сиёсий тус бериб, олий ўқув юртларини вилоятларга тарқатамиз”, – деб Каримовни ишонтирасан. Талабалар ичида жиддий норозилик бор. Гугурт чақсанг ёниб кетади. Ўчиришни эса истаганимиздек амалга оширамиз.

Улар бу фикрни ипидан игнасиғача обдон ўйлаб олишди. Кейин Каримовнинг хузурига чиқишди.

-Фақат гугурт чақиш сайловдан кейин,-деди Каримов.-Талабалар шаҳарчаси – бомба. Бир учқундан портлаб кетиши мумкин. Шу боис учқун ёқмасдан ишни тутун билан ҳал қилиш керак. Бу ишга Фозилбековни ҳам сафарбар этинг. Агар бизнинг командада бўлса ўзини кўрсатсин. Бошқа ҳеч ким билмасин. Кейин воқеани “қора кучлар”га тўнкаймиз ва улардан ҳам қутуламиз, – деди Каримов.

-Яна бир хабар бор, – деди Алимов ийманиб. – Пойтахтга келтирамиз, деганингиз қимматбаҳо тангани Исо Холисга беришибди...

-Нега бу хабарни орқага ташлаб ўтирибсан? Етти кун ухласанг ҳам бундай ишнинг режаси тушингга кирмайди. Бурнидан илинибди. Ҳозирча индаманглар. Вақти келганда, дорга осиб учун сабаб бўлади бу. Мен унга тангани қандай қилиб кафтда тутишни ўргатиб қўяман. Аммо танганинг изини йўқотманглар, – деди Каримов.

Алимов хонсига қайтиши билан Тошкент шаҳар ҳокими МХХ раҳбари Алиевни чақирди:

-Талабалар шаҳарчасида одамингиз борми?

-ТошДУ жуда кўп одамларимиз бор.

-Жанжалчи, шалақи, бузғунчиси борми?

-Бўлмасачи? Марат Зоҳидов бор. Эсингиздами, уни Олий Кенгаш раисига қарши қандай ишлатган эдик. Бутун СССР бўйлаб овозаси чиққан эди. У кутурган итдек гап, “Бос” дедикми босиб, тишлаган жойини узмаса қўймайди.

-Бу гапларингизни ўзи эшитмасин, кейин бизни ҳам тишлайди.

-Ҳа, ит эгасини ҳам қопиши мумкин деган гап бор.

-Сайловдан кейин уни ишлатишимиз керак. Унғача кўнглини овлаб қўйинг.

-Шаҳар ҳокими Фозилбековдан битта енгил машина сўраган экан. Шунини олиб берсак, ҳамма гапимизни қилади.

-Бўлди. Унга айтинг, сайловдан кейин “ўйнаб берса”, енгил машина уники. Адҳамбекка ҳам айтинг, машина тайёрлаб қўйсин.

Шундан кейин улар сайловдан кейинги “томоша”нинг режасини тузиш учун ичкари хонага ўтдилар. Бу президент девонида махсус хизматлар томонидан эшитилмайдиган яккаю ягона хона эди. Бу хонадаги гаплар эшитилмаслигини Алимов ва Алиевдан бошқа ҳеч ким билмасди.

50.БОЗОР

Миртемир истеъфо ҳақидаги аризани ёзди-да кейин йиртиб ташлади. Ҳаракатларим ёш боланинг қилиғига ўхшаб қолаяпти деб ўйлади. Ҳар уч кунда ариза ёзиб юраман-ми? Ҳўш, нима қилишим керак? Барибир аризамни қабул қилмайди, бирор баҳона топади. Юзини бужмайтириб, кўзимга лўқ термулганча алдайди. Ўзи ҳам роҳат қилса керак: бу тирранчани боплаб алдадим, деб. Аслида бу одам ё санъаткор ва ёки режиссёр бўлиши керак эди. Театр ёки кинода рол олса, унинг маҳорати олдида ҳеч ким ип эшолмасди.

Инсон гапирар экан самимий сўзлари қалбининг дарин нуқталаридан оқиб келади. Ёлғон эса бўғзидан юқорида пайдо бўлади, шу сабабдан ҳам умри калта. Ҳатто ёлғоннинг муаллифи ҳам бир неча кундан кейин уни унутади. Лекин Каримов фарқли. Унинг ёлғони қалбидан отилиб чиқади, бу ёлғон кўзларида, юзида, ҳаракатларида самимият тусини олади. Шу боис ҳам у санъаткор бўлганида манадан деган артистнинг лўқмасини оғзидан оларди. Балки яқин юз йилда тенги ўртага чиқмайдиган ўйинчига айланарди.

Агар у режиссёрликни танлаганда, унинг хаёлларида туғилган асарлар мисли кўрилмаган даражада мўъжизавий бўларди. Воқеаларнинг кутилмаганда ўзгариши, ҳодисаларнинг шиддати, ҳаракатларда ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бурилишлар ҳаммани лол қилиб қўярди. У яратган кинофильм ёки театрлар йиллар давомида экран саҳнидан тушмасди. Э, э тўхта, сен ҳам ана у ёш иқтисодчи Фарҳод Рўзиевга ўхшаб Каримовни Нобел мукофотига номзод қилиб кўрсатадиганга ўхшайсан. Болта тушгунча кунда дам олади, деганлар. Сен ҳам фурсат топиб хаёлга берилиб кетдинг. Ваҳоланки, болтанинг зарби яқин! Бу зарбдан ё қутулишинг ёки кундага айланиб, чидашинг, у билан бирга қон симиришинг, охир оқибатда чириб кетишинг керак. Лекин қандай қилиб бу зарбдан қутуласан?

Миртемир бир неча кун ишга чиқмади. Девондан келган кўнғироқларга “хастаман” деб жавоб қилди. Якшанба куни эди. Ёмғир ёғаётганди. Ташқаридаги рутубат Миртемирнинг кўнглига ҳам чўкканди. У сиқилганча ёмғирнинг ёғишини кузатарди. Қизик, деб ўйлади у, кимдир ёмғир товушидан мусиқа оҳанглари топади, яна кимдир ёмғир остида шалаббо бўлишни истайди. Ҳар ҳолда дарди йўқ инсонларнинг орзуси бу. Дардлилар учун эса ёмғир кўз ёшларини эслатади. Дардлига қўшилиб дунё ҳам йиғлаётгандек бўлади.

Сайлов ҳам ўйинга айланди. Янги йил байрами арафасида ўтган сайловда дунёга томоша кўрсатилди. Усти ялтироқ, ичи қалтироқ сайловдан чиқадиган натижа ҳаммага аён эди. Шундай бўлса-да махсус сенарий ёзиб, ўйин кўрсатилди. Миртемир шу лаҳзада сайлов ҳангомалари ҳақида ўйлагиси келмади. Гўё ташқарида ёғаётган ёмғир бу хотираларни ювиб кетаётгандек эди.

Телефоннинг жиринглаши ёмғирнинг сасларини ютиб юборди. Телефон қилаётган Крайнов эди.

-Миртемир ака, кечқурун Ислом ака чет элга кетаяптилар. УзТАГни қайта тузиш ҳақида фармон лойиҳаси тайёрлашни истадилар. Қолаверса, сиз билан алоҳида суҳбат қилмоқчилар.

-Биласизми, -деди Миртемир. -Сизга очиғини айтаман. Мен Девонда ишламайман.

-Биламан, қийналиб юрибсиз. Лекин масалани бундай кескин қилиб қўйиш мумкин эмас. Қочиш учун ҳам аввал йўлни белгилаш керак. Таваккал қилиб бир кўчага кирсангиз у кўча борса-келмас ёки боши берк бўлиши мумкин. Бугун Ислом аканинг кайфи арши-аълода, нима истасангиз муҳайё бўлади. Ҳатто қочиш учун йўл кўрсат, десангиз ҳам ёрдам қиладилар, – деди Крайнов.

Булар хамирдан қил суғуришни билишади, деб ўйлади Миртемир. Мақсади мени Девонга чақириш. Агар бошқа бири бўлганда баҳона билан қутулиш мумкин, лекин Крайновнинг қопқонига тушган оёқни сийириш осон эмас. У барибир йўлини топади, йўқ деганингга кўнмайди. – Миртемир ака, подъездда машина кутиб турибди, соқол олмасангиз ҳам бўлади, Ислом аканинг ўзлари ҳам уй кийимида келдилар. Соқолни ҳам кечқурун йўлга чиқишдан аввал оладилар. Мен УзТАГнинг раис ўринбосарларини чақирдим, улар ишни бошлашди. Сизга эса таҳрири қолди, – деди Крайнов.

Шу пайт ташқарида чакмоқ чақиб, яшин қоронғу булутлар бағрини тилди. Айни ҳол Миртемирнинг хаёлида яшанди. Унинг туман каби хиралашиб қолган хаёл осмони бирдан ёришгандек бўлди. Каримовга ўз соҳамда ишлаш учун кетаман, дейман, деб ўйлади у. Газета, радио ёки УзТАГга ишга ўтаман. “ЭРК” газетасига ҳам бир неча марта таклиф қилишди. Хуллас, иш топилади. Нима бўлганда ҳам Каримовдан узоқлашиш керак ва жангни узоқдан туриб давом эттириш зарур. Яқинда турсанг у чаваклаб ташлайди. Аждаҳо ёки девнинг ёнида юриш ҳар томондан таҳлика, чунки у оёқлари остини кўрмайди, йўлидаги нарсалару борлиқларни эзиб кетаверади. Қолаверса, ўйинларни узоқдан кўрсанг

фарқига борасан. Ичида юрсанг билиб-билмаган ҳолда ўйинчига ёки ўйин иштирокчисига айланасан.

Миртемир Крайновнинг қондасига риоя қилмасдан соқолини олиб, кейин йўлга чиқди. Дарҳақиқат, Девонда фармоннинг бир неча кўриниши ҳозирланган эди.

-УзТАГни мустақил ташкилотга айлантириш керак, – деди Миртемир тайёрланган матнларни кўздан кечираркан. Жамиятнинг эркин бўлиши, матбуотнинг мустақиллигидан бошланади. Ҳозир УзТАГҳукуматнинг бир парчаси. Унинг қўл-оёғидаги занжирни ечиб юборишимиз керак.

-Тўғри, – деди улардан бири. – Лекин мустақил бўлсак, оч қоламиз. Ҳозир давлатнинг ҳисобидамиз, кейин пулни қаердан оламиз? Биз завод ёки фабрика эмас, биз ақлий меҳнат ташкилотимиз. Шу боис давлат қарамоғида қолганимиз яхши.

-Мустақил бўлсангиз завод, фабрикадан ҳам кучли бўласиз,-деди Миртемир ҳамкасбига эътироз билдириб,-Мамлакатнинг ягона хабар маркази ҳисобланасиз. Ҳам ичкарига, ҳам ташқарига хизмат кўрсатасиз. Бугун дунёда хабар марказлари мустақил. Ҳар бир хабарни катта-катта маблағга пуллайдилар. Ҳаққоний, тезкор хабарларингиз бўлса, ишингиз ўнгидан келади. Қолаверса, халқимизга ҳақиқатни етказишингиз учун йўлингизда тўсиқ қолмайди.

-Сиздан илтимос, шу масалани кейинроққа қолдирсак, биз ҳозир мустақил бўлишга тайёр эмас, – деди улардан бири. Қолганлари ҳам бу фикрни қўллашди. Миртемир кулди ва:

-Қамоқдаги одамга “Боринг, сиз озодсиз”, дейилганда “Ҳозирча шу ерда қолай, озод бўлишга тайёр эмасман” деб жавоб қилса, кулгули кўринади. Бугун мамлакатимиз мустақил бўлди, нега сиз мустақил бўлишни истамайсиз? Сиз истамасангиз, балки Хабар марказида ишлаётган мингларча инсон истар. Ёки улар ҳам исташмайдими? – деди.

Бу савол қаршисида улар жим бўлиб қолишди. Бироздан кейин сукунатни Латиф ака деган киши бузди. Бир пайтлар Миртемир Латиф Раҳмоновнинг номини кўп эшитарди. У катта-катта танқидий мақолалар ёзарди. Ҳар бир мақоласи шов-шувга сабаб бўлар, барча газеталарда кўчириб босилар ва ҳамма ташкилотларда муҳокама қилинарди. Кейинчалик билдики, бу мақолалар Коммунистик партия Марказий қўмитасида тайёрланар экан.

-Мен ўттиз беш йилдан буён қалам тебратаман,-деди Латиф ака.-Озми-кўпми обрў қозондим. Бироз тажрибага ҳам эгаман. Бир манзилга югуриб ҳам бориш мумкин, аста секин юриб ҳам, аммо югуриб борганда юрак хуружига учраш таҳликаси билан юзма-юз қолишимиз мумкин. Президентимиз айтганларидек: “Янги уйни қурмасдан, эскисини бузиб бўлмайди”. Қолаверса, биз Ғарбда эмас Шарқда яшаймиз. Шарқнинг қондаси ҳар бир ишни асталик ва усталик билан қилишдир. Ҳозирги шароитда демократиянинг бизга фойдаси йўқ ёки биз Шарқ демократиясини ўрнатишимиз керак.

-Мен ҳали демократияга қадар келиб етмадим, – Латиф аканинг сўзини кесди Миртемир. – Ҳали сизнинг мустақиллигингиз ҳақида гапираяпмиз. Эски-янги уй масаласида эса тортишиш мумкин. Масалан, эски уйни бузмасангиз янгисини қаерда қурасиз? Агар бошқа жойда ерингиз бўлса, эскисида яшаб янгисини бамайлихотир қуришингиз мумкин. Эски уйингизни бузиб чайлада яшаш яна ҳам таҳликасиз. Чунки эски уй нураб турибди. Тўғрироғи катта уй йиқилди. Харобанинг ичида қолдик. Шунга қарамай янгисини қурмасдан харобадан чиқмаймиз, дейиш кулгили, яъни ачинарли ҳол.

-Бизга ўзимиздан катталарнинг гапига қарши чиқиш ўргатилмаган. Бу Ғарбга хос ҳол. Шарқда катталарнинг йўлига юриш қондаси бор. Бу тўғри қоидадир. Биздан бир нечта кўйлакни олдин йиртган катталаримиз тажрибага қараб иш кўрадилар. Бугунгача уларнинг йўлидан юриб адашмадик.

-Яшанг,-деди Миртемир, хаяжонини яширмай,-биз бугунга қадар ўн олти марта императорлик қурдик ва ҳеч бири узоқ яшамади. Охир-оқибатда парчаланиб кетдик. Император ўлгандан кейин мерос, мансаб ғавғоси бошланди. Бир-биримизни едик. Шарқ демократияси шуми?

-Ҳар қандай императорлик парчаланаяди, бу тарихий жараён.

-Агар бугунгача бирортаси яшаганда бу гапни айтмаган бўлардингиз. Биз ҳар бир ҳодисани оқлашни яхши биламиз, аммо унинг ҳақиқий сабабларини қидиришга эринамиз. Балки шундандир тарихимизни фақат бошқалар ўргандилар.

-Бу бинода менинг сиз билан тортишиб ўтиришим аслида катта воқеа. Лекин бу истисно. Мана Хабар марказимизда раҳбар йўқ. Бугун Президентимиз Хабар марказини қайта тузиш ҳақидаги фармонга имзо чекиш билан бирга бу ерга раҳбар ҳам тайинлайдилар. Бу раҳбар ҳайъатга киритилган ва кечкурун Ислом Абдуғаниевич билан чет элга боради. У ерда эса ТАСС билан ўзаро ҳамкорлик ҳақидаги шартномага имзо чекади. Мен ўргандим, жуда кўп давлатларда Хабар маркази ярим расмий экан. Туркия демократияга ўтганига етмиш йил бўлибди-ю ҳали у ерда ҳам Хабар маркази тўла мустақил бўлган эмас.

-Мен сизга яна эътироз билдиришга мажбурман. Чунки Туркия ҳали тўла маънода демократик давлатга айланмаган. Яқин ўттиз йилда уч маротаба ҳарбий тўнтаришни бошидан ўтказди. Тўнтариш даврининг қиличи ҳеч кимни аямади. Демократия тарафдорлари сургун қилинди, қамоқларда азоб чекди. Шунга қарамай Туркия ривожланишдан тўхтамади. Бугун Онадули Хабар маркази ярим расмий бўлишига қарамай, бутун дунё кунлик хабарларни ундан сотиб олади. Чунки ҳаққоний ва тезкор хабар таркатади, ҳукуматнинг бўйинтуруғидан қутулган. Ҳукумат истаган, аввало уларнинг ҳукумати ишташга журъат қилмайди, хабарни эмас, балки бор нарсани таркатади. Сўзбўямачилик йўқ.

-Биз мустақил бўладиган бўлсак, табиийки, Хабар марказининг раҳбарини ҳам сайлашимиз керак. Жамоамиз шундай ҳам иккига бўлинган. Олдинги раҳбарнинг одамлари бир гуруҳ, қолганлар яна бир гуруҳ. Агар мустақил бўлсак, парчаланиб, йўқ бўлиб кетамиз.

Миртемир Латиф Раҳмоновнинг эътирози ортидаги ҳақиқатни англади. Демак, булар учун мустақилликдан мансаб афзалроқ. Буларга хабар, ҳақиқат, адолат деган тушунчалар эмас, мансаб ва қуллик керак, деб ўйлади. Мен эса эринмай тортишиб ўтирибман. Наҳот-ки, Латиф Раҳмонов аллақачон Хабар марказига раҳбар этиб тайинланди? Ёки Каримов бугун эрталаб уни суҳбатдан ўтказдимиз? Ҳайъат, сафар деб ишорат қилишидан масала ҳал бўлган кўринади. Шундай бўлса-да, Миртемир уларнинг кўнглига қўл солмоқчи бўлди.

-Латиф ака, биринчи навбатда Хабар марказини мустақил ташкилотга айлантирсак. Унинг раҳбарини сайлаш масаласини эса иккинчи навбатга қолдирсак. Яъни ташкилотнинг низоми, дастури тайёрлангач ва улар жамоада муҳокама қилиниб тасдиқлангач, ана ундан кейин раҳбарни сайлашга ўтсак. Сиз айтмоқчи эски уйни бузмасдан янгисини қурсак. Бу ишга камида бир йил вақт керак. Шу бир йилда парчаланишнинг олдини оласиз.

-Гап мен ёки бу киши ҳақида бораётгани йўқ. Иккаламиз ҳам ўз ўрнимизда ўринбосар бўлиб қолаяпмиз. Бизга раҳбар бўлиб Мақсад Қул бораяптилар. Бу фармон матнини ҳам у кишининг ўзлари тайёрлаганлар. Шу боис бизнинг қўлимиздан ҳеч нарсга келмайди, – дея Раҳмонов гапнинг пўст калласини айтди.

Қўлингиздан кўп иш келади, деб ўйлади Миртемир, сизга бу фармон лойиҳасининг ҳар бир сўзини ҳимоя қилиш топширилган. Шунинг учун ҳар йўлга бош ураясиз. Сизга ҳам қийин. Боши тўқмоқнинг остида қолган илонга ўхшайсиз. Жонимни қутқараман, дея

типирчилайсиз. Лекин тўқмоқни ушлаб турган кишининг мақсади бошқа. У мақсадидан чекинмайди. Барибир бошингизни эзди.

-Майли, сиз бораверинг. Мен фармон лойиҳасини имзолаш учун ўзим олиб кираман, – деди Миртемир.

Улар чиқиб кетишгач, Миртемир фармон лойиҳасини қайтадан ёза бошлади. Кўп ўтмай Мақсад Қул кириб келди.

-Ҳа, оға, бу қадар ишга берилиб кетибсиз? Якшанбадан ўч олаяпсиз, шекилли?

-Ўрни кимдан олаётганимни билмайману лекин Сизни табриклайман.

-Нима билан?

-УзТАГга директор бўлиб бораётган экансиз.

-Йўғ-е, бунақа хабар эшитганим йўқ. Қолаверса, у ерга ҳеч кўнглим йўқ. Бунинг устига бизга йўл бўлсин.

-Марказнинг фармон лойиҳасини ёзаяпман. Мустақил ташкилотга айлантириш бўйича банд киритдим. Ҳар ҳолда Каримов қаршилиқ қилмаса керак. Сиз нима дейсиз?

-Албатта, албатта... – бирдан ранги оқариб, лаблари бўзариб алланечук ҳолга тушган Мақсад Қул, апил-тапил хонадан чиқиб кетди.

Хато қилдим, деб ўйлади Миртемир. Ҳозироқ у югуриб Каримовнинг ҳузурига киради. Хуллас, бу иш ҳам чиппакка чиқди. Агар булар Каримовга “тушунтириб” қўйишмасдан олдин кирганимда, балки имзо чекарди. Энди улар бу ишни ҳам Каримовга “орқангиздан пичоқ уриш” деб англатишади. Каримов эса худди пичоқ еган одамдек тўлғонади. Шунга қарамай лойиҳани тайёрлаб олиб кираман, балки девондан кетишим учун сабаб бўлар.

Миртемир лойиҳани машинкалаш учун котиба қизга бергани ҳамки, Крайнов “Сизни сўраяптилар” деб қолди.

-Ҳали лойиҳа тайёр бўлмади. Ярим соатдан кейин олиб кираман, – деди Миртемир.

-Лойиҳани истамаяптилар. Ўзингиз билан гаплашмоқчилар.

Ҳақиқатдан ҳам Каримовнинг кайфи чоғ эди.

-Бир неча кунки кўринмайсиз? – деди Каримов ўрнидан туриб, Миртемирга қарши юраркан. – Ҳатто сайловдан кейин табрикламадингиз ҳам.

-Шу ерлардаман, – деди Миртемир паст овоз билан.

-Ҳар ҳолда уйдан чиқмай ётибман, демоқчисиз, – жилмайди Каримов. – Сизни бугун УзТАГга директор этиб тайинламоқчи эдим, лекин душманингиз жуда кўп экан. Ҳамма қаршилиқ кўрсатди. Таклифим билан ёлғизланиб қолдим. Демократия дегани шунақа. Бошқаларнинг фикрига ҳам қулоқ солиш керак. Агар фақат менинг фикрим ўтадиган бўлса, у ҳолда диктатура бўлади. Менга қолса, Пўлат Мажидовични ишдан олиб, қаматиб, чиритиб юборардим. Лекин кўпчилик унинг тарафида. Озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi демократиянинг бош тамойилидир. Мана энди сиз ҳақингизда ҳам шундай бўлди. Ўзингиз нима дейсиз?

Ё, тавба, деб ўйлади Миртемир. Бу одам шайтонга ҳам дарс беради. Қолаверса, менинг хаёлимдан ўтган фикрни қандай ўқиб олди? Йўқ, демак бу фикр олдин буларнинг хаёлидан ўтган ва сўнгра Крайнов ёққан шам ёруғида мен ҳам шу кўчага бош суққанман.

-Лекин сизни табриклайман, кўпчилик ё радиога ва ёки телевидениега боришингизни истаяпти.

Каримов Миртемирга фикр юритиш учун вақт бермасдан сўзида давом этди.

-Фақат Эркин Самандаров қаршилиқ қилапти. Ҳозир уни топиб гаплашамиз.

У шундай деб қабулхонага чиқди ва Крайновга “Самандаровни топ”, дея қайтиб ичкарига кирди. Каримов жойига бориб ўтириши билан Крайнов ичкарига кирди:

-Самандаров машинасида. Уни боғладим,-деди.

-Укажон, сиздан илтимосим бор, Миртемирнинг номзодига қаршилиқ қилмасангиз. Уни телевидениега раҳбар қилиб жўнатаяпмиз. Эртагаёқ олиб бориб таништирсангиз, – деди Каримов мулоим оҳангда.

У Самандаров билан гаплашиб бўлгач, Миртемир:

-Бу идорани мутлақ қайта тузиш керак,-деди унга.-Ҳали Московнинг низоми билан ишляпти. Менимча аввал бу ташкилотнинг тузилиши, низоми, тизими ҳақида ҳукумат қарори чиқарилиши ва ундан кейин у ердаги кадрлар масаласи кўриб чиқилса, яхши бўларди.

-Бугун кечқурунгача ҳаммасини тайёрлайсиз. Мен имзолаб кетаман. Қарор эмас фармон тайёрланг. Фақат сессиядан кейинги учрашувимизда талаб қилинганидек, бу ташкилотни мустақил қилишга қаршиман. Бу давлат идораси. Телевидениени кўлидан чиқариб юборган давлат қудратидан айрилади.

-Биз бу ташкилотнинг мустақиллигини талаб қилганимиз йўқ. Давлат телевидениеси ҳам қолсин. Ёнида мустақил телевидение тузилсин. Масалан, мен ўша мустақил телевидениени оёққа қўйиб бераман.

-Мустақил телевидение тузиш учун давлатимизнинг имконлари йўқ.

-Зотан, бу телевидение ўз номи билан мустақил бўлади. Ҳам иқтисодий, ҳам мафкуравий жиҳатдан.

-У жуда катта механизм. Уни оёққа қўя олмайсиз.

-Бизга фақат рухсат берсангиз, бас. Бутун дунёда телевидениелар реклама ҳисобига яшайдилар. Биз ҳам қалдирғоч давлатимизнинг қалдирғоч телевидениесини реклама ҳисобига яшатамиз.

-Майли, фармонни тайёрланг, лекин ҳозирча битта каналга изн бераман. Давлат телевидениесининг бир каналини мустақил қиламиз. Бу иқтисодий канал бўлсин. Қолганини эса аста-секин амалга оширамиз. Узоғи билан уч йилнинг ичида бир эмас, ўнлаб мустақил телевидение очиб бераман. Ҳозир эса давлат телевидениеси номини ўзгартириш ҳақида ўйланг!

Миртемир хонасига келди-да, телевидение ва радио қўмитаси раиси Ганжа Ёкубовга сим қокди:

-Ташкилотнинг номини ўзгартириш баҳона, – деди у.-Катта мени ишдан қувмоқчи. Ўрнимга Ҳайитбоевни тайинламоқчи. Сизни эса унга ўринбосар қилиб юборади.

-Каримовнинг ичига кириб чиқдингизми? Мунча хабарни қаердан олдингиз?

-Шофёрларидан, – дея кулди Ганжа Ёкубов. Кейин шу ҳақдаги латифани айтиб берди.-Йирик бир вилоятнинг раҳбари эрталаб ишга бораётса, шофёри “Хўжайин, бугун пленум бўладими?”-деб сўрабди. “Ҳа, пленумни туш кўрдингми? Мен чақирмасам, пленум тўпланадими?”-дебди бошлиқ. Бироздан кейин шофёр йигит: “Хўжайин, бугун сизни ишдан олишарканми?”-деб сўрабди. “Нафасинг ўчсин!”-дебди бошлиқ. Лекин шу куни онийдан пленум ўтказилиб, бошлиқни ишдан олишибди. Тахтдан тушган бошлиқ собиқ шофёрининг ёнига келиб, “Мен эшитмай қолган гапларни сен қаердан эшитгандинг?”-деб сўрабди. “Бозордан”, деб жавоб қилибди шофёр. ” Ундай бўлса, бозорга бориб билиб келсангчи, мени энди қайси ишга қўйишаркин?”-дебди собиқ бошлиқ. Шофёр “Сизни қамашаркан”, дер экан, шу пайт икки миришаб келиб собиқ бошлиқнинг қўлтиғидан ушлашибди...

Ганжа Ёкубов ўзи айтган латифага ўзи мириқиб кулар экан, Миртемир унга аския қилди:

-Шофёрингизни бозорга юборсангиз-чи, балки қаерга боришингиз ҳам аниқ бўлиб қолгандир.

-Аниқ бўлмаса, бу телефонда латифа айтиб жоним нечта? Мени “ўйинбосарликка” юборишаяпти.

Миртемирнинг хаёлидан ўзининг “Ўйинбосар” деган ҳажвияси ўтди. Бу ҳажвияда у матбуот қўмитаси раисининг цензура бўйича ўринбосарини масхара қилганди. Ўринбосар “р” ҳарфини айтолмай, “Мен ўйинбосарман” дерди. Бу эса ишига мос келарди.

-Сиз қаердаги ўйинларни босди-босди қилишга бораяпсиз?

-Ўйин қаерда бўларди, матбуотда-да, – деди Ганжа Ёкубов.

-Хафа бўлманг, сиз “Р” ҳарфини айтаоласиз. Шу боис ҳақиқий ўринбосар бўласиз.

-Ўзингиз-чи, ўзингиз?

-Мен ҳам шу ердан қутулганимга шукур қиламан.

-Телефонда бундай деманг.

-Қутулишни истаганим учун ҳам шундай деяпман-да таксир.

-Майли, ҳозирча ўша ердасиз, ҳеч бўлмаса телевидениени эллик фоиз мустақил қилиш учун уриниш керак,-деди Ганжа Ёкубов.

-Буни ҳам телефонда айтадиган бўлсангиз, демакки, Хабар марказидагилар каби сиз ҳам мустақилликни истамайсиз,-деди Миртемир.

-Бўпти, мен ҳозир ҳузурингизга келаман, – деди Ганжа Ёкубов.

Миртемир телевидение ва радио қўмитаси номини “Телерадиокомпания” деб ўзгартирди. Унинг қайта ташкил этилиши ҳақидаги фармон лойиҳасини тайёрлаб бўлганди ҳам-ки, Ганжа Ёкубов кириб келди.

-“Катта” бунга албатта давлат сўзини қўштиради. Шу боис ҳозирданок қўшиб қўйинг, – деди.

-Йўқ, кейин бу сўз учун эллик фоиз мустақиллик талаб қиламиз, – деди Миртемир.

Қолган гаплар худди “бозордагидек” бўлди. Ганжа Ёкубов матбуот қўмитасига, илгари Хабар марказида бошлиқ бўлиб ишлаган Эркин Ҳайитбоев телерадиокомпанияга ўтди.

-Ҳайитбоевнинг бу соҳадан ҳеч хабари йўқ, – деди Каримов “давлат” калимаси учун “эллик фоиз”ни инъом этаркан.-У латта одам, ўзингиз уни бошқарасиз...

51.ИСЁН

Январ ойи бўлишига қарамай ҳаво юмшоқ эди. Миртемирнинг телевидениеда ишлаётганига бир неча кун бўлганди. Иш кўплигидан у сахар келиб, ярим тунда кетарди. Хонасида янги тайёрланган дастурларни кўриб, эрталабки мажлисга лойиҳалар тайёрлаётганди. Бош директор ховлиқиб келиб қолди:

-Бугун Талабалар шаҳарчасида қандайдир воқеалар юз беради. Ўғлим талабаларнинг нарх-наво ошишидан норози эканликларини, кеча кечқурун эса уларнинг домласи Марат Зоҳидов “Эртага туш пайти нон магазини ёнида намойишимиз бор, агар қаршилиқ кўрсатилса очлик эълон қилинлар” дебди.

-Кимга айтибди? – Миртемир ҳайратланиб сўради.

-Ўғлимнинг Насим деган дўсти бор, бирга ўқишади, шунга айтибди. Ўғлимга сен узоқ тур, дедим.

Иш ичида Марат бўлса, демак яна қандайдир ўйин бошланди, деб ўйлади Миртемир. Маратни яхши танийман. Озгина манфаат учун отасини ҳам сотиб юборишга тайёр. Аслида талабалар ҳақ. Сайловдан олдин арзонгарчилик ҳақида гапирган Каримов сайловдан кейин дарҳол нарх-навони ошириб юборди. Айниқса, нонни қиммат қилгани талабаларнинг қонини қайнатиши аниқ. Зотан, улар сайлов ўйинларининг фаркидалар. Сайловдан бир

ҳафта олдин овоз беришга мажбур қилишди. Бир жойда гугурт ёқилса, талабалар “портлаб” кетишади. Намойиш қилишса, майли. Инсонлар ўз ҳақларини намоёишлар орқали кун тартибига қўядилар. Талабаларимиз бу йўл билан демократияни ўрганадилар. Бир куч, бир муштга айланадилар. Адолатнинг ҳимоячиси бўладилар. Лекин бу ишнинг бошида Марат туриши қандайдир ўйин борлигидан дарак. Марат ҳукуматнинг қўғирчоғи. Буни билмаган одам йўқ. Фақат ҳукуматнинг эмас, ким пул берса ўшанинг қўғирчоғи. Бугунга қадар беш-олти ерда бу қўғирчоқ бош рол олди. Қанча-қанча бегуноҳ инсонларнинг умрига завољ бўлди. Аввалига жиловчи Москвада эди, кейин ўзимизникилар ҳам уни қўллаб бошладилар. ...Миртемир телевидениега ўтгандан буён девондаги гаплардан беҳабар эди. Балки девонда бўлса ҳам бу ўйинлардан хабардор бўлиши мушкул эди. Девонда ҳам талабалар шаҳарчаси ҳамда Миртемирнинг ўзига қарши янги ўйинлар ҳозирланганди.

Алимов Маратни чақириб гаплашаркан:

-Пойтахт шаҳар ижроқўми сизга бир енгил машина ва уй-жой қуриш учун ер ажратди. Сиздан илтимосимиз эса, Талабалар шаҳарчасида бирор-бир воқеа чиқиб қолса, унга раҳбарлик қилиш ва уни муҳолифатга, жумладан Миртемирга ҳам боғлашдир, – деди.

Алимов биров билан гаплашишга уста эди. Олий Кенгашнинг ўтган мажлисида Миртемир Маратнинг Москва билан алоқаси борлиги ҳақида гапириб, уни талабаларга қаҳрамон қилиб кўрсатишгани, аслида эса бу сохта қаҳрамон яширин хизматнинг чиркин ишларини бажариб келаётганини исботлашга уринганди. Орага Каримов кирмаганда бу жанжалга айланарди. Ўшандан буён Марат тишини қайраб юрибди. Бунинг устига Миртемир у ҳақда танқидий мақола ҳам ёзди. Шу боис Миртемирнинг исмини эшитган Маратнинг туклари сик-сик бўлди:

-Шаҳарчада истаган вақтда бирор-бир воқеа чиқара оламан. Лекин уни Миртемирга қандай боғлаймиз? Муҳолифатга боғласак, бунга Мирсаидовни ҳам қўшсак, ўшанда Миртемир ҳам четда қолмайди.

-Майли, бу кейинги масала. Ҳозир эса воқеа ҳақида ўйлашимиз керак, – деди Алимов. – Қалласи яхши ишлайдиган беш-олти бола топасиз. Эртага нарх-наво ошиши ҳақидаги қарор чиқиши билан очлик эълон қилишсин. Бу болаларни кейинчалик яхши жойларда ўқитиб, ўзимизга шогирд қилиб оламиз. Очлик синовидан ўтганларини аввалига муҳолифатнинг ичига жойлаштирамиз, баъзиларини муҳолифатнинг лидерига айлантирамиз, баъзиларини эса Ҳавфсизлик қўмитасига тақдим этамиз. Хуллас, ўзингизга келажакда ҳам ишлаш учун экипаж тузаяпсиз. Баъзиларига катта-катта ваъда беринг, баъзиларини эса адолатни ҳимоя қилишга чақиринг. Нима ҳам дейман, ўзингиздан қоладиган гап йўқ. Каримовнинг умиди сизда.

Марат оқшом чоғи Журналистика факультетининг ётоқхонасига келса, муҳолифат вакиллари ҳам шу ерда экан. Улар билан қуюқ салом-алиқдан кейин:

-Ҳозиргина эшитдим, хабарларда беришди, нарх-навони оширишибди. Биз бунга қаршимиз. Бу масалани парламентда ҳам кўтариб чиқаман. Сайловда бизни ерга уришгани етар. Мен талабаларимни ҳимоя қилишга қодирман! Ҳозир сўзимизни айтмасак, қачон айтамыз? Тарих бўйинча инқилоб ҳаракатларини талабалар бошлашган, энг оғир кунларда мамалакатни талабалар қутқаришган, – деди.

Бир зумда ётоқхона чорсу бозорига айланди. Талабалар жон-жаҳдлари билан тортишар эканлар, Марат уларнинг орасида шеърлари ва ақлли-ақлли гаплари билан танилиб қолган Насимни четга тортди:

-Ораларингизда очлик эълон қиладиган паҳлавонлар борми? – деб сўради.

-Зотан, биз норозилигимизни қайси бир йўл билан ифода этишни мўлжаллаяпмиз. Лекин қачон, қандай? Бу маълум эмас.

-Нима бўлса ҳам эҳтиёт бўлинглар. Ўзингга ўхшаган йигитларни ёнингга ол.

Марат чиқиб кетар экан, талабалар ва муҳолифат вакиллари тортишуви давом этарди.

Эртасига Марат нон дўконининг ёнига келди. Алимов билан келишиб олганларидек бу дўконга нон кеч юборилди. Нон келтирилгунга қадар дўкон ёнида талабалар турнақатор бўлдилар. Асаблар тобора таранглашиб, кўнгил остидаги норозилик ташқарига ураётганди. Бу ерда Марат сингариларнинг гугурт ёқишига ҳожат ҳам йўқ эди. Шундай ҳам гулхан ёна бошлаганди.

Талабалар тобора кўпайиб, ўртага шиор отаётганларнинг сони ошиб бораётганди:

“Сайловларда бизни алдашди”.

“Бугун айтади, эртага қайтади”.

“Бизга бошқалардан эмас, ўзимиздан чиққан президент керак!”.

“Биз Каримовнинг истеъфосини талаб қиламиз!”

Бирданига бу шиорларни айтиб, муштларини осмонга “отаётган” йигит-қизлар томонга сон-саноксиз миршаблар бостириб келишди. Ур-тўполон бошланиб кетди. Миршаблар, ОМОНчилар осмондан тушиб қолишди-ми ҳеч ким англолмай қолди. Кимдир икки талабанинг отиб ўлдирилганлиги ҳақида сўйласа, яна кимдир қайсидир ётоқхонада ОМОНчилар қизларни калтаклашаётганини айтса, яна биров кўзи ожиз талабани тўққизинчи қаватда оғиз-бурнини қонга ботириб тепкилашганини тилга келтирди.

Миртемир Талабалар шаҳарчасидаги воқеаларни билиш учун машинасига ўтириб, ўша томонга йўл олди. Шаҳарчанинг атрофи миршаблар билан ўраб олинганди. Унинг машинасини тўхтатишди.

-Ичкарига кириш мумкин эмас, – деди миршаблардан бири.

-Бу киши миллатвакили, қолаверса телевидениенинг раҳбари,-деди шофёр йигит.

-Миллатвакиллари, раҳбарлар учун бу ер таҳликали. Туман марказида раҳбарларимиз ўтиришибди. Улар кимни исташса, уни ўзлари билан бирга олиб киришади.

Миртемир машинадан тушиб миршабларнинг бошлиғига юзланди:

-Майли, мени киритманглар, лекин мухбирларга изн беринглар,-деди.

-Сизни таниб турибмиз. Агар ичкарига ўтказиб юборсак, бошимиздан айриламиз. Аммо мухбирларга ҳам рухсат йўқ.

-У ҳолда мен ўзим ўтаман! Куч билан тўхтатиб қолишга ҳаққингиз йўқ. Танланг, ё менга ё мухбирларга рухсат беринг.

Миртемир узоқ тортишувдан кейин мухбирларни ўтказиб юборди.

-Илтимос,-деди мухбирларни ўтказиб юборган миршабларнинг бошлиғи,-агар ичкарида сўраб қолишса, биз Ички ишлар вазирлигининг сувратга олувчиларимиз, деб айтишсин. Чунки сизнинг хотирингиз учун рухсат бердим.

Миртемир туман марказига бормоқчи бўлди. Лекин менинг асосий ишим телевидениеда, бугунги дастурларни ўзгартиришим, ҳукумат раҳбарларини таклиф этиб, халқни хабардор қилишим, концерт дастурларини тўхтатишим керак, деб ўйлади. Чунки бир томонда отишмалар давом этган пайтда, биз концерт кўрсатиб ўтирсак, на ақли-салимга ва на инсонийликка тўғри келади.

Миртемир мухбирларни Талабалар шаҳарчаси томон ўтказиб юбораркан:

-Воқеаларни ҳар томондан сувратга оласиз. Бундай шароитда биз ҳақ тарафида туришимиз керак. Ҳақиқатни ўртага қўйиш учун воқеаларни тўрт-беш камера билан сувратга олайлик,- деди ва ортга қайтиб, машинасига ўтирди.

Ишхонасига келган Миртемир дарҳол Бош вазирга сим қоқди. Ҳали яқиндагина Бош вазир этиб тайинланган Абдуҳошим Муталов билан касалхонада учрашганди. Ўшанда Абдуҳошим Муталов дон маҳсулотлари вазири эди. Каримов “онангни” деб ҳақорат қилгани учун юрак хуружига учраб, хастахонада ётганди.

-Каримовнинг кўнгли тор бўлса, унинг қанотлари остида яшаётганлар учун дунё тор бўлади. Агар у кўнглига яхши-ю ёмонни, ўжару-қобилни сиғдира олмаса ҳам ўзини қийнайди ҳам бошқаларни, – деди ўшанда Миртемир.

-Каримов яхши одаму...-Абдуҳошим Муталовнинг бўғзига нимадир тикилди. Бу қўрқув “мушт”и эди. Шунга қарамай узоқ суҳбат қилишди. У ҳар қанча эҳтиёт бўлмасин, баъзи нарсаларни тан олишга мажбур эди. Суҳбатлар қўр олган кунларда уни чақириб қолишди. Даволанишни чала ташлаб кетаркан:

-Хечқиси йўқ, ҳар кун эрталаб спорт билан шуғулланаман,-деди.

Миртемирнинг ҳаёлини котибанинг мулойим сўзлари бўлди.

-Гапиринг, Абдуҳошим Муталович телефондалар,-деди у.

Салом-аликдан сўнг Миртемир унга:

-Талабалар шаҳарчасида нима бўлаяпти? Эшитишимизча, талабаларга нон юборишмабди. Бунинг устига оч қолган талабаларни калтаклашибди. Ҳукумат бу хусусда халққа бирор-бир тушунтириш бермайдими? Қолаверса, нега бу қадар миршаб ва аскарлар шаҳарчага юборилмоқда? – деди.

-Миртемир ака, – деди Абдуҳошим Муталов гарчи ёши Миртемирдан анча улуг бўлса-да. – Биласиз-ку, бу хусусда Ислом ака билан гаплашиш керак.

-Майли, гаплашиб олинг. Ҳатто бу воқеа оғир тус олмаслиги учун миршабларни орқага чақириш таклифини айтинг. Аслида Маратга ўхшаганларга кимдир яна рол берган бўлса керак. Тезроқ ҳаракат қилайлик, ёмон воқеаларнинг олдини олайлик.

-Менимча, сиз кўнғироқ қилсангиз яхши бўлармиди? – деди Абдуҳошим Муталов товушини ютиб.

Қўрқок, деб ўйлади Миртемир. Лекин қўрқмасдан ҳам иложи йўқ, чунки у қўрқиш учун туғилган. Ҳаётдаги роли қўрқоқлик.

Миртемир девонга сим қоқди:

-Ишлар яхшими? Корҳо нағзми? Как дела? – дея уч тилда “сайрай” бошлади Крайнов.

Унинг кайфиятига қараганда, дунё тинч. Баъзан мутлоқ тескариси ҳам бўлиши мумкин, ичкарида жиддий тортишувлар ёки Крайнов ибораси билан айтганда “осмон йиқилиб тушган” пайтларда у сир сақлашга уринади. Талабалар шаҳарчаси ҳақидаги гапни эшитган Крайнов расмий оҳангда:

-Ҳозиргина ўртоқ Каримов Олий Кенгаш раиси Йўлдошевга топшириқ бердилар. У икки дақиқа олдин девондан чиқиб кетди. Тез орада ўз хонасига етиб боради. Бу масала билан энди у шуғулланади. Телевидениеда эса шаҳар раҳбари чиқиш қилади,-деди ва бирдан гап оҳангини ўзгартириб, яна расмий минбардан ўз ҳолига тушди.-Нағзми? Яхшими? Хорошо, нима дедингиз, Миртемир ака?

-Уч тилда гапирмасангиз тушунишим қийин эди,-деди Миртемир киноя билан.-Шаҳар раҳбари эмас, жумҳурият раҳбарларидан бири чиқиб халққа тушунтириб берсин.

-Ўртоқ Йўлдошевга телефон қилинг! – У шарт этиб телефон трубкасини қўйди.

Миртемир Крайновнинг тарзидан ранжиган бўлса-да “ўша билан тенг бўлиб ўтираман-ми” деди-да, Олий кенгаш раисига сим қоқди. Йўлдошев дўриллаган овоз билан худди радиога Сиёсий бюро баёнотини ўқиётгандек расмий оҳангда гапира бошлади. Бу эса унинг Каримовдан ростдан ҳам топшириқ олганини кўрсатарди. Акс тақдирда у ҳол-аҳвол

сўрашдан нарига ўтмасди. Ҳар бир нарсадан хуркадиган Йўлдошев бундай жиддий оҳангда худди ҳисоб бераётган каби гапирар экан, демак сарой қозонида кўп нарса қайнамоқда.

-Махсус хабарнома эълон қиламиз,-деди Йўлдошев.-Комиссия тузаяпмиз. Комиссия таркибига жамоатчилик вакиллари, ҳуқуқ-тартибот органлари тамсилчилари, муҳолифат раҳбарлари ҳам киритилади. Пойтахт раҳбари воқеалар ривожига ҳақида гапириб берадилар. Қайси пайтда кўрсатасиз?

-Ахборотдан аввал “Сўнгги соатда”-деган руқн остида берамиз.

-Яхши, тайёр бўлиб турунг!

Йўлдошев ҳам енгини, ҳам почасини шимариб олган кишини эслатарди. Бевосита Каримовдан топшириқ олганига шод эди. Миртемир бу одамдан бир иш чиқиши қийин, деб ўйлади-да, сиёсий-иқтисодий кўрсатувлар таҳририяти мудирини чақирди. Унга шаҳар раҳбарини топишни ва унинг баёнотини ёзиб олишини буюрди:

-Шаҳарчадан келтирган барча репортажларни берамиз, ортидан эса расмий қарашни эълон қиламиз, – деди Миртемир.

52. ҲОВЛИҚМА

Миртемирнинг ҳузурига телевидение бўлим мудирини кириб келди:

-Шаҳар идорасида ҳеч ким йўқ. Ҳамма Талабалар шаҳарчаси яқинидаги штабда экан.

-Булар аллақачон штаб ҳам тузишибди-ми?

-Штабда фақат ҳукумат телефони ўрнатилган экан. Шу боис ўзингиз кўнғироқ қилсангиз.

Миртемир ҳукумат телефонидан шаҳар раҳбари телефонининг рақамларини терди. Телефон жиринглади, булар телефонлари билан бирга юришади, дарров штаб куриб, ҳукумат телефонини ҳам ўша ерга олиб боришибди, ҳар ҳолда Талабалар шаҳарчасида қишлайдиганга ўхшашади, деб ўйларкан нариги томондан “хасаки” овоз эшитилди.

Бу Фозилбеков эди. Миртемир хиррик овозда нутқ ирод қиладиган Фозилбековни илк бор катта бир курултойда кўрди. Ранги оқариб, чеҳраси сўлиб қолган Фозилбеков ўшанда аввал Москвадаги тўраларнинг “пўстагини қокди”, кейин ҳатто пойтахт шаҳар миршабларининг бошлиғи бўлган Хўжаевни ўзининг машинасини ўғирлаб кетишгани, шаҳарда жиноятчилик ҳаддан ошгани, шунга қарамай Хўжаевга генерал унвони берилганидан ранжиб гапирди.

Бу ўша пайтда Коммунистлар партиясининг бошида ўтирган Каримовга тегиб кетди. Чунки Хўжаевни генералликка у тавсия қилганди. Шу боис Каримов Фозилбековни чимдиб олди:

-Икки киши бир кўрпанинг остида ётолмасангиз, ЗАГСга айтамиз ажратиб қўяди,-деди у ёнидаги иккинчи котибга қараб. Иккинчи котибнинг кадрлар масаласи билан шуғулланишини ҳамма яхши биларди.-Кимга генерал унвони бериш-бермаслик эса бизнинг ишимиз.

Ўшанда кўпчилик Фозилбековнинг илдизи қуриди, у барг тўкаяпти, яқинда гурсиллаб йиқилади, деса-да у маҳкам чиқди. Тўғрироғи, Мирсаидов уни асраб қолди. Аммо Каримов ўз креслосини мустаҳкамлаб олган кунларда Фозилбеков балиқдек сийрилиб, Мирсаидовнинг ариғидан қочди. Энди Каримов уни Мирсаидовга қарши қўллаша бошлади. Телефоннинг нарғидан келган хиррик овоз бирдан тинчиб қолди. Кейин бошқа товуш эшитилди:

-Бу телефон номери “54 – 59”, ким билан гаплашмоқчисиз?

-Фозилбековни кидираяпман,-деди Миртемир.

-У киши ҳозиргина чиқиб кетдилар. Ҳукумат комиссиясига телевидение раҳбарларидан Элбек Мусаев ҳам киритилган, қолаверса Эркин Ҳайитбоев ҳам шу ердалар.

-Мен ҳали ўзимни танитганим йўқ, мақсадимни ҳам айтганим йўқ, сиз эса ҳаммасига олдиндан жавоб бердингиз. Ёнингизда ким борлиги ўз йўлига, лекин Фозилбековга айтинг, ҳукумат номидан гапириш у кишига ҳавола қилинибди. Биз ҳаққоният учун ҳукумат фикрини ҳам бермоқчимиз. Агар гапирмасалар репортажлар билан кифояланиб қоламиз, – деди Миртемир.

Телефонда гаплашаётган одам пичирлаб бу гапларни ёнидаги кишига такрорлади. У Фозилбеков эди. Миртемирнинг товушини танигани учун телефон дастасини ёнидагилардан бирига берганди. У ингичка овозда “Ҳаммаси ўзини олиб қочади. Балого эса мен қолдим,” деди. Бу гаплар Миртемирга эшитилиб турган бўлса-да, телефон дастасини тутган киши:

-Билишимизча Фозилбеков Олий Кенгаш раиси билан гаплашдилар, уни ҳам кўндирдилар. Абдуҳошим Муталов чиқадиган бўлди, – деди.

Бироздан кейин Миртемир яна Йўлдошевга сим қокди:

-Биламан, ”Ахборот” соати яқинлашиб қолди. Абдуҳошим Муталов чиқадиган бўлди! – деди у қисқа қилиб.

Орадан икки дақиқа кечиб, телерадио кўмитаси раиси Ҳайитбоев Миртемирга телефон қилди:

-Мен Талабалар шаҳарчасидан қайтаяпман, – деди у.

-Нима бўлаяпти ўзи? Сиз қачон бориб улгурдингиз. Мени шаҳарчага ўтказишмади. Мен ҳам бориб воқеаларни ўз кўзим билан кўриб келмоқчи эдим.

-Бу томонга яқин келманг. Ҳеч кимни ичкарига киритишмаяпти. Қолаверса, воқеалар кечаси юз берган, ҳозир эса шаҳарчада осойиш ҳукм сурмоқда. Менга мухтарам Йўлдошев жаноблари телефон қилдилар, биров орқали эмас, шахсан ўзлари, халқимизни воқеалардан хабардор қилсак, дедилар. Президентимиз ҳассосият билан бу масалага эътибор бермоқдалар. У кишининг топшириқлари асосида Бош вазир халққа мурожаат қилади. Сиз бутун телевидениени ана шу ишга сафарбар қилинг, Бош вазирнинг чиқиши биз учун ифтихордир, – деди у.

Миртемир Ҳайитбоевнинг ўпкадан чиқаётган гапларини телефон дастасини қулоғидан узокроқ тутиб тинглади. Кейин репортажларни кўриш учун хонасидан чиқаётганди яна телефон жириглади. Бу Бош вазир эди:

-Миртемир ака, мени шу ишдан қутқазинг, ҳозир бир тумандаман. Бошқа бирортасини топиб ёзиб олсангиз, илтимос,- деди у.

-Бу оқшом юз берган отишмаларда қон тўкилибди. Қўлимизда репортажлар бор. Миршаблар ҳаётларини билишмаган. Қолаверса, уларга ким буйруқ бергани эртами кечми ўртага чиқади. Сиз ҳукумат раҳбари сифатида халқнинг олдига чиқиб, икки оғиз сўз айтмасангиз, ким айтади? Ахир бу воқеалар нега бошланди? Нима учун, ўқ отган кимлар, ўлганлар ким, нима учун шунча воқеа юз бераяпти-ю ҳукумат жим? Бу саволлар фақат мени эмас бутун халқимизни қизиқтиради. Бугун оқшом телевидение ана шу саволларга жавоб бериши керак.

Телефоннинг нарғидан сас келмади. Абдуҳошим Муталовнинг товуши ичига тушиб кетганди. У зорланган овозда:

-Менга ёрдам беринг, – деди.

Республика раҳбарлари нима сабабдан халқнинг кўзига қарашдан чўчишмоқда, деб ўйлади Миртемир. Халқимиз “Хўш, Каримов қаерда? Намойиш бўлган, ёнғин чиққан жойларга бориб, от миниб, оломонни тўхтатганман, дея такрорловчи зот нега кабинетидан чиқмаяпти? Агар кеча оқшом у икки чақиримли йўлдан чўчимай Талабалар шаҳарчасига

борганда, олам гулистон эди. Ўқлар отилмасди, қон тўкилмасди” деб ўйлашмайдими? Халқ ўйлайди-ю, лекин халқнинг ўйлаганини булар ҳатто ҳаёлда жонлантиришга чўчийдилар.

Миртемир репортажларни кўраркан, вужудини титроқ босди.

Беш-олти миршаб бир киз талабани судраб кетишмоқда...

Уч-тўрт ОМОНчи эса бир талабани ерга ётқизиб тепишмоқда...

Ётоқхоналардан бирига бостириб кирган миршаблар душ остидаги талабаларни калтаклашмоқда...

Бу даҳшат-ку, деб ўйлади Миртемир. Наҳотки, шу даражада ваҳшийлашиб кетдик? Бу миршаблар ҳайвонот боғида етиштирилган эмас, булар ҳам қайси бир ота-онанинг фарзандлари. Балки бу талабалар орасида уларнинг ҳам укалари, сингиллари бордир? Наҳотки, юқоридан келган буйруққа кўр-кўрона бўйин эгиб ўз қардошларига ўқ отсалар? Ахир бу талабалар Каримовнинг саройини кул қилиб кўкка учирмадилар? Бор-йўғи нонимиз қани, нега нонимизнинг баҳосини қиммат қилдингиз, нега сайловда бизни алдадингиз, деб сўрашди. Уларнинг Каримов истеъфосини сўрашга ҳам ҳақлари бор. Аслида Каримов минбарларда кўкрагига уриб гапираяпти-ю лекин халққа бирор нарса бераётгани йўқ, балки халқнинг хирмонини совуриб, ҳақини еб, ҳақиқа хиёнат қилиб юрибди. Халқдан болаларнинг ўқитаман, дея солиқлар олинмоқда, лекин болаларнинг қўлидаги бир бурда нони ҳам тортиб олинаяпти. Буни мансабда ўтирганларга айтиш бефойда. Уларнинг дини ҳам, имони ҳам, Аллоҳи ҳам, Пайғамбари ҳам мансаб. Лекин мана бу оддий миршаблар-чи? Наҳотки, улар ўзларини кул деб билсалар, мансабдагиларнинг қули деб билсалар?! Ёки кийиб олган либослари уларни роботга айлантирдими? Қалби йўқ, ақли йўқ, фикрламоқдан, мушоҳада қилмоқдан маҳрум бўлган роботларга айландилар-ми? Балки бир кун бу талабаларнинг ҳам баъзилари миршаб бўлар? Улар ҳам ўз фарзандлари, ўз ака-укаларига қарши қурол кўтармайдиларми кейин? Қасос олмоқ учун шу йўлга бош урмайдилар-ми? Бир инсофсизнинг мансабини кўриқлаш, бир хоиннинг обрўйини асраш учун қон тўккан бу инсонларга нима дейиш керак?!

Нега мен йўлдан қайтдим? Кўрдим-ми?! Йўқ, булардан кўркмайман. Унда нега бормадим? Балки талабаларни асраб қолган бўлармидим?! Балки миршабларни тўхтатармидим? Сен боргунча бўлган иш бўлганди, ғишт қолипидан кўчганди. Сенга тушадигани охиригача мужодала этиб қотиллар кимлигини ўртага чиқаришда бошқалар билан бирлашишдир. Бир киши ҳеч нарса қила олмайди. Янчиб ташлашади.

Репортажларнинг бирида жумҳурият прокурори Бўритош Мустафоевнинг талабалар шаҳарчасига келгани акс эттирилганди. У минбарга чиқиб гапираркан, ёнида Исо Холис турарди. Бўритош Мустафоев талабаларга қарата:

-Сиз қонунларга қарши иш қилаяпсиз. Қонунларни бузаяпсиз. Бунинг оти исёндир. Исён эса қонунда оғир жазога сабаб бўлади,-деганди талабалар қўлларидаги бор нарсани унга қараб отдилар. Мустафоев билан Исо Холис аранг кочиб қутулишди.

Бўритош Мустафоев узоқ бир районда прокурор эди. Қисқа вақтда жумҳурият прокурорлигига етиб келди. Ўшанда кўпчилик “Бу бўшаланг одам Каримовга дош беролмайди” дейишганди. Лекин тош чикди, Каримовнинг исканжасига чидади. Бундай одамларни “пихини ёрган”лар тоифасидан ҳам дейишади. Чунки у Каримовнинг топшириқларини ҳеч қачон бевосита ўзи бажармади. Доим бировни топди, бировни рўбарў қилди. Аммо нега талабалар шаҳарчасига ўзи келди? Демак, масала анча жиддий, “Ўзинг бориб кел!” – деган топшириқ олмаганда албатта, бу ерга ҳам бориб келадиган “кул” топиларди. Бу воқеадан ўзини олиб қочарди.

Дарҳақиқат, прокурорни у ерга юбориш кимнинг хаёлига келди экан, деб ўйлади Миртемир. Бундай шароитда таҳдидга ўрин борми? Талабаларни қиздириш, бу фитнадир! Демак, юборган одам шуни истаган. Ҳар томондан қуршаб олинган, калтакланаётган, судралаётган одамга “сенинг жазонг ўлим” десангиз, у раҳмат дейди-ми? Ҳали ҳам талабаларимиз инсофли экан! Охирига қадар қувиб бориб, машинасини ағдариб, ўзининг орқасига тепа-тепа ҳайдаб юборишмаганига қуллук қилсин.

-Сиз қайтгандан кейин шаҳарчада нима бўлаётганини ҳеч ким билмай қолди,-деди у ерга бориб келган мухбирлардан бири. Кўп одамни ичкарига киритишди. Ҳатто бир қанча газеталарнинг мухбирлари ҳам ўша ерда эдилар. Қайтишимизда миршаблардан бири сизни ичкарига киритмаганларни постдан четлатишганини айтишди.

Миртемир ҳайрон бўлди. Балки Абдуҳошим Муталовга шикоят қилганим ўз таъсирини кўрсатгандир, деб ўйлади. Йўқ, бу одам бировга танбеҳ беришга кўрқади. Бунинг устига Телерадио қўмитаси раиси “Девондан бутун раҳбарлар шаҳарчага боришсин, деб айтишди. Мен биринчи ўринбосар билан бориб келаман, сиз эса бу ердаги ишларга раҳбарлик қилиб туринг”, деган гапни ўзингизни тополмаганим учун котибага ёздириб кетгандим” деганини эслади. Кейин эса Алимовнинг ёрдамчиси кўнғироқ қилиб, Талабалар шаҳарчасига бориб-бормагани билан қизиқди. Ҳар ҳолда нимадир бор. Майли, ҳозирча муҳими бу эмас. Муҳими репортажларни халққа кўрсатишдир.

Миртемир хонасига қайтгандан кейин Олий кенгаш раиси телефон қилди:

-Сизни ҳам қийнаб қўйдик,-деди у, мен қийналиб кетдим, деган оҳангда.

-Халққа бирор гап айта олмасак, ана у қийин,-деди Миртемир.

-Сизга нима? Ҳайитбоев ишнинг ичида, ўринбосари Мусаевни комиссияга қўшдик. Ана уларнинг виждони қийналсин. Қолаверса, бугун бериладиган барча кўрсатувларни комиссиямиз аъзоси сифатида ўртоқ Мусаев кўриб чиқсин. Биласиз, бир иш юзасидан тергов бошланса, унга ҳеч кимнинг ҳалақит қилишга ҳаққи йўқ. Биз ҳам текширув олиб бораёпмиз. Комиссиямиз фаолияти боши берк кўчага кириб қолмаслиги учун ҳар турли тадбирлар олишимиз керак. Эшитишимча, сиз Талабалар шаҳарчасига мухбирларни олиб борибсиз?

-Мухбирларнинг бориб-бормаслиги сиз учун воқеа эмас, лекин бир миллатвакилининг миршаблар томонидан йўлдан қайтарилиши сизни қизиқтириши керак, чунки раисимиз бўласиз.

-Сиз бормасангиз ҳам воқеаларга аралашганингизни биламиз. Бундан бу ёғига эҳтиёт бўлинг,-деди Йўлдошев ва қўшимча қилди.-Ислом аканинг топшириғи билан ҳозир Бош вазир ўринбосари Эркин Самандаров етиб боради. Мусаевдан кейин кўрсатувларга назар ташлайди ва лозим топса, ахборотда чиқиб гапиради.

Эрталаб бошланган бу ҳангома кечгача давом этди. Ниҳоят тоқати -тоқ бўлган Миртемир девон котибиятининг бошлиғига телефон қилди:

-Илтимос, кириб Каримовга айтинг, кўрсатувларимизга цензура қўйишаяпти. Бу хабар дунёга ёйилди. Оқшом Москва ҳам кўрсатади, бизнинг жим туришимиз жинойат бўлади,-деди.

-Ҳозир шунинг маслаҳати бўлаяпти,-деди котибият бошлиғи. – Каримовнинг ҳузурида шу хусусда мажлис ўтказилмоқда.

Бироздан кейин яна Йўлдошев телефон қилди:

-Ҳаммасининг дами чиқиб кетди. Бу масалани эртага ҳал қиламиз. Бугун ҳукумат комиссияси тайёрлаган хабар билан комиссия рўйхатини эълон қилинг,-деди у.

-Ўттиз иккита исм-шарифни ўқишдан нима маъно чиқади? Қон тўкилгани, талабаларни отишга ким рухсат бергани, неча киши ўлгани ва неча киши ярадор бўлгани, бунинг айбдорлари кимлиги – бу саволларга бугун жавоб беришимиз керак!

-Майли, буни Ҳайитбоев билан гаплашамиз, – деди Йўлдошев ва бошқа телефон жиринглаётганини айтиб, суҳбатни кесди.

53. Ҳайитбоев

Орадан беш дақиқа ўтар -ўтмас Миртемирнинг хонасига Ҳайитбоев кириб келди:

-Нега мendan сўроқсиз камера юбордингиз?-деди у ҳовлиқиб.-Менга Ислом аканинг ўзи телефон қилиб, камера-памерангни йиғиштир деб айтдилар. Ҳатто мени “латта” дея ҳақорат қилдилар, раҳматли онамни ҳам тинч қўймадилар.

-Сиз ўзингиз нега бир неча марта бориб келдингиз-у камера олиб бормадингиз. Сиз ва менинг вазифам у ерга бориб келишдан иборат эмас. Биз хабарчимиз. Халқни воқеалардан хабардор этишимиз керак. Агар бу ишни удалай олсак, асосий вазифани бажарган бўламиз, адолатсизликнинг йўлини кесамиз, ўйинлар учун имкон қолдирмаймиз. Ҳозир эса вақтдан бой бераяпмиз, ёлғоннинг гуллашига йўл очаяпмиз,-деди Миртемир.

-Укажон, бу ер сизга Олий мажлиснинг минбари эмас,-деди Ҳайитбоев.Бу фикрингизни мажлис минбаридан айтсангиз бировга фойдаси бўлиши мумкин. Бу ерда эса давлат нима деса, ўшани қиламиз,-бўш келмадиҲайитбоев.

-Сиз ҳам шу давлатнинг бир парчаси эмас-ми? Фикрлашга ва тўғрисиани танлашга ҳаққингиз йўқ-ми?

-Оиламизда ҳаққимиз бор. Бу ерда эса оиламизнинг раиси Президентимиз. У киши халқимизга ёмонликни раво кўрмайдилар. Тўғрисиани танлайдилар.

Ҳайитбоевни кулгичлари доим кулиб тургани учун у худди масхара қилиб гапираётгандек туюлса-да, бу гапларни жиддий оҳангда айтаётганди. Миртемир ўйланиб қолди. Ё мен бошқа бир дунёдан буларнинг орасига тушиб қолдим ёки булар ҳақлару мен ўжарман. Ҳозир яна бироз тортишсак, жанжаллашиб қолишимиз аниқ, индамай қўйсам бора-бора индамасга айланаман. Баъзиларига шу билан барабар бўлиб ўтираманми, дея қўл силтайсан, айримларининг ошқовоқ каллаларига бир калима ҳам сингдиrolмай хуноб бўласан, мана бундайлар эса бетон девордек гап: бош урсанг бошинг ёрилади, сўзинг ўзингга қайтади, асабийлашиб жиғибийрон бўласан. Лекин барибир кимлигини юзига айтиб, башарасини ойнада кўрсатиб қўйиш керак.

-Майли, отангиз ҳам оилангизнинг раиси ҳам Каримов бўла қолсин, лекин ўқ еган, қони тўкилган, ўн гулидан бир гули очилмаган ёшда ўлдирилган талаба ўғлингиз бўлса-чи?

Ҳайитбоев чўчиб тушди:

-Оғзингиздан бу гапни шамол учирсин! Худо сақласин, деб гапирсангиз-чи, ука.

Ҳайитбоев шундай деди-да, нимадир ёдига тушгандек “Кечирасиз, бир телефон қилай”, дея Миртемирнинг ўрнига ўтди. У уйига телефон қилаётган экан.

-Ўғлинг келдими? – деб сўради у. “Ҳа” жавобини олди шекилли:-Уйдан чиқмай ўтирсин, ўртоқларимникига бораман деса ҳам рухсат берма, ҳаммаёқда... – деди-ю гапининг давомини бўғзидан ташқарига чиқармади.

-Ҳаммаёқда отишма бор демоқчи эдингиз, уйингиздагилар таҳликага тушиб ўтирадилар. Ҳаммаёқни миш-миш хабарлари эгаллайди, телевизорда эса концерт, – деди Миртемир кесатиб.

-Концертларни бекор қилиш ҳақидаги буйруғингиз ички низомга қарши бўлса ҳам бекор қилмадим. Ёшсиз, янги раҳбарсиз, жамоанинг ёнида уялиб қолманг, дедим.

Шу пайт котиба қиз кириб, мухолифатдан бир гуруҳ келганини ва раис билан учрашмоқни талаб қилаётганларини айтди.

-Мен Мусаев билан репортажларни кўришим керак. Ҳозир Самандаров ҳам келадилар. Сиз бу масала билан эрталабдан буён шуғулланаяпсиз, ҳамма гапдан хабардорсиз. Улар билан учрашсангиз. Қолаверса, ўзингизнинг одамларингиз,-деди Ҳайитбоев ҳам киноя билан. Миртемир унинг киноясига шиддатли бир қараш билан жавоб берди-да қабулхонага чикди. “Тўмарис”нинг тиниб-тинчимаган аёллари келишганди.

-Биз ҳукуматга мотам куни эълон қилиш таклифи билан чикдик. Мотам қаёқда, байрам қилишяпти, – дейишди.-У томонда болаларимизни ўлдиришяпти, бу томонда сизлар концерт кўйиш билан оворасиз.

-Мотам фикрингизни қўллайман, лекин концерт қўяётганимиз йўқ. Концерт ва ўйин-кулги дастурларини бекор қилганман. Кечкурун, Худо хоҳласа, воқеалар ҳақидаги репортажларни намойиш этамиз.

-Худо хоҳласа-ми ёки Каримов хоҳласа-ми?

Миртемир ҳеч нарса демади. Ростдан ҳам Каримов хоҳламаган бўлса керакки репортажларни кўрсатувдан олдин қараб чиқишга қарор қилишди. Нима бўлса ҳам мужодала қиламиз, репортажлар, албатта кўрсатилади, деб ўйлади Миртемир.

Аёллардан бири:

-Аллоҳ мададкор бўлсин, бу даҳшатни халққа кўрсатинг. Ҳамда бу концертларга чек қўйинг. Биз эса бу масалада сизга керакли ёрдамни берамиз,-деди.

Улар ҳукумат идораларига ҳам боришганини, Талабалар шаҳарчасида ўқ отган қотилларга қарши норозилик намойиши ўтказганларини, бу масалани мутлоқ охирига етказажакларини айтиб, чиқиб кетдилар.

Хайриятки, шундай инсонлар бор, деб ўйлади Миртемир. Агар улар ҳам фақат ўз ўғил-қизларини ўйласалар ва бутун эрklarини теппадаги битта одамга бериб қўйсалар, ана унда олам гўристон бўлади. Бу аёлларнинг ҳар бири оиласида она, фарзандларининг ташвиши билан югуради, яна қаердадир ишлайди ҳам. Шунга қарамай адолат излашади. Бу адолатни ўзлари учун излашади-ми? Йўқ, шу халқим ҳам бошқалар каби ойдинликда яшасин, нурга илҳак бўлмасин, зулм остида эзилмасин, дейишади. Халққа, Ватанга бўлган муҳаббат юракларида чўғга айланган. Бу чўғ қалбларини ёндириб туради. Шу оташдан куч оладилар. Баъзилар уларни англамайдилар. Ўтганнинг ўроғи, кетганнинг кетмони билан иши бор буларнинг, дейишади. Ҳа, ишлари бор. Ўша ўроқ миллатнинг бошини кесмасин, ўша кетмон инсонлар оёғининг остини ковламасин, дейишади. Оз бўлсаларда, хайриятки, улар бор.

54.ҚОН

Каримов ховлиққансифат қиёфада эди. Бир томондан бўлаётган воқеалардан кўнглида ғурур ҳис этаётганди. Куч нима эканлигини кўрсатиб қўйишга фурсат етди деб ҳисобларди. Иккинчи томондан эса кўнглининг бир бурчини босиб олган қора булут тарқалмаётганди. У Алимов ва Саиджонни чақирди.

-Кичкинагина воқеа бўлади, лекин унга катта сиёсий тус берамиз, дея оғзингиз қулоғингизда эди. Хўш, нима бўлди? – деди уларга воқеаларнинг ҳақиқий аҳволини билиб олиш учун иккаласини ҳам бирдан тўпнинг оғзига қўяркан.-Тагингизни ҳўл қилиб

қўйдингиз. Воқеалар назоратингиздан чиқди. Нега ҳодисалар бу қадар кенг ёйилди? Ички ишлар вазирлиги нима қиляпти? Хавфсизлик қўмитаси қаерда?

-Ҳаммаси шу ерда. Талабалар шаҳарчасида уч-тўрт ҳаракат бирлашиб кетди,-дея сўз бошлади Алимов.-Мирсаидов мафия орқали бир гуруҳ талабаларни ишга солди. Халқ ҳаракати эса сайловда қатнаша олмаганидан норози эди. Эрк партияси ҳам талабалар орасида иш олиб бораётган экан. Уларнинг вакиллари талабаларнинг олдига тушиб миршабларга тош отишди, ОМОНчиларни калтаклашди. Бунинг устига қаердандир диндорлар ҳам келиб қолишди. Бирданига ҳаммасининг кимлиги ўртага чиқди. Воқеаларни назоратга олдик. Айбдорларни ўртага чиқарамиз.

-Бўлди ўзингизни қутқариш учун даров баҳоналарни тахламанг,-унинг сўзини кесди Каримов,-Игначининг минг ургани, темирчининг бир ургани, дейишган. Дафтарингизни очинг ва ёзинг:

1.Пойтахтда фаоллар мажлисини чақиринг. Мен ўзим гапираман, сизларга гапиришни ҳам ишониб бўлмайди. Радио ва телевидение мажлисни жонли равишда кўрсатиб, эшиттиришсин. Газеталар асосий диққатни шу масалага қаратсинлар.

2.Талабалар шаҳарчасида профессор-ўқитувчилар билан учрашув ўтказаман. Шу баҳонада тузумимизга қарши бўлган душманларни ҳам аниқлаймиз. Зиёлилар орасидаги ажриқларни юлиб ташлаймиз.

3.Пойтахтдаги, тўғрироғи, Талабалар шаҳарчасидаги университет ва институтларни вилоятларга кўчириш ҳақида фармон лойиҳаси тайёрланг.

4.Шаҳарчадаги талабаларни шошилиш равишда қишлоқларига, уй-уйига жўнатинг. Транспорт вазирлиги ҳамма ишни йиғиштириб, шу масала билан шуғуллансин.

5.Жамоатчилик вакиллари, депутатлар, муҳолифат иштирокидаги комиссия рўйхатини тузинг. Бегона одамлар комиссияга кирмасин. Комиссия асосий диққатини “қора кучлар”ни ўртага чиқаришга қаратсин.

6.Ёзувчилар, шоирлар ва олимлар ҳар окшом телевизорга чиқиб “қора кучлар”нинг кирдикорлари ҳақида халққа гапириб берсинлар. Улар ҳам ўзларини кўрсатсинлар. Қачонгача текин еб ётишади?

7.Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва Миллий хавфсизлик қўмитаси бу хусусда жиноий иш очсинлар. Бутун душманларимизни йўқотиш учун бу воқеадан фойдалансинлар. Бундан кейин муҳолифат деган сўзни эшитишни истамайман.

8.Пойтахт ва марказий шаҳарлар яқинида махсус баталонлар тузиш ишини бошланг. Унга ерли халқдан одам олманг.

Саиджон, сени бугундан эътиборан ўзимга маслаҳатчи этиб тайинлайман. Ҳозирок фармонни тайёрлаб кел, қўл қўяман. Бу ишларнинг ҳаммасини ўзинг юритасан, Алимов билан маслаҳат қилиб турасан. Ҳар бир қадамингиз ҳақида мени хабардор қиласан, – деди. Алимов жиянининг катта мансабга эришганидан мамнун бўлди. Каримовни кучоқлаб ўпкиси келди. Лекин хурсандчилигини яширишга уринди.

-Ҳайитбоев телефон қилганди. Миртемир ҳамма ишга аралашаяпти. Шаҳарчадаги воқеаларни сувратга олдирибди. Котибият бошлиғига эса буларни Москвага юбораман, окшом тамоша қиласиз, дебди.

Бу гапни эшитган Каримовнинг қони қайнади. Қайнаган қон юзига урди. Қовоқлари бирданига шишиб чиққандек бўлди. Вужудида ҳаракатга келган бу кучни муштира туплади-да зарб билан столнинг устига урди.

-Шу болани йўқотиш оғир иш-ми? Қўлингиздан келмайди-ми? Талабалар шаҳарчаси воқеаларига боғланг, гум бўлиб кетсин! – деди.

-Қўлимизда бир ҳужжат бор. Полковник Урайимжон Абдуғаниевнинг одамлари топшириғингиз билан Мирсаидовнинг жиянини қўлга туширишганди. Уни телевизорда кўрсатмаслик учун Мирсаидов Миртемирга бир миллион сўм пул берган -дея Алимов фурсат етди, мусофир кетди қабилда калласининг бир четига “яшириб” юрганини ҳаракатга қўйди.

-Йиғиштир бу ёлғонингни, у бола бир миллион у ёқда турсин, бир сўм олмаслигига биздан бошқа ҳамма ишонади. Шунинг учун баҳона ҳам улар ишонадиган тарзда бўлиши керак. Қолаверса, қитмир Мирсаидовнинг бировга пул бермаслигини, балки пул олишини ҳам ҳамма яхши билади. Урайимга айт узоқроқдан, Миртемирга яқин одамлардан топсин. Керак бўлса Миртемирнинг яқин одамларини қўлга тушириб, уни халққа кўрсатишга уринсин. Қарабсанки, Миртемир тузоққа илинади. Кейин икки-уч депутатнинг номидан Миртемирни фош этувчи мақола чиқарасизлар. Ундан у ёғига машинанинг ўзи юриб кетади. Каримов Алимов ва Саиджонга жавоб бериб юборди-да, Жўрабеков билан Мавлонни чақирди:

-Олий таълим вазирини, Талабалар шаҳарчасида студентлари яшаган ректорларни ишдан оламиз. Бу воқеа нафақат менга, балки сизларга ҳам, бутун тузумимизга ҳам қарши исёнди. Бурнимизнинг остида бомба турганини кўрмаганмиз. Яхшиям-ки талабаларнинг биз томонга қараб юриши тўхтатилди. Агар улар назоратдан чиқариб юборилсалар Фарғона, Паркент воқеалари бунинг ёнида ҳолва бўлиб қоларди. Барча муҳаррирлар ва таниқли ёзувчиларни чақириб гаплашинг. Бу исённинг моҳиятини халққа тушунтириб беришсин. Ҳар бир вилоят, ҳар бир туманда фаоллар мажлиси ўтказинг. Ҳар бир талабанинг ота-онаси билан гаплашинг, миршаблар бориб сўроқ қилишсин. Қариялар, таниқли инсонларнинг халққа мурожаатларини ташкил қилинг. Бир сўз билан, жумҳуриятни оёққа турғазинг. Дарвоқе, Алимов ва ана у Саид деган боланинг ҳаракатларидан хабардор бўлиб турунглар. Анча маккор болага ўхшайди. Талабалар орасида одамлари кўп. Шу сабаб ҳозирча уни маслаҳатчи қилиб тайинлашга қарор қилдим. Шу соатдан эътиборан сизга уйқу йўқ. Хушингизда ҳам, тушингизда ҳам шу масала билан шуғулланасиз, – деди.

Каримов “Ҳасан-Ғани”ларини чиқариб юбораркан Мақсад Қулни чақирди:

-Москвани нима қиламиз? Алимовнинг айтишича, Талабалар шаҳарчасидаги воқеаларни Миртемир сувратга олдирибди ва Москвага жўнатибди.

-Тўғри, мен ҳам эшитдим, унинг ўзи бу ҳақда котибият бошлиғига айтибди.

-Бу болани назоратга ол, дегандим. Қани унинг ёнига ўзимнинг одамимни юбораман, дегандинг? Нега воқеалардан хабарсиз қолаяпмиз?

-Юборгандим, ишга олмади. Пора истаганга ўхшаб кўринди.

-Истаган бўлса, нега бермадинг? У бола сендан ақллироқ чиқиб қолди. Юборган одамнинг жосус эканлигини пайқаган-ки, ишга олмаган.

Мақсад Қул типирчилаб қолди. Нима қилиб бўлса ҳам бу чигалликнинг ичидан чиқиб қутилиши керак эди. Ёлғон гапирганди, Каримов сезиб қолди. Ёлғони шапалоққа айланди. Нима қилиш керак? Бирданига хаёлига янги фикр келди.

-Менимча Миртемирнинг ўзини Москвага жўнатиш керак. У ердаги мухбирларга ҳадяни бу сафар у олиб борсин. Шаҳарчадаги воқеалар “қора кучлар” томонидан уюштирилган исён эканлигини у ердагиларга тушунтириб берсин. Бир соат олдинги учоқда Халқ ҳаракати вакилларида бир қисми Москвада матбуот конференцияси ўтказиш учун жўнаб кетишганини ўргандик...

-Кимдан ўргандинг? Нега қўйиб юборишди? Аэропортга телефон қил, учокни қайтаришсин. Керак бўлса, учокда бомба бор, деб айт. Барча кучларни бу ишга сафарбар қил. Миртемир ҳақидаги фикрингга эса қўшиламан.

Каримов Мақсад Қулга “Натижадан мени хабардор қил” деди-да, Миртемирнинг телефонини қидира бошлади. Тополмагач, Крайновга айтиб Миртемир билан боғланди:

-Укажон, сиз учун учокни ушлаб турибмиз. Бугуноқ Москвага йўл олинг. Талабалар шаҳарчасида сувратга олинган ленталардан ҳам фойдаланинг. Мамлакатимизнинг шарафини қутқазинг масаласини сизга топшираяпмиз. Эртага эрталаб у ерда матбуот конференцияси ўтказасиз. Мен ўзимнинг барча ваколатларимни сизга бераяпман. Менинг номимдан дунёга мурожаат этинг. Хуллас, мустақил эканлигимизни кўрсатиб қўйиш керак. Ҳозир мен Зиёмовга айтаман, сизни шахсан кузатиб қўяди. Бу орада, албатта, Виктор Ченга учрашинг, – деди.

Миртемир студияга Эркин Самандаров келгани ва кўрсатувларни тўхтатиб қўйишаётгани ҳақида шикоят қилди:

-Улар халқ душмани,-деди Каримов.-Қайси бири билан шуғулланай? Ана шуларнинг фитналари оқибатида талабаларга қарши ўқ отилди. Керак бўлса, бир йигитнинг йиқилиши бир давлатнинг йиқилишига тенг. Бир томчи қон билан бир дарё қоннинг фарқи йўқ. Бу инсофсизлар ҳамма қилмишлари учун жавоб берадилар. Сиз улардан кўрқманг ва чекинманг. Бугун барча репортажларингиз кўрсатилади. Мана мен буюраяпман. Сиз эса йўлга чиқинг!

Кўп ўтмай Мақсад Қул ҳовлиқиб кириб келди.

-Агар учокда бомба бор десак, уни қўшни жумҳуриятга қўндиришар экан. Чунки бизнинг чегарамиздан чиқибди,-деди.

-Кейинги учок қачон?

-Эртага.

-Бўпти, Зиёмовга айтинг Миртемирни шахсан ўзи кузатиб қўйсин. Чен эса Москвадаги мухбирларнинг ҳақини бериб юборсин. Хасислик қилиб ўтирмасин. Мухбирлар ҳам ёмон ўрганишди. Вақтида ҳақларини олиб туришмаса, дарров танқид қилиб ёзишни бошлашади. Каримов Мақсад Қул билан бирга хонасидан чиқаркан, ташқарида оқшом чўкканди. У котиблар ўтирадиган жойдан бўйнини чўзиб ташқарига қаради-да, мажлислар залининг ёнидаги махсус ошхонага кирди. Эшик ёнида кутиб турган хўжалик ишлари мудирини Зелемхонга юзланди:

-Оғайни, нима ичамиз?

-Ҳаммасидан бор.

-Бўпти, ўзимизнинг “Посолский”дан ича қолайлик. Бугун тонгга қадар ишимиз бор. Талабалар шаҳарчасида бегуноҳ болаларимизни ўлдиришди. Бу воқеаларни уюштирган аблахларни топишимиз керак. Ёш-ёш йигитлар нимани билишади? Қаёққа бошласанг ўша томонга бораверишади. Бунинг учун уларни отиш керак-ми? Отганларнинг ўзини отиш керак.

У шундай деди-да, Зелемхонга муғомбирона қараш қилди. Зелемхон бошини эгганча уни тинглади. Бу кўп нарсани билади, деб ўйлади Каримов, лекин қудуқ. Ичига тушган нарса қайтиб чиқмайди. Бундан сув тортиб оламан деган одам ҳам челагидан, ҳам занжиридан айрилади. Ана шундайларни тўплашим керак. Балки Урайимжон билан Алматов “Керак бўлса бир-иккитасининг оғзини қонатиб қўйинглар” деганини бунга айтган бўлишса-чи? Э, йўқ жонлари нечта? Ахир Зелемхоннинг укасини Алматовга ўринбосар қилиб қўйганман.

Бир-бири билан ит-мушук. Оғиздан гап чиқариш у ёқда турсин, бир-бирининг ёнида нафас олишга кўрқишади.

Каримов йирик жангни бошқараётган қўмондонлардек ҳар бир гапи ва ҳаракатини такрор ҳаёл ғалвиридан ўтказаркан, ўзини қушдек енгил ҳис этаётганди. Бироз сархуш бўлганидан кейин эса кучига куч қўшилган кишидек шиддат билан ўрнидан туриб иш хонаси томон юриб кетди. Гандиракляпти, деб ўйлашмасин деган ҳаёлда бошини эгиб оёқларини бир тўғри чизик бўйлаб босганча одимлади. Крайнов эшикни очиб турмаганда, балки боши билан бориб уриларди ёки эшикни очаман, деб бирор жойга урилиб – сурилиб кетгудек бўлса, аламини кўзига кўрингандан оларди.

У тўғри ўрнига келиб ўтирди-да:

-Телевизорни қўй,-деди Крайновга.-Кейин эса чет эл радиоларининг хабарлари жамланган бютени олиб кел ва ўзимизга тегишлиларини ўқи. Барча вазирлар, Хўкиз, Боцман, Берия, Жамила, Қассоб ва Хозяин навбати билан телефон қилиб рапорт беришсин,-деди.

Крайнов ҳамманинг лақабини яхши биларди. Ҳатто ўзининг лақаби “Штирлиц” эканлигидан ҳам хабардор эди. Жўрабеков “Боцман”, Алимов “Берия”, Бош вазирнинг ўринбосари Бахтиёқ Ҳамидов “Девор”, Абдуҳошим Муталов “Тряпка”, Йўлдошев “Хўкиз”, Бугров “Жамила”, Алматов “Қассоб”, Алиев эса “Хозяин”дир. Мақсад Қулни “Копчёнка” деса, Зелемхонни “Бегун” дерди, Бўритош Мустафоев эса “Бакирок”... Хуллас, уларнинг ҳар бирига бу лақаблар дўппи кийгизиб қўйгандек ярашарди. Жўрабеков бармоқ, деса қўл кесиб келадиган, “онангни...” деб ҳақорат қилса, “Қуллуқ отажон” деб турадиган бўлгани, Каримовнинг оғзидан гап чиқмасдан “Лаббай” дегани учун унга “Боцман” “унвони” берилган. Абдуҳошим Муталовни эса бўшлиги, латтақесарлиги учун “Тряпка” дейди. Йўлдошевнинг ҳам кўриниши, ҳам ҳаракатлари ва ҳамда дўриллаши хўкизни эслатарди. Шунингдек, халаҷўп уриб турмаса у на аравани, на қўшни тортарди. Бугров эса мажлисларда маъсум киздек ўтиради, гўшангада куёвни сарсон қилиб, эрталаб қайнонасига шикоят қиладиган келиндек доим ранжида қиёфада бўлгани учун Каримов уни “Жамилам” дер эди, “Сени бу бўриларга ем қилиб қўймайман, Жамила”, дея ҳазиллашарди ҳам. Алматовни эса икки йил аввал кашф қилди. Қассоб харидорнинг кўзига қараб танигани, лаҳм-ми, суяк-ми истаганини ҳис этганидек, Алматов ҳам Каримовнинг кўнглидагини ўқирди. Кимни ўлдириш, кимни йўқотиш, кимнинг оғиз-бурнини қонатиш, кимнинг бошидан дарча очиб қўйиш... хуллас, унга айтишнинг кераги йўқ эди. У молини ҳам, харидорини ҳам таниган қассоб бўлгани учун лақаби узукка мос тушган кўздек унинг “бойлигига” айланганди. Алиев оғир арава. Етти ўлчаб бир кесади. Ипнинг игнасини ҳам, тешигини ҳам яхши билади. Кийимнинг қаердан йиртилиши-ю қаердан сўкилиши, қаерини тикишу қаерини ямаш ҳақида унга айтиш керак эмас. Унга сен хўжайинсан, билганингни қил, десангиз етади. Муҳаммад Қул бўлса бўйи узун, озғинлиги учун қуриб қолган балиқни эслатади. Бўритош Мустафоев мажлисларда худди ашула айтгандек бақириб гапирди. Каримов уни “Бақироғим” дея эркалатади, баъзан. “Бакирок” дея қувади. Лекин барча лақабларнинг ичида унга энг ёққани “Марату” эди.

55. ЭРКИН САМАНДАРОВ

Миртемир Каримов билан гаплашиб бўлгач, ёнидагилар унга ишонишмади. Айниқса, Самандаров иккиланиб қолди. Балки Миртемир бизни чўчитиш учун биров билан гаплашгандир, деб ўйлади. Йўқ, телефон жиринглади ва кимдир уни боғлади. Балки ҳеч ким билан гаплашмаган бўлса-чи? Ахир Каримов менга телефон қилиб “Нима қилсанг қил,

кўрсатувларни йўқот” деди-ку? Нега энди изн берди? Ҳозир Миртемирга ишониб, кўрсатувни ўтказиб юборсам, эртага елкамдаги бошим учиб кетади. Балки ростдан ҳам Каримовнинг фикри ўзгарган бўлса-чи? У ҳолда яна балого қоламан, деб ўйларди Самандаров.

У хаёл сурганча репортажларни томоша қиларкан, аввал Зиёмов Ҳайитбоевга телефон қилди. Ҳозироқ Миртемирнинг Москвага кетиши кераклигини айтди. Кўп ўтмай Мақсад Қул сим коқди. У сафар эрталабга қолганини билдирди.

-Менимча репортажларни кўриб ўтиришларингизга ҳожат қолмади,-деди Миртемир Ҳайитбоев ва Самандаров бошчилигидаги ҳайъатга.-Воқеаларни кўрсатишимизга Ислом аканинг ўзи ҳам қарши эмас. Қолаверса, у репортажларни Москвага ҳам олиб боришимизни истаяпти.

-Тўғри,-деди Самандаров.-Лекин репортажларда бир ёқламаликка йўл қўйилган. Урилган, сурилган, қонга ботганлар кўрсатилибди. Лекин талабалар тош отганда ярадор бўлган миршаблар қани? Нега миршаблар томонидан ҳеч ким гапирмаган? Нега тарозининг иккинчи палласи бўш қолган?

Миртемирга Самандаровнинг воқеани икки қутбга ажратиши ёқмади. Лекин ўзи ҳам репортажларни томоша қилганда ана шундай икки қутблилик ҳақида фикр юритмаганмиди? Мана энди ҳукумат раҳбарларидан бири буни тан олаяпти.

-Миршаблар зулм ўтказувчи томон, – деди Миртемир. – Улар талабаларни кўриклашлари керак аслида. Ҳар қанча ҳақ бўлмасинлар ёш болаларга қарши ўқ отишлари керак эмас эди. Улар душман ёки душмanning болалари эмас. Улар бизнинг тинч болаларимизга, укаларимизга, сингилларимизга қарши ўқ отдилар, қон тўқдилар. Шу боис бу ерда уларнинг номидан сиз гапиришингиз керак. Мен эрталабдан буён тарозининг иккинчи палласини тўлдиришга уринаман, лекин тарозида турадиган одам йўқ.

-Депутат бўлсангиз ҳам, бироз ўйлаб гапиринг,-деди қизишиб Самандаров.-Одам йўқ, деганингиз нимаси? Мана мен келиб ўтирибман.

-Унда жуда ҳам яхши, демак, тарозининг иккинчи палласи ҳам тўлди, мувозанат сақланди. Репортажни берамиз, орқасидан сиз гапирасиз.

-Мен ҳукумат номидан гапираман, – қизишди Самандаров. – Бугун воқеага ҳукуматнинг қарашини баён этайлик, эртага эса миршаблардан бирини ёзиб олинглар, мана бу репортажнинг баъзи қонли ерларини монтаж қилинглар. Ундан кейин экранга олиб чиқинглар. Мана мен ҳам осмондан тушганим йўқ, неча йилдан буён ижод қиламан, шеър ёзаман, дoston ёзаман... Халқнинг руҳиятини яхши биламан. Халқимиз бу репортажни ҳазм қилолмайди. Сайловни кўрдингиз, аксарият одам президентимизни қўллаб-қувватлади. Шундай шароитда халқни талабаларга қарши қилиб қўйиш тўғри бўлмайди. Бу воқеани халқ исён деб қабул қилиши ва талабалардан норози бўлиши мумкин. Бу масаланинг биринчи томони, иккинчидан эса миршаблар бизнинг посбонларимиз, уларни ёмон отлиқ қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Агар миршабларга бўлган ишонч емирилса, тузумимизга ишонч йўқолади. Учинчидан эса, бу репортажлар давлат комиссияси ишига жиддий таъсир кўрсатади.

Миртемир бу шоирнинг иккиюзламачилиги ҳақида кўп эшитганди. Вилоятда ишлар экан, бирданига ҳукуматнинг тепасида пайдо бўлиши кўпчиликни қизиқтирганди. Ўшанда Миртемир ҳам бунинг сабабини суриштирганди. Каримов у ишлаётган вилоятга борганда, мажлисда сўз олиб, унга бағишланган шеърини ўқибди. Кейин эса бу шеърни бир ашулачига ёдлатган экан, уни саҳнага олиб чиқибди. Орқасидан Каримовнинг қўлига

вилоят газетасида босилган “Президентимиз -маданиятимизнинг посбони” сарлавҳали мақоласини қистирибди. Кўп ўтмай пойтахтга чақирилибди...

-Масъулиятни мен бўйнимга оламан, – деди Миртемир.-Бугун репортажни ва сизнинг шарҳингизни эълон қиламан, эртага эса миршаблардан интервью оламиз. Илтимос, студияга кириб, фикрларингизни ёздирсангиз, жонли равишда чиқмасангиз керак, ҳар ҳолда. Кўрсатувнинг вақти ўтиб кетаяпти.

Миртемир шундай деди-да, йигитларга кўрсатувни бошлаймиз, деган ишорат берди. Самандаров ўрнидан туриб, ҳукумат телефонининг ёнига келди ва Абдуҳошим Муталовга сим қокди:

-Миртемир укамиз Ислом акадан рухсат олдим, Талабалар шаҳарчасидаги ур-йикитларни, ўқдан ярадор бўлганларни халққа очиқ кўрсатамиз, деяпти. Менимча, буни кўрсатиб бўлмайди. Эртага воқеаларни идора қилолмай қолишимиз мумкин. Миршаблар студияга бостириб келсалар, нима деймиз? Биз қаршилиқ қилдик, лекин Миртемир укамиз депутатлигини пеш қилаяпти.

Самандаров телефон дастасини қўйиши билан Миртемир унинг ёнига келди ва жаҳл билан:

-Эркакнинг ишини қилмадингиз. Мен сизга депутатлигимни рўқач қилганим йўқ. Бу хусусда гап ҳам бўлган эмас. Оддий бир инсон сифатида фикримни айтдим. Қолаверса, мен вазифамни бажараяпман, сиз эса халақит қилаяпсиз,-деди.

-Сиз мени эркак эмас дедингиз, ҳақорат қилдингиз. Бу депутатлик вазифасини суиистеъмол қилиш эмас-ми? Халқ берган ишончни ўзингизга қалқон қилаяпсиз.

-Минг афсуски, депутатлик шаънига ярашмайди, дея сизни яхшилаб ҳақорат қилолмаяпман. Чунки сиз бетингизни чарм қилиб, шунча одамнинг олдида ёлғон гапирдингиз.

Самандаров тиржайганча хонада у ёқдан бу ёққа юрди-да, Ҳайитбоевга юзланди:

-Қани сиз айтинг, мен туҳмат қилдим-ми?

-Менимча, Миртемир укамиз қизишиб кетди. Сиз бор гапни айттингиз. Кўраяпсиз менинг ваколатимни ҳам қўлимдан олиб қўяптилар. Ваҳоланки, мен ҳам сизнинг фикрингизга қўшилиб, бу репортажни тўхтатмоқчиман.

Миртемир индамай чиқиб кетди. Репортажларни кўрсатувга ҳозирлашни буюриб қайтганида хонасида Абдуҳошим Муталов ўтирарди.

-Самандаров эмас, мен чиқадиغان бўлдим,-деди у.-Ислом ака мени юбордилар. Репортажларни эса эртага берарканмиз. Бугун қисқагина кўрсатиб, реклама қилар экансиз, ўшанда эртага ҳамма тўпланиб томоша қилади.

-Халқнинг тавқи лаънати кўтариш оғир. Сизлар шунга ўрганган бўлишларингиз мумкин.Агар шу репортаж берилмаса, истеъфомни қабул қилинг!-дея эшикни ёпиб, чиқиб кетди Миртемир.

Улар репортаждан бир қисм кўрсатиб “Эртага бу ҳақда батафсил ҳикоя қиламиз”, деб эълон қилишди. Ўзларича на сихни ва на кабобни куйдирган бўлишди.

56.МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ

Миртемир эрталабгача ухлай олмади. Саҳарлаб уйининг ёнига машина келди. “Москвага боролмайман” дея машинани қайтариб юборди. Кўп утмай Крайнов телефон қилди.

-Каримовга айтинг мени қабул қилсин. Истеъфо бермоқчиман, – деди Миртемир.

-Узр, бу масалаларга биз аралашмаймиз. Бу жиддий масала, йўлини топиб, ўзингиз учрашинг. Бугун пойтахтда фаоллар йиғилиши ўтказадилар. У ерда учрашишингиз қийин,

чунки жуда ҳам банд бўладилар. Менимча, Москвага бориб келинг. Эрта эмас, индин Талабалар шаҳарчасидаги Маданият саройида профессор-ўқитувчилар билан учрашадилар. Ўша ерда гаплашасиз, – деди Крайнов.

Дарҳақиқат, бу бир имконият, деб ўйлади Миртемир. Москвада матбуот конференцияси ўтказиб, бўлаётган гапларни дунё жамоатчилиги олдига қўяман. У ана шу фикр билан йўлга чиқди. Москвада жумҳурият тамсилчиси кутиб олди.

-Президент шахсан телефон қилиб, матбуот конференциясини бекор қилдилар. Сиз олиб келган нарсаларингизни бизга топшириб, орқага қайтар экансиз,-деди у.

-Нега бекор қилишди? Мен ҳеч нарса олиб келганим йўқ.

-Халқ ҳаракати вакиллари идорамизни қуршаб олишди. Тинимсиз матбуот конференцияси ўтказишяпти, – деди тамсилчи. Миртемир Халқ ҳаракати вакиллари билан учрашиб, бўлган воқеалардан уларни хабардор этди. Кейин шу куниёқ ортга қайтди. Келса, телевидение тинимсиз равишда Каримовнинг фаоллар мажлисидаги нутқини такрорлаб кўрсатаётган эди. У мажлисда шу қадар жўшиб гапирибди-ки, Миртемирнинг ҳам вужуди титради. Бу унга ишончданмиди ёки нафратданмиди, ўзи ҳам англаб етмади.

Каримов ҳамма орзу қилиб юрган гапларни гапирганди:

“Бирлик” Халқ ҳаракати ва Эрк партиясининг битта мақсади бор. У ҳам бўлса Ватанига, миллатига хизмат қилишдир. Агар ана шу йўлдан боришса, халққа хизмат қилишса мен исломга ҳам, мафияга ҳам йўл бераман.

Эй, одамлар! Олти ой, етти ой сабр қилинг, август-сентябргача сабр қилинг. Тиз чўкиб сурайман, сўнг ҳаётимиз фаровон бўлади. Мен сизларга ҳаётни жаннат қилиб бераман. “Қора кучлар”дан биринчи навбатда талабаларни, сўнг сизни қутқазаман.

Қотиллар топилади ва жавобгарликка тортилади. Ўқ еган йигит менинг ўғлимдек, азоб чекдим. Унинг юртига бориб, қабрга ўзим қўяман ва унинг хуни учун қотиллардан ҳисоб сўрайман...”

Каримов айниқса Исо Холис юборган телеграммани ўқиб берганда ўзида чексиз ғурур ҳис этганди:

“Мана бу йигит мард экан. Сайловда ютқазди. Буни мардона тан олиб мени қутлади. Раҳмат унга ҳақиқатни тан олгани учун!”

...Миртемир Талабалар шаҳарчасидаги Маданият Саройига келди. Учрашув кичкинагина хонада бўлди. Каримов бу ерда ҳам фаоллар йиғилишидаги гапларини айнан такрорлади. Домлалардан айримлари уни қўллашди.

-Менда бир савол бор,-дея ўрнидан турди ҳажвчи Мухтор Худойкулов.

Миртемир уни яхши танийди. Университетга кирганида илк дарсда шу домла билан танишганди. Ўшанда Мухтор Худойкулов эркин мавзуда иншо ёздирди. Эртасига эса беш кишини ўрнидан турғазиб “Сизлар университетга танқасиз киргансизлар. Қолганларнинг эса орқасидан итарган танқаси бор”, деди. Миртемир ҳам ўша беш кишининг ичида эди. Қолганлар домладан ранжиган бўлишди.

-Ҳақиқат аёвсиз ва ранжитувчи бўлади,-деди Мухтор Худойкулов.-Ҳақиқатни ҳимоя қилувчилар ўжар, чўртқесар, қизиққонга ўхшаб кўринадилар. Аслида эса улар бундай эмас. Уларни шу тарзда кўришга истаганлар учун орзуларини рўёбда тасаввур қиладилар. Мен хулосамни осмондан олганим йўқ. Ҳар бирингиз ичингизда қандай билди экан, деб ўтирибсиз. Лекин айни пайтда мени ёлғончи ҳам деяпсиз. Жамиятимизнинг инқироzi ана шунда, ичимизда бошқамиз, ташқарида бошқамиз.

Мухтор Худойкулов кўпинча масал ёзарди. Масал орқали ҳайвонларнинг тили ва образида ҳамма гапни айтиш мумкин. Балки шунинг учун ҳам у хушчакчақ одам эди. Ўзини

ўйлантираётган ва қийнаётган дардларни масалларга тўкиб, енгил тортарди. Мана энди у биринчи бўлиб Каримовни саволга тутмоқда.

-Талабаларни отишга ким рухсат берди? Сиз мамлакатнинг бошида ўтирибсиз, бу нарсани билишингиз керак.

-Ёшингиз неччида? – сўради Каримов ундан.

-Сиз билан бир йилда туғилганмиз,-деди у.

-Э, яшанг Мухторжон! Тенгқур эканмиз, қани айтинг-чи, нега талабаларни қайтариб қолмадингиз?

Каримов ўзига хос “манёвр” билан Мухтор Худойкуловнинг саволини четлаб ўтиб, ўзини нишонга олди.

-Журналистика факултетининг талабалари очлик эълон қилишди. Уларга “Болаларим, тўққиз қатли бинонинг устида ўтираверманг, бўйрагингиз шамоллаши мумкин”, дедим.

Мухтор Худойкулов гапини Каримов бўлди:

-Уларнинг буйраги эмас, мияси шамоллаган, миясини даволаш керак! Билдингиз-ми, Мухторжон. Буйрак шамолласа, гўр ҳам чалмайди!

-Гўр чалиш, чалмаслиги нималигини билмадим-у, Лекин...

Унинг гапини яна Каримов кесди:

-Мана менинг ҳам буйрагим касал...

Энди Мухтор Худойкулов Каримовга мувоҳаза қилди:

-Бизга келажакда буйраги соғлом раҳбарлар керак. Ўшанда уларнинг мияси ҳам шамолламайди.

Каримов тушунди-ю тушунмасликка олди. Олимларнинг ичида у билан ади-бади айтишни истамасди. Кичик залда тикилиб ўтирган домлаларнинг баъзилари Мухтор Худойкуловга қойил қолсалар, айримлари бу ўжарлигини қўймади-қўймади-да дегандек, бош силкишди. Бирдан залда шивир-шивир бошланди. Ташқарида юзларча талабалар тўпланишибди. Каримов билан кўришмоқни талаб қилишаётган экан. Уларнинг вакили сифатида Марат Зоҳидов билан “Бирлик” Халқ ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири бўлган Шухрат Исматуллаев ичкарига таклиф қилинди. Аввал Марат сўз олди:

-Мен нон дўконининг ёнида тургандим. Нон келмагани учун талабалар норози бўлишди. Аста-секин улар кўпайиб кетишди. Шу пайт ОМОНчилар келди. Уларнинг раҳбари менинг ёнимда эди. У киши жуда яхши одам экан. Отишга рухсат берган эмас, балки мени ҳимоя қилиб турди. Ўқ отганлар провакаторлардир, “қора кучлар”нинг одамлари. Телевидение эса миршабларни, Фозилбековни айблаб кўрсатув тайёрлабди. Хайрият-ки, бу кўрсатув экранга берилмади. Умуман, Ислон Абдуғаниевичга тушуниш қийин. Миртемир у кишига қарши Олий мажлисда тўнтариш ҳозирлади, у кишини шарманда қилувчи баёнот тарқатди, мажлисда ҳақорат қилди, лекин уни олиб келиб телевидениега раҳбар қилиб қўйдингиз. Мана энди фақат сизга эмас, юртимизга душманлик қилапти. Ҳозир Москвада ўтириб, матбуот конференцияси ўтказаятган экан...

Миртемир индамай ўрнидан турди. Унга кўзи тушиб қолган Марат:

-Мана бу ерга ҳам етиб келибди,-деди.

Миртемир сўз сўрагани, Каримов:

-Бу ерга талабаларни тинглашга келдик,-деди ва Исматуллаевга сўз берди. Кейин вазир, ректор ва яна бир неча кишини ишдан олажагини айтиб, ташқарига чиқди. Миршаблар томонидан қуршаб олинган машинаси эшикнинг оғзида турарди. У бир зумда кўздан ғойиб бўлди.

Миртемирнинг хаёлидан Марат кетмаётганди. Нега бу одам хаёлимдан чиқмай қолди? Дарвоқе, у мендан нима истайди? Нега бу ҳодисаларга менинг номимни боғлашга уринди? Бундан унинг бир манфаати борми?

Дарвоқе, Марат ўзининг фикри билан юрмайдиган одам. У гоҳида Коммунистик партиянинг ибратли танқидчиларидан бирига айланса, гоҳида мухолифатнинг лидерларидан бири бўлади. Ҳар кун қиёфасини ўзгартириб турадиган бу буқаламун юқоридаги акаларининг кўрсатмаси билан турланади. Улардан қандай топшириқ олса, ўша мусиқага ўйнайди, аммо маҳоратли ўйинчи. Уят, ҳаё деган нарсаларни билмайди. Марат деган сўз қаердан менга таниш? Марат... Марат... Ҳа, топдим! “Марату” ривоятидан. Дарвоқе, ривоятдаги Марату билан унинг исми бир-бирига жуда яқин. Маратунинг қилмиши, феъл-хуйдан Марат худди андоза олгандек. Балки Марат Маратунинг бир неча минг йилдан кейин пайдо булган нусхасидир, балки ўзидир. Йўқ, у менга қарши бўлгани учун Маратуга ўхшатайпман. Ахир Марат фақат бугун менга тош отаётгани йўқ-ку?!. Йиллардир у халққа қарши ўйналган ўйинларнинг бош қаҳрамони. Бунинг қўпчилиги яхши билади. Лекин ундан ҳайқишади. Баъзилар эса бир кун менинг ҳам ёқамга ёпишмасин, деб у билан яқинлашишга, дўстлашишга ҳаракат қилишади.

Миртемир ташқарига чиқар экан, хаёлида “Марату” ривояти гавдаланди.

57.МАРАТУ

Самонийларнинг тўнғичи бўлган ҳукмдор тоғ этагида яшаган Мазанги қабиласининг бойликлари қоялар остидаги ғорда эканлигини тахмин қиларди, аммо бу ғорнинг оғзи қаердалигини билмасди. У қабилла бошлиғини, унинг аёлини ҳар қанча қийнамасин, бирор гап ололмасди. Уларнинг икки ўғли бор эди. Бири қийноқларда жон берди, иккинчиси эса ҳукмдорнинг оёғини ўпди. Унинг пулга, мансабга ошиқлигини сезган ҳукмдор аврай бошлади:

“Сени қабиллага раис этиб тайинлайман. Бойликлар қаерда эканлигини айтсанг, бас. Ярмини сенга қолдираман.”

“Отам Мурунта тоғидан олтин кони топганди. Ана шу олтинларни ғорларга яширди. Кириш йўллари хатто бизга ҳам кўрсатмади”.

“Наҳотки, ҳеч кимнинг хабари бўлмаса?”

“Кундуз кунлари отам олтинларни қояларнинг этагига қадар ташитарди, кейин ярим тунда онам билан уларни қаергадир олиб бориб яширарди. Бизга эса бу олтинларнинг ғорларга яширганини ва уларни мерос қолдиражагини айтарди.”

“Дунёда қандай қийноқ, қандай исканжа бўлса отангга ва онангга қарши қўлладим, лекин миқ этишмади. Мен эртага эрталаб узоқ сафарга кетаман, агар сен бу ишнинг уддасидан чиқсанг нафақат бу қабиланинг, балки қўшни қабилаларнинг ҳам хирожини теришни сенга топшираман.”

“Ғор оғзини билса-билса онам билади. Лекин унинг бардоши отамникидан ҳам юксак. Ўлдирсангиз ҳам бир сўз олиш қийин.”

“Аёл зотидан гап олишнинг йўллари кўп. Сен отангга жуда ҳам ўхшайсан. Гавданг, товушинг, кўринишинг қуйиб қўйгандек отангникига ўхшайди. Ярим тунда онангнинг қўйнига кирасан. Унга ҳукмдор бошингга урганини, ҳамма нарсани унутганини айтиб, ғорнинг оғзига олиб борадиган йўлни сўрайсан.”

“Барибир айтмайди. Бунинг устига мен онамнинг қўйнига киролмайман.”

”У ҳолда укангга ўхшаб қийноқнинг қули бўласан. Аввал кўзингни ўйиб оламан, кейин бармоқларингни кесаман. Сўнгра эса шакар томирингга чўғ босаман. Танла, бу азоблар яхшими ёки қабиланинг раиси бўлиш-ми? Истасанг, фармонни ва олтинларнинг ярмига эгалик қилишинг ҳақидаги қароримни ҳозироқ чарм терига ёзиб, қўлингга берай. Белингга боғлаб ол. У сенга куч беради.”

“Онам барибир айтмайди.”

“Оқшом онангни сўроқа чакириб оғзига шароб тўкамиз. Сен қоронғуда унинг қўйнига кирасан. Уни эркалайсан. Нозик туйғуларини жунбушга келтирасан. Мени лаънатлайсан. Бу азоблардан яқин орада қутилишини қулоқларига шивирлайсан. Бутун истакларини қондирасан. Ана ундан кейин олтинлар ҳам, мансаб ҳам сеники.”

Марату ҳукмдорнинг айтганини қилди. Онасидан ғорга олиб борадиган йўлни ўрганиб, чодир ташқарисида пойлаб турган ҳукмдорнинг ёнига югурди.

”Сен мард бола экансан. Менга кўп фойданг тегади. Бу қабиллага раис қилиб қўйсам, ноинсофлик қилган бўламан. Сени ўзимга хазинабон этиб тайинлайман. Халқдан солиқ йиғасан.”

”Қуллуқ, қандай амрингиз бўлса, ҳаммасини бажараман.”

”Ундай бўлса ота-онангни йўқот. Ўғли билан ётган она бошқалар билан ҳам ётади. Отанг эса сенга душман бўлади. Чунки мен билан бирга бўлишингни хоинлик, деб ҳисоблайди.”

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деганларидек, Марату қилмиши ҳам халқ орасида тиллардан тилларга кўчиб юрди. Маратунинг девонбеги бўлгани, ундан кейин Бош вазирга қадар юксалгани пайтида одамлар бу мудҳиш воқеа ҳақида овоз чиқариб гапиришга кўрқижарди. Аммо бир кун ҳукмдор халқнинг олдига чиқиб:

-Мен Маратуни ҳалол, пок инсон, деб билгандим. Унинг ота-онаси ва укасини ўлдиришгач, бу оилага ёрдам қилмоқчи бўлдим. Бу болани Бош вазирликкача кўтардим. Лекин ўлимга ҳукм этдим. Чунки у бир пайтлар ўз онасининг қўйнига кирган экан. Буни эътироф этди. Шу боис Маратунинг жасади бутун киш бўйи дорда осифлик туришини буюраман. Ҳамма бундан ибрат олсин. Бу нафақат хоиннинг жазоси, балки бу ярим тунда алданган онанинг қарғиши ҳамдир, – деди.

Одамлар ҳукумдордан кўрққанлари учун “Уни бу ишга сен бошлагандинг. Иккаланг ҳам лаънати шайтоннинг дарсини олгансан” деб айтишолмади. Аммо “Марату” афсонаси эллардан элларга, йиллардан йилларга кўчди. Ривоятга айланиб яшади. Кимдир бу ривоятдан дарс олди, кимдир ўз билганидан қолмади.

Марат ҳам ана шу дарс олмаганлар тоифасидан эди. У ҳам ҳукмдор учун ҳар қандай буйруқни бажаришга тайёр бир Марату эди ва шундай бўлиб қолди.

58. ИСТЕЪФО

Каримов кечқурун маҳаллий ва чет эл мухбирлари иштирокида матбуот конференцияси ўтказди. Миртемир унинг изини йўқотиб қўймасликка уринган изқувардек матбуот конференциясига келди. Сўз олиб, бўлган воқеаларни қисқа қилиб гапирди. Лекин Каримов одатига кўра жавоб бериш ўрнига бошқа нарсалар ҳақида тўхталди. Конференциядан кейин Миртемир Каримовнинг ёнига бориб, аризасини топширмоқчи бўлди. Унинг келаётганини кўрган Каримов мухбир қизнинг белидан қучоқлаб, унга муҳим гапи бордек, қулоғига бир нарсаларни пичирлаганча, орқа эшикдан чиқиб кетишди.

Миртемир истеъфо аризасини кўпайтирди-да, бир нусхасини Крайновга, яна бир нусхасини Мавлонга бераркан, коридордан Алимовнинг келаётганини кўриб қолди:

-Сизни ҳам қийнаб юрмай, мени йўқотиш учун овора бўлишингизга ҳожат қолмади. Мана истеъфом, – дея бир нусхасини унга узатди.

Алимов совуқ башарасини бужмайтирганча кулимсираган кўриниш беришга уринди.

-Укажон, мени Бош вазирга ўхшатдингиз. Истеъфонгизнинг адреси Бош вазирдир,-деди.

-Бош вазир ҳам сизнинг қўғирчоғингиз бўлгани учун уни овора қилиб юрмай дедим-да. Майли, овораси бор-ми? Сизга у олиб кела қолсин, – Миртемир шундай деб қайрилиб Девондан чиқиб кетди.

Балки айб ўзимдадир деб ўйлади Миртемир. Одамларга қандай муомала қилишни билмайман. Шу муомаладан кейин энди у сен ҳақингда нима деб ўйлайди? Маданиятсиз экан демайдими? Э, унга ўхшаб маданиятли супурги бўлгунга ўлиб кетган яхши эмасми? Ўжарсан ўжар, бошингга нима келса мана ўжарлигингдан кўр!

Миртемир Олий кенгаш биносига келса, Воҳидовнинг хонасида Исо Холис ва яна икки-уч киши ўтиришганди. Вақт алламаҳал бўлиб қолганига қарамай уларнинг бамайлихотир ўтиришларидан, кимнидир кутишаётгани маълум эди. Салом-аликдан кейин Миртемир бўлган воқеаларни Воҳидовга гапириб берди. У бош чайқаб қўяркан “Мана Исо Холис давлат комиссияси таркибига кирдилар. Шу боис бу масаланинг босди-босди қилинишидан қўрқмасак ҳам бўлади,” деди.

Исо Холис эса:

-Истеъфonomангизни беринг, биз газетамизда нашр эттирамиз,-дея Миртемирдан истеъфonomанинг бир нусхасини олди.

Кейин маълум бўлса, улар ҳам Бош вазир Абдуҳошим Муталов билан учрашмоқчи эканлар. Бош вазир Миртемирнинг истеъфonomасини эринмай, тоқат билан ўқиди:

“Пойтахтнинг Талабалар шаҳарчасида рўй берган фожеа юртимизда ошкоралик, ростеўзлик йўқлиги, инсон ҳуқуқларини топташ ҳали бери барҳам топмаслигини исботлади. Мен раҳбар бўлган жумҳурият телевидениесидан кўрсатувлар олиб қўйилди. “Муносабат” руқни билан ҳозирланган махсус кўрсатув экранга чиқарилмади. Ошкоралик учун кураш йўллари бекитиб ташланди. Мени истеъфо беришга ундаган сабаблар қуйидагилардир:

1.Ҳар қанча уринмайлик, Талабалар шаҳарчасидаги воқеалар ҳақида ошкора фикр билдирилишига йўл берилмагани.

2.Паркент воқеалари юзасидан тузилган комиссиянинг ҳулосаси сир сақлангани каби Талабалар шаҳарчасидаги фожеа юзасидан ҳам ўша услуб қўлланилаётгани.

3.Яна яккаҳокимлик, диктатура бошланаётгани. Халқнинг оғир аҳволини енгиллатиш ўрнига фақат ваъдалар бериш ва мансабталаш билан банд бўлишаётгани.

4.Сиёсатда барқарорлик йўқлиги, миллий бирлашув ҳақида тинимсиз гапирилгани ҳолда амалда тескарисини қилиб, низо-адоват келтирилиб чиқарилаётгани.

5.Кадрларни танлашдаги жиддий хатолар, бу борадаги ўпирилиш, раҳбар кадрларга ишончсизлик, уларни асосан шахсий садоқатига қараб танлаш, қобилияти, билими эътиборга олинмаётгани.

6.Маҳаллийчилик иллатининг илдизига сув солиш, одамларни бир-бирига қарши қўйиш касалини даволаш ўрнига авж олдирилаётгани.

7.Халқ тақдири ва келажаги билан шуғулланиш ўрнига икр-чикирлар, қувғинлар, инсон ҳуқуқларини топташ билан банд бўлинаётгани.

8.Мухолифатдаги партия, ҳаракат ва уюшмаларга нисбатан минбарлардан яхши гап айтилиб, амалда улар таъқиб қилинаётгани.

9.Халқнинг аҳволи кун сайин оғирлашиб бораётгани, бунинг олдини олиш учун аниқ дастур йўқлиги.

10.Миллатвакилларининг эркин баҳслари, бор гапни айта олишлари учун шароит яратилмагани ва аксинча оғир, носоғлом вазият вужудга келтирилгани, фикрлар, таклифларга эътибор қилинмаётгани...

Ана шу сабабларга кўра, ҳукумат таркибидан чиқаман ҳамда ўзимни унга нисбатан муҳолифатда, деб ҳисоблайман. Ҳукумат таркибида туриб бу иллатларга қарши кураш йўлини топмадим. Ҳукумат аъзолари учун йўллар берк ва очилмасдир...”

Истеъфномани ўқиб чиққан Бош вазирнинг кўли титраётган эди. У қуриб қолган лабларини тили билан ҳўллаган бўлди-да, гапиришга шайланди, лекин нимадир бўғзига тикилди. Истеъфномани ён дафтарининг ичига қўйди ва ўрнидан туриб, Миртемирнинг кўлини маҳкам сиқди. Кейин унинг елкасидан кучоқлаган бўлиб, эшик ёнига қадар кузатди. У лом-мим демаса-да, хайрихоҳ эканлигини Миртемир англади. Шу билан бирга унинг бу ҳаракатлари: “Бу сиз билан охири учрашувимиз” маъносига ҳам келарди.

Миртемир чиқиб кетиши билан Бош вазир маслаҳатчи Алимовнинг ёнига югурди:

-Буни муҳолифатнинг газетасида ҳам нашр этишар экан. Бошимизга бало бўлмасин,-деди. Алимов хотиржамлик билан истеъфномани оларкан, ўқиб ҳам кўрмагани Бош вазирни ажаблантирди. Аммо Алимов аллақачон истеъфноманинг нусхаси ўзига етиб келгани ва Каримовга олиб чиқиб кўрсатгани ҳақида унга ҳеч нарса демади. Фақат:

-Муҳолифатнинг газетасини ҳам ўзимиз босамиз, қўл қўймасак, чиқмайди, – дея Бош вазирни тинчлантирди.

Бош вазирни тавозе билан кузатиб қўйган Алимов Урайимжонга телефон қилди:

-Ҳужжатлар битди-ми? Тезроқ олиб келсангиз оқсоқолга қўл қўйдирамиз ва Олий кенгаш раёсатига юборамиз. Кечаси билан раёсатни тўплаш керак,-деди.

Худди бир нарсани унутган кишидек, “гапни” калта қилган Алимов Олий кенгаш раиси Йўлдошевга боғланди:

-Кечаси раёсат аъзоларининг рухсатини олиш керак бўлади. Депутатлардан бирининг дахлсизлигини бекор қиламиз,-деди хотиржам оҳангда. Аммо депутатнинг кимлигини айтмади. Йўлдошев сўз ким ҳақида бораётганини биларди.

Миртемир уйининг ёнига келганда кираверишда уни бир киши қаршилади.

-Исмим Пўлат,-деди у.-миршаб бўлиб ишлайман. Илгари вазир ўринбосари бўлган бир акамиз сиз билан учрашмоқчилар.

Миртемир булар яна бирор ўйин бошлаётганга ўхшайди, деб ўйлади-да, халиги одамнинг бошидан оёғига қадар разм солди. Новча, қишлоқлик йигит, юзида самимият бор. Шунга қарамай буларга ишониш қийин, дея ўйлаган Миртемир, индамай ичкарига қараб юрди. Пўлат унинг орқасидан келиб, у билан бирга лифтга чиқди.

-Вазирликда сизга қарши фитна тайёрланаяпти. Бу ишнинг бошида Урайимжон турибди. Талабалар шаҳарчасида ҳам “Ўқ отиш” буйруғини у берган.

-Ҳаммаси тўғри бўлиши мумкин. Лекин мен бу соатда ўзим танимаган одам билан учрашишга боролмайман,-деди Миртемир “илтимос мени тинч қўйинг” дегандек.

-Истеъфномангиз Каримовни жуда ҳам қиздирибди,- деди Миртемир билан бирга лифтга чиққан Пўлат.-Эрталабга қадар раёсатнинг рухсати чиқади ва сизни дарҳол қамоққа олишади. Урайимжоннинг одамлари Жиззахга бориб, бир неча кишидан “Миртемир биздан пул истади”деган ёзув олиб келишди. Одамларни мажбурлаб, қўрқитиб шундай ёзув олишган. Мана нусхалари...

Миртемир лифтан чиқаркан:

-Мана бу уй Миллий хавфсизлик қўмитаси бошлиғи Ғулом Алиевникидир,-деди чап томондаги темир эшик томонга ишора қилиб. Шу боис бу ерда гаплашишимиз таҳликали. Юринг, яхшиси уйга кириб гаплашамиз.

-Уйингиздан бу ер бежавотир. Ичкарига кирсак, суҳбатимизни ёзиб олишлари аниқ,-деди Пўлат содда оҳангда.

Миртемир мактубларга назар ташлади.

“Мен Ҳаким Эшқобилов Жиззахда балиқчилик билан шуғулланаман. Биз балиқларни қўшни жумҳуриятга олиб чиқаётганимизда божхона ходимлари ушлашди. Кейин телевизорда кўрсатишмасин, дея депутат Миртемирнинг ёнига бордик. У биздан катта миқдорда пул истади. Бу тушунтириш хатини ўз ихтиёрим билан ёздим, ҳеч ким мажбур қилган эмас. Яна шуни қўшимча қилмоқчиманки, ҳурматли президентимиз халқ учун қайғураётган бир пайтда Миртемирга ўхшаганларнинг мажлисида у кишини ҳақорат қилиши ва ҳамда биздан пора сўраши ақл бовар қилмайдиган ишдир...”

Кейинги хатда эса поранинг миқдори ва Миртемирнинг бу пулни олгани ҳақида гап борарди.

-Ҳозир бу одамларнинг ҳаммаси эски бошлиғимизнинг уйларида ўтиришибди. Улардан бу мактубни ёздириб олган миршаблардан бири ҳам ўша ерда. Сизга қарши бошланган бу фитнани ўзингиздан бошқа ҳеч ким тўхтатолмайди,-деди Пўлат пичирлаган оҳангда.

-Зотан, йўкотадиган нарсамиз йўқ. Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битиради, деганлар. Биз ҳам таваккал қилдик. Қани кетдик!

Миртемир шундай деб уйига ҳам кирмай орқага қайтди.

Эски бошлиқнинг ҳовлиси эски шаҳардаги қишлоқсифат маҳаллалардан бирида экан. Пўлат дарвоза четидаги тугмани босганди кимдир кўчага қараган дераза пардасининг ёнидан ташқарига мўралади. Кейин эшик очилиб, икки миршаб чиқди. Улар тавозе билан Миртемирни ичкарига таклиф қилишди. Пўлат эса атрофга алангалаб, ёндаги ва орқадаги кўчаларга қараб келди.

Миртемир бирдан сесканиб тўхтади. Дарвозахонада катталиги эшакдек бўлган иккита ит турарди. Гарчи итлар занжирга тортилган бўлса-да, уларнинг орасидан ўтиш мумкин эмасди. Икки миршаб бир ҳамла билан итларни икки томонга тортди-да ” Сиз ичкарига киригиз”, дея Миртемирга ойнаванд хонанинг эшигини кўрсатишди.

Миртемир ичкарига кирганда ойнаванд хонанинг тўрида фақат бир киши ўтирарди.

-Хуш келдингиз, ока, – дея ўрнидан турди у. Буйи калта, тўладан келган бу одам эллик-эллик беш ёшлар атрофида эди. Кўзлари кулиб турган бу одам Миртемирни бағрига босди.- Исмим Ғани, Каримовнинг аёвсиз қиличи биринчи бўлиб менга санчилган. Мен Ички ишлар вазирлигида тартиб ўрнатмоқчи бўлдим, лекин Каримов ишдан олиб ташлади, устимдан жиноий иш кўзғади. Ҳозиргача судма суд юрибман. Лекин Ички ишлар вазирлигида фақат ҳайвонлар эмас, одамлар ҳам ишлайди. Адолатсизликдан куйганлар, ҳақсизликка учраганлар менга келишади. Аслида ҳозирги вазир ҳам менинг шогирдим. Бу қадар сотилиб кетишини ўйламагандим.

Ғани ака Миртемирга ўзи ўтирган жойни кўрсатди:

-Қани тўрда сиз ўтиринг. Сизни ғойибдан яхши танийман. Бундай шароитда учрашишимизни ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Бугун Жиззахга бориб, одамларни қийнаб, шикоят ёздириб олишибди. Кейин улар арз қилиб Ички ишлар вазирига келишибди. Вазир қабул қилмагач, уларни менинг уйимга олиб келишди. Аслида Урайимжон деганлари тентаксифат одам. Бўлмаса, қидириб-қидириб сизга ҳурмати баланд бўлган одамлардан

шикоят ёздириб олишади-ми? Бироз бош қотиришса-ку етмиш етгита душманингизни топишарди. Шунисига ҳам шукур.

У тўхтамай гапирар экан, Пўлатга қараб:

-Кеннойинга айт, димламани сузсин. Кейин меҳмонларни ҳам чақир, – деди.

Ичкаридаги хонадан бир капитан ва уч оддий одам чикди. Улар югуриб келиб Миртемир билан кўришдилар. Ғани аканинг “ўтиринглар” имосидан кейин ўриндиқларнинг уч қисмида чекинибгина ўтиришди. Кейин Ғани ака:

-Қани кимдан бошлаймиз? Қисқа ва тез-тез гапиринглар, чунки эрталабгача ишимиз кўп,- деди.

Қорачадан келган киши сўз бошлади:

-Бизнинг умримиз балиқчилик билан кечади. Биров билан ишимиз йўқ. Сизни телевизорда кўриб турамиз. Ўтган кун божхона ходимлари ушлашди. Бу оддий ҳол, ҳар доим ушлашади. Чунки балиғимизга улар ҳам шерик, ҳақларини олиб, қўйиб юборишади. Биз Қозоғистонга оббориб сотиб келамиз. Ўтган кун ҳам ҳақларини олишганди, лекин ҳеч нарса билмагандек уйимиздан олиб миршабхонага келтиришди. Сўроқ қилишди, бир-икки биқинимизга туртишди ҳам. Кейин бир хатни кўрсатиб, уни кўчириб, имзолаб беришимизни талаб қилишди. Йўқ деганимизга қўйишмади. Уйимизни тинтув қилиш учун одам юборишди, ўзимизни қийнашди. Шундан кейин майли, ёзиб берамизу кейин пойтахтга бориб шикоят қиламиз, деб ўйладик. Нега бизни танлашди? Ҳалигача ҳайронмиз.

-Қўрага сен тушдинг, ука,-дея сўзга аралашди Ғани ака. – Урайимжон бу ишни ўзи ишонган одамга топширган. У одамнинг ишонгани эса сени балиғингга шерик бўлган кишилар.

Кейин Жиззахдан келган яна икки киши ҳам бўлган воқеани айтиб бераркан:

-Фақат биз келмоқчи эмас эдик, чунки миршаб дегани ҳукумат дегани. Уларга қарши туриб бўлмайди. Лекин мана бу одам “Миршаблардан қутиласану Миртемирдан қутулолмайсан. У барибир бу ишни фош этади”, деб ҳол-жонимизга қўймагандан кейин келдик. Йўқ ердан бошимизга ғавғо қўнди,- дейишди.

-Вақтимиз зиқ,-деди Ғани ака ва Миртемирга юзланди. – Сиз келгунингизча мен булардан тушунтириш хати ёздириб олдим. Мана бу капитан укамиз эса уларни урганлардан бири. Урайимжоннинг ишонган тоғи. Аммо бугун қилмишига иқрор бўлди. Агар ишдан қувилса, бир бурда нонини мана биз топиб берамиз. Қолаверса, бунинг раҳматли отаси профессор Эрназаров университетда сизга дарс берган. Ҳақиқатни севган инсон эди. Бу йигит унинг руҳини шод қилди. Отасини яхши танирдим. Менинг дўстим эди, нур ичида ётсин. Ҳозир димламани ейлик, кейин сизга жавоб берайлик. Эрталабгача бир йўлини қилинг, кечикиб қолманг. Аллақачон раёсат аъзоларидан рухсат олиб қўйишган бўлишса керак.

Миртемир раҳматли Эрназаров ҳақиқатга йўл излаб ўлиб кетганини эсларкан:

-Бизни ҳам ҳақиқат учун курашишга чорлаб кетди, раҳматлик. Майли,овқат ейишни бошқа кунга қолдирсак, раёсат аъзоларининг баъзилари ҳали Олий кенгашда эдилар. Эркин ака ҳам ўша ерда эди. Балки у кишини кўришга улгурарман, – дея йўлга чикди.

-Бугундан бошлаб Пўлатжон сизнинг ёнингизда юради. Унга ишонаверинг. У ҳам Каримовдан азият чеккан одамлардан. Кўринишига қараб ёш деб ўйламанг. Қамокда ҳам ўтириб чикди,-деди Ғани ака Миртемирни кузатиб қоларкан. – У сизнинг кўримангиз. Бир-биримизни кўримасак, бир бутун кучга айланмасак Каримовга қарши туришимиз қийин. Миртемир Олий кенгашга келаркан, кучига куч қўшилгандек эди. Чунки у кейинги кунларда ўзини анча ёлғиз ҳис этаётганди. Қараса, атрофда Каримовнинг қилмишларидан куйганлар, унинг кирдикорларини кўриб, тушуниб юрганлар кўп экан.

Ҳа, деб ўйлади Миртемир халқ денгиздир. Шоир бу жумлани осмондан олган эмас. Халқ қудратли куч. Фақат бир бутун бўлгандагина куч. Лекин тарқоқ ҳолда ожиздир. Якка-якка ҳолида эса синдирилиши жуда осон. Бувиларимиз паҳлавонлар ҳақида эртаклар сўйларканлар, бир чўпнинг синиши осонлиги ва бир даста чўпнинг синиши мушкуллиги ҳақида бекорга гапиришган-ми? Бу-ки чўп, инсон ҳам бир ўзи қолса, аввало ўзини ўзи ейди, ўзини ўзи синдиради, махф этади. Агар унинг ёнида дўстлари, ҳамфикирлари бўлса, улар жипслашиб метин иродага, бузилмас қалъага айланадилар. Бирлашган куч бирлашмаган пуч, деб бекорга айтишмаган.

59.ПЎЛАТ

Миртемир хаёл суриб келар экан, Олий кенгашга яқинлашиб қолганларида беихтиёр олтинчи қаватга назар солди. Воҳидовнинг хонасида чироқ ёниб турарди. Демак, ҳали шу ерда.

-Ҳозир оқсоқолнинг ўзлари телефон қилдилар,-деди у.-Сиз бизнинг қўмитамизнинг аъзоси бўлганингиз учун мени ҳам қойидилар. Ука, бу ерларадан узоқроқ жойга кетиш керак. Мен имзо отмаганим билан ҳеч нарса ўзгармайди.

Миртемир Воҳидовдан шундай жавоб чиқишини биларди. Ундай бўлса нега келди? Ёки чўкиб кетаётган одам учун хас ҳам умид-ми? Йўқ, бу одамнинг хасчалик умидбахшлиги ҳам йўқ. Миртемир бу ҳиссиётини Воҳидовга сездирмаган бўлсада, шарт бурилиб хонадан чиқиб кетиши бу ҳисларни ташқарига урди.

Бу ҳам одобсизлик бўлди, деб қўйди ички “мен” унга. Лекин Ошкоралик қўмитасидан қабулхонага қадар жуда яқин бўлгани учун ички мен билан баҳслашишга вақти йўқ эди.

Олий Кенгаш раиси Йўлдошевнинг қабулхонасидаги нусха кўпайтиргич ёрдамида барча ҳужжатларни кўпайтириб олган Миртемир, бир нусхасини котибга узатди:

-Буни раисга бериб қўясиз,-деди.

Сўнгра Каримовнинг қабулхонаси, Бош прокурорга ҳам бир нусхадан ажратиб, уларнинг ярим тунда мудраб ўтирган котибларига қолдирди.

Уйига қайтаркан, “Халқ сўзи” газетаси биносининг чироқларига кўзи тушди. Газетачилар эрталабга қадар ишлашларини яхши биларди. Бу ер унга сўнгги умид булиб кўринди-ми, Пўлатга:

-Сизни ҳам чарчатиб қўйдим, шу ерга ҳам бир кириб чиқай,-деди.

Аҳмаджон Мухторов шу ерда экан.

-Бу фитна. Яхшилаб ёзинг, газетага чиқарамиз,-деди Аҳмаджон ака ҳамма гапни батафсил эшитгач ва ҳужжатлардан бир нусха олиб қолди.

Миртемирнинг уйқуси қочган эди. Шу боис Пўлатга ”Юринг, уйга бориб, хангома қиламиз, бироз ичамиз”, деди.

Умр йўлдоши хавотирланиб, кутиб ўтирган экан. Бир зумда дастурхон тузалди ва овқат келтирилди. Пўлат бир пиёла ароқ ичгандан кейин “очиқиб кетди”.

-Миртемир ака, булар жуда аёвсиз одам, булар учун чумолининг ўрни бору инсоннинг ўрни йўқ,-деди. Кейин эса ўз достонини бошлади.-Мен тоғларга яқин бир қишлоқда туғилдим. Отам ёшлигида ўпка касалидан вафот этган экан, онам ҳам узоқ яшамади. Бувимнинг қўлида қолдим. Мактабни битирарканман, бувимдан ҳам айрилдим. Кейин ҳаё-хуйт деб Тошкентга келдим. Ўқишга кирмоқчи бўлдим, киролмадим. Мардикор бозоридан бизни ушлаб кетган миршаблар ўз уйларида ишлатишарди. Улар билан танишиб қолдим. Бир-икки йилдан кейин мени йўл соқчилигига ишга ўтказишди.

Орзуим ўқиш эди. Ҳеч нарсага эътибор қилмай Автомобил йўллари институтининг кечки бўлимига кирдим. Битиргунумга қадар шаҳар соқчилар бўлимигача ишга келдим. Биз йўлда тураркан “план” беришарди. Бу пора планини бажариш учун шоферлардан пул йиғардик. Шаҳар идорасига ишга ўтганимда эса, мен ўзим соқчиларга “план” берадиган бўлдим. Чунки раҳбаримиз мендан истарди. Бир куни шаҳарда катта авария бўлди. Дарров етиб борсак, енгил машина ичида саккиз нафар талаба ҳалок бўлибди. Миршаб йигит ҳўнгир-ҳўнгир йиғларди. Нима гап, дея уни четга тортдим: “Рулдаги бола маст эди. “План” тўлсин, дея ўтказиб юбордим.”

Бу воқеадан жуда таъсирландим. Бир куни мажлисда идорамизда бўлаётган воқеаларни, “план” масаласини ўртага ташладим. Бу виждонсизликдан уялиш кераклигини айтдим. Инсонларнинг умрига зомин бўлаяпмиз, дедим. Дарҳол комиссия тузилди, икки кундан кейин мени қамашди. Миршаблар учун алоҳида қамокхона бўлишига қарамай мени оддий жиноятчиларнинг орасига ташлашди. Мен кўрган азобни бошқа ҳеч ким кўрмасин. Бошимга нима келса ҳам тилимдан келди, деб чидадим. Тилим виждонимнинг буйруғини бажарганди. Аммо энг даҳшатли қийноқни ҳамкасбларимдан кўрдим. Мен терговда Ички ишлар вазири биринчи ўринбосари Ғани акадан бошқа ҳаммаси қўл остидагиларга “план” беришини ва уларни пора олишга мажбур қилиб қўйишларини очиқ айтдим. Кейин Каримовнинг номига ариза ёзиб, яширинча ташқарига чиқардим. Каримовгача етиб, ортга қайтди. Мендан бошқаларга эмас, бевосита Ғани акага пора берганим ҳақида сохта кўрсатмани имзолашимни талаб қилишди. Имзоламадим. Дўппослашди. Қабурғаларим синди, лекин имзоламадим. Кейин шишанинг устига ўтиртиришди. Барибир имзоламадим. Ундан кейин қандайдир укол қилишди. Ҳўшимдан кетиб қолибман. Ўша пайт қўл қўйдириб олишибди. Буни видеолентага ҳам туширишибди. Ўзимга кўрсатишди. Худди мастга ўхшаб ўтирибман. Менинг кўрсатмам бўйича Ғани акани ишдан бўшатишди. Суддан кейин узок бир вилоятга жўнатишди. Ғани ака мени кўришга келди. Унинг кўзига қарай олмадим. Лекин ҳамма гапни очиқ-ойдин айтиб бердим. Таниш-билишлари орқали мени қамокдан чиқариб олдилар. Кўриб турибсиз, бугун яна миршабман. Оддий соқчиман, яъни ҳаётимни қайтадан бошлаяпман. Фақат оддий соқчилардан фарқим шуки, уларга ўхшаб юқоридагилар учун пул тўпламайман. Шу сабабдан мени ёмон кўришади. Аммо Ғани аканинг одами, деб индашмайди. Вақти келганда фойдаланиш учун ҳозирча кўзларини юмиб туришибди.

-Оилангиз қаерда? – деб сўради Миртемир Пўлатдан.

У уҳ тортганча, сўниб қолаётган сигарети билан янгисини ёқди-да, чуқур-чуқур симириб:

-Улар нафақат менинг умримни, балки оила аъзоларимнинг умрини ҳам хазон қилишди,- деркан, оғзидан пишқириб чиққан сигарет тутуни юзини қоплади. У шу дамда қуюқ туман ичида қолган одамга ўхшарди. Туман тобора хиралашиб унинг мунгли кўзлари чарақлаб ёнаётганди. Лекин бу ёниш мамнуният ёки севинч аломати эмас, балки нафрат алангаси эди.-Мени қамашгандан кейин уйимни тортиб олишди, мол-мулкимни мусодара қилишди. Хотинимга “Бундан ажралмасанг кунингни кўрсатамиз” дейишган экан, болаларни олиб қишлоққа кетиб қолди. Қамокдан чиққанимдан кейин ҳузурига бордим. Лекин мени остонадан қувди. “Тилини тиёлмаган эркак билан яшамайман” деди. Болаларимни кўрсатишмади. Араққа ружу қўйдим. Хотинимнинг отаси мени миршабларга олиб бориб топширди. Яна орага Ғани ака тушди. Кейин пойтахтда қайтадан уйландим. Маошдан бошқа топадиган пулим йўқ эди. Бир кун хотинимнинг бармоғида бриллиант узук, кулоқларида бриллиант ҳалқа кўриб қолдим. Ёруғ дунём яна қайтадан қоронғу бўлди. Ундан қаердан олганини сўрадим. Жанжал кўтарди. “Нобакор эр олиб бермагандан кейин

Ўзим топаман-да” деди. Шундан кейин шубҳаланиб орқасидан пойладим. Олдинги ишлаган идорамнинг бошлиғи билан юрар экан. Уни алдаб йўлдан чиқаришибди. “План”ни бермаганлардан нима олишни яхши биламиз” деди бошлиқ. Хотиним билан ажралдим. Бошлиқни эса ўлдирмоқчи бўлдим. Лекин Ғани ака “Бир бошлиқнинг ўлими билан дунё тузалмайди. Қанча-қанча бошлиқлар, қанча-қанча оилаларни бузишмоқда, не-не ҳаётларни зимистон қилишмоқда” деди. Шундан кейин Ғани аканинг сафида мужодалага кирдим. Ҳозир кўпчиликка айландик. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса индин, барибир бир кун келиб улардан ҳисоб сураймиз. Миртемир Пўлатнинг ҳикоясини тинглаб бўлгач, унга таскин берадиган сўз тополмади. Чунки шу дамда унинг ўзи таскинга муҳтож эди. Пўлатни кузатиб қўйди-да, кўлига қалам олиб қоғозни қоралай бошлади.

60. ФИТНА

“Фитна...” Митемир сарлавҳани ёзди-да, бироз хаёл суриб тургандан кейин илк сатрни битди: “Тоғига қараб тарлони, сувига қараб илони...”.

Тонг бўзариб қуёшнинг нурлари деразанинг ойнасига санчила бошлаганда ҳам Миртемир мақола ёзиб ўтирарди.

У сўнги сатрларни тақрор ўқиди:

“Одамлар, эл-улус дардидан кўз юмган ўғил-оқпадар;

Ватан шаънини оёқости қилиб, унга қарши бош кўтарган ўғил – сотқин, хоин, бахтиқаро; миллат онадир, онадан юз ўгирган, унинг хизматидан бўйин товлаган ўғил – қўлсиз, оёқсиз, гунг, кўзи кўр, қалби сўқир – мажруҳ;

халқнинг дардини англаб, Ватан ташвишини тушуниб, она аламини тинглаб, миллат машққатини кўриб, курашга ўзида куч тополмаган ўғил эса ўлик, тирик мурдадир!”

У мақолани четга сураркан, уйқусизликдан жимирлаётган кўзларини ишқади-да, деразанинг ёнига келди. Инсон дунёга бир марта келади, деб ўйлади. У яшаб ўтгач, ким бўлганлигини сағана тошидан билиш мумкин. Бу тошда саккизта рақам фалон йил туғилиб фалон йил ўлганини ифода этади – бу рақамлар ёнида унинг исми-шарифи, нари борса икки қатор айрилиқ сатри, бир шеър битилади. Аммо одамлар қалбида, юрт дафтарида инсоннинг кимлигига ажратилган ўрин анча каттароқ ва кенгрокдир. Бу ерда тоштарош ёки марсия ёзувчи шоир ҳам ожиз. Чунки қалб дунёсининг қаерида кимнинг жойи бўлиши жумбоқ, юрт дафтарининг қайси саҳифасида ким ҳақида ёзилажаги сир. Аммо ҳар икки ҳолатда ҳам ҳақиқат ёзилажак. Таасуфки, жуда кўп жой ва жуда кўп саҳифалар бўш. Демак, қанча-қанчамизга фақат унсиз сағаналар тарих, холос.

Бугун юртимизда ўн миллиондан зиёд киши сафолат, камбағаллик ботқоғида. Бу азобда ингранаётганларнинг фарёдини эшитадиган йўқ. Борларининг ҳам қулоқларини кесдилар, кўзларини ўйдилар, юракларини суғириб олдилар.

Илк демократия шамоли эсганда узоқ бир тумандан миллатвакили этиб сайландим. Ҳақиқат ва адолатни излаган инсонлар виждон ва иймонга содиқ қолиб, мени сайладилар. Бу менинг эмас, камсуқум, заҳматкаш ўша инсонларнинг ғалабаси эди. Қуръони Каримни ўпиб қасам ичмадим, лекин инсонларнинг ишончлари ва елкамга юкланган масъулиятни бир лаҳза бўлсин унутмасликка ҳаракат қилдим. Мансаб билан эмас, улар билан қолишни афзал кўрдим. Аммо ҳар одимим ортидан бошимга дўл ёғилди. Қуръони Каримни ўпиб қасам ичган ва сўзининг устидан чиқиш у ёқда турсин, атайлабдан аксини қилган Каримов кабиларнинг эса омади кулгани-кулган. Бироқ қачонгача?!

Кураш омонсиздир. Аслида шундай бўлишини билмасмидим? Сайловолди учрашувларида миллатвакили қурувчи эмас, давлат ва сиёсат арбоби бўлиши кераклигини урғуладим. Лекин давлатнинг тепасида турганларга шерик эмас, қурувчилар керак эди. Мустақиллик учун курашни олдимга вазифа қилиб қўйдим. Лекин мустақиллик душманлари қаҳрамонга айландилар, бизнинг эса ҳолимизга маймунлар кулмоқда. Кўзбўямачиликка қарши чиқдим. Лекин бутун халқнинг кўзини бўяшган экан. Бу кўзлар фақат кўзбўямачиларнигина кўра олди. Йўқ, бутун халқ эмас, бутун халқ ҳақиқатни кўриб турибди. Ҳатто унинг бир қисми сукутли бўлса-да, курашмоқда. Фақат занжирбандлик иллоти бу сукут туғёнга айланишининг олдини олмақда. Ишончсизлик тизза бўйи ўсди. Аммо шундай кун келади-ки, буларнинг ҳаммаси енгиледи. Агар бу ҳаёт даҳшатларидан қўрқса, чекинса, Пўлатга ўхшаганлар қўрқарди ва чекинарди. Агар бу зулмдан қўрқсалар, талабалар ўқ товушини эшитган заҳоти тум-тарақай бўлиб қочардилар. Зулмга қарши бир бутун бўлиб оёқда турганлар бир кун келиб, тахтга адолат чиқажагини қафолатидирлар. Туни билан ухламай чиққан талабалар, ётоқхоналарнинг деразаларига қора байроқ осган йигит-қизлар ҳукумат эълон қилолмаган мотамни эълон қилишганди. Бу бир исён эди. Ҳукуматнинг қонли жиноятларига қарши, қонли изини ўчириб юборишига қарши исён эди бу. Бундай ҳукумат вақтинча ғалаба қилиши мумкин, лекин бир кун келиб чилпарчин бўлади.

Миртемир тонгни ана шундай уй-хаёллар билан қаршилар экан, Талабалар шаҳарчасидаги ётоқхоналардан бирида бошланган ва марказий майдонда давом этган очлик ҳаракати иштирокчилари ҳам миршабхонада тонгга қадар сўроқ қилиндилар. Гарчи ўртада Маратнинг иғвоси бўлсада, аслида улар ўз ҳаракатларида, жасоратларида самимий эдилар. Ўн уч талаба саҳарлаб очлик эълон қилган жойларига такрор келишганда, шаҳарча тинч эди. Машина билан кўчаларга сув сепилаётганди. “Қон изларини ювишмоқда” деди улардан бири. Соколлари сабза урмаган йигитчалар кечадан буён овқат ейишмагани, сув ичишмагани учун ҳолсиз эдилар. Баъзиларининг кўзлари чўккан, баъзилари эса қоринларини тутамлаб олгандилар. Қуёш чиқар-чиқмас уларнинг ёнига хавфсизлик қўмитаси ходимлари келишди.

-Очлик-бу тузумга, жамиятга, миллатга қарши исён. Бунинг учун қонунларимизда энг оғир жазо назарда тутилган. Сиз ҳали жуда ёшсиз. Бу ишни тўхтатинг. Кеча рухсат бердик. Фикрингизни айтдингиз. Бугунгиси ортиқча, – деди улардан бири.

-Ростдан ҳам тугата қолсакмикан,-деди Насим.

-Охирига қадар оёқда турамиз, деган сен эмасмидинг? Майли, агар чекинадиган бўлсанг, эътирозимиз йўқ. Биз ҳаммаси учун ҳисоб сўраймиз. Охирига қадар чидаймиз,-дея Насимга эътироз билдиришди йигитлар.

Хавфсизлик қўмитаси ходимлари апал-тапал орқага қайтишди. Кўп ўтмай Халқ ҳаракати вакиллари пайдо бўлишди. Улар кеча ҳам талабаларнинг ёнида туришган, мужодала бошлаган ёшларга маънавий куч беришганди. Халқ ҳаракати вакилларида айримлари Каримовнинг сайловда тарқатилган суратини кўтариб олишганди. Суратнинг остига “Фарзандхўр ота” деб ёзилганди. Бугун ҳам улар талабаларга қалқон бўлиб туришди.

Қаердандир Марат келиб қолди:

-Ўн беш дақиқа ичида бу ердан кетмасак, миршаблар келишади ва ҳаммани қамоққа олишади,-деди у.

-Кетмаймиз,-дейишди очлик эълон қилган йигитлар.-Сиз ҳам депутатимиз сифатида ёнимизда турунг. Сайловда бизни алдашди. Ўтган кун нарх-навони оширишди, ейдиган нонимизни беришмади. Нон десак, пешонамизга ўқ отишди. Юзларча дўстларимиз калтакланди, неча киши ўлгани, неча киши яралангани яширилмоқда. Бирор жойда

воқеалар ҳақида очик-ойдин хабар йўқ. Эртага “Икки-уч киши ўлди. Ўзлари айбдор эди” демасликлари учун, биз ҳам ўлимни кўзга олдик. Юздан зиёд дўстимизнинг қони окди. Ҳали яна қандай даҳшатлар кутмоқда талабаларни...

Марат Насимни четга тортди-да:

-Булар ростдан ҳам очлик қилаётганга ўхшайди-ку-деди.

-Мен ҳам ростдан очлик қиляпман,-деди Насим.

-Сен нега очлик қиласан?

-Ўйин қоидаларида қон тўкиш йўқ эди.

-Майли, сен кўп гапирма. Улардан ажралиб ҳам қолма. Қон тўкилиши тасодиф. Ҳозир сизларни миршаблар олиб кетади. У ерда гап қайтариб юрмагин. Биласан, улар отасини ҳам танишмайди. Шундай бўлса ҳам, сени ўз паноҳимга оламан.

Марат кетгандан кейин миршаблар етиб келишди. Уларни бошлаб келган майор:

-Битта-битта автобусга миначизлар. Қаршилиқ кўрсатганлар ва минмаганлар калтакланади. Ҳаммагиз баланд овоз билан исми-шарифингизни айтиб, сўнгра автобусга миначиз, — деди.

-Биз демократик намоёниш йўлини танладик,-дея дўстларига мурожаат қилди Насим. — Қурол кўтармадик, тош отмадик. Қонунлар чарчавасида ҳаракат қилдик. Бундан бу ёғи ҳам қонунлар доирасида бўлиши керак. Шу сабабдан миршабларнинг айтганини қилайлик.

Насимнинг гапи дўстларига ёқмади. Лекин миршаблар бир зумда уларни автобусга тикишди.

-Сенларга ҳукуматга қарши тош отишни кўрсатиб қўямиз,-дея улардан бири талабаларни ниқтай бошлади.

-Ҳали тош отган шулармиди? — деган миршаб эса олдинроқда ўтирган талабанинг оёғига тепди. Миршабхонага етиб келгунга қадар ниқташ тепкига, тепки муштга, мушт эса таҳқирга қадар етиб борди.

Миршабхонада эса у ердагиларга эрмак топилди. Ўтган ҳам, қайтган ҳам талабаларни турткилар, ҳақорат қилар, башарасига тарсаки тортарди. Ҳатто бири:

-Замон кўтарса, пешонангиздан отиб ташлардим,-деди.

Ичкарида исканжа давом этар экан, ташқарида Халқ ҳаракати ва Эрк партияси аъзолари тўплана бошлашди. Миршабхона олдида Халқ ҳаракати тарафидан шоир Ёдгор Обид билан Эрк партиясининг секретари Дилором тортиша бошладилар:

-Аслида иккаламиз ҳам сиёсатчи эмасмиз. Сиз ҳам яхши шоирасиз,-деди шоир Ёдгор Обид.- Лекин газетангиздаги ҳақоратомуз мақола сизнинг қаламингиздан чиққанини тасаввур қила олмайман.

-Балки уни ҳам ҳукумат ёзиб бергандир,-дея кесатди Дилором.-Нима иш қилсак, унинг “муаллифи” ҳукумат деб айтасизлар.

-Агар ҳукуматнинг мусиқасига ўйнаб, парчаланиб кетмасак, ҳозир катта куч бўлардик. Ёшларимизни бу қадар хўрламаган, ўлдирмаган бўлишарди. Парчаланиш воқеаларини бир четга сурган тақдиримизда ҳам сайловдаги хиёнатни кечири олмаймиз. Биз Каримовнинг мақсадини билардик. У ўзини дунёга демократ қилиб кўрсатмоқчи эди. Шунинг учун ҳам партиянгизга Исо Ҳолис номзодини олсин, Каримовнинг диктаторлигини яшириш учун хизмат қилмасин, деган таклиф билан келдик.

-Ишончим комилки, Шавкат Темур олтимиш минг имзони тўплаганда ёки рўйхатдан ўтганда бошқача таклиф билан келган бўлардингиз.

Шоир Ёдгор Обиднинг асаблари “ўйнаб” кетди. Томирларига сиғмаган қон кўзларига тепди.

-Азизим, олтмиш минг имзо тўпланганини яхши биласиз! Ҳукумат ўйин қилиш учун Марказий сайлов комиссиясига сиздан ҳам вакил киритди. Лекин у бизнинг аризамизга қайрилиб ҳам қарамади. Ваҳоланки, биз душман бўлсак-да, у адолатсизликка қарши бош кўтариши зарур эди.

-Ёдгор Обид ака, ҳозир бу гапларнинг жойи эмас. Ичкарида болаларни калтаклашяпти. Аввал уларни қутқарайлик.

-Агар мен айтган хатоларни қилмаганимизда, бугун миршабхонанинг остонасида сарғайиб ўтирмаган бўлардик. Ҳали бу ҳолва. Ичкарига олиб дўппослашмаганига шукур қилиш керак. Бизни бир-биримизга қайраб кўйишди. Буни англаб етмасак, ҳаммамизнинг жойимиз панжараларнинг нарёғида бўлади.

-Талабалар бир бутун куч эди. Лекин уларни ҳам парчалаб юбордингизлар. Ҳозир бош кўтариш пайтими-ди?

-Ҳа, – деди Ёдгор Обид,-Ҳозир пайти эмас эди. Лекин пайти қачон, деган саволга ҳам ҳеч ким жавоб беролмайди. Уйку жой танламаганидек, норозиликнинг туғилиши ва исёнга айланиши ҳам пайт пойламайди. Талабалар парчаланишида ҳаммамиз айбдормиз. Улар учга бўлиниб кетди. Бир қисми бизнинг орқамиздан, яна бир қисми сизнинг орқангиздан. Учинчи, жуда бир оз қисми ҳукумат айғоқчиларининг орқасидан кетишди. Бу ерда жиддий ташкилотланма кўзга ташланмади. Ташкилотлар бор эди, лекин улар маълум бир дастур ва мақсад билан ҳаракат қилди, дейиш қийин.

-Бу фикрингизга қўшилмайман. Сайловдан олдинги учрашувларни бир эсланг. Парламент сайлови арафасидаги ҳаракатларимизни ёдга келтиринг. Бу ерда жуда катта куч майдони туғилганди. Ана шундан кўрқишди. Бўлмаса, минг-минг миршаблар ва сон-саноксиз ОМОНчиларни олиб келишармиди? Биз бу ҳаракатни бошқара олмадик.

-Кеча лидерингизни талабалар тошбўрон қилишди. Прокурорга қўшилиб қочди...

Энди Дилоромнинг жаҳли чиқди:

-Сиз ҳам Шавкат Темурга ўхшаб гапираяпсиз. Худди воқеаларни телевизордан томоша қилиб ўтирганга ўхшайсиз. Бир-биримизга фиску фасод тошларини отгунча, болаларни ичкаридан олиб чиқишни ўйлайлик.

-Болаларни бой бердик. Уларнинг қаршилиқ кўрсатганлари калтакланади, ўқишдан ҳайдалади, йўқотиб юборилади. Ҳукуматнинг йўлига юриб, улар истаган гапларни ёзиб берганлари истикбол йўлига чиқадилар. Бир кун келиб бизга қарши курашсалар, ҳеч ажабланманг. Айримларини эса гўё калтаклаган бўлиб чиқариб юборадилар ва бизнинг орамизга жосус қилиб ерлаштирадилар.

-Сиз ўзингизга ҳам ишонмайсиз,-Дилором Ёдгор Обиднинг сўзини шарт кесди. – Ҳеч нарсадан хабари йўқ, маъсум болаларга тухмат қилаяпсиз. Улар ҳақсизликка қарши исён қилдилар, ўз ҳаётларини ўртага қўйдилар. Сиз эса эскиси каби ҳар нарсадан шубҳаланаяпсиз. Ҳар бир қамалиб чиққан одам жосус бўлса, эртага бу мамлакатнинг ҳаммаси жосусга айланади. Чунки Каримов ҳаммани бир-бир қамайди.

-Бизнинг энг катта янглишимиз ҳис-ҳаяжонга берилиб кетишимиздадир,-деган Ёдгор Обид тортишувни тўхтатадиганга ўхшамасди. – Эътибор қилдингизми, миллий озодлик ҳаракатининг аксарият фаоллари шоир ва ёзувчилар. Биласиз, дунёдаги энг ҳисли-ҳаяжонли инсонлардир булар. Сиёсат эса совуққонликни талаб қилади. Қолаверса, оғир кунларга бардош берадиганлари кам топилади. Саройга ўтиб кетишга мойиллари баланд.

-Шу гапни сиз гапирманг! Уларнинг тили билан гапираяпсиз. Мақсадингиз, ўз лидерингизни мақташдир. Тарихда қанча-қанча шоҳларимиз шоир эди. Шеър ва сиёсатни

ёнма ён яшатдилар. Ижодкорлар ўз номлари билан зиёдидирлар. Машъалани ёқиб, йўлни кўрсатиб берсалар, бас. Халқ ўзи бу йўлдан юриб кетади.

-Билмадим,-дея киноя қилди Ёдгор Обид. – Халқни Каримовнинг орқасидан етакламасалар бўлгани.

Шоир Ёдгор Обиднинг гапи чала қолди. Бир тўда миршаб уларни қуршаб олди. Кейин Талабалар шаҳарчасининг ташқарисига чиқариб қўйишди.

-Биз ўзаро тортишиб юраверсак, ана шундай ковушимизни тўғирлаб қўйишади,-деди Дилором бошини эгиб, оғир-оғир қадам ташлаб бораётган шоир Ёдгор Обидга. Лекин тортишувни ўзи бошлатгани эс ёдида йўқ эди.

-Ҳозирча ковушимизни тўғирлаб қўйишди...

Унинг гапини Дилором кесди:

-Давомини айтмасангиз ҳам, тушундим. У кунлардан Худо сақласин.

-Аммо баъзиларнинг кўнглининг тагидан бўлади.

-Инсонлар бирор нарсанинг уддасидан чиқолмайдиган ҳолга тушсалар бир-бирларини чақиб олиш билан, бир-бирларининг тагига сув қуйиш билан вақт ўтказадилар. Биз ҳам шу ҳолга тушдик.

-Йўқ азизим, – деди бамайлхотир шоир Ёдгор Обид. – Ҳозир тўппа тўғри Каримовнинг девонига борамиз. Кураш мана энди бошланди.

Улар биргалашиб юриб кетдилар. Гўё фожеалар уларни такрор бирлаштирганга ўхшарди.

61.ОНА БЎРИ

Миртемир худди қамоққа олиш учун келадиган миршабларнинг йўлини пойлаётган одамга ўхшаб хавотир билан ташқарига термулиб ўтираркан, деразанинг остидаги иситгичдан тарқалаётган ҳарорат уни эритди. У деразанинг тоқчасига бошини қўйганча кўзларини юмди. Инсон баъзан роҳат қилиб ухлаганда туш кўришни истаса-да, ё кўролмайдиган ёки кўрган тушини “олиб туролмайдиган”. Лекин баъзан бир шакарлама пайтида қурилган туш ҳаётнинг муҳим бир воқеаси каби ҳеч эсдан чиқмайди. Миртемир ҳам туш кўраётганди.

...У бирдан қудуққа тушиб кетди. Қудуқнинг деворлари қизигандан-қизиган, қўл тегизсанг бармоқларинг ёпишиб қолади. Қудуқнинг ости қоп-қоронғу эди. Бу қоронғулик орасидан итларнинг ақиллаши эшитиларди. Миртемир қоронғуликка назар солганди, итларнинг ям-яшил бўлиб “ёниб” турган кўзларини кўрди. Бу кўрқинчли “чўғ”лар унга яқинлаша бошладилар. Бир жуфт “чўғ” унинг юзларига қадар яқинлашди. Кейин унинг юзини тирнай бошлади. У итни улоқтириб ташлаганди, бошқалари унга ташланди. Улар негадир тишламас эдилар. Фақат ҳар тарафини тирнаб, кийимларидан тортқилаб, ғингшинаётгандилар. Қоронғуликда ғингшиган итларнинг тишлари ярақлаб турарди. Улар асрлар бўйи оч ётганлару бирданига егулик келганидан шошиб қолиб, нима қиларини билмай қолган ҳолда эдилар. Итлар бир-бирининг ақиллашини англади. Уларнинг энг олдиндагиси ақиллаганда бошқалари сасларини ичига ютиб, орқага чекинардилар. Олдиндаги яна ақиллаб орқага кетганда қолганлар ҳужумга ўтардилар.

Итларнинг олдиндагиси “Етар, энди еймиз”, дея аккилади, шекилли, итларнинг ҳаммаси бирданига Миртемирнинг устига ёпирилдилар. У оғриқ исканжасида ингранаркан, кутилмаганда қудуқ ёришиб кетди. Итлар қудуқнинг бир бурчагига тўпланиб, ғингший бошладилар. Миртемир ҳайрат билан атрофга алангалади. Қаршисида бир жонзот турганди. Оқ, тўғрироғи, у қадар оқ эмас, бўзранг. Аммо унинг вужудидан атрофга нур ёғилаётган эди, унинг кўзларида меҳр бор эди. У Миртемирга қараганда, кўзларидан меҳр оқарди,

итларга қараганда эса, бу кўзлардан кўрқинч ёғиларди. Итлар ундан шу қадар кўрқдиларки, ғиншиганча ёлвора бошладилар. Миртемир, бу қандай жонзот бўлди экан, дея унга разм солди. Бу бўри эди!

Шу пайт Она бўри афсонасини эслади. Кўктурклар хитойлар билан қакшаткич урушлардан кейин бир муддат чекинишга қарор қилишибди. Улар тоғларнинг орасидаги бир адирда тунашибди. Эрталаб уйғонишса, тўрт томон тоғ, осмонга боғланган қоялар. Чикадиган йўл йўқ. Ваҳима, очлик ва ўлим қоришиб кетибди. Турклар сувсиз ва овқатсиз бир неча кун чидашибди. Кейин ҳамма ҳолсизланиб, бирин-кетин жон бера бошлабди. Ана шундай пайтда қоялардан бирининг устида Она бўри увлай бошлабди. Унинг нега увлаганини ҳеч ким тушунмабди. Кейин у пастга тушиб, турклардан бирини тепага қараб судрабди. Бир жойда биқирлаб булоқ қайнаб турган экан. Сувдан ичиб ўзига келган навкарни Она бўри қоялар орасидан бошқа бир жойга бошлабди. Қоялардан бирининг темир эканлигини кўрган навкар ортга қайтибди. Сув ичиб ўзига келган турклар, олов ёқиб темир қояни эритибдилар. Қилич, курол-аслаҳа ҳозирлабдилар. Қоя битиб, йўл очилибди. Қоянинг ортида боғ-роғлар, гўзал масканлар бор экан. Шу-шу Она бўри уларнинг йўл кўрсатувчи дўстларига айланибди. Кимдир уни Она бўри деса, яна кимдир Бўзқурт дер экан. У ҳақда шеърлар ёзишибди, достонлар битишибди, қўшиқлар куйлашибди.

Миртемир Она бўри мени кутқаришга келди, деб ўйлади ва унга қараб талпинди. Бўри ва Миртемир ёруғликка қараб юрдилар. Орқада эса ғиншиган итлар тўдаси қолди...

Эшикнинг қўнғироғи чалиниб, Миртемир сесканиб, уйғонди. Эшикни очса, остонада Самандар турарди.

-Сизни олиб кетишга келдим, – деди у.

-Қаерга борамиз? Мен мана бу мақолани Аҳмаджон Мухторовга етказмоқчи эдим.

-Йўл -йўлакай бериб ўтармиз. Ишхонамизнинг саунаси бор, ўша ерда бир шўрва ичамиз.

-Саунага ҳожат йўқ, шундай ҳам терлаб ўтирибмиз. Бугун каминани қамокқа олишади.

-Сизни қамокқа оладиган одамни ҳали онаси тукқан эмас, – деди Самандар. – Саунада маишат йўқ. Ўша ерда ўтириб Талабалар шаҳарчасидаги воқеаларни қоғозга туширасиз. Қолаверса, бу кеча ухламаганингизни ҳам биламан. Ғани ака билан учрашиб келаяпман. Сизга қарши қилинган фитнанинг айнисини менга қарши ҳам қилишган. Сауна деб ҳазиллашдим, чунки менга қарши тайёрланган ҳужжатларда саунада шўрва ичиб ётганча, пора олди, дейишган. Хуллас, дардимиз бир, чорасини бирга қидирамиз.

-Чораси бор, – деди Миртемир. – Бизни Она бўри кутқаради.

Самандар ҳеч нарса тушунмади. Жилмайиб қўйди, холос. Уларнинг суҳбатини Миртемирнинг умр йўлдоши бўлди:

-Саҳар келдилар. Бошларини тоқчага қўйганча нималарнидир ўйладилар. Гапирган гапларимни эшитмадилар ҳам. Сомса пиширгандим. Бир пиёла иссиқ чой ичиб, сомса еб кетинглар.

-Келин, сомсаларни бир қоғозга ўранг. Олиб кетамиз. Ташқарида бошқа дўстларимиз кутиб туришибди. Бугун қиладиган ишларимиз кўп, – деди Самандар.

Миртемир Самандар билан чиқиб кетар экан, деразадан унинг умр йўлдоши Роҳила мунг билан қараб турарди...

62. МУКОФОТ

Каримов ҳам эрталабгача ухламади. Олий ўқув юртларини вилоятларга кўчириш ҳақидаги фармонларни имзолади, ўнлаб раҳбарларни ишдан олиб, ўрнига янгиларини тайинлади.

Баъзи вилоят раҳбарларини эса сайловда Исо Холисга рўйхотирлик қилди, деган баҳона билан ишдан қувди. Ҳатто Талабалар шаҳарчасини темир панжаралар билан ўраб олиш масаласидан то талалабаларни автобусларга миндириб, уй-уйларига қадар етказиб қўйишгача – барча тадбирлар билан ўзи шуғулланди. Шаҳарчани темир панжара билан ўраб олиш учун бюджетдан махсус пул ажратди. Тонг бўзариб қолганда, Алматов билан Урайимжонга:

-Миршабларнинг маошини икки марта оширдим. Мана учинчи фармонга ҳам қўл қўяпман. Буни овоза-дарвоза қилманглар,-деди.-Шундай ҳам миршабларнинг маоши бошқаларникидан беш-олти марта кўп эди. Бунинг устига улар ҳар бир дарахтдан пул теришади. Тишларидан остоналаригача олтин бўлди. Шунда ҳам содиқ бўлишмаса, йўқотиб юбораман ҳаммасини.

-Ҳаммаси сизга содиқ, – деди Алматов. – Мажлисларда ота-оналари сизни тинимсиз дуо қилишганини айтишади. Бизнинг орамиздан нонкўр чиқмайди. Сизга хиёнат қилсак, кўзимиз кўр бўлади.

Сухбатни индамай тинглаб ўтирган Алиев ҳам қўлидаги қоғозни Каримовга узатди.

-Ҳуқуқ-тартибот органлари бир вужуд. Талабалар шаҳарчасида бизнинг ходимларимиз ҳам фидойилик кўрсатдилар. Уларга ҳам бир оталик қилинг,-деди Миллий хавфсизлик қўмитаси бошлиғи Алиев.-Миршаблар қатори маошларини оширганингиз учун, куллуқ. Шу беш-олти кишига мукофот берсак дегандим.

Каримов қўлидаги қоғозни имзоларкан:

-Буни яхши эслатдингиз,-деди. – Нафақат Талабалар шаҳарчасида, балки сайловда ҳам ҳаммангиз ўзингизни кўрсатдингиз. Мен мустақил давлатнинг мустақил раҳбариман энди. Орқада халқнинг кучи бор. Сиз ҳам ана шунга яраша бўлишингиз керак. Бугун Алматов, Абдуғаниев, Алиев сизларга генерал унвони бераман.

Каримов шундай деб, Темир Алимовга дарҳол фармон лойиҳаси тайёрлашни буюрди:

-Рухсат этсангиз, бир таклифим бор эди. Урайимжон ҳали подполковник. У кишига полковник унвони берсак. Бироздан кейин эса...

-Бироз-мирози йўқ! Аввал полковник унвонини, орқасидан эса генерални ёзиб келинг. Иккаласини бирдан берамиз. Чунки хизматлари жуда катта. Ватан ва миллатга хизмат қилган одам ҳақини олиши керак.

-Бош прокурор Бўритош Мустафоевни ҳам шу рўйхатга қўшсак,-деди индамай ўтирган Мавлон.

-Ҳа-я, уни эсдан чиқарибмиз,-деди Каримов. – Дарвоқе, яна ким бор?

-Ҳаммамизнинг бошимизни қовуштириб, сизнинг топшириқларингизни бизга етказиб турган Темур акамизга ҳам бериш керак.

-Алимовнинг илгари унвони бормиди? Унвонингиз бор-ми?

-Биласиз, илгари биз запасдаги аскарлар эдик. Мен ҳам подполковник бўлгандим.

-Ундай бўлса, мен ҳам подполковникман,-дея тиржайди Каримов.

-Зотан, генералликни аввал сиз олмасангиз ҳеч биримиз бу унвонни қабул қилмаймиз,-деди Алимов худди Каримов унга ҳам генерал унвони берилиши ҳақидаги фармонга имзо чеккан кишидек мамнун бир қиёфада. – Тўғрими, йигитлар.

Ўтирганлар олтин топиб олган ғариблардлек севиниб, бу гапни қўллаб-қувватлашди.

-Сизларга берамиз. Лекин мен ҳақимда нотўғри тушунишлари мумкин, – деди Каримов маккорона истиҳола билан.

-Нотўғри тушунишса, бизни тушунишади. Сиз эса қонунларга кўра, олий қўмондонсиз. Зотан, генералсиз,-деди Алматов.

-Ана эсга солдинг, аскарларнинг бошлиғига ҳам генерал унвони берайлик. Хуллас, юринглар, ўртоқ генераллар, нариги хонада унвонларни ювайлик,-деди Каримов.

-Хўп булади, ўртоқ генерал! Хўп бўлади, ўртоқ Олий қўмондон,-дейишди улар бир овоздан. Мавлон ҳам хўжалик ишлари мудир Зелемхонга қўшилиб, генералларга хизмат қилди. Улар шишани бўшатиб бўлганларидан кейин Каримов Йўлдошевни сўради. Йўлдошев икки дақиқада етиб келди.

-Давлат комиссияси қандай ишляпти?-сўради ундан Каримов.

-Эрталабгача ухлаганимиз йўқ.

-Биз ухладик-ми? Нима гап? Ҳисоб беринг!

-Исо Холис билан жанжаллашиб қолдик. Ёкмаса, истеъфонгни бер, комиссиядан чиқ, дедим.

-Яхши... унга озгина дам бер ҳали керак бўлади.

-Ана у Миртемирнинг ишини нима қилдинг?

-У ҳамма идораларга, депутатларага мана бу ҳужжатларни тарқатиб юрибди,-дея Йўлдошев, қўлидаги қоғозларни Каримовга узатди. Каримов қоғозлардан бирини ўқиди-да, ўрнидан туриб кетди.

-Сенларни генерал қилганни онасини...,-дея бакира бошлади. – Пашшадек ишдан туядек муаммо чиқарасизлар. Бирор марта айтган гапимни охиригача топ-тоза қилиб бажармадингизлар. Битта бола ҳаммангни михнинг устига ўтқизиб куйди. Ол, мана бу қоғозларни, бориб ҳожатхонада ишлат!

Каримов шундай деб қоғозларни Урайимжоннинг юзига отди. У зиёфат хонасидан чиқиб иш хонасига ўтаркан, ҳамма орқа эшикдан Крайновнинг кулбасига “қочди”. Фақат Йўлдошев Каримовнинг орқасидан юрди.

-Бўпти, бу ишни бироз орқага ташланг. Аслида ҳамма айб сенда! Вақтида ўша жўжахўрозни Олий кенгашдан қувганингда, бошимизга бу қадар дард очмасди. Бориб ана у генерал-эшакларга айт, ҳаммаси тум-тарақай бўлиб қочмасин, Талабалар шаҳарчаси бўйича олган топшириқларини бажариб, оқшом келиб ҳисоб берсинлар. Алимовга ва Мавлонга эса ҳамма фармонларнинг махфий эканлигини айт. Яна матбуотга бериб қўйишмасин. Буларнинг ҳаммаси робот, айтганингни, буюрганингни қилади. Ақллари чириб кетган...

Каримов шундай деди-да қабулхонага чиқди.

-Мен шаҳарни айланаман,-деди кейин Крайновга. – Сен шу ерда ўтириб, топшириқлар бажарилишини назорат қил.

“Шаҳарни айланаман” дегн ибора парол эди. Демак, Каримов шаҳар четидаги боғига боради, кун бўйи ухлайди.

63.БОЙМИРЗА ҲАЙИТ

Миртемир истеъфога чиққандан кейин хусусий “Турон” ижодкорлар уюшмасида ишлай бошлади. Уюшма хусусий бўлгани учун мадрасанинг бир хонақоҳида фаолият кўрсатарди. Кошинлари нураб тушган, муқарнасларидан узоқ тарихнинг кўзлари жовдираб турган мадраса хонақоҳи зах, ҳавоси биқик бўлса-да, кишини айри бир дунёларга етакларди. Рутубат Миртемирнинг душмани эди. Хонақоҳга кириши билан оёқлари зиркираб оғрий бошласа-да, хаёллари уни олис-олисларга етакларди.

Бизга ўз тарихимизни ўргатмадилар, деб ўйларди Миртемир. Асосан бошқаларнинг тарихини ўргандик. Ўз тарихимизни эса бегоналар ёзган асарлардан ўқитдилар. Уларни асар дейиш мумкинмикан?! Ахир уларнинг аксарияти маълум бир манфаат учун

ёзилмаганми? Назаримда биз тарих ёзишни севмайдиган халққа ўхшаймиз. Кошоналар тиклаймиз, савашларда музаффарлик қиличини кўтарамиз, лекин тарих ёзишга қолганда ҳамду санодан нарига кетолмаймиз. Подшоларни макташ тарихчиларимизнинг каломи аввалларидир. Подшоларга ҳамду сано ўқиш тарихчиларимизнинг орзу-муддаоларидир. Ўтмишини билмаган келажагини йўқотади. Ўтмишини танимаган келажагини ҳам таний олмайди. Менимча ҳамма ишни тарих ёзишдан бошлаш керак.

Миртемир ана шундай ўй-хаёллар билан “Янги тарихимиз” рукнида китоблар нашр этишни мўлжаллади. Илк ўлароқ Боймирза Ҳайитнинг чет элларда нашр этилган тарих китобларини чоп этишни ҳадафлади. Қолаверса, шу кунларда Боймирза Ҳайит Ватанга келиши керак эди. Олий кенгашд бир мактуб имзолаб, Боймирза Ҳайитни ўзи туғилиб ўсган Ватанга даъват этишди. Ярим аср Ватандан узоқда қолган ва Ватанининг мустақиллиги учун курашган бу инсонни “хоин”, “сотқин” дея айблашди.

Таклифномани олган Боймирза Ҳайит радио суҳбатида Ватан ҳақида лўнда қилиб шундай деганди: “Ватан ва ҳуррият. Бу икки калима ўзини, ўзлигини англаган инсонлар учун муқаддас маъно касб этиш билан бирга тоғ каби масъулият юклайди. Ватан Аллоҳ таолло тарафидан инсон қалбига жойлаштирилган жоннинг бир бўлагидир. Ватанни севганлар ўз жонини ҳам севадилар. Ватанни севмай, ватансевар бўлиб кўринганлар ўз жонларига суиқасд қилганлардир.”

Аслида Ватанни севмоқ ўз жонига суиқасд қилмоққа айланди, деб ўйлади Миртемир. Ахир Боймирза Ҳайитнинг ўзи Ватанни севгани учун сургунда эмасми? Қанча-қанча Ватаним деганлар ўққа тутилмадиларми? Чунки шоҳлар Ватан деган қаврамнинг маъносини ўзимда мужассамлаштирганман, деб ўйлайдилар. Шу боисдан ўзларининг кинғир-кийшиқ ишларига қарши чиққанларга “Ватан хоини” тамғасини ёпиштирадилар ва ўзларининг Ватанни севмаганлари сезилиб қолмаслиги учун Ватанни севганлардан қутилиш йўллариини излайдилар.

Миртемир хаёл суриб ўтирар экан, телефон жиринглади:

-Боймирза Ҳайит ростдан ҳам эртага келар эканлар, – деди сим қоққан ўринбосари Исоқжон.

-Биз ҳам кутиб олишга чиқамиз, – деди Миртемир.

Боймирза Ҳайитнинг Ватанга қайтиши катта воқеа эди. Бу воқеа фикрларда қурилган бир қанча “обидалар”ни вайронага айлантитарди. Доим Иккинчи Жаҳон Урушида Ватан учун қон тўқдик, дея хайқириб келдик. Мана энди маълум бўлдики, биз бошқаларнинг ватани учун қон тўккан эканмиз. Ишғол остида бўлганимиз учун бизни худди қуллардек жангоҳга йўлладилар. Сон-саноксиз эр йигитлар тупроққа қоришдилар. Буни Ватан учун, дея онгимизга сингдиришди. Қалбларда сохта обида қурдилар. Ота-боболаримиз руслар тарафида туриб “Ватан учун” дея кўкрагини ўққа қарши кERGанда, Боймирза Ҳайитлар уларнинг қаршисида турганди. Ким ҳақ, ким ноҳақ эди? Мана бугун бу саволнинг жавоби ўртада. Шунингдек, Боймирза Ҳайитнинг келиши биз ифтихор этиб кўзимизга сурган тарихнинг ёлғон эканини ҳам исботлайди. Аввалига Каримов Боймирза Ҳайитнинг келишига рухсат берар экан, депутатларнинг талабидан қутилишни мўлжаллаган эди. Масаланинг ана шу “нозик” жиҳатларини ҳам тушунтириб беришгач, у бир зум ўйлади-да, маслаҳатчиси Бахтиёр Назаровга юзланди:

-Ўзинг чиқиб ана у бобойни кутиб ол. Ҳар ерда валақлаб юрмасин. Ундан фойдаланишимиз керак. Телевизорга чиқиб, сиёсатимизни қўлласин!

Бахтиёр Назаров чиқиб кетгач, Каримов Миллий хавфсизлик хизмати бошлиғини чақирди:

-Назаровнинг айтишича, Боймирза Ҳайитнинг келиши Улуғ Ватан Уруши қатнашчиларини ғалаёнга келтирар экан. Шунингдек, тарихчи олимларимиз ҳам бундан норози эканлар. Сиз нима дейсиз?

-Аслида Бахтиёр Назаровга бу хусусда махсус ҳисобот тайёрлаб бергандик, – деди мулоим оҳангда Алиев. – Биз бугун собиқ раҳбаримиз Рашидовни оқладик. У киши Боймирза Ҳайитга қарши бир қанча мақолалар ёзганлар. Таниқли олимларимиз, бугун бизга яқин бўлган қобилиятли раҳбарлар Боймирза Ҳайитни “хоин”, деб ҳисоблаб келганлар ва ҳисоблайдилар. Аммо энг асосийси, Москва биздан жиддий норози.

-Нега норози бўлади?

-Сизлар чегарадан чиқиб кетаяпсизлар, дейишди Московдан. Боймирза Ҳайитнинг қайтиши Ғалаба байрамига соя туширади, миллиятчи кучларни бирлаштиради.

-Уларни тинчлантириб қўйинг. Бобойни истаганимиздек сайраттирамиз. Керак бўлса, қилмишлари учун узн ҳам сўратамиз. Эртага аэропортда оломон йиғилмасин. Кимлар кутиб олишга чиққанини рўйхат қилинг. Ҳар қандай воқеани ўз фойдамизга йўналтиришимиз керак. Дўстимиз ким, душманимиз ким, ана шундай воқеаларда ўртага чиқади. Агар бобой телевизорга чиқиб, айтганларимизни гапирса, ана у жўжахўроз тўполончиларнинг ҳам попугини пасайтириб қўярдик. Улар бизга эмас, ана шундай бобойларга ишонишади. Агар айтганимиз ўнгидан келса, бобойни мен ўзим қабул қиламан ва мустақиллик байроғини қандай кўтаришни жўжахўрозларга кўрсатиб қўяман.

Эрталабдан қўналға атрофини миршаблар ўраб олишди. Ўтганга ўтмалаб, кетганга кетмалаб қарайдиган йўлтўсарлар сингари миршаблар ҳар турли баҳоналар билан йўлларни бекитдилар. Боймирза Ҳайитни кутиб олиш катта тантанага айланмаган бўлса-да, “юқоридагилар” ўз режаларини қадам-бақадам амалга оширдилар.

Боймирза Ҳайитни аввал қўналғанинг қахвахонасига олиб киришди, кейин унинг ёнига яқинлашган Бахтиёр Назаров унга:

-Сиз учоқдан тушганда тиз чўкиб ерни ўпибсиз, – деди.

-Мен Ватан тупроғини ўпдим, озод Ватанимнинг тупроғига эгилдим,-дея жавоб қилди Боймирза Ҳайит.

-Биласизми, бизнинг телевизорчилар учоқнинг ёнигача боришолмайди. Шу боис ҳозир шу ерда ўша воқеани такрорласак. Сиз тиз чўкиб тупрокни ўпсангиз, улар сувратга олиб халққа кўрсатишса.

Боймирза Ҳайит сесканиб тушди:

-Ёшим етмишдан ўтганига анча бўлди,-деди у. – Мен ҳақимда минглаб фелъетонлар ёзилди, мени тахкирладилар, менга бўхтон уюштирдилар, лекин хафа бўлмадим. Аммо ҳозиргидек ҳеч қачон туйғуларим топталган эмас. Мен артист эмасман, мен Ватан тупроғини бировга кўрсатиш учун ўпмадим. У юрагимдан келган бир ҳиснинг ташқи кўриниши эди.

-Тўғри, сиз ҳақсиз, – деди Бахтиёр Назаров. – Лекин Сизни мустақил Ватанимизнинг мустақил юртбошиси жасорат билан таклиф қилдилар. Москов ғазаб билан кузатиб турибди. Шундай шароитда бир-биримизни англамасак, кулгили ҳолга тушамиз.

-Мен сизни англайман. Лекин менинг туйғуларим билан ўйнаманг!

-Биласизми, Сиз каби инсонлар жуда оз. Ҳамма ҳам Ватаннинг қадрига, бу тупроқнинг қадрига етавермайди. Етмиш йил давомида бизни Худосизга, динсизга, атеистга айлантириб юборишди. Бу тупроқ учун жон бериш Аллоҳнинг буйруғи эканлигини ҳеч ким билмайди. Сиз каби буюк бир инсоннинг бу тупрокни ўпишини кўрган халқ уйқудан уйғонади ва ўз мустақиллигини англайди. Шундай экан, бугунга қадар Ватан учун азият чекдингиз. Яна бир марта чексангиз бизни хурсанд қиласиз.

Боймирза Ҳайитнинг қўллари титрай бошлади. Сўнгра бу титроқ бутун вужудига ёйилди. Кўзларидан нафрат пишқири бошлади.

-Лаънат бўлсин сунъий тарихга! – деди ва тиз чўкиб пешонасини заминга босди. Анча вақт шу ҳолда “Сувратга олинглар, қайта-қайта олинглар” дегандек, бош кўтармай турди.

-Бу кадр мустақилликнинг симболи бўлади, – деди Бахтиёр Назаров атрофдагиларга. Сўнгра Боймирза Ҳайитнинг қўлидан тортиб турғазди.

-Энди икки оғиз халқимизга мурожаат қилсангиз, – деди у ҳали нафасини ростлаб олмаган меҳмонга.

Боймирза ота қуриб қолган лабларини тили билан намлади-да:

-Мен эллик икки йилдан кейин Ватанга келдим. Ўғлим вафот этганда узоқларда дардим билан яккама-якка қолдим. Агар рухсат берсангизлар, аввало қишлоғимга борсам, фотиҳа ўқисам, ана ундан кейин телевизорга чиқармиз.

-Сизни оқсоқол билан, яъни юртбошимиз билан учраштирмакчи эдик. Агар телевизор масаласи кейинга қоладиган бўлса, бу масалани ҳам орқага суришга мажбурмиз.

-Жуда яхши, жуда яхши, – деди Боймирза Ҳайит болаларча самимият билан. – Зотан давлат раҳбарининг иши кўп, биз у кишининг вақтини қадрлаймиз.

-Аммо оқсоқол қабул қилсалар, йўлимиз очилиб кетарди.

-Майли учрашамиз. Фақат қишлоққа бориб маросимларни ўтказиб қайтайлик, – деди Боймирза ота ёлворган оҳангда.

Шу пайт Ташқи ишлар вазири кириб келди ва Боймирза отани кучоқлади. Улар бироз суҳбатлашгандан кейин:

-Дарҳол баъзи ўлкаларда элчихона очилса, мустақиллик деворлари қурилган бўлади, – деди Боймирза ота. – Чет элда яшаган ватандошлар бу кунларни кўз ёши, қалб оғриғи билан кутдилар. Улар учун ҳам Ватан йўлларини очмоқ керак.

-Тўғри,-деди вазир.-Лекин ҳали Ватанимиз янги туғилган боладек, энди юришни ўрганаёпти. Бунинг устига пулимиз оз. Ҳозир халққа нон топиб бериш билан машғулмиз. Чет элдаги мухожирлар эса фақат масжид қуриш учун келмоқдалар. Улар Ватанни эмас, ўзларини ўйламоқдалар. Масжид қурсам номимни абадийлаштираман, деб ўйлаёттилар... Боймирза ота вазирга қараб маънодор кулиб қўйди. Бу кулгининг ортида “Сенлар одам бўлишинг учун яна қанча дарёлар оқиши керак” деган маъно бор эди.

Миртемир Боймирза ота билан кўришаркан:

-Вақтингиз булса, бизнинг мадарасага ҳам ташриф буюрарсиз. “Турон” ижодкорлар уюшмасининг Сизга берадиган заррадек ҳадяси бор,-деди.

-Иншоллоҳ, келамиз,-деди Боймирза ота. – Ҳадя қабул қилиш ҳиссини ҳам бир яшаб кўрмоқчимиз.

-Бу ҳадя Сиз ўйлагандек, қўл билан ушлаб кўриладиган эмас, – ҳазиллашди Миртемир. – У етмиш йиллик армонларнинг мағзини мужассамлаштирган армуғон. Ҳозирдан айтиб қўйсам, қизиғи қолмайди.

Боймирза ота оддий нарсаси ҳам қувонадиган, оддий ҳазилдан ҳам севинадиган инсон эди. Қаҳ-қаҳ отиб куларкан, худди ўрнидан сакраётган одамга ўхшарди. Жуссасининг катталиги, пешонасининг кенглиги, кўзларининг даринлигига қарамай, у жажжи болакайларни эслатарди. Балки унинг бўҳронлар ичидан омон чиқишининг сири ҳам ана шунда эди.

Миртемир айтиш керакмиди, деб ўйлади. “Истиклол Чўлпонлари” унвони таъсис қилингани ва Боймирза отанинг китобларини чоп этиш ҳаракатлари бошланганини айтиш унга куч берармиди? Майли, кейин айтармиз. Агар қолган ишга қор ёғмаса?

Миртемир баъзан ўзи ўйлаган нарсалардан ўзи кўрқиб кетарди. Чунки ўйлагани бошига келарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Қолган ишга қор ёғди.

Боймирза ота қишлоғида экан, Миллий хавфсизлик хизмати бошлиғи Каримовнинг хузурига кирди:

-Боймирза Ҳайитнинг қишлоғида ва атрофида аҳвол оғирлашди, – деди у. – Ҳар турли ҳаракатлар митинглар ўтказмоқдалар. Бундан норози бўлган қариялар “Бу Ватан учун биз бекорга жонимизни ўртага қўйдикми”, дея намойишга чиқишмоқчи.

-Мен Сизга неча маротаба айтдим, гап олиб келманг, рапорт ёзиб келинг...

-Рапортни маслаҳатчига бергандим, мана нусхаси.

Махсус рапорт

Фақат Президентга.

Боймирза Ҳайит 12.07да соат 6.30да аэропортга келди.

13.07да пойтахтни томоша қилди. Муҳолифат вакиллари билан учрашди. Ёнидан қўшиқчи Дадаҳон Ҳасан ажралмади.

14.07да қишлоғига қараб йўлга чиқди. Вилоят ҳокимлиги тарафидан карнай-сурнай чалиб, гуллар билан қабул қилинди. Меҳмонхонада ҳоким муовини Дилишода опа билан жанжаллашиб қолди. Дилишода опанинг эътирозига қарамай, тўғри қишлоғига борди. У ерда муҳолифат мингларча ишсиз ёшларни тўплаб турганди. Боймирза Ҳайит гапирар экан, микрофон ўрнатишди. У “Бошимизга нима бало келган бўлса, коммунистлардан келди, улардан қутилмасак, мустақил бўлолмаймиз” деди.

15.07.Ота-онаси ва оиласидан вафот этганлар учун диний маросим ўтказди. Келган-кетганга Иккинчи Жаҳон Уруши қатнашчиларини ёмонлади.

16.07. Неварасининг суннат тўйини ўтказди.

18.07.Саёҳатга чиқди. Пачаота дарёси бошланадиган жойга қадар етиб борди. Кейин Арслонбобни зиёрат қилди.

19.07.Қўшни вилоятларга борди. Ҳамма жойда одамларни тўплаб, тарғибот ишлари юргизди.

20.07.Бизнинг эътирозимиздан кейин ҳокимликка чақирилди. Биз Боймирза Ҳайитни яккалаб қўйиш, атрофида уймалаб юрганларни четлаштириш учун барча тадбирларни кўрдик...

-Бу рапорт жуда ҳам тор. Қолаверса, нима сабабдан менга эмас, маслаҳатчига берилди, – деди Каримов.

-Сизга етказиш учун берилганди. Батафсил ёзилган иккинчи варианты ҳам бор. У ҳам маслаҳатчида.

Каримов жаҳл билан қора телефоннинг дастагини олдида:

-Бахтиёр, кулоқ сол! – деди. – Сенинг ҳажга бориб, нима қилмишлар қилиб келганингни унутганим йўқ. Менга иккиюзламачилик қилма! Нима сабабдан КГБ рапортини яширдинг? Нима сабабдан ана у бобойнинг жоловини қўйиб юбординг? Йигирма тўрт соат ичида мамлакатни тарк этсин. Бу мамлакат “Ватан хоинлари”нинг футбол майдончаси эмас. Уни қувиб келганингдан кейин, менинг номимга тушунтириш хати ёз, – деб, телефон дастагини яна ўрнига қўйди.

Боймирза Ҳайитнинг мамлакатдан қандай чиқиб кетганлигини ҳеч ким билмай қолди. Нега деган саволга жавоб берадиган киши йўқ эди. Чунки шу кунларда Каримов қиличини ялонғочлаб, ғазаб отига минганди. Кўзига ёмон кўринган ёки номи қулоғига ёмон эшиттирилган ҳар қандай одамни жазога тортаётган эди.

64.ЭРК

Каримов аста-аста золим ҳукмдорга айланиб қолди, деб ўйлади Миртемир. Ҳали яқиндагина мухолифатдан ҳайикарди, лекин энди мухолифатнинг лидерларини калтаклапти, қамоққа ташлапти, сургун қилапти. У одимба-одим босиб келаяпти. Лекин мухолифат нега чекинапти? Миртемир ўзича ана шу саволнинг жавобини қидирди.

Кунларнинг бирида Миртемирга Шавкат Темур телефон қилди:

-Эшитишимча, Сиз Эрк партиясига аъзо бўлибсиз,-деди у. – Юз бераётган воқеаларни кўраяпсиз. Бизнинг орамиздаги воқеалардан хабарингиз бўлса керак, парчаланиб кетаяпмиз. Бирлашмасак, ҳолимиз вой бўлади.

-Мен ҳали партияга аъзо бўлганим йўқ, – деди Миртемир. – Лекин бугун бир бўлиб курашмоқ учун партияга аъзо бўлиш керак, деб ҳисоблайман. Қолаверса, Олий кенгашда мухолифат фракциясини тузишимиз керак. Кучга айланмасак, битта-битта синдиришмоқда.

-Фикрларимиз яқин экан. Бир учрашиб гаплашайлик, – деди Шавкат Темур.

Улар “Халқлар дўстлиги” метро станцияси ёнида учрашдилар.

-Бирлашиш, бутунлашишимиз керак, – деди Шавкат Темур. – Лекин кечаги хатоларимизга баҳо бергандан кейин бирлашиш керак. Биз катта куч эдик. Ҳукуматнинг орамизга жосуслар суқиши, баъзи бирларимизни сотиб олиши туфайли иккига бўлиндик. Ўртага бошқа баҳона отилди. Бизни “Улар аввал демократия кейин мустақиллик” исташди, деб айбламоқда. Ўзларини эса “Биз аввал мустақиллик кейин демократия дедик”, дея оқлашмоқда. Агар тарихимиз ва воқеалар жиддий таҳлил қилинса, бу баҳона эканлиги ўртага чиқади.

-Ҳозир ана шу таҳлилга вақт йўқ. Тезроқ бирлашиб чора қидирмасак кейин таҳлил у ёқда турсин, воқеаларни эслашга ҳам вақтимиз қолмайди, – деди Миртемир.

-Йўқ, вақтимиз қолмаса ҳам бу ҳақда гаплашиш керак. Агар Исо Холис менга қўшилсагина, мен ундан кейин бошқа нарсаларни ўйлаб кўришим мумкин.

Миртемир анча гаплашиб кўрди ва бу мижғов одамга фақат “хўп” деб кутилишдан бошқа чора йўқлигини англади:

-У ҳолда мен Исо Холис билан гаплашаман ва ҳаммамиз бир орага келиб, қайси шартлар доирасида кучларни бирлаштириш масаласини муҳокама қиламиз-деди.

Шундан кейин Миртемир Исо Холис билан учрашди. Исо Холисининг икки оёғи бир этикка тикилганди. Каримов унга берган ваъдаларни унутган ва қиличини унинг ҳам бошида айлантираётган эди. У қасос деган ҳиснинг қопқонига илинганди. Шунинг учун Миртемирнинг таклифини дарров қабул этди.

-Демократик Кучлар Форуми номи билан бир йиғилиш ўтказайлик, – деди Миртемир. – Мухолиф қарашдаги барча депутатларни ҳам даъват этамиз. Собик Бош вазирни ҳам чақирайлик.

-Э, йўқ! Собик Бош вазир билан йўлимиз бошқа-бошқа.

-Бугунга қадар бошқа-бошқа эди, лекин ҳозир бир йўлдамиз. У ҳам Каримовнинг зулмига учради. Зулмга қарши зулмни ҳис этганлар бирлашишлари мумкин. Зулмни кўрмаганлар эса уни кутиб тураверадилар, – деди Миртемир.

Ўша куни Бирлик ҳаракати ва Эрк партияси раҳбарлари бир ерга тўпландилар. Тортишув узоқ давом этди. Охирида “Форум” масаласи қабул этилди. Эрк партиясининг жойи бўлгани учун “Форум” шу ерда ўтказиладиган бўлди. Лекин “Форум” да Шавкат Темур иштирок этмади.

-Исо Холис ва тарафдорлари менинг келишимни ишташмапти. Демак, мен борсам “Форум” бузиларди, – деди у Миртемирга.

Шунга қарамасдан, мухолифат кучларининг бир бутун ҳолга кела бошлагани ҳукуматни чўчитиб қўйди.

Бир куни мухолиф депутатлар тўпланиб, Олий кенгаш мажлисида парламент раисини ишдан бўшатиш ҳаракатини бошлашга қарор қилдилар. Улар Каримовдан қутилишнинг бирдан бир демократик йўли ана шу деб билардилар. Раис кейинги пайтда Каримовдан тинимсиз “калтак” еяётганди. Каримов раисни алмаштириш пайида эди. Шундай пайтда парламентда депутатлар раиснинг масаласини кун тартибига келтирсалар Каримов ҳам қарши чиқмас эди. Агар раиснинг ўрнига адолатли бир кишини сайласалар, кейин Каримовнинг танобини тортиб қўйиш осон бўларди.

-Олий кенгаш раиси Московдан катта ҳадялар олиб турган, – деди Миртемир депутатларга. – Мана қўлимизда унга ҳадя сифатида берилган енгил машиналар ва бошқа совғалар ҳақида ҳужжат бор. Бу мустақилликка хиёнатдир. Биз бу масалани кўтарсак, ҳеч ким қаршимизга чиқа олмайди.

-Бирлик ҳаракати шу куни митинг ўтказиб, бизни ташқаридан туриб қўлламоқчи, – деди Ибод Тўраев.

Шундан кейин мажлисда кимнинг нима ҳақда гапиражаги келишиб олинди. Олий Кенгаш раисини алмаштиргунга қадар Каримов ҳақида лом-мим демасликка келишиб олинди. Аммо мажлис куни Исо Холиснинг митингни бекор қилгани ўртага чиқди.

Буни эшитган депутатларнинг хуноби ошди. Мажлисни Каримов кириш сўзи билан очди. У сўзини тугатиб, ўрнига ўтирар экан қутилмаганда Исо Холис “Савол бор”, дея бақирди. Миртемир тушуна олмай қолди. Кеча кечқурун Каримовга гапирмай турамиз, деб келишгандик. Нега бирдан Исо Холис бу келишувни бузди? Ҳозир арава бошқа томонга юриб кетмаса бўлгани.

Худди Миртемир ўйлагандек бўлди. Жиловни кенгаш раиси Йўлдошев ушлаб олди:

-Ўтиринг ўрнингизда, Ўртоқ Муҳаммадбоев! Сизнинг ниятингизни яхши биламиз. Бугун бу ерда қандай ўйинлар кўрсатишингизни ҳам яхши биламиз, – деди Йўлдошев.

Йўлдошев Исо Холиснинг энг нозик жойига ниқтаганди. Исо Холис унинг тахаллуси. Негадир у ўз фамилиясидан нафратланарди. Фамилиясини айтган одам қаршисидаги душманга айланарди. Шу боис Йўлдошевнинг гапи сариқнинг жони сариқ ҳолвада дегандек, унинг жаҳлини чиқарди. Қоғозга икки сатр нималарнидир ёзди-да, раиснинг ёнига бориб депутатлик ваколатномасини топшириб, чиқиб кетди. Унинг бу “ўжарлиги” қимматга тушди. Йўлдошев имкониятдан фойдаланиб, мухолиф миллатвакилларига ҳужум қилди. Улардан бирортасига сўз бермади. Гапирмоқчи бўлганларни “бузғунчилар”, деб мажлис залидан чиқариб юборди. Шу ўйин билан у ўз умрини бироз узатди..

Исо Холисни мажлисдаги “пат-пат” товукдек ҳаракати Эрк партиясини ҳам оғир аҳволга солди. Партия котиблари, фаоллари қамоққа олини бошланди. Партия газетасининг устидан тергов бошланди. Бир куни Миртемир партия биносига келса, Исо Холистан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Исо Холис сувга тушган мушукдек, бошини елкасининг ичига тортганча шумшайиб ўтирарди.

-Шунақа, – деди у. – Оғир кунингда ҳамма ташлаб кетади. Хайриятки, укаларим бор экан. Газетани улар билан бирга чиқариб турибман.

Миртемирнинг унга раҳми келди. Аслида кўп нарса унинг ўз хатоси билан юз берди, уни ўйинчоқдек ўйнатишди, деб ўйлади. Лекин бугун партия ҳукуматга мухолифатда. Бугун демократияни ҳимоя қиляпти. Агар уни ҳам Бирлик сингари ёпиб ташлашса, ундан кейин

демократия учун эшиклар ҳам узок йилларга ёпилади. Агар барча мухолиф миллатвакиллари ҳозир шу партияга ўтсалар, балки уни кутқазиб қолиш мумкиндир? Лекин куни кеча партия котиби Ориповни қамоққа олишди. Исо Холисни ҳар кун чақиришяпти. Шундай шароитда ким ҳам бу партияга ўтишга рози бўларди. Аслида мардлик шундай пайтда билинади. Бир синаб кўришим керак.

-Мен эртага қадар депутат дўстларимиз билан гаплашаман. Камида ўн киши партияга аъзо бўлиб, Олий кенгашда партия гуруҳини тузсак, балки таъкибларни тўхтатармиз.

-Бу таъкибларни Йўлдошев деган хўкиз уюштираяпти, – деди Исо Холис. – Мен Каримовнинг маслаҳатчиси Мавлон билан гаплашдим, бу ишлардан оқсоқолнинг хабари йўқ экан.

-Менимча фақат сизнинг эмас кўпчиликнинг хатоси ана шу ерда. Ўтган ой “Халқ сўзи” газетасининг муҳарририни ишдан олишди. “Бу ишни Каримов бошқараяпти”, деб ҳеч кимни ишонтиролмадим. Каримовнинг номига мурожаатлар ёзилди, ўртага одам қўйилди, лекин натижа бўлмади. Каримовсиз ҳеч ким нафас ололмайдди. Каримовсиз бирор бир раҳбар одим отолмайдди. Каримовнинг маҳорати шундаки, у бошқаларнинг қўли билан калтаклайди, ўзи панада қолади.

-Бу ҳаяжон масаласи, – деди Исо Холис “ҳаяжонланиб кетдингиз” сўзларини юмшатиб. – Сиёсатда совуққон бўлиш керак. Биламан, сиз Каримовни ёмон кўрасиз. Шу сабабдан у кўзингизга ҳамма ишнинг айбдори бўлиб кўринади.

-Биз энди демократия шароитида эмас, диктатура шароитида яшаймиз. Бундай пайтда ҳамма мансабида қалтираб ўтиради. Шундай экан, бир партиянинг котибини қамаб қўйишга ким журъат этаолади? Ёки бир газетанинг устидан ким тергов бошлата олади?

-Барибир ҳам Каримовга мурожаат қилиб кўриш керак. У тушунадиган одам.

Исо Холис ўзини бунчалик гўлликка солиши Миртемирни ҳайратлантирди. У нимадандир чўчиётгандек эди. Орада қандайдир сир борга ўхшайди. Шунинг учун кескин оҳангда гапира бошлади:

-Ҳали уч-тўрт йил ўтсин, сиз ўзингиз ўртага чиқиб, Каримов тушунмайдиган одам, дейсиз. У кеча сиз билан жуда мулойим гаплашди, эртага эса сизни йўқотиб ҳам юбориши мумкин. Қачон бўлаётган воқеалар ортидаги кучни кўра олсак, парда орқасидаги режессёрни танисак ва танибгина қолмай, буни очиқ-ойдин гапирсак, ўшанда ҳақиқат ўртага чиқади.

Исо Холис тортишувга нукта қўймоқчи бўлди ва:

-Иброҳим Ҳаққул газетани ташлаб кочди. Шу ишни сиз олсангиз, қани Каримовни қандай танишингиз маълум бўларди, гап бошқа, иш бошқа, – деди.

Шу нуқатда Миртемир уни Каримовга ўхшатди. Худди шундай гапни у Каримовдан ҳам эшитган эди. Лекин у ҳам Каримов каби Миртемирнинг нафсоният нуқтасини топа олди.

-Менимча газетага раҳбари масаласи Марказий кенгашнинг ваколатига кирса керак. Агар Марказий кенгаш лозим топса, ўшанда ўйлаб кўраман, – деди Миртемир юмшаб.

-Янги йилнинг учинчи куни Марказий кенгашнинг мажлиси бор. Ўшанда бу масалани ҳал қиламиз.

Миртемир Исо Холис билан хайрлашиб чиқиб кетгач, депутат дўстлари билан гаплашди. Ҳар кимнинг ҳар хил баҳонаси бор эди.

-Ёнаётган оловнинг ичига ўзимизни отамизми? – деди улардан бири.

-Баъзан бу ҳам оловни сўндиришнинг бир йўли бўлиши мумкин, – жавоб қилди Миртемир.

-Ҳаммаси ўйдирма. Лекин Исо Холис қандайдир тангани ўғирлашда айбланмоқда. Ҳатто Сафар Бекжон деган қариндошини танга масаласида қамоққа ҳам олишибди.

-Бизнинг мақсадимиз Исо Холисни қутқазиш эмас. Биз демократияни қутқазишимиз керак. Ҳозир бу партия демократияни ҳимоя қиладиган майдонга айланди. Биз ана шу майдонга тушиб, демократия душманларига қарши мужодала этишимиз керак ёки ин-инимизга кириб бўлаётган воқеаларни тамоша қилиб ўтиришимиз лозим. Охирида инимиздан чиқариб олиб эзгилаб ташлашади.

Миртемирнинг бундай дашномли гапидан кейин ҳам бор йўғи олти киши партияга аъзо бўлиш учун ариза ёзиб, унинг қўлига берди.

Шунисига ҳам шукур, деб ўйлади Миртемир. Бугун олти киши бўлсак, эртага олтмишга айланамиз.

Янги йилни тумов билан ўтказган Миртемир Эрк партияси Марказий кенгаши мажлисига келаркан, йўлда номерсиз бир енгил автомашина бирдан унинг устига қараб юрди. Аранг чап бериб қолди. Машина орқага қайрилиб, яна унинг устига юрди. У югурганча темир панжаралар орқасига ўтиб, ора сўқмоқдан партия биносига етиб олди. Воқеани эшитганлар дарҳол газеталарга, ҳуқуқ идораларига хабар қилишди.

Шу кун Миртемирни партиянинг мафкуравий масалалар бўйича котиби ва газета Бош муҳаррири этиб сайлашди. Кенгашда партия котиби Нур Муҳаммад сўз олиб:

-Партиямиз номидан Олий кенгашда сўз айтмоқ фикрини ҳам Миртемирга берайлик, – деди.

Хуллас, бир ишга рози бўлган Миртемир уч ишни елкасига олди. Эртасигаёқ Иброҳим Ҳаққулни даъват этиб, Давлат Матбуот қўмитасига боришди. Расмиятга кўра, янги муҳаррир албатта эскиси билан бирга Матбуот қўмитаси раисининг ҳузурига бориши керак эди. Қўмита раиси Шоғуломов Иброҳим Ҳаққулга юзланиб:

-Ҳафталик газетада анча мунча қалам ҳақини ўзлаштириб қўйибсизлар-ку, – деди.

-Ўзлаштирганимиз йўқ. Нишриётингиз барча рўзномаларга плёнка берди. Биз эса Болтик бўйи жумҳуриятлардан нақд пулга сотиб олдик. Акс ҳолда газета чиқмас эди. Еб юбориш нимаси? Биз ўз ҳисобимиздан ҳаражат қилдик.

-Бу ёғи билан ишим йўқ. Барибир жавоб берасизлар.

-Яқинда Ички ишлар вазирлигидан телефон қилиб, Чўлпоннинг адресини сўрашди. Газетамизда унинг шеъри босилганди. Адресини нима қиласизлар десам, “Чақириб, тергов қиламиз, қалам ҳақи олган олмаганини сўраймиз” дейишди. Кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмадим. Сизнинг ҳам гапингиз Чўлпонни қабрдан чиқариб олиб кел, деганга ўхшаб қолаяпти.

Иброҳим Ҳаққулнинг бу гапи Шоғуломовнинг жаҳлини чиқарди. Миртемир орани юмшатмоқчи бўлди, лекин қор қилмади.

-Биласизми, сизлар ҳовлиқиб кетдингизлар, – деди у. – Эллик йилда ҳам ҳокимиятга келолмайсизлар.

-Биз ҳокимиятга эртага келамиз дедикми? – Иброҳим Ҳаққул ҳам товушини баландлатди.

-Бу одамдан бошқа бугун ҳеч ким мамлакатни бошқаролмайди, – Шоғуломов шундай, дея деворга осиб қўйилган портретни кўрсатди. Каримов унинг боши узра жилмайиб тургандек эди.

-Исо Холис бор, – деди Иброҳим.

-Исо Холис... уни яхши танийсизми? Бирор жойда бир ойдан кўп ишлай олмаганини биласизми? Уч марта коммунистик партияга аъзо бўламан, дея ариза ёзганини ва қабул қилинмаганини ҳам биласизми? Унинг хотинбозлигини? Умр йўлдошини қишлоқи, маданиятсиз, дея ҳайдаб юбориб, Москвадан малла сочлилардан олиб келганини ҳам биласизми? Ғарбдаги шоир, ёзувчиларнинг шеърлари, қатраларини таржима қилиб, қош-

кўзини бўяб, ўзиники қилиб олганини биласизми? Билмайсиз! Ёки билиб билмасликка оласиз !

Хуллас, Шоғуломовнинг “биласизмилари” ҳеч тугамасди. Охири:

-Менга ўйлаб кўриш учун ун кун муҳлат беринглар. Оқсоқол билан гаплашиб олай, – деди у.

Ўн кун вақт сўраган вазирнинг ўн соатга ҳам тоқати етмади. Каримовнинг ҳузурига келиб:

-Миртемир мухолифатнинг газетасига бош муҳаррир бўлибди. Газетага тазйик ўтказаяпсизлар, масалани Олий Кенгаш мажлисида кўтараман, деб таҳдид қилди,-деди.

-Мен унга таҳдидни кўрсатиб кўяман. Йўлдошевга айтинг зудлик билан уни депутатликдан чақириб олсин. – Каримов шундай, деб Шоғуломовни чиқариб юборар экан аввал маслаҳатчиларига, кейин яна Йўлдошевга сим қоқиб:

-Уч кунда Миртемирни депутатликдан чиқариб олиш масаласини ҳал қилинг, – деди.

Якшанба куни Миртемирнинг уйига сайлов округидан Нуриддин деган йигит келди.

-Кечирасиз, нохуш хабар олиб келдим, – деди у.

-Тинчликми?

-Пайшанба-жума кунлари ҳоким Келдиёр ака колхоз раислари, мактаб директорлари, бригадирларни ишга солиб, сизни депутатликдан чақириб олиш ҳақида қоғоз тўплади. Кеча қоғозларни шахсан ўзи Олий кенгашга келтирди.

-Одамлар ҳеч нарса дейишмадими? – сўради Миртемир.

-Биласиз-ку, ҳозир ҳамма қўрқиб қолган. Бунинг устига бу Каримовнинг, Жўрабеков ва Мавлоннинг топшириғи экан. Бу исмларни эшитганларнинг аҳволини тасаввур қилиш қийин эмас. Қочганга қора ҳам Қорабой бўлиб кўринади.

Шу куни Исо Холиснинг уйига Фарангистон элчиси меҳмонга келиши керак эди. Миртемирни ҳам даъват қилганди. Миртемир жомбойлик меҳмони билан хайрлашиб, қор устида аста-аста юрганча Исо Холиснинг уйига борди.

-Эртага бир Жўрабековга, кейин Мавлонжонга учрашинг-чи, – деди Исо Холис.

-Қозининг устидан ўзига арз қилгандек гап бўлмайдими?

-Қози истаса, қарорини ҳар турли чиқариши мумкин. Уларнинг кўнглига йўл топсангиз бу ҳаракатни тўхтатишади.

Миртемир Исо Холис ё жуда ҳам содда ёки жуда ҳам айёр, деб ўйлади. Тулкининг терисидан тўн кийган одам дўстини аждаҳонинг оғзига рўбару қилади. Каримов Жўрабеков ва Мавлонга бу ишни топширган бўлса, уларни Азроилдан бошқа ҳеч ким тўхтата олмайди. Миртемирнинг хаёлга чўмганини кўрган Исо Холис :

-Бугун Жўрабековни кўргандим. Сизни сўради. Демак, гап бу ёқда экан. Нима бўлса ҳам бир учрашиб кўйинг, – деди.

Бу ишдан Исо Холиснинг ҳам хабари бор, деб ўйлади Миртемир. Чунки воқеани эшитиб, ҳеч қандай таажжуб билдирмади. Аксинча, ҳамма нарсадан хабардор кишидек “чиқиш йўли”ни кўрсатди.

Миртемир Исо Холиснинг ҳам хабари бор йўқлигини ўрганмоқчи бўлди. Агар хабари бўлса, демак у билан бир йўлда юриб бўлмайди. Буни ўрганишнинг бирдан бир манбаи Жўрабеков эди. Эрталаб у Жўрабековнинг ҳузурига келди. Папирос чекмайдиган Жўрабеков тинимсиз тутата бошлади.

-Менга ҳам беринг, – деди Миртемир. Жўрабеков бир қутича “Малбора”ни узатди. Кейин:

-Ўлимдан хабарим бор, лекин бундан хабарим йўқ, – деди у.

-Хабарингиз бор, биламан, – деди Миртемир ўчакишиб. – Ҳатто Исо Холисга ҳам айтибсиз.

-Исо Холисни кеча кўрдим. Фақат узоқдан бош ирғаб саломлашдик.

Ундан мени сўрамадингизми?

-Сиз керак бўлсангиз, қаердан топишимни яхши биламан. Қолаверса, бу масала Олий кенгашининг иши. Билганимда ҳам унга аралаша олмайман.

-Ахир ҳамма сессияларни Сиз ўтказасиз. Неча марта депутатларни чақириб дўклагансиз. Ҳатто менга ҳам “қамалиб кетасан”, деб айтгансиз. Майли, чақириб олинглар. Лекин бу иш қонун талаби даражасида бўлсин. Менга сайловчилар билан учрашув учун имконият танимасдан қарор чиқариб қўйишларингиз на тарозида туради ва на тавоқда.

-Биласиз, Еттинчи сессияда бош кўтариб, тўнтариш қилмоқчи бўлганларни тор-мор эттик. Битта Йўлдошев қолди, – деди Жўрабеков худди “Сизнинг ҳам ишингиз битди” дегандек.

-Ҳа, омадлисиз. Лекин инсон бир умр ҳам омадли бўлавермайди, – деб чиқиб кетаётган Миртемирни Жўрабеков тўхтатди:

-Биласизми, пойтахтдан кетиб вилоятингизда ишласангиз, буни тўхтатиш мумкин.

Миртемир Жўрабековга қараб жилмайди-да, эшикни ёпиб чиқиб кетди. Эртасига эрталаб йўлга чикди. Сайловчилари билан учрашмоқчи эди.

65. ЙЎЛДОШ

Миртемирни қўналғада яқин дўсти Йўлдош Суюнов кутиб олди. У вилоят ҳокимиятида ташкилий-кадрлар бўлимининг мудир эди.

-Нима гап? – деб сўради Миртемир Йўлдошдан.

-Ҳозирча ҳеч гап. Агар бирор воқеа бўлса Сизга мен ўзим етказаман, р...ростдан ҳам... – деди Йўлдош “р”ни айтишга қийналиб.

-Олий Кенгаш раёсати номидан аллақачон қарор ҳам тайёрлаб қўйишибди-ку?

-Бизга келган эмас, акс тақдирда мени сизни кутиб олишга чиқаришармиди?

-Мен ҳеч кимга айтмасдан йўлга чиққандим. Булар йўталга қараб исмингни айтиб берадилар...

-Шунақами? – ажабланди Йўлдош.

-Сизнинг ажабланишингизни кўриб мен ҳам ажабланыпман, – деди Миртемир.

-Ахир имзо тўплашибди-ку?!

-Йўғе, мен эшитишим керак эди.

Миртемир Йўлдошнинг гапига ишонди. Чунки бу бинода ишлаётганлардан икки нафарига ишониш мумкин бўлса, булардан бири Йўлдош, деб ўйларди бир пайтлар. Ўрусиядан жумҳуриятга келган “тозаловчи”ларнинг қармоғига тушган инсонлар орасида Йўлдош ҳам бор эди. Ўшанда Йўлдош вилоят ижроқўмида умумий ишлар бўлимининг мудир эди. Шаҳар партия қўмитасида аъзоликка қабул қилинувчилардан пора исталганини мажлисда айтиб қўйгани учун кўчага қувилди.

Миртемир уни анчадан буён танирди. Йўлдош комсомол қўмитасида ишлаб юрганида вилоят рўзномасига хат-хабар олиб келарди. Ҳамма вақт тиржайиб турадиган, бўйни эгик бу йигитчага доим ёрдам қўлини чўзарди. Сўзларидан ҳалол, пок, виждонли йигитга ўхшарди. Ҳуқуқ олийгоҳини битиргани учун сиёсатдан унча-мунча хабари бор эди. Ишдан қувилгандан кейин икки йил адолат излади. Бош суқмаган идора, тақиллатмаган эшик қолмади. Бу орада Миртемир жумҳурият рўзномасига ишга ўтди. Бир куни Йўлдош унинг ҳузурига келди:

-Биз ишонган қайта қуриш “айта кўриш”, яъни гап экан. Ҳамма тепадан келган “меҳмон”лардан қўрқади. Ким билан гаплашмайин “Сиз ҳақсиз, лекин қўлимиздан ҳеч нарса келмайди”, деб айтади, – деди.

Йўлдошнинг шаъмадор гапи Миртемирга таъсир қилди. Вилоят рўзномасида уни ҳимоя қилиб ёза олмас эди. Бу ерда ҳам мушкул, деб ўйлади. Газетамизнинг бошида тепадагиларга хушомадгўйлик зарурияти туғилса анқонинг уруғини ҳам топиб келадиган киши ўтирибди. Ёзганим билан саҳифадан олиб ташлайди. Балки саҳифага етиб ҳам бормас, лекин бу йигитнинг энг сўнгги умиди бу. Кўзлари маҳзунлик қалъасига айланибди, ранги сўлиб, қадди эгила бошлабди. Унинг ўрнига бошқа одам бўлганда тўнини елкасига ташлаб, бирор жойда ишлаб юраверарди. У чекинмади. Нима бўлганда ҳам унинг қўлтиғидан кўтариш керак. Миртемир хаёлларини тизгинлади, Йўлдошнинг икки сумкага сиққан қоғозларини қўлига олди.

“Бир инсон тақдири” сарлавҳали мақоласи тайёр бўлганда, бош муҳаррир ўринбосари Жўрабой ака уни табриклаб:

-Бу “меҳмон”ларимизни типирлатадиган илк мақола. Бугунга қадар ҳеч ким уларнинг мушугини “пишт” деган эмас. Лекин “домла” бу мақоланинг чиқишига изн бермайди, – деди.

-Сизга ёққан бўлса, балки “домла”га ҳам ёқар, – деди Миртемир.

Улар бош муҳаррирни “домла” дейишарди, чунки бош муҳаррир Қаюмов илгари дорулфунунда дарс бергани учун уни тахририятда ҳамма шундай деб атарди.

Жўрабой ака мақолани олди-да, Қаюмовнинг котибига берди. Бир ҳафтадан кейин Қаюмов Миртемирни чақирди. Қаюмов ҳўл ўтинга ўхшарди, устидан керосин сепсангиз бир неча сонияда гувиллаб ёнарди-да, кейин тутай бошларди. Унинг гувиллаб ёнишидан туташа ёмон эди. Чунки кўзларни ачитиб юборарди.

-Хов укам, бошинг нечта сенинг?! – Қаюмов Миртемирни сенсираб гапираркан, у хафа бўлмади. Чунки бир пайтлар дорулфунунда дарсга кирганида ҳаммани “сен”сираб гапирарди ва бунга Миртемир ҳам кўникканди. Қаюмовни одати шу, у ҳатто ёши ўзидан катта бўлса-да ўринбосарини ҳам сенсирарди, чунки уларни талаба ўрнида кўрарди.

-Домла..., – Миртемир нимадир сўрамоқчи бўлди.

-Домлангнинг уйи куйсин!... – Қаюмов Миртемирнинг сўзини кесди. – Ҳозиргина Марказкомдан келдим, Раънохон опанг газетамизга ташаккур билдирди. Нима, сен бошимиздан қайноқ сув қуймоқчимисан? Юқоридан келган ҳар бир меҳмон ҳалол, виждонли, бизга яхшилик истаб келган. Уларни минг марта текшириб бир марта юборишган. Олдинги окахонларинг ҳаммаёқни сичқон уя қилиб, талон тарож этишди. Худого шукур, марказдан юборилганлар адолат калавасининг учини топиб беришди...

Қаюмов тутай бошлаганди. Бу камида қирқ беш дақиқа давом этишини Миртемир яхши биларди. Лекин, нима бўлганда ҳам домла-да. Икки дарсни қўшиб бирданига тугатди.

Миртемир Жўрабой аканинг ҳузурига келганда, уни қаҳ-қаҳ билан қаршилади:

-Домла яхши одам, икки дарсни қўшиб юборади. Талабасини лимон деб ўйлайди. Эзаверади, эзаверади. Ҳечқиси йўқ, уч кундан кейин таътилга кетаяпти, ана ўшанда мақолани чиқариб юборамиз, – деди.

Миртемир Раънохон опадан олинган ташаккурнома сабабини энди англади. Демак, бош муҳаррир Марказкомнинг мафкура бўйича котиби Раъно Абдуллаевадан таътилга изн олган.

Хуллас, кун ботди, ой чиқди бир кун эрталаб газета саҳифасида Миртемирнинг мақоласи кўринди. Бу мақола унинг бошида чақилган ёнғоққа айланди. Ҳар тарафдан тошбўронга тутишди. Вилоят партия қўмитасида ишлаётган ва Йўлдошни бадарға этган “меҳмон” Николай Филлипов башарасидаги ниқоб йиртилганидан талвасага тушганди. Қўл остида ишлаётган Неъматжон Маҳмудовга шикоят ёздириб, Комфирқа иккинчи котиби, “бош

тозаловчи” Анишчевдан “Мухбирнинг кимлиги ўрганилсин” деган ҳукм чиқартирди. Ўшанда Неъматжон Маҳмудов Миртемирнинг ҳузурига келди:

-Менга ёз дейишди, ёздим. Биламан, Ўлдошга ноҳақлик қилинди. Лекин у ҳам яхши одам эмас. Комсомолда иккаламиз бирга ишлаганмиз. У ижроқўмга ўтгандан кейин орамиздан қора мушук ўтди. У мажлисда туман партия қўмитасидагилр пора олишади, дер экан, мақсади порахўрликни фoш этиш эмас, балки мени у ердан четлатиш эди, – деди.

-Нима бўлганда ҳам пора олинган, бу исботланди, – деди ўшанда Миртемир.

Комфирқанинг топшириғи билан уч томондан тафтиш гуруҳи тузилди. Миртемирни “Бобоси босмачилар билан алоқадор” деб айблай бошладилар. Партия комиссияси эса “Бир пайтлар отаси қамалган” деган баҳонани рўқач қилди. Ички ишлар бошқармасида “Машина олувчи одамга ёрдам қилган” деган айбни ўйлаб топишди. Ҳар кун даҳанаки жанг, ҳар кун асаббузарлик. На уйда, на кўчада ҳаловат. Ниҳоят тўрт ойлик текшир-текширдан кейин партия қўмитасида мухбир масаласини муҳокама қилишга мажлис тайин этилди. Мажлисни янги тайинланган биринчи котиб Назир Ражабов бошқарди.

-Мухбирда айб йўқ, – деди у.

Бу гапни айтган Ражабов балoга қолди. Энди уни текшира бошладилар. Ражабов Москвага қадар борди ва Ўлдошни ишга тиклади. Шундан кейин Миртемир Ўлдош билан яқин дўст бўлиб қолди. Бир-бирининг уйига бориб келадиган бўлишди. Миртемир депутатликка сайланганда Ўлдош унинг атрофида гирдикапалак эди. Пойтахтдан шаҳарга қайтса, албатта қаршисида Ўлдошни кўрарди.

-Юртимизда озодлик, бирлик, эрк ғалаба қилади, демократия қарор топади, – дерди у ҳар сафар.

Мана бугун Миртемир унинг ҳузурида. Унинг хонасига киришдан олдин, йўлда Пўлат Мажидовичга рўбарў келиб қолди.

-Олий Кенгаш раёсатининг қарори келди, икки кун бўлди. Машина юриб кетди, – деди у киноя билан.

Ўлдош бўлса “Хабарим йўқ” деяпти. Балки ростдан ҳам беҳабардир? Э, йўқ, умумий ишлар бўлимининг мудир қандай қилиб хабарсиз қолади? Ахир барча хат-ҳужжат унинг қўлига келиб тушади-ку? Ёки Пўлат Мажидович уни чўчитиш учун шундай деди-ми?

Миртемир Ўлдошнинг хонасидан чиқар экан:

-Агар бир нохуш хабар эшитсам, албатта Сизга етказаман, – деди доимий тиржайишини канда қилмай.

Миртемир ўзи сайланган туманга келди. Ҳоким Келдиёр Исроилов тинимсиз сигарет чека бошлади.

-Хонангизда биров сигарет чекса рухсат бермас эдингиз, энди ўзингиз бошлабсиз-ку? – деди Миртемир.

-Э, ўша кундан бошлаб чека бошладим, – деди Келдиёр.

-Қайси кун?

-Сиз ҳақингизда масала кўтарилган кун-да!

-Мени депутатликдан чақириб олиш масаласини бирор-бир ташкилот ёки бирор қишлоқ аҳли кўтарди-ми? – киноя билан сўради Миртемир.

-Қизиқсиз-а, туман аҳли сизни мендан ҳам яхши кўради-ку!

-Ундай бўлса масала қаердан кўтарилди? – атайлаб саволини такрорлади Миртемир.

-Иккаламиз дўстмиз, гап шу ерда қолсин, – деди Келдиёр – Мени Пўлат Мажидович чақирди. Унга Каримовнинг ўзи сим қоқпти. Бу нарса бизга обрў келтирмаслигини, халқ нотўғри тушунишини айтдим. Узоқ гаплашдик. Ниҳоят: “Бўпти, сиз таътилга чиқинг.

Ўзимиз бажарамиз”, деди. Ариза ёздим, қўл қўйди. Гапнинг очиғи хурсанд бўлиб кетдим. Сизни менинг кўлим билан ўлдиришмоқчи эдилар. Олдинги ҳоким билан қанча олишганингизни бутун жумҳурият кўрди. У хоинни туманимиз бошидан узоқлаштиргунча қанча азоб чекдингиз. Буни халқимиз унутмади. Шу боис Пўлат Мажидовичга “Таклифимизни халқ қўлламайди” деб айтдим. У кулди-да, қачондан буён халқдан сўрайдиган бўлиб қолдингиз”, деди. Туманга етиб келмасимдан орқадан Алишер Мардиев ва Йўлдош Суюновлар етиб келишди. Мана шу хонада ўтириб халқ номидан талабнома ёздик, кейин қарор матнини ҳозирладик, ундан кейин пойтахтдан бу масалани кўриб чиқишни илтимос қилиб хат тайёрладик. Йўлдош Суюнов менинг машинамда пойтахтга олиб борди ва ўша куниёқ у ерда чиқарилган қарорни олиб қайтди...

-Ким, ким?! – Миртемир титраб кетди.

-Умумий ишлар мудир Йўлдош Суюнов. Илтимос, ўзига айтманг, “Биз Миртемир билан дўстмиз, энди менга ҳам ёмон кўз билан қарашади”, деяётганди.

Келдиёрнинг қолган гапи Миртемирнинг кулоғига кирмади. Чунки унинг кулоқлари олдида бошқа бир ҳайкириқ жаранглаётганди.

Йўлдош! Қани сенинг виждонинг, иймонинг?! Қани курашчилигинг?! Сендаги дўстлик руҳи қаерга йўқолди?! Сенинг номинг бугун қиличга айланди. Тафаккурим, қарашларим, ишончимни чил-чил айлаган қилич!

Йўлдош! Мен бу тумандаги деҳқон, бригадир, ҳатто мана бу хонага келиб сенинг гувоҳлигингга қарорга имзо оттирилган раисдан хафа бўлмайман. У кураш нималигини, азоб-укубат нималигини, уйқусиз тунлар, адолат, ҳақиқат йўлида жон фидо қилиш нималигини ё билади ё йўқ... Уни манқурт ҳолига солишган, ҳам овози бор, ҳам овози йўқ. Гапиради-ю гапиролмайди, ўйлайди-ю фикрларини қалбига қўмади. Изтироб чекади-ю изтироби билан бирга қоврулади. Лекин сен-чи?!

Йўлдош! Мен Мардиевдан хафа бўлишга ҳақли эмасман. У ўн йиллар давомида суд раиси бўлди. Бу унинг оддий ҳаёт тарзи, дунёни пул деб баҳолади ва ўз мезонига кўра гўё тўғри қилди. Бугун вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари. У ҳали узоқ манзилларга етиб боради. Собиқ бош вазирни депутатликдан қувишда “машъал”га айланди. Лекин ҳеч ким билмайдик, Мирсаидов ўзи ариза ёзиб депутатликни тарк этди. Мардиевлар эса уни “қарсақлар” билан чақириб олишди, унинг ўрнига ўзи депутат бўлди. Мен ундан ранжимайман. Ифлос жамиятнинг энг ифлос чўққиларида юрган бундай “ақлли” кишилардан хафа бўлиш аҳмоқликдир.

Йўлдош! Мен бугун Пўлат Мажидовични ҳам кечирдим. У ҳам бир жаллод. Ҳукм келса, отасининг бошини кесади. У қондан, жирканчликдан сесканмайди. Унинг ҳаёт тарзи бу. Аммо унга ҳам раҳмим келади, чунки бир кун шу Каримовнинг ўзи унинг бошини узади. Шоҳларнинг жаллодлари ҳеч қачон омон қолмаган. У бугунги гуноҳлари ҳаққи ўз ҳуқумдоридан жазо олади.

Йўлдош! Мен ҳатто Келдиёрдан ҳам хафа бўлолмайман. У ҳам ўзига хос шахс. Лекин ҳеч нарсани яширмасдан борини айтди. Ўз виждони олдида пок. Ҳатто “Мен қарши чиқиб ишни ташлаб кетсам ҳам, барибир Сизни депутатликдан чақиривади. Чунки бу халқнинг иродаси эмас, бу Каримовнинг иродасидир. Қарор аллақачон чиқарилган”, деди. У писмиқ эмас, у мақсадини яширмайди. Илгари келганимда эшикка қадар кузатиб қўймаган бу йигит, бугун мана кўчага қадар чиқди. Кетишим учун машина бермоқчи бўлаяпти. Ўтган ой эса учрашувга кечикаётганимизда бинонинг орқа эшигидан қочган бу “пахлавон” бугун ўзини ҳокисор қилиб кўрсатиш билан ўз гуноҳларини енгиллатмоқчи. У мени “дўстим” деб алқаяпти. Унинг мақсади бор: Мени халқ ҳузурига чиқармоқчи эмас. Сухбатлашиб ўтирар

эканмиз, бошқа хонадан кимгадир сим қоқди. У балки сен эдинг, балки Мардиевдир. Сўнг “Тушунинг, халқ билан учрашувнинг фойдаси йўқ. Фақат менга гап тегади. Бутун туман халқи кўлига курол олиб чиқса ҳам бу ҳаракатни тўхтата олмайди. Чунки бу ҳаракат саробдек гап. Қаерда кўриниб, қаерда кўринмаслиги ноаниқ. Ҳозир қонунга кўра, баъзи қоғозлар тайёрланмоқда, эртага эса “Чақириб олинди, тўксон тўққиз фоиз халқ овоз берди” деган қарор ёзилади. Агар эркакчасига айтсам бу ҳам ёзиб қўйилган. Битта иш қолди. У ҳам бўлса белгиланган кун матбуотда эълон қилиш” деди.

У ҳеч нарсани яширмайди. Очиқчасига “Сени ўлдираман” дейди. Ўлишингни биласан, яна бир неча лаҳзадан сўнг “пақ” этиб милтиқ отилади-ю мангу уйқуга кетасан. Негадир бу қотилликдан хафа бўлолмайсан.

Йўлдош! Ҳатто ўша сенлар сиғинган Жўрабековга нисбатан қалбим юмшади. У ҳам Худога эмас, бандага сиғинади. Каримовнинг қаршисида ҳамма вақт боши эгик, тили қисик. Мозорда ётган онасини, уйда ўтирган хотинини ҳақоратласа ҳам жим тураверарди. У худди лавозимларини пуллагандек ўз боласини осонгина сотиб юбориши мумкин. Унда на фикр ва на қалб бор. Унинг виждони пул, иймони мансаб. Жўрабеков, Мавлон, Алимовлардан хафа бўлиш ўзингни беписанд этиш, хор-зор қилиш билан баробар. Улар дунёдаги энг бадбахт одамлар. Уларнинг бугуни бор, у ҳам омонат, эрталари зулмат, келажаклари эса ёлғиз Худога аён.

Лекин сен-чи, Йўлдош? Сен кимсан? Сансираганимга жаҳлинг чиқмасин. Сен дея Йўлдош Суюнов билан эмас, балки йўлдошлар билан баҳс очмоқ истадим. Сендаги адолатга ишонч қачон сўнди? Сендаги курашчанлик руҳи қачон синди?! Сендаги умид дарахти қачон чирий бошлади?! Қачон?! Агар бор ҳақиқатни англаб, сен ҳақсизликка кўниккан бўлсанг, демак миллатнинг тақдири хавф остида. Чунки миллатни ушлаб турадиган илдишлар унинг ботир, қўрқмас, ҳақсўз ўғлонлари.

Жўрабековлар, Алимовлар, Мардиевлар... уларнинг сон-саноғи йўқ. Уларнинг ожизлиги, қўрқоқлиги боис Туркистонни ўрислар босиб олди., қатлиом қилдилар халқни. Улар “Марату”лардир. Ривоятни эсла. “Марату”ларнинг хоинлиги боис миллатнинг тилини кесдилар, шоирларини ўлдирдилар, ёзувчиларини тириклайин кўмдилар, ойдинларини дарбадар этдилар. Шу ойдинларнинг орасидан чиққан “Марату”ларнинг қўли билан. “Марату”ларнинг мансабга садоқати боис миллионлаб ўғлонларни “босмачи” дея тавқи лаънатга қориштирдилар. “Марату”ларнинг одам қиёфасидаги шайтонлиги туфайли халқнинг кипригига қулф, қўлларига занжир, тафаккурига тиканзор солинди. Лекин “Марату”ларни охир-оқибат Чор Россияси ҳам аямади, дорга осди. “Марату”ларни Ленин кечирмади. Очдан ўлдирди! “Марату”ларни Сталин отди, лекин йўлдошлар қолдилар. Нега? Бу қандай синоат?! Бу қандай сир?! Балки асл “Марату” сенсан, Йўлдош!

Энди Йўлдош Суюновга икки оғиз сўзим бор: Сиздан ёрдам сўраб борганим йўқ биродар. Дардлашмоқ истадим. Сиз бор ҳақиқатни яширсангизда, ҳамтовоқларингиз яширмадилар. Лекин нега яширдингиз? Нега жилмайиб туриб алдадингиз? Сизни қандайдир туйғу қийноққа солдими? Агар бор гапни айтганингизда... Йўқ, сиз мени яхши билардингиз. Мен мансаб учун дўстини сотганлардан ҳазар қиламан! Раҳбарга садоқатли кўриниб, биродарларидан кечганлар билан суҳбат куришдан ор қиламан! Шу боис ҳам яширгансиз, Йўлдош Суюнович!

Сиз қўлда қилич билан мен сайланган туманга боргансиз. Кундага менинг бошим қўйилганди, курашлардан тиззалаб қолганингиз кўз олдингизга келди-ми? Икки йил сарсон-саргардон юрганингизни эсга олдингиз-ми? Ёки шу ҳолат сизга қилич кўтариш учун куч берди-ми? Лекин сиз ўша пайтда ёлғиз қолмаган эдингиз-ку?

Ўх, қилични урдингиз! У менинг бошимга эмас, умидимга, ишончимга курашимга санчилди. Мен ўзимнинг бугунги ҳолатимни енга олмасам, қачондир қайсибир Йўлдош адолатсиз чорраҳада ёлғиз қолади. Балки бу ҳолатимни енгсам, мен қўллаган Йўлдошлар қачондир Миртемирларнинг бошини кесар! Кўрдингизми, нима қилиб қўйдингиз, Йўлдош Суёнович!

Азалдан кишилар дўстларнинг хиёнатидан озор чекканлар. Нафақат кишилар, балки бутун жонзотларни ана шу дард қийнайди.

Бирдан Миртемирнинг ёдига “Хонбалиқ” ҳақидаги ривоят тушди:

РИВОЯТ

Энди уруғдан чиққан икки хонбалиқ тоза сувда гоҳида сакраб, гоҳида “учиб” ўсишарди. Нохос келган оқим улардан бирини ўз қомига тортди. Уни шўр сув – уммонга олиб бориб ташлади. У шиддат билан орқага урди ўзини, тўлқин уни қайта улоқтирди. У сув остида ортга сузмақчи бўлди, меҳнатлари зое кетди. У энди сакраб-сакраб оқимга қарши суза бошлади. Шариллаб оқаётган сув уни тошларга урди, боши зада бўлди. Яна шўр сув – уммонга бориб тушди. У куч тўплаб ортга қайтди. Гоҳ тошга урилди, гоҳ ортга улоқтирилди.

Вақт унинг фойдасига ишларди. У чиниқарди ва куч йиғарди, улғаярди. Ниҳоят у шиддатли оқимни, изтироб ирмоқларини аста-секин енга бошлади. Узоқ курашлар, олишувлардан сўнг ўзи пайдо бўлган мусаффо кўлга етиб келди. Сакраб, сув сачратиб ўйнади, қувнади, сўнг дўст-ёрини қидирди. Излаб-излаб топди. Дўсти ундан қочди. У қанча яқинлашмасин дўсти шунчалик қочиб кетаверди. Сўнг у катта куч билан ўзини тошга урди. Ўлмади. Яна бориб урди. Яна... яна... Уни сув қирғоққа олиб чиқиб ташлади. Шунда дўсти ҳам унинг ортидан бу ҳолни такрорлади.

Бу икки балиқ қолган балиқлар фалсафасидан йироқда эдилар. Думингни ликиллатсанг илгари кетасан, деган қонидани қабул этмагандилар. Балки шунинг учун уларнинг номлари Илонбалиқ эмас, Чўтирбалиқ эмас, уларнинг номи Хонбалиқ!

Миртемир тумандан орқага қайтар экан, кўлини силкаб қолган Келдиёрнинг ғира-шира қиёфаси Йўлдошнинг қомаи билан қоришиб кетди. Қишнинг сўнг кунларидаги суякларни кемирувчи хирчин шамол деразадан шиддат билан ичкарига урди-ю Миртемирнинг хаёлларини олиб кетди. У машинанинг ойнасини бекитар экан, худди ўтган кунларига парда тортгандек кўнгли бўм-бўш эди. Бу бўм-бўшликни тўлдирадиган қувғинлар ҳали олдинда эканлигини сезса-да шу дамда бу ҳақда ўйламасликка уринарди...

(УЧИНЧИ КИТОБ ТУГАДИ).